

# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ - ОЙНОМАСИ

---

5 ' 1992

61-йил чиқиши

*Бош муҳаррир:*

**Ўткир ҲОШИМОВ**

*Тахрир ҳайъати:*

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**

*(Танқид ва адабиётшунослик  
бўлими мудири)*

**Мурод МАНСУР**

*(Наср бўлими мудири)*

**Омон МУХТОРОВ**

*(Бош муҳаррир ўринбосари)*

**Икром ОТАМУРОД**

*(Назм бўлими мудири)*

**Носир ФОЗИЛОВ**

*(Масъул котиб)*

**Алиназар ЭҒАМНАЗАРОВ**

*(Мақоланавислик бўлими мудири)*

**Асқар ҲАЙДАРОВ**

*(Мерос ва қадрият бўлими мудири)*

---

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА  
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ

«Андижонни ётқизиб-турғизадиган Миркомилбой хамманинг оғзида эди. У ўттиз миллионга қурби етадиган тўртта завод, етти юз десятинадан ортиқ ерсув эгаси бўлиб, шаҳардаги чор амалдорларию маҳаллий бойлар югурдаклари қаторида юришарди. Миркомил улардан каттароқлар билан гаплашар, майдаларни сариқ чақага ҳам олмасди». (Комил Яшин. «Ёднома»).

Тарихчи Акмал Акром ва ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг Миркомилбой ҳақида баҳс юритган мақолалари билан ойномамизнинг 89—101 бетларида танишасиз.

*Юртим, куйрасан шарқона-шарқона,  
Мен чидолмасман, девона-девона,  
Ўсган бўлсам-да ғарбона-ғарбона,  
Кўкрагингдан тутолмаганим бўлсин...*

*Олиб кетолмасдан ғариб бошимни,  
Тупроғингда юмолмасдан кўзимни,  
Ёш боладек етим қолган руҳимни  
Остонангдан узолмаганим бўлсин...*

Олмонияда яшаётган миллатдошимиз Темур Хўжанинг Ватан соғинчи, юртга меҳр билан йўғрилган шеърларини 184—186 саҳифаларда ўқийсиз.


---

ЖАМОАТ КЕНГАШИ: Неъмат АМИНОВ, Саид АҲМАД, Бўрибой АҲМЕДОВ, Машраб БОБОЕВ, Эркин ВОҲИДОВ, Хуршид ДАВРОН, Мирзо КЕНЖАБЕК, Салоҳиддин МАМАЖОНОВ, Мурад МУҲАММАД ДУСТ, Тўлан НИЗОМ, Умарали НОРМАТОВ, Гулчеҳра ПУРУЛЛАЕВА, Жуманазар САЛАЕВ, Муҳаммад СОЛИХ, Хайриддин СУЛТОНОВ, Улмас УМАРБЕКОВ, Шукр ХОЛМИРЗАЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Бобоҳон ШАРИПОВ, Ислоҳ ШОҒУЛОМОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Ҳамид ҒУЛОМ, Раҳмон ҚУЧҚОРОВ.

---



Даро оғонимиз  
турсун



Кыркор Нопкобун

*Сен у ёқдалигингда отанг шўрлик чўкиб қолди. Бир куни сендан хат келганда устунга суюниб ўқиди. Кўзлари ғилтиллади. Бизни кўрмасин, деб ичкарига кириб кетди. Эркакнинг йиғлагани ёмон бўларкан, болам. Шундан папиросга ҳам ружу қўйди...*

(Аммамнинг айтгани)

Уруш мурдалардан ҳайбатланади. Қонни севади. Руҳингга карахтлиқ тамғасини босади. Дийдангни қотиради. Шунда сенда шубҳа туғилади: кўксингдаги тоғми ё... Уруш ҳеч қачон ўзини оқлай олмайди. Айниқса, Афғондагиси. Қалтис сийсатнинг қайроғидан ўткирлашган ойболта янглиғ тириклик иллизини кесиб лаззатланаверади. Илоё, томирига ўт тушсин урушнинг. Мен Афғонни қазилган ўрага ўхшатаман. Унда сену биз ётибмиз. Бу урушнинг «ижодкор»лари тепамизда нури сўнган нигоҳимизга қарашга ботинолмай туришибди энди. Кўллариди белкурак. Кўмай десалар, кўзларимизга тупроқ ташлашдан кўрқишади...

\* \* \*

Мен отамни йиғлатган, онамни кексайтирган уруш ҳақида ёзмаслигим нечоғлик оғирлигини ҳис қилган ҳолда бу ишга қўл урдим. Икки йиллик талотум юрагимга тиф бўлиб санчилаётган кунлар хотираси жонлантирган воқеалар, ўзим каби кимларнингдир кўз қораси, суюкли фарзандлари билан кечган дамларим, айримларига қонгоҳлардан қайтиш насиб этмаганлиги боис, уларнинг руҳи ҳаққи ҳам баҳоли қудрат қоралайин, дедим.

†

Келганимизга бор-йўғи икки ой бўлди. Хануз бизни жангга олиб чиқишгани йўқ. Қисм ички ҳаёти билан танишув имконини беришяпти чамамда. Кўз қотиб, у-бу нарсани эшитиб, шароитга мослашишимиз учун жудаям зарур эди бу. Қиш кунлари бўлганлиги сабаб, саф майдонида қор кураймиз, ошхонага хизматга юборишади, озиқ-овқат омборидан иш топилиб қолади. Хуллас, ғимир-ғимир. Қисм эса тинч ва осуда, янги келганлардан бошқа дярлик ҳамма аллақасерларга жангга кетган. Зобитлар ҳам санокли қолган. Яъни, полкда фақатгина хўжалик ишлари билан бандлари. Очиғи, уларнинг кўплари уруш кўрмаган, номигагина Афғонда жанг қилишаётганди. Тағинам бизнинг олдимизда керилиб-серилишига ўлайликми. Айниқса, аскарлар ошхонаси хўжайини прапоршчик Ничмоняннинг: «Бу ерни Афғон дейдилар. Тузалмасанглар ҳаммаларинг ўлиб кетасан, лапашанглар», дея ўдағайлаши ҳам дастлабки кунлардагидай кўрқинчли туюлмай қолди.

Ничмония эслатмаса ҳам, Афғондалигимизни билиб турардик. Қазармалар бир тусдаги қалин панел деворлар билан тикланиб, сарик бўёқ чапланганди. Баъзан уларни ажрата олмай ўзимизники қолиб бошқа роталарга ҳам адашиб кириб кетавардик. Полкнинг қунчиқар томонида Қобул шаҳри бинолари кўриниб турар, шимолда эса қишлоқ билан сарҳадланарди. Бошқа тарафлар тоғлик. Шу боис полк чегарасидан беш юз-олти юз қадам нарида айланасига қузатув нукталари қўйилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида танк ёки «БМП—2»лар<sup>1</sup> турарди. Улар ҳечам жангга чиқимас, тўсатдан бўладиган ҳужумларга шай турарди.

Ҳар куни ошхонага идиш-товуқ ювиш, омборхонадан озиқ-овқат ташишга бораверишдан кўра хавотиру қизиқиш аралаш ҳақиқий жангга боришни афзал кўраётгандик.

<sup>1</sup> Пиёдаларнинг жанговар машинаси

#### ТАҲРИРИЯТДАН:

Совет қўшинларининг Афғон тупроғида олиб борган уруши, бегуноҳ қурбонлар ҳақида, қўшин орасидаги шафқатсизликлар, алданган ёш қалбларнинг изтироблари ҳақида матбуотда жуда кўп мақолалар, долзарб чиқишлар эълон этилди. Мақолаларнинг баъзи бирларида бу урушни оқловчи, гуноҳларни юмшатовчи оҳанглар, «шўрави»ларни «савр инқилобининг ҳимоячилари» деб атаган мақтовлар устунлик қилган бўлса, баъзи мақолаларда бу урушнинг босқинчи-тажовузкорлик руҳи, шармандали томонлари рўй-рост очиб ташланди.

Адабиётимизнинг энг кенжа авлодига мансуб шоир ва адиб Қўчқор Норқобил — ўша Афғон урушида иштирок қилган, воқеаларни ўз кўзи билан кўриб келган жангчилардан бири. Қўчқор ўзининг илк йирик асари — «Дарё ортидаги йиғи» хотира-қиссасида машғум урушнинг изтиробли асоратларини, даҳшатларини қаламга олади, уруш воқеаларини, турли найрангларини, ёш жангчининг чуқур, самийий изтиробларини бадний идрок қилишга уринади. Таъбир жоиз бўлса, бу хотира-қисса ўзбек адабиётида «Афғон уруши»га бағишланган қалдирғоч асарлардандир. Шунга кўра ҳам, биз асардаги муаллиф услубини, тил хусусиятларини, аскарый лаҳжани иложи борича тўлароқ сақлаб қолишга ҳаракат қилдик.

Ким биледи, нисон ҳаминша ўз олдида содиру муқаррар воқеаларни кўришга шошиларар?

Эрталабдан саф майдонида урушга чиқмаган мундирли хўжайинлар бизни ишга бўлаётиб, полк кетган жойдаги аҳвол ҳақида қисқача ахборот беришарди. Бошқаларни билмадим-у, бунақа пайтлар менга титроқ тушарди. Шу тинчгина ҳаётга, бамайлихотир зобитлар галасига қараб, қаердадир шу полкнинг аскарлари ўлаётганига ишонмасдим.

Полк жангдан қайтишига икки кун қолганда биз — янгилар, яъни «салага»ларни қоровулга юборишди. Қоровулхона қисм жанубида жойлашганди. Биринчи марта совут ва каска кийдим. Истаганча ўқдон олсам бўларкан. Буни устига ўқ-дори ҳам текин.

Полк теграсидаги ҳар бир кузатув нуктасида учтадан аскар алмашиб туради. Кимдир ҳали кўрмаган ўқ-дори омборига, яна ким ёнилғи сақланадиган жойга, биров техника паркига тушди.

Қоровулхона гауптвахтасида иккита «дух»<sup>1</sup> камалганди. Уларни кўришга қизикардим. Кечаси маҳбус эшиги олдига келиб уч-тўрт марта мўраладим. Гауптвахта бетондан қурилганди. Зим-зиё ичкари жудаям совук, йўлакка киришинг билан қўланса хид димоғни ёради. Худди ахлатхонага ўхшайди.

Бу ердаги ҳар нарсга қизиқиб, синчилик қилаётган қоровул бошлиғи, ёшгина лейтенантнинг ҳам Афғонга келганига уч-тўрт кун бўлганди. У ўзини жуда муҳим ҳарбий топшириқни энг оғир вазиятда бажараётгандай ҳис қиларди. Кечаси билан сменаларни жўнатаётиб, ўқдонларни қайта-қайта текширар, хушёрлик ҳақидаги сабоғини қанда қилмасди. Бунинг устига уёқдан-буёққа юраркан, бетиним чекарди. Гоҳида қоровулхона тўрига, ўз хонасига кириб олиб, тўппончасини артар, ўқларни ситиб олар, тагин жойлаштирар, худди кинолардагидай оёқларини чалиштириб, стулда ястаниб олган кўйи қўлидаги қуролни айлантираверарди. Бу менинг кулгимни кўзғатаётганди. Зобит дегани сал босикроқ бўлмайдами?..

— Аскар!!!

— Мен, ўртоқ лейтенант!

— Егулик опкелишдимми?

— Худди шундай, ўртоқ лейтенант!

— Ҳозир, сен билан бирга анавилар олдига овқат олиб кирамиз... — у духларга ишора қилаётганди.

Эшикларни шарақлатиб очдик. Орқарокда қурол ўкталиб турдим. Қоронғу ва зах хонада ҳеч ким кўринмасди. Ичкари шунчалик сасиб кетгандики, қайт қилгим келди.

— Тур ўрнингдан! — кичқирди зобит.

Нимадир кимирлади қоронғуда.

— Йўлакка чиқ!

Соч-соқоли ўсиб, қоқсуяк юзига яра тошган маҳбус йўлак ёруғида деворга суяниб қолди. Унинг зимистонга кўниккан кўзлари ичкарига қираётган ёруғликдан камашарди.

— Утир! — оёғи билан ер тепди лейтенант.

Маҳбус чўқаётиб тиззалари қалтираётганини, зўрға ўз вазини тутиб турганини сездим.

Унинг олдида эрталабки нонуштада аскарлардан қолган балиқ қилтаноғи ва нон ушоқлари аралаш картошка кўйдим. Маҳбус кўзини идишдан узолмай, кимир этмасдан ўтирарди. Зобит овқатни унинг ёнига оёғи билан сурди. «Дух» икки қўллаб идишга ёпишди. У бош кўтармай овқатланарди. Ҳар эгилганда елкасидан бўртиб турган қоқ суяклари уни янада аянчли кўрсатарди. Зобит сигарет тутатган кўйи тик турар, қизиксиниб термуларди. Унга бу ҳолни томоша қилиш ёқаётганди. Мени эса тезроқ чиқиб кетгим келар, лекин анави керилма хўрознинг измидалигим учун иложим йўқ эди.

Зобит филофидан тўппонча чиқариб, унинг тумшугига тиради.

— Қани тур... Овқатланиб бўлгандирсан, душман. Ҳозир сен билан суҳбатлашамиз...

Душман унинг гапини тушунмасди. Зобит қўли билан «тур», деб ишора қилди.

— Душманмисан?..

— ...

— Шўравини ёмон кўрасанми?

Маҳбус дағ-дағ титради.

— Хўш, нечта шўрави отдинг?

Шўрави сўзини эшитгач, душман сергак тортди. Дағ-дағ титраб кичқирди:

— Дўст! Шўрави дўст!

— Нима деди? — менга қаради зобит.

— У отмапти ўртоқ лейтенант, у бизга дўст эмиш.

— О-о-о! Оббо ит-эй.

Зобит кеча келганига, ҳали қоровулхонадан бошқа ерни кўрмаганига қарамай, ўзини афғон жабркаши, гўё кўп жангларда қатнашган, уруш кўрганлардек тутарди. Бу менинг гашимга тегмоқдайди.

<sup>1</sup> Шўро аскарлари афғонларни шундай деб аташган.

— Эй, душман! Сенларни жангда отиб ташлаш керак. Қанжиқлар!!!  
Зобит уни эрмак қила бошлади. Қўли билан ишора қилиб, холдан тойгунча ўтириб турғизди. Маҳбус кўзлари чикқудай бўлиб бизга термулар, бўйни елкаларига қисилиб борарди. Озғин ва нимжон қўлларини юзига яқинлаштириб, бакириб йиғлай бошлади.  
— Е Оллох! Е Оллох!!!  
Афтидан, калтак еявериб безор бўлиб қолган. Ҳар бир ҳаракатимиздан учиб тушарди. Чидаб туролмадим. У эса ерга юзтубан бўлиб чинқиряпти: «Е Оллох! Е Оллох!!!»  
— Отиб кўя қолинг, яхшиси! Еки ўзим...  
Зобит ялт этиб қаради. Сергак тортди. «Ҳузурбахш» ўйинга чек қўйилди. У менинг бу саъй-ҳаракатдан норозилигимни фаҳмлаганди.  
— Тентакмисан, аскар, кирит ичкарига!  
Маҳбус ортидан шарақлаб ёпилган темир эшик илгагига каттакон кулф осилди. Кузатув нуктасидан қайтганимдан сўнг қоровулхонадаги аскарлар, душманнинг ўзбекчани билишини айтишди. Зобит украин йигит билан ичкарига кириб яна қийнабди. У душманнинг афт-ангори, хатти-ҳаракати ҳақида ҳаяжонланиб гапираётганди.  
— Сенинг юртдошинг,— деди у кинояомуз.— Бухородан экан, ўзбекчаниям билармиш.  
Тушлик овқатни яна мен киритдим. Зобит дам олаётган эди. Эшикни очишим билан ичкаридан ихраган овоз эшитилди.  
— Чиқинг буёққа. Овқатланинг.  
Овоз тинди. Хлор ва сафро хидига базўр чидардим.  
— Чиқинг. Овқатланинг. Истамасангиз қайтариб кетаман...  
У эшикка суяниб турарди. Юзидан қон сизади. Қабоғи ёрилиб кетган. Соч-соқоли кип-қизил. Чайқалиб йўлак ўртасида ўтириб қолди. Олдига косани қўйиб, ташқарида турдим. Унинг бошида туришга ҳожат йўқ эди.  
«Беш дақиқа ўтар-ўтмас ичкариладим. У бош кўтармай ўтирибди. Овқатга қарамабди ҳам.  
— Ўзбекчани биласизми?  
У бош силкиди.  
— Чиндан душманмисиз?  
Индамади...  
— Бухорога борасизми?  
Бемажол қўлларини ерга тираб туришга шайланди. Танаси бир томонга босиб, қўли майинди. Енбошига йиқилди. У жудаям енгил эди. Турғазиб қўйишга қийналмадим.  
— Мен душман эмас! — калтирай бошлади у.— Бобом бухоролик ўтган. Айт, мени уришмасин. Ўлдиришмасин. Ойлам Ҳиротда. Бешта болам бор. Барибир ҳукумат уларни боқолмайди.  
Ҳаддан ошиқ жирканиб, ташқарида турган сержант ўдағайлади:  
— Бас кил, Қўчқор, қама энди.  
— Ҳали овқат емабди.  
— Вой, ит эмган. Унга ўзим едираман.  
У йўлакдан шахдам одимлаб, маҳбус ёнига келди. Сержант қўл урилмаган косани олгани ҳамона у юзини беркитди. Сержант ғужанак танасига зарб билан тепди. Ағдарилиб тушгач, шўрвани юзига сепди.  
— Ердамлаш, иргитайлик.  
Жойимдан жилмадим. Ўзимда на ачиниш, на ғазаб сезардим.  
— Сенга айтяпман, овсар. Тез бўл!..  
Мен оёғидан, у қўлидан ушлаб зах хонага ташладик. Сержант бамайлихотир чиқиб кулф урди.  
— Ҳайвондай бераҳмсан...  
— Хей жўжа, ҳали бир-икки марта урушга чик, кейин биласан.  
Сержантга ортиқча гап қилмадим. Унинг қайси бир жангда оғир яралангани ҳақида эшитгандим. Шундан бери хизматни полкда ўтаркан. Икки-уч ойдан сўнг эса уйига қайтади.

## II

Икки-уч марта қисқа муддатли ҳарбий юришларга чикдик. Унчалик отишма бўлмади ҳисоб. Гардезда бир кишлокни тозаладик. Иккита пулемёт, мақтанса арзигулик ўқдори топдик. Жалолободдаги Қоратоғда беҳуда уч кун юрдик. Саланг йўлида истеҳкомда турдик. Шу тарика урушининг унча-мунча машқини ола бошлаган эдик.

Баҳор кирди. Бу орада ротадаги кўпроқ муддат хизмат қилганлар билан ҳам танишиб олдик. Баграмга тайёргарлик кўриларди. Душман қисмимизга қарашли иккинчи батальон жойлашган нукталарни яқсон қилибди. Ахён-ахёнда кучли тўқнашувлар юз бериб турарди.

Кутилган кун келди: тунда қисмдан чиқиб кетишимиз зарур. Ҳарбий тўрваларга уч кунлик озик-овқат, ўқ-дори жойладик. Казарма ичи ашқол-дашқолларга тўлиб кетди —

бўшаб қолган яшиқлар, қоғозлар уюми. Унда-мунда граната ва мушаклар сочилган. Тўрвага сиғмайдиган нарсаларни аскарлар каравот, тўшаклар остига бекитиб ташлашди. Агар командирлар кўриб қолгудай бўлса гаранг қилади, барибир уриб-сўкиб олдиради. Яхшиси кўздан панага тиқиш керак. Муҳими, озик-овқат кўпроқ бўлсин. Уқ-дори машиналарда ҳам тиқилиб ётибди. Зил-замбил юкни кўтаришнинг ўзи бўладими?..

«Қария» аскарлар анча эпчил чоғи, аллақачон ишни ҳал қилиб, ечинмасдан каравотга чўзилишган. Фақатгина мен каби, ёлчителиб жанг қилмаганлар ҳар нарсага қикисиниб, дуч келганини тўрвага уради.

— Бунча куйиб-пишмасанг. Ёт энди, -- деди ёнимда ётган Рашид.

— Озгина қолди.

— Жуда қизиксанлар... Ҳали бадларинггаям уради. Мен ҳам энди келганимда сендай эдим, ҳатто биринчи рейдга икки бронжилет олиб борганман. Ажал етса, қочиб кутулмаслигини ўйламабман.

Кўзим илинган экан. Чўчиб уйғондим. Полк штабига -- томига ўрнатилган қарнай, тун қўйини ваҳимага солиб даҳшатли вангиллагани ҳамано ҳар бурчакда тасир-тусир бошланди.

— Ротааа!!! Тревога!!! — рота командирнинг қичқиригига сержантларнинг ҳам чийилдоқ, дўрилдоқ овозлари эш бўлди...

Менинг юкимни кимдир кўтариб кетибди. Дуч келганини мен ҳам елкаладим. Дуруст... Ўзимниқидан анча енгил.

Чироқлари кўриниб турган техникалар тизилган майдонгача ҳалослаб югуриб бордик. Улар жўнашга шай, гуруллаб турарди. Ҳар қайси взвод ўзига қарашли БМП-2 га жойлашди. Ҳеч вақт ўтмай йўлга тушдик.

Колоннанинг учи-куйруғи кўринмасди. Кобулни оралаб ўтаётганимизда, пастқам бинолар кўримсиз, лекин дунёнинг етти иқлимидан келтирилган буюмлар билан лик тўлган дўконлар олдида, дўкандорлар мўлтираб туришар, уйқусини ҳаром қилган «кесиксизлар» гўрига гишт қалаётганди. Шаҳар зир титрарди гўё. Техникалар тутунига тўлган марказий кўча атрофида тизилган, чироқлари ёник уйчалар деразасидан одамлар ҳайрату кўрқув аралаш қараб туришарди. Шўравининг кўпол ва қудратли танқлари олдида чиқишга ботинолмаган шаҳарлик ҳайдовчилар машиналарини йўл четида тўхтатишган эди.

Тонгги ғира-ширада Баграм вилоятига кириб келдик. Олдиндан хавфсиз деб белгиланган жойда тўхтадик. Энди харитада кўрсатилган нукталар бўйича ротама-рота ҳаракат қилишимиз зарур эди.

Атрофда жимлик. Баграмда бошқа вилоятлардаги каби қалъалар кўп экан. Улар энди оқараётган тонг қўйнида жудаём салобатли ва сирли кўринади. Сукутдан этинг жимирлайди. Аллақандай, ҳали сенга номатълум, лекин бўлиши муқаррар ваҳима ҳоким. Дилинг бетаскин. Қалбингда гулу. Хавотир ҳар дақиқа хуруж қилаверади. Бўлажак хавфу хатар олдида шайланиш нақадар оғир кечади.

— Ҳандақ қазинглар, — деди тун бўйи онда-сонда алоқадаги чакирувга жавоб берган, лекин бизга чурқ этмай келган взвод командирини.

Бўлима мудофаага киришди. Ҳар ким ўзига ётиб отиш учун ҳандақ қазий бошладди. Белкуракнинг қаттиқ ерда тақиллагани, ҳаракат эвазига сувдонлардаги сувларнинг чайқалиши, оғир-оғир нафаслар эшитилади. Биздан ўн-ўн беш қадам наридаги кўргонда афгон армияси байроғи кўриниб турарди. Шу бизга озроқ илинж берарди. Ҳарҳолда улар бор, бу ерларда душман изғимаса керак.

Ишлар меъёрига етгач, командирнинг кўнгли тўлди чоғи, овқатланишга руҳсат этилди. Қоғоз кутичалар очилди.

Уларда аскарини кунлик овқат — темир идишларда гўшт, картошка, боршч ҳамда узум суви, окканд, куюк сут, нонқоқи бўларди. Ҳарҳолда тузуккина тамадди қилишга арзийди. Олов ёкилди. Қозончалар осилди. Уч-тўрт жангчи ўтин тергани кетишди. Сигарет олгани машина ичига кирганим заҳоти борлиқни қаттиқ портлаш тутди. Назаримда, ер силкингандай эди. Кимнингдир даҳшатли чинқириги эшитилди. Ташқарига отилдим. Енгинамиздан қора тутун кўтарилар, чанг-тўзон ичида уч-тўрт аскар уймалашарди.

— Ҳеч ким жойидан жилмасин! Қимирламаглар! -- дея командир буйруқ берди...

— Кўчқор, ҳамма жой миналаштирилган! — Машина тагидаги Юранинг раиғида қон қолмаганди.

Портлаган жойга қандай борганимни билмайман... Чуқурча ёнида бир оёғи чўрт узилиб кетган Вася дунёни бошига кўтариб додларди. У яримжон танасини уёқ-буёққа ташлаб, боши билан ер чизар, чидаб бўлмас аянчли аҳволда эди. Нималар деяётганини тушуна олмадим. Командир зудлик билан қон сизмаётган жойига игна санчиб, оғрикни қолдирувчи суюклик юборди. Ярадор кўп ўтмай тинчиди...

Сапёрлар ротасидан взвод билан бирга чиққан зобит Васянинг танаси, қондан шалаббо бўлиб кетган иштонини ушлаб, лабларини тишлаган ҳолда бош чайқади.

— Бўлиши мумкинмас...

— Нима деганинг бу, — сўради командир.

— Минани айтяпман...  
— Тушунмадим.  
— БМТ<sup>1</sup> тақиқлаб қўйган мина ишлатибди.  
— Нахотки?!  
— Бунга тушганларнинг юздан биригина насл қолдиришади. Тўғридан-тўғри ту-  
хумни йиртиб кетади.  
— Уни ҳам?..— ишора қилди командир.  
— Афсус...  
— Қанақасига, Сёрега, ахир... бу даҳшат-ку.  
— Кўраяпсан-ку. Аскарнинг иштонига қара.  
— Ҳей, онангни фалон қилайлар. Ҳайвонлар! Ҳаром тукинггаям алишмаслик  
керак уларни.

Ўздан кетган Васяни машинага ортдик. Жангчилар дорда юргандай ҳозиргина юрган ўз изларидан қадам босишарди.

— Витя, бу ерда туриш мумкин эмас. Алоқа орқали хабар қил,— деди сапёр лейте-  
нант Ермилинга.

— Нега ановилар бизни огоҳ этишмади? — лейтенант ёнимиздаги сарондай-  
лар<sup>2</sup> кузатув нуктасига ишора қилди.

— Ий, барини уларнинг... Қаердан биласан, балки ўзлари қўйишгандир.

— Ишониб бўлмайди уларга. Барибир бизни ёктиришмайди-ку.

Вася тиббий бўлмига жўнатилди.

Тутаётган уюқ ер олдида ётган, нималигини англаб бўлмайдиган, бизга маълум ярим оёкни кўмишга фақат сапёр зобит журъат қилди.

Нонуштаси заҳарга айланган жангчилар эс-ҳушини йўқотиб қўйди. Энг ёмони руҳан зарба емоқда эдик. Ҳеч қанақа отишмасиз, оғир аҳволда қолдик. Худди кўзи кўр одам сингари талмовсираш жудаям аянчли эди. Бир қадам хато юрсак, портлаймиз. Танамиз тилка-пора бўлади, наслимиз қуриydi. Бу --- шармандали урушнинг яна бир шармандали кўриниши, инсон ҳаётининг сарик чақага ҳам арзимаслиги, хўрлик устига ҳақорат муҳрининг босилиши эди.

Биз эгаллаган ерга мина зарядлари сочилганига шубҳа қолмади. Бир томча жойни сингчўп тикиб айланган сапёр еттига мина топди. Бунақада ҳожат чиқариш учун ҳам жилишга кўрқасан. Бизга нисбатан руҳий кўрашнинг энг олий йўлини топишганди.

— Яна кимнингдир шўри қуримай, тезроқ кетайлик...— сўкинди сапёр.

— Қомбатга алоқада маълум қилдим. Биринчи бўлинма ҳузурига қайтишга рух-  
сат берди.

Лейтенантнинг гапи ўз ҳандақлари ёнида ҳадиксираётган жангчилар кўнглига осойиш берди. Зум ўтмай қайтган машинага ҳамма юк тўрваларини ортди. Қозончалар-  
ни олишга қимтинган аскарлар гулханлардан кўз узолмай машина устида ўтиришарди. Эгасиз қолган жанг тўрвасига ҳали очиб улгурмаган, ўтинга кетган аскарнинг қулиқ овқати, темир идишларини солиб қўйдик. Саккиз кишилиқ бўлинма билан келган БМП-2 да етти нафар жангчи ўтирарди. Машина оғир силтанди.

— Менга алам қилаётир, иложи бўлса анавиларнинг кўрғончасини яксон қилсак эди. Қара, бизни хуш-хушвақт кузатишяпти. Қорамиз ўчгунча дурбинда кузатиб ҳам туришади, деди Юра ёнимиздаги афғон аскарларининг кўрғонига ишора қилиб.

Иккала зобит ҳам ўзини эшитмаганга олди.

— Истаган жойга бурнимизни тикаверсак бундан баттари бўлади,— қўшилди сержант йнгит.

Зобит бизга маҳзун термилди. Сапёр босиб-босиб тутатарди.

— Ўртоқ лейтенант! Ҳозир биз кетаётган машина минага тушиб, баримиз ўлиб кетсак, иттифоқдагилар нима деб хотирлашади,--- киноя билан сўради Андрей Бочкарёв.

— Албатта, оғир жанглarning бирида портлаб кетишди, қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар, жасурлик кўрсатдилар, дейишади,--- деб кесатди украин Юхумук.

Командир бош эгди. Гапимиздан изтироб зоҳир юзида қаҳрли жилмайиш пайдо бўлди. Бу йиғи билан баробар эди.

— Юра, ўйлаб кўр-а, ўз уйида тўполок қилган болакайни етти ёт бегона бўлатуриб сен дўппослайверсанг, ота-онасининг қаҳри келмайдими? Минг қилса ҳам жигарбанди. Ўз пушти камаридан яралган арзандасини сенсиз ҳам ўзлари таъзирини бериш қўлидан келмаса-да, бир амаллаб инсофга қақираар...

Биз шоир деб ҳурмат қиладиган Кузменко бу гал ҳам ҳақ гапни айтган эди.

Машина буруқсиган тутун қолдириб, ечимсиз саволлар юкидан зўрға олға сил-  
жир эди.

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

<sup>2</sup> Афғон аскарлари



Афгон баҳори ҳам ўзимизникидай бўлади. Қисм атрофидаги ўрикзор оқ гулга бурканган тиниқ кунлар бошланди. Яқинимиздаги қишлоқда болаларнинг қий-чуви эшитилар, хавони тўлдириб варраклар учарди. Гўё бу ерларда уруш бўлмагандай...

Биз баҳорни ҳеч қанақа рейдсиз ўтказишни истардик. Начора. Уруш ҳеч нарса билан ҳисоблашмайди. Ҳарҳолда бу ерга курортга келмаганимизни ҳис қилардик. Шу боисдан баҳор ҳам омонат эди.

Штабдан икки-уч кундан сўнг Чорикорга «сафар» қилишимиз ҳақида хабар келди. Жангчиларни яна ваҳм босди. Негаки, у ёқда вазият нечоғлик танглиги, бизни «яхши-лаб»гина «меҳмон» қилишлари сир эмасди. Неча-неча жангларда Чорикордан олдинлари энг оғир талофат ва йўқотишлар билан қайтганини билардик. Энг кўп қурбон ўша ерда бўлади. Чорикорни Афғоннинг «оловли нуктаси» дейишарди.

Юриш тагин тунда бўлди. Кобулдан чиккач, кенг ялангликда тунадик. Доира шаклида қуршалган «оромгоҳ»да гитаралар тилга кирди. Гулханларнинг олов тили рақс айлади. Тонгга довр жангчилар кўшиги тинмади.

Юлдузлари сергак Баграм осмонига термулиб ётарканман, ашулачи Юранинг ўлим, жанггоҳ ҳақидаги кўшиқларини кўнглим сув бўлиб тинглардим.

Назаримда, Юра айтаётган воқеа худди бизнинг ҳам бошимизга тушадигандай эртага.

— Мўмин?!

— Нима?

— Худога ишонсанми?

— Мен ҳар куни худо дейман. Ўлмайин, омон-эсон қайтайин дейман... Ўзинг-чи?

— Мен ҳам.

— Афғондан қаҳрамон бўлиб қайтишни истайсанми?

— Ордени бошини есин афғоннинг. Кўрмасак ҳам, куймасак ҳам яхши бўларди. Эрталаб Чорикорга қийналмай кирдик. Бирорта ҳам ўк овози эшитилмади. Бизнинг взвод «мудофаа»га туришни зарур. Тиззага довр майса бўй чўзган, атроф алвон кўрпа тўшалгандек. Лолакизгалдоқзор оралаб югургинг келади.

Машиналар тагин истехомга қўйилди. Ортдаги йўлдан келаётган озиқ-овқат юк-ланган армиямиз тизими қабила ичкарасидаги аскарларимиз кузатув нуктасига етгунча хушёр туришимиз лозим эди. Йўл бўйлаб БМП-2 ва танклар рўпарадаги дарахтлар тўсган кўргонларга карама-қарши тизилди.

...Баграмдан сўнг БМП-2 га операторлик қилардим. Милни тушириб, снарядларни отувга шайладим. Машина атрофида лейтенант Ермили ва механигим Ринат ҳам ўзларига отишга қулай жой ҳозирлашди. Назаримда, ҳеч қанақа жанг бўлмайдигандай...

Йўлдан юк машиналари ўта бошлади. Кутилмаганда қаршимизда, йигирма-ўттиз кадам нарида гранатамёт ишлаб қолди. Машина ичкарасига кириб, мўлжалга ҳам эътибор бермай босув нуктасини итардим. Бесаноқ снарядлар учди. Кўргон чап-тўзон ичида қолди. Қиргин бошланди. Ҳар томондан ўк ёмғири ичида қолдик. Очиғи, ўк овозию гумбурашлар қайси томондан келаётганини ҳам фаҳмлай олмасдик. Машина каттик силкиниб, механик хонаси томондан юзимга олов урилди. Эсанкираб қолдим. Жонҳолатда қопқоқни итариб, ташқарига отилдим. Душман машинани гранатамёт билан урганди. Бир амаллаб балчик ариққа сакрадим. Бош кўтаришга имкон йўқ. Кўрққанамдан оператор хонасида автоматимни ҳам қолдирибман. Нима қилишимни билмай қолдим. Тўсатдан бошланган тўполонни ақлимга сиғдиролмасдим. Рўпарамдаги қалъалардан тўп-тўп бўлиб чиқиб келаётган, узун-узун кўйлак, кенг иштон кийган, салла ўраган душманларни аниқ кўриб турардим.

Кўз олдим қоронғулашди... Қарахтман. На кўрқув, на ҳаяжон қолди менда. Назаримда бу тушга ўхшарди. Ўзимча нималарнидир айтиб тиловатлар қилдим. Кўз олдимдан энг яқин кишиларим — ота-онам, ёру дўстлар, уйим, қишлоғимиз, бири кўйиб, бири ўта бошлади. Лаҳза сайин ўлимни кутавердим. Ана улар яқинлашмоқда. Ҳозир ўқдо-нида ўк тугагунча баданимни илма-тешик қилиб юборишди. Ариқдаги балчиқни шунчалик қисган эканман, бармоқларим оғриб кетди. Бошимни балчиққа тобора тика бошладим. Менинг ҳечам ўлгим келмасди. Хаёлимда эса онам... Хаёл сургудай ҳолатда бўлмасам-да, кўз ўнгимда фақат кичкинагина ҳовлимиз қотиб қолганди. Дунё билан сўнгги бор хайрлашмоққа бошимни кўтардим. Улар ўн-ўн беш кадамча қолганди. Мияга келгани шу бўлди: «Нахотки асирга тушсам?...» Жонҳолатда эмаклай бошладим. Ариқ саёз бўлса-да, танамни кўрсатмасдан ҳаракат қилардим.

Душман пайқади чоғи, БМП-2 сиртига чинғиллаб ўқлар тега бошлади. Қулай фурсат, бор-йўғи уч-тўрт дақиқада югуриб қолиш керак. Мени аллақандай осмоний қудрат, илоҳий куч бошқарарди. Танам кимнингдир ақли билан ишларди гўё. Балки бу онамнинг олислардан йўл кўрсатишимиди?

Бироз ўрмалаб, қандай қилиб ариқ ёнидаги ўрага тушганимни билмайман. Мен бошқа одамга айлангандим. Кўзимга ҳеч нарса кўринмас, фақат олдинга югурардим. Токзорга ўтишим билан олдинда танклар кўринди.

...Энди ўйласам, биз ўшанда мутлако қуршовда қолган эканмиз, танклар эса ёрдамга келаётганди. Ханузгача таажжубланиман! Қандай қилиб, духлар оёғи остидаги душманини отолмади экан...

Танк панасида хавфсиз жойга етиб келгач, тиббий бўлинма машинаси ёнида лейтенант Ермилинни суяб турган Ринатга кўзим тушди. Командир қаттиқ жароҳатланганди.

-- Кўчкор, тирикмисан!-- кўзларини очиб-юмиб бош силкиди.

-- Тирикман, ўртоқ лейтенант! Қуролим ҳам машинада қолиб кетди.

-- Ҳозир танк билан судраб чиқишади.

Бошим шангиллаб теварак-атроф гир айлана бошлади. Бизникилар қочиб чиқарди. БМП-2 ва танклар ёнида паноҳ топган пидедалар урилиб-сурилиб югуришарди.

Токзор ичкарисидан елдай учиб келаётган БМП-2 биз турган тиббий бўлинма майдонига келиб тўхтади. Бу тўртинчи взводники эди. Рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, катта лейтенант Шерстюкнинг боши кўринди. У машинадан шахд билан ерга сакради.

-- Машинани нега ташлаб чиқдинглар?! Механикни топ.

-- Тешиб ташлашди.

-- Нима қипти? Қочгандан кўра ўша ёқда ўлсанглар яхшироқ эди. Сенларни деб ротани ерга уришади энди.

-- Илкони бўлмади, ўртоқ катта лейтенант!

-- Кўрдикларми? Буни уруш дейдилар... Ҳозироқ танкчилар билан ичкарига кирасизлар. Машинани тортиб келинглар.

Ўлим олдида тўлғонганим жанггоҳга қайтиб киришга юрагим довламасди. Қалтираб зобит ортидан эргашарканман, ичкарида — ҳозиргина биз ташлаб қочган тарафдан танклар кўринди. Икки танк бизнинг машинани судраб келарди.

Машина сирти илма-тешик бўлиб кетганди. Танкчи зобит совут ҳамда автоматимни бераётди қаттиқ қучоқлади. Кўзларимдан ёш сизди. Бўғзим ачишиб хўнграб юбордим.

-- Хафа бўлма, аскар! Омадинг бор экан. Сен қаҳрамонсан. Манавини кўр.

Унинг қўлидаги автомат мили икки жойидан тешилганди. Қим билади, ичкаридан вақтида чиқмаганимда нима бўларди. Автомат оператор хонасига суяб қўйилганди. Балки ичкаридалигимдаёқ мили тешилгандир? Менинг ҳаётимга наҳотки шу бош бармоқдай темир қалқон бўлди?

-- Буни Москвага юбориш керак, леда зобит.

-- Зангар, келиб-келиб теккан жойига қара, -- кўшилди Ринат.

Автоматни зобитлардан кимдир суратга олди. Машина олдида, қўлимда тешик милли қурол билан, XX аср шўро аскарлари киёфасида расмга тушдим. Машинани эса шу яқин орадаги қузатув нуқтасига қолдиришга буйруқ олдик.

#### IV

Кеч кирди. Қўшин Баграмга яқин ялангликда дам оларди. Азбаройи, асабим шу қадар толиққан эдик, нималар юз бергани, энди нималар бўлаётганини англай олмадим. Кўз олдимда турли хил шарпалар сузарди, холос. Машиналарнинг гулдираб қолишлари, яна алламбало шовқин-суронлар ичида қолгандай, ўзимни кўйга жой тополмасдим. Ўз танамни қўтаришга бемажол кўйи, машина тагида чўзиларканман, уст-бошимдаги қотган қон хидидан кўнглим беҳузурланарди. Бўғила бошладим. Зўрга кўзларимни очаман. Тепамдаги бошпанам -- БПМнинг тумшуги тобора каттариб бораётгандай. Машина ичи гўё қонга лик тўлган-у, унда менинг ҳаёлимдан элас-элас ўтаётган ота-онам, укаларим сузиб юргандай. Мен эса қонқа тепасида туриб уларни кузатяпман. Ана отам, кейин эса укам шўнгитир. Қонли гирдоб узра онамнинг чеҳрасини кўриб қоламан. Ана у ҳам... кўринмай кетди... Тагин гирдоб юзига чиқди. Соқлари қипқизил...

-- Она-жооон!!! О-о-о!!!

Бошим нимагадир қаттиқ урилди. Бу шамол, чанг-тўзондан тўсиш учун қўйилган, девор вазифасини ўтовчи снаряд қутиси эди...

Бошимнинг оғриғи баттар зўрайди. Тарс ёрилгудай. Орқа томондан ҳар сония болга билан кимдир бешафқат урарди. Мен эса тезроқ бошим мажақлашиб кетишини, сўнгсиз оғриқдан ҳалос бўлишни истардим. Ҳеч нарсани қабул қилолмай қўйдим.

Орадан узок йиллар ўтиб, кўзимни очдим. Тепамдан ротадошларим -- Мусурмон, Нурмахон, механигим Ринат ўтирарди.

-- Қалайсан?

-- Сал-пал тузук, -- бош силкийман.

-- Роса қийналдинг-а? Яхшиям дўхтир зобит жонингга ора кирди.

-- Озгина тобим кочди.

-- Ҳозирам қалтираясан. Энди дадилроқ тут ўзингни. Икки соатдан сўнг полкка қайтамиз. Мен, Ҳайдарнинг машинасида кетаман...

Сени ўн учинчига қўйишди. Бурсук кантузия бўлибди. Ҳали госпиталга олиб кетишди.

— Ҳайдарнинг... топишолмадимми?— мен «ўлигини» деёлмадим.  
— Йўқ. Энағарлар, ўлигини ҳам беришмади. Неча маротаба гаплашди бизникилар,— Ринат кўлларини мушт қилиб гапира бошлади.— Улар шунчаликка боришади. Бизнинг жасадимиздан ҳам хун олишади.

— Нега энди?

— Мурдани пулга ёки техникага алишадилар, итлар,— деди Мусурмон.

Ҳангу манг бўлиб қолдим. Мен бундай бўлишини ақлимга сиғдирилмасдим. Наҳотки жангчининг жонсиз танасини ҳам?..

— Емон томони ҳалок бўлган жангчиларимизни суратга тушираркан. Кейин Покистонга жўнатишади. Банда бошлигидан мукофот олишади, ҳаромилар,— деб давом этди биздан олти ой кўп муддат Афғон кезган Мусурмон.

— Агар беришмаса-чи?

— Бўлиши мумкин эмас. Дивизия штабига хабар келган, эрта тонгда оларканмиз...

Чорикор жанги тезда тугаганига қарамай, кўпчилик яраланганди. Уч жангчи жасади эса изсиз йўқолди. Булар ротадош аскарлар — Ҳайдар, Самад ҳамда прапоршик Каливатов эди.

Шунчалик қараётган аҳволда қолганмиз. Ҳатто кечагина биз билан бирга юрган, кулишиб ўйнашган дўстларимиздан ажралганимиз ҳам шунчалик мусибатли туюлмади, айни кунда. Бу эса ўша чоғлар дийдаси қотган ўғлонларнинг бошига тушган фожиа эди, холос. Уруш ҳамма нарсага қодирлигини, кўп нарсалар содир бўлишини вақт ўтган сайин кўра бошладик.

— Кўчкор, чекасанми, йўлга яхши?

— Нима у?

— Дори...

— Майли... ол бу ёққа.

Ринат эндигина ўралган «Донские» сигаретини тутатди. Милтиллаган чўғ тун қўйнида қўлдан-қўлга ўтиб даврани уч марта айланди. Сўнги бор тортишимда танам бўшашиб, миямга нимадир «тўқиллаб» урилди. Вужудим енгиллашиб уча бошладим. Мен билан ҳамма нарса учар, юзим музлаб борарди. Дунё азобларидан мутлақо қутилгандим. Беихтиёр кула бошладим. Ўзимни тўхтата олмасдим. Рўпарамдагилар қиёфаси ажабтовур шакл олар, мендан узоқлашиб кетишар, зўр-базўр нималар дейишаётганини англадим. Қимдир йиғларди ҳам. Хуллас, мен иккинчи маротаба ўз-ўзимдан узоқлашдим. Назаримда, бу ҳаётда йўқ эдим.

Қанча ухлаганими билмайман. Бақирик-чақириклардан уйғониб кетдим. Машина гур-гурлаб турарди. Гира-шира тонгда қайтишга тараддуд бошланди. Одатдагидай командир йўл олдидан ротани сафлади. У ҳам руҳсиз. Уни биринчи бор шу аҳволда кўришим. Олдингидай тантанали нутқ ирод этиб буйруқ бермади. Боши эгик. Уставга қарши ўлароқ саф олдида лабидаги сигаретни узлуксиз тортади. Уйқусизликдан кизарган кўзлари қуюқ тутун аро аянчли боқади.

— Йигитлар, оғайнилар! Кеча сафимиздан уч киши кетди. Яхши йигитлар эди. Азаматлар эди... Улар менинг хотирамда бир умр сақланади. Бу лаънатқ Афғонистон азобини қалбимиздан ҳеч нарса суғуриб ололмайди. Бир-биримизни авайлайлик... Укаларим, эҳтиёт бўлинглар, — унинг кўзидан ёш сизди, — дўстларимиз хотирасига сукут сақласак.

Саф қимир этмади. Бошларни ҳасрат эгганди. Ҳамманинг қалбига шаҳид уч жангчининг муборак номи ёзилаётганди.

Кўп ўтмай бутун қисм саф тортди. Қайтиш олдидан аввалгидай уқтирилди. Жангчилар соч-соқолини тартибга келтириши, техникаларда сочилган ўқ-дориларни яшириши лозим. Чунки Кобул яқин. Шаҳарни оралаб ўтиш учун, ўзимизни мажбурий қиёфага солишимиз керак. Иложи бўлса, қурооллардан ўқдонлар ечиб олинса яхши бўлади. Шаҳарда хорижий мухбирлар, сиёсатчилар йўлимизга муштоқ ўтиришарди. Ясантусан, дабада билан Кобулдан ўтиш зарур. Гўё ҳеч нарса кўрмагандай. Бизнинг талофатлар эвазига жанг қилаётганимизни кўршмасин улар. Имкони борича хушҳол, яхши кайфиятда кулиб ўтиш керак. Барибир чет элликлар суратга олишади.

Бу сунъий, ёлғон саъй-ҳаракатлар киши ғазабини кўзғатарди. Биз бегона ерларда сарсону хор бўлиб юрганимизни яширардик. Ҳақиқат — босқинчи эканлигимизни тан олмасдик. Ваҳоланки, хорижликлар ҳар нарсадан воқиф эдилар. Шўро армияси аскарларининг беҳуда сарсон-саргардон бўлиб юрганлигини яхши билишади. Мен эса тагин бир аччиқ ҳақиқат — дину эътиқодимиз бир бўлган ўз қариндошларимга тиг кўтараётганими, мусулмон фарзандларини зор қақшатаётганини ҳис қилардим. Аммо мен ўрис армиясининг ихтиёри ўзида эмас ўзбек аскарини эдим.

Шаҳарга киришимиз билан машиналарда тартиб сақланди. Мудраётганлар уйғонишди. Бутун бошли ларзонна, маслаксиз тўс-тўполон қилиб юрган шўро армияси беғуноҳларча шаҳарни қоразга солиб ўтарди. Бизнинг бўлинима ёнида эса америкача рақамланган машина шаҳар четигача бирга келди. Орқа ўриндикда ястани олган, топ-тоза кийинган қора кўзойнакли муҳожир сигарет узатди. БМП устидан энгашаётган Юрани кўриб Мўминнинг ғазоби кўзиди.

— Хой, казёл, тўғри ўтир. Энкайма!

— Нима ишинг бор?

— Ўлиб бораяпсанми?

— Ишинг бўлмасин...

Юра яна узалишга ийманди. Мўмин гудранди.

— Иложи бўлсаю битта граната ташлаб гумдон килсанг, сигарет-мигарети билан.

— Учир овозингни...

Хорижий машина секинлай-секинлай ортда қолди. Мўмин унга қарата нафрат билан туфлади. Хаелидан нималар ўтаётгани менга қоронғу эди. Бирпасдан сўнг Бочкарёв юзига қаҳрли тус бериб, сувтекин аскарий сассиқ сигарет тутатди. Ҳар ким ўз ўйи билан банд. Колонна полк сари илдамлади.

Эртасига маълум бўлди. Учала мурдани ҳам беришибди. Дивизия штабида экан. Ўликларни олиб келиш учун сиёсий ишлар бўйича командир ёрдамчиси лейтенант Шерстюк ва взводдош Мусурмон тайинланди.

Икки кун ичида ротага қайтган Мусурмон ўзгариб қолди. Ҳеч кимга гапирмайди. Нима бўлганини сўрасак анграяди. Нимадир ёдига тушади чоғи, юзларини буриштарди. Индамай, телбанамо узоқлашади. У бир ҳафта шу алфозда юрди. Зобитлар ҳам ўз майлига қўйиб беришди. Афтидан улар Мусурмоннинг нега гарангсифат бўлиб қолганини сезишганди. Мен асаб касалига йўлиққанмикин, деб хавотирда эдим.

Бир куни рота тушликка кетгач, казармага кирдим. Мусурмон ерга тикилган қўйи қаравотда бир ўзи ўтирарди.

— Нега ошхонага бормадингиз? У-бу нарса олиб келайми?

У бош чайқади.

— Мазангиз бўлмаса, айтинг, тиббий қисмга юборишади.

У миқ этмади.

— Ҳозир рогнийга айтаман... Бу ҳолда қийналиб кетасиз.

— Сўз берасанми?

— Нима учун?

— Ҳеч кимга оғиз очма. Учаласининг ҳам олатини кесиб олишган экан, ҳаромилар. У йиғлаб юборди. Елкалари қаттиқ-қаттиқ силкинарди. Тошдай қотиб қолдим. Бир зум ўзимни йўқотиб қўйдим. Мусурмон иродали йигит эди.

— Хей, энасини фалон қилайлар...

— Сўкинма. Мен иккинчи бор кўришим. Жонга тегди, ука. Тезрок қутулсайдиқ. Олдинги йил Чорикорда биттасини тирик ҳолда дарахтга осиб, олатини кесиб ташлашди. У дух эди. Ҳануз қулоғимдан чинқириғи кетмайди. Душманга ҳам ҳақоратлику бу жабр?

— Нега ундай қилдилар?

— Духлар ҳам авваллари бизникиларга шундай жазо қўллашган. Разведкачилар командири шу қўйга тушган иккала жангчиси учун ўч олганди.

Мен ҳали қўп нарсалар кўришимга яна бир бор ишондим. Оёқларим қалтираб ташқарига чиқдим. Рота овқатдан «Россия» кўшиғини айтиб қайтарди.

## V

Бир ой дам олдик. Ҳар куни механик ва операторлар техника парки, пиёдалар дала машини, баъзан ошхона, қоровулхонага топшириқ олишарди... Куним деярли машинаманни тузатиш, снарядларни тартибга келтириш, отув милини тюзалаш, алокани текшириш билан ўтарди. Хуллас, бўлғуси жанг олдида хозирлик кўрилди.

Кечукурунлари казарма ичи кий-чувга тўларди. Пиёдалар қора мойга ботган «броня» (механик ва операторларни шундай дейишади) устидан ўзларича мазах қиладилар. Иккала томон ҳам ўзаро бир-бирини камситгани-камситган. Броня ундок, пиёдалар бундок... Лекин қуролдошлар билан бу тахлит сўкинишларнинг ҳам ўзига яраша лаззати бор эди. Айниқса, учинчи бўлинма взвод командири Рашидга худо берарди.

Бу кеч ҳам у «кўшиғи»ни бошлади.

— Ҳа, бечора броня. Ўзингга қарасанг ўласанми. Қўлларинг одамникига ўхшамай қолибди. Нима бало, бензинга чўмиласанларми дейман. Уф, расво қилдинглар ҳаммаёқни, сассиқлар.

Қаравотига чўзилаётган Рашидга механиклар бошлиғи Амин ака бир пой этик иргитди. Этик тўғри унинг бошига тегди. Рашид бўралаб сўкди.

— Хой, чўчка, пехотадан қўлингни торт, — ҳужумга ўтди иккинчи взвод сержанти Хайридин.

Биз томонга ёстиқ зинғиллаб қолди.

— Агар броня бўлмаса холаларингни учқўргондан кўрардинглар, — гўлдирайди Мўмин ечинаётиб.

— Тоққа амманг чиқаяптими? Шу араванг билан текис йўлда зўрга юрасан, — бидирлайди пиёдалар бўлинмаси командири Саид.

— Сен сўқимларни ўша тоғинга довур ортиб борамиз. Йўкса, ярим йўлда фоти-хангни ўқиб қўярдик, — дейди оператор Нурмахон.

Ротада ўзбеклар кўплиги боис, бошқа аскарлар ҳам ҳар кунги «жанжал» сабабини тушунишади. Улар бизнинг бунчалик дўстона уришишларимизга ҳавас ҳам қилишади.

Хуллас, ур-тўполон, ҳазил-ҳузул билан аскарлар уйкуга кетишади. Зобитлар ҳам кўникиб қолишган.

Кўзим илинган экан. Кимнингдир туртишидан уйғониб кетдим. Мўмин ички ок либосда арвохга ўхшаб турарди.

— Тур, ичамиз.

— Эй, бор-ей...

— Ов, сени Рашид чақиряпти. Айримчалик қилма. Туғилган кунини нишонламок-чи. Ҳамма кутиб ўтирибди.

Казарма чироклари ўчган. Рашиднинг каравоти олдида беш-олти киши йиғилганди.

— Чарчадингизми, ўғилтой — минғирлайди Хайридин.

— Қани, бизгаям қуй, — дейман унга.

Ғарибона аскарий дастурхон ўзига яраша тузалган. Ошхонадан келтирилган қай-натма балиқ, сарнёғ, оққанд ҳамда қисм дўконидан Сиси ичимлиги, турли хил конфет ва печенье харид қилинганди.

Ўртада, бир литрлик шишада, иккита «столичный» турибди. Бири озрок тарка-тилган. Хайридин кружкага босиб қуйди. Бошқаларга яримдан. Бу билан мени жазо-лаганди.

— Ароқни модел 1дан олиб келдингларми?

— Ҳа, ўзимизникидан. Коля суратчи росаям курумсоқлик қилди. Ҳар шишаси 100 чекдан сотди.

— Вой ярамас-ей, ўзи Кобулдан йигирма чекка сотиб олади, — сўкинди Саид.

— Улар Афғонга пул қувиб келишган.

— Даҳшат... Кимдир урушда қурбон бўлиб жон берса-ю, кимдир бойиб қайтса бу ердан, — деди Мусурмон.

— Нимасини айтасан. Ишга юборилганларнинг дёярли бари чет эл буюмларини орқалаб кетиш, бойлик орттириш учун келишган.

Чиндан ҳам, Афғонга келган фуқаролар аскарларнинг ғазабини кўзитарди. Негаки, ҳар куни казарма олдида тушликка бошдан-оёқ ажнабий кийиниб ўтишар, қолаверса, тайинли бирор иш билан шуғулланиши ҳам бизга қаронғу эди...

Анчагача ўтирдик. Менинг кайфим ошди. Иложи борича гапирмасликка ҳаракат қилдим. Ринат зобитлардан бирортаси кўриб қолмаслиги учун эшик олдидаги тунги навбатчини огоҳлантириб қўйди. Бемалол чека бошладик.

— Агар ўлмай қайтсам, ўлмай қайтсам, албатта, албатта... сизларсиз тўй қилмай-ман, — Мўмин гапини йўкота бошлади. — Эҳх... Ҳозир биз тенги олифтлар ресторани барларда ўтиришибди. Киноларни ҳеч кимга беришмайди. Улим ҳақида ўйлашмайди ҳам... Лекин, ошналар, ўлмасам меникига боринглар, тўй қиламан. Агар қайтолмасам, бу ердан уйга бориб онамга айтинглар, мен рози бўлиб ўламан. Эшитдингларми?

— Етиш керак, йигитлар, — дейман бошим гириллаб.

— Шошмай тур, — қўлини ҳаволатди Амин ака, — падарига лаънат, Афғонда юрганим учун ҳам ахдланган кизим ташлаб кетди. Қим билади, соғ-омон қайтадим-йўқми, деб ўйлагандир. Совчилар келса рози бўлибди.

Амин ака бўш шишага бошини тираб жим қолди. Сўкиниб қўйди. Менинг ёдимга Саланг йўлида мудофаада турган пайгимиздаги бир воқеа тушди. Ҳеч қанақа отишма бўлмаганди ўшанда. Икки кун йўлни кўриқладик. Эртага қайтамиз, деган кунимиз Амин ака автоматни елкалаб тоғ томонга сой ёкалаб кетди. Тушлик тайёрланди ҳамки, у келмади. Хавотирланган взвод командири мени ҳамда украин Юрани унинг орқасидан юборди.

Амин ака харсанга қимир этмай, сувга тикилиб ўтирарди. Енидаги тош устида эса сурат, хушрўйгина қизнинг сурати.

Бизнинг келганимизни пайқаб елкаси оша қаради. Ўрнидан кўзғалиб, суратни қўлига олди. Телбанамо ҳаракат билан уни олисроқдаги тошга суяб қўйди. Бизнинг ёнимизга қайтгач, унга узок тикилди. Нега ундай қилаётганини на Юра, на мен билардик.

У елкасидан автоматни олди. Узокдаги хушрўй қиз суратига қуролни тўғрилади. Бу ҳаракат ноўрин эканлигини айтиб, автоматни олмокчи ҳам эдик, уришиб берди. Бир зум гавдаси титраб турди-да, сукунатни автоматнинг тариллаши йиртди. Тошга суянган сурат эса аллақачон титилиб бўлган эди. Учаламиз ҳам жим қайтдик. Биз икки-уч ойдан сўнг уйга жавоб бериладиган Амин акага бирор нарса дейишга ботинолмасдик...

...Нимадир қарсиллаб кетди. Ўрнига дам олишга жўнаган Ринат тумбани ағдариб юборди. Мўмин ўзи ҳам тушунмаётган қайсидир хорижий қўшиқни хиргойи қилиб, ўзини каравотга ташлади. Анчагача кўзим илинмади. Полкда бир хилда, бесамар ва

<sup>1</sup> Зобитлар яшайдиган уй.

беҳуда ўтаётган кунлар жонимга тегаётганди. Эртага ҳам шу: парк, ҳарбий-дала машини, шўрлик пиёдаларга балки қоровулхона ёхуд ошхонага топширик. Агар ҳарбий юриш бўлса кун тезроқ ўтади, лекин бунинг ҳечам ҳавас қиладиган томони йўқ эди.

## VI

Ўлиб-тирилиб тозалаган техникаларимизнинг бир кунлик дала машкидаёқ дабдаласи чиқади. Шунинг учун ҳам оғир жангга чиқмасак паркда техникаларга қўл учиди қарардик. Буни яхши билган зобитлар, машиналарни синчиклаб текширар, у ерини ундок, бу ерини бундок қил, деб бошни қотирар, машина ичи-сиртини синчиклаб текширарди. Пишиқроқ операторлар, умуман жангга чиқмайдиган бузук БМПлардаги пулемётларни ечиб, ўзлариникига ўрнатишар, текширув пайтида «хаммаси жойида»лаб жаврайверарди.

Бундай пайтлар ўрискани амал-тақаллаб гапирадиган механик Мўмин машинаси устига чиқволиб: «Машина отдай учади, ўртоқ...» деб қулоқни еб қўяр, Ринат эса ёғ қўлларини коржомасига суркаб: «Тузатамиз»дан нарига ўтмасди. Исмаи аламини биздан олти ой кейин келган оператори Қозловдан оларди: «Айёр қазёл, сенга шу ерни тозала демабмидим. Қачон одам бўласан гўрсўхта? Қалитни опке...» ва ҳоказо.

Мен механигим, доимо ғамхўрим, кўплаб оғир дамларда бирга қолган, ҳали яна қанчалаб жаҳаннамларда бирга бўлиш насиб этадиган дўстим Ринатдан оҳиста сўрадим.

— Бизники қалай? Расво бўлмаймизми, ишқилиб?

— Парво қилма, бир гап бўлар!

Ротадаги зобитларга, агар дала машкида юқоридан, юлдузи йириклардан кимдир қатнашгудай бўлса кун туғарди. Хуллас, оддий аскардан тортиб рота командиригача ўша кундан эсон-омон қугилиб олишни ўйларди. Ҳеч ким ротанинг нуфузли зобит олдида шарманда бўлишини, полкда бу ҳақда овоза тарқалишини истамасди. Тўғри-да, шунча жангу жадалларда бели қаттиқ келган аскарлар учун аллақандай машқда — уруш-уруш ўйинида изза бўлишдан ортиқ уятли ҳол бормикин?!

Эртага дала машини деган кунимиз тушдан сўнг жангчилар қазарманинг уер-буерини супуриб-сидириш, атрофни тозалаш мақсадида полкда қолишди. Бу — тушдан кейин уйқунни ураверинглар, дегани. Аскардан зийрак халқ йўқ, «тозалик кунини»ни ҳаммамиз яхши тушундик. Қазармада озрок ур-тўполон бўлди-да, ҳамма ўзини қаравотга отди. Ҳатто эринганлар, ташқарига ҳам чиқмай паналатиб ётоқ жойида папирос тутатишди. Кенг қазарманинг бир бурчида кўшиқ янгради. Мен уйга соғ-омонлигимдан нарига кетмай уч-тўртта хат ёздим. Сўнгра узала тушиб ховлимизни эсладим. Пушта тоқ, бостирма, оғилхона, куймаланаётган онам... Ҳозир биз томонларга ҳам яшиллик югургандир. Ишқилиб мен боргунча қатта энам ўлмай турсин. Бечоранинг кўзлари хира тортиб қолганди. Отам нима қиляптикин? Ҳали ҳам бировларнинг боғини юмшатиб пул топялтимикин? Энди, эсон-омон уйга борсам, отамнинг ёнида бўламан. Аввалларидай сираям уялмайман. Боғ юмшатишга, пахса уришга қўмаклашаман. Ўз кучинг билан пул топсанг нимаси уят. Қишлоқнинг қизлари деб, отам билан мардикор ишлашни ор билибман. Шўрлик етти болани боқаман деб, силласи қуриб бўлди. Начора, даланинг қирқ-ўттиз сўмига қараб бола боқиб бўлармиди? Менинг бечора отам, кимнинг боғида ишлаяёқсиз ҳозир? Отажон, мен ўлсам Сизга янаям қийин бўлади, чўкиб қоласиз. Мен шу умидда бировларнинг хизматини қилиб улғайтибмидингиз? Оғзингиз энди ошга тегаман деганда тўнғичингиздан айрилиб ўтирсангиз. Қишлоқдошларим айтса керак: «Бечора боласининг ҳузурини кўрмади, қиёмат бўлди. Ҳар банданинг раҳмини ўзинг е, қодир эгам!»

Чақакларимдан ёш сизар, ёстигим жиққа ҳўл эди. Менинг тўйиб-тўйиб йиғлагим келарди. Юзини ҳеч кимга кўрсатмаслик учун ёстиқни кучоқлаб юзтубан ётдим. Ичим ёниб борарди, димоғимдан аланганинг аччиқ ҳиди ўрларди.

Уйқуга кетган эканман, оғимдан кимнингдир туртишидан кўзимни очдим. Ўгирилиб қарадим. Тепада Ринат турибди. Кўзлари қизаринкираган, юзидан қон қочган, бошини ортига ташлаб чайқаларди.

— Чекасанми?

— Тек ўтир, уйқум келяпти.

— Ихтиёр ўзингизда. Бу сафаргиси бир торткилик экан. Дарров мияннга тепади, — у чўнтагига қўлини тикиб, чайқала-чайқала шерик излагани кетди.

Орадан ҳеч дақиқа ўтмай гурса-гурса қадам товушлари эшитилди. Яна уч аскар Ринатга қўшилиб қазармадан чиқиб кетаётганди. Зобитлар сезишмасин дейишган чоғи, ташқарида чекишмоқчи. Нашанинг ўткир ҳиди тез тарқалади. Кўча-кўйда, жанггоҳда чекишгани камлик қилгандай, қазармада ҳам тутатсалар, албатта зобитларнинг ғашини келтиради.

Тонг ёришгач, механик ва операторлар паркка жўнашди. Ҳаммамизда бронжилет ва кичкина АКС(у) қуроли бор эди. Машиналар парк ташқарисидаги майдонда взвод-

ма-взвод қатор қилиб тизилди. Алоқалар текширилди. Башнянинг қандай бурилаётганини синаб кўрдим. Отув миля кўнгилдагидай кўтарилиб тушарди.

Рота зобитлари «махфий» топириқни «обдон» тушунтирдилар. Бу гал ҳам худди илгаригисидан фарқи йўқ, менинг кўнглим жойига тушди: машиналар дастлаб «жанг майдонида» заңжир шаклида тарқалар, яъни саф тортарди. Мен отув милини туширишим, алоқада ҳушёр туришим зарур. БМПлар сафи бузилмай олдинга ўқдай учарди. Бу пайтда машинани механик ва оператор чинакам урушдагидай ёпиб олишлари лозим. Шу тезликда жангга кирган машиналар кенгликдан ўтиб олингач, тор йўлда яна тизилишар, бир қақиримдан кўпроқ масофадан сўнг тагин кенглик бошланар ва олдинда баландликлар кўринарди. Машиналар яна тизилиб, баландликлар эгагига етгунча тезлик ошириларди. Тепаликка уч юз-тўрт юз кадам етмасдан машина тўхтатилар, рўпарадаги тепаликда нишон кўринар, пиддалар сакраб тушиб машина атрофида ётиб олишарди. Рўпарадаги душман техникасига эса БМП -2 дан ўқ узардим. Агар снаряд бехато кетса нишон, албатта, йиқиларди.

Машина келиб тўхташи биланок кузатув ойнасидан нишонни ахтардим. Милни ҳар тарафга буриб кўрдим. Негадир нишондан дарак йўқ. Ички алоқада Ринат нега отмайсан, деб сўради. Мен нишон кўринмаяпти, ўзи тўғри келдикми, дедим. Биз ҳар доим шу ерга келиб турардик, деди у. Башня ойнасидан атрофни кузатдим, бошқа БМПлар ҳам ўз йўналишлари бўйича етиб келишганди. Машиналар оралиғидаги масофа юз эллик-икки юз кадамча келарди. Енбошдаги ўн олтинчи гумбурлаб ота бошлади. Ен тарафимдаги йигирма учинчи ҳам ишга тушди. Негадир менинг қаршимда душман «машинаси» кўринмасди. Ана, кичкина-кичкина нишончалар пайдо бўлди, деди Ринат. Улар олтига бўлиб, ҳар жой-ҳар жойдан кўтарилди. Булар душман пиддалари эди. Демак, чалғитиш учун кичкина нишонларни кўтаришибди, мен буларни БМП отув миляда эмас, пулемёт билан йўқотишим керак эди.

— Рўпарамдан «Серсоқоллар»<sup>1</sup> чиқишди. Ўқ отишга рухсат беринг! Қабулга ўтаман!— дедим командирга алоқада.

— Ишга кириш!— командирнинг кескин жавоби эшитилди.

Мен серсоқолларни пулемётдан битталаб ер тишлатдим. Ринат ички алоқада «яшвор»лаб турди. Кўп ўтмай яна кўтарилишди. Тагин гумдон қилдим. Учинчи гал катта нишон — танк пайдо бўлди. Мен уни БТ снаряди билан тешиб ташладим, сўнгра иккинчи тасма ОФЗ снарядини отдим, бу осколкали снаряд бўлиб, тешилган танк ичидан чиққан душманнинг насибаси эди, тўртинчи сафар эса «пиддалар» билан бирга «танк» кўтарилди. Олдин танкни йўқот, кейин пиддаларга от, деди Ринат. Мен унинг айтганидай қилдим.

— Жанг тугади, душман йўқотилди,— дедим алоқада командирга.

— Орқага қайтишга рухсат бераман!— шангиллади у.

— Ринат, машинани орқага бур, кетамиз,— дедим механикка.

— Яшасин тинчлик!

Машина бир гала зобитлар қуршовида машқларимизни кузатиб ўтирган дивизия командири жойлашган нуқтага қараб елдай учарди. Бир маҳал нимадир қарт этди. Башнянинг бошқарув мосламасидаги ёниб турадига қизғиш чирокчалардан бири ўчганди. Тамом! Машқдан қайтаётганда отув миля ҳамниша машина ҳаракатига қарши тарафга йўналтирилиши керак эди. Мен кузатув ойнасидан қарадим. Зобитлар ва дивизия командири саросималик билан мени бир-бирларига кўрсатишар, отув миля улар турган жойга тўғриланиб қолганди. БМП тобора яқинлашиб борарди.

— Башняни орқага қайтар, нима бўлди сенга,— деб Ринат кичқирди.

— Бурилмаяпти. Ток йўқ.

Ринат машинани энишга олиб тўхтатди. Мен куйган чирокчани алмаштирдим. Алоқада рота командири куйиб-пишиб ҳол сўрар, тезрок ҳаракатланганини буюрарди.

— Ўн тўртинчи, сенга нима бўлди?

— Чирокча...

— Тезрок кимирла!

— ...

Орадан уч дақиқа ўтар-ўтмас Ринат машинани юргизди. Мен отув милини тескари-сига қаратдим. Ҳаммадан охири биз етиб келдик. Механик ва операторлар бир сафга тизилди. Баланд кузатув нуқтасидан ҳарбий кийими ўзига нечоғлик ярашган генерал-майор салобат билан тушиб келди. Тахтадай котиб турардик. У менинг рўпарамга келиб бошдан-оёқ разм солди. Бироз жим турди. Шундагина ўзимни ҳарбиёна таништиришим лозимлиги хаёлимга келди.

— Катта сержант Норқобилов!— дедим кекирдагимни узгудай бўлиб.

— Яхши. Бопладинг! Сафдан чиқ, ўртоқ катта сержант!

— Хўп бўлади!— мен жон уҳмида кадам ташлаб олдинга чиқиб, сафга юзма-юз турдим.

<sup>1</sup> Махфий ном, яъни душман (пароль)

— Дала машқини аъло даражада бажаргани учун катта сержант...-га тайшакур билдираман,— генералнинг ортидаги зобитлар ҳам ғоз туриб, қўлини чеккасига келтирди.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!..

Сафда турган Мўминнинг юзида кулги ифодаси қалқди.

— Сафга туринг.

— Хўп бўлади!

Яна ўшандай юриш билан ўз жойимга келдим. Ёнимда турган Мўмин пичинг қилди:

— Ўла-ўлгунимча Совет Иттифоқига хизмат қиламан, дедингми?

—

Энди навбат пиёдаларга етганди. Улар техникадан ўкка тутилган тепаликларга қисқа сакраш билан эмаклаб чиқиб бориши кўзда тутилар, шўрликлар азоб тортишарди. Кун исиб қолганди. Жангчилар тепаликка чумолидай ўрмалаб чиқишар, автоматларнинг тариллашидан чинакамига уруш бўлаётгандай эди, гўё БМП-2 лар пастда кутиб турар, «уруш» тугаши билан пиёдалар олиб қайтиларди.

Тўполон кечгача давом этди. Тўсатдан биринчи взвод командири лейтенант Ермилин рота командиридан «жанг»ни тўхтатишга изн сўради. Бирор қор-қол юз бергани аниқ эди. Жон қулогим билан нималар бўлаётганини тинглардим.

— Нега барвақт тугатишибди?— сўради Ринат.

— Қимнидир отиб қўйишибди,— жавоб бердим.

— Қанақасига?..

— Бехосдан отишган-да. Жойида ўлибди. Ермилин айтди, тиббий бўлинманинг кераги йўқ экан.

Бронядагилар ким ўлганидан беҳабар эдилар. Ҳар ким, кимнинг ҳаётига нукта қўйилгани, бу лаънати Афғон тагин кимнинг бошига етганини тезроқ билишни истар, айни чоғда ич-ичидан нимадир узилгандай бўларди. Ҳаммаёқ бир зумда сув қуйгандек бўлиб қолди. Фақатгина тепаликдан тушаётган пиёда аскарлар бронжилетларининг тақиллаши эшитиларди.

Мурдани БМП-2 га жойладик. Унинг белидан кетма-кет теккан ўк темир сувдонини илма-тешиқ қилиб ташлаганди. Унинг кийимлари қон, юзи дока тусига кирган, лабиниң иккала бурчида қуоқ ва қорамтир қон қотиб қолганди. Очик ҳолда қолган кўзларининг қорачиғи орқага тортиб кетган. Унинг аянчли аҳволига боқиб, кишининг бадани жимирлаб кетарди. Бу хизматга келганига уч ой бўлиб қолган бухоролик йигит эди. Зобитлардан бири жасад ортилган БМПда тиббий қисмга, акт тузгани кетди. Кечкурун ротада: афғон урушида, жангларнинг бирида жасурлик кўрсатиб ҳалок бўлди, деган қорахат тайёрланди. Жангчилар ҳеч қандай аянчли воқеа рўй бермагандай уйқуга кетишди.

## VII

Эрталабдан ёга бошлаган ёмғир тушликка бориб авжига чикди. Осмон қорайиб, кундуз хира тортди. Полкнинг саф майдони четидаги ариқчаларда сув килкиллаб оқарди. Май ойи ўрталари бўлишига қарамай, баҳор осонликча таслим бўлишни истаётганидан далолат эди бу.

Ёмғир казарма деразаларига бетиним урилар, картон деворлардан ичкарига чакка томарди. Аскарлар ётоғидан зах хиди келарди. Мен ташқарида ўйнаётган ёмғирранг сепкилларга боқиб, эртага ҳам, индинга ҳам шу ҳол такрорланишини хоҳлардим. Ҳеч қанақа юмушсиз казармада ётиш жуда яхши бўларкан. Лаънати паркка бориб бошдан-оёқ лойга ботиб ишламайсан, адирма-адир ҳаллослаб, ҳеч ким дала машқида югурмайди ҳам. Аммо шу яқин орада урушга чиқишимиз эҳтимоли борлигидан қўнглимга ғашлик чўқаётганди. Агар уруш Чорнкорда бўлса, урди худо. Бирор кичикроқ тоққа чиқилса унчалик ёмон эмас. Панжширдан бошқа тоғларда отишма камроқ юз беради. Аммо ҳар қандай жангда ҳам кимдир ҳалок бўлиши керак. Қим у? Қим? Балки... Хаёлимга келган фикрдан қўл-оёғим бўшашиб кетди. Мен ўлишни истамайман! Ҳар қандай вазиятда ҳам омон қоламан. Ота-онам ҳузурига, юртимга соғ қайтаман. Отамнинг суянгани — мен. Эй худо, ишқилиб шу ерларда ўлиб кетмайин... Чўнтагимни титкилиб, сўнги сigaretни тутатдим. Аччиқ тугунни ўпкам тўлгунча тортдим. Бироз енгиллашгандай бўлди кайфиятим. Казармада ғала-ғовур кўтарилган — хизматга энди келганлари эса оқ ёқа тикишар, қайиш тўқасини ялтиратар, этик мойлашар, хуллас, ҳарбий ўқувдаги одатини тарк этишганича йўқ. Уларнинг ичида бақувватлари ҳам, қуролни зўрға кўтарадиганлари ҳам бор эди. Қизик, инсон боласи икки-уч ой ичида кексайиб, қурол ишлага билиш керак пайти ўзини-ўзи химоя қилиш даражасида чаққон ва энцил кишига айлланиб қолиши мумкинми? Урушда ҳар нарса содир бўлади, уруш одамларни қисқа вақт ичида, умуман бошқача қиёфага солади. Этигини тозалашни зўрға эплайётган анави нимжон Михайлов ҳам икки-уч марта жангга қатнашиб, кўзи пишгач, ерга урсанг кўкка санчийдиган бўлиб қолди. Ҳали бошига не савдолар тушишдан беҳабар бояқиш. Балки мен Михайловдан олдин ўларман?.. Иккаламиз ҳам



ўлмасмиз балки. Чўнтагимга кўлимни тикдим. Бўшаган кути ва тўкилган тамакидан бошқа нарса йўқ эди. Ринатдан папирос сўрадим. У ётган жойида бир кути «Донские» иргитди. Бу сафар тортганимда бошим оғриб кетди. Танам мажолсизланди. Охирлаган папиросни полга ташладим.

— Яшасин Совет оператори! Казармани «курилка»га айлантирган жангчига шон-шараф! — кичкирди Ринат.

Унга ҳеч нарса дегим келмади. Кўнглимга қил сигмаётганди. Ташқарига чиқдим. Ёмғир ҳамон босиб ёғар, осмоннинг ковоғи баттар тунд эди. Бундай пайт ҳеч жойга сигмайсан. Қаерларгадир бош олиб кетгинг келади. Мен ҳарбий хизматдан олдинги истакларимга эришажак кунларни кўмсаётгандим. Қанийди ҳозир кишлоғимнинг қок ўртасида бўлиб қолсам! Уст-бошим шалаббо бўлиб кетса ҳам, ҳар бир сўкмоғини яёв айланардим. Узумзорларда тоқлар энди барг чиқазиб қолган. Сен эса охири кўринмас узумзорни ёмғирда оралаб юрибсан. Оёқларингга сақичоқ лой ёпишиб, галати овоз чиқаради. Юрган сайин юргинг келади. Кетаверасан, то ҳолдан тойгунингча. Йиқилсанг... Нима кипти? Они кишлоғингнинг ери. Ўзингники... Узала тушмоқ ҳам жонга роҳат.

Казарма эшиги очилиб, кепкасини бостириб олган Ринат кўринди. Мен усти тунука билан ёпилган чекиш жойида ёмғирдан паналаб турардим.

— Ҳа, хаёлпараст. Нега одамлардан қочадиган бўлиб қолдинг?

— Ёмғир яхши ёғаяпти.

Менда чиндан ҳам кейинги пайтлар одамовилик пайдо бўлаётганди.

— Ҳа, кўнгилдагидай... Лекин учинчи ротанинг шўрига шўрва қайнайдиغان бўлди.

— Нега?

— Жанг халталари, ўқ-дориларни тайёрлашаяпти.

— Шундай ёмғирда зарил кептими?

— Бутун рота жанговар ҳолатда тоққа чиқар экан. Телевизорга туширишармиш.

— Нега энди айнан ёмғир маҳали телевизорга олишмоқчи?

— Эй, кўрдингларми, шўро аскарлари шундай пайтда ҳам қаҳрамонона жанг қилишмоқда, дейишса керак.

— Одамларнинг раҳмини келтиришмоқчи дегин.

— Ҳа, ёлғон жасоратлар акс этган хужжатли фильмлар эртага Совет Иттифоқи экранларида намойиш қилинади. Ана, учинчи рота ёмғирда ҳам душман ҳужумини қайтараяпти, деган тесқари тарғибот юргизишади. Ўзинг айт, бундан ортиқ шармандалик, аблаҳлик бўлиши мумкинми?

Бечора учинчи ротадагилар! Телевизорда кўринамиз деб, ўн чақирим йўлга шалаббоси чиқиб пиёда боришаркан-да. Хали тоққа чиқишиб, қаерларгадир автоматдан ўқ ҳам отишар?..

— Бўлмасам-чи! Фильм жонли чиқиши керак-ку. Аскарнинг кадри билан неча пуллик ишлари бор.

Ринат чўнтагидан сигарет олиб тутатди. Унинг оғзидан чиқаётган тутун нам ҳавода буралиб юқориларди. Зум ўтмай саф майдонидан уч қатор бўлиб тизилган учинчи рота аскарлари ўтиб кетди. Кўшни казармадан чиққанига қарамай, уларнинг кийим-боши нам бўлиб кетган, каскаларидан оқаётган сув бўйинларига оқар, жанг тўрваси ҳамда қурол кўтариб олишган эди. Ротанинг ёнида ғоз юриш қилиб бораётган катта лейтенант эса аҳён-аҳёнда «Бургутлар!!!» деб қўярди. То улар олислагунча бронжилетларининг тақиллаши эшитилиб турди.

## VIII

Баҳор чекиниб, ёруғ ва ҳароратли кунлар бошланди. Офтобурар паллада табиатнинг ҳар бир мавжудоти ботинида бўшанглик етилади. Бунақа ҳолатда кишига ҳеч нарса ёкмайди. Агар ротадагиларга дала машки ёки қоровулхонага бориш ҳақида батальон штабидан буйруқ келса, асти қўяверинг. Жангчиларнинг қовуқ-тумшуги осилиб, кўпчилик дарров касал бўлиб қоларди.

Шундай мудроқли кунларнинг бирини полк қарнайи важоҳатли қийиллаб, казарма устидаги қаптарлар тинчи бузилди. Икки дақиқа ўтар-ўтмас саф майдонда тўқис қуролланган аскарлар тизилишиб турарди. Полк командири ҳарбийча саломдан сўнг, барча зобит ва прапоршчикларни хузурига чорлади.

— Бирор совуқ хабарнинг иси келаяпти, — деди Мўмин. — Урушга чиқамиз-ов. Ишқилиб худо урган жойга бормайлик-да.

— Афғонистоннинг қаерида оромгоҳ бор? — дея кесатдим мен.

— Ҳарҳолда, тирик қайтишингга ишонадиган жойлар топилиб қолади...

— Панжшир ё Чорикорга дейишса-чи?

— Нафасингни ел олсин!

— Ел оладими, сел оладими, бўлиши мумкин...

— Броня зудлик билан — паркка, пиёдалар — жанг тўрвасини тайёрласин! Битта

БМН дўхтирлар билан боради. Кечқурун йўлга тушамиз,— деди рота командири катъий оҳангда.

Кун оққач, парк ортидаги майдонга машиналарни олиб чиқдик.

— Ҳа, сиз тиббий қисмга борасан!— деди рота техниги, прапорщик Довгий.

Мен дўхтирлар билан бирга бўлишдан қувондим. Ринат икковимиз полк тиббий қисмига етиб келганимизда дўхтирлар ҳамма ашқол-дашқолларини ташқарига чиқариб бўлишган, ёнида дўхтирлар белгиси туширилган кўкимтир, иккита усти ёпик машинага зарур жиҳозларни юклашаётган эди. Бизни кўзойнак тақиб олган катта лейтенант, қарши олди.

— Иккинчи ротаданми? Яхши бўлди. Мен сизлар билан бораман. Манави машиналар ортидан юрамиз.— деди у очиккўнгиллик билан қўл бериб.

— Қачон йўлга тушамиз, ўртоқ катта лейтенант?— сўрадим мен.

— Икки-уч соатдан кейин. Қоринларинг қалай, очмисизлар?

— Унчаликмас. У-бу нарса берсангиз ёмон бўлмасди, ўртоқ катта лейтенант,— жавоб қилди Ринат.

Дўхтир зобит худди ёш болага ўхшарди. Биз билан тезда чиқишиб кетди. Афтидан, у бизга ёқишга ҳаракат қилаётганди. Машина тагига ичкаридан темир стол олиб келишди. У ўз кўли остидаги сержантларга тузукрок егулик келтиришни буюрди. Дастурхонга бир зумда чўчка гўшти, олча қиёми, бир қути «Друг» сигарети, ширинсут, сариеғ, сутли кофе тортилди. Ринат қўлларини ишқаб-ишқаб столга чўзилди.

Булар тозаликни севишади. Қўл ювсақ яхши бўларди,— дедим мен ўзбекчалаб.

— Кўявер. Урушдалигимизни сезишсин-да. Машина устига чиқиб сув олиш ёқмаяпти.

Зобит бизга тушунмагандай қаради.

— Бу ҳозир озгина мизғиб олсам, деяпти. Йўлда кўзи илиниши мумкин. Бирор қорхон юз бермасин. Тун бўйи йўл юрамиз. Нима бало, тамадди қилмайсанми, майли, борақол,— дедим мен.

Ринат кўзини олайтиб қараб қўйди. Зобит инсофлик чиқиб қолди. «Овқатланиб олсин», деди. «Ҳа, майли, у-бу нарса еб ол. тезроқ», дедим. Дурустгина нонушта қилдик. «Уйқуси келган» Ринат биз билан барабар ўтирди. Зобит аскарларига оромда ухлатгувчи дори олиб келишни айтди. Ринат, мен яхши ухлайман, хожати йўқ, деди. Ичавер, биз машинага у-бу ортағимиз, тақир-туқур кўп бўлади, хали алоқани ҳам текшириб кўришим керак. Сенга халал бермайлик, дедим.

Ринат ўзбекчалаб бақириб берди:

— Ҳой, сен жуда ақлли бўп қопсанми. Намунча минғирлайсан. Бор, тошингни тер...

— Нима гап? дея суриштирди зобит.

— Машинани тузатаман, деяпти.

— Машина бузукми?

— Йўқ, ўртоқ катта лейтенант!

— Арзимас нарса. Егни текшириб кўрмоқчи. Паркдан тўғри бу ерга келдик,— деб кўшиб қўйдим мен.

— Текширинг!— буйруқ берди зобит.

Машина бенуксон эди. Катта лейтенант бўлмаганда Ринат мен билан жикқамушт бўлиб қолиши тайин эди. У норизолик билан ёғ идишга ўлчагич симини тикиб кўрди, олддаги темир қопқани ёпиб, буралгични маҳкамлади. У ўзидан-ўзи сўкинар, мени кўрарга кўзи йўқ эди.

— Ринат, мен ухламоқчиман. Алоқа ҳам жойида,— дедим атай зобитга эшиттириб.

— Менга деса ўлиб кетмайсанми,— пўнғиллади у.

Кечки соат ўнда юриш бошланди. Иккала «Урал» ортидан ҳаракатга тушидик. Колоннага тиббий қисмдан чиқиладиган йўл орқали полк ҳудуди тугаган жойда тугашдик. Колонна узундан-узун, уч-қуйруғи кўринмас эди. Полк йўлга ҳаминша шундай дабдабали кўринишда, тўйга бораётгандай чиқарди. Қайтишда эса...

Қатор дўконлару пастқам бинолар тартибсиз жойлашган Қобулнинг марказий кўчасига тушиб олдик. Йўл кенг ва асфальтланган. Гала-говурли, ҳарҳолда осуда шаҳардан тезда чиқиб кетмасликни, шаҳар йўли янада давом этишини истардим мен. У ёқда нима бор. Зимистон, даҳшат. Эркинроқ нафас ололмайсан. Қуниги битиши ҳам ҳеч гапмас. Енимда шлемофон кийиб олган катта лейтенант жон қулоғи билан алоқани эшитиб борарди. Мен то манзилга етгунча алоқада туриш шарт эмаслигини билардим. Машина сафда кетаётгани, тўхтаса тўхтайсан, юрса юрасан. Мен шлемофонининг радиостанция узатгичига уланадиган жойини узиб қўйдим. Ўзимни шаҳар бўйлаб машинада сайр қилаётгандай, урушга кетмаётгандай ҳис эта бошладим. Бир лаҳза бўлса-да, хаёл кўзгусидан кўрқувнинг қора қўланқасини сидириб ташлаётгандай яхши!

Колонна Қобул ҳудудидан Баграм вилояти текисликларига чиқиб олди. Бироздан сўнг узузмзорлар, кейин полиз экинлари яшнатган майдонлар бошланди. Биз жуда ҳам тез ҳаракат қилаётгандик. Агар шу кетишимиз бир соат давом этса, Чорикордан ўн

чақирим берирокдаги ялангликка етишимизни чамаладим. Демак, азонгача хордик чиқазиш мумкин.

Ўйлаганимдай, кечки уч яримда ялангликда тўхтадик. Полк техникалари ҳимоя доирасини ясади. Миллар оғзи хавфли жойларга қаратилди. Ҳар бир рота алоҳида дам олишга жой ҳозирлади. Пиёдаларнинг қўлчилиги машиналар устидаги қоп-кўрпага ўралиб олишди. Айримлари машина тагида ётадиган бўлди. Гулхан ёқиш ман қилинди. Мен кунлик бериладиган улушимдан гўштли тунука идишни олиб очдим, совуклигича паккос туширдим. Устидан узум шарбати ичдим. Афғонда бериладиган овқатдан нолимасак бўларди...

Катта лейтенант Ринат иккимизни чойга таклиф қилди. «Урал» ёнида иккита дўхтир зобит ва сержантлар нонушта қилаётганди. Мен овқатланмайман, дедим. Ринат улар билан бирга тамадди қилди. Мен машина ичкарисига тушдим. Ухлашга қулай бўлсин деб, қоп-кўрпанинг бош тарафига шлемофон солдим. Полк аскарлари аллақачон пинакка кетишган, техникалар атрофини айланиб ўтаётганда фақатгина қоровулларнинг қадам товуши эшитиларди. Тун тинч ва осуда эди. Эртага нималар бўлиши ҳақида ҳеч ким ўйлашни истамасди.

Қўзимни очганимда тонг ёришган, аскарлар тўда-дўда бўлиб нонушта қилишар, у ер-бу ерда гулханлар ёнарди. Қиздирилган гўшт хиди димокка уриларди. Жангчиларнинг айримлари машина устида мудраб ўтирар, баъзилар папирос тутатарди. Бизнинг дўхтирлар ҳам аллақачон уйғонишган, ўша темир стулга қиздирилган картошка ва қарам шўрва, қолбаса идишларини очиб қўйишганди. Мен мулозимат қилиб ўтирмадим. Дарров аскарий тўрвамдан окканд ва қиёмсут олиб, уларнинг ёнига тушдим. Катта лейтенантнинг айтишича, биз ичкарига кирмас эканмиз. Бирор хилватроқ ерда туриб, ярадорларга ёрдам кўрсатиш, зарур пайти уларни Баграм шаҳридаги госпиталга олиб бориш кўзда тутиларди. Яъни, биз полк тиббий қисми ҳисобланардик.

Чорикорга дастлаб қисмининг илғор ротаси — кузатувчилар кирди. Ортидан танкчилар батальони, сўнг пиёдалар йўл олди. Охирида, кечаси дам олган жойимиздан икки чақирим берирокда биз ўрнашдик. Бу ер, умуман, хавфсиз эди...

Зум ўтмай тўс-тўполон авжига чиқди. Кучли портлашлар эшитилди, танк ва БМПлар гумбурлаши тонгни тўзғитиб юборди. Ер силкналар, вазоҳатли қасирлашлардан қулоқлар том битарди. Узокроқда кўринган кўрғонлардан чанг кўтариларди кўкка. Қим қаёққа отаётганини билиб бўлмасди.

БМП олдидан икки кишилиқ ҳандақ қазиб қўйдик. «Урал»лар устига ток кесиб ёпдик. БМП гумшўғини узумзор тарафга тўғриладим. Чорикорга яна битта полк кирди. Ортидан десантчилар батальони ҳам ўтди. Ичкарида қиёмат қойим содир бўлаётган эди. Алоқа тинмай ишлар, полк командирининг овози тез-тез эшитилар, унинг ҳам саросимага тушиб қолганини англаш қийин эмасди. Илгари кирганлари душман тутдай тўқаётганди. Бизнинг олдимизга ҳам учта «эрэс» снаряди кетма-кет келиб тушди. Атроф чанг-тўзон ичида қолди.

Ўзимни ичкарига урдим. Узумзорни БМПдан ўққа тутдим. Кузатгичдан ток новдаларининг силкингани, ўша ердан олов кўтарилгани, япроқларнинг баландга тўзғиши кўриниб турарди. Мен кўнглим тўлмаган жойларга отардим. Қопқани очиб ташқарига бош чиқазганим заҳоти ҳавода ғалати овоз чиқариб снаряд учди. Бу миномёт эди. Душман яқин орада, биздан тахминан икки юз-уч юз метр нарида отаётганди. Мен алоқа орқали вазиятни рота командирига хабар қилдим. У «мен сени тушундим, «Таблетка»,<sup>1</sup> диққат билан кузат, бирор қор-қол бўлса, ҳимояга тур». деди. «Бубен»,<sup>2</sup> сизни тушундим, кузатаман ва мудофаада тураман, қабулга ўтаман», дедим.

— Ишга туш, Таблетка! — деди Бубен.

Мисли кўрилмаган, шиддатли отишма кетарди. Ҳатто жанг майдонидан олисдаги биз учун ҳам тинчлик йўқ эди. Бизнинг ён-веримизга ҳам снарядлар тушар, бундай танг аҳволда ҳали қолиб кўрмаган дўхтирлар машина тагидан чиқолмай қолишди. Ҳар снаряд вангиллаб учганда, менинг ичимдан нимадир узилгандай бўлар, аъзои-баданам бўшашиб кетарди. Тобора ҳосилсизланиб борардим. Оёқларим қалтирай бошлади, хаёлим ўзимда эмас эди.

Ҳавони йиртиб тагин бир снаряд учди. Унинг ваҳимали товушидан ич-ичингдан тамом бўлишининг ҳеч гап эмасди. Қўрқинчли вангиллаш чор атрофни титратиб юборди. Мен, шу снаряд устимизга тушади, тамом, энди асфалософилинг кетдик, деб ўйлардим. Йўқ, хайриятки у БМПдан ўн-ўн беш қадам наридан қўним топди, қора тутун кўтарилиб кичик темир парчалари, тошу кесак атрофга учди. Катта лейтенант ва қолганлар «Урал»нинг тагига кириб олишганди. Ўзимча ўйладим: агар жиндек берирокка мўлжал олишса, БМП билан қўшмозор бўламан, нарироққа олишса «Урал»-пурали билан нариги дунёга кетишади. Эй худо, тезроқ тугасайди!

Олдинда қасира-қусир авжига минган. Гўёки еру кўк зириллар, кўз олдим хиралашиб борарди. Алоқанинг «ту-ту»лаши, турли хил хитоблардан қулоқларим тош битиб қолаёзди. Ютинсам, бошимда нимадир гийкиллаб овоз беради. Шлемофонни ечай

<sup>1-2</sup> Махфий номлар (пароль)

десам, чакириб қолишлари мумкин. Бошимдан тер қуйилар, аъзои-баданим қизиб борарди.

— Таблетка, Таблетка... мен Бубен, қабулга ўтаман.

— Бубен, мен Таблетка, эшитаман.

— Таблетка, ҳозир қутичада уч юзинчи қалам боради.

— Сизни тушундим, Бубен. Уч юзинчи қаламни қабул қиламан ва... нуқтага элтиб қўяман.

Зум ўтмай рўпарадаги дарахтлар ичидан БМП—2 отилиб чиқди. У биз тарафга ўкдай учиб келарди. Ринат машинани ўт олдириди, катта лейтенант ва иккита дўхтир сержант «Урал»дан замбил туширишди. Ярадор ортилган БМП—2 шу тезликда келиб бизнинг ёнимизда бурилиб олди. Машина устидан сакраб тушган икки аскарнинг рангрўйига одам қараб бўлмас, кир-чир юзларида аллақандай тундлик котиб қолган, йилтираб турган нигоҳларида қўрқувдан ҳам даҳшатлироқ нимадир зоҳир эди.

Улар зудлик билан «десант» — орка бўлгани очишди. Ичкаридан ярадор аскарни тортиб олдилар. У беҳуш, уст-боши қон, алланима деб бакирар, тўлганар, хаёли кирарли-чиқарли эди. Ярадорни замбилга ётқизиш, машинанинг орка бўлмасига жойладик. Уни кечиктирмай Баграмдаги ҳарбий госпиталга олиб бориш керак эди. Катта лейтенант менинг ёнимга чиқди. Иккала сержант машина устига жойлашиб олди. Ринат БМПни Баграмга ҳайдади. Машина кишлоқнинг тор кўчаси оралаб пастқам кулбалардан ҳадиғу ҳавотир билан қараётган одамлар юрагига титроқ солиб, елдек учиб борарди. Ҳар силкинишидан жони ҳалқумида турган ярадор йигитга нечоғлик азоб бўлаётганини ҳис этиб турардим.

Баграм госпиталида ярадорни жуда тез қабул қилишди. У энди тинчиб қолганди. Боя машинага ортаётиб катта лейтенант оғриқни мутлақо сездирмайдиган укол қилган экан.

Биз орқага қайтдик. Ринат машинани бемалол, шошилмай бошқариб борарди. Ҳеч биримиз жанггоҳга қайтиб киришни истамаётгандик. Колаверса, у ерда бизни яхшилик кутмаётгани маълум эди. Доимо инсон учун юрагини олдириб қўйган бирор ишни қайта такрорлаш азоб бўлади. Чунки кўнглинг беизллаб қолади. Урушда ҳам бир талофат еган жойга қайта оёқ босиш учун нечоғлик даҳшатли ҳолни бошдан кечирмоқ керак. Назарингда, рўпарангдан ўлим чиқиб қоладигандай бўлаверади. Ҳар бир лаҳзада куннинг битишини, шу ёруғ дунёни кўриш бошқа насиб этмаслигини кўнглингга туйиб туриш нақадар қийин. Бутун борлигини нимадир таталайверади. Сени ўзингга ўхшаган яна бир маҳлук кузатиб тургандай туюлаверади. Ичингда хуруж қилаётган, тоғ янглиғ улканлашаётган қўрқувни бекитмоқчи бўласан. Ўзинг билан ўзинг олишиб, ироданг деворлари емирила бошлайди.

Жанггоҳга киришимиз билан рота командири алоқада тагин «уч юзинчи қалам» бораётганини маълум қилди. Боя турган жойимизда, «Урал» олдида иккита БМП турар, қолган дўхтирлар машина панасига ётқизилган ярадорларга ёрдам кўрсатарди. Улар иккита эди. Бири бошдан яраланган бўлиб, юзи аралаш қуюқ қон сизарди. Ўқ иккинчисининг сонидан тегибди. У тинмай дод солар, чалворининг (шимининг) бир томони почасига довуз кип-қизил қон эди. Иккаласига ҳам оғриқдан чалғитадиган дори берилди. Уларни ҳам госпиталга ташлаб келдик. Бу ўйин кун бўйи давом этадиганга ўхшарди. Тушга бориб жанг яна кучайди. Ярадорлар сони тобора ортиб борарди. Баграм билан Чорикор орасида бўзчининг моксидек қатнардиқ. Ҳаммаёғимдан қон ҳиди келар, кўнглим айниётган эди. Биз элитган ярадорларнинг иккитасининг госпиталда жони узилибди. Мен ўша бошдан яраланган ва елкасидан ўқ еган аскарларнинг қуни битганига шубҳа қилмасдим.

Тўғридаги қалъалар томондан чиқиб келган БПМда яна битта ярадор олиб келишди. Унинг баданига қараб бўлмасди. Ҳамма жойига кичик-кичик темир парчалари санчилиб қолган, уст-боши алвон тусига кириб бўлганди. У дунёни бузиб дод соларди. Ярадорни энди замбилга солаётувдик ҳамки кишлоқ тарафдан полк командири ёрдамчиси майор Купинни олиб юрадиган БТР келиб тўхтади. Машина ичидан Купиннинг боши кўринди. У ерга сакраб тушиши билан ярадорни олиб келган зобитга ўшқирди.

— Нима бўлди!!!

— Ярадор. Темир парчаси...

— Ҳали бронжилет киймабдим, аблаҳ! Мана олифталикнинг оқибати. Сенинг кўзинг қаерда эди?

Зобит каловланиб турарди. Купин замбилда алаҳсираётган аскарнинг бошига келиб турди, жаҳл билан қичқира бошлади.

— Қазёл... Нега бронжилет киймадинг. Хе, онангни...

Ярадор баттар қичқира бошлади.

— Ўчир овозингни!

Купин аскарни тепкилай бошлади.

— Ҳозирнинг ўзида ўттиз бешта ярадор бор полкда. Ўн бир киши ўлди. Қазёллар. Бронжилет кийишмайди, булар. Оқибати мана!

У қисмда энг раҳмсиз зобит саналарди. Ҳатто, зобитларни ҳам ҳузурга чакириб,

тарсаки тортиб юбораверарди. Шунинг учун ҳам бутун бошли қисм Купин деса даг-даг титрарди. Лекин, мен жони узилай деб турган ярадор аскарни тепкилашини ҳеч тасаввуримга сиғдира олмасдим.

## IX

Полкка қайтгач, икки кеча-кундуз миужжа қокмадим, бошим ғувиллар, ютинсам кулоқларимда нимадир чийилларди. Асабим зор қакшарди. Ротадошлар билан суҳбатлашишга ҳам мажолим йўқ эди. Назаримда ҳамма нарса бетартиб, аралаш-куралаш бўлиб кетгандай. Катта казарма ичи ва ташинда ғимирлашаётган аскарлар ҳам кўзимга ёмон кўринар, наинки улар билан гаплашиш, балки уларни кўришни ҳам истамаётгандим. Мен қаттиқ толиққандим, ҳилватни қумсаётгандим. Иложи бўлса сукунат қўйнига бош олиб кетсам. Бошимнинг орқа томони эса лўқиллаб оғрир, ҳаёлимда Чорикор жангининг олақуюн манзараси ахён-ахён жонланиб қоларди. Бундай ҳолларда атрофда нималар содир бўлаётганини ҳам унутиб, ўзимни қўярга жой тополмасдим. Ички бир оғриқ хуружидан аъзойи танимни титроқ босар, мен оёқда туриб алаҳсирардим.

Учинчи кун иссигим чиқди. Кўзларим ёшланиб, нимадир санчилар, уйқусизлик тобора иродамини емириб бормоқда эди. Нафас олсам оғзи-бурнимдан ўт чиқаётганди. Ҳолсизлана бошладим. Мен тузалиш ўрнига дардим оғирлашаётганини сездим. Бу кетишда яхшиликдан умид йўқ ҳисоби. Қайси гўрданам шу дўхтирлар билан жангга кириш насиб қилган экан, оқибати: кўз ўнгимда оғзи-бурнидан қон сизаётган ярадорларнинг оқиб юзларига янада аянчлироқ тус бераётган сўниқ нигоҳлари қотиб қолган эди. Кулоқларим тагидан эса алоқанинг «туту»лаши, ўқларнинг чийиллаши нари кетмасди.

Ошхонага, эргалабки нонуштага ҳам бормадим. Ринат қоврилган балиқ олиб келди. Иштаҳам йўқ эди. Бошим тобора оғирлашиб, кўзларим хира торта бошлади. Қазармадаги шовкин-сурон эса баттар асабимни қакшатар, кенг дунё биргина мен учун торайиб қолганди. Ринат ёнимга келиб ўтирди. Мен қаравотда ёнбошим билан ғужанак бўлиб ётиб олдим. Гўё шундай қилсам ҳаммаси ўтиб кетадигандай, бутун борлигимни ўз исқанжасида сиқувга олаётган бу ҳолат чекинадигандай. Ринат бошимга қўлини теккизди.

— Иссиғинг борга ўхшайди. Дўхтирга учраш. Қаеринг оғрияпти, ўзи?

— Миям тиркираб отилиб кетай деяпти. Мажолим йўқ.

— Сени ўзим олиб бораман. Индамаса, ўн кун бўлса ҳам ётаверасан — ўлганингча.

— Ётқизишса керак... Ё ишонмайдимиз?..

— Нима бало, уларга албатта, бирор жойингдан қон чиқиб туриши шартми,— кесиб гапирди Ринат.

Дўхтирхона саф майдонининг нариги тарафида, бизнинг казармадан икки юз эллик қадамлар чамаси нарида жойлашганди. Ринат иккимизни ҳамшира киз қарши олди. У одатий сўров — нима бўлди, қаеринг оғрияпти, дея дафтарига нималарнидир ёзиб кўйди. Ҳарорат ўлчигични қўлтиғим тагига қўйганини ҳисобга олмаганда боя казармада Ринат ундан яхшироқ ҳол сўраганди.

— Буни ётқизасизларми?

Ринатнинг қутилмаган саволи ҳамширага эриш туюлди чоғи, саволга савол билан жавоб қайтарди.

— Нега энди, аҳволи дуруст, бироз шамоллабди. Иссиғи ҳам унчалик баландмас.

— Демак, ўлим ҳолатда келса қабул қиласизларми? — зардаси тошди Ринатнинг. Менинг эса ўз аҳволим ўзимга аён эди. Ринатни янада яхши кўриб кетдим.

— Ахир тушунсанг-чи, менга гап тегади... Бўш жой ҳам йўқ.

— Шундай де, қани бошлиғинг ўзи?..

Ҳамшира киз ўжар аскар Ринатга, бир менга қараб деди:

— Ҳали бирор асқар бу ерга келиб дўқ урмаган. Майли, катта лейтенантни чақираман... Кўрамиз, дағдаганнинг баландлиги қандай бўларкан. Ўргилдим сендаки инсонпарвардан... Фақат сен Афғонда жанг қилипсанми?

У дўппослаган болақайни онасига чақмоқчи бўлган эрка киздай коридор бўйлаб пилдираб қолди. Ринат унинг ортидан бўралаб сўкди.

— Хе... сендай фоҳишани!..

Ҳаял ўтмай ҳамширанинг ортидан кўзойнакли зобит чиқиб келди. У биз билан урушга кирган катта лейтенант эди.

— О, салом йигитлар! Хабарлашай депсизлар-да. Жуда яхши... Кайфият қалай, кайфият?!

У иккаламиз билан ҳам самимий қўл чўзиб саломлашди. Мен мазам қочиб турганини айтдим.

— Чакки бўлибди,— деди у.— Жанг асорати. Анчагина чарчаган кўринасан. Асабга таъсир қилган шекилли...

— Ўртоқ катта лейтенант! Бу уч-тўрт кун сизнинг қўлингизда даволансам, деб келди,— қўшилди Ринат.

— Айни муддао. Ярим соатдан кейин машина бўлади.

Катта лейтенантнинг бизга бу чоғлик кадрдонлигини пайкаган ҳамшира тараддуланиб қолди. Гўё муҳим ишни унутган каби коридор охирига чопқиллаб кетди.

— Ундай бўлса мен ротага бориб келай, у-бу нарса олишим керак,— дедим.

— Сен ўтир шу ерда, Ринат келтиради.

Ярим соатдан кейин Кобулга жўнаш учун машина шай турарди.

Ринат казармадан сочик, совун, тиш порошогим ва тозалагичимни олиб келди. Чўнтагимда ўттиз чек бор экан. Ринатдан эса йигирма чек қарз олдим. Катта лейтенант бу орада касаллигим ҳақида кўрсатма тайёрлади. Ҳатто, мен боришим керак бўлган бўлимнинг бош врачига яқин ўртоғи экан, хат ёзиб берди.

— Бир ҳафтада тузалиб кетасан. Сенга яхшилаб қарайдилар,— деди у машинага чиқаётганимда қўлимни сиқиб.

Ринат билан кучоклашиб хайрлашдим. Унинг кўзлари нам эди. Юрагим сув бўлиб кетди. Қанчалаб қийин дамларда бирга бўлган метин иродали дўстимнинг йиғлаганини биринчи бор кўришим эди. Бўғзимга аччиқ нарса тикилди. Бу ҳали отилишига шай кўзёшларим эди. Лабларим пирпираб, нигоҳимни олиб қочдим.

— Мен тезда қайтаман, ошна. Биз ҳали бирга бўламиз, уйга ҳам бирга қайтамиз,— дедим зўрға.

Машинада мендан бошқа тўртта аскар бор эди. Иккитаси сариқ билан оғриган, яна бири қўлтиктаёққа суянган, оёғи тангирайиб шишиб кетганди. Тўртинчи аскар ўпкам шамоллаган, деди. Мен унинг сил касалига дучор бўлганини сезиб турардим. Мендан сўрашганда, бошим ғувиллайди, деб жавоб бердим. «Кантузиямсан?» деди қўлтиктаёқли. Худо асрасин, дедим, бироқ ички бир ваҳмдан титраб кетдим. Наҳотки? Кобулга етгунча кантузия бўлганмикинман, деган ўй кемириб борди миямни.

Кобулда бизни касалликнинг турига қараб бўлимларга ажратишди. Қўлтиктаёқлини Марказий касалхонага олиб кетишди, тўрттовимиз эса юқумли хасталиклар госпиталида қолдик. Мени тўртинчи бўлимга жойладилар. Катта лейтенант бериб юборган хатни ҳамшира қиздан бўлим бош врачига етказишни илтимос қилдим.

Касалларнинг кўкимтир кўйлак-иштониди ўзимни бошқача сеза бошладим. Гўё ёш болага ўхшаб қолгандим. Палата кенг ва шинам эди. Олтита каравот қўйилганди. Мен дераза олдига жойлашдим. Ҳамшира оқ чойшаб олиб келиб, жой ҳозирлади. Уйқим келганди, бироқ хонадошларим билан яхшилаб танишиб олиш истағи кучайиб борарди менда. Эшикка яқин каравотда сариқ сочига мос юзлари кенг, қийиқ кўз, бўйни йўғон, бесўнақай гавдаси қўлларининг узунлигини ҳам яшириб турган йигит ёнбошлаб олиб мени кузатарди. У жудаям баққуват эди. Афтидан украин ё белорус бўлса керак. Қим билсин, балки ўрисдир. Ҳарҳолда палатадагилар ичида у ажралиб турарди. Мен унга ўзимча «йўғон бўйин» деб ном қўйдим. Бошқалар ўзим каби ирик-чирик аскарлар эди. Йўғон бўйин атрофга беписандлик билан боқар, шу ерда ҳам ўзига бино қўйгани сезилиб турарди. У госпитал кийимини ҳам торайтиб тикиб олган, бошқаларникидай иштон-қўйлагини қулгили тарзда ҳилпираган, кенг эмасди. Негадир у касал одамга сираям ўхшамас, бошқа аскарларни ёнига чакириб уни қил, буни қил, деб иш буларди. Кимнидир сувга юборди, яна бировни ошхонада овқат қачон тайёр бўлишини билиб келиш учун жўнатди. Ҳатто бурчакдаги кароватга қўлидаги гугурт қутисини отиб, ухлаётган беморни уйғотди. Аскар чўчиб ўрнидан туриб, «йўғон бўйин»нинг олдига югуриб келди.

— Эшитаман.

— Дембиллар<sup>1</sup> қўшиғини айт...

— ...

Аскар уйга кетадиганлар тўқиган, беҳаё сўзлар қоришиқ қўшиқни айта бошлади. «Йўғон бўйин» ёнбошлаган кўйи ҳиринглар эди:

— Етади, бор ухла!

Аскар афтидан олти ой хизмат қилган эди. Лекин мен Афғонда ҳали «қариялик» ҳукми мавжудлигини билмас эканман. Бизнинг қисмда бунчаликка боришмайди. Урушга тез-тез чиқиб туришимиз боис ҳаммамиз бир ота-она болаларидек кадрдонлашиб кетгандик. Қўп хизмат қилганлар анчагина босиқ бўлиб қолишганди. Хуллас, аскар аскарнинг ҳурматини жойига қўярди. Бу ерда эса... Мен анави олифтанинг жангга чиқиб, руҳий дунёсиз озор топганига, ўлим билан рўбарў келганига, бир лаҳза бўлса-да, инсоний кадр-қиммат учун қон ютиб йиғлаганига ишонмасдим. Кўзимга балодай кўри-на бошлади у.

— Тўхта!..— кичкирди у эндигина каравотига ечиниб, чойшабни кўтараётган ҳалиги аскарга,— бу ёққа кел!!!

Аскарнинг кўзларидан мунг тошар, бошини қуйи солиб эшик томон борарди.

— Мен қачон уйга кетаман?

— Уч ярим ойдан озроқ, яъни бир юз ўн икки куну...— у соат ва дақиқаларни ҳам тўлиқ айтди.

«Йўғон бўйин»нинг бир ярим йил хизмат қилгани, у госпиталнинг «шеф»и эканлигини билиб олдим. Менинг нафсониятим кўзиди. Агар бизнинг ротадаги ёш аскарга

<sup>1</sup> Ҳарбдан бўшатиловчилар.

шундай қилганимда, онангни кўрардинг, дарров манглайингда қизил гул очиларди... Уйкум қочиб, каравотга чўзилдим, очинг, қаерга тушиб қолганимни тасаввур қилолмасдим. Нахотки, шу палатада жангчилар ётишган бўлса? Бошимнинг гувиллаши зўрайиб борарди. Тик этган товуш қулогимга ёкмасди. Аскарлардан бири чўккалаб олиб пол артарди. Зарил кептимикин, бемор ҳолнга? Бу ерда бор-йўғи икки соат мобайнида ҳамма нарса телба-тескарисига содир бўлаётганлигини ҳис қилдим. Агар даволайдиган госпитали шу бўлса, бир кун ҳам туролмасам керак: манавилар қандай чидаяптикин? Ё урушга чиққандан кўра шундай яшаш авломикин улар учун. Йўғ-е...

Палатага ҳамшира қиз кириб келди, мени бош врач чақираётганини айтди. Мен унинг ортидан эргашиб, коридор бўйлаб юрдим. Чап қўлдаги эшиклардан бирига кирдик... Аллақандай, қоғозларга тикилиб ўтирган кичик жусса корейс майор менга синчковлик билан тикилди. Бошдан-оёқ бироз разм солди.

— Хўш, жангчи, ахволлар қалай?... Чорикорда жасорат кўрсатибсан. Яхши, яхши... Хафа бўлма, тезда соғайиб кетасан... Ҳозир ўзингни қандай тутаяпсан, тузукмисан? — У кетма-кет савол берар, гапиришимни ҳам қутмай улаб кетарди.

— Емонмас, бироз қулогим...— дедим.

— Қайгурма, бу жудаям кўркинчли эмас... Керакли дори-дармонлар оласан... Аня,— деди у ҳамширага қарата,— жангчидан текширувга қон олинг, эрталабга тайёр бўлсин.

Мен чиқиб кетаётганимда, бош врач, «ўзим сен билан тез-тез хабарлашаман, нима камчилик бўлса айтиб тур», деди меҳрибонлик билан.

Палатага киришим билан бемор аскарлар тинчиб қолишди. Ҳаммаси менга қараб туришарди. Оҳиста чўзилдим жойимга. Ҳамшира дори бериб кетди. Иссиғинми ўлчади, кечқурун яна хабарлашажагини айтди.

Бир кунни амаллаб ўтказдим. Тун бўйи — ҳалиги қилтириқ аскар Игнатъев уйга кетувчилар қўшигини айтиб, Гаврилов пол ювиб чиқди. «Йўгон бўйин» ва тагин иккита аскар карта ўйнашини қанда қилмади. Фақатгина мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Бирортаси, исминг ким, қаерликсан ёхуд қайси полкдан келдинг, деб ҳам сўрамади. Эрталаб ҳамшира қиз ҳол сўраб кирди. Менга ҳар қанақа муолажа ўрнига фақат тинчлик, осойишталик ҳаводек зарур эди.

— Тузукмисиз, жангчи? — ҳамширанинг овози кечагидан ёқимли эди.

— Чидаса бўлади,— дедим мен,— иложи бўлса — тинчроқ палатага ўтсам.

Палатадагилар Андрей деб гиргиттон бўлаётган «йўгон бўйин» киноя билан ҳуш-так тортиб бошини чайқади.

— Аня, бизларни ҳам алоҳида, махсус хоналарга жойласанг-чи,— кесатикли оҳангда гап қотди бурчакдаги каравотда оёқларини чалиштириб чалқанча ётган аскар. Мен унинг атайин, мазаҳ қилиб сўзлаётганини пайқадим. Палатадагилар Андрей ва унинг измида, яъни улар «хўжайин», бошқалар иккаласига қарам эди, назаримда. Аня чиқиб кетгач, қилтирқ аскар ёнимга келиб, наша сўради. Мен чекмайман, умуман чўнтагимда олиб юрмайман, дедим.

— Афғонга келганимга қанча бўлди? — дея ундан сўрадим.

— Уч ой.

— Нима, сен наша чекмоқчимисан?

— Йўқ, Андрей сўраяпти.

Мен ётган жойимда Андрейга қарадим. У — «Беломорканал» тамакисини тушираётганди. Бўшаб қолган папирос қоғозга тамаки аралаш наша эзиндисини сола бошлади. У бу ишни шунчалик тез ва усталик билан бажарардики, асти қўяверасиз. Зум ўтмай папирос тайёр бўлди. Андрей бояғи кесатикли гап қилган аскар билан ташқарига чиқиб кетди. Гаврилов яна эшик олдида чўнкайиб пол артишга тушди. Менинг унга раҳмим келди.

— Гаврилов, бу ёкка кел,— дея чақирдим уни.

У остонада тик турган қўйи, менга ажабсиниб қаради. Негаки, бу палатада Андрейдан бошқа уни ҳеч ким бунақа оҳангда чақиролмас эди, ниманки иш буюрса фақатгина Андрей ҳақлидай эди, Гўё Гаврилов, менга бирор юмуш буюради, деб ўйлади шекилли, тош қотиб тураверди.

— Ке, дўстим, гап бор,— қайтардим мен.

Гаврилов тепамда нурсиз кўзларини ерга қадаб турар, «менда нима ишинг бор», дегандай бош эгиб олганди. Қаршимда инсоний ҳис-туйғуларига нимадир чанг солган, ўз кадр қимматини нутиб қўйган ўн тўққиз ёшли йигит эмас, эс-аклидан жудо бир одамсифат махлук турарди. Мен бу одамнинг бизникидай исми-шарифи, юраги, кўзлари борлигига, кўнгил дунёси ҳам вайрон бўлмаган, бироқ таёқлар зарбига бардош беролмай кўрқув туйғусига вақтинчалик маҳкум бўлганига ишонч ҳосил қилдим. Юраги безиллаб қолган бу ўғлоннинг иродасини бу ерда икки-уч муштумзўр синдириб бўлгани алам қиларди.

— Гаврилов, бор, дамингни ол. Сен палатанинг фахрий фаррошлигидан бугундан бошлаб озодсан!

Гаврилов безрайиб тураверди.

— Нима бало, гапимни тушунмадингми? Латтани ташла, жойингга бориб ёт! Буйрук оҳангини итоаткорона қабул қилишга аллақачон кўникиб бўлган Гаврилов каравотига бориб ўтирди. У ҳар қандай одамнинг раҳмини келтирардиган даражада нимжон ва ориқ эди. Унинг эзгин ҳолатидан кўнглим бузилди. Палатадагиларнинг бари, буёғи қандоқ бўлар экан, деган маънода мум тишлаб ўтиришар эди. Улар Андрей ва бояғи киноячи аскарни кутишмоқда эди.

Ҳаял ўтмай иккови олдинма-кейин кириб келишди. Андрей ўз жойига чўзилар экан Игнатъевга кўшиқ куйлашни буюрди. Игнатъев ҳам шуни кутиб тургандек «чирк-чирк...» деган бепарда кўшиқни бошлаб юборди. Кейин Андрейнинг хизмат муддати туғашига қанча вақт қолганини ою кун, соату дақиқаларигача айтиб берди.

— Бугун бизнинг палатадан бўлимга навбатчи туриши керак. Кимнинг гали келди?.. Бундай ўйлаб қарасам, оиламизнинг янги аъзоси бир хизмат қилсалар, чакки бўлмас экан.

Андрей менга шаъма қилаётган эди. Мен очиги бунақанги буйруқни қутмаган эдим. Қоним қайнаб кетди. Охири нима бўларкан, деб тишимни-тишимга кўйиб ётдим.

Кечкурун билагига латта боғлаган эски навбатчи бўлинмамиз остонасига бориб тунги қоровулликни қабул қилишимни айтиб чиқиб кетди. Андрей ётган жойида, кизарган кўзлари еб кўйгудек бўлиб, менга қаради. Мен, нега энди аллақердаги кимсанинг гапини олишим керак экан, деб ўйладим. Хўш, Андрей ким бўлибди? Еки мени ҳам манавилар каби кўзидан ўтини оламан, деб ўйлаяптими? Йўқ, ошна! Мен бу ерга сенинг шармандалди ўйинларингга чидайвераман, деб келмаганман. Сен билмасанг, мен ўз кадримни биламан. Қолаверса, менга буйрук беришга сираям ҳаққинг йўқ... Хаёлимдан шуларни ўтказиб ётарканман, Андрейнинг тўнғиллагани баттар ғашимни келтирди.

— Эй, сен бориб навбатчини алмаштир. Кутиб колди,— деди у менга қарата сўзларини чўзиб-чўзиб.

— Нима?

— Сен навбатчисан!

— Нимаааа?

— Сен бу кеча навбатчисан, кармисан, нима бало?

— Менинг навбатчилик қилишим кераклигини сенга ким айтди? — дедим бепарволикка тиришиб.

Андрей ётган жойидан бир сапчиб турди ва ғоз ўтириш қилиб қўлларини сонига кўйди. Важоҳатини сездирмаслик учун гап оҳангини пастлатди.

— Мен айтдим.

— Сен кимсан ўзи?

— Эй, шундай де, зўрсан-ку! Демак, навбатчи бўлмайсан?

— Керак бўлса навбатчиликка ўзинг тур. Мени Гаврилов деб ўйлаяпсанми?

— Эй ўзбек, бас қил,— деди Андрей билан бирга наша чекиб келган аскар.

Бошқалар нафас ютиб ўтирардилар.

— Охирги марта сўраяпман, турмайсанми, қазёл.

— Гапимни эшитгандирсан, қазёл!

— Владик, эсини киритиб кўйиш керакка ўхшайди,— улар мен томонга юришди.

Бошқалар жим эди. Бошқалар йўқдек эди, гўё.

Мен кад ростлаб турганим ҳамоно кўкрагимга тушган кучли мушт зарбидан каравотга ўтириб қолдим. Қулоқларим том битиб оғзимда тахир таъм туйдим. Еру осмон чаплашиб кетган эди. Мен зўрга турдим ва йиқилиб кетмаслик учун каравотдан ушлаб олдим. Учинчи бор белимга тешик тушди. Каравот силтаниб кетди. Бас қилинглар, дедим инқиллаб.

— Қалайсан, босмачи, навбатчиликка энди турарсан?

— Бас қилинглар,— дедим ва каравот тепасидаги ушлагични суғуриб олдим. Андрей ва унинг шериги кўзимга балодек кўринарди. Темирни кўтариб уларга ташландим. Менинг ажинам отлангани шу эди. Бор куч билан Андрейнинг белига туширдим. У ихраганча гупуллаб қулади. Владик қутилмаган ҳамла энди ўзига аталганини сезиб «қўлингдагини ташла, жиннимисан!» дея орқаси билан эшик томон юра бошлади. У қочиб чиқмоқчи эди.

— Қонингни ичаман,— дедим унга ҳансираб.

Владикнинг ранги оқариб кетганди. Эшикка икки-уч қадам қолганда темир билан бошига туширдим. У чинқириб ташқарига отилди. Каравотим ёнида бикинини ушлаган кўйи Андрей қотиб турарди.

— Энди сени қонингни тўқаман, итвачча!

Мен қўлимдаги темирни маҳкам ушлаб олгандим. У орқага чекина бошлади. Кўрққанидан «керак эмас, ташла темирни!» дея жаврарди.

— Бугун сени қонингни тўқим шарт, ифлос! — дедим мен.

Очиги, нималар қилаётганимни англай олмас эдим.

Андрейни ўлдириб қўйишим ҳеч гап эмасди. Жон-жаҳдим билан тағин белини мўлжаллаб урмоқчи эдим, у чап бериб колди, ўзимни ўнглаганимча эса узоклашиб бўлган Андрей эшикка қараб югурди. Мен кўзим тиниб каравотимга зўрга етдим. Не-



гадир аъзойи-баданим даг-даг титрарди. Иситмам чиқаётган эди. Аммо юрагимда заррача кўрқув йўк эди, балки анавиларни хуморимдан чиқиб калтаклаганимга кўнглим жойига тушгандир. Уёғи нима бўларкин, деб ётишдан бошқа иложим йўк эди.

Палата жимжит, қолганларнинг забони йўк эди гўё. Бу сукутни Гавриловнинг оёк товуши бузди.

— Хозирок деразадан ташқарига чиқиб кет. Йўкса улар бошқа палаталардан юртдошларини олиб келишади. Сени майиб қилиб қўйишади.

Мен Гавриловга ҳечкиси йўк, дегандай кўл силтадим. Буларнинг олдида мард бўлиб охиригача туриб беришим кераклигини, қочган кўрқоқлик эканини ҳис қилгандим. Гавриловга яқинроқ келиш учун имладим. У мен томонга бироз энқайди.

— Бу ерда қандай қилиб болта топсам бўлади,— секингина, бошқалар эшитмайди-ган қилиб сўрадим.

Гаврилов сесканиб тушди.

— Кўркма, ҳеч кимни чопмайман. Анави ифлосларни кўрқитиб қўймоқчиман.

Мен, бу кеча, албатта, улар ўчини олишади деган хаёлга бордим. Гавриловнинг айтишича, госпитал ёнбошидаги қисмга қарашли ҳаммом ўтхонасидан болта топиши мумкин экан. Қисм ва госпитал ораси ўн беш-ўн қадам келарди. Чиндан ҳам ўтхонада олов ёнар, бурчакда, кундалар орасида болталар ётарди. Мен кичкинасини кўринмайдиган қилиб қўйнимга солдим ва палатага олиб келдим. Билинтирмай ёстигим остига қўйдим ва хавотир билан қараб турган Гавриловга кўз қисдим. У тушунди...

Мен Андрей билан Владикнинг келишини кутиб ётдим. Қоронғу тушиб бўлди ҳамки, мени ҳалиги эски навбатчи сўраб келмади. Орадан икки соатлар ўтгач палата эшиги очилиб, тасур-тусур қилиб тўртта ўрис кириб келди. Мен уларни каравотда ёнбошлаб кузатардим. Ортидан Андрей ва Владик кирди. Владикнинг ўнг қабоғи шишиб кетган, қонни ювиб ташлаган чоғи, кўк яктаги ёқалари нам эди. Тўртови ҳам менга яқинлаша бошлади. Беихтиёр ўрнидан туриб кетдим. Госпиталдан тузалиш ўрнига, ўлимим чиқадиган шекилли, деган уйга бордим. Барибир уларга иложим етмаслиги, ўртада қоптоқ бўлишим аниқ эди. Естиқ тагидан шахд билан болтани олиб каравот ёнига ўтдим.

— Қани, битта-биттадан келинглар. Шошилманглар, ҳаммангни чопиб ташлайман,— дедим кескин оҳангда.

Улар қаловланиб қолишди. Болта кўтариб пешвоз чиқишимни кутишмаган шекилли, такка тўхташди. Ҳаммасининг кўзи менда эди. Андрей эшик туткичидан маҳкам ушлаб олган, Владик каравотга суяниб қўли билан шишган ковоғини ушлаб ўтирарди. Улар манави тўртталаси менинг таъзимимни беришларига роса ишонганди. Бирок, ҳаммага жон кёрак. Бир зум қотиб қолишди. Мен ўнғайроқ бўлиши учун ўнг қўлим билан болта сепининг учидан ушлаб бир-икки хаволатича қўйдим.

— Қасам ичаман, бирортангни чопиб ташламагунча тинчимайман,— дедим қазаб билан,— қани, яқинроқ келинглар.

— Ха, эй ўзбек, ўзингни бос, юртдош, нима кераги бор шунча гавғони,— деди улардан бири сиполик билан. У афтидан чўчиб турарди.

— Хўш, нима демоқчисан...

— Яхшиси келишайлик, тентаклик қилма...

— Нимани келишасан...

— Бор-йўғи бир йил хизмат қилибсан-ку? Бу кеча навбатчилик қил. Ахир, ҳамма жойда ёш аскарлар хизматда бўлишади, қолаверса бу сен учун зарурат.

— Нега энди сен дам олиб, мен навбатчи бўларканман.

— Менчалик хизмат қилсанг, сен ҳам дам оласан.

— Бор гапинг шуми? Биринчидан, сенларга малай тутинмайман. Иккинчидан, касалман, асабим ёмон... Яхшиси, кетинглар...

— Майли ётсин,— деди улардан бири,— эрталаб гаплашамиз.

Улар билан Андрей ва Владик ҳам чиқиб кетди. Мен болтани бошимга қўйиб ухламоқчи бўлдим. Бошқалар гўёки ҳеч нарсани эшитмаётгандай, жим эди. Енимга биргина Гаврилов келди. Палатада ҳокимият қулаганидан анча саросимага тушиб қолганди у. Гаврилов билан кечки ўн иккаларгача гаплашиб ўтирдик. У Москва шахридан бўлиб, севган қизи, иккита синглиси бор эди. Отаси заводда ишлар экан. Онаси — уй бекаси. Институтга кириши учун бир балл етмай қолибди. Эсон-омон борсам, албатта, ўқишга кирарман, деди у. Гавриловнинг айтишича, бўлимда врач билан келишса бўлар экан, яъни бош врачга пул беришади-да, қисмига қайтмай шу ерда юраверишади. Айримлар шу ердан уйга қайтар экан. Гавриловга ўхшаган тўрт-бешта «кичик ияклар» эса палаталарда, тозаликни сақлаш, бўлимнинг майда-чўйда юмушларини бажариш учун жудаям зарур. Агар ёш аскарнинг бўйни бўш чиқиб қолса, то хизмати тугагунча шу ерда қолиши мумкин эди. Қасаллик варақасига бошлаб, яроксиз деб ёзишлари кифоя. Жангда ўлимга дуч келаверишдан кўра шу ерда димикиб яшашни аъло билгувчиларнинг топилишига шубҳа қилмасдим. Бу беҳуда урушда ҳар қандай қинғирликлар содир бўлишига яна бир қарра ишондим. Урушнинг табиати шундай, унда иштирок этувчилар ўз инсоний қиёфасидан аллақачон марҳум бўлиб улгурадилар.

Бошимнинг гувуллаши баттар кўзиди. Миямда қовоқарилар уя қуриб олгандай

эди. Бошимни кўрпа тагига канчалик буркамай, бефойда эди. Қовоқарилар бири қўйиб, бири учишни қанда қилмасди. Қовоқарининг учиши гоҳо, мия томирларимни кимнингдир арралаши билан алмашарди. Мен баттар азоб тортардим, бир лаҳзагина ором истардим, бироқ, мия томирим қалинлашаверар, арранинг гир-гирлаши эса сираям тинмасди.

Хамширадан дори сўраш мақсадида коридорга чикдим. Хаммаёқ сув сепгандай жимжит эди. Коридор ўртасида дам олиш жойи бўлиб, диванлар қўйилган, телевизор ўрнатилганди. Дам олиш жойидан кейинги, ичкарисидан парда тортилган ойнаванд эшик хамширанинг ётоғи эди. Мен эшикни тақиллатдим. Ҳеч қанақа жавоб бўлмади. Ухлаётгандир, деган ўй билан эшикни яна тақиллатдим. Ичкаридаги гоҳ хансираган овоз, гоҳ шивир-шивир бемалол эшитилиб турарди. Мен қизиқсаниб пардалар тутанган тиркиш орқали ичкарига мўраладим. Қаравотда икки тана бири-бирига қапишиб ҳаракатланар, аёл кишининг кайф билан ихраши яққол қулоққа чалинарди. Улар дунёнинг жамики айшу ишратлари устидан голиб келганликларини иншонламоқда эдилар. Мен сук билан қарашни ўзимга эп кўрмасам-да, ичкарида содир бўлаётган ҳолдан ич-ичимга ғайритабиний титроқ кирди. Афсуски, бу лаззат бошқага, келиб-келиб Андрейга насиб қилганидан ёнардим. «Энағарди, майиб қилиб ташласам бўларкан...»

Эрталаб хамшира қиз дори келтирди. У кўзимга чўғ бўлиб кўринса-да, кечаги тушни Андрей билан ўтказгани гижинимни келтирди. Саломига ҳам индамай кўя қолдим. Гавриловнинг айтишича, Андрей унга «Панасоник» маркали магнитофон ва япон рўмоли совға қилибди. Деярли ҳар кеча айшу ишрат сураркан... Аня бўлимдаги бошқа бемор аскарларнинг ҳам кўнглини овлайди. Бир кечага 50 чек берсанг етади, деди Гаврилов. Мен ҳамма билан ётаверадими, дегандим, у бир ярим-икки йил хизмат қилган аскарларни ёктиради, дея жавоб қилди. Госпиталь бадтар таъбимни тирриқ этди. Тушга яқин бош врачга «менга жавоб беринг, қисмга қайтаман...» деб туриб олдим.

— Ҳали тузалиб кетмагансан,— деди у.

— Ҳечқиси йўқ. Қисмда яхши. Барибир госпиталда даволана олмаيمان...  
— ...

Бош врач Аняга икки соат ичида ҳарбий кийим келтириб, керакли қоғоз ва ҳужжатларимни тўғрилаб беришни тайинлади.

Мен палатада Гаврилов билан хайрлашдим. Андрей ва Владик бурчакда карта ўйнашарди: Бошқалар жим эди... Кенг, ёруғ ташқари тобора кенгаймоқда эди. Қисмдагилар олдига қайтаётганимдан кўнглимдаги хижиллик тарқаб борарди.

## Х

Чорикорда иккала кузатув нуқтамиз кийин аҳволда қолганлиги ҳақида хабар келди. Душман кеча-кундуз тинчлик бермаётган экан. Кузатув нуқталарини қайси йўл билан бўлмасин кўчириш керак эди.

Кузатув нуқталари Чорикорнинг ичкарисида жойлашган, ҳар бирида 10 чоғли аскар, БМП ва танк мудофаада турарди. Аммо Чорикордай ажалнинг уясида бу ҳеч нарса эмасди. Негадир шу пайтгача кузатув нуқталарини эгаллаб олишмагани мени ҳайратга соларди. Негаки у ердан бутун бошли армия керагича совға билан гандирак-лаб чиқарди. Шу боис ҳам полкда «Чорикордаги нуқталар ва аскарларимизга душман тегмайди. Улар дўстлашиб олишган», деган гаплар юарди. Очиғини айтганда, мен бунга ишонардим. Олдинги гал Чорикорга кирганимизда, химояда турувчи таниш аскар «бизнинг олдимизга духлар тез-тез ташриф буюрадилар...» деганди. Мен сизларга тегмайдим, деганимда: «Содда экансан, агар қасдлашишса бир кундаёқ йўқ қилиб ташлайдилар, у-бу нарса бериб турамиз», деб жавоб қайтарди. Мен бу урушда нималар содир бўлаётганини оғриниб ҳис этгандим. Умуман, инсон ҳаёти, ўй-орзулари кимнингдир қўлида ўйинчоқ бўлаётганини англаётганинг сайин юрагингда ишлаётган чексиз нафрат туйғуси ич-этингни сиркиратиб емирарди. Бу биқгина менинг ҳаётим, ўй-орзуларимнинг увол бўлиши эмас, балки миллионлаб кишилар тақдирининг ёвузлик комида топталиши, орзу-армонларининг чил-парчин қилиниши эди. Йигирманчи аср юзига оёқ қўйилиши — тарих саҳифасига қора ранг чаплагани эди. Кейинчалик бу доғ бесанок кўнглиларда мангу бўлиб қолишини ўша захотиёқ пайқаш имконида эмаслигини, қарахту лол бўлиб қурол тутганлар, одам ўлдирганлар яхши билишадди. Урушда одабий қиёфада бўлмайсан, ҳаммаси тугагачгина сен ҳам инсон эканлигинг, ҳақоратлаганинг ёдинга тушади. Хотира азоби, деган бир оғир дард ҳаётингнинг энг сўнги лаҳзаларигача сенга азоб бераверади, англайсанки, уруш доимо ғалаба қилиб келган, урушда қатнашганларнинг бари мағлуб бўлиб дунёдан кўз юмадилар...

Душманиннг Чорикордаги кузатув нуқталаримизга шунча пайт талофат етказмай, кўкқисдан ҳужум қилиб қолиши, қисм аскарларининг ҳам баҳсу мунозарасига сабаб бўлмоқда эди. Ҳақиқатан ҳам душман Шўро армияси кузатув нуқталари ўрнашган жойларни олдиндан билмасиди? Мен агар душман ҳужум қилса бир кечадаёқ уларни дабдала қилиб ташлайди, деб ўйлардим. Ҳарқалай кузатув нуқтацидагилар духлар билан келишиб кун кўраётганига ҳам шубҳа қилмасдим. Хозиргача индашмабдими, десмак шафқат қилишибди. Кузатув нуқталарини кўчиришдан бошқа илож йўқ.

Чорикорга жангга чиқишимиз тайин бўлгач, мен каби ротадошларда ҳам ички бир норозилик пайдо бўлган эди. Бу ўқинчга ўхшаш ботиний изтироб излари уларнинг юз-кўзларига соя ташлаганди. Мен паркда БМП—2 нинг отув миля ва снаряд ленталарини ҳар галгидан яхшироқ қилиб тозаладим. Ҳар эҳтимолга қарши ўқдори бўлмасига тўрт яшиқ Ф—1 гранатасини солиб қўйдим. Пулемёт учун 7,62 маркали олти кути ўқ олдим. Снарядлар етарли эди.

Чиқиш тунги соат учга мўлжалланган эди. Техника паркдан юмушларини бажариб келгач, механик ва операторлар кечки овқатдан кейин, уйкуга ҳозирлик кўришди. Пиёда аскарлар жанг тўрвасини тайёрлаш билан банд эдилар. Бундай пайт казарма ичи худди бозорга ўхшаб кетади. Ҳамма нарса очилиб-сочилиб ётади. Ҳали у етишмайди, ҳали бу. Кимдир бошқа аскарнинг хандаккурагини ўзининг тўрвасига урса, бошқаси кимнингдир ўқдонини ўғирлаб олади. Хуллас, то зобитлар текшируви бошлангунга қадар ҳар бир аскарнинг жанг тўравасида учтадан сувдон, олтидан зиёд ўқдон, резина сувдирш, учта қизил, қўқ ранг хабармушак, оловмушак, дудмушак, ўқдори, учтадан Ф—1 ва РГД—5 гранатаси ҳамда ичига жапгчининг исми-фамилияси ва уй адреси, қурол номери ёзиқлик қоғозча солинган иккита 5,45 диаметрли автомат гилзаси бўлиши шарт эди. Жангда бу нарсалар аскар учун ҳаводек зарур.

Тақир-туқурдан, аскарларнинг бакирик-чакиригидан уйқум келмас эди. Атайин кўзимни юмиб кўрдим, бироқ хаёл мени ўз йўриғига бошлади. Енимдаги каравотда ётган Ринатга қарадим, у ҳам ухламабди. Олдинда содир бўладиган жангни ўйлаб юрагим ўйнади. Кўнглим ғашлигидан холсизланиб борардим. Дунё зимистон, кўнглимга чироқ ёқса ёришмасди. Мен тагин Ринатга ўгирилдим. У нималарнидир хаёл суриб ётарди. Ринат ҳам, мен ҳам, бошқалар ҳам кўрқаётгандилар. Ҳамманинг танаси беихтиёр ҳаракат қилар, руҳан кўркинч лашкари тузоғида тўлғонишарди. Чунки, эртага кимларнидир ўлим кутапти. Кимлардир, албатта, ўлиши керак! Қони тўкилиши шарт. Бу — урушнинг лаънати қонуни. Кимларгадир дилга азоб бахшида этгувчи манави ёғоч казармани кўриш ҳам индинга насиб қилмайди. Кимларнингдир кўзлари мангуга юмилади. Ҳаммамиз ўзимизни ўша КИМЛАРНИНГДИР орасида ҳис этардик. Гўё эртага кунимиз битадигандек. Омон қайтишинг учун ҳам ҳеч ким қафолат беролмасди. Уша КИМЛАРДИР — мен эдим, Ринат эди. Ҳаммамиз эдик.

Аъзойи-танам бўшашиб кетди. Ич-этимда нимадир қирилаётган эди. Мени кўрқув, беҳуда ўлиб кетиш ўйи кемирмоқда эди. Зўрға ёстиғим тагидаги суралар ёзилган дафтарни олдим. Ўқисам, биров энгиллик ҳис қиладигандек эдим. Менга бу дафтарни Салангга борганимизда отаси самарқандлик ўтган ўзбек кишиси тортик қилганди. У одамнинг «сизни шўрава хароб қилди, ота юртни ғайридинга талатмоқ увол», деган гаплари жаранглади қулоғимда. Мен мусулмонмисан, деган сўров олдида айтилиши фарз бўлган сурани ўқидим. Ўзимча хилу ҳешим, етти пуштим азиз-авлиёларга тиловат қилдим. Эй, худо шу ерларда ўлиб кетмайин. Худо йўлига айтган, бойлаганларим бор... Насиб этса, эна ҳовлида қурбонликлар қиламан... Униб-ўсган кишлоғим нақадар олисларда қолганидан юрак-бағрим ўртаниб кетди. Кўз ўнгимда тагин бировнинг ҳовлисида паҳса девор тиклаётган отам пайдо бўлди. Сурхоннинг афғондагидай иссиғида оилам хору зор бўлмасин, деб бировларнинг юмушини бажараётган отам, айни дамда мени эслаётган бўлсалар керак. Олов кечиб юрган ўглининг бошидан нималар ўтаётгани ҳақида қайғуриб ўйлагани сайин эгик қадди баттар эгилиб қолгандир. Е раббим! Отамга раҳминг келсин. Менинг ортимдан қонлар ютиб, бўзлаб қолишини истамайман. Омон борсам олти укамнинг бошқалардан кам бўлмаслиги учун ҳам отамга ёрдам бераман. Девор деса девор урамиз, устачилик деса устачилик қиламиз, ишқилиб мудом қўмак бераман. Шунда энам менинг ҳам катта одам бўлиб қолганимга ишонади. Фақат ўлиб кетмай! Укаларимнинг кўзлари жавдираб қолмасин, Нима гуноҳи бор уларнинг? Ақасидан ажралган гўдақларнинг кўз ёшлари бу урушни бошлаганларнинг кўзини кўр қилса эди...

Ринат ётган томонга тагин ўгирилиб қарадим. У юқорига термулган қўйи хаёл сурарди.

— Ринат...

— Ҳа... — у ялт этиб қаради.

— Ошхонадан озик-овқат олиб, машинага қўйиб келса бўларкан.

— Ҳеч нарса ёқмаяпти.

— Балки уч-тўрт кун қолиб кетармиз Чорикорда. Таниш ошпазлардан жиллакурса гўшт, сабзи-пиёз олайлик.

— Чорикор сенга бошқа жой бўлса эканки, бемалол ўтириб овқат пишираверсанг.

— Менингча бу сафар ҳам оладганимизни олиб қайтсак керак. Айтишларича, биз кўчиришимиз зарур нуқталар анча ичкарига жойлашган экан.

— Ҳаммасига ўзимизникилар айбдор. У ердаги аскарлар ё тинч аҳолига ўқ отишган ё бирор бемаънилик қилишган...

— Қизиқ, шу пайтгача нуқтадагилар отишмасиз яшаётган эди.

— Улар душманга товои тўлаб келишарди. Чорикорда сену менга отилган миналар, пулемёт ўқларининг ҳаммаси ҳам Покистондан келтирилган деб ўйлайсанми?

— Буни яхши биламан.

— Билсанг, ошнам, бу сафар лаънатилар ё танк ё БМП сўрашган бўлиши мумкин. Нуктадагиларнинг эса бундан эҳсонаси чиқиб кетган...

— Кўйсангчи...

— Боя паркда рота техниги шундай деди. Агар кузатув нуктасидаги аскарларимиздан бирортасини кўлга туширишса борми, омон қайтишлари эвазига бир эмас, иккита танк сўрашлари мумкин.

— Сен душманни танкларимиз эвазига асирга тушганларни алмаштиришига ишонсанми?

— Ўиласанми, чорикордагилар учун техника жудаям зарур.

— Тоғлик эмасда у жой.

— Энди ўзингга келдинг... Бизга ўхшаб уларга минглаб техникаларнинг ҳожати йўк. Иккита-учта БМП билан бутун бошли армияни эплайдилар...

Ринат ётган жойида сигарет тутатди. У оғир-оғир, босиб-босиб тортарди. Қазармада эса жонлари қўрқув талвасасида қолган, ихтиёрсиз, лекин вужудлари ҳаракатланаётган кимсалар ғимирларди.

Полк кишлокни оралаб кетди. Кузатув нукталари жойлашган томонга қаратилган техникалар кишлоқ аҳлининг кўзига балодай кўринаётгани тайин эди. Биз Чорикорга қарашли кишлоқда турардик. Олдинда қуюқ дарахтлар билан ястанган ям-яшил водий кўриниб турарди. Бу жанггоҳ эди. Ундан омон-эсон чиқишнинг эса ўзи бўлмасди.

Эрталабқи нонуштани техникалар устида қилдик. Аскарларнинг фикри-зикри тўрт-беш чақирим нарида кўзга ташланиб турган яшил дунёда эди. Ҳаммамиз бирор тасодиф рўй бериб, орқага қайтишни жуда-жуда хоҳлаётгандик. Техникалар устида буйруқни кутаётган аскарларнинг ранг-рўйи кўрқув зўридан сарғайиб кетган, бироқ ҳамма сиртига сув юктиргиси келмас, ҳар ким ўзини бефарқ қилиб кўрсатар, аммо кўзлар кўзларга тўқнашганда мунглар зоҳир қароқлардан бир оғир дард, юракларнинг безовталигини англаш мумкин эди. Барчамизнинг сунчиғимиз сигарет эди. Жангчиларнинг яшагиси келарди. Биз, истак-хоҳиши Ватан никобини кийган давр сиёсати кўлида эзгиланаётган шўрпешоналар эдик, ҳолос. Бизни шармандаларча алдадилар, руҳан мажруҳ қилиб ташиладилар, энди билсам. Қисқаси, Кремлнинг гуноҳлари бўйи баробар юксалаётган эди. Негаки бу ёқларда эндигина ок-қорани таниётган йигитлар қириляётган эди, тириklar ҳам ўлиб бўлган эди.

Полк икки соат ўтди ҳамки, кимирамлади. Барибир содир бўлиши муқаррар даҳшатни кутаётганинда юрак зўриқади, асаблар зириллаб оғрий бошлайди. Қизик — инсон қувончга ҳам, мусибатга ҳам бирдай ошиқар экан.

Мен Ринатга «ҳали-вери кирмасак керак, бирор егулик қиздирмаймизми», дедим. Биз гўштли консервани очиб, қиздирдик. Овқатлангач, яна сигарет тутатдим. Ринат механик бўлмасига тушиб уйқуга кетди. Кўп ўтмай устига карнай ўрнатилган БТР саф-бошига қараб юрди. Унда кўзойнакли, сочи елкасига тушадиган фуқаро кийимидаги икки киши, бир полковник ва тўрт аскар бор эди. БТР Шўро элчихонасидан келган бўлса керак. Икки-уч дақиқадан сўнг карнай орқали душманга қарата мурожаат янгради. Унда қандай гаплар айтилганини билмасак-да, ҳарҳолда, тинч ва дўстона муносабатда бўлишга, беҳуда қон тўкмасликка даъват этиляётганини тушуниб турардик. Мурожаатнома элчихонадан магнитофонга ёзиб келинган эди. Тўрт маротаба қайтарилгач, карнай орқали Қуръони қарим оятларидан ўқилди. Қандай бўлмасин душман ғазабини тушириш, сулҳ тузишимиз шарт эди. Бироз ўтгач, дарахтзор ичидан кетма-кет уч бор биз тарафга ўк узилди. Ҳамма ўзини машиналар ортига урди. Бу душмanning норозилик билдирганидан далолат эди. Рўпарадан миномётлар ишлаб, атрофимизга снаряд келиб туша бошлади. Сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди. Энди дарахтзорга киришимиз, қирғин-барот бошланиши кафтдагидай аниқлашди. Ҳозиргина афғонча жавраган карнай ўрусча қўшиқ куйлаб юборди. Бу айни пайтда бизнинг устимиздан яна бир қарра мазах қилинаётганидан дарак эди. Биз «Жангчилар орден билан тақдирланулар...» қўшиғи остида жангга қираётган эдик. БМПлар оғир силтанди, дилларда хавотир. Қарнайда эса ҳам ҳазин, ҳам жарангли қўшиқ эшитиларди: «Баландлик... баландлик... Жангчилар орден билан тақдирланулар...»

Ўн беш-йигирма қадамлар олдинда кетаётган танк-минага тушиб портлади. Механикнинг шу заҳоти жони узилди. Экипаж аъзолари ярадор бўлишди. Тўрт-беш қадам нарида тагин танк портлади, сўнгра сапёрлар ротасига тегишли БТР минага тушди. Ҳали йигирма қадам юрмасдан шунча талофат кўрдик. Ҳаммаёқ миналаштирилган, ҳар қадамда ажал уруғи экилганди. Мен ички алоқада Ринатга эхтиёт бўлиб юришни, олдиндаги машина изидан ярим қарич ҳам четга чиқмай бошқаришни қайта-қайта уқтириб борардим. Узумзор бошланиши билан отув милини пастлатдим. Машина устидаги пиёдалар сакраб тушишди. Бизнинг взвод шу ерда қолиши ва олдинга разведкачилар кетиши керак эди. Биз бошқа техникаларни олдинга ўтказиб юбордик. Пиёдалар ўзларига хандак тайёрлашди. Кузатув нукталарига етгунча ҳар икки юз-уч юз қадамда биттадан бўлинма қолдирилди. Мен атрофни яхшилаб кузатдим. Ичкарига қираётганларга қараганда унчалик хавфли бўлмаса-да, ён томондан хужум қилишлари мумкин

эди. Техникалар узлуксиз минага тушаётганди. Қисмимиздаги танкчилар батальони кўп талофат кўрди. Тагин икки танк минага тушганини хабар қилишди. Устига-устак душман ичкарида биздан беш-олти чақирим нарида қаттиқ қаршилик кўрсатарди. Хатто олддаги танклар яқинига келиб, гранатомёт билан бемалол мўлжалга олишаётганди. Кузатув нукталаридан анча узоқда жойлашган бўлсак ҳам, шундоқ ёнимизга миномёт снарядлари туша бошлади. Унғ тарафдан душман автоматдан ўк узиб бош кўтартирмай кўйди. Мен автомат ишлаётган тарафга БМПдан ўк отдим. Душманлар миномётлардан ота бошлади. Пиёдалардан бири оғир яраланди. У оғрикнинг зўридан дод-вой солар, дунёнинг бунчалик шовкин-сурони унинг дахшати олдида ҳеч нарса эмасди. Мен алоқада комбатга хабар қилдим. У ярадорни тиббий қисм жойлашган ерга олиб чиқишни буюрди. Таббий қисмда ярадорларнинг ҳисоби йўқ эди.

Яна ўз жойимизга қайтдик. Пиёдалар оғир аҳволда қолишганди. Бетиним тушаётган миномёт снарядлари шўрликларнинг ўтақасини ёриб юборар, ҳар вағиллаганда бари ерга қапишиб оларди. Мен эса кузатув ойнаси орқали снаряднинг қаерга келиб тушганини, темир парчалари аралаш чанг-тўзон ҳаволаганини кўриб турардим. Ўтаётган ҳар бир лаҳза мен учун қулардан узунроқ туюлар, тезроқ чиқиб кетишимизни истардим.

Бироздан сўнг душман уяси жойлашган томонга артиллерия ўт оча бошлади. Биз худди ракета янглиг уцаётган снарядларни осмонда бемалол кўриб турардик, улар мўлжалдаги жойга тушиши билан кучли портлаш эшитилар, дунёнинг бир томони ўпирилиб кетганга ўхшарди. Снарядлар — қишлоқ томонга учар, жаиғ майдонидан анча нарига бориб тушарди. Душман албатта, қишлоқ ичкарисига чекиниши шарт эди. Негаки, анча талофатлар эвазига армиямиз Чорикорнинг ичкарисига кириб борганди. Аскарлар техникаларнинг сон-саногини йўқ эди, БМП—2 ва танк, БТР ва тошбақасимон «Саушка»лар дарахтзор ичра туриб қолган, ҳаракатлини жуда мушкул эди. Артиллерия эса Чорикордаги қишлоқларни тинмай элакдан ўтказарди. Бизга кўринмас жойда кўним топган тўпчилар бўлинмаси ҳам ишга тушди. Тўплардан отилган снаряд қишлоқ тепасидан ўн-ўн беш қадам баландликда қуюқ тутун қолдириб портларди. Хуллас, неки тирик жон бўлса шўрига шўрва қайнарди. Чорикорда гуноҳқору бегуноҳ одамларни аёвсиз қираётганимизни ҳар бир аскар билиб турарди, бу галги юришимиз чиндан ҳам дахшатли эди. Артиллерия тингач, осмонда самолётларимиз учди. Дунёни ларзага солиб, ҳозиргина хонавайрон қилинган, ер билан битта бўлган қишлоқлар устидан тонналаб бомбалар ташланди. Ақл бовар қилиб бўлмас ҳолдаги кирғин-қиёмат бўлаётганди. Шу дахшатли манзаранинг барини одамзот амалга ошираётгани тасаввурга сиғмасди. Уруш инсоният ақлу идрокига бўйсунмай қолиши, унда ҳам ўзига яраша шаккоклик мавжудлигини англадим. Бу шаккоклик ер юзидаги жами фожиаларнинг энг улкани ҳамда энг мусибатлиси. Энг мусибатли деганимнинг сабаби шуки, урушда бир ёки ўнлаб эмас, юзлаб, минглаб, ўн минглаб одамларнинг ҳаёти бир лаҳзадаёқ интиҳо топади. Уруш учун инсон умрининг тугаши; тириклик булогининг қуриши ҳеч қачон фожа саналмайди. Уруш — ўлмак демакдир. Одамлар ўз оёқлари билан унинг қарши-сига борадилар-у, энди ўлишлари муқаррар эканлигини ҳис қилишгач, эсанкираб қоладилар. Бу ерда кишилар бир-бирининг бошига етмайдилар, аксинча уруш уларнинг ҳаётига зомин бўлади. Урушга сен қотилсан, дейиш аҳмоқликдир.

Чорикорда жанг бўларича бўлди. Бизникиларга нисбатан афгонлар ўн барабар кўпроқ қирилди. Қишлоқда бирор майса тик қолганига гумон қиламан. Ҳаммаёқни снаряд бўлақлари кўмиб ташлаганди. Қишлоқ дарахтлар ортида, биз турган ердан анча нарида эди. Отишма анча сусая бошлади. Онда-сонда душман АКМлари ишлаб қолар, ўша ёққа эса бизникилар танку БМП, БТР ва миномётлардан ўт очишга тушар, душман томонга ўк ёғиларди. Дарахтлар ичкарисидagi сўқмоқдан бири-кетин техникалар чиқиб кела бошлади. Олдинда разведкачилар бўлинмаси йўл бошлаган эди. Сўнгра шалағи чиққан БМП ва танкларни судраган баҳайбат ва қудратли махсус таъмирловчи техникалар кўринди. Улар ичкаридан кўчириляётган нукталарга тегишли эски техникаларни судраб чиқинларди. Кузатув нуктасида туравериш занглаб кетган, фақатгина отув мили ишлайдиган бу ҳарбий машиналарни бизнинг қисмда портлатиб ёки бирор тепалиқдан қулатиб, акт тузиб қўя қолишарди. Энди улар афгон урушига яроқсиз эди. Мен техникаларнинг ҳар бирига диққат билан қарардим. Танк судраб чиқаётган навбатдаги БМП—2 кўзимга таниш учради. Юрагим ҳаприкиб кетди. Дарҳол унинг ёнбошидаги рақамга қарардим. Олти юз ўн тўртинчи... Бу бизнинг ўша жангда, Чорикорда қолдириб қиққан машинамиз эди.

— Ринат, олти юз ўн тўртинчини олиб чиқишмоқда,— дедим ички алоқада.

— Кўрайман, ўзимизнинг кадрдон машинамиз, қара, кўзга қандай иссиқ кўринади.

— Олти марта тешилгандан кейин ҳам фойдаси текканига қойилман.

— Ҳарбий билетинг ҳам машинада қолиб кетганди, ҳозир бориб кўр.

— Эй, қўйсанг-чи, биз машинани ташлаб қочганимиздан сўнг душман ичкарини текшириб кўрган, танкчилар батальонидаги майор айтувди-ку, душман машинага чиқишга улгурган, деб.

— Агар танкчилар бўлмаганда машина душман қўлида қоларди.

Юрагим эзилганча машина ортидан кузатиб қолдим. У шунчалик менга қадрдон бўлиб қолган экан. Ринат ҳам шу ҳолатни бошидан кечираётганини сезиб турардим. Сўнгги техника ичкаридан чиқиб келгач, мудофаада турганларга ҳам сўқмоқ орқали ортга қайтишга буйруқ берилди. Артиллерия тагин ишга киришди. Ҳозиргина халос этилган кузатув нукталари жойлашган ерга қарата отишар эди. Биз кучли шанғиллашлар ва ваҳимали портлашлар остида изимизга қайта бошладик. Мен бу жангда уч соат эмас, балки уч йил иштирок этгандай, узок вақт мобайнида осуда ҳаётдан айро яшагандай эдим. Бошим ғовуллаб оғрир, кўнглим алағда бўла бошлади. Қанийди, одам оёғи етмайдиган, хавфсиз жой бўлсаю мазза қилиб ухласам!

Чорикорга кираверишда тўхтаган жойда тагин бироз оёқ илишга рухсат берилди. Қишлоқда эса эрталабгидай япаски уйлар томи устида болалар ўйнашмас, ҳаммаёқ сокин ва осойишта эди. Аскарларнинг юз-кўзлари тутун ва чангдан қоп-қора бўлиб кетганди. Мен машина ичкарисидан сигарет олиб тутатдим. Бошимнинг зил-замбиллигига бироз барҳам берилгандай эди. Айлана қилиб танклар мудофаага қўйилган ялангликда аскарларнинг бетартиб ҳаракати, бақир-чакири ҳукмрон эди. Мен қорним анча очикқанини ҳис этдим. Машина ичкарисидан картошкалик консервани олиб, очдим ва ерда ўт ёқиб овқат иситаётган Бочкарёвга узатдим. У менинг овқатимни гулханга қўйди. Мен пиеда аскарлар даврасига тушишдан кўра, машина устида овқатланишни афзал билдим. Негаки, қаттиқ чарчагандим. Пастга тушиб чиқишга ҳам мажолим йўқ эди.

Бочкарёв қизиган картошка шўрвалик консервани узатди. Мен иштаҳа билан овқатланиб бўлганим ҳамоно олти юз йигирма тўртинчи БМП—2 нинг механиги Мўмин чақириб қолди. Мен нима гап, деб сўрадим. У кулимсираб қўли билан имлай бошлади. Пастга тушиб Мўминнинг олдига бордим.

— Нима дейсан?

У бу ёққа чик, дегандай қўлини чўзди. Мўминнинг бирор қизиқ воқеадан хабардор бўлганлиги сезилиб турарди.

— Нима дейсан? — такрор сўрадим.

— Юхумик сумак топиб олибди. Бизнинг бўлинма истехкомда турган жойда эски қалъа бор эди, ўша ердан.

— Қанақа сумак?

— Чақалоқларнинг сумаги.

— Нима қипти шунга?

— Мендан бу нима, деб сўради, тамаки солинадиган трубка, дедим. Ирғишлаб қолди, бирам хурсанд бўлди-ей, асти қўяверасан. Терисига сигмай юрибди, шўрлик.

Юхумик тўртинчи бўлинма командири ўринбосари эди. Бақувват, яғриндор, қўллари белкуракдай. Анчагина соддалиги бонс, ротадагилар уни тез-тез мазаҳ қилиб турар, бирок ҳаммамиз яхши кўрадик.

— Билиб қолса, сени уриб ўлдиради,— дедим.

— Олдин томошани кўр, кейин бир гап бўлар.

Мўмин Юхумик тушлик кйлаётган тўдани кўрсатди.

— Ҳозир чекиб қолади, ўлай агар, бу ўрислар шуни ҳам билишмас экан. Хидлаб-хидлаб, олдин бирор ашаддий кашанданики экан, ҳечкиси йўқ, деб қўйди. Бу Чорикордан эсдалик эмиш. Уйига олиб кетармьш...— Мўмин қорнини ушлаган куйи ётиб-ётиб куларди.

Бирпасдан кейин Юхумик чўнтагидан сигарет олди ва қўйнидан Мўмин айтган сумакни чиқариб, сигарет тамакисини тўка бошлади. Енидаги ўрис ва украин йигитлар қизиқсиниб қарашарди. Сумак боши тамакига тўлгач, чинакам трубкалардай, лабининг бурчига олиб борди ва гугурт чакиб тутатди. Мен ўзимни тўхтатмай кулиб юбордим. Мўмин машина ичида кулавериб, ғужанак бўлиб қолди. Бир маҳал «трубка» қўлма-қўл бўлиб давра айлана бошлади. Даврадагилар хурсанд эди.

Кеч кириши билан қисм йўлга тушди. Мен тезроқ полкка етиб боришни истардим. Қоля суратчидан бир шиша «столичний» сотиб оламан-да, бир ўзим майдалайман, бу харҳолда нашадан яхши-ку, деб ўйладим. Менинг жуда-жуда ароқ ичгим, дунёни унутгим, кайфиятимни кўтаргим келарди.

Ҳали олдинда нималар кутаётгани, тақдири азалда нелар битилгани номаълум эди. Умуман, урушнинг эса чеку чегараси бўлмаслигини нафақат мен, балки ҳаммамиз, хатто афғон халқи ҳам ўқинч билан тан олаётганди.

## XI

Қўқда юлдузлар ғужғон. Осмон бирам яқин, тикилганинг сайин баландлашаётгандай бўласан. Сунбуланинг сокин ва титроқли бундай кечалари, кўнглинг ёлғизликни кўмсайди. Тун сени дунёнинг майда ва улкан ташвишлари чангалидан юлқиб ўз бағрига яшираётгандай туюлади. Ҳеч ким билмас олисларга кетишни хоҳлайсан. Ҳатто доимо

талотўп аримайдиган, бакир-чакирларнинг макони аскарлар казармалари ҳам сеҳрла-  
ниб қолганга ўхшайди. Ҳамма ёқда жимлик. Қазарма эшиги олдидаги тунги навбатчи-  
лар ҳам қуролига суюнганча хуррак отишади. Узоқларда, Баграм ва Погман томонлар-  
да ёнувчи ўқлар отилиб, қизил нукталар тизмасини ҳосил қилади. Қазармада паркдан  
чарчаб қайтган, қимир этмай ухлаётган механик ва операторлардан бошқалар қисм  
ошхонасига навбатчиликка кетишган. Мен кеч соат биргача қисм атрофини айландим:  
чироклари ёниқ турган қисм штабида навбатчи зобитнинг чекаётгани деразадан кўри-  
ниб турарди. Саф майдони бўйлаб ошхонага келсам, навбатчилик қилаётган ротадеш  
пиёдалар ошхонадаёқ уйкуга кетишибди. Менинг қорним очикқанди. Бир амаллаб  
аскарлар овқатланадиган иккала залдан бирига киришим керак эди. Мен биринчи зал  
эшигини тақиллатдим. Ичкаридан, сержант Труцюкнинг овози эшитилди. Мени таниб  
эшикни очди. Унинг кўзлари қизариб кетган, оғзидан бадбўй хид анқирди.

— Ҳа, иш ўрнига байрам қиялсизми, жаноби олийлари?

— Қир. биров кўрмасин, — у қўлимдан ичкарига тортиб, эшикни қулфлади.

Стол ва тахта ўриндиқлар қўйилган узун зал ялтираб турар, ҳаммаёқ эрталабқи  
нонуштага ҳозирланган эди. Тўрдаги стол дид билан безатилган, Юхумик билан Ан-  
шин чайкалиб ўтиришарди. Тўрт жангчи эса ўриндиқларда чўзилиб, хуррак отарди.

— О, байрам зўр-ку! — дедим иштаха билан.

— Кел, ўрток сержант. Айни пайти, уйку кочмайди, — Юхумик жой кўрсатди.  
Уларнинг учаласи ҳам маст эди, бироқ столда ароқ шишаси кўринмасди.

— Тугатибсизлар-ку? Ҳа майли, шунисига ҳам шуқр.

— Бир сенга етади, — Анишин гандирақлаб бориб ёнимиздаги стол тагидан худди  
«тройной» одеколониға ўхшаш иккита шишача олди. Булар — қисм магазинида сотила-  
ётган, юзга суртиш учун фойдаланиладиган «Атиргул суви» эди. Мен хали бунисини ячиб  
кўрмаган эдим. У шишачалардан бирининг оғзини очиб кружкага яримлатиб қуйди.

— Қани, кўтар!

— Шуни ичаяпсизларми?

— Ароқ тополмадиқ, бориға барақа, кўтар! — кўшилди Юхумик.

— Қандай бўлади буёғи... — дедим каловланиб.

— Ол, энди, биз ўлмадиқ-ку, зўр кайф беради, миномётчилару разведкачилар  
доимо шундан ичишаркан. Ҳам арзон.

Труцюк ўзига ҳам қуйди. Биз икковимиз бирга кўтардик. Ичим ёниб кетди. Чиндан  
ҳам ичимликдан атиргул хиди келарди. У бироз бемаза эди, бироқ, бошга яхши те-  
паркан. Мен қиккинчи кружкани кўтарганимда унча нохушлиқ сезмадим. Учунчисини  
тўлатиброқ қуйишди. Анишин ва Юхумик сулайиб қолди, Труцюк тагин мен билан  
бирга олди. Мен юзим совий бошлаганини, мажолим қолмаётганини сездим. Труцюк  
қаршимда тебраниб ўтирарди.

— Юра, мен казармага боришим керак, — дедим.

— Шу ерда ётиб қолавер.

— Йўк, менга сигарет бер, кетаман.

Юра сигарет узатди. Мен маст бўлгандим. Ташқарига зўрға чиқдим, кўнглим  
айнаётганди. Оёқларим оғирлик қилиб, бошим қарахт бўлиб қолганди, гўё. Менга  
казарма эшиги олдида рота командири дуч келди. Уни пайкамабман. Ўзи туртиб тўхтат-  
ди. Боя ошхонада оғзимга солган сигаретни, лабимдан туширмай чекиб келаётгандим.  
Миямга ҳарбийча салом бериш фикри урилди. Мен ўнг қўлим билан эмас, чапини чек-  
кага теккизганимни ҳам билмайман. Рота командири қўли билан ўнг қўлимни чеккамга  
олиб борди. Мен иккаласини ҳам қулоғимга теккизиб тураверибман.

— Намозни эрталаб ўқийсан, аскар. Қаерда санғиб юрибсан?

— М... М...

— Бу нима қилиқ, қаерда ичдинг? Жавоб бер!

Мен гапиролмасдим. Командирнинг бакиргани, бўралаб сўкканини сезиб турардим.  
У навбатчини чақириб, жойимга олиб боришни тайинлади. Икки аскар мени судраб  
бориб каравогимга улоқтиришди...

Эрталаб бошим ганғиб уйғондим. Биринчи залдаги навбатчилар ухлаб қолишгани  
туфайли нонушта ярим соатга кечикди. Рота командири Юхумик, Труцюк ҳамда Ани-  
шинни роса тузлади. Улар кечаси ротага навбатчиликка турадиган бўлди. Менга ҳам  
бирор жазо бормикин, дегандим, хайрият, индамади. Афғонда аскарни тушунадиган  
зобитларни, беҳудага мужик демасдик. Бизнинг рота командиримиз ҳам ана шунақа,  
қўл остидаги жангчиларига нисбатан кечиримли ва меҳрибон эди. Анави учаласи анча-  
гина ошириб юборишган эди. Командир уларни кечаси ичгани учунмас, топшириқни  
бажармагани учун жазолаган эди.

Ротада гап тарқалди: Чорикорға қилган юришимиз учун полкка медаль ва орден-  
лар келибди. Такдирланганлар орасида бизнинг ротадан кўпчилик бор экан. Мен Чори-  
корда бўлиб ўтган ўша жангни эсладим. Жуда оғир кечган эди. Ушандагидай ўтишимани  
хали кўрганимча йўк! Жангдан сўнг алаҳсими юрганим, олти юз ўн тўртинчи БМП--  
2 машинани Ринат иккаламиз ташлаб қочганимиз, мили тешилган автоматим, душман  
уч аскарнинг мурдасини ўғирлаб, олатини кесиб ташлагани, Мусурмоннинг учала аскар

Ўлигининг ҳам хор бўлганини кўриб, қисмда уч кун гарангсиб юргани — бари-бари кўз ўнгимда жонланди. Мен ўша жангда ўлиб кетмаганим учун яна бир бор шукур қилдим.

Кечкурун рота командирининг техника ишлари бўйича ўринбосари, прапоршчик Довгий казармага келди. Мен Ринат билан каравотда ёнбошлаб ётардим. Довгий казарма ўртасида тик туриб мени имлаб чакирди. У ширакайф эди.

— Табриклайман. Бронядан сен, Мезенцев, Бурсук тақдирланибди.

— Ким айтди?

— Полк штабида рўйхатни кўрдим. Эртага таркатишади.

— Бошқа ҳеч ким йўқми, ўртоқ прапоршчик?

— Йўқ.

— Ринат ёки Мўминни ҳам тақдирлашлари керак эди...

— Э, кўявер, ҳаммаси замполитнинг<sup>1</sup> иши. Ўзига яқинларини ёзади у.

— Менинг замполит билан ҳеч қанақанги яқин алоқам йўқ, ўртоқ прапоршчик!..

— Ахир, сенинг машинанг ёниб кетди!

— Нима қипти? Машина Ринатники ҳам. У механик-ку.

— Эй, ҳаммасига туфла. Мен механик ва операторлардан етти кишининг исми-шарифи мукофотга ёзилганини кўрганман. Бари шунчаки рўйхат учун қилинган экан. Замполитнинг ўзи штабда тўполончилар деб беш аскарни рўйхатдан ўчирибди.

— Ноҳақлик-ку бу!!

— Юр, ташқарига чиқайлик, гап бор.

Қазармадаги аскарлар бизнинг орамизда кечган суҳбатни фаҳмлаб улгуришмади. Довгий билан ташқарига чиқдим. Уни болаларча соддалиги, аскару зобитга бир хил муомалада бўлиши, ўзини баланд тутмаслиги учун бир мен эмас, бошқа жангчилар ҳам яхши кўрарди.

У мени казарма четидаги хандаккача эргаштириб борди. Одам одамни элас-элас танийдиган маҳал эди. Зобитлар уйи томондан хорижий куй-қўшиқ эшитиларди.

— Кўчқор, сени яхши кўраман, сенга ишонаман. Лаънати Афғонистон жонимга мана шундай тегди. Ҳаммасига тупураман. Билдингми, роса эзилиб кетдим. Ротада мени арокхўр деб ўйлашади. Нима қилай, куйганимдан ичанам. Хатто шу ерда — уруш бўлаётган жойда ҳам минг карра ифлосликлар рўй бераяпти.

— Кўйинг, ўртоқ прапоршчик. Оз қолди. Ҳаммаси ўтиб кетади.

Довгий анчагина қизиган эди. Кайфи ошганидан кўнглидаги бор аламларини тўкиб соларди. Менинг дилим ғашланди. Прапоршчик ҳақ гапни айтаётган эди.

— Менга қара, Ринатга берилиши керак бўлган маддали штабдаги жанг кўрмаган жўжа зобитлардан бири ўз юртдошига ёзиб юборганига қандай чидаш мумкин? Биласанми, қанчалаб кишилар пана-пасткам жойларда ўтириб, жанг кўрмай қахрамон бўлиб қайтишмоқда.

— Ўлиб кетмайдими бари!

— Тўғри, қўл силташ керак буларга. Аммо ротанинг ўзидаёқ қанча ноҳақликлар бўлаётганидан хабардормисан? Менга фарқи йўқ, кимнинг қайси миллатданлиги. Лекин зобитлар, ха-ҳа, сизлар билан бирга жангга чиқадиган зобитлар нима учун сизларни бунча ёқтиришмайди. Ўзбекистондан бўлганларинг учунми?

— Буни ўзим яхши биламан. Лекин ҳаммаси ҳам унақа эмас. Тоза юраклари ҳам бор.

— Лекин кўплари сиз — ўзбекларни ёмон кўришади, тўполончи, гапга кирмас дейишади. Мана, мен олти йилдан бери шу ерда жанг қиламан. Бироқ бирор ўзбекнинг кўроклик қилганини билмайман.

— Қизикконлигимиз учун шушлашмаса керак.

— Зобитлар даврасида неча бор талашиб-тортишганман. Сени, Мўмин ва Ринатни, ҳамма ўзбекларни юракдан ҳурмат қиламан. Мен Афғонистонда ўзбекларнинг бир-бирига қанчалик оқибатли эканлигини билиб олганман. Ўрисларга қараганда сизларда миллатдошлик туйғуси анча юксак.

— Ўртоқ прапоршчик, шахсан мен сизни ротадаги зобитларнинг энг ажойиби деб биламан. Юринг, сизни моделгача қузатаман.

— Эй, моделда нима қилардим. Ҳозир ҳар қайси зобитнинг хонасида биттадан хонимча бор. Бу зобит зотига... бўлса бас экан. Қанжиклар қаердан ҳам Афғонга хизматга келишди экан, — Довгий полкда хўжалик юмушларини бажараётган аёлларни сўка бошлади. Улар чиндан ҳам кейинги пайтлар қисмда жуда кўпайиб кетганди. Аскарларнинг кўзини куйдириб юришарди.

Биз Довгийннинг хонасида ичиб ўтирардик. Девори картондан тикланган модел коридорида кадам товушлари, эшикларнинг очилиб-ёпилиши эшитиларди. Довгий гапидан чалғий бошлади. Турли хил суратлар илинган шинамгина хона ва чет элларда тайёрланадиган ширинликлар билан безатилган стол менинг кайфиятимни кўтарарди. Очиғи, буңчалик ором олиб, бемалол ўтирмагандим ҳали. Мен дам олардим. Фақатгина Довгийннинг полкдаги ҳаёт ҳақида ижирганиб алжирашлари, ундан-бундан норози гап

<sup>1</sup> Сиёсий ишлар бўйича қисм командири ўринбосари



очиши ошкча эди. Биз бир шишани майдаладик. Довгий бошини у ёк-бу ёкка ташлаб ...ни кўришни истайсанми, деб сўради. Мен «аёлларга хушим йўк, казармага бораман», дедим. Довгий кийимларини ҳам ечмай гудраниб ўзини каравотга отди. Мен ташқарида аёллар моделидан чикиб келаётган биринчи рота командирга дуч келдим. У ўзича хиргойи килиб, ўтиб кетди. Кайфи баланд эди. Казармалар чирогни ўчган эди.

Эрталаб аскарлар саф майдонига тизилишди. Кунлик иш режими белгилангандан кейин, нонуштага рухсат берилди. Бугун ҳамма кисмда бўлиши тайинланди. Москвадан телевидение ходимлари келишибди, мукофотлар тарқатиларкан. Тушлик маҳалига бир соат қолганда қисм карнайи ваҳимали вангиллади. Ҳамма саф майдонига йигилди.

Мукофотларни дивизия командири тоширди. Менга «Жанговар хизматлари учун» медалини беришда. Уша жангда яраланган, биз билан бирга бўлган взвод командири Ермиллин «Қизил юлдуз» орденини олди. Учинчи киши — Ермиллин ва менинг ёшимдан бир кадам ҳам жилмаган, неки даҳшатли манзара юз берган бўлса, ҳаммасидан воқиф Ринатга ҳеч нарса ёзишмагани ўнгайсизлик туғдирди. Мен Ринатнинг олдидан хижолат чека бошладим. Сафдошлар орасида, уни кўз югуртириб топдим. Медал чўнтағимга қўриқ килаётган эди. Ҳеч ким кўрмайдиган жойга кетгим, ротадошлар кўз олдидан яширингим келарди. Каттик хижолат чекардим. Қанчалик бепарво бўлишга ҳаракат қилмай, кўнглимнинг бир бурчида ғашлик чўкиб ётарди.

Тушликдан сўнг кисимизга Англия ва Италия мамлакатларидан журналистлар келишди. Рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, катта лейтенант Шерстюк менга «журналистлар саволларига сен жавоб берасан», деб айтди. У, биз доимо ҳимояда турамиз, урушга чикмаймиз, инкилоб тарафдоримиз, деб гапиришимни уқтирди.

Улар уч киши эди. Учаласи ҳам қора кўзойнак тақиб олган, сочлари ўсик, ўрта ёш эди. Қисм штабдаги хоналардан бирида мен ва улар савол-жавоб қиларди. Учаласи ҳам ўрис тилини пухта билишар экан. Гап оҳангидан уларда шўро аскарларига нисбатан ачиниш ҳисси борлигини сездим. Журналистларнинг «сиз ўзингизни қаҳрамон ҳисоблайсизми?», деган сўрови юрагимга ғашлик солди. Яна улар, «сиз ҳали ёшсиз, лекин Ватанин ҳимоя қилиш учун ўзга юрт чегарасидан ошиб ўтиш шартмиди?» дейишганда тамоман ўзимни йўқотиб қўйдим. Улар мен сизгари минглаб алданган шўро аскарларига ачинишаётганди. Мен журналистларнинг бундан кейинги саволларига жавоб беролмаслигимга амин бўлдим. Ўзимни беҳол сезаяпман, деб ротага қайтдим. Казармада кутиб турган катта лейтенант «нима бўлди?» деб сўради. Мен, «хориждагилар бу ерларда беҳуда сарсон-саргардон юрганлигимизни яхши билишади, Совет Иттифоқининг раҳми келмаса ҳам ўшалар бизга ачинишмоқда!» — дедим кесатиб. Шерстюк нигоҳи билан ер чизарди. Менинг эса ўкириб-ўкириб йиғлагим келарди. Шерстюк менинг нимага шама қилаётганимни тушунди. Мен афгон халқини хонавайрон қилишни истамайман, ҳаммамиз алданганмиз, деганимда эсанкираб қолди. У менин каршимда ўзини гуноҳкордай ҳис қиларди. Аслида Кремлнинг истибод ҳоким сиёсати эзиб ташлаган халқнинг фарзанди, шўро армиясининг аскарни эканлигидан жирканаётганини у ноҳақликка йўймаётганди. Ҳамиша шовқин-сурон ҳоким казармада аскарлар ўз ишлари билан банд эдилар. Кимдир тумбочкага кўкрагини бериб хат ёзмоқда, кимдир ҳарбий кийимга тугма қадайти, яна биров тасма тўгногичини артмоқда. Қилар иши нотайин жангчилар эса у ёқдан-бу ёқка ўтаверадилар. Мен бу ерда ҳаммамизнинг бетайин эканлигимизни англадим.

## XII

Сунбуланинг охирлари. Ёзнинг ҳарорати пасайган. Беқоён узумзорлар ястаниб ётган Баграм вилоятида айни пишиқчилик. Тоғ ёнбағиригача қўзилган экин майдонларида турли-туман полиз маҳсулотлари етилган. Йўл четидаги кишлоқ аҳлига қарашли бу экин майдонларида маҳсулотлар шўро армияси учун етиштирилгандай гўё. Биз уларни хоҳлаганимизча териб олсак ҳам, ҳеч ким нима қилаяпсан, демасди. Машиналарни картошка ва помидорлар билан тўлғаздик. Саримсоқдан тортиб баклажонгача бизга «мунтазир» эди.

Деворларни ўпириб ўтаётган оғир техникалар полизларда такка тўхтаб қолар, шуни кутиб туришган пиёдалар эса ерга сакраб тушишар, ўзиники сизгари нима дуч келса териб машинага юклашарди. Хуллас, биз Баграмдаги экинзорларни пайҳонлаб борардик. Қисм белгиланган жойга етиб боргунга қадар дуч келган уй ҳайвонларини ҳам отавердик. Йўлда эшак ва қўй-қўзилар, ҳатто сигирлар ўлиб ётарди. Тўс-тўполон ичда ким нима қилаётганини билиб бўлмасди, бироқ бир нарса маълум — шу ишларнинг барисини шўро аскарлари ҳавас билан бажараётган эди. Зобитлар эса қўриб-кўрмасликка олишарди. Нима ҳам дейишин? Бундай ҳол биринчи мартаба бўлаётган эмасди. Мен ҳали бу ишларим учун бир умр виждон азобида қолишим муқаррарлигини тушунардим. Ич-ичимдан зил кетардим. Биз ваҳшийлар эдик. Аммо бизни шу ишларни қилишга Кремль сиёсатининг қонли қўли мажбурлаётганди. Мен афгондаги жамики кирғинлар учун ўрик давлати сиёсати айбдор деб ҳисоблайман.

Экинзордан кейин яйдок дала ястаниб ётарди. Ун ва сўл тарафимизда кишлоклар кўришиб турарди. Полк шу куп-курук ерда жойлашди. Хар жой-хар жойга танк ва БМП -2, БТР ва «Саушка»лар қўйилди. Пиёдалар машиналарга якин жойлардан хандаклар қазилди. Кишлоқ узок, узумзор икки-уч чакирим нарида эди. Бу ялангликда қандай килиб жаңг қилишимизга ҳайрон бўлдим. Умуман, шу сафарги юришимиздан қандай мақсад кўзда тутилганини ҳеч ким билмасди.

Хар галгидек кишлокни дастлаб артиллерия ўққа тутди. Мен иккинчи бўлинма командири лейтенант Сидоровдан «кишлоққа кирамизми?» деб сўрадим. У, шу ердан қайтсак керак, деди. Икки-уч марта кишлоқ томондан «эрэс» снарядлари учиб келганини айтмаганда, бизга қарата унчалик қаршилик кўрсатишмади. Ялангликда бемалол дам олардик. Хар-хар замонда танклардан кишлоқ томонга ўт очиларди, бу ҳам номига, душманини чўчитиб қўйиш учун қилинарди. Бир кечани тинч ўтказдик. Мен кечаси уч марта БМП -2 дан узумзор томонга ўт очдим. Тунги коровулар хар беш дақиқада автоматдан ўк отиб турдилар. Тонг ёришгач, кишлоқ ахлининг турнақатор тизилиб тоғ томонга кўчиб кетаётганини кўрдик.

Энди кишлоққа кирсак керак,— деди Ринат.

Яхсиси зобитдан сўра, шу билиши мумкин?

Ўртоқ лейтенант! Ростданам шу ердан қайтамизми, ё...— мен кишлоққа ишора қилдим.

Ўўк, кишлоққа кирмаймиз,— деди десант бўлмасида дам олаётган Сидоров. Бечораларга қийин бўлди, ҳаммаси болалар ва аёллар...

Чамамда, шўрави кишлоққа бостириб қиради, деб кўркишган шўрликлар.

Зобитнинг уларга ачинганини ҳам, мазах қилаётганини ҳам сезмадим.

Артиллерия дабдаласини чиқариб бўлди-ку, бундай отишма билан кичкина кишлоқ пари турсин, шаҳарларнинг ҳам кулини кўкка совуриш мумкин. Манави тоққа қочиб чиқаётган бечоралар, тирик қолишганига шукур қилишаётгандир,— деди Ринат.

У ҳақ гапни айтган эди.

Узумзор томонни кузатаётган аскар чопиб келди. У рўпарада бир гала қўйлар юрганини айтди. Мен, Ринат ҳамда лейтенант Сидоров машинадан чиқиб аскар кўрсатган томонга қарадик. Чиндан ҳам кунботар томонда қўйлар ўтлаб юрарди, улар бу ерга қандай келиб қолгани номаълум эди, чунки кишлоклар анча узок бўлиб, бу атрофда уй кўринмасди.

Зобит пиёда аскарлардан икковини қўйларни ҳайдаб келиш учун юборди.

— Кабоб ўз оёғи билан келаяпти,— деди у.

Мен охири қандай тугагини кутардим. Ринат механик бўлмасига кириб ётиб олди. Ҳаял ўтмай иккала жангчи ўн иккита семиз-семиз қўйларни ҳайдаб келди. Бўлинма жангчиларининг оғзи қулогнда эди. Зобитга ҳам худо берди.

Кўчқор, сўйишни биласанми,— деб сўради у мандан.

— Чумчуқ-да сўйиб кўрмаганман...

— Ринатдан сўраб кўр, балки у билар...

— Менга қолса отиб ўлдириш керак. Шу ҳам муаммо бўлди-ю,— деди механик бўлмасида ётган Ринат.

Охири аскарлардан бири қўйларнинг энг семизини автомат милига ўрнатиладиган ўтмас пичокда бўғизлади. Машинада қозон бор эди. Думба ёғига гўшт ковордик. Бир қўйнинг гўшти етти кишига бемалол етди. Қолган қўйларга коровулар кўз-қулоқ бўлиб туришди. Лейтенант батальон командирига алоқада маҳсус, келишилган частотага ўтишни илтимос қилди. Ўзоро махфий гаплар айтилиши лозим бўлса, хар бир батальонда алоқада маҳсус частота бўйича иш юритиларди. Сидоров комбат билан алоқада бемалол гаплашди. Зум ўтмай комбатни олиб юрадиган БМП—2 келди. Лейтенант тўртта қўйни бериб юборди. Тагин иккитасини қисм командирига «совга» қилди. Кечкурун тагин биттасини сўйдик. Бу бекорчиликдан нима қиларини билмай қолганлар учун харна бўлса-да, эрмак эди. Негаки, биз унчалик оч эмасдик. Машинада кунлик озқ-овқат етарли эди.

Эрталаб биз турган жойга прапорщик Довгий келди. У қўй боқаётганимизни эшитганди. Сидоров Довгийга ҳам бир қўй инъом қилди. Довгий ўзида йўк хурсанд эди. Механик Мўминга қўйни эҳтиётлаб машинага босишни буюрди. Сўнгра мени ўзгача бир яқинлик билан имлаб чакирди.

— Анави узумзорга бордингларми?

Ўўк...

Кеча биз Мўмин билан икки бидон узум тердик.

Шунча узумни нима қиласиз, ўртоқ прапорщик?

Кўраянсанми,— у БМП—2 орқасида сув солиш учун олинган маҳсус бидонларга ишора қилди, — иккови ҳам узумнинг суви билан тўлиб турибди. Эрта-индин ачиб винога айланади. Ўзиям сувли узум экан.

Полкка қайтиб борганда мазза қиларканмиз-да?

Механик ва операторларга етади. Паркда ишлаётганда бир-икки кружка симириб қўйсанг, бай-бай. Тетик бўлиб юрасан...

Довгий улфатларга хос кайфиятда қўл ташлаб хайрлашди.

Учинчи кунн Баграмга кираётиб қандай вайроагарчилик қилган бўлсак, ундан ҳам беш баттарок ўйинлар кўрсатиб қайтдик. Экинзорларни тагин яқсон этдик, кишлоқларни ўққа тутдик, бузилган уй ва қўпорилган деворларгина омон қолди. Аҳолиси қўрққанидан ташлаб кетган кишлоқлар харобага айланган эди. Биз инсоний ҳис-туйғуларини унутган, ҳар қандай ёвузликдан тап тортмайдиган, лекин дунё ёвузликдан иборатлигини англаб улгура олмаётган махлукларга айланган эдик... Эй, худо! Бундан ортик шармандалик бормикин?! Дунёга шунчалик гуноҳ иш қилиш учун келганмидим?

Қисмда яна аввалгидай сокин ва зерикарли кунлар бошланди. Куз ойлари, умуман жангга чиқмадик. Икки-уч марта дала машқида бўлдик. Уч марта полк чегарасини Пагман тоғлари томонидан душман ўққа тутди. Қушлар анча совиб қолганди. Қишки уст-бoш беришди. Қавс ойининг ўрталарида ёгингарчилик бошланди. Бу орада биздан олти ой аввал хизмат бошлаган Мусурмон, Рашид ва Хайридинлар уйига қайтишди. Қазарма файзсиз ва ғариб кўриниб қолди. Ротада «қария» аскарлардан бирига айланган эдим. Негаки, хизматнинг охири кўриниб қолаётган эди. Ринат «иложи бўлса, бошқа жангга чиқмаслик керак», деди. Мўмин, энди бизни жангга олиб боришмаса керак, деган фикрни айтди. Мен ҳам, гарчанд зерикарли бўлса-да, қисмда қолганини, омон-эсон уйга қайтишни ўйлаётган эдим. Афғонистон жонимизга текканди. Бехуда ва бемақсад юришлар, даҳшатли жанглардан юрак олдириб қўйган эдик. Ҳаммамиз жангга киришдан қўрқардик.

Қавснинг охирларида бутун армия Хост тоғларига юриш қилди. Харитада кўрсатилган жойга уч кунда етиб бордик. Шу ердан ҳар бир рота — ўзига юклатилган махсус топириқни бажариши керак эди. Бизнинг батальон кичикрок бир тепаликда жойлашди. Олдинда баланд тоғлар қад кўтарган, тоғ ёнбағирларида эса арчалар ўсиб ётарди. Бунақанги чиройли манзарани ҳеч қачон кўрмагандик. Муздай ҳаво, кўнгилга ором бахш этарди.

Биз турган тепаликка миномёт снарядлари келиб туша бошлади. Душман бизнинг шу ерни танлашимизни олдиндан биларди, чамаси, тўғридаги баланд чўққилардан бизни роса мўлжалга олишарди. Уч кунни яраланди. Аҳвол танг эди. Мен бошимни тош панасига бекитиб олдим. Душман автоматлардан ўққа тутганини ҳисобга олганда, рўпарадаги тоғ чўққилари бир қақирим ҳам келмасди. Тагин артиллерия жонимизга оро кирди. Тоғлар град, ураган ва тўшлар билан ўққа тутилди. Сўнгра икки соат мобайнида самолётлар бомба ташлади. Душман тиниб қолди. Биз шомгача бироз нафас ростладик. Агар биз тоғларга чиқиб олсак, тоғлар ортидан кишлоқларга бориш йўллари бизнинг қўлимизга ўтарди.

Тогни эгаллаш ҳам осон кечмади. Гарчанд душман қаршилиқ кўрсатмаса ҳам, баландликка кўтарилиш азоб бўлди. Жангчилар ҳориб қолишди. Энг юқори чўққини бизнинг бўлинма эгаллади. Қисм тоғда уч ой қолиб кетди. Янги йилни ҳам тоғда кутдик. Бу орада Шўро матбуоти бир неча бор биз ҳақимизда ёлгон мақолалар эълон қилди. Айниқса, «Известия» рўзномаси «Афғонистон армияси шўро қўшинлари ёрдамида Хост тоғини эгалладилар ва вилоятдаги барча йўллар душмандан озод қилинди», деб ёзди. Аслида биз афғон армиясини бу юришда кўрмаган эдик.

Хут ойининг охирида қисмга қайтдик. Соч-соқолимиз ўсиб кетган эди. Мен жавзога қадар кунларни эсон-омон ўтказишни истардим. Агар ҳамал ойида жангга бормасак, шу охиргиси бўлади, деб ўйлардим. Чундан ҳам бошқа жангга чиқмадик. Қушлар ўтмасди ҳисоб. Баҳорда уйга қайтадиганлар учун энди дам олишга, фақатгина қисмда бўлишга руҳсат бердилар. Қолганлар Гарdez вилоятига жангга кетишди.

Мен, Ринат ва Мўмин қисмда ҳар кунни ичардик. Қушлар узун, тунлар азобли эди. Ҳар биримизнинг ўй-хаёлимиз уйга қайтишда бўлиб қолган эди...



Жуманиёз Жабборов

## Сен, хаёлим мабжларингда...

Ажаб дунё экан бў: ўвол кўпу савоб кам,  
Яъни, ҳаёт ичинда савол кўпу жавоб кам.

«Варақ-варақ қидиргил олам кутубхонасин»,  
Дардли замона бисёр, ҳол сўргувчи жаноб кам.

Олдинга босмас эмиш бу дунёда ҳеч бир иш,  
Қаёнда илтимос йўқ, таъзим ила тавоф кам.

Қаердаким ихтилоф амрин ўтказди элга,  
Барокат ундан олис, шафқату эътироф кам.

Оқар сув лаҳза тинса, кўлмак бўлар азалдан,  
Ошиқ дили сўниқдир, қачонким изтироб кам.

Ишқ йўлида доvon кўп: машаққат бор, шараф бор,  
Мақсудга бўлмас етиб, қай дилда инқилоб кам.

Замон билан ҳақиқат тилида сўзлаш, эй дил,  
То шиддатинг бўлсин иш, токим бўлсин хитоб кам.

Ҳақиқат лафзи гарчанд аччиқ, даврдир вале,  
Бефойда ширин сўзнинг мағзида офтоб кам.

\* \* \*

Хусн аро бир сен каби озода йўқ,  
Ишқ аро ҳам мен каби афтода йўқ.

Лаҳза-лаҳза мен хаёлинг бирла банд,  
Бул хаёлингдан ширинроқ бода йўқ.

Мендаги тоқатни Қайсдан излама,  
Сендаги оҳанрабо Лайлода йўқ.

Ишқим ичра бир гадо деб бил мени,  
Бошим осмон, мен каби шаҳзода йўқ.

Келса кўклам, боғ аро сайр айласанг,  
Зулфинг атрин ўпмаган шаббода йўқ.

Ёз келиб, олам саховатларга ғарқ,  
Лек сенинг меҳрингча ишқ дунёда йўқ.

Илтифотингдан, санам, тутма дариг,  
Бундан ортиқ орзу бу иншода йўқ.

Дема, эй дўст, бу дунёда нечук турфа ўюнлардир,  
Дегил, халқ бошида қайдин бу хил оғир қуюнлардир.

Дема, одамлар ичра бу нифоқлар ёғди осмондан,  
Дегил, ўз-ўзларин бўғмоқчи бўлган бу забунлардир.

Дема, бу жанг аро ким ғолибу мағлублари кимдир,  
Дегил, мағлубу ғолиб йўқ, булар фикри юпунлардир.

Дема, кўксинг аро қандоқ фиғонлардурки, жой тутмиш,  
Дегил, юз хил муаммодан тугилган бу тугунлардир.

Дема, аччиқ тўзонларданми кўзда шашқатор ёшлар,  
Дегил, Орол уфурган туз билан зардоб кукунлардир.

Дема, оқ водийлар сенга нечук бундоқ қаро бўлди,  
Дегил, оқ пахтазордан бурқсиган ногоҳ тутунлардир.

Дема, ушбу қафасдан сен қачон чиқмоқни истарсан,  
Дегил, фурсатни бой берма, ўшал кунлар — бугунлардир.

\* \* \*

Арғувоний шуъла бирла ёнди тонгнинг гулхани,  
Кун чиқар уфқин ёритди офтобнинг гулшани.

Шунчалар шаффоф ҳавоким, куй билан пайвастандир,  
Тингланур олмос булоқнинг кўнғироқдек кулгани.

Шунча рангу бу жаранглар бир улуг бахтдан нишон,  
Офтоб машшотаси зар бирла чулғар ўлкани.

Хайрату соғинч аро соҳилда кўз тутдим сенга,  
Хайрият, ярқ этди бирдан оқ кема оқ елкани.

Сен хаёлим мавжларинда тик келардинг мен томон,  
Худди шундоқдир табиатга баҳорнинг келгани.

Дардларим кўп, арзларим кўп, сенга изҳор айласам,  
Ётди ногоҳ сенга қалбим талпиниб, интилгани.

Яркираб кетди тамоми ер ҳам, осмон ҳам,  
Сезилур томирда қоннинг мавж уриб, шўх жилгани.

Бир висол кўксингдаким шунча нафосат уйғотур,  
Эй ҳаёт, бўлгил мудом инсонга севги маскани.

## Келинчак

### Фурқат ғазалига мухаммас

Келди ногоҳ боғ тарафдин хуш садоли бир жаранг,  
Ул томон пешвоз югурдим, ҳайрат ичра ҳангу манг,  
Бир келинчак сайр этарди, худди чақмоқдек башанг,  
Сурмадан кўзлар қаро, қўллар ҳинодин лоларанг,  
Ҳозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.

Шунча масъуд, шунча дилбар, тип-тиниқ бир даста нур,  
Сайр этиб юрган мисолким равзайи ризвонни хур,  
Худди юлдуз тизма-тизма оқ бўйинда шода дур,  
Заъфароний кўйлақ узра арғувоний камзуҳур,  
Рўймол оғушидан пешонанинг аҳволи танг.

Пок нигоҳларда юракнинг акси ўйнар шўх пок,  
Дилгинангни бир боқишда айлағайдир чок-чок,  
Бир гўзал, навраста гулким, лаб гилосдир, сийна нок,  
Бори нозук панжалар олтин узукдин зебнок,  
Қўл биларзукдин музайян, нуқрадин оғизда чанг.

Ним табассум қарашлар кўнглинга солгай каманд,  
Гоҳ қанот бергай, гоҳ осмонча этгай аржуманд,  
Тегмасин кўз, барқ уриб, ўссин шу боғ ичра баланд,  
Гавҳар осқон ҳалқалар сиймин баногўшинда банд,  
Кўринур зулфи тунинда субҳи содиқдек аранг.

Ҳам ғурур бор кўзларинда, ҳам нафосатли сурур,  
Шўх, таманноли нигоҳда неча ўйлар чарх урур,  
Чашмада гоҳ кўл ювур, гоҳ юзни гулларга бурур,  
Ғамза бирла ўлтирур, гоҳ жилвалар бирла юрур,  
Турфа бир ноз, офарин, пур ишва таннозу сатанг.


Тишлари қошинда юз дурдона бозори синиб,  
Кулгиси олдинда шўх оққан ариқлар ҳам тиниб,  
Ғунча лабдин лола-гулларга қизилликлар иниб,  
Ақлу ҳуш элтар агар турса паридек силкиниб,  
Одамизод ичра ҳам мундоғ бўлурми шўху шанг?

Энди мен асло қутулмам оҳу армон дастидин,  
Ўйлаб-ўйлаб ул гўзални, аҳду афғон дастидин,  
Бўлса мумкиндир қутулмоқ ҳатто осмон дастидин,  
Йўқ қутулмоқлиғ менга ул офати жон дастидин,  
Қасдима қошлар камон, пайваста мужгонлар хаданг.

Кўнглим ичра гоҳ туман бор, ярқирар гоҳи чароғ,  
Гоҳ заминдек пастда бўлсам, гоҳ баландман мисли тоғ,  
Икки ёлқин, икки тўлқин ичра қалбим тумтароқ,  
Ул париваш ишқида гоҳ телбадурман, гоҳи соғ,  
Чунки бордир орамизда гоҳи сулҳу гоҳи жанг.

Қай куни тақдир менга бул бахтни кўзгу айлади,  
Жумла ошиқ, эй Ниёз, бахтингни орзу айлади,  
Зарра шафқатни қачон сенга парирў айлади,  
Жаврларким, Фурқат, ул шўху жафожў айлади,  
Бунча бедоду ситам қилмас мусулмонга фаранг.





Фарида Бўтаева

# Қурган дарахтга шилломан

\* \* \*

Яшагим келяпти, оҳ, қани энди,  
Ғаму ташвишлару ҳижрондан йироқ!  
Кутишлар кўп оғир, кутишлар қотил,  
Задаман баридан, ёмондир фирок.

Яшагим келяпти, оҳ, қани энди,  
Бахт деганнинг пар тўшакларида!  
Уша ёлғиз, покиза ишқнинг  
Ёлғону рост чўпчакларида.

Яшагим келяпти, оҳ, қани энди,  
Армонинг кўксига тигдай санчилсам!  
Узиб ололсаму ўзимдан сени,  
Тегирмон тошида дондай янчилсам.

Яшагим келяпти, оҳ, қани энди,  
Бу телба дунёнинг жунунларисиз!  
Энди, бугун, менга севмаслик армон,  
Яшайман, муҳаббат қонунларисиз!

## Яхшики: хаёл бор

Яхшики: хаёллар ҳибсда эмас,  
Яхшики: озоддир, ҳурдир фаввора.  
Яхшики: тушлар ҳам сеники эмас,  
Ҳар кеча ўзи-ла ўзи овора.

Яхшики: хаёл бор — ёлғиз паноҳинг,  
Жимгина яшайсан руҳинг аллалаб.  
Бир томчи кўз ёшсиз чинқирар оҳинг,  
Жаннату дўзахлар ичра оралаб.

Яхшики: хаёл бор — охирги нажот,  
Қапалакдай қочиб пилла уйингдан,  
Қақшаган ҳисларга айлайсан имдод,  
Дунё ҳам сел бўлгай чалган куйингдан.

\* \* \*

Ҳарҳолда ўрганиб қоляпман,  
Минг турли жафою қаҳринга.  
Япроқдай сарғайиб боряпман,  
Баҳорни босганча бағримга.

Ҳарҳолда ўлмоқ ҳам осонмас,  
Осонмас яшамоқ шу зайл.  
Қирқ битта сочимга илашиб  
Жонимни чўқийди бир майл.

Бир майл, қаноти қайрилган,  
Беосмон, бепарвоз, бенавоз.  
Улмайин жонидан аирилган,  
Ҳатто руҳ этолмас сарафроз.

Ҳарҳолда ўрганиб қоляпман,  
Минг турли азобу фиरोққа.  
Сени-ку, ташлаб ҳам кетарман,  
Ўзимни ҳайдайман қаёққа?!  
\* \* \*

Сендан шафқат кутгандан кўра,  
Қуриган дарахтга йиғлайман, —  
Этагим олмага тўлдирар.

Сендан меҳр кутгандан кўра,  
Аждарҳога бориб бўзлайман, —  
Бағримда боламдай ухлайди.

Сендан вафо кутгандан кўра,  
Кўксимга ханжарлар экаман, —  
Бехато кўқарар, гуллайди.

## Ёлғиз аёлга

Опа, тўшагингда илон бормиди,  
Чаёнлар бормиди, ухлолмадим ҳеч?!  
Бир кунгина қолиб ўрнингда, э воҳ,  
Афтода ҳолингга йиғладим бу кеч!

Опа, хиёнатнинг бунча йўли кўп,  
Бунчалар чарогон бу жин кўчалар?!  
Тақдир ҳам ёлмоғиз кампирдайин гап:  
Кимни сийлайдию кимдан ўч олар.

Опа, андишанинг оти кўрқоқдир,  
Кўрқоқлар юртини тарк этган имон.  
Имонсиз яшаган жонинг кўроқдир,  
Ёлғиз яшамоқлик ундан-да ёмон.

Опа, тўшагингда тошлар бормиди,  
Чағир экан бирам суякка ботди.  
Бор-йўқ бир кунгина қолиб, билмадим,  
Бу тош болишингда қандай тонг отди?!  
\* \* \*





## Нормурод Норқобилов

Қисса

— Эҳ-х, галварс!

Бу гапни биров эмас, жонидан ортиқ кўра-диган, қишлоққа келишини ҳар гал илҳақ кутадиган ўз тоғаси айтди. Айтгандаям ғазабдан бўғриқиб, еб-ютуб кўйгидек бир важоҳатда айтди. У шу тобда ҳозиргина суюб-эркалаган, бир дунё совға-салом ҳадя этган ширинсухан одамга сира-сира ўхшамас — аллақандай бегона, боз устига, кўрқинчли эди.

Саид ер остидан унга мунғайиб қараркан, баҳона ўринсизлигини пайқади. Билмадим-да, деб-ку балога қолди. Энди яна нима десин? Аслида гапнинг рости ҳам шу эди: тангаларнинг тиллалигини у билмади. Қаердан ҳам билсин? Тилла деганлари сўлкавойдан йирик-роқ, қизғиш тангалар эканлигини туш кўрибдими? Ялтироқлигию икки томонидаги аллақандай тасвирларни демаса, қизиқарли жойи йўқ. Агар тиллалигини билганида... Қайси гўрдан ҳам келиб қолди анови соқолли амаки? Келдию ҳаммасини супуриб сидириб кетди-қолди. Лоақал топганинг ҳақи деб бир дона қолдиришни лозим кўрмади. Ўлгудек хасис экан. Аслида ҳаммасига Зокир айбдор, дунё топган тентақдай, бақириб оламни бузмаганида, ҳозир тилла санаб ўтиришган бўлармиди...

\* \* \*

Кимдир ўйинқароқ бўлади, кимдир хаёл сурувчан... Саидга расм чизишу кўҳна қишлоқда тентираб кунни кеч қилиш бўлса бас. У ердаги чолдеворларнинг таги теша билан наридан-бери чўқиланиб, салгина туртилса бўлди, бор бўйи билан гуппа қулайди. Худди уруш киноларидагидай...

Саид мана шунисига ишқибоз.

Кўҳна қишлоқ кунчиқишда бўлиб, Улоқўйнар жарнинг пастида. Бир замонлар олтмиш-етмиш хонадонли обод қишлоқ эди. Ҳозир унинг хароба чолдеворлари қолган, холос. Тунда йўли тушган одамнинг лабига учуқ тошади. Ундан нарёғи адирлик, кўнғир тусли қирлар ортида зангори тоғлар сирли мудрайди. Жар тепасидан туриб дурбин билан қаралса, тоғдаги арчаларгача бемалол илғаш мумкин.

Ҳар гал янги йил кирадиган кечада ўша томондан қорбобо меҳмон бўлиб келади. Қуруқ келмайди, албатта, ям-яшил арчаю совға-саломлар билан келади. «Баланд-баланд тоғлар ошдим, дарё-сойлар кечдим, байрам билан қутлагани, болажонлар сиз томон шовдим...» деб куйлаб ҳам қўяди. Саид қофияси келишимсиз бу гапларга чиппачин ишонарди. Аммо бу сафар бир воқеа сабаб бўлдию қорбобонинг сири очилиб қолди. Саид ниҳояти ерга тушиб кетган ўйинчоқни олиб, арча шохига илмоқчи эди. Ўйинчоққа қўл чўзганини билади, нақ тепасида қорбобонинг ўшқиргани эшитилди:

ҲАЗИНА

«Жойингга бор, мишиқи!» Саид ҳайратдан донг қотди. Таниш овоз. Ким бўлди экан? Дарвоқе, адабиёт муаллими Садиров шу тарзда сўкинмасмиди? Бўёқ чаплаган юзидаги чўмичдек бурни ҳам ўхшайди. Бола гарангсиганча сафга қайтди. Зокирни секин туртди:

«Ким ўзи бу?»

«Қорбобо».

«Муаллимга ўхшайди-ку».

«Йўқ, қорбобо!»

Шу-шу қорбободан кўнгли қолиб, ўйин-кулгига ҳам қўшилмади. Совға-салом улашаётганида диққат билан разм солди. Ва бирдан ҳаммасини сезиб, ҳафсаласи пир бўлди-қўйди. Садиров хийла ҳориган, овозига ортиқ тус бермай қўйган эди: «Бу сенга, мана буниси сенга...»

Саид уйга келасолиб бобосига ҳасрат қилди: «Бово, қорбобо деганлари ғирт ёлғон экан. Садиров муаллим экан у: «Бобо кулди»

«Ҳа, энди... тоғдан арча оптушгандан кейин қорбобо бўлади-да, болам».

«Ия, арча оптушган одам қорбобо бўлаверадими?»

«Ҳа-да».

«Унда нега сиз оптушмайсиз?»

«Белда қувват жўқ-да, болам».

«Агар тоғдан арча оптушсам, мен ҳам қорбобо бўламанми?»

«Ҳа. Аммо бунга ҳозирча кичиклик қиласан».

Бола ҳар сафар узоқдаги тоғларга ҳавас билан боқаркан, ўзининг кичиклигидан ўксинади. Қани энди, тезроқ улғая қолса! Ушанда каттакон арча келтириб, ҳаммани қойил қолдирган бўларди.

Боланинг ҳавасини кўзғотиб, ҳар йили апрелнинг ўрталарида юқори синф ўқувчилари муаллимлар бошчилигида тоққа чиқишади. Холбой раисдан минг ялинишу ёлворилар билан ундирилган юк машина тонг-сахарлаб сигнал берадию мактаб ёнидаги сай-ҳонликда одам қайнайди. Бир кишини ўн киши кузатиб чиққан — нақ сайил дейсиз... Хуллас, ҳамма йиғилгач, география ўқитувчиси Қўчқортоев шусиз ҳам новча бўйини кўз-кўз қилгандек, майдон четигади тош устига чиқиб, одатдаги маърузасини бошлайди: «Тоғда энг муҳими, кўзга қарашу оёқни авайлаб босиш. Оёқ остидан бехос кўчган тош ортда келаётган бошқа бировни майиб қилиши мумкин. Шунинг-чун...» Унинг узундан-узун нутқи жон-қулоқ билан тингланади. Тўсатдан ўртага Карим дўхтир суқилади: «Домланинг гапи тўғри. Энди қолган гапни мендан эшитинг,— у сигарет бурқситиб, боши билан тоғ томонга ишора қилади.— Ҳозир чўкири нинг айни этилган пайти. Айниқса, тошбодиси... Лекин зинҳор-базинҳор тўйиб-тўйиб еманглар. Чўкирининг ози яхши, кўпи оғиздан қорасув келтиради... Табиий, унинг гапи болаларга зиғирча таъсир этмайди, равочга бир тўймоқни аллақачон дилларига тугиб қўйишган, бунинг устига, Карим дўхтирнинг ўзи нимаю сўзи нима, ўзи ким кўрганга ичиш зарар, чекиш зарар дейди-ю, ҳафтада магазин ёнида бир учиб қолмаса ҳисобмас.

Карим дўхтирнинг гапи чала қолади, болалар гурра машина сари интилишади. Ариқ бўйидаги чимда кимдир дамлаб чиққан чойни майдалаб ўтирган Эркин шофёр ўзининг борлигини эслатади: «Қаёққа?! — дейди амирона оҳангда.— Худди подадай... Олдин қизлар чиқсин. Тўполон қилинмасин! Асабим чатоқ! Тушириб қолдираман!» Унга итоат этмай илож йўқ, ўғил болалар бўшаганча қизларга йўл очишади. «Қани, қўшиқдан бўлсин! — дейди Эркин шофёр каби нага кўтарилаётиб қизларга.— Фақат шўх-шўхидан бўсин!» Зум ўтмай қизларнинг қўнғироқдай овози қишлоқни тутлади.

Саид машина кетидан катта йўлгача чопиб келади. Уртоқлари кўприк ёнида қолишади. Улар шунчаки эрмак учун чопишади. Саид эса... Қани энди, бирор мўъжиза юз берсаю машинага илашиб олса. Аммо мўъжизанинг содир бўлиши қийин. Шунингдек, ялиниш ҳам бефойда, тоғ сеъҳати учун камида бешинчи синфда ўқиши лозим. У эса эндигина учинчи синфга ўтган. Шу боис хуморини дурбин билан босади. Дурбинни деб кун бўйи Тўлаган овчининг пиёзини ўтаб беришдан ҳам эринмайди. Овчи саришта одам, бир соатдан ортиққа бермайди дурбинни. Саид тузукроқ томоша қилишга улгурмай, овчининг бадқовчо ўғли — Товқора қўлидан дурбинни олиб қўяди. Шундан сўнг бола эрмак истаб қўхна қишлоққа энади. Эрмакка чолдевор йиқитади. Баъзилари осонгина йиқилади, баъзиларига эса хийла уриниш керак. Икки бор девор тагида қолай деди. Тергайдиган одам йўқ. Кўрганлар кулади: «Ҳа, тилла қидиряпсанми?»

Нафсиларини айтганда, бу гапда жон бор. Узоқ йили Уроқ чол кўп эмас, оз эмас, нақ ярим қилоча тилла тақинчоқлар топиб олди. Лекин тилла деганлари қидирганга топилмас экан шекилли, Уроқ чолдан кейин тўрт-беш одам у ер-бу ерни чўқилаб кўришиб, чағиртошу сопол бўлакларидан бошқа нарса учратишолмади. Чол бўлса — ток тагига солиш учун кесак олаётган экан.

Албатта, бу воқеаларни бола кўрмаган, эшитган. Бундан ташқари, бобосидан яна кўп нарсаларни эшитган. Унинг айтишича, қўхна қишлоқнинг учдан бири бадавлат ўтган-

<sup>1</sup> Чўкири — равоч

миш. Қодирбой, Самандарбой, Чўлибой, Тўрабой... хуллас, саноғи йигирмадан ошади. Инқилобдан кейин улар ҳар томонга тарқалиб кетган: бири қулоқ қилинган, бири тоғ ошиб кетган, яна бири... қисқаси, Олим чиноқ уларга кун бермабди, аканг шўро, деб барчасини қон қақшатган. Боланинг ишонгиси келмайди: «Шу ўзимизнинг қоровул бово-я?!». Бобо жилмаяди: «О-о, жигитлигида кўрсанг эди, бовонгди. Белида наган, тагида Самандарбойнинг тўриғи... Э, нимасини айтмай, нафасига ош пишарди, бовонгди. Кўрдинг, ҳалиям милтиқнинг ўқидай, биров саксон берай демайди».

Санд бобосининг қоқсуяк тиззасига ёпишиб, ҳикоянинг давомини тинглайди.

Ўша йиллари қишлоқ юқорисидаги Қирқбулоқ ва Мингбулоқдан сув қочиб, қишлоқ аҳли қуйига энибди. Биринчи бўлиб, Уроқ чол. Тирикчилиги пахтадан экан, дарё бўйидаги тўқайзорга ўт қўйибди, ер очибди. Одамлар ҳайрон, дарё суви уч газ пастда, сувни қандай оларкин? Уроқ чол ҳафта йўқ бўлиб кетиб, бир арава ёғоч-тахта билан қайтибди. Ерга алланималарни чизибди-да, шунга қараб катта чархпалак ясабди. Кўплашиб уни дарё бўйига ўрнатибди. Чархпалак деганлари хўб яхши нарса экан, сувни беминнат чиқаравараркан. Шундан кейин Уроқ чол аввал қапа тикибди, сўнг уй қурибди. Бийдек дашта ёлғиз кулба. Қишлоқ номи шундан қолган — Яккатом. Кейинчалик бирин-сирин бошқалар кўчиб ўтибди. Кўҳна қишлоқдан эса, эски чолдевору афсонавий хазиналаргина қолибди. Бироқ бобоси хазинага унча ишонмайди: «Бекор гап,— дейди қўл силтаб.— Эски бойлар тиллага ружу қўйишмаган, чорвага ўч бўлишган улар. Биргина Самандарбойнинг ўзида ушоқ молдан минг бош эди. Қолганларники ҳам ундан кам эмасди. Тагин ким билади дейсан. Ҳарқалай, илгарининг одамлари тилла демасди. Аммо-лекин чорванинг пири эди улар. Ҳозирги одамларга ҳайрон қоласан киши, қўй дея қўра ўгиради, қўй боқишни билмайди, мол дея оғил қуради, молнинг маъносига етмайди. Билсанг, бўтам, қўй боқишнинг ўз йўриғи бор, яъниким қўйни оёғи боқади. Жўриб ҳоримасанг бўлди, қўй жонивор ўз емишини ўзи товади. Дашт тикони жемдан афзал. Афзаллиги шундаки, қўй уни танлаб жейди, суйиб жейди. Кейин қарабсанки, уч ойда тип-тикка бўлиб турибди. Билмаган одам ярим жил боқувда жотган деб ўйлайди. Ий-й, эринмаган одамга қўй бир хазна. Ҳозиргиларга «хазна» десанг, қўй қолиб, Кўҳна қишлоқни тушунади, Самандарбойнинг кўммасини излайди».

Ривоятларга қўра, ўша алғов-далғов йиллари Самандарбой топган-тутганини тиллага айлантирибди-да, одам топмас ерга кўмибди. Олим чиноқ ганча қасди-бастига олмасин, тиш ёрмабди, худо насиб этиб, соғ-омон қайтсам, соғингни тилладан ясаб, итимни қаватига боғлаб қўяман сени, деганмиш.

Аммо бобо буни рад этади: «Утирик»,<sup>1</sup>— дейди.— Тилланинг дарагини эшитса, Олим чиноқ қараб ўтирармиди. Терисига сомон тикиб бўса-да, топтирарди. Топмай қўймасди. Олим чиноқ дейдилар уни. Жигитлигида кўп ярамас эди, баччағар. Этида озгина жири борди олатасир қулоқ қиларди. Молини-қу олдинг, жони билан нима ишинг бор, дейдиган мард жўқ. Финг десанг, варанглатиб овзингдан отадиган шашти бор, энағарди... Гапирарга журак човадимми? Бир майдон менгаям жовушиб кўрган. Гуноҳим ўн-ўн беш қўйим... Мана бўмасам деб бир кеча ҳаммасини гум қилдим. Шундан сўғин қулоғим тинчиди. Шўйтиб бу бовонгди савобидан гунойи гўп. Упкалиги борда, салла деб каллани чалиб кетаберган. Аммо-лекин ўшанда кетмонминам човиб ташлай дедим-у, тагин шайтонга ҳай бердим. Момонгди кўзим қиймади. Янги уйланганман, чимилдиқда чириллаб қомасин дедим. Лекин Чўлибойдинг кичкина аёли — Майрам қовчин ўчимди оверган. Уроқминдам бошига ураман деб, қулоғини учириб жуборган. Қайси Майрам дейсанми? Элдор қийшиқди энаси-да. Ҳи, сувди бўйидагиси. Кампир шу қочганча қочиб, бу томонларга уруш олди қайтган. Элдор қийшиқ иккинчи эридан. Кампир Чўлибойдинг суюкли хотини эди. Бой бу аёлига яхши қарашарди. Узиям сал-пал савдогарнамо феъли бориди, бу ёғи Самарқанд, у ёғи Бухоро қатнаб, аёлига жўқ жердаги тилла тақинчоқларни опкеб берарди. Олим чиноқ ана шу тақинчоқларга кўз олайтирган. Тақинчоққа чанг солган киши бўлиб, аёлди кўксига қўл жуборган. Майрам қовчин саҳро боласи эмасми ори қўзиб, ўроқминам сопқолган. Агар тилла қолган бўлса, шу Чўлибойдан қоган. Бошқаларди тилла-пиллага унча хуши жўқ эди. Ҳозир... кимди қўлига қарама — жилт-жилт, овзига қарама — жилт-жилт...»

Бобосининг куйганича бор. Қайсидир йили Сайқал кампир ўзига тилла тиш қўйдирдию бу нарса тезда қишлоққа расм бўлди. Ҳоли етган-етмаган ундан андоза олишга тиришадди. Кампирни эса, қўяверасиз, бурун бировга тишининг оқини кўрсатмайдиган одам, энди ҳуда-беҳуда оғзини катта очиб илжаядиган одат чиқарган. Тўй-ҳашамларда бир тилла тишларини мақтаса, бир тиш дўхтирини алқайди.

Аммо ҳикоянинг бугунги кунга алоқадор томони болани қизиқтирмайди, қўли бўш қолди дегунча кўҳна қишлоқни титкилайди.

Бугун у Зокирни бошлаб чиқди. Аввалига ўтган йилги қуруқ хас-хашакларни йиғиб катта гулхан ёқишди. Ўт устида ирғишлаб, роса «ажина ўйин» қилишди. Сўнгра йўл бўйидаги баланд чолдевор билан андармон бўлишди. Қалин пахса таги осон кўча қолмади. Хийла уринишу тер тўкишдан кейингина қимирлай бошлади.

<sup>1</sup> Утирик — ёлғон

— Қоч! — деди Саид ҳаяжони ичига сиғмай.— Ҳозир йиқилади! Ура-а!

Омонат турган девор енгил турткидан гурсиллаб қулади.

Саид гуппа кўтарилган чангдан қочаётиб, Зокирнинг тўсатдан қичқириб юборганини эшитди. Чаён чақди деб ўйлади. Угирилиб қаради. Зокир мук тушганча кесаклар орасидан нимадир термоқда эди. Қизиқсиниб яқинроқ борди. Кўзларига ишонмади. Кесаклар орасида сопол бўлаклари, олам-жаҳон йирик-йирик қизғиш тангалар сочилиб ётарди. Ялтироқ нарсага ўлгудек ўч Зокир ҳаяжонини босолмай иккинчи бор қичқириб борди. Овозида ҳайратдан ташқари, қизғаниш оҳанги ҳам бор эди. Саид қўлидаги тешани улоқтириб, унинг қаватига чўккалади.

Тангалар билан бўлиб, тепасига келиб қолган соқолли амакини у кеч пайқади. Қачонки, йўғон, жундор бармоқлар қўлидаги танга тўла дўппига чўзилгандагина кўрди уни. Амаки тангалардан бирини бақувват тишлари орасига олди. Болалар унинг қилигидан бир муддат анграйиб туришди-да, сўнг биттадан тангани оғизларига олиб боришди. Бирор маза туйишмади.

Бу орада амаки ажиб бир шошқалоқлик билан теваракка аланг-жаланг қаранди-да, тезгина белидан белбоғини ечиб, ерга ёзди. Дўппидаги тангаларни унга ағдарди. Воқеани фаҳмлаган Зокир қочмоқни мўлжал қилиб эди, амаки шундай бир ўқрайдики, бечора кўрқанидан дўпписини қўшқўллаб узатганини билмай қолди. Амаки белбоғни маҳкам туғиб, қўлтиғига қистираркан, чўккалаб кесаклар орасини яна бир сидра титкилаб чиқди. Кейин йўлга сочилган кесакларга тумшуқ тираб турган сариқ «Жигули» томон юрди. У жўнаб кетиши билан Зокир чўнтагидан уч-тўрт танга чиқарди. Саидга кўз-кўз қилди. Бундан Саиднинг алами келди, бирини менга бер, дея қўлини чўзди. Бунга жавобан Зокир тилини кўрсатди. Боланинг жаҳли кўзиди.

Улар болалар тўп ўйнашаётган сайҳонликка қадар қувлашиб келдилар. Саид болалар ёнида қолди, Зокир уйига кетди.

Уйин билан андармон бўлиб, Саид тангаларни бутунлай унутиб юборди. Тушдан сўнг эран-қаран уйига қайтаркан, дарвоза олдида ғазабли қиёфадаги энасини учратди. Беихтиёр кундалик юмушларини хаёлидан кечирди: ўт юлүб келинган, ҳовузга сув тўлдирилган, молхона супуриб-сидирилган... яна нимани унутди экан? Дарвоқе, тутзор бўйида қантариқли эшаги жилдирувсиз қолибди-ку. Қизиқ, энаси буни қаердан била қолди экан? Уйлаб ўйига етгунча бўлмай, қулоғи тагига тарсаки тушиб қолди. Бола кўрқувдан эмас, ҳайратдан донг қотди. Негаки, энаси қанчалик қахрланмасин, койишу хивич ўқталишдан нарига ўтмасди. Бу нимаси? Не гуноҳ қилибдики, бу қадар ғазабга минса?

Энаси яна урмоққа чоғланаётганини кўриб, бола кетига тисланди.

— Нимага урасиз?! Нима қилдим мен сизга?! — деди жаҳли чиқиб.

— Уриш ҳам гапми, ўлдираман сени! — деди энаси кўзлари ёниб.— Тилла топган экансан, анграймай, уйга чопмайсанми, жувонмарг! Рўзихол читтакнинг чигитдек боласи тўрттасини эплаганда, сен биттасиниям эвини қиллолмадингми, ергина тортгур!

— Билмадим-да!

Бу гапдан онанинг ғазоби баттар аланганди. Агар шу тобда катта кўча бошидан таниш машина сигнали эшитилмаганида, ким билади, бу аланга оташида бола куйиб кул бўлармиди. Ҳайтовур, сигнал ўз вақтида чалинди, гўё қўшсурнай, ноласи қулоқни тешади. Бунақаси фақат тоғасининг машинасида бор ва у буни таъкидламоқчидай, ҳар сафар қишлоққа қайтганида, узокдан сигнал бериб келади. Она сергак тортди, ҳамлага кўтарилган кўли ҳавода муаллақ қолди. Бу орада сигнал иккинчи бор қайтарилди. У кенг-мўл кўйлаги этагини ҳалпиллатганча меҳмонга пешвоз юрди.

Машина келиб тўхтаганда Саид қувонишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмай паришон турарди. Тоға ўзи томон имлагачгина ҳушёр тортди. Йиғлаб юборишдан базўр тийилиб, у томон юрди.

— Ия, сени ким хафа қилди? — Тоға уни бағрига тортиб, қўлига тизимча билан боғланган чоғроққина картон қути тутқазди.— Қара, сенга нималар олиб келдим.

Меҳмон ҳурмати, онанинг бир зумга пасайган жаҳли қайтадан жунбушга келди. Лаби лабига теғмай кўҳна қишлоқ воқеасини жаврай кетди.

Бола энди бу ёғидан хотиржам эди. Нимага деганда, ҳар неки балога тоға кўндаланг, бировга хафа қилдириб қўймайди. Аввалига жилмаяди, сўнг кескин қўл силтайди, қўйинг, ҳадеб обидийда қилаверманг, дейди. Шундан сўнг энасининг чакаги ўчади.

У кутгандек, бу сафар ҳам тоға онанинг гапларини, одатдагидек, нимтабассум ила лоқайд тинглади. Тинглаб турган жойида бирдан туси ўзгариб кетди:

— Эҳ-ҳ, галварс!

\* \* \*

У Зокирни дарвозаси ёнида топди.

Жўрасининг кайфияти бузук, укаси ўтирган аравачани нари-бери сургаб юрарди. Саид бир иш чиқишига унчалик ишонмаса-да, унга умидвор тикилди.

— Жо-он, жўражон, ҳалиги тангалардан биттасини менга бер,— деди.

Зокир унга хушламайгина қараб қўйиб, секин чўнтагига қўл юборди. Буни кўриб, бола кўзларига ишонмади, азбаройи қувонганидан товонларигача жимирлаб кетди. Мана энди энасининг чакаги ўчадиган бўлди. Боя онаси койина туриб, тоғасига арз қилди: «Ҳеч бўлмаганда биттагинасини липпасига яшириб қолмайдами? Узимга иккитагина тиш қўйдириб олардим-а». Шу гапдан сўнг Саид бу ёққа югурган, ялиниб бўлса-да, тангалардан бирини қўлга киритмоқчи эди. Назарида, тангани олиб бориши билан уйдан дилсиёҳлик арийдигандек эди.

Ҳозир ўртоғининг кутилмаганда осон кўнганидан меҳри ийиб, уни қандай хурсанд этмоқни ўйларкан, бирдан йиғма брезент курсига орзуманд эканини эслади. Эвазига курсини сўраб қолса-я, деган ўй ўтди хаёлидан. Аини дамда, агар шу ҳол юз берса, нима қиларини билмасди. Негаки, курси тоғасиники. Анчадан бери омбортомда чанг босиб ётибди. У ерда курсидан ташқари мольберт, турли-туман картиналар мўйқаламу бўёқлар бор. Тоғаси яқин йилларгача дала-даштга, дарё бўйига чиқиб расм чизарди. Кейин нима бўлдию бу юмушни йиғиштириб қўйди... Бир гал Зокир курсига ёпишиб олди: кинобоп экан, кел, фонарга алмаштирамиз. Саид бош чайқади, йўқ, тоғам бунда ўтириб расм чизади, эшитса, хафа бўлади. Хуллас, магазин ёнидаги ялангликка кўчма кино келган кунлари яланг ерда ўтириб кино кўрса кўрадики, лекин курсига қўл тегизмайди, тоғасининг буюмларини бекаму кўст асрамоққа ҳаракат қилади. Қолаверса бобоси васият қилган. «Ҳовли-жой, мол-ҳол... бари Нусратники. От айланиб қозиғини топар... бир кун қайтиб келар, умр бўйи шаҳарда қолиб кетмас...»

Курсини бериш-бермасликни ўйлаб турган жойида, туйқусдан омбортом бурчагига бекитиб қўйилган расм эсига тушиб, Саид ўзида йўқ қувониб кетди. Уни бир ой бурун тугаллаб тоғасининг келишига асраб қўйган. Ҳали хаёлига келмаганини қаранг. Уни кўрса, тоғаси албатта, жаҳлдан тушган, одатдагидек, о-о, сен зўр талант, дея мақтаган бўларди. Нега илгарироқ эсига келмади-я? Ахир тоғасидек одам уддалаёлмаган ишни қойил қилиб қўйди-ку...

Аини кўклам кезлари эди. Шивалаб ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг ҳавода тупроқ ва ўт-ўланлар ҳиди анқирди. Ҳовлида гимирсиб юрган тоға қўлларини бироз олдинга чўзганча тўсатдан ҳайқириб қолди: «Ой-й, бунинг чиройлилиғини!» Чоғроққина аравани суриб, ўйнаб юрган Саид тоғаси тикилиб турган томонга боқди, ҳеч балони англамади. Ёнғоқда кўз кўрмаган бирор қуш-пуш қўниб тургандир-да, деган ўйда дарахт шохларига бир сира кўз югуртириб чиқди. «Ажойиб манзара!» Тоға шундай дея бир одим олға босди-да, яна жойида қотди. Бола шундагина унинг алвонранг уфққа маҳлиё бўлиб қолганини фаҳмлади. Узи тез-тез кўриб турадиган одатий манзарага бу сафар айрича эътибор билан разм солди. Шафақ ҳақиқатда гўзал, ҳатто кўкдаги сочиқ булутларга ҳам қирмизи ранг инган эди. «Қани энди, буни чиза билсанг,— деди тоға бу сафар алланечук надоматли оҳангда.— Йў-ўқ, тасвир этмоқ қийин бун!» Ушанда бу иш Саидга жуда осон туюлди. Нимаси қийин? Оппоқ қоғоз юзига қирмизи рангни қуюқ берсанг бўлди-да. У шундай қилди ҳам. Аммо манзара чиқмади, оппоқ қоғоз қирмизи ранг олди, холос. Шафақ ранги чексиз, тиниқ, фусункор, нозик... У бисотидаги бор бўёғини ишлатиб кўрди. Барибир тасвирдаги совуқлик йўқолмади, этни жунжиқтирувчи нимадир уфириб турарди ундан. Шафақ ранги эса, ўзгача, беихтиёр қанот ёзиб бағрига сингиб кетгинг келади. Саид ранглардаги тафовутни англаёлмай бир ойча боши қотиб юрди, торгина хонаси чала чизиларга тўлиб кетди. Охири бўлмади, расм дарси пайтида ўқитувчисига дил ёрди: «Малим, сиз... сиз шафақни чиза оласизми?» Уқитувчи журнал тўлдирётганда, норози чимирилиб, стол устига бўш стаканни тақ этиб қўйди: «Сен аввал буни чиз!»

Саид саволи жавобсиз қолгандан сўнг ҳам тинчимасди, Куйманиб юриб, секин-аста бўёқлардан ранг ясашни ўрганди. Ва ниҳоят бир куни шафақ рангини топгандай бўлди. Айнан ўхшамаса-да; рангдан илгариги совуқлик ариган, кишини мафтун этувчи нимадир бор эди унда.

Шунча оворагарчилик тоғаси учун, тўғрироғи, унинг бир оғиз ширин гапи учун эди. Ҳозир боради-да, расмни тоғасига кўрсатади, нималарга қодирлигини бир кўриб қўйсин у. Курсини Зокирга беради, тилла тангани эса энасига, қисқаси, ҳаммаси жойида бўлади.

Саид, курси сеники, жўражон, демоққа лаб жуфтлаган ҳам эдики, Зокир чўнтагидан конфет чиқарди.

— Тиллалар отамда, — деди оғзига конфет солиб. — Нега кўпроқ олмадинг деб, тоза уришди. Айтгандай, энанг терингни шиламан деб юрувди, кўрдими?..

Бола уйга хомуш қайтди.

Тоға сула четида ерга тикилганча сигарет тутатиб ўтирган экан, уни кўриб, бери кел, дея ёнига имлади. Шунда Саид, ҳозир, дея омбортомга чопди. Бекитиб қўйган жойидан расмни олиб, ғурурли бир қиёфада тоғасига яқинлашди. Худди шундай вазиятда унинг юзидаги шилдироқ қоғозни олди. Аммо у кутганча бўлмади — тоға на қувонди, на мақтади, расмга анчайин бир қараб қўйди-да, сўради:

— Машина номерини эслаб қолганмисан?

Бола гуноҳкорона бош эгди.

Тоғанинг афти баттар тундлашди. Наридаги лўлаболишга муштани тираб, унга ёвқараш қилди.

— Ландавур!

Ошхона тарафдан энасининг овози эшитилди.

— Нусратилла, сув бўйига борасанми? У-бу нарса тугиб берайми?

— Йўқ.

Бу гапдан бола ғоят ажабланди. Негаки, тоға азал-азалдан уйда қўним топиб ўтирадиган одам эмас, айниқса, саратон кезлари қишлоққа келди дегунча бир пиёла чойни наридан-бери ичади-да, тўқайзорга ошиқади. Кунини ўша ерда ўтказади.

Тўқайзор-икки дарё туташган тик жарлик ўртасидаги кенг майдон. Дарё бу ерда хийла сокин оқади. Қиргоқ бўйи қалин ажриқзор — худди атай тўшалгандай, юмалаб-юмалаб ўйнагинг, чўзилиб ётгинг келади. Ундан нарёғи жар, тубигача ирғий, тўронғи, сунурғи сингари бутта ва дарактлардан иборат қалин чакалакзор, яъни унча-бунча одам дориёлмайдиган овлоқ жой.

Тоға машинасини жар тепасидаги якка қайрағоч остида қолдириб, тор сўқмоқдан пастга энади. Аввал қармоқни сувга ташлайди, сўнг шошилмай ечинади. Чим босиб, қиргоқ бўйлаб бир муддат сайр қилган бўлади. Кейин ерга ташланган тўшамчада чордона кўриб, каттакон сумкани олдига тортади, қани, онанг нималар солибди, дея ундаги нарсаларни дастурхонга таради-да, завқ билан кафтларини бир-бирига ишқайди: «Эрон шоҳидан қаеримиз кам, а?» Чойгум тағига ўт қалаётган Саид гоҳ дастурхондаги егуликларга, гоҳ тоғасига қараб, ўзи кўрмаган, билмаган эрон шоҳини тасаввур қилишга ҳаракат қилади. Ҳарчанд уринса-да, қайсидир китобда кўрган, тўкин дастурхон бошида гумбаздай бўлиб ўтирганча, лунжига овқат тиқиштираётган кўсанамо кимсадан ўзгасини кўз олдига келтиролмайди, шоҳ дегани шу бўлса керак-да.

Тоға гўё унинг фикрини уққандай шўхчан кўз қисади. Кулади. Кулиб туриб аввалдан сувга ташлаб қўйилган шишани кўлига олади. Пиёлани яримлатиб қуяди. Тишлари орасидан узоқ сомиради. Сўнг кўлига пичоқни олиб, картошка, пиёз тозалайди. Орада яна бир ичади. Бодринг газак қилади. Ишлаб туриб теварак-атрофга суқли назар ташлайди. Учинчи пиёладан сўнг туйқусдан оламни кучгандек бир вазоҳатда қулочини кенг ёзади: «Оҳ-ҳ, нақадар ажойиб! Ҳар қандай курорти бу ердан ўтаверсин!..» Тоғанинг завқли хитоблари тўртинчи пиёлагача давом этади ва шундан сўнг у қозонга уннайди.

Тоғанинг завқланганича бор. Тўқайзор ўзига хос бир олам: кишилар назаридан четда бўлгани учунми, нақ ўрмон тусини олган, сайр этмоқни ихтиёр этган киши ўзини бамисоли Африка ўрмонларида ҳис қилмоғи тайин. Ҳатто еру кўкка аёвсиз оташ пуркаётган қуёш тафти ҳам, сув эпкиниданми, сезиларли даражада пасайгандек туюлади. Дашт бўриларида бўлак барча жониворлар бу ерни макон тутишган, шовкинламай тинчгина ўтирган одам сувга энган тулкиниям, қуённиям, шунингдек, одамларни тарк этган ёввойи мушукниям кўриши мумкин. Турли томонга чўзилиб кетган энсиз сўқмоқлар ўта сирли... ичкарироқ киришга юрак бетламайди. Эҳтиётсизлик қилсангиз, шохларга чирмашиб ётган илонларга дуч келишингиз ҳеч гапмас. Икки йилча бурун Эрмат ҳисобчини илон қақиб ўлдирдию одамларда тўқайзорга нисбатан кучли адоват уйғонди. Ўт қўйида аҳд қилдилар. Аммо тўқайзор четида дўмпайган Бойқобул командирнинг қабри туфайли бу ишга бирор кимса журъат этолмади.

«Лекин... — дейди тоға андуҳли оҳангда, туган балиқларини бирма-бир қозонга соларкан, — бизнинг одамлар жоннинг қадрини билишмайди. Билганиям пул сарфлаб аллақаерларда санқиб юришади. Уша пулга йўқ деганда учта семиз қўй келади. Бирини сўйиб, бир ҳафта шу ерда қорин қашиб ётмайдим. Сочи-почи деб юрмай. Отанг эса шуниям қилмайди. Саксовулга ўхшаб буришиб-тиришиб юргани-юрган. Кеча айтсам, кулади, рўзгорни кимга ташлаб кетамиз деб...»

Бола отаси тўғрисидаги гапларни ёқтирмайди. Отасини ҳимоя қилмоққа оғиз жуфтлайди-ю, лекин ботинолмайди. Аламини ўчоқдаги ўтдан олади — қўлидаги косов билан титиб ташлайди. Тутаётган чалаларни қайта қалай туриб, тагин ўзини овутади: «Отамнинг иши кўплигини билмайди-да, билса бундай демасди.» Ҳақиқатда отаси ишга туғилган: кундузлари далада, эрта ва оқшомлари томорқаю мол-ҳолдан бўшамайди. Боз устига, бобосининг вафотидан кейин томорқа янада кеңайган. Уртадаги девор номига — емирилавериб тизза бўйи қолган. Чолнинг моллари бу ҳовлига ўтган. Тоға ҳар қайтганда, отаси бобосининг васиятларини қўлоғига қуяди: «Нусратиллавоё, энди кеп жойга эгалик қилинг. Узоқдиган буғдойидан жақиннинг сомони яхши деганлар. Етар шунча... дайдингиз.» Тоға тугал бир гап айтмайди. Алқайди: «Худо сизга қувват берсин, почча! Сиз борки, мана биз эмин-эркин юрибмиз. Ҳозирча насибамиз ўша ёқларга сочилган экан... Энди...» Отанинг кўзларига нам энгандай бўлади, ҳа, энди, қўлимиздан келганча, дейди овози бўғилиброқ. Бу гапдан сўнг тоға унга синовчан тикилиб дейди: «Қўйнидан тўкилса — қўнжига деганлар, шу ҳовли-жойдан кечдим, мол-ҳолдан ҳам, почча. Бари Саидга... Саидники ҳаммаси!» Ота бир муддат эсанқирагандай бўлиб туради-да, сўнг ошиқиброқ эътироз билдиради: «Эби, эби, ундай деманг! Бундайчикин гап билан оғизди булғаманг, уят бўлади! Омонатга хиёнат қилмоқлик гуноҳдир! Одамди кофирликка ундаманг! Чолнинг арвоҳи чирқиллайди. Қўлимда жон

бераётиб, васият қилган... Гуноҳга ботирманг мени! Саидвайдан эса алағда бўлманг, топганим шуники...» «Мол эгаси менми? — дейди тоға бўш келмаган бўлиб. — Кимга нима инъом этишга ҳақим борми? Шундай бўлгач, мен рози — худо рози. Ана ҳаммасини Саидга бердим. Олинг». Ота — содда, тоғанинг кўзларида жилваланган қув табассуми илғамайди, қайсидир маънода эрмак бўлаётганини пайкамайди. Утирган жойида оғир тебраниб, ўта жиддий оҳангда таъкидлайди: «Аввал сиз васиятни бажаринг. Бундай каттазанг бўлманг! Мулкингиз ўзингизга бюорсинг». «Ҳеч бўлмаса, қаров ҳақиға ярмини олинг». «Ушоғини ҳам олмайман». «Беминнат қарайверасизми?» «Нега қарамай? Тилсиз жониворда не гуноҳ. Молимди ичида юрибди-да». «Унда ҳовли...» «Опангиз бир этак бола туғиб берибдимики, ҳовлининг ташвишини қилсам, — Ота чегарадан ҳатлаганини пайқаб, дарҳол хаспўшлашга тиришади. — Узр, тил курғур бесуюк. Агар ўнта улим қатор тургандаям чолнинг бир ёштига тегмасдим. Нима деяпсиз мени?!» Тоға унга қизиқиш ва эҳтиром билан тикилади: «Бир парча ерни деб ака уканинг бошини ёраётган бир замонда... сизнинг гапларингиз хўб ғалати эшитиларкан, почча». «Билмадим, оға-иним билан жиққамушт бўлган одам эмасман. Ҳар банданинг ўзига инсоф берсин. Бировга қараб тўн бичманг. Бичиғи қийшиқ чиқиб, ўзингиз уялиб қоласиз». «Мана шу феълингизга борман-да, почча! — Тоғанинг овози товланиб кетади. — Ростки, акам йўқ деб ўкинмасам ҳам бўлади. Тўғриси, ҳар қандай аканинг ҳам қўлидан келавермайди бу иш. Сизни ҳурмат қиламан, почча!» «Бизам сизди иззат қиламиз, Нусратвой!» «Кам бўлманг, — Тоға унинг букилиши қийин бўлган ўнг оёғига боқаркан, юзига ошқора ачиниш ифодаси қалқийди. — Почча, сизам бизди гапди олинг. Оёқди қаратинг. Истасангиз, шаҳардаги энг зўр дўхтирларга кўрсатишим мумкин. Сиз бир оғиз хўп десангиз бўлди». «Вақт келар, кўрсатармиз ҳам». «Қачондан бери шу гап. — Тоғанинг жаҳли кўзийди. — Узингизга бунча безътибор бўлманг, э, почча!» «Ий-й, балнисада ётишди ўзи бўладими, юрак тарс ёрилиб кетай дейди». «Туришингизни кўрган одамнинг юрагига ваҳима инади-ю, топган гапингизди қаранг!» «Оёқ оврувдан биров ўлмаган. Ҳов бирда опкелган сассиқ дорингиздан товуб берсангиз бўлди, бир амаллаб ўзим тузатиб оларман. Синадим, фойдаси катта экан...» «Дори суркаб сув кечиш билан оёқ тузалармикан...»

Уй бекаси келиб аралашмагунча уларнинг сўхбати мана шу тарзда давом этаверади. Эшикдан аёл кишининг шарпаси чалиниши билан улар гапни бошқа ёққа буришади. Акс холда...

Айниқса, ўтган гал жуда ёмон бўлган. Энаси одатдаги дийдиёсини хунук бир ҳолатда бошлаган, яъниким, хотин деб узоқ юртларда улоқиб юрибсан, деган. Тоға ёмон тўлганган, поччаси ҳурмати ўзини босишга уринса-да, оғзидан у-бу сўзлар чиқиб кетган. «Олди-ортим тўла оға-иним бормидики, сени буйтиб юришинга бефарқ қарасам, — деган охири опаси кўзига ёш олиб. — Жигаримсан, қошимда юришингни истайман-да. Ҳали бир кун уйингга оёғим етсин, ўша қилпиллама жодугарни бир адабини бермасам. Хотин деган эрнинг измида юриши лозим. Эр қаерда — хотин шу ерда. Сен эса унинг қош-қовоғига қараб яшайсан». «Қараганимни қачон кўрувдингиз», — дейди тоға бироз юмшаб. «Кўрганман».

Тоға сир бермаса-да, узуқ-юлуқ гап-сўзларга қараганда, эр-хотин ўртасидан ола мушук ўтган. Шу боисми, тоға кейинги пайтларда аёлини олиб келмайди. Бу эса опасининг аламини баттар кўзғайди: «Ҳеч бўлмаса одамлардан уялсанг-чи, — дейди. — Қуруқ ўзинг сўппайиб келаверасанми? Бу туришда одамди шарманда қип ўлдирасан-ку».

Тоға индамайди, ички изтироби юзига қалқиб, ўзи шиддатли бир тус олади. Бармоқларини мушт қилиб, тиззасига ургудек бир ҳаракатлар қилади. Лекин ичидагини сиртига чиқармайди. Юрагини гоҳида Холбой раисга очади. Гоҳида дейишга сабаб шуки, уларнинг сўхбати ҳар дом ҳам силлиқ кўчавермайди. Айниқса, тоға мольбертсиз юрганидан бери Холбой раиснинг кесатиқлари кучайган, вақт-бевақт аёвсиз чақиб олади. Шу боис Саид Холбой раисни ёқтирмайди. Унинг ташрифидан юраги безиллаб туради. Лекин Холбой раис келаверади. Бунгача тоға шўрвага учинчи қайта балиқ ташлаган бўлади. Бола балиқ шўрвани жини севмайди, тоғасининг кўнгли учунгина тотинган бўлади.

Холбой раис келганда тоға бўйнигача сувга кўмилиб ўтирган ё бута соясида қорин қашлаб ётган бўлади. Тоға уни илтифотсиз қаршилайди, аммо қувонганидан кўзлари чақнаб кетади. Борини дастурхонга тўкади. Холбой раис ҳам қуруқ келмайди. Бир зумга келдим дея, хийла ёўтириб қолади. Аввалига ширингина сўхбат қуришади. Кейин баҳсу мунозарага кириришади.

Бундай кезларда бола тўқайзор оралайди ёхуд қумлоқда хоммопиш ўйнайди. Гоҳида типратикан топиб, унинг қўрқоқлигидан ҳайрону лол қолиб, бошида ўтиради. Ҳаммаси жонига теккас, тоғаси кўрсатган жойда чўмилади. Холбой раис кетмагунча уларнинг ёнига бормасликка ҳаракат қилади.

Аммо мунозара узоққа чўзилмай, тоғасининг ғазабли хитоби эшитилади. «Кет, — дейди тоға, — оромимни бузиб, миямни тирнама, сафсанганни эшитгани эмас, дам олгани келганман бу ерга, йўқол кўзимдан», — деб бақиради. Холбой раис кетади. Аммо эртаси яна келади. Чеҳрасида хокисор табассум, қўлида атагани. «Э, одам бўмай

ўл сен, — дейди илжайиб. — Кеча жўрам қандай дам оляптикан, деб хабар олгани келсам, итдай қопиб бердинг-а. Сирканг сув қўтармайдиган бўп қопти ўзи». Одатдагидек, ортиқча мулозаматсиз осонгина ярашишади. Аммо бу тотувлик узоққа бормади, орадан ярим соат ўтар-ўтмас яна тиллари қичийди. Бу сафар тоға андишасизларча унинг энг нозик жойини мўлжалга олади, оқибатда, ўртадаги пўлатдек мустақкам дўстлик риштаси чирт узлишига бир баҳя қолади, бир неча толаларгина омон сақлаб қолади уни. Бу толалар Холбой раиснинг оққўнгиллиги эвазига бардошли келади. Тоға унинг бу фазилатини яхши билади. Билгани учун ҳам оғзига келганини қайтармайди. «Алми-соқдан қолган фикрларинг, рости, жуда жонга тегди, — дейди ўйиб олувчи оҳангда, — қараб туриб ўйлаб кетаман, лекин кўнгилга олиш йўқ, жўра, гап келганда отангни аяма деганлар. Демокчиманки, аҳмоқона тимсолингда халқни кўраман, агар шу халқ нодон бўлмаганида, келиб-келиб сени раисликка сайлармиди. Уловига яраша тушови деб шуни айтсалар керак-да, а?» Холбой раиснинг хунук юзи баттар нурсизланади. Аммо меҳмон ҳурмати ўзини босади, унинг андишасизлигини мастликка йўяди, шундан кўнгли андак таскинланиб дейди: «халққа тил теккиза кўрма, жўра, осмондан оёғингни узатиб тушган бўлсанг ҳам, оғзингга қараб гапир! Акс ҳолда!»

Акс ҳолда нима бўлишни ҳеч ким билмайди. Лекин тоға вақтида тилини тияди, ҳазил, дейди минғирлаб. Кейин Холбой раиснинг боши узра номаълум бўшлиққа маъносиз тикиларкан, илжайишга ҳаракат қилади, юзи андак ялтоқли тус олади. Узиям ўшанда жуда қизиқ бўлган экан-да, а, дейди хушомад оҳангда. Холбой раис — гўл, бу гапни самимий деб билади, жилмайиб, нимаси қизиқ, айтарли ҳеч нима бўлмаган, дейди. Тоға уни баттар қўтқилайди: йўқ, зўр воқеа бўлган.

Кейинги гурунг унинг қандай қилиб раисликка сайлангани ҳақида боради.

Нафсиламрини айтганда, ўша сайлов латифанамо бир тарзда кечганки, бу ҳақда одамлар ҳануз эслаб юришади.

Сайлов колхоз клубида одатдагидек расмий бир йўсинда кечиб, райком котиби номзодни энди овозга қўяётган эди, эшик илқис очилиб, остонада Холбой раис (у пайтда агроном эди) пайдо бўлади. Малакасини оширгани бир ой бурун Тошкентга кетган эди, жомадони билан тўғри саҳнага чиқиб бориб, ҳе йўқ-бе йўқ ўз номзодини тавсия этди-қўйди. Бу хил гапни қутмаган зал аввалига денгиздай бир чайқалиб олди, сўнг сокин тортиди. Барчанинг кўзи унда, нима жин чалди экан бу болани, дейди. Котибнинг башараси буришиб, энди уни силтаб ташламоққа чоғланганида, Уроқ чол ўрнидан қўзғолди: «Шаштинг зўрга ўхшайди сен бачани, — деди у. — Қани айт-чи, раис бўп нима каромат кўрсатмоқчисан?» Холбой аввал жавдираб залга тикилди, вазият қалтис. Одамлар енгилгина турткига маҳтал — хиёл адашса қулгига қолиши, уни масхаралаб саҳнадан тушуриб юборишлари мумкин. Шунда бирдан қаҳри келди: «Қадрли ҳамқишлоқлар! — деди ҳаяжондан титраб-қақшаб. — Мени раисликка сайлайсизларми-йўқми, бу сизларнинг ишингиз. Лекин бир ҳақиқатни айтиб қўяй. Шунга қараб ўзингиз фикр қилаверинг. Қани, айтинглари-чи, бировнинг хўжалигига биров ҳеч замонда жон кўйдирганми? Минг қилса ҳам бегона — бегона эмасми? Масалан, собиқ раисимиз қаердан эди? Айритомдан. Хўш, жонини койитдимиз? Койитмасди ҳам. Чунки у муваққатлигини биларди. Билгани учун ҳам хўжаликка меҳр қўёлмади. Бегона фақат планни ўйлайди. План бажарилиб турса, катталардан ўзига гап тегмаса бас, бошқаси билан неча пуллик иши бор. Шуни билатуриб яна бегонани сайлаяпсизларми? Нега энди қўштутлик яккатомликка қайишиши керак экан? Умид қилмай қўя қолинг. Ўзимиздан сайламасангиз раисга ёлчиб бўпсиз!» «Гапларинг жўяли, — дея унинг гапини бўлди чол. — Сен бача, гапни кўп опқочмай, шуни бизга айт, раис бўлиб нима каромат кўрсатмоқчисан? — У ҳайъатдагиларга ишора қилди. — Анови раис бўғич нимарсалар дегандай бўлди. Энди сен гапир!» Холбой раис ҳар бир сўзини миҳлагандай қилиб, ўз режасини баён этди. Буни қарангки, қишда тизза бўйи лой, ёзда тўпроқ кўчалар ҳам унинг назаридан четда қолмади. Муюлишда чойхона қуришу сўнгга бориб қишлоқни водопроводлаштириш тадбирлари ҳам йўқ эмас экан унинг режаларида. Айнан шу нарсалар халқнинг эътиборини тортиди. Қўмита котибининг барча эътирозлари ғалағовур ичида кўмилиб кетди... Уни сўраб туриб олишди. У мана шунаққиб раис бўп қолган.

Гап тоға ҳақда кетаётувди. Холбой раис кетиши билан ўзиниям, гаплариниям унутди, гўё ўрталаридан ҳеч гап ўтмагандек, шўрвани ичиб сувга тушади. Узоқ чўмилади. Совуқдан бадани кўкариб кетмагунча сувдан чиқмайди. Чимда ётиб, бадани бироз қизигандан сўнг яна тушади. Бу ҳол намозгаргача давом этади. «Сув яхши нарса, — дейди пахмоқ сочиқ билан артинаётиб. — Аммо-лекин қорнимам пиёзнинг пўсти бўлиб кетди. Тавба, шунча еган-ичганинг қаерга кетди, а?»

Уйда тоғани тўкин дастурхон кутади. Энаси меҳмон шарафига одатдагидек катта қозонда шўрва осян, патир ёлган, отаси муздек сувга бир талай шиша ташлаб қўйган бўлади.

Жўралари йиғилгунга қадар тоға томорқа оралайди. Томорқа ўртасидаги пастак деворга етганда, бир зум тўхтайди. Кундузи бирров кириб чиққан пешайвонли уйга кўнгли бузилиброқ қарайди. Ҳадик билан ҳовлидан бир шикаст излайди. Тополмайди.



Ховли-жой аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, гўё ота-онаси қаергадир чиқишгану ҳализамон қайтиб келишадигандай. Ховлидаги ҳар бир нарсадан сариштали одам — поччасининг қўли сезилиб туради.

Секин изига қайрилади. Қўра эшигида уни Саид кутиб турган бўлади. Юринг бу ёққа, дея қўлидан тортқилайди. Тоға кулимсираб унга эргашади. «Манови қўйингиз бу йил иккита тувди, — дейди бола узун охурдан ем еяётган қўйлардан бирига ишора қилиб. — Мановисининг боласи ўлиб қолди. Анови қўчқорди танияпсизми? Йўқ, буниси. Қора қўйдинг боласи. Э, ёнига борманг, сузади. Жаҳли чиқса буқадан ҳам тап тортмайди. Нариги бурчакдагилариям сиздики. Қашқаси биздики. Мана бунисиям. Униси эса сиздики. Юринг, энди танангизни кўрсатаман.» Болага қизиқсиниб тикилиб турган тоға ундан нигоҳини узиб, қўра ичига анчайин назар ташлайди-да, етар, дейди, маладес, ҳаммасини сенга бердим, яхшилаб парвариш қилсанг, бир кунингга ярайди, бўшаштирма. Саид елка қисади: «Нима қиламан буларни мен?» Тоға кулиб шу оҳангда жавоб беради: «Мен нима қиламан?» Бунисини бола ҳам билмасди. «Билмадим, отам шундай деган, — дейди шавқи пасайиб. Кейин қўшиб қўяди. — Бариси тоғангники, бир тукигаям зиён етмасин, дейди доим. Манов қўчқорингизни Саттор почтачи сўровди, бермади. Эгаси бор, меникмас, деди. «Отанг тилла одам, — Тоға девор оша супада ҳафсала билан газак тайёрлаётган поччаси томон қарайди. — Давримизнинг ноёб нусхаларидан. Кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсан бунақасини. Аммо сен кўпам отангга ўхшайверма. Оёқости бўлиб кетишинг мумкин. Ҳозир одамлар айниган. Биз айниган давр фарзандларимиз...» Бундай пайтда тоғанинг қомати алланечук чўкинқираб қолади. Кўзлари тўла ғусса, ҳар бир сўзидан алам томади. Бола унинг бу ҳолатини англаб етолмайди. Анграйганча оғзини очиб тураверади. «Сен — қудуқ бўлдинг, мен — чўпон... — дейди охири тоға синиқ кулимсираб. — Шунақа бир эртак бор, эшитганмисан? Эшитмагансан. Чатоқ. Эртак китобларни ўқиб туриш керак. Эртак яхши нарса-зада дилни овутади, кўнгилда умид туғдиради. Чунки унда яхшилиқ ҳамиша ғолиб келади-да. Қани энди, ҳаётдаям шундай бўлса... Кўп анқайма, оғзингга чивин кириб кетади».

Улар ҳовлига чиқадилар.

«Почча, газак тайёрлашингизни кўрган одамнинг ичкиси келади-я. Аммо жуда серҳафсала одамсиз-да, таъриф у тавсифга сўз йўқ.»

Изма-из келаётган бола унга чўчинқираб қарайди. Йўқ, тоғанинг маънос кайфиятидан асар ҳам қолмаган, одатдагидек, хушнуд ва хушхол эди. Бундан у энгил тортиб, челақ томонга ошқади. Дуч келган шишани қўлига олиб, тоғасига узатади. Тоға отасини мақтай-мақтай пиёлага ароқ қуяди. Аммо отаси мақтовга лоқайд, жуда зўр келса, ҳижолатомуз илжайиб қўя қолади...

Ҳозир тоғанинг кўнглига ҳеч нарса сиғмас — бор-йўғини бой берган одамдек шалвираб ўтирарди.

— Оббо, нодон-эй! — деди у ердан кўз узиб. — Шунча нарса... — Тоға ўтирган ерида оғир гуваранди. — Шундай имкониятни қўлдан чиқариб ўтирибсан-а! Одам деган бунчалик лапашанг бўлмайди-да, Саидвой!

— Билмадим-да, — Саид қулт ютуниб қўлидаги суратни ортига яширди. Кейин супа четига суяб қўйди.

— Билиш керак, жиян! Бу дунёда кўп нарсани билиш керак!

Ошхонадан чиққан эна яна гапга аралашмоқчи эди, тоға хушламади. Сўнг сигарет қолдиғини четга чертиб, ўрнидан кўзғолди. Машинаси томон юрди. Рулга ўтираётиб, кетдик, дея имлади. Сўнгра қўшиб қўйди: «Ҳеч бўлмаса, топган жойингни кўриб қўйлик. Уртоқларга ҳикоя қилиб юраман. Балким... айтиб бўладими... Юрақол, ношудгинам».

Улар кўҳна қишлоққа боришди. Тоғаси чўп билан кесаклар орасини ҳафсаласиз титкилай туриб, тасодифан битта танга топиб олди. Шундан кейин турқи-таровати бирдан ўзгариб, алланечук қалтираганча тупроқни икки қўллаб кавлаштиришга тушди. Пўрим энгил-боши чангга беланганига эътибор бермасди. Аммо минг қидирмасин, сопол бўлақларидан бошқа ҳеч вақо тополмади. У қўшни деворларни йиқитишдан ҳам эринмади...

Шомга яқин қишлоққа қайтишди.

Дарвозада уларни ота қаршилади. Тоға у билан руҳсизгина кўришди. Машина эшигини зарб билан ёпти. Сўнг супа четига чўкаётиб, челақдаги шишалардан бирини қўлига олди.

— Жиянни қилиғидан ич куйиб кетяпти-ку, — деди ўтирган жойида дастурхондаги пиёлага қўл чўзиб. — Эслаганим сайин ичим туз сепгандай ачишяпти.

— Эшитдим, Нусратвой, — деди ота бепарво. — Эгасига буюрмаган нарса сизга буюрармиди. Қўйинг, кўпам ич-этингизни еяверманг. Кўйлакни алиштиринг, расво кипсиз.

— Бизга буюрарди, почча! — Тоға пиёлани оғзига олиб бораркан, оғир уҳ тортди. — Ҳеч бўлмаса бир коримизга ярарди. Эсиз...

Шу дам эшикда одамлар кўриниб, уларнинг суҳбати бўлинди.

Саид томорқадан бузоғига ўт ўриб қайтганда, давра жамулжам эди. Кафтидаги тангани ёруққа солиб кўраётган Жовли чапани уни кўриши билан семиз сонига мушт туширди.

— Ай-а, лапашанг! Ай-й, нодон! Тилладан-ку қуруқ қопсан, ҳеч бўлмаса мошинди номерини эслаб қолмайсанми, а! Ким айтади сени ўғил бола деб! Қани, бери кел. Бир бошдан гапириб бер-чи.

— Нимасини гапирай, — Саид тайсаллаброқ супага яқинлашди.

— Кўрсанг танийсанми? — дея сўради Жовли чапани. — Қанақа одам эди ўзи?

— Сизга ўхшаброқ кетади, — деди бола юраги сиқилиб. — Фақат... соқоли бор.

— Айритомлик Собир соқол эмасмикин, а?

— Бе-е, Собирда машина нима қилади.

— Унда ким бўлиши мумкин?

Ўтирганлар таниш-билишларини эслаб, хийла тортишдилар. Бу орада танга қўлдан қўлга ўтиб, тоғасига етди.

— Уртоғидан сўрадингларми? — деди кимдир. — Балки у билар?

— Сўрадик, — деди тоға кафтидаги танга юзини бармоғи билан сийпалаб. — У ҳам ҳеч балони билмайди.

— Улай агар, ҳасаддан куйиб ўламан, — деди Жовли чапани ўтирган ерида ажаб-товур чайқалиб. — Бай-бай, бутун бошли хазина-я! Ҳай, боласи тушмагур-а! Узимди болам бўлганингдами, чин сўзим, бутингдан тутиб ерди кўзига ёпардим. Эсиз-эсиз, пулга чаксанг бир дунё нарса... Етти пуштинг ётиб еса адо бўлмасди-я...

— Ҳукумат едириб кўярди сенга, дарагини эшитиши билан... қоқиб олар.

— Билиб ўтирибдим.

— Уроқ чолдан қоқиб олди-ку.

— Гўллик қилган у.

— Гўллик қилмаган. Холёр ўғри бориб чаққан дейишади. Чолга азалдан хусумати бор эди.

— Холёр ўғри асли бўлмайдиган одам.

— Агар қарши бўлмасаларинг, менда бир таклиф бор, — деди Жовли чапани ярим чин, ярим ҳазил оҳангда. — Эртан қўлимизга биттадан бел тутиб, кўҳна қишлоқди бир бошдан титкилаб чиқсак-чи, а?

— Ола-а!

— Ўлдими, изласак, бирор нима учраб қолар ахир. Балки Самандарбойди кўммасини топармиз.

— Болалар топгани Самандарбойдики шекилли?

— Қайдам, Самандарбойдики катта хум бўлган. — Жовли чапани қулочини кенг ёзди. — Мана бундай.

— Кўргандай гапирасан-а.

— Эшитганимни айтяпман.

— Сизларга бир сир айтайми, — деди Салим дегани бетоқат типирчилаб. — Шу, кўҳна мачитти ёнида бир нима бор, ўтсам ҳам, қайтсам ҳам юрагим ёмон дукурлайди. Айтишади-ку тилла бор жойда... Мачитга кетмон кўтаришга одам боласининг ҳадди сиғмайди, дея Самандарбой тилласини ўша ерга кўмган чиқар.

— Мачит эмиш, ундан зўрларини яксон қип юборишди-ку.

— Мен илгарининг гапини айтяпман. Илгари одамлар мачитга ҳад қилишолмаган...

Нима, Эркиннинг экскаваторида ярим соатлик иш. Бир уриниб кўрмаймизми, а?

— Чоллар нақ пешонангдан отишади.

— Тўшунтирамиз.

— Тәгин Дониёр мулла хассаси билан уриб каллангни пўла қип қўймасин.

— Дониёр мулланг чепуха. Бир сўм кўрсатсанг, ўқиб турган намозини ташлаб чопадиган бир одам-да.

— Чоллар чатоқ, қўйишмайди барибир.

— Ҳукумат номидан кўрқитсак-чи, а? Лекин юрагим аниқ сезяпти, ўша ерда бир гап бор.

— Э, сомирдама<sup>1</sup> кўп, — дея гапни бўлди Жовли чапани. — Ҳеч бало йўқ у ерда. Юраги дукур-дукур қилармиш. Сенда юрак нима қилади. Асли юрагинг яримта сенинг. — У изза бўлган йигитга бошдан-оёқ назар ташлаб қўйиб, даврага юзланди. — Энди сизларга бир воқеани айтай. Гурунг-да буям. Манови юрагим дукурлайди деб, эсимга туширди. Лекин бўган воқеа. Грамм ёлғони йўқ. Шундай қилиб, тунов куни аммам ҳовлиқиб кеп қолди. Жовлижон болам, дейди, айвонда бир нима бор, ўтсам-қайтсам юрагим дук-дук қилади. Борсам, гапи рост... Шартта эшик-иликка қулф уриб, бисмилло дея қўлимга кетмонни олдим. Аввалига поччани ўхшатиб сўқдим, укағар, ўларкансан, хазна кўмган жойингни айтиб ўлмайсанми! Шўйтиб денг, гурса-гурса кет-

<sup>1</sup> Сомирдама — валдирама (шева)

мон ураман. Амманинг кўзи эшикда, биров кеп қомасин деб жони ҳалак. Қараб туриб ҳайрон қоламан, атворидан нарғи томоннинг ҳиди келиб қолган кампирга давлат чикора? Одамзод қизиқ-да, кўзи тўймайди. Хуллас, қазияпман. Тиқ этган товушдан дарак йўқ. Лекин оёғим остида бир нима бутун танимга титроқ беряпти. Шу ўртада бироз нафас ростладим. Кампир тушмагур нуқул шоширади. Жовлижон болам, бўлақол, ярми сеники, дейди. Йўқ, дэйман ҳазиллашиб, ҳазил кўнгилга сиққанини қара, ҳаммаси меники дейман. Бунга сари кампирди эси оғай дейди. Пичирлаб худодан менга инсоф тилайди. Мол-дунё ёмон экан, одамнинг ранги аллатовур бўлиб кетаркан... Шўйтиб, то кампир пичир-пичирини тугатгунча ярим қулочча ерни қазиб қўйдим. Тупроқни пайпаслаб кўриб, белни энди тиккалайига солай деганимда, худо мени бир асраб қолди. Қайтиб пайқадим, ҳалиям ақлим бовар қилмайди. Шўйтиб денг, белни тиккалай солаётиб, бундай қарасам, яшил бир нарса чўзилиб ётибди. Тутиб кўрсам, электр сими. Почча молхонага симни ердан олиб ўтган экан. Нам тегиб... Худо раҳматли сал бодирок эди, ўзича бир қилиқ қилган экан-да...

Даврада енгил кулги кўтарилди.

— Жовли, — деди кимдир. — Айт-чи, ростданам тилла топиб олсанг, нима қилардинг?

— Топганимдами?.. Айтсам, ичларинг куяди-да, — Жовли чапани, кўзларчи алланечук йилтиллаб, ўчоқ бошида куйманаётган аёллар томон қув назар солиб шипшиди. — Хотинди кўпайтирардим...

Яна кулги кўтарилди.

Шу дам эшикда Тўлаган овчи кўринди. Унга кўзи тушиши билан Саид ўзида йўқ қувониб кетди. Нимага десангиз Тўлаган овчи гурунговоз одам, латифаларини эшитиб тўймайсан. Аслида ҳам давраларга шунинг учун чақиршади.

Бола жойлашиброқ ўтираркан, жовли ўртасида бамайилхотир келаётган Тўлаган овчига илҳақлик билан тикилади. Мана энди ортиқча гап-сўзларга ўрин қолмайди. Тўлаган овчи бирпасда ҳаммани оғзига қаратиб олади. Аммо ҳали унғача... Аввалига у ёппасига салом беради-да, одатдагидек, пойгакка чўқади. Фотиҳага кўтарилган қўллар иягини сийпар-сийпамас, ароқ тўла пиёлани тутқазишди. Тўлаган овчи маҳтал қилишни ёмон кўради, қистов кутмай пиёлани бўшатди. Шундан сўнг кимдир тахминан бундай дейди: «Тўлаган ака, сиртлон бўри воқеасини бир гапириб беринг.» Тўлаган овчи ўз қадрини яхши билади, эшитмаган бўлиб, косадаги қатиққа нон ботиради, лагандаги гўштга қўл чўзади. Утирганлар илҳақ бўлган сайин луқмаси ширин туйилиб, ютишга ошиқмайди. Охири кимдир томоқ қиради: чўзмасангиз-чи. Уни бошқа биров қувватлайди. Тўлаган овчи ҳушёр тортади, негаки, бу ёғи хатарли, ноз қилмасангиз-чи, деб жеркиб беришлари мумкин. Кейин гурунгда маза қолмайди... У оғзидагини чалачулпа ютиб, и-и, нимасиниям айтай, худо энди бир асради-да, дея аста ҳикоясини бошлайди. Кўпчилик воқеани иккинчи бор эшитишига қарамай, жон қулоғи билан тинглайди. Нега десангиз, Тўлаган овчи гапни дўндиради. У бор жойда телевизор ўчирилади, ҳатто Тоҳир ашуланинг хонишлари ҳам кўпда қулоққа ёқавермайди...

Тўлаган овчи тоға билан кўришиб-сўрашиб, косагул йигитнинг қаватига чўқди. Узатилган пиёлани қўлига оларкан, бошқаларга-чи, деган маънода ияк қоққанди, косагул, штрафной, дея гапни калта қилди-да, тинмай чакак ураётган Жовли чапани томон ўгирилиб олди. Тўлаган овчи бу хил муомилага кўникмаган, оғринибгина пиёлани бўшатди-да, лаганга қўл чўзди. Чала пишган чандирни узоқ чайнади, чайнагани сари ҳайрати орта борди. Қизик, бирор кимса эътибор берай демайди, ҳикоя эшитиш умидида кўзлари чақнаб ўтирган болани демаса, ҳамма уни унутган. Гаши келиб, чойни хўриллатиб ичдиямки, биров қайрилиб қарамади. Шунда у беихтиёр гуруннга қулоқ тутди. Гап аллақандай хазинаю тилла тангалар ҳақида борарди. Аёлининг гапи эсига тушди, фалончиларнинг болалари фалон ердан тилла топишган экан, бегона бир одам қўлларидан қоқиб олибди.

...Тўлаган овчининг секин этак қоқиб туриб кетганини боладан бўлак кимса сезмади.

Кейин Холбой раис келди.

Алламаҳалда ҳамма ўрнидан қўзғолгач, Жовли чапани тоғани бир четга тортди.

— Боя айтсам бўлмасди... — деди. — Энди эшит. Тиллани ўмариб кетган анови нухсани тусмоллагандайман. У ё учкапалик Қарим чиллашир, ё бўлмаса, айритомлик Мамаражаб боди. Агар иккисидан бири бўлиб чиқмаса, калламни шартта кесиб ташлайман!

— Боя нега айтмадинг шуни?! — деди тоға ҳовлиқиб.

— Ҳамманинг олдида-я? Калланг ишлайдими ўзи сени!

— Тутақма, — Тоға унинг елкасидан тутди. — Кетдик. Эртага қолдириб бўлмайди бу ишни. Лекин... бўйнига олармикан, номард?!

— Ташвиш қилма. Сопини ўзидан чиқарамиз. Тегишли жойга хабар берамиз десак, қўрқанидан ҳам.... Бермай ҳам кўрсин-чи! Учдан икки қисми бизники. Биз инсофли одамлармиз, шундайми?

— Шундай-шундай.

— Бор, анави лапашанг жиянингни олиб чиқ.

Тоға болани ётган жойидан уйғотиб чиқди. Улар ортиқча шовурсиз Учқапага йўл тортдилар.

Карим чиллаширнинг ҳовлиси қишлоққа кираверишда, ўнг қўлда экан, дарвозанинг бемаҳалда тақиллашидан кўрқибми, шўрлик ҳовлиқиб чиқди.

Жовли чапани сўраша туриб, лабига сигарет қистириши билан тоға боланинг биқинига секин туртди.

— Мудрамай, яхшилаб қара, шуми?

— Йўқ, — Саид чирт ёқилган гугурт ёруғида бутунлай нотаниш одамни кўрди.

Тоға келишувга биноан қисқа сигнал берди. Жовли чапани йўлига сўраган машина қисмини топиб беролмаганидан хижолат тортиб турган мезбон шундагина машинада одам борлигини пайқади. Келиб сўрашди. Ичкарига таклиф этди. Улар кўнмагач, ўша нарсани эртаси кимдандир сўраб кўришини айтди.

Айритомгача беш-олти чақирим, бунинг устига, йўл нобоп эди. Саид пинакка кетди. Олтин васвасасига йўлиққан катталарнинг аламли хитоблари, қўпол сўкинишлари қулоғига кирмас, шу тобда уйқудан ўзгасини истамасди.

Машинанинг қаттиқ силкинишидан ўзига келганида, улар Айритомга етишганди. Бу ерда сигарет тутатишга ҳожат қолмади. Мамаражаб бодининг эшиги тепасида каттакон электр чироқ кўчага сутдек ёғду сочиб турарди.

— Йўқ, бу эмас, — деди бола соқолли амаки дарвозада пайдо бўлиши ҳамон.

Тоға кутириб, рул чамбарагига мушт туширди. Бола чўчиб, машина «дод»лаб юборди.

\* \* \*

Эртаси чошгоҳга яқин тўқайзорга келишди. Машинани жар тепасидаги қайрағоч тағида қолдиришиб, сўқмоқдан пастга энишди. Буталар оралаб, дарё бўйига чиқдилар. Чим устига кимдир эшагини тезаклатиб кетган экан, тоға уни тепиб сувга туширди.

— Шундай жойни расво қилишибди-я, — деди тўнғиллаб, қўлидаги оғир сумкани ерга кўяркан.

Саид қўлтиғидаги тўшакни ерга тўшади. Қумғонни сувга тўлдириб, тошўчоққа ўрнаштирди.

— Чой қочмас, — деди тоға, — олдин битта чалоб қил.

Бола оғир сумкани тўшак томон сургаб келди-да, ундаги нарсаларни бирин-сирин дастурхонга тера бошлади. Сумка тубидаги шишаларга қўл тегизмади. Катта сирли товоқдаги чаккидан озгина олиб сув бўйига борди. Тоғаси билан бу хил «дам олиш»ларга чиқавериб, чалоб тайёрлашнинг обдон ҳадисини олган эмасми, салда косани тўлдириб келди.

Бу орада тоға ечинган, қўлларини боши остига қўйганича кўкка термулиб ётарди. Кечаги воқеа таъсирданми, негадир машқи паст, салга зардаси қайнарди. У косани яримлатиб, қолганини болага узатди.

— Ич-да, нарсаларни сумкага жойлаб, сояга суриб қўй. Атторчининг молидай... жа-а ёйиб ташлабсан.

Бу орада жар устида одам қораси кўринди. Елкасида кетмон, кафтини пешонасига қўйганча улар томон тикилиб турарди.

— Тўлаган тоға! — деди бола шодланиб.

— Чақир, — деди тоға сал жонланиб. — Бир ҳангомалашайлик.

Саид қўлларини оғзига карнай қилиб, овоз берди.

Тўлаган овчи тўмирскиланиб сўқмоқ томон юрди. Кўп ўтмай қуруқ шох-шаббаларни шатур-шутур босиб, энгашган кўйи буталар орасидан чиқиб келди.

— Эҳ-хи, ётишлар зўр-ку, — деди у салом-алиқдан сўнг, кетмонни бир четга қўйиб.

— Келинг, — Тоға чордона қуриб ўтирди. — Қани, ечининг. Чўмиламиз.

— Ие, шусиз ҳам кунбўйи сувдамиз-ку...

Тоға унинг тердан оқарган кўйлагига кулимсираб қаради.

— Кўриниб турибди...

— Беш гектарга сув тараб журиб эдим, — Тўлаган овчи тўшак четига омонатгина чўқди. — Қарасам жарди бўйида бир мошин турибди. Холбойдики десам, туси бошқача...

— Нима, фермадан кетганмисиз? — дея унинг гапини бўлди тоға.

— Ҳа, ҳозир пахтадамиз, — Тўлаган овчи қўлига бежирим сигарет қутисини олди. Кўзларини қисиб мароқ билан томоша қилди. Кейин қизиқсиниб бирини лабига қистирди. — Эшқўзи ферма билан созимиз чиқмай қолди. Ўзинг биласан, вақт-бевақт овга чиқиб тураман. Эганг ўлгирни кайфи ёмон, бир тутса, ҳеч нима кўзга кўринмайди. Шу феълимиз маъқул келмабди унга. Бир гапириб қўймайди, икки гапириб қўймайди, худди... Машир кампирнинг хомгўжасига ўхшаб пирқиллагани-пирқиллаган. Бир куни жаҳлим ёмон чиқиб турган эди, и-и, энангди, деб соп қолдим жағига. Уккағарди болада жасад бўғанминан жон йўқакан, тўнтарилиб тушди. Ухшатиб бир-икки тепдим

сўгин... Шундан бери пахтадамиз. Пахта ёмонмас, қиш-қировли кунлари иш камчил, қочиб-писиб... ишқилиб, овга вақт топилади.

— Бўридан нечта бўлди бу йил?

— Иккита, — Тўлаган овчи ён-верини пайпаслаб гугурт қидирди. Унинг оғзига махлиё термулиб ўтирган Саид югуриб бориб ўчоқ бошидан гугурт олиб келди. У сигарет тутатди. — Жарариқда зўрини йиқитдим лекин...

— Шунга энди... қанча тўлашади?

— Нима «қанча?»

— Пулни айтаман, — Тоға бармоқларини бир-бирига ишқалади.

— И-и, пули гўр бўлармиди, — Тўлаган овчи сигаретни ёқтирмай, четга итқитди-да, чўнтагидан папирос олди. Узингдан озгина қўшмасанг, берган пулига битта тирриқ эчкиям кемайди. Заготконтурдагилар ёмо-он имонини ютишган, бешдан бирини бериб, кўзларини лўқ қилиб тураверишади. Талашсанг-тортишсанг, сағал қийишишади, йўғасам, шу уч-тўрт тангасиниям бергиси келмайди. Шунинг учун мен уларга бўрини топширмайман.

— Нима қиласиз унда?

— Нима қилардим, — Тўлаган овчи дастурхондаги нарсаларга ўғринча қараб қўйди. — Аввал-бошда, жондор келди, деб қишлоқни бир айланиб чиқаман. Биров тирноғидан олади, биров тилидан, биров тишидан, жунидан ҳам юлқишади. Бирпасда талаш бўп кетади. Одамларнинг ирим қип бергани етади менга. Жарариқда йиқитган бўримга беш юзлар тушди. Терисини Абу чўтирга пулладим. Аммо-лекин зўр жондор эди. Келбатидан одамнинг имони қирқ газ учарди. Ҳали бунақаси учрамаган. Шу бирда...

— Биттасига беш юз тушса, меҳнатингиз ерда қолмасакан. Тер тўкишга арзийди.

Бола тоғасига норози боқди. Бунча бесабр бу одам. Тўлаган ака энди ҳикоясини бошлай деганда, яна гапини бўлиб ўтирибди-я.

Ҳақиқатан ҳам Тўлаган овчи гапини бўлишларини ёқтирмайди, чалғийди. Ҳозир ҳам бўри воқеаси қолиб, бутунлай бошқа мавзуга ўтиб кетди:

— Мен сенга айтсам, Нусратвой иним, ов билан рўзғор тебратиб бўмайди. Ҳавас — бу. Кейин бошқаларни билмадим-у, лекин мен кўринган, дуч келган жондорни отавермайман. Жўртоқи овчилардан худо асрасин. Энағарлар, кўзига чалинган қорани отишади. Шунинг-чун, аввало овчида инсоф бўлиши керак, инсофи йўғи ўнг-сўлига қарамайди, эрта-индинни ўйламайди... Овда тартиб бўмаса қийин. Масалан, мен бирор жондорни кўз остимга олсам, аввал-бошда феъли-хуйини ўрганаман. Агар топганига қаноат қип юрган бўса, индамайман. Қўявер, ўздан кўпаяверсин дейман. Мабодо босар-тусарини билмай, учраган жонлиққа ҳамла қилаберса, отмай қўймайман. Шу бир куни десанг...

— Қани, юзта-юзта отамизми? — Тоға унинг гурунгини ёқтирмай, сувга ташлаб қўйилган шисалардан бирини қўлига олди.

— Шу иссиқда-я?

— Нима бўпти. Сувга бир калла ташласангиз, ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетасиз. Буни қаранг, гап билан бўлиб, қармоқни эсдан чиқарибмиз-ку.

Тоға қармоқни созлаб сувга ташлади-да, шишани очди. Кичкина, бежирим пиёлага ароқ қуйиб, Тўлаган овчига узатди.

— Қани, хоппа деб отиб юборинг.

— Эганг ўлгирди иссиқда кетиши қийин-да, кишини лоҳас қилади, — Тўлаган овчи пиёлани бўшатиб, папирос тутатди.

— Энди ечининг! — деди тоға буйруқомуз. — Кўзимга алламбалодай кўриняпсиз. Сув бўйида туриб... чўмилмаслик... давай, бўлинг!

Калласи қизидими ё ростданам чўмилгиси келдими, Тўлаган овчи ортиқ таранг қилиб турмай, қўйлак-шимини ечди, ёлғиз оқ сурп иштонда қолди.

— Ия, иштон билан чўмиласизми?

— Нима, буниям ечайми? — Ҳайратланди тўлаган овчи. — Иштонсиз... қандай бўларкин? Бўмайди, одам уялади-ей.

Тоға хохлаб кулди. Қорнини чангаллаб, ётволиб кулди. Тўлаган овчи, ҳай, шайтон, дея эҳтиёткорлик билан сувга тушди. Беўхшов қўл силтаб сузган бўлди. Тоға кулгисини базўр босиб, ўзига ароқ қўйди. Каттакон картошкани иккига бўлиб, бир бўлагини оғзига тикди. Лунжи тўла овқат, чойни тезлат, деган маънода ўчоқ томон ишора қилди.

Саид қумғон тагига ўт ёқиб келганида, Тўлаган овчи сувдан чиққан, тоғанинг таъбири билан айтганда, яна юзта отиб, кавшаниб ўтирарди.

— Сен нимага чўмилмайсан? — деди у болага қараб. — Чўмил. Эртан подада бу сувни соғиниб юрасан.

Подани эшитиб, боланинг ичи музлаб кетди, кўзи хира тортди. Оғзига олиб борган помидорни дастурхон четига қўйиб, чуқур хўрсинди. Дунёда энг ёмон кўргани шу пода. Ойда бир айланиб келадиган пода навбати кўнглининг бир четини доимо ғашлаб туради. Илгарилари бир нави эди, бобоси билан чиқарди подага. Бобоси гурунговоз одам, Тўлаган овчини гапга солишни яхши кўрарди. Ҳангомалашиб куни қандай ўтганини ҳам сезмай қолишарди... Тўлаган овчи энди гурунговоз бермайди, кап-катта одам болалар билан

пачакилашиб ўтирармиди. Қирга ёки Қоровултепага чиқиб олиб, белбоғини бошига ташлаб кечгача уйқуни уради. Шундай бўлса-да, ундан нолиб бўлмайди. Чунки қишлоқда фақат угина подани ҳалол боқади. Кўпчилик эса, подани бирор камарга қамайди — кун ўтса бўлди, қолгани билан иши йўқ. Тўлаган овчини экин-тикин маҳаллари ҳам ҳеч бир куч тўхтатиб қололмайди. Олим чиноқ билан сўкиша-сўкиша, янада аниқроғи, айтиша-айтиша, экин майдони ўртасидаги тор йўлакдан подани бир амаллаб лалмига ўтказди-да, қир бетига қўйиб юборади. Саидни бу бошда, ўғлини у бошда қолдириб, ўзи қирга чиқади. Аҳён-аҳёнда тепадан туриб овоз беради: «фалончи хо-ов, эчкилар экинга тушяпти, қайтар! Нима, бу ерга ўйнагани кеганмисан?! Тез-тез қимирла!» Бола ёлғиз қолгач зерикади. Назарида, офтоб бир жойда михланиб қолгандай туюлади.

Саид ҳозир шуларни хаёлидан ўтказаркан, қармоқ қимирлаганини пайқамай қолди. Бўйнигача сувга кўмилган тоға, торт-торт, деб бақиргандан сўнггина ҳуши ўзига келиб, қоқила-суқила қармоқ сари отилди. Силтаб тортди. Силтоб баробарида балиқнинг залворли кучини ҳис этди. Соп эглиб синай деди. Бир ярим қарич чамаси каттакон балиқ ҳаводаёқ қармоқдан чиқиб, чим устига тапиллаб тушди-да, биланглай бошлади. Саид қармоқни четга улоқтириб, балиққа ташланди. Аммо балиқ қўлидан сирғалиб сувга тушиб кетди.

— Эҳ, ландавур! — сувдан чиқиб келган тоға ургудек бир вазоҳатда унинг бошида тўхтади. — Шундай балиқни қўлдан чиқардинг-а! Намунча бўшангсан-а! Туф-эй, эшшак!

— Уришма, болани, — Тўлаган овчи нон чайнай туриб, пиёлага ароқ қуйиб узатди. — Ма, мановини ичиб ол. Кўкариб кетибсан.

— Урушмай бўладими! — Тоға баттар тутақди. — Ахир одам деган бунчалик лапашанг бўлмайди-да! Билмадим, кимга тортган бу! Ношуд! Ландавур! Шундай балиқ... Бунақаси ҳали ўзимгаям учрамаган. Сосанг айлантриб! Латта! Кечаги қилиғидан-ку... — у кўксига муштлади, — мана бу ерим ҳалиям қуйишади! Бугун тагин... э, анқаймай ўл!

— Етар энди! Бировди олдида болани буйтиб уришмайдилар, шахти синади, — Тўлаган овчи қўлидаги пиёлани, ичмасанг ичма, деган зардали бир ҳаракат билан дастурхон четига қўяркан, кейин бирдан тоғанинг балиқ баҳона кеча юрагида тўнғиб қолган аламини тўққётганини фаҳмлаб, насиҳатомуз деди: — Кўпам юрак-бовринг куявермасин, эгасига буюрмаган нарса-да. Агар жудаям тилласираб қолган бўсанг, Самандарбойдинг кўммасини излаб топ-да, билганингни қилабер, лекин бола бечорани буйтиб қийнама. Зўр бола бу. Одамди расмини ўхшатиб чизади. Сен эса нуқул турткилайсан. Бир кун кеп сендайин катта йигит бўп кетса, сўнг ўзинг уялиб юрасан.

— Топилганини эплаёлмаган, қолганини гўр қилармидик, — Тоға тўнғиллаб ерга чўқди. Кейин Тўлаган овчига синчков кўз ташлаб деди: — Тўғрисини айтсам, Самандарбойдан тилла қолганига кўпам ишонмайман. Бобой «ҳикоят», дегувчи эди. Яна ким билади, балки ҳақиқатдир. Кўҳна қишлоқнинг қайси бир бурчида ачиб-бижғиб ётгандир.

— Чинликка чин, — деди Тўлаган овчи жиддий. — Олим чиноқдинг ўз оғзидан эшитганман. Иковимиз жуда қалин, сирдош... чол мендан ҳеч нимани бекитмайди.

— Унда, хойнаҳой, қаерга кўмилганини ҳам биларсиз? — деди кинояомуз оҳанг-да тоға.

— Қизиқ гапни гапирдинг-ку сен, — Тўлаган овчи кулди. — Билсам, қўярмидим. Ё менда нафс йўқ деб ўйлайсанми? Нафс ҳаммада бор, сўфи эмасмиз... Лекин шу... мен бир нарсани аниқ биламан, хазна кўҳна қишлоққа кўмилмаган. Ё қирга кўмилган, ё ўрга. Бир гурунгда чиноқ бовоям шундай дегандай бўливи. Уккағарди чолини сирдош-пирдош дейман-у, лекин жойи кеса мендан ҳам кўп нарсани яширади. Фаҳмлаб юраман.

— Нега энди кўҳна қишлоқда эмас, деб ўйлайсиз?

— Нимага десанг, кўҳна қишлоқ кафтдек ер, ғайрат қилган одам бирда бўмаса, бирда албатта топади. Фаросатли одам бўган дейишади Самандарбойди, бунга ақли етган. Иннайкейин, қирдинг йўриғи бўлак — кенг жой, кенг майдон ўнқири кўп, экин-тикиндан ҳоли... бирор соз жойди топгану... Бечора, замон ўзгарар, Сибирдан қайтарман, деб ўйлаган-да, ўлишини билмаган-да. Сибирга етмаган, қозоқ даштидан чиқаришда ўрусларнинг бир шаҳри боракан, отини бир нимаям дейишувди, шунга етиб-етмай ўтган.

— Бола-чақа-чи?

— Бола-чақа бўмаган бойда... Шуйтиб десанг, Нусратвой иним, бир хум тилла қирдинг аллақайси бир бурчида ётибди... Овга чиққан кезларим учраб-пучраб қоларми деб ўрга-жарга қараб юраман. Учрамайди сабил. Лекин кўнглим сезади, хазна қирда.

Шу чоқ буталар орасида Холбой раис пайдо бўлди. Уни кўриб боланинг афти тиришди, ичида ўхшатиб сўқди. Лекин у ҳақда катталарга ҳеч нарса демади, қўлига тушган чўпни синдирганча, қаншари остидан ёмон тикилиб ўтираверди.

Катталар гап билан бўлиб, уни пайқашмади. Тоғанинг кўзи суҳбатдошида, фикри-ёди эса қирда — ўзи билган, кўрган ўнқир-чўнқирларни хаёлан бир-бир кезиб чиқмоқда эди. Қаерда бўлиши мумкин? Лекин Олим чиноқ ўлгудек галварс экан, шарпасини сездим, хиппа томоғидан олмайдим, топмаганига қўймайдими! Урнида мен бўлга-

нимда... Буни қарангки, бир пайтлар қирга чиқиб суратлар ишлаган экан-у, оёғи остида олам жаҳон хазина яшириниб ётганини хаёлига ҳам келтирмабди.

Тоға шу хаёл билан қир томонга ўгириларкан, соя кетиб, машинаси офтобда қолганини кўрди. Туришга эринди. Шунда кўзи буталар орасида илжайиб турган Холбой раисга тушди.

— Мушукдай пусиб туришинг нимаси? — деди пўнғиллаб.

Холбой раис илдам юриб, уларнинг ёнига келди.

— Ух-хў, маишат зўр-ку, — деди кулиб. Сўнг бир тоғага, бир Тўлаган овчига қараб туриб, қошларини норози чимирган бўлди. — Сен-ку бориб турган бекорчисан; хоҳла, кечгача ялпайиб ёт, хоҳла, бошқа иш қил, аммо манови одамни нега тутиб турибсан? У ёқда пахтани сув босиб ётсин, бу кишим эса бу ёқда ёнбошлаб... а?! — Тўлаган овчи хижолат тортиб ўрнидан қўзғолган эди, у кулимсираб елкасидан босди. — Утиринг энди бирпас. Гап бор.

— Улай агар, ҳеч раҳбар одамга ўхшамайсан-а, — деди тоға пиёлага ароқ қуйиб. — Раис деганлари сал салобатли бўлмайдими?

— Салобатли бўлиш учун, жўрам, сал бўлса-да савлат керак, жиндек қоринча ҳам ҳалақат бермасди. Начора, худо бизни у нарсалардан сиққан. Бўлган бўлдиғимиз шу. Хўш, яна эътирозлар борми?

— Ҳозирча йўқ, — Тоға қўлидаги пиёлани унга узатди.

— Ичмайман, иссиқда юрак ўйноғи қилади.

— Улмайсан. Тўлаган ака оптурганда, сен нимага ноз қиласан. Ол!

— Тўлаган акангди йўриғи бўлак, нари борса, бригадирдан гап эшитади. Мен райкомга ўтишим керак. Ҳиди анқиб турса, яхши бўмайди. — У шундай дея Тўлаган овчига ўгирди. — Дарвоқе, сиз дунё кезган одамсиз, чорвага яхши яйлов керак, қаерни тавсия қиласиз?

— Нима, Бешкентди дашти торлик қип қолдими?

— Бир ойга қолмай чанги чиқиб кетди-ку. Нима, яқин ўртада у томонларга ўтманмисиз?

— Қишмидики изғисам, — Тўлаган овчи дастурхондан бодринг олиб, иккига бўлди. — Айтганча, Бадахшон қирлари-чи? Яйловбоп ерлар. Лекин айритомликлар кўярмикан? Қўймасов. Раисини худодан қайтган одам дейишади. Улмас сорини уруғидан.

— У ёғидан хотиржам бўлинг, бир амаллаб тил топишармиз. Аммо у ерлар қўшни савхўз томонидан банд этилмидимикан? Чамамда савхўз ҳар йили қўйларини ўша томонга ҳайдайди. Шундай эмасми?

— Икки йилдан бери савхўз қўйларини тов ошириб, Тожикистон томонга ҳайдайди. Кўлди бўйига. Ут десанг тизза бўйи. Оқшом сувуқ ейди одам. Кийиклар ҳам учрайди. Ҳамиша баҳор... Шу бир йили десанг...

— Сиз, яхшиси, Бадахшон қирларидан гапиринг.

— Нимасини атай, тузук жой, — Тўлаган овчи қўлидаги бодрингни бирини тишлаб, бирини болага илинди. Бола олмагач, дастурхон четига қўйди. Оғзидагини тез-тез чайнаб, сўзида давом этди. — Лекин қорамолди чиқиши қийин — йўли чатоқ. Ушоқ мол бўса, бошқа гап. Яна ким билади. Агар подачи эпчилроқ бўса, эплаши мумкин.

— Шу ишни сиз ўз зиммангизга олмайсизми?

— Эшқўзи борақан, — Тўлаган овчи кескин бош чайқади, — фермангга оёғимни босмайман!

— Ҳай, жўнанг унда, — Холбой раис чехрасига жиддий тус берди. — Ароқни ичибсиз, овқатни урибсиз... энди боринг. Пахтани сувга бостирсангиз, нақ мендан кўрасиз. Борақолинг.

— Улфатимни ҳайдадинг, энди ўзинг ичасан, — деди тоға Тўлаган овчи кетгач, Холбой раиснинг билагидан тутиб ёнига ўтқазаркан. — Ичмасанг, оғзингдан қуяман.

— Бекор қиласан. Кечгача ўтирадиган одамсан, ўзингга керак бўлади ҳали.

— У ёғи билан ишинг бўлмасин.

Холбой раис билагидаги соатга кўз ташларкан, одатдагидек, осонгина рози бўлди.

— Майли, қўлинг қайтмасин. Шу баҳонада бир чўмилиб оламан. Ез ўрталабдики, ҳали сув бетини кўрганим йўқ.

Холбой пиёлани бўшатди-да, тезгина ечиниб, сувга тушди. Тезоб жойга боришга юраги бетламай, соҳил бўйлаб нари-бери сузган бўлди. Кейин қирғоққа чиқди.

— Ух-ух, сени билганинг-билган, — деди дийдираб. — Одамди жони киради-я. Қани, яна элликта қуй. Бир сафар бормасам, райкўм бова пишириб емас. Ҳамма ишимиз жойида, нима ҳам дерди, — У пиёлани қўлига оларкан, болага юзланди. — Сен бола, ҳадеб менга тикилавермай, тоғангди индийский чойидан битта дамлаб кел. Би-ир маза қилайлик. Чойдан кўпроқ сол, пичоқ билан кесадиган бўлсин.

— Ана бу бошқа гап, — деди тоға уни қувватлаб, ғамхўрона оҳангда. — Одам ишингина эмас, дам олмоқни ҳам билмоғи керак. Бурунларинг тагидан шундай сув пишқириб оқса-ю, санлар эгниларингни шўрлатиб юрсаларинг...

Боядан бери Холбой раисни жонсарак кузатиб ўтирган Саид бирдан ташвишга

тушиб қолди. Негаки, ўша ўзига таниш, ҳадсиз баҳсу мунозарага имо берувчи кинояли табассум Холбой раиснинг лаблари узра секин-аста қанот қоқмоқда эди.

— Ҳақ гап, — деди у хиёл эрмакловчи оҳангда. — Биз қишлоқилар жонди қадрини қаердан билайлик...

— Тағин пичингми?!

— Пичинги нимаси, гапди рости — шу, — Холбой раис кичикроқ гўшт бўлагини кўк пиёзга обдон ўраб-чирмаб оғзига тикди. Тоғани бошдан-оёқ кузатган кўйи узоқ чайнади. Сўнг хокисорона бир оҳангда яна гапда давом этди: — Яхши, бугун анча ўзингга кеп қолсан. Кеча аҳволингни кўриб... аламингдан ёрилиб ўласанми деб кўрқувдим. Ҳайтовур, ўзингни анча тутиб опсан...

Тоға кулди.

— Улмасак ҳам булайроқ бўлдик.

— Улма. Улишга арзимаёди у. Аммо-лекин думи қопқонга тушган жондордай ёмо-он тўлғандиларинг. Айниқса, Жовли... Сенам қолишмадинг. Четдан қараган одамга жуда кулгили кўринаркан.

— Тўлғанишга арзигулик-да... Эсласам, ҳалиям ич-этим бараварига тиришади.

— Ие, ўладиган жойда эмассан-ку, бунча ич-этингни емасанг, — Холбой раиснинг андак қовоғи уюлди. — Авваллари бундай эмасдинг-ку, а? Қачондан буён бундай... «Тирикчилик бандалари» деб яқин-яқингача устимиздан қулиб юрган сен эмасмидинг?! Мисолларинг ҳам зўр эди, фалон рассом ноёб кун кўрган, фалон одам сувдан қаноат топган... Бу қурмағурдан зўр одам чиқади-ёв деб юрибмиз, Сен эса расм чизишния ташлаб юбординг. Қайтамга Шавкат сарифнинг ули дуруст чикди. Тунов куни телевизордан ҳам кўрсатишди.

— Одилми? Одил рассом эмас, ғирт халтурачи! Бу ҳам майли, ўтакетган ялтоқи!.. — Тоғанинг кейинги гаплари сўкишга айланиб кетди.

— Тан олма, — Холбой раиснинг энсаси қотди. — Тан олсанг отдан тушиб қоласан. Ахир ўзинг ўшанчаям бўлмадинг-ку. Чориғингни судраб ярим йўлда қолиб кетдинг-ку.

— Нимасини тан олишим керак, ўн-ўн бешта фотонусха суратиними ё эркак кишига хос бўлмаган ялтоқлигиними? Айт, қайси бирини тан олай?! Думи бўлмаса ҳар қандай тешикка кириб кетадиган тулки-ку, у! Ҳали иягига мўй битмай, уйли бўлди, устахонали ҳам. Чунки кимга қандай мулозимат қилишни билади. Керак бўлса, тувак тутиб, тувак тозалашдан ор қилмайди. Ундан юз чандон истевдодли йигитлар эса лаш-лушини орқалаб, ижарама-ижара сарсону саргардон юрибди.

— У нарсалар... сендаям бор шекилли? — Холбой раис ҳайрон бўлди. — Хўш, бунинг нимаси ёмон? Опти, қандини урсин.

— Бу нарсаларга мен унга ўхшаб бировларнинг кетини ҳидлаб эришганим йўқ. Бу — бир. Иккинчидан эса, икки хонали квартирамни уй сонига қўшаётган бўлсанг, қаттиқ адашасан. — Тоға аччиқ кулимсиради. — Уй эмас, катак. Торлигидан хотин билан кунора қирпичоқ бўлиб турамыз. Бу нарса ёлғиз худога аён, бандасига эса сир бермасликка тиришамиз. Устахонага келсак, ҳали-вери пешонага битмаса керак. Агар машинани назарда тутаятган бўлсанг, кимнинг пулига келганини ўзинг яхши биласан. Бобой хизмат қилмаганда, ким билади, ҳануз яёв юрган бўлармидик.

Бу гаплар Саид учун янгилик эди. Шу боис энди кўраётгандек, тоғага ҳайрон термулиб қолди. Шу дамгача тоғаси ҳар нарсага қодир кўринарди. Лаҳзада у одатдагидан бироз кичрайгандек туюлди.

— Ҳай, ғийбатга чек кўяйлик, — Холбой раис жойлашиброқ ўтираркан, болага имо қилди. — Бунақада жиянбойди кўзини очиб юборамиз.

— Ташвиш қилма, менинг қудуғим бу, — Тоға унинг бошини силаб қўйди. — Ториққан кезларим кўнглимдагини шунга тўкаман. Тушунмаса-да, тушунгандек бўлиб тураверди кўзларини пирпиратиб. Лекин расм чизишни ташласа яхши бўларди. Одамлар гумроҳ, ижодкорнинг қадрига етишмайди. Умри азобда ўтади.

— Демак, сен азобга чидаёлмабсан-да?

— Қайси азобни назарда тутяпсан?

— Эй, азобнинг ҳам тури бўладими?

— Эмсам-чи.

— Ундай бўлса, сени ижоддан бездирган азобни назарда тутяпман. Ўзи анчадан бери сўрайман деб, ҳеч маврудини тополмай юрувдим. Мана, ўзинг гап очиб қолдинг.

Тоға жавоб беришга ошиқмади. Пиёладаги совуқ чойни сепиб ташлаб, ўзига ароқ қўйди. Кичикроқ помидорни бўлаклаб, туз сепди. Бодринг ва кўк пиёзни ҳам шу хилда саралади. Ва шундан сўнгина пиёлани қўлига олди.

— Қойил, ичишниям қотирасан, ейишниям, — Холбой раис ҳаваси келиб бош чайқади. Кейин ўзи ҳам унга таассуф қилиб, емишларни танлай бошлади. — Қилиғингни кўриб, мениям ичким кеп кетди. Озроқ қуй-чи.

Тоға, лунжи тўла овқат, пиёлани яримлатиб ароқ қуяркан, қармоқ томон ўгирилди.

— Бугун негадир балиқнинг мазаси йўқ. Қулинг ўргилсин шўрва пишириб бермоқчи эдим сенга.

— Балиқ шўрва ичмай юрибмизми, жўра.



— Бу галгиси бошқача. Рецети янги. Бир белорус оғайнимдан ўрганиб келганман.  
— Ҳаммаси ўзбекди овқатидан ўтаверсин, — Холбой раис дастурхон четида турган соатга кўз қирини ташлаб, муддаога кўчди. — Сен кўп гапни опқочмай, азобдан гапир.  
— Тутган жойингни қўймайсан-а!  
— Нега қўярканман. Балки ёрдамим керакдир. Кичкина одам эмасмиз ахир. Очқ айтавер. Дўстингга айтмасанг, кимга айтасан.

Тоғанинг чехрасига эрмакловчи табассум қалқиди.

— Мана сен Одил ялламани мақтадинг, — деди бир оздан сўнг. — Индамасам, кечгача таъриф тавсиф этишдан тоймасдинг. Чунки у телевизордан чиқди. Ҳамқишлоғинг, ғурурланишинг тайин. Бир жиҳатдан бу феълинг яхши. Биров учун қувонишу ғурурланиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин энг ёмони, унинг ижоди ҳақида зиғирча тасаввурга эга эмассан. Билмайсан. Билишга ҳаракат ҳам қилмайсан. Нима чизяпти, қандай чизяпти, масаланинг бу томони билан мутлақо ишинг йўқ. Ё биласанми?

— Қайдам, — Холбой раис елка қисди. — Яхши бўлса керак. Ахир бекорга телевизорда кўрсатишмайди-ку.

— Демак, зўр?

— Албатта, — деди Холбой раис иккиланиброқ. — Акс ҳолда... Мана сени кўрсатишмаяпти-ку. Демак...

— Энди гапни мендан эшит, — Тоға гавдасини олдинга ташлаб, дўстининг кўзларига қаттиқ тикилди. — Уша мақтаган одамнинг ғирт... — У керакли сўзни тополмай бармоқларини ўйнатди. Бармоқларини ўйната-ўйната яна асл ҳолатига қайтди, қаддини ростлади. — Ишларидан нуқул шиор ҳиди келади... Шамолнинг қайси томондан эсишига қараб муқом қилади...

— Сен азобдан гапир. Одил яллама... — Холбой раис кулиб юборди. — Лекин зўр лақаб топдинг. Калланг ишлайди сени. Уша ялламанг нимани чизади, қандай чизади, шахсан менга ҳеч қизиғи йўқ. Нима дардинг бор? Мана шундан гапир.

— Ҳа, баракалла, ҳамма гап мана шунда-да. Сенга ҳеч ниманинг қизиғи йўқ. Ким нима чизади, қандай дард оғушида ўртанади. Сен учун бари копейка. Агар билсанг, айни шу нарса мени азобга солади, ижоддан кўнглимни совутади...

— Эби, қип-қизил тўхматчи экансан-ку, — ҳайратдан Холбой раиснинг қошлари керилди. — Нима, биз учун чизасанми? Нимаики қилсанг, ўзинг учун... Иддаонг нимаси?

— Рассом ўзи учун чизайди, калла! — Тоғанинг жаҳли қўзиб кетди. — Кўнглидагини элга айтиш мақсадида кунни тунга улайди. Агар халқи уни тушунмаса, тушунишни истамаса, қалби ўртанади, куйиб-ёнишимдан нима фойда, дея ич-этини ейди. Мана сен ҳар йили шаҳарга бир неча марта борасан, хўш, бирор сафар музейга ёки бирор кўрғазмага кирдингми?

— Гарданда шунча иш, музейга қўл тегадими, жўра.

— Ресторанга вақт топасан-ку.

— Ҳа, энди... дам ҳам олиш керак-ку.

— Ресторанда одам дам оларканми?

— Шовкин-суронини демаса, бинойи жой. Айниқса, қаватингда биттаси бўлса...

— Ҳаётнинг мазмуни сен учун шу. Шундайми?

— Сен бу ерга кулиб, сувди бўйида баҳра олгандек, биз ҳам у ёқда... — Холбой раис болага қараб қўйиб, сирли илжайди, — ўзимизди димоғимизни чоғ қип юрамиз-да.

— Мен бу ерга фақат баҳра олгани келмайман, ўйлагани, фикр қилгани келаман.

— Нимани ўйлайсан?

— Ўйлайдиган нарса камми? Масалан, сенинг нодонлигингни ўйлайман. Сенга ўхшаганларнинг ниҳоятда кўплигини ўйлайман. Уртамиздаги улкан деворнинг ғоят муштақамлигини ўйлайман. Қисқаси, ўйлайдиган нарса кўп, жуда кўп...

— Қанақа деворни айтяпсан?

— Халқ билан бизнинг ўртамиздаги деворни айтяпман. Бир тўдамиз улкан шаҳарнинг турли қавакларида ўзимизча нималар биландир бандмиқ. Чизаётган нарсаларимизни эса бир ҳовуч одамдан бошқаси тушунмайди. Тушунмоқ у ёқда турсин, лоақал қайрилиб қарашмайди. Ҳатто чет элда шўҳрат топган расмларимизни ҳам бу ерда биров бир тийинга олмайди. Биз аҳмоқ эса кўрғазмалар ташкил қиламиз. Ўзимизча томошабинга нимадир бермоқчи бўламиз. Халқ эса лоқайд... Районда уюштирган кўрғазмамга неча киши кирганини биласанми?

— Қайдам. Лекин биз бир машина бўлиб борганмиқ. Ўзим бошлаб борганман. Биринчи кунийёқ.

— Чунки очилиш маросимига бағишланган қуюқ зиёфати бор эди-да. Кўпчилик шуни деб борган. Айниқса, Жовли чапанига ўхшаганлар.

— Ҳа, бундай нарсаларга унинг суяғи йўқ, — Холбой раис бу хил суҳбатга чек қўйиш мақсадида гапни четга буришга чоғланди. — Айтганча, кўрғазманга қарши турган Берднёров бор-ку, секретарь. Уша яқинда областга кўтарилди кетди, маданият бошқармасига бошлиқ бўлиб.

— Қўй яна бўрига топширилибди-да.

— Ушанда ўзинг ҳам ўжарлик қип туриб олдинг-да. Бор-йўғи уч-тўрт расмингга қарши чикувди. Хўп десанг, шунча гап-сўз ҳам бўлмасди. Керак бўлса, одам ҳам уюштириб берарди...

— Ўша ишларим ҳозир чет элда...

— У-ў!

— Лекин бундан нима фойда, сизлар тушунмаганларингдан кейин?

— Қайси ишларинг эди? Эслаёлмай турибман.

— Жовлининг гапини эсла.

— Унинг қайси бир гапини эслайман.

— Зап кўчқор эканми? Оёқларини кулликлаб, сўйишга ҳам тайёрлаб кўйибсан. Бир пичоқ тортсанг бўлди, қозон-товоғинг гўштга тўлади, дегани-чи.

— Эшиқдан қираверишдаги каттакон расм эмасмиди?

— Ҳа, балли!

— Ўшанинг нимаси зўр экан? — деди Холбой раис елка учириб. — Очиғи, мен ҳеч нарса тушунмаганман.

— Сизларнинг рамзий ифодаларинг... — тоға ер остидан унга қаттиқ тикилди. — Лекин Бердиёров сизларга қараганда хийла дидли экан, ўша маънони тез илғади. Илғани учун ҳам оёқ тираб туриб олди.

— Бундан чиқди, биз калтафаҳм эканмиз-да, а?!

Тоға индамади. Шишани кўлига олиб, бир муддат ўйланиб турдида, ичасанми, деган маънода шеритига қаради. Йўқ, ишорасидан сўнг пиёлани яримлатиб ароқ қуйди. Лекин ичишга ошиқмади. Имиллаган кўйи помидор танлай бошлади. То Холбой раис ҳовурдан тушмагунча шу хил ишлар билан андармон бўлди.

— Дид биздаям бор, — деди ниҳоят Холбой раис ўпкаланган оҳангда. — Идорам қаршисидаги ҳайкални кўрдингми? Шахсий заказ. Сенинг тилинг билан айтганда, ҳақиқий санъат.

Тоға унга ачингансимон тикилди.

— Тобут кўтарган тўрт солдат... — деди гўдраниб. — Бундан ортиқ дидсизлик бўлмаса керак.

— Бекор айтибсан! — деди Холбой раис чўрт кесиб. — Михдай нарса!

— Ижрочиси қаёқдаги дордан қочган ҳайкалтарошлардир-да?

— Нега энди, армани ўртоқлар.

— Халтувачилар! Қанча тўладинг?

Раиснинг жавобидан тоға чўзиб ҳуштак чалиб юборди.

— Эсиз, — деди бошини сарак-сарак қилиб. — Шу пулни ўзимизнинг болалардан бирига берганингда, савобга қолардинг.

— Улардан қарзим йўқ менинг, — тўрсайди раис.

— Миямда анчадан бери бир фикр айланиб юради, — деди тоға бир муддат жимликдан сўнг. — Мана сен бақувват хўжаликнинг раҳбарисан. Истеъдодли бирор бир юпун рассомни оталиққа олсанг бўлмайдими? Шу йўл билан балки ўзбек тасвирий санъатининг ривожига ҳисса қўшармидинг. Талантга ҳомий бўлиш хўп яхши иш-да.

— Халқнинг пулини сочишга ҳаққим йўқ.

— Халтувачиларга берибсан-ку.

— Улар меҳнат қилишди.

— Бу ҳам қараб турмасди.

— Аслида ўша ҳайкалга унчалик ҳушим йўқ эди, — деди Холбой раис. — Чоллар сўрашгач, йўқ деёлмадим. «Қизил юлдуз»ди раиси ҳайкал кўйдирдию бизди чоллардики ҳам хуриллаб қолди. Урушда шаҳид кетган жўраларга хотира бўлсин деб қўйишмади.

— Темнота!

— Ўзинг темнота! — Холбой раиснинг чинакамига жаҳли чиқди. — Сен, жўра, кўпам ўзингга бино кўяверма! Кеча кўрдик ҳолингни! Ҳазна деб шайтонлаб қолишингга озгина қолди. Тағин кишиларга баҳо берасан-а!

— Билмасдан тўн бичма. Ҳазинадан мақсадим нималигини билганингда бундай демасдинг.

— Бойиш-да. Яна қандай мақсадинг бўларди?

— Бир ҳисобда гапинг тўғри, — деди тоға жиндек паст тушиб, — Тирикчилик ташвишларидан сал қутулиб, тинчгина ижод қилмоқчи эдим. Қолаверса, қўл учиде зўрға кунини кўриб юрган укалар бор. Ғоят истеъдодли йигитлар. Ушаларга кўмаклашмоқчи эдим.

— Шунчалик пулга муҳтож экансан, отангдан қолган молларни сот. Уларга қарайман деб поччанг бечоранинг ийиғи чиқиб кетди-ку.

— Улардан наф йўқ. Сотган тақдиримда нари борса, бир халта пул бўлади. Менга эса бир қоп керак. Иккинчидан, у жонворларни жиянга атаб қўйганман, — у шундай дея болага ялт этиб қаради. — Бу гапларни тағин отангга айтиб юрма. Хафа бўлиши мумкин.

— Майли, хазинани қўлга киритдинг ҳам дейлик. Хўш, кейин уни қаерда пулардинг?

— Шаҳарда нима кўп, учар кўп, биттасига секин...

— Шу гапларинг ростми энди?

— Биласан, ҳазилга унча тобим йўқ.

— Қийналиб кетибсан, — Холбой раис ошкора ачиниш билан унга тикилди. — Шунчалик қийин экан, нима қилардинг шу йўлга кириб, а?

Тоға зарда билан қўл силтади.

— Ҳаммасига сен айбдорсан.

Тоғанинг иддаосида жон бор. У нозиктаб дўстлари таъсирида манзарадан безиб, рамзий маъноли расмларга ружу қўйди ҳам. Аммо кейинчалик машъум бир ҳақиқатни фавқулодда англаб қолди, тасвирдаги рамзий ифодани ўзига ўхшаш маълум бир тоифадаги одамларгина илгамаса, бошқалар сезмас экан. Айниқса буни ўз кўргазмаси пайтида яққол ҳис этди. Ушандаги баъзи суҳбатларни эсласа, ҳануз эти жунжикади.

Жовли чапанининг тайин-бетайин гапларидан энсаси қотиб, суратлари қаршисидан соямисол сирғалиб ўтаётган сийрак томошабинларнинг ҳатти-ҳаракатларини синчков кузатиб ўтирганда, қаршисига баҳайбат бир одам келиб тўхтади.

— Жиянбой, тузуккина юрибсизми? — дея паншахадек қўлини узатиб, узоқ ҳолаҳвол сўради. Нусратнинг бегонасираб турганини пайқағач, ўзини таништирди. — Ота томондан узоқроқ қариндошинг бўламан. Ҳов бизди бригадага бориб, янгангни суратини ишлагансан-ку, эсладингми? Уйга ҳам кирмабсан, айби йўқ, сен бизди танимайсан. Бобой ўлдию отангни оёғи тортилиб қолди. Шаҳар борганда, кирай десам, уйингди билмайман. Бу ерда қўл ишдан бўшамайди. Бугун бозорга тушувдим. Бизди ерларда эртаги картишка яхши битади. Майдароғ-у, лекин таъми ширин. Шу десанг, картишка сотиб турсам, ҳамсоямни ули бориб қолди, ўпкасини қўлтиқлаб. Фалон ерда янгани суратини кўрдим, сураткаш ўзимизданакан, деди. Картишкани сотасолиб бу ёққа чопганим. — Эркак шу гапларни айта туриб, залдаги расмларга кўз югуртириб чиқди-да, ўртароқдаги расмга ишора қилди. — Анови сурат. Худди ўзи. Вей, уккагарди хотини-ей, тарвайиб ўтиришини қара. Узи кўрса, тоза суюнарди лекин.

Тоға унга эргашиб, расм қаршисига келди. Қизиқсинган икки-уч томошабин ҳам уларга қўшилди.

— Худди ўзи! — дея таъкидларди эркак, оғзи қулоғига етиб. — Юрт сўраб турган бойвуччага ўхшаб ўтиришини қара буни! Элбек носфурушни қизи-да, худо гавдадан берган. Лекин расмга янаям катта тушибди. Бай-бай, худди тириқдай.

Тасвирдаги манзара у эътироф қилганга сира ўхшамасди. Эркакчасига чордона қуриб ўтирган хўппасемиз аёлниинг кўзларидаги лоқайдлик расмининг асосини ташкил этган бўлиб, ранги унққан чорсидаги нон бурдалари, пиёладаги чойнинг заъфарон кўриниши бу маънони янада бўрттириб кўрсатарди. Орқа томондаги сўник дала кўриниши билан аёл ҳолати ўртасида қандайдир ҳамоҳанглик мавжуд эди.

— Бирор нима тушунапсизми ўзи? — деб сўради тоға эркакка синчков тикилиб.

— Нимасини тушунай? — Эркак расмга бошдан-оёқ кўз югуртирди. — Хотиним абад қип ўтирибди. Лекин битта хатога йўл қўйибсан. Тарвузди чизмабсан. Хотиним тарвузди яхши кўради. Тарвузди сувида нон ботириб ургани-урган.

— Шундан бошқа нарса кўрмаяпсизми?

— Яна нимаси бор экан, — эркак бир одим тисарилиб, унга диққат билан назар солди. — Шу... бурнини сал каттароқ чизибсанми дейман. Йўқ, жойида. Узи буларнинг уруғ-аймоғи билан ҳаммаси бурундор. Укасини кўрмабсан, бурни нақ муштдай келади. Танисанг керак, Салой бурунни? Кўпкарини уйини куйдиради.

Тоға индамай рамка четдаги ёзувга имо қилди. Ҳалиги киши лавҳага кўз ташлаб, овоз чиқариб ўқиди:

— «Менинг оғриқларим»...

— Энди тушунгандирсиз? — деб сўради тоға бесабр бир қиёфада.

— Нима деганинг бу? — у лавҳадан кўз узиб, тоғага ҳайрон боқди. — Тушунмадим.

Тоға ғаши келганини яширмай, юзини терс ўгирганди, у енгидан тортди.

— Тушунтир бундай. Нима деганинг бу? Кўнгилга ҳар хил гап келиши мумкин.

Нимага буйтиб ёзиб қўйдинг, а?

Тоға юрагининг тубидан кўпчиб келаётган ғазабини базўр жиловлаб, оддийроқ тушунтиришга ҳаракат қилди.

— Янга илгариям мана шунақа... хомсемиз эдимми?

— Йўқ, хипчагина эди. Қизлигида мўрчамиён деб кўп жонига тегардим. Кейин семирди.

— Нимадан деб ўйлайсиз?

— Ҳа, энди, бола-чақалик бўлгандан кейин семирмай қаёққа боради? Семиради-да.

— Бунга бола-чақанинг аҳамияти йўқ, — Тоға кескин бош чайқади. — Янгам нондан семирган. Кунни нонга қолган одам мана шу тарзда шишади, семиради. Хомсемизлик бу.

— Қўйсанг-чи, нонданам киши семирадими? Бўлмағур гап.

— Энди, бу менинг фикрим. Қишлоқ аҳлининг қашшоқлигини образли ифода этдим, холос. Ким қандай тушунса — тушунаверсин.

— Лекин расми зўр чиқибди, — деди қариндоши энди унинг гапига ортиқ эътибор

бермай. — Худди ўзи-я. Берсанг, уйди тўрига осиб қўярдим. Келган-кетганини ичи куйиб ўларди. Ҳали бизди қишлоқда биров расмини буйтиб ишлатмаган. Тога зўр бўларди-да.

Алам ва ғазабдан тоғанинг афти қийшайиб кетди. Ёнида қаққайиб турган новча, қотма йигитга ўгирилиб сўради:

— Сизам шу фикрдамисиз?

— Ҳақиқатан ҳам худди тирикдай чиққан, — деди йигит. — Отамди расмини чиздиришим керак экан сизга. Қанчага чизиб берасиз? Мановунгиз қанча туради?

— Ҳеч қанча! — деди тоға зарда билан. — Шу дамгача жуда қимматли эди. Энди копейка!... Олиб кетаверинг.

— Йўғ-эй, — деди қариндоши қувончини базўр яшириб. — Қуруққа олсак, уят бўлар. Пулини айт. Қиммат айтсанг, савдолашамиз. Аммо сендан зўр... нима эди... эсдалик бўлиб қолади-да. Айтақол. Наридан борса, ярим қоп картишканинг пули бўлар. Айт, қанча?

— Ҳеч қанча! — Тоға жаҳл ила суратни миҳдан бўшатди-да, унинг қўлига тутқазди. Кейин ўзи ташқарига қараб юрди.

Уша қуни у қайтиб кўргазмага кирмади. Орадан икки ҳафта ўтгач расмларини йиғиштириб, омбортомга тиқиб ташлади. Баъзиларининггина ўзи билан олиб кетди.

Шундан бери қарахт — ишлаб ишлолмайди, ташлаб ташлолмайди.

...Катталарнинг гурунгида бола зерикди. Урнидан кўзғалиб, буталар оралаб кетди. Суғиринини топиб чоптирди. Суғирининг қочиб чиқишини кутиб бирпас турди. Чиқавермагач, изига қайтиб, челақни қўлига олди. Олти челақ сувдан сўнг, бериги тешик қолиб, нариги тешикдан икки суғир отилиб чиқиб, чийиллашганча буталар оралаб қочди. Бола қўлидаги челақни даранглатганча уларни қува кетди. Бута шохига чирмашиб ётган илонга дуч келмагунча тинчимайди. Кейин ранг-қути ўчиб, изига қайтди. Илон ҳақида катталарга айтмоқчи эди, улар эътибор беришмади. Тўғрироғи, эътибор берадиган ҳолатда эмасдилар — қизаришиб-бўзаришиб, бир-бирига гап нуқиш билан овора эдилар.

— Дунёнинг ташвиши фақат сенинг бошингда қолгани йўқ, — дерди Холбой раис. — Кўнгилини ғашлайдиган ҳолатлар биздаям тўлиб-тошиб ётибди. Айниқса, ҳозирги ёшлар одамди қон қип юборади. Қўлида диплом, иш бер, деб келишади. Иш берасанам. Шу билан тамом — ойликни олиб, ўринни банд қип юраверади. Изланиш йўқ, куйиниш йўқ... ўзиям, онгиям қарахт. — У кўкрагига нуқиди. — Мана бу ерида ўт йўқ. Ўзинг айт, бунақалар билан тирикчилик қилиб бўладими? Бўмайди. Утган киш биттасини бригадирликдан олиб ташладим. Отаси келиб қилди тўполонди, қилди тўполонди, на гапга кўнади, на дўққа. Оппоқ соқолини пеш қиғ туриб олибди. Охири ўғлини сабзавотчилик бригадасига ўтказиб тинчидим. Унисини эпламаган, бунисини эплармиди.

Қармоқ эсига тушиб, тоға сув бўйига ошиқди. Балиқ хўракни еб кетган экан, қармоққа қайта чувалчанг жойлади.

— Бугун негадир овим юришмаяпти, — деди тўнғиллаб. — Валақлайвериб балиқларни ҳам чўчитиб юбординг.

— Ҳай, унда мен кетдим, — Холбой раис ўрнидан кўзғалди. — Эрталаб тайёр бўлиб тур. Менинг машинада кетамиз. Аммо-лекин тоғликлар тўйни зўр қилади.

У бу сафар тинч хайрлашганидан бола ҳайрон қолди.

\* \* \*

Кечга томон Жовли чапани ҳовлиқиб келганида, тоға бўзғигача сувга кўмилиб ўтирарди. Уни кўриб, апил-тапил соҳилга чиқди.

— Нима гап?

— Отлан! — деди Жовли чапани шошириб. — Дарагини топдим. Ўсар кал экан. Учқапалик. Имилламай бўлақол!

Учкапани эшитиб, бола севиниб кетди. Тоға катаяса қиларканман, дея тоғаси айтмас-да, нарсаларни йиғиштира бошлади. Шиша тубида озгина ичимлик қолган экан, четга улоқтираётган эди, Жовли қўлидан юлқиб олди.

— Қайтиб келиб, чинакамига ювамиз. Бўптими? — деди тоғага.

— Қайдан била қолдинг? — деди тоға ҳануз ишонгиси келмай. — Балки топшириб юборгандир?

— Топширса гап бўлиб кетарди-ку. — Кейин болага юзланди. — Машинаси сариқ эдимми? — тасдиқ ишорасини олгач, турган жойида ирғишлаб қўйди. — Айтмадимми! — Кечагидай... — дея чайналди тоға.

— Йўқ, бу сафар тўчна... Бу атрофнинг одамларини беш қўлда биламан. Ушандан бошқа ит ҳам эмас. Озгина ошначилиги бор... Ароғини ичиб, тилласини олиб келамиз. Ўзи гавдаси ҳўкиздай бўлгани билан ўлгудек кўрқоқ.

Тоғанинг кайфияти баланд, бир гапириб ўн кулади. Машинани шамол тезлигида елдириб борарди, лалмига чиққачгина, тезликни сал пасайтирди.

Бола уфқда бош қўйган қуёш нурида ажиб бир тусга кирган қирларни томоша

қилиб бораётган бўлса-да, ҳаяжони уларниқидан кам эмасди. Ҳусар кал кечаги одам бўлиб чиқишини ич-ичидан истарди.

Ҳусар калнинг ҳовлиси муъолишда экан, дарвоза олдида турган машинани Саид узокдан таниди.

— Шу-шу! — деди ўтирган жойида ирғишлаб.

Катталарнинг оғзи қулоғига етди. Тоға азбаройи ҳовлиққанидан, йўл четида кетаётган кампирни туртиб юборишига оз қолди.

Эшиқда уларни қорачадан келган, пакана бир йигит қаршилади.

— Ҳусар қани? — деди Жовли чапани алик олишни ҳам унутиб. — Чақир бу ёққа!

— Боясароқ гузарга тушиб кетувди, — деди йигит. — Ҳадемай кеп қолади. Қани, уйга тортингизлар.

Улар ҳовли юзидаги супага чиқиб ўтирдилар. Қора йигит пилдираганча хизматга киришди. Дастурхон ёзди, қанд-қурс, чой олиб келди. Лекин улар дастурхонга қарамас, кўзлари эшиқда эди.

— Оббо, писмиғ-эй, ҳаммасини ҳазм қиламан деб ўйлабсан-да, — деди Жовли чапани ғудраниб. — Еб бўпсан!..

Қора йигит бир коса аччиқ-чучук билан сочиққа ўралган шиша кўтариб келганида, Жовли чапани чапак чалиб юборди.

— Опке, бугун отадиған кунимиз...

— Гап бўлиши мумкин эмас, ака, — деди йигит хушқоллик билан. — Озиб-ёзиб бир кепсиз... Норкулди тўйига кеп-кетганингиздан бери бирон марта қорангизни кўрсатмадингиз. Ошна деган, қариндош деган бундай бўлмайди-да энди.

— Худди ўзларинг борди-келдини қойиллатгандай...

Қора йигит хижолат тортиб ерга қаради. Худди шу дам эшиқда Ҳусар кал кўринди. Ҳамма унга қаради. Боланинг авзойи бузилди. Ҳусал кал... у одам эмасди, келбатию юз-кўзи ўхшаб кетарди-ю, лекин у эмас. Бола буни у эшиқдан киргандаёқ пайқади. Пайқаши баробар юраги увишиб кетди. Ҳозир айтса, тоғаси бақириб берадигандай, нафасини ичига ютди. Бахтига катталар сўрашмади. Тиллани ўмарган одам Ҳусар кал эканига уларнинг ишончи комил эди.

Меҳмонларга кўзи тушган Ҳусар кал қўлидаги нарсаларни қора йигитга тутқазди-да, улар томон кучоқ очиб кела бошлади. Кўриб-сўрашиб бўлгач, уйи томон ошиқди.

— Қара, димоғи чоғ-да, иршайгани иршайган, — деди Жовли чапани унинг ортидан. — Тилланинг кучи зўр... керак бўлса, ўликка жон бағишлайди.

— Не мақсадда келганимизни эшитса, юраги ёрилиб ўлса керак, — деди тоға.

— Улишга-ку ўлмайди-я, лекин бир энлик эт ташлаши аниқ. И-и, бизга деса ўлиб кетмайдими! Тегишимизни олмасдан... бу ҳовлидан чиқиш йўқ, — Жовли чапани шундай дея бирдан сергак тортди. — Шошма, болани кўриб пинак бузмади-ку, а? Таниши керак эди-ку.

— Тилладан кўзи қамашган чиқар, — деди тоға бепарво.

Жовли чапани Саидга ўгирилиб, ҳадиксираб сўради:

— Шумиди?

Гуноҳқорона қиёфада дастурхон шокиласини ўйнаб ўтирган бола ердан кўзини узмай, йўқ дея бош чайқади. Тоға илон чаққандай бир сапчиб тушди.

— Нима?!

Жовли чапани вишиллаганча хунук сўкинди. Чиқмаган жондан ўмид дегандай боланинг сонидан маҳкам чангаллади.

— Яхшилаб қара, балки... — деди бўғилиб.

— Йўқ, бу киши эмас.

— Об-бо, эшша-гэ!

— Кетдик! — деди тоға зарда билан.

— Утир энди, — Жовли чапани унинг тиззасидан босди. — Кўнглига келиши мумкин.

Улар турли егулик солинган ликопчалар терилган патнис кўтариб келаётган Ҳусар калга бўзрайганча туриб қолишди.

Шу оқшом улар ҳийла кеч қайтишди.

\* \* \*

Саид пода ортидан хушсизгина сурғалиб бораркан, ора-чора Тўлаган овчи минган эшак устидаги хуржунга қараб-қараб кўярди. Дурбинни олдимиқан? Утган сафаргидек ташлаб келган бўлса-я. Сўрашга ботинмади. Боиси, эрталабдан Тўлаган овчининг кайфияти бузук: пода йиғиладиган майдонда тўсатдан ўглининг юзига тарсаки тортиб қолди; ҳи-и, мудрамай ўл, деб.

Овчининг ғазабланганича бор, Товқора ғалати бола, тумшайган кўйи доим мудраб юради. Айтилган гапни тезда англай қолмайди. Отасига таъсир қилди шекилли. Бунинг

устига, кичкина ўғлининг хархашаси... Нима эмиш, подага борармиш. Уйингда маза қилиб ўтирсанг-чи, нодон, шундай иссиқда дала-дашда пишириб қўйибдимми сенга. Агар бугун подага чиқмаганида, Саид тоғаси билан тўйга кетган бўларди.

Охири унинг сабри чидамади. Ерга тикилганча таёғини сургаб бораётган болага яқин борди.

— Товқора, дурбинни олганмисизлар?

Бола бош ирғади. Саид қувониб кетди. Энди қандай бўлмасин, Тўлаган овчининг кўнглини овламоқ керак. У югуриб бориб, четга ўрлаётган эчкиларни изига қайтариб келди. Тўлаган овчи унинг бу ишини маъқуллаб, бош ирғаб қўйди. Бола бундан руҳланиб, иккинчи ёнбошга ўтди.

Пода боши буғдойзорга етганда тепалик устида Олим чиноқ кўринди. Қизиқ, қипқизил даштнинг нимасини кўриқлар экан у? Чол тепада бир муддат ғўдайиб турди-да, сўнг отини қияликдан пастга эндириди, поданинг олдида кесиб чиқди.

— Ҳорманглар-ов!

— Бор бўлинг!

— Асли ўзинг подачи бўладиган-да, Тўлаганбой, — дея алқашга тушди чол. — Бошқалар бетламайди. Иссиқ уриб кетадигандай камардан чиқмайдилар. Тунов куни Соли дўхтирининг каттасига, камарга тиқилмай, лалмига ҳайдасанг бўлмайдимми десам, пошул чўрт, дейди. Нима дегани бўлди бу, а, Тўлаганбой?

— Урусчалаб сўкинган чиқар.

— Жўғай, одамди айнитма бўйтиб. Биласан ачувим жоман.

— Рост, ўрусчага биздиям тиш ўтмайди, бобой. Ким билади, балки, маъқуллаганидир. Ҳозирги болаларди тушуниш қийин. Бу, ўзингиз нима қип юрибсиз?

— Биздики бир ўрганиш, Тўлаганбой. Кунда бир айланмасак, бир нимани жўғатгандай, гаранг бўп жураман. — Чол шундай дея қамчи учи билан Саидга имо қилди. — Тунов куни тилла топган боланинг бирови шуми?

— Ҳа, шу.

— Ҳа, жибиған болам-а, овзингдагини олдириб, қара-аб ўтирдингми? Сени ким айтади Бойпўлат чавандозди набираси деб!

— Энди сиз чайнаманг шу гапди! — деди Тўлаган овчи норози бўлиб. — Тунов куни гурунгдаям тергайвериб рангини чиқаришмади, бола бечорани. Энди сиз... Қўйинг шу гапларни! Беш вақт намоз ўқийдиган одамсиз, сизга ярашмайди! Ундан кўра катталарга имон тиланг, инсоф тиланг!

— Хўп-хўп, тувба қилдик, — ўсал бўлганини билдирмасликка тиришди чол. — Подани буғдойпояда уялатмай, Қоровултевани жонлатиб, қирга ҳайданглар, хас-ҳашак мўл. Фурсат топсам, гуруннга ўтарман.

— Палак томонга ўтсангиз, хуржунга уч-тўртта сапча ташлаб қўйинг.

— Хўп.

Қоровултепадан ўтишгач, Тўлаган овчи эшагини тушовлаб, хуржунни елкага ташлади-да, қирга ўрлади.

Саид ботинмайроқ сўради:

— Тўлаган тоға, ҳалиги... дурбинингизни бермайсизми?

Тўлаган овчи хуржун тубини кавлаштириб, дурбинни олди.

— Ма, фақат эҳтиёт бўл.

Бола дурбинни бўйнига осиб, чап томонга юрди. Дўннга чиқиб, кўзига тўғрилади. Бошда ҳамма нарса юмалоқ ойначада сакраб кетаверди, кейин бирдан тиниқлик ва турғунлик касб этди. У илк бор кўраётгандек, манзарага маҳлиё термулиб қолди. Тўлаган овчи шундоққина қўл етадиган масофада юқорилаб борарди. Бола дурбинни пастга қаратди. Товқора каттакон харсанг устида тиззаларини қучиб ўтирарди. Қўйиб берса, кечгача ўтириши мумкин. Аммо эчкилар тинчлик бериб бўпти. Ана у эринибгина ўрнидан кўзғалди, таёғини силкипти. Сўкинди. Югуришга ҳафсаласи келмай, ердан тош олди. Бироқ эчки зоти айёр, кимнинг қанақалигини ҳатти-ҳаракатига қараб билади. Ҳозир ҳам улар Товқоранинг дўқ-пўписасига парво қилмай, пастга эна бошлашди. Бир дўнғ ошса бўлди, кейин уларнинг чангини ҳам тутиб бўлмайди. Сўнг кечқурун қиёматни кўринг — мол эгалари нақ гирибонингдан олишади. Утган сафар шундай бўлган. Абрай қирриқнинг эчкилари қўшни қишлоқ подаларига қўшилиб кетган экан, жазавога тушиб, бутун қишлоқни бошига кўтарди. Аввал-бошда отасига ёпишди. Ота юмшоқ одам, нима қиларини билмай, гаранг бўлиб турганида, уйдан Тўлаган овчи чиқиб қолди. Чиқмай иложи ҳам йўқ эди, барибир Абрай қирриқ эшик қоқиб борган бўларди. Абрай қирриқ отасини қўйиб, унга осилганди, Тўлаган овчи белидан тутиб, даст кўтариб ерга урди...

Бундай кезларда бола жуда ҳайратланади. Катталар жанжални бунча яхши кўришадими-я? Унга қолса, битта эчкини деб ҳам уришмаган бўларди. Мана шундай пайтларда тоғаси кўзига яхши кўриниб кетади, «Тёмнота», дейди тоғаси кўрсаткич бармоғини чеккасида айлантириб. Бола нотаниш бу сўзнинг маъносини англаб етмаса-да, тоғаси нимага шаъма қилаётганини фаҳмлайди. Аммо шундай одам аллақандай тангаларни деб Абрай қирриқдан баттар аҳволга тушиб ўтирибди-я! Кечгача боланинг кўнгли мана шундай нохуш кайфиятда эди, ҳатто тоғаси кўзига анча жўн ва бачкана кўриниб кетди.

Бироқ кечаги суҳбатдан сўнг тоғасига муносабати яна ўзгарди. Тиллаларнинг қўлидан кетганига илк бор қаттиқ ачинди. Тилла топсам, ҳаммасини тоғамга бераман деб, баъзи бир чолдеворларни кўз остига олиб қўйди.

Саид қуйига ўрлаётган молларни изига қайтариб, яна қўлига дурбинни олди. Кўзига тутишдан олдин атрофга бир сира кўз югуртириб чиқди. Манзара маъюс, юрак сиқилди. Тоғаси билан сурат ишлагани чиққан кезлари бунақа туюлмасди, о-о нақадар гўзал, дерди тоғаси. Ҳозир эса ҳеч бир гўзаллик сезмаяпти. Бола дурбинни қишлоқ томонга тўғрилади. Тупроқ йўлни чангитиб бораётган болаларни кўрди. Тўда бошида Акбар чаққон. Ҳойнаҳой, полизни кўзлашган. Уларга боланинг ҳаваси келди, гўё бутун умри пода ортида ўтаётгандек хўрсинди. Агар иложини топса, ҳозироқ уларга бориб қўшилган бўларди. Оғзида тарвузнинг таъмини туйиб, ширин тамшанди. Дунёда ўғирлик тарвуздан ширини йўқ. Айниқса, пушталар оралаб эмаклар, тарвуз танлашга нима етсин. Қуёш тафтида қизиган тарвузга қўлинг теккан сайин ёқимли ҳисдан танинг яйрайди, тарвузни ўша заҳотиёқ ёриб егинг келаверади. Узоқда қорайиб турган қападан кўз узиб-узмай изингга қайтаркансан, ўзингни қаҳрамондек ҳис қиласан. Танлаган тарвузинг қизил чиқса, қувончдан бошинг кўкка етади. Хом чиқса, кулги бўласан, лекин қуруқ қолмайсан — болалар бунақа пайтада фавқуллода сахийлашиб, топганини ўртада баҳам кўришади. Кейин кимнингдир узуми пишган боғ кўз остига олинади...

Тушга яқин подани катта қирга, Қирбулоқ томонга ҳайдашди. Қирбулоқда биргина булоқ қолган. Тошлар орасидан сизиб чиққан сув қамишзор оралаб бориб, қуйидаги чоғроққина кўлга қуйилади. Кўлнинг нариги томони қирга туташ, бериги тарафи подаётқ.

Тўлаган овчининг ошиққанича бор экан, пода ётоқлаб улгурмай, пастдан қўшни қишлоқ моллари кўринди. Подачилар подаётқнинг бандлигини кўришиб, ноилж изига қайрилишди. Шўркўлгача камида уч чақирим, бояқишлар роса қийналадиган бўлишди.

— Тағин болалар... — деди Тўлаган овчи тутатиб. — Нима бало, катталарга қирғин келганми?! Одамларда тирноқча инсоф қолмади-я!

Худди шу гапни бобоси айтгувчи эди. Қишлоқда подачи йўқлигидан нолиб кўярди. Одамлар подачиликдан ор қиладиган бўп кетди, тавба, дерди.

Бир куни бобоси кимнингдир маслаҳат ошидан хуноби ошиб келди. Ота эндигина ишдан қайтган, жиққа ҳўл пайтавасини этиги қўнжига чирмаб, оёқларини печкага тоблаб ўтирар эди.

— Одамларда диёнат қолмади, — деди бобо чўнтагидан носқовоғини чиқариб. Кейин воқеани бир бошдан сўзлай кетди. — Маслаҳатда подачи танлови бўлди. Хабаринг бор, Ҳожи эпсиз чиқди. Барот махсум Нормат пиёни подачиликка раво кўриб ўтирибди.

— Нима бўпти? — деди отаси елка қисиб. — Ҳарна элга нафи тегади. Кўчада ичиб, сасиб юргунча бир ишнинг бошини тутгани маъқул-да.

— Нима бўптинг нимаси?! — Чолнинг баттар жаҳли чиқди. — Калланг яримтами дейман сен болани! Нормат пиён элнинг назаридан қолган одам. Одамлик сиёҳи йўқ мардум подачиликка раво кўриладими?

Хуллас, чолнинг башорати тўғри чиқди, подачиликдан обрў кетди. Қишлоқда пода-навбат жорий этилди.

Тушликдан сўнг Тўлаган овчи тол тагини тозалади-да, хуржунни тўшаб, уйқуга чўзилди. Товқора нон кавшаб турган жойида секин пинакка кета қолди. Саид аста ўрнидан кўзғолиб, қўлига дурбинни олди. Кўл ёқалаб бориб, ёлғизоёқ сўқмоқдан катта қир тепасига кўтарилди. Бу қирга биринчи бор чиқиши эди, оламнинг кенглигидан ҳайратда қолди. Қишлоқдан туриб қаралганда тоғ яқиндай, шундоққина қирнинг ортида тургандай эди. Буни қарангки, тоғ жуда олисда, ўртада бир талай қирлар мингашиб ётар эди.

Бола дурбинни кўзига олиб борди. Тоғлар қўл узатса етадиган масофада яқин келди. Саид беихтиёр бир неча одим олға юрди. Эҳ, ихтиёри ўзида бўлгандами, бу ерда бир дақиқа ҳам турмасди. Адашиб-улоқиб кетсаям майли эди. Тоғларни ўз кўзи билан кўрар, янги йил арафасида давра эркасига айланадиган арчаларни ўз қўллари билан тутиб, силаб-сийпаган бўлар эди.

Ҳозир шартта жўнаб қолса-чи?

Йўқ, кейин чатоғи чиқади.

Бу ҳолни у бир бор бошдан кечирган. Ушанда ё тўрт, ё беш ёшда эди. Қишлоқ четидаги боғчага қатнарди. Боғча ҳовлиси пахта даласига туташ, пайкал адоғида мўъжаз бир бино оқариб турарди. Боланинг назарида бинонинг орти ернинг чеккаси эди. Ернинг четига бориб, пастга — улкан сувликка назар солмоқни у жуда-жуда орзу қиларди. Бир гал ер қимирлаганда, момоси уни бағрига тортиб, бу ҳодисани шундай изоҳлаганди: «Улкан сувда балик, балиқ устида ҳўкиз, ҳўкизда шохлари устида жер туради. Жер деганлари ўзимиз ош жейдиган товоқдай тайпоқ бир нарса. Ҳўкиз шохларига дам берганида жер силкинади...» Мактабда глобусни кўргачгина фикри ўзгарди. Лекин бир жумбоқ уни мудом ўйлатиб келарди. Ер шар шаклида экан, нега унда денгиз ва дарё сувлари тўкилиб кетмайди? Аммо унинг саволи доим жавобсиз қолаверади, юқо-

ри синфга ўтсанг, билиб олаверасан, дейди муаллим. Тоғаси бутун олам тортилиш қонунияти ҳақида алланималар тушунтиргандай бўлади-ю, лекин бола борлиқдаги жамики нарса ўз кўлидан қўймай ўйнаб юрадиган оҳанграболардек бир-бирига тортилишини ҳеч тасаввурига сиғдиролмайди... Қисқаси, ўшанда у боғча опасининг кўзини шамғалат қилиб, тор сўқмоқдан бино сари югурарди. Бино томига кўниб турган қирмизи офтобни тутиб кўриш мумкиндек эди.

Югуриб бориб нимани кўрди денг. Бино ортида, пастликда катта қишлоқ ястаниб ётарди. Қишлоқ чеккасидаги ялангликда пода кутгани чиққан болалар ўйнаб юришарди. Бола ҳайратдан донг қотди. Оламда ўз қишлоқларидан бўлак қишлоқ борлигини, унда худди ўзлари сингари одамлар яшашини хаёлига келтирмаганди. Энди ернинг чети олислашган, алдамчи қуёш эса жуда узокда эди. У қизиқсиниб, нишабликдан пастга энди. Катта ариқ устига ташланган яккачўпдан ўтиб, биринчи ҳовли қаршисидан чиқди. Ҳовли деворсиз, супада чувак юзли чол ёнбошлаб ётар эди.

— И, кимди боласи бу? — деди чол. — Содиқникими?

Ўчоқ бошида куйманиб юрган кампир болага бир муддат тикилиб турди-да, ўй томонга қараб овоз берди.

— Ойсулув, бунда чиқ.

Эшикда қорачадан келган лобар қиз кўринди.

— Манави кимди боласи? Майрамники бўса, уйига обор, шўрлик қидириб жургандир.

— Унинг боласига ўхшамайди, — қиз боланинг қошига келиб чўккалади.

— Кимди ули бўласан, айланай? Бу ерга қаердан кеп қолдинг?

Бола кўли билан келган томонига ишора қилди.

— Вой, ўлмасам, Яккатомдан кепти-ку бу.

Болага ажабсиниб тикилиб турган чол бошидан тирсагина узиб, супа лабидаги тарвузлардан бирини кўлига олди.

— Эби, меҳман кеп қопти-ку. Қани-қани, супага чиқ, меҳмон бола.

Бола чолнинг қаватига чўкди.

— Қани, меҳмон болам, энди тўрт оғизгина гурунгдан беринг, — Чол жилмайиб унинг бошини силади. — Кимди ули бўласан?

— Отамди.

— Отангди оти бордир? Нима оти?

— Отам.

Кулишадилар.

— Энангди оти нима? — деб сўради қиз кулгисини базўр ютуб.

— Энам.

Таомдан сўнг, чол уни эшакка мингаштириб, эран-қаран йўлга чиққанида, вақт ҳийла кеч бўлиб қолганди.

Уйда нақ қиёматнинг устидан чиқдилар: ҳовли тўла одам, кимдир ҳўнг-ҳўнг йиғлаётган энасининг бошида парвона, кимдир момоси билан андармон, яна кимдир боланинг тўсатдан ғойиб бўлишини ўзича шарҳлаб, бошқаларни ҳам шунга ишонтиришга уринар, бир четда эса ҳозиргина дарё бўйидан қайтган йигитлар ҳомуш туришар эди. Ҳафта бурун ўйинқароқ бир бола сувга чўкиб ўлганидан бери одамлар юрак олдириб қўйишган, хаёлан Саидга ҳам аллақачон кафан бичиб қўйишган бўлишса-да, аммо уни сўзда эътироф этмоққа бирор кимса журъат этолмас эди.

Уларни биринчи бўлиб дарвоза ёнида турган болалар кўришди. Ҳовли бирпасда тўс-тўполон бўлиб кетди. Отаси азбаройи қувонганидан боқувдаги тўқлисини бўғизлади. Боз устига, чол бобосига ошна чиқиб қолди. Гурунг ярим тунга қадар давом этди. Уша кун Тўлаган овчи тоғли бир қишлоқдан бола олиб қочган қўнғир айиқ воқеасини ҳикоя қилиб берди. Хуллас, ҳамма шод, фақат болагина хафа эди. Ахир хафа бўлмай бўладими, дунёнинг нақадар кенглигини кашф этганидан ҳануз юраги тошиб ўтирса-ю, эшитадиган қўлоқ топилмаса. Кейинчалик ўша қишлоқ ортида яна кўплаб қишлоқлар, улардан нарида эса шаҳар борлигини бир сафар отаси билан район марказига тушгандагина билиб олди.

Бола ҳозир ҳам ич-ичидан хуруж қилиб келаётган «дайдиш» истагини базўр тийиб турарди. Узига қолса, чопқиллаб кетиши муқаррар эди. Қани энди, тушига кирган, оппоқ булутлар бош қўйган анови қорли чўққига югуриб чиқсаю ундан нарида нималар борлигини ўз кўзи билан кўрса. Айтишларича, тоғнинг ортида яна тоғлар бормиш. Саид бу гапга ишонмайди. Унингча дунёда битта тоғ бор, у ҳам бўлса мана шу. Бир вақтлар оқ бино орти қанчалик сирли кўринган бўлса, айни дамда тоғ ҳам шунчалик сирли туюлмоқда эди.

Бола тоғу тошларни кўзи толгунча томоша қилди. Сўнг бирдан пода эсига тушиб, ортига ўгирилди. Кафтини пешонасига қўйиб пастга тикилди. Чет-четда хас чимдиб юрган уч-тўрт эчкини демаса, пода тинч ётарди. Саид яна кўзига дурбинни тўғрилади. Боя пайқамаган экан, бир сурув эчки сой ичи билан полиз томонга кетиб борарди. У дурбинни маҳкам тутганча пастга отилди. Сурувни қувиб ўтиб, олдида кетаётган каттакон ола эчкининг биқинига тош билан боплаб туширди. Кейин сўкинганча қўллари-



ни силкиди. Сурув гурра изига қайрилди. Тош текканда ғалати маъраб юборган ола эчки икки-уч одим ҳатламай, муккасидан кулади. Туришга уринмадиям.

Бола қўрқувдан музлаб кетди.

— Чу! — деди жонҳолатда жунидан тортқилаб.

Эчки оёқ силкиб турмоққа интилди-ю, лекин ҳоли келмай яна гуппа кулади. Ожизгина маъради.

Саид ранг-қути ўчиб, подаётоқ томон ўқдай югурди. Эндигина иккинчи ёнбошига ағдарилган Тўлаган овчи унинг шарпасини сезиб, бошини кўтарди ва боланинг важоҳатини кўриб, капалаги учиб кетди.

— Нима... нима гап?

— Уляпти... эчки ўляпти!

— Оббо, фалокат-эй! — Тўлаган овчи этигини яланг кийиб, унинг изидан югурди. — Нима бўптикан деб ўйлабман. Нима қилди? Урдингми?

Эчки оёқлаб кетганини Саид узоқдан кўрди.

— Ия, туриб кетибди-ку, — деди қувонишиниям, ҳайрон бўлишиниям билмай.

— Нима қилувдинг? — Тўлаган овчи тўхтаб, ҳузур қилиб керишди. Офтобга қараб вақтни чамалади. — Нега индамайсан? Гапир!

— Тош билан... — деди ғулдираб бола.

— Ичига урибсан-да, полвон. Бунақа қўли югурик бўма. Ия, дурбин қани?

Бола эчки йиқилган жойдан дурбинни олиб қайтди. Тўлаган овчи чалопга тутинган эди, бошини кўтармай, хуржунга ишора қилди.

— Жойига сопқўй.

Саид ноилож хуржундан ғилофни чиқарди. Булоқдан юзини ювиб қайтаётган Товқора унинг қўлидан ғилофни юлқиб олди-да, унга дурбинни солиб, хуржунга тиқиб қўйди. Отаси худа-беҳуда мақтайвергани учун у Саидни жинидан ёмон кўрарди.

Бола дурбинсиз зерика бошлади. Устига устак атроф шу қадар заъфарон эдики, юрак тарс ёрилай дерди.

У қирдан бурун шаклида туртиб чиққан дўнгликка қўтариларкан, кўзларини қисиб аёвсиз қиздираётган қуёшга норози қараб қўйди. Назарида офтоб миҳланган — жойидан жилай демасди, пастда ёйилган пода эса у турган ердан кафтдагидек кўзга ташланиб турар эди. Қир бетида бошига белбоғини ташлаб ўтирган Тўлаган овчи унга қўл силкиб қўйди, боласи тушмагур хўп ақлли-да, деб кўнглидан ўтказди-ёв.

Саид тимирскланиб юриб, чала нураган тошўчоққа дуч келди. Қизиксиниб тўхтади. Нимасидир танишдай кўринди. Кўзи сал наридаги кулранг товатошга тушгачина, ўчоқни бир вақтлар тоғаси иккиси қурганини хотирлади. Юраги алланечук ҳапқириб, беихтиёр хаёлга берилди.

Бола у пайтлари мактабга қатнамасди. Бобо — тирик, момо — тирик, қўш ҳовлида чуғурлашиб яшардилар. Айни баҳор кунларидан бирида тоға шаҳардан қайтди-да, хуржунга ул-бул жойлаб:

— Юр, далага кетдик, — деб қолди.

— Ия, даштга чиқиб овқат еймизми? — дея ҳайрон бўлди бола.

— Ҳа-да. Даштнинг гаштига нима етсин, — деди тоға хуржунни эшакка ортиб, мольбертни елкасига осаркан. — Юравер, маза қилиб келасан. Кўзиқорин-пўзиқорин учраб қолса, тагин соз. Ҳеч бўлмаса, исмалоқ териб келарсан, онанг сомса ёпиб беради.

Тоғанинг хатти-ҳаракатларини анчайин кузатиб ўтирган бобо у қумғонга қўл чўзган-да, чидаб туролмади.

— Одам боласига жарашадиган ишни қилсанг-чи, хумпар, — деди койиниб. — Даштда нон чайнаб ўтирганингни кўрган нима дейди.

— Даштга фақат нон чайнагани чиқаётганимиз йўқ, ота, — Тоға кулди. — Сурат ишлаймиз...

— Расм чизсанг-ку майли-я, лекин қумғонинг нимаси?

— Чой-пой қайнатамиз.

— Чой қайнатармиш, — чол ундай дея қаватида урчуқ йигириб ўтирган кампирга юзланди. — Эшитдингми гапини? Бунинг янги қилиқ чиқарибдимми? Нима, уйдан илон чиққанми? Сен тенгилар икки-уч боланинг отаси. Уқишни битирай дединг, хўп дедик, пича ишлай дединг, бунгаям хўп дедик. Токай юрасан саланглаб?.. Бас, оёғини чатиш керак буни. Ҳаракатингни қил, кампир.

— Менам шунинг ўйидаман, чол, — дея уни қувватлади кампир. — Лекин бунингизга қиз тўғрисида бир овуз гапириб бўмайди, осмонга сапчигани-сапчиган. Узингиз айбдор, эркалатиб жубаргансиз.

— Бачалигида раъйига қарасам бўсам қарагандирман. — Чолнинг қовоғи осилиб, кампирга хўмрайиб қаради. — Ҳозир... Ҳов-а, қани, тушир хуржунни! Энанг ким — Сожида сариғ, отанг ким — тавони жориғ... Қилган ишингни қара! Тушир хуржунди!

Узининг мақолга тиралганидан ранжиган кампир енг ҳимариб жанжалга киришган ҳам эдики, ҳайтовур болани онаси вақтида орага тушди.

— Энажон, вой сиз эшитмабсиз, — деди шўхчанлик билан. — Ойша кушночди Бибигули бор-ку, ўша қизмисан қиз бўпти-да ўзиям. Кеча магазинди олдида кўриб

қолдим. Қурмағур, оқи оққа, қизили қизилга ажраб, бирам қиз бўптики, кўрган кўзнинг суқи киради. Тағин эс-хушлигини айтмайсизми. Эна, сизга айтсам, яхши қиз узоқ турмайди, тезроқ ҳаракатингизни қилинг...

Опасининг бу гаплари тоғага зўр баҳона бўлди. — Гапирмаган сиз қолувдингиз, — деди тўрсайиб. — Уша мақтаган қизингизни яхши биламиз. Оми, ўқимаган. Унингиз бир этак бола туғиб беришдан бошқасига ярамайди. Қолаверса, ҳалитдан олахуржунни бўйинга осиб аҳмоқманми?! — Тоға сўнги гапини алоҳида таъкидлади. — Қолаверса, эсли-хушли одам ўз жигарининг оёғидан чалмайди.

— Вой, ким оёғингдан чалаяпти? — деди опа ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, ҳа, айнан сиз оёғимдан чалишга ҳаракат қиляпсиз, — деди тоға баттар авжига миниб. — Лекин овора бўласиз. Мен ижод кишисиман! Менга бўйинтуруқ эмас, эркинлик зарур! Эркинлик!

Бу хил гапларни умрида эшитмаган чол ҳанг-манг бўлиб қолди. Охири у қўл силтади:

— Ҳай, бор, ишингдан қолма. Худо ўзингга инсоф берсин. Ишқилиб, бирортасининг этагини тутиб, шаҳарда улоқиб кетмасанг бўлди.

Бобоси тўғри башорат қилган экан, орадан уч-тўрт ой ўтмай, чолу кампир қиз кўргани шаҳарга бориб келишди. Бир ойдан сўнг қишлоқда катта тўй бўлди. Келин-куёв ўн кунча туриб қайтиб кетгач, бобо алам билан тиззасига шапатилади: «Тамом, жигитти қўлдан чиқардик!» Чолнинг кўзларида ёш кўрган Саид бир гал унинг гапларини тоғага айтганди, у қатъий ишонч ила шундай деди: «Уларга қолса, уйдан кўчага чиқмасам. Яхшилик қиламан деб, ёмонлик қилишини билишмайди. Бу хил шартлар рассомни ўлдиради-ку. Рассом ўз камолоти учун нафақат туғилиб-ўсган юртидан, керак бўлса, ўзлигидан ҳам воз кечади. Тушундингми, жиян?»

Ушанда уйдагиларни гап билан миҳлаб, кўчага чиқишлари заҳоти, тасодифни қарангки, Бибиғулга дуч келдилар. Тоғадан уялдимки қиз текис ерда қоқилиб кетди. Қоқилгандаям «чиroyли» қоқилди. Тоға ишшайди: «Кандидатурани қаранглар, юришниям эплаёлмайди-ку.»

Уша кун қирда кечгача қолиб кетишди. Чой-чойда, нон-нонда қолиб, тоға кун бўйи расм ишлади. Теварак-атроф ям-яшил, ҳозир пода ёйилиб юрган пастилик қип-қизил қизғалдоқлар. Товқора мудраб ўтирган бетда кимнингдир асалари қутилари... ҳамма-ҳаммаси суратга кўчган эди. Тоға алланечук ошиқиб, завқланиб ишларди...

От дупурини эшитиб, боланинг хаёли бўлинди. Бошини кўтариб, дўнг ёқалаб келатган Олим чиноқни кўрди. Чол от бошини Тўлаган овчи томон бураркан, болага кўзи тушиб, хуржундан каттақон қовун чиқарди.

— Ов, тиллатопар болам, ма.

Саид қовунни қўлига олиб, товатош ёнига борди. Тош устини наридан-бери тозалаб, қовунни ёрди. Қовун ҳали шира бойлаб улгурмаган бўлса-да, мазали эди. Тирсагидан сўвини оқизиб пок-покиза туширди. Пўчоғини молларга берди. Кейин кўйига энган эчкиларни изига қайтариб, пода оралаб қирга ўрлади. Ҳамсўхбат топилганидан қувониб, гурунгни қиздираётган Тўлаган овчи унинг ниятини фаҳмлаб, ёнида ётган хуржундан дурбинни олди.

— Ма. Боягидай ҳар жойда тушириб қолдирма.

Бола севинчи ичига сиғмай, улоқчадай ирғишлаб жойига қайтди. Товатошга чўкиб, кўзига дурбинни тўғрилади... У энди ортиқ зерикмай қўйди.

Ниҳоят орзиқиб қутилган пайт келди. Қуёш ботишига бир терак бўйи қолганда, катталарнинг гапи тугаб, Тўлаган овчи ўрнидан кўзгалди. Кўзачадаги ортган сувни тўкиб ташлаб, уни хуржунга солди. Олим чиноқ отига миниб лалми томон кетди.

Тўлаган овчи таёғини белига кўндаланг қўйиб, поданинг олдига тушди. Изидан сигирлар юрди. Қир бетига сочилган қўй-эчкиларни йиғиш болаларнинг зиммасида эди. Саид югуриб-елиб уларни пастга эндиранган, бирдан оёғи остида ер ўпирилиб, у чуқурга юмалаб тушди. Бу ҳодиса шу даражада тез содир бўлдики, у бақирганга улгуролмади. Жон ҳалпида юқорига тирмашаркан, ғира-шира ёруғликда, сўнги лаҳзада кунчиқиш томонга қўзилган тор йўлакни, йўлак ўртасида Тўлаган овчининг ҳовлисидаги хумга ўхшаш нимадир дўмпайиб турганини илғагандай бўлди. Миясига чақмоқ янглиғ кеча дарё бўйидаги гурунгда тилга олинган Самандарбойнинг тилла тўла хуми ўтди. Қизиқиш устун келиб, бир хаёли уни пайпаслаб кўрмоқчи ҳам бўлди. Бироқ юраги дов бермади, назарида «хум» ортида нимадир мўралаб тургандай туюлди. Мушукдай сапчиб ташқарига чиқди. Юраги тошиб, Тўлаган овчини чақирмоқчи бўлди, тағин фикридан қайтди — қизганди. Шу тобда икки қаноти бўлса, тоғасининг ёнига учар эди. Аммо иложи қанча.

\* \* \*

Саид эшиқдан кирасолиб ҳовлига кўз югуртирди. Тоғаси кўринмас, отаси супада ёлғиз сабзи тўғраб ўтирар эди.

— Тоғам қани? — деди ҳовлиқиб.

— Ҳали қайтмади, — отаси шундай дея қўра эшигида тўпланиб турган молларга ишора қилди. — Уларни жой-жойига қантар. Токнинг тагида икки боғ ўт бор, бир боғи-ни бузиб, бир тутамдан ташлаб чиқ. Қўйларга кепак беришни унутма.

Қўрадаги ишларни саранжомлаб бўлиб, эшикда энасига рўпарў келди.

— Подачи боламдан айланай, — алқай кетди у. — Ўзимни подачи болагинамдан! Вой, қовоқларингни сени! Нима, чарчадингми, жоним!

Энасининг эркалашларидан кўнгли андак таскин топган бола ариқда ювиниб, супа лабига чўкди. Отасига синчков тикилди. Айтсамикан-йўқми? Отанинг кўзи пичоқда, қуйи лабини сал қимтиганча ғиртиллатиб сабзи тўғрарди. Унинг авзойига қараб туриб, айнади. Узалиб дастурхондан сабзи олди.

— Хотин, — деди отаси бошини кўтармай. — Бунингга бир нима бер. Ҳадемай киного чопади. Оч кетмасин.

— Вой, кино келдимиз! — Бола ирғишлаб, сабзидан каттароқ тишлади.

— Йўлда Тўлаган тоғангникига кириб ўт, — деди ота ўша бепарво оҳангда. — Уйда ош бўляпти, ҳаялламай ўтаркансиз дегин.

— Тайинладим, — деди энаси боланинг олдига ярим пиёла қаймоқ қўяркан, энсаси қотиброқ.

— Яхши қипсан! Зиғир мўйдан мўлроқ сол.

— Оқмоям тешиб чиқмайди.

— Гапни чуватма.

Пода боқилган кунлари Тўлаган овчининг иззатига уйда зиғир ёғдан палов, ё бўлма-са, сергўшт, сердумба шўрва пиширилади. Сабаби отасининг оёғида боди бор, подага ярамайди. Шу ваздан поданавбат кунлари оқшом Тўлаган овчини яхшилаб меҳмон қилади. Бунинг устига, унинг гурунгини севади.

Бола овқатини чала-чулпа ютиб, кўчага отилди, Дарвозага етмай изига қайрилди. Ҳовли ўртасида турган машинанинг сиртини сийпалаб ўтиб, омбортомга кирди. Курсини олиб чиқди. Уни олмоққа ўзини ҳақли деб билди. Ахир хазина топган одамга ҳамма нарса мумкин-да.

У жўралари, айниқса, Зокирнинг кўзини ўйнатиб, илк маротаба курсида ўтириб кино томоша қилади.

Кинодан қайтганда, отаси Тўлаган овчи билан ҳануз гурунглашиб ўтирган экан. Бола тоғасини кута-кута ухлаб қолди.

\* \* \*

Болани кун ёйилганда уйғотишди. Пода боққан куннинг эртасига истаганча ухлашга ҳақли эди. Шу боис юз-кўзини силаётган энасининг қўлини итариб ташлаб, кўрпани бошига тортди. Бироқ энасининг қайноқ, дағал кафти кўрпа остидан ориқ елкаларини қидириб топди. Силаб-сийпай бошлади. Аммо бу ҳузурбахш дақиқалар жуда санокли, талтайиб ётаверса, туйқусдан омбирдай узиб олиши тайин. Энаси серюмуш аёл — эркалаши бир дақиқадан нарига ўтмайди. Яхшиси, иззати борида тура қолгани маъқул. Бола кўрпани иддао билан тепиб ташлади, кўзига тушган офтобдан жиғирғаниб, иккинчи ёнбошига ағдарилди. Қаватида келиштириб хуррак отаётган тоғасини кўрди. Қачон қайтди экан? Шунда бирдан ғор эсига тушди. Сапчиб турди. Энаси узоқлашиши билан тоғасини турткилай кетди. Тоға ғалати тамшаниб кўзларини зўрға очди. Оғзидан уфурган қўланса ҳиддан боланинг кўнгли аи дарилаёзди.

— Тоға! Тоға дейман! — турткиларди боланинг юраги тошгандан-тошиб. — Туринг! Туринг дейман! Самандарбойнинг тилласини топдим. Кўп, жуда кўп, бир хум...

Тоға пашша қўригандай қўлини тўлғади. Кейин бирдан хушёр тортди.

— Нима?

Бола узуқ-юлуқ тушинтираркан, тоға ирғиб ўрнидан турди. Апил-тапил кийиндию фонаринг борми, белкуракни олвол, деди. Сўнг машинага ўтирди.

Энаси, қўлида қаймоқ тўла коса, ошхона эшигида анқайганча қолаверди.

Қоровултепадан айланиб ўтишлари билан қир бетида қорайиб турган «туйнук»ни узоқдан кўрдилар. Тоға тезликни оширди. Аммо машина баландга тирмаша олмай, ярим йўлда қолди.

— Точна! — деди тоға машинадан ошиғич чиқаркан, «туйнук»дан кўз узмай. — Мана буни омад деса бўлади! Оббо, Самандарбой, зап жойни топган экан-да ўзиям. Минг йил ётиб ўйласанг-да, хаёлингга келмайди бу ерда хазина борлиги. Лекин бу ҳақда бировга... а? Ну маладес!

Тоға «туйнук» оғзини наридан-бери кенгайтириб, белкуракни тик тутганча пастга сакради. Кетидан Сауд тушди. Димоғига зах ҳиди урилди. Чироқ ёруғида кеча хум хаёл қилгани шифтдан ўпирилиб тушган тупроқ уюми эканини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди.

— Хум деганинг шуми? — деб сўради тоға тупроқ уюмига белкурак учини санчиб. Кейин ғор деворларини ёритиб, умидвор оҳангда деди: — Табиий эмас, қазилган.

Кетмон изларини кўряпанми? Демак... бу ерда бир гап бор. Бекорга қазиб бировга зарил кептими. Самандарбой бутун мол-дунёсини кўмган бўлса-я ҳали?!

Тоға бироз энгашиб йўлак бўйлаб юрди. Тахминан ўн беш одимлардан сўнг ғор тубига етдилар. Шифт ўпирилиб йўлак беркилиб қолган эди. Аммо улар кутган хум ҳеч қаерда кўринмасди. Фақат ҳар ер-ҳар ерда қабрга ўхшаш тепачалар дўмпайиб турибди. Тоға бошда шу тепачаларга умид тикди. Қўлидаги фонарни Саидга тутқазиб, биринчи учраганини кавлаштира бошлади. Салдан кейин булкуррак учи нимагадир тик этиб тегди. Тоға тиззалаб тупроқни титкилай кетди. Қўлига илинган аллақандай темир бўлагини ёруққа солиб кўрашкан, кетмон синияи, айтдим-ку бу ерда бир нима бор, деди.

Ташқарида туёқ товуши эшитилганда, тоға терга тушиб, тепачани йиқитиб бўлган эди. Ишдан тўхтаб, қулоқларини динг қилди. Туёқ товушлари тобора яқинлашмоқда эди.

— Оббо, шу етмай турувди, — Тоға хунук сўкинди. — Аста бориб қарачи, ким экан. Сездириб қўйма тагин.

Саид тўйнука етмай, туёқ товушлари бирдан тинди. От пишқириғи эшитилди. Тўйнуқ ҳийла тепада, бола ҳарчанд уринса-да, бўйи етмади. Қизиқ, кеча қандоқ чиқди экан? Бир сакрашдаёқ ўзини ташқарида кўрган эди-ку. Энди ноилож чироқ ёруғида тупроқ титкилаётган тоғасига юзланди.

— Бўйим етмаяпти, тоға, — деди гуноҳкорона.

Тоға ташқарига мўралаб, ўн-ўн беш одим нарида гоҳ пастдаги машинага, гоҳ тўйнука ҳайрон боқиб турган Олим чиноқни кўрди. У тўйнуқдан бош кутариши билан от хуркиб кетиб, чол учиб тушай деди.

— Эби, Нусратвоймисан? Нима қип журибсан бу жерда?

Тоға энгил-бошини қоқа-қоқа, қаншари остидан унга ўқрайиб қаради.

— Томоша, — деди тўнғиллаб.

— Нимаси томоша экан бунди? Тупроқ босиб қоса, кўрардинг томошангди. Кап-катта жигит, қип журган ишингди қара-я.

Чолнинг отдан тушганини кўриб, тоғанинг энсаси қотди. Чол энди роса эзмаланади. Қулоғингни қоқиб қўлингга берса ҳам керак.

Бу орада тўйнуқ тепасига бориб, ичкарига кўз ташлади.

— Э, тагин биров бор шекилли? — деди ҳайрати ошиб. — Э, ана, тиллатопар бола-ку, — чол ҳеҳелаб кулди. — Сен бола жуда тилла топқич чиқиб қолдинг-ку, а? Тагин Самандарбойдинг хазнасини қидириб журган бўма? — у қамчисини узатди. — Ушла. Маҳкам ушла. Ҳа, баракалла. — Болани ғордан чиқаргач, жиддий сўради. — Узи бу жерда нима қиляпсизлар?

— Тулки овляямиз, — деди тоға киприк узмай.

— Бе, саратон чилласида даштда тулки нима қилсин. Улар ҳозир тов тарафларга кетган-ку. Айтганча, ҳозир тулки овлаш мумкинмас.

— Бизга мумкин, — деди тоға чолнинг гурунглашмоқ тарадудидида жойлашиб ўтирганидан баттар ғаши келиб.

— Нима, сени шохинг борми?

— Битта боласини тутиб, кетсамми девдим.

— Тулки одамга эл бўмайди, — деди чол тоғанинг эрмаклаётганини пайқамай.

— Мен уни махсус мактабда ўқитаман.

— Жўғай, тулкиниям мактаби бўладими? — ҳайратдан чолнинг қошлари керилди. — Ё мени мазах қиляпанми?

— Мазахи нимаси. Ҳозир ҳамма нарсанинг мактаби бор. Ҳатто фаҳм-фаросатнинг ҳам...

— Унда сен бу жерда бекорга ўралашма. Қизилжарга эн. Икки-уч жерда инини кўргандай бўвдим. Бирини тут-да, бир амаллаб изингди жўғат. Жўғасам, боласини қидириб келабериб, товуқларга кун бермайди. Хумпарлар жуда жомон келади. Бола ҳаммага азиз-да. Ҳов бирда...

— Қизилжарда нима қиламан? — Тоға чолнинг гапини бўлди. — Бизга шу ер маъқул. Сиз келмаганда аллақачон бирини тутган бўлардим. Мана кўрасиз, сиз кетишингиз билан биттасини тутиб оламан.

— Жўғай, — чол тўйнука шубҳа билан тикилди. — Жоввойи жондор жоввойи жерни хуш кўради. Одам қўли теккан жерни макон тутмайди у. Одам исидан... — У тўйнуқдан кўз узиб, тоғача синовчан қаради. — Тулки дейсан, ғор жақинда очилганга ўхшайди-ку. Илгари ҳеч кўзим тушмаган. Кечаям кўрмаганман. Ғорариқди очилишини кутиб журган аҳмоқ тулки бор экан-да сенга. Ҳалиям бўса, Қизилжарга жўна. Бахтинг човиб битта-яримтасини тутиб олсанг зора.

— Ғорариқ? — Тоға сергак тортди. — Қанақа Ғорариқ ҳақида гапиряпсиз?

— Мана шу Ғорариқни айтяпман-да, — чол сийрак киприкларини пирпиратиб, ерга кафтини тап-тап урди. — Нима, ҳеч эшитмаганмисан? Отанг айтиб бермаганми? Унда мендан эшит. — Чол гуруннга мавзу топилганидан қувониб, тоғани ўтиришга таклиф этди. У бўғинлари бўшашганча турган жойига шилққа чўкди. Олим чиноқ тили тагига бир кафт нос ташлади, ички бир мароқ билан ҳикоясини бошлади. — Бий жамонлар қийрқбулоқдан уш тегийман шув шиқарди. Шуви шийиниди. Ҳозиям шийин, — Чол оғзи

тўла нос билан гапириб маза қилолмади шекилли, носини туфлаб ташлади, кафти орқаси билан лаб-лунжини артиб, давом этди. — Ҳозирам булоқ сувидан ичаман. Бир кўзаси чойимгаям, овқатимгаям жетади. Шу десанг колхўз тузими жиллари лалмига сув ҳайдайдиган бўлди, фикр мендан чиқди, одамлар маъқуллади. Дунё ўзимиздики деб керилиб журган пайтимиз, бир жил қиши билан ариқ қазидик. У вақтлар трактир-практир деган нарса ўрни-туви<sup>1</sup> билан жуқ, қопда тупроқ тошиб Тошлисойни тўлдирдик, чўкичминан манову қирди боврини тешдик. Буни тешгунча, эҳ-ҳи қанча азоб тортмадик. Бу бизга осонга тушмаган. Икки жигит тупроқ тагида қолиб новуд бўлди. Бири Момохол кинначининг кўз очиб кўрган эри эди. Собир халта дердик уни. Ҳар бир билага харидай-харидай... полвон жигит эди, раҳматли. Момохол кинначи кўп куйди, кўп жиллар эр қимай журди. Кейин Раҳмон бангининг этагини тутиб, ундан бир ўғил, икки қиз кўрди. Ули бетамиз чиқди. Аскарликка кетиб, ўша ёқда уйланиб қолди. Энасини ўлимигаям кемади, имонсиз. Шуйтиб десанг, лалмини боғ қилдик, ҳаворга<sup>2</sup> пахта экдик. Орадан сағал ўтмай, шу билмадим, жиллол жилимиди, балиқ жилимиди, аниқ эсда жўк, жер қимирлаб, булоқдан сув қочди. Мингбулоқ ҳам ўша жили қуриб қоган. Колхўзга киришга ройиш бермагани учун Уроқ чолди айириб, яккалаб ташлагандик. Бизга ачув қип, у दौरа бўйида жой қилди, чархпалак ясаб сув чиқарди. Мияли эди, баччағар. Кейин бутун қишлоқ пастга энди. Форариқ шу созда кўмилиб кетди. Бир замонлар бундан уч тегирмон сув ҳайқириб оқарди десанг биров ишонмайди. Оқуви зўр эди, кела-келгунча нишобликда. Ана қарагин, ҳалиям изи бор.

Ҳақиқатан ҳам чол кўрсатган ёнбағирликдан бир кетмон чуқурлигида ариқ изи ўтган бўлиб, нариги боши буғдойпояга, беригиси туйнуқдан сал куйироққа келиб тақалганди.

Умиди саробга айланган тоға бўғзига келиб тиралган заҳрини кимга сочишини билмай танг аҳволда қолганди. Чолнинг оғзига тикилиб, анқайиб ўтирган болага сочай деса, сир очилиши тайин — чол унинг қилиғини бутун қишлоққа дoston қилади. Ичига ютаи деса, баданига уриб кетадигандай, чидамоқ қийин эди.

— Ариқ баҳона Самандарбойнинг тилласини қидирган бўлманг тағин?! — деди охири чидаёлмай.

— Эй-й, болам-эй, Самандарбойда тилла нима қилади, — деди чол унинг заҳар тўла кесатиғига эътибор бермай. — Тилласи бўса кўярмидик. Бурнидан ситиб олардик. Аммо бойдинг, бир хум тилла кўмдик, худо насиб этиб, қайтсам, жалофингни тилладан ясаб, итимди қаватиға бойлаб қўяман, дегани чин. Аслида ҳеч қандай тилласи бўмаган, аламдан айтган бу гапни у.

— Унда шунча гап, шунча ваҳима нимага керак эди? — деди тоға чолнинг гапидан ғоят таажужбда.

— Энди... буям бир ҳангома-да, бўтам, — чол гуноҳқорона илжайди. — Айтабериб-айтабериб ўзим ҳам чиппа-чин ишониб қопман. Қирга чиқсам, тўрт томонимга қарайман, қидиринман десанг. Худди... Сенга айтсам, бу ҳангомадан журак курғурди ҳоври андак босилади. Нимага десанг, савобимиздан гуноҳимиз кўп. Замон шунақа эди, бой зоти борки, кўзимизга ғаним кўринган. Жўқса, Тўрабой билан Чўлибойдан бошқаси ғанимликка ҳад қилолмаган. Тўрабой отиша-отиша афғон ошиб кетди. Чўлибойди Қизилжарда аскарлар отиб ўлдирди. Қолганлари беэи — айби ўзига тўқлиги эди. Олди-ортини суриштирмай бадарға қилаберибмиз, кейинини ўйламабмиз, мана энди ҳар эслаганда журак туз сепгандай жиз-жиз ачишади. Журакди тафтини босиш учун Самандарбойдинг жўк тилласини бор хаёл қип чайнаб журибмиз-да. Шу билан ўзимди гуноҳдан форуғ сезаман. Киши кўнгли кўп қизик-да, а, Нусратвой?

— Бу гапларни нега менга айтяпсиз?

— Кимгадир айтишим керак-ку ахир, болам. Менам тирик жон... кимгадир журагимни бўшатгим келади-да. Бошқаларга айтсам, ишонишмайди, чол алдаяпти, деб ўйлашади. Кеча Тўлаганбойга айтсам, жомон қарибсиз, бобой, менга жуқмади, бошқаларгаям бўмасин дейсиз-да, а, дейди. Тағин, минг ўтирик айтманг, ўзингизди минг у ёқ-бу ёққа ташламанг, кимдир биров барибир товуб олади дегани зиёда. Ҳатто Тўлаганбой ишонмайди менга, бошқаларни-ку қўяберасан энди.

Тоға ўзини босишга қанчалик уринмасин, қишлоққа келган куни боланинг ношудлиги туфайли вужудини ўртаган алам ҳисси секин-аста юрагини исканжага ола бошлади. Самандарбойнинг ҳазинаси ёлғон бўлиб чиқишини мутлақо хаёлига келтирмаган ва уни ғорнинг аллақайси бурчида кўмилиб ётганига шубҳа қилмай турган бир пайтда чолдан аниқ ҳақиқатни эшитиш унга жуда оғир эди. Ахир ғорга тушгунча не-не ширин хаёлларга бормаганди. Мана энди ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Шу тобда у сўкинишни, бақирришни, ичидаги бор заҳар-заққумни кимнингдир афтига туфлашни истарди. Бу истак дақиқа сайин кучаймоқда эди. Шусиз таскин тополмаётгандек туюларди. Уша кимдир шундоққина қаршисида ҳамон эзмаланиб ўтирарди.

— Сиз ёмон одам экансиз! — деди ниҳоят овози қалтираб.

<sup>1</sup> ўрни-туви — ўрни теги

<sup>2</sup> Ҳавор — тепалик

— Ҳа, жомон бўганмиз, болам.  
Тоғанинг «тупиги» оғзида қолди. Чолдан у эътирозли жавоб кутганди. Нордон жавоб юрагини бўшатишга имкон бериши керак эди.  
— Ёмон... жуда ёмон одам экансиз! — деди у яна саркаш бир оҳангда.  
— Энди-и, ўтган ишни бетга сома-да, бўтам.  
— Йўқ, сиз барибир ёмон одамсиз! Аблахсиз!  
— Сенга ўзи нима бўлди, улим?  
Бола эсига тушиб, тоға унга юзланди.  
— Сен эса эшаксан! Ношуд, ландовур, аҳмоқсан!  
Чол билан бола тўсатдан жазавога тушган бу одамга анқайганча тикилиб қолишди.  
— Сенга нима бўлди, улим? — деб қайта сўрарди чол. — Тинчликми ўзи? Чотиға сўна жовишган бузоқдай бунча ирғишлаб қолдинг.  
— Ҳеч гап!.. — Тоға титроқ бармоқлари билан чўнтагидан сигарет оларкан, пўрим энгил-бошини тупроққа беланганини кўриб баттар қутурди. — Э, ўша Самандарбой-ингизиям, сизиниям... Сизни ўзи ким чақирди бу ерга?! Нима қилиб эзмаланиб ўтирибсиз?! Туринг! Кетинг!  
— Тувба! Эшакмия жеганми бу бола! — Чол тиззаларини шиқирлатиб ўрнидан қўзғолди. — Худоё тувба! Нима бало, қутурган ит қопганми дейман буни!  
— Ув-в, оғизга қараб гапиринг!  
Чолнинг жаҳли кўзиди, отига томон бораётган жойида шартта изига қайрилди.  
— Ана овузга қарамадик! — деди қамчи дастасини маҳкам сиқиб. — Хўш, нима қилмоқчисан?! Айт! Урасанми? Ур! Қани, кўрайчи қандай ураркансан! Андиша қиған сари бунча ўзингдан кетасан! Кимсан ўзинг?! Биз хато қисак-да, нимагадир интилгандик! Ҳаммаси яхши бўсин дердик. Бунинг учун, керак бўса, қонам тўкканмиз! Чўлибойди узган ўқи ҳали-ҳали қовурғамди остида турибди. Жил ўтган сайн ўзини билдириб, жонимди тавонимга туширади. Узинг-чи? Узинг кимсан? Элнинг на иссиғида борсан, на совуғида. Худо билади, не мақсадда тентираб юрибсан. Хўш, шаҳар кетиб нима каромат кўрсатдинг? Ортиқалини боласидай каттаконликка домангирмисан? Эл-журтга манови болачалик нафинг тегмайди-ю, димоғинг тошди жоради! Э, сени ўқитганди энасини...  
— Кетинг, бобой, кетинг! — деди у гўё барчасига чол айбдордай унга еб-ютуб қўйгидек бир важоҳатда. — Йўқса, бир бало қип қўяман ҳозир!  
— Кетаман ҳалиям! Бетингни томоша қип ўтирадиган одам жўқ бу ерда! Аҳмоқ!  
— Вей, сассиқ чол! — Тоға ўтирган ерида пайпасланиб тош қидирди.  
— Тоға! — деди кўрқиб кетган бола.  
Тоға ёнига ўгирилиб, болани кўрди. Ҳамма-ҳаммасига мана шу айбдор, деди ички бир туйғу.  
— Нима дейсан?! — деди кўзларини пахтаси чиқиб. — Йўқол кўзимдан!  
— Тоға! — деди бола бундан ортиқ нима деярини билмай.  
— Нима тоға! — у боланинг юзига тарсаки тортиб юборди. — Тур, йўқол!  
У чалқанча ағдарилиб тушган болага ортиқ эътибор бермай, узалиб сал наридаги тошни олди-да, уни туйнукка қараб отганча бўралаб сўкинди. Кейин машинаси томон юрди. Ярим йўлга боргачгина, ортига ўгирилди. Бола белкурак тутганча ҳануз туйнук ёнида турарди.  
— Юр! — деди у дўқ билан.  
Бола саркаш бир қиёфада бош чайқади.  
— Юр деяпман сенга! — Тоға унга қараб бир-икки одим ташлади.  
Бола кетига тисарилди.  
— Аммо тутиб олсам... — Тоға ер тепинди.  
Бола у қувиб етолмайдиган масофага бориб тўхтади.  
— Юрмасанг юрма! Менга деса, бўри еб кетмайдими сени!  
Тоға машинани муюлишгача елдириб келди-да, илкис тўхтатди. Кетаверишга кўзи қиймади. Машинадан тушиб, кафтини пешонасига қўйганча қир томонга кўз ташлади. Бола Ғорариқ изи бўйлаб секин кетиб борарди. Буғдойпояни кесиб чиқса бўлди, киш-лоққача етиб олади. Тоға боланинг ушоқлигини энди пайқаяётгандай, унга узоқ тикилиб қолди. Узидан-ўзи ўкинди, сўнг ғудраниб сўкинди. Қизил духоба сирилган юмшоқ ўриндиққа оғир чўкдию рул чамбарагига кўксини босганча номаълум бўшлиққа термулиб ўтириб қолди.  
Кечга яқин тиллаларни айритомлик Унар соқол олгани маълум бўлди. Бу хабарни кишлоққа Акбар милиса топиб келди.  
Бу пайтда тоға шаҳар йўлида эди.



Асқар Мақкам

# Табакжух

Заҳриддин Муҳаммад Бобур рўзгорига доир  
шеърӣ қисса<sup>1</sup>

## Муқаддима

Топмадим, теурий шахрудлар аро  
балиқлар мендан-да хароб эдилар.  
Заъфар таналари узра тиллолар  
дарахт сочларида зардоб эдилар.  
Топмадим, илохий чорраҳаларда  
орифлар карвонин сарбонларини,  
жаҳоний хирмонни тўнди ўғрилар,  
сичқонлар кемирди девонларимни.  
Топмадим, манглайим лавҳин синдириб,  
бир чизги — бир ёзмиш, бир толе, бир тож.  
Қабрлар томоғин йиртиб дод солди,  
ҳар чаноқ устида кўрдим ҳақир тош.  
Топмадим, нигорон фалак беваси —  
моҳтоб исматин бузган кўзларни,  
мен кўрдим шамоллар оғушида маст  
ҳомила боғлаган самбит қизларни.  
Топмадим, аъмоли дунлардан дунроқ,  
толеи тундан-да тунроқ, юпунроқ...  
Кўрдимки, борларнинг песи ҳам холдир,  
ўзимдек бир ҳақир топмадим бироқ...  
Топмадим, эй дилим, эй дил, эй дилим,  
эй кўнглим, эй кўнглим, девона кўнглим!  
Сен қайда, мен қайда, маконинг қайда?  
Ўзимнинг яқомга етмайди кўлим.  
Топмадим, эй кўзим, эй кўз, эй кўзим,

<sup>1</sup> Ойнома нусхаси.

эй чашмим, эй чашмим, эй бийно чашмим!  
 Сен қайда, мен қайда, маконинг қайда?  
 Гуноҳкор заминда бегуноҳлар ким?..  
 Топмадим, шабистон васвасалари  
 томирим оралаб оқдилар гувлаб.  
 Лабларим қақради, кучоғим куйди  
 ва... сўфий қизини кетдим ўғирлаб.  
 Топмадим, на ундан баҳра, на ўздан.  
 Қилдек бир қиличман, қинга сиғмадим...  
 девона айлади оқибат бу ишк,  
 ерларни юмдалаб, дод деб йиғладим.  
 Топмадим, руҳимнинг гадоларига  
 биров на нон берди, биров на боқди,  
 сўнгагим санчилиб қолди йўлларда,  
 сочларим оқарди, қароғим оқди.  
 Топмадим, хонақоҳ остонасидан  
 на ному на нишон қолдирди мулҳид,  
 улоқдим дарбадар, мазгил-бамазгил,  
 меҳрни ит еди, кўнгилни ҳам ит.  
 Топмадим, дедимки: «Эй ой, эй Бева,  
 сени ҳам никоҳлаб олдиларми, айт?!»  
 Махлуқлар яралди одам шаклида,  
 хокипо мозорлар узра оқибат.  
 Топмадим, кўрғонлар соҳиби қани?  
 Ёпдилар кўнгиллар қопқасин қулфлаб.  
 Сен кимга кераксан, эй бесоҳиб жон,  
 кимники истадинг, кетдилар... туфлаб?!  
 ...Топмадим, эй ашким, фируза ашким,  
 кўзларим ҳавзида балиқлармиди?  
 Қоп-қора абрлар аро юлдузлар  
 фалакка сочилган тариқлармиди?  
 Топмадим, қонимга белаб илкимни  
 артаман кўксимдан ишқнинг доғларин.  
 Асҳоблар жасадин чуқурларида  
 чумоли излайди дил ушоқларин...  
 ...Топмадим, на шуқуҳ, на шон, на шифо,  
 қаъримда яшадим макнун, озурда.  
 Суягим сарғарди, юзим сарғарди—  
 дарвешдек улоққан маҳтоб остида.  
 Топмадим, ҳар гиёҳ бандидек титраб,  
 баҳорлар мисоли ўтдим беқадр.  
 Жаранглаб сочилган қорлар — нидолар  
 Оллоҳнинг энг сўнгги оятларидир.  
 Топмадим, қоп-қора сочларин ёйиб,  
 йиқилди яланғоч осмон бурдаси.  
 Дарёлар хуржунин тешиқларидан  
 тўкилган тошлардир — тўлқин мурдаси.  
 Топмадим, сарғарди пари осмоннинг  
 ҳилоли, камари, қоши қалами.  
 Руҳимда оҳ урар мендан-да бурун  
 телбавор банданинг фано алами.  
 Топмадим, мен ўнган жаннат маъволар  
 боқарди кеч кузак танаси каби,  
 аччиқдир ҳар неки ўтиб кетгандир,  
 аччиқдир ҳаттоки ёрларнинг лаби.  
 Топмадим, эй Бобур, дайри фанода  
 тулпорлар туёғи қадар собир эр,  
 ё тангрим, оламда шундай мард бўлса,  
 шафқат қил, ул мардни аввал менга бер!  
 Топмадим, эй Бобур, мардуд тунларда  
 Андижон хокидек чимдимгина ер,  
 ё тангрим, оламда шундай хок бўлса,  
 қарам қил, ул ерни аввал менга бер!  
 Топмадим, эй Бобур, на бирор одам,  
 на ватан, на мозор, на ёр, на меҳр,  
 Ё тангрим, имонни саломат қилгил,  
 ё тангрим, осон қил, ўзинг мадад бер!..



Тишларин гизлади очун ганжлари,  
дедим, эй бас, фано ҳаққи — кафаним...  
Мен келдим адашган дарёлар каби,  
қисмат тўлкинида чайқалди таним.  
Бир тубсиз жаҳаннам эди ул офат  
ва иблис измида тентидим мардуд.  
Шояд бир бокира сабоҳ олдидан  
бу мажнун руҳимдан чекинар вужуд.  
Биримиз подшоҳу биримиз гадо,  
яшадик босирқи туш янглиғ ўтрук.  
Одамзод яралган бу кўҳна дунё —  
ўнг соҳил сориға элтгувчи кўпрук.  
Унутдик бул кўпрук сўл томонида  
умримиз ҳаққини, қазо ҳаққини.  
Қай ёнда бир мўъмин кўрсак ўлдирдик,  
бўғизлай бошладик худо халқини.  
Минг дордан қочмоқлик мумкиндиёр ёки  
етолмас ҳеч қачон қувиб юрганлар,  
аммо бу кўпрукдан осон ўтолмас  
игна тешигидан ўтган туялар.  
Одамзод туғилмас ўз хоҳиши-ла,  
не турфа маконда, не ерда яшар.  
Минг йилда бир топар Ҳақиқат йўлин,  
сўнг яна йўқотиб йўлдан адашар.  
Эй Бобур, маломат қилма дунёни,  
Ҳазрати Одамнинг бузма тушларин.  
Вужуд кафасидан бир дарча очдим,  
фалакка қўйвордим руҳим қушларин.  
Майли, сен истасанг тожим ёндириб,  
Яссавий баайниҳ ерга ботайин.  
Юлдузлар қоврилиб ётган бу тунда  
ё раббий, мен ерда қандок ётайин?!  
...Қурбонлик келтирар ҳар кечқурун ой  
меҳрсиз тоғларнинг нигоҳларида,  
чирсиллаб кул бўлар сочлари тилло,  
қоп-қора даранинг ўчоқларида.  
Қурбонлик келтирар ҳар тун юлдузлар,  
фалакка сочилган хунлари ёруғ,  
сиз-чи, айш сурдингиз гулруҳлар билан  
танаси юлдузлар қонидек тотлуғ.  
Ҳақиқат даштида зикр тушганда  
Оллоҳнинг яланғоч, оч бандалари,  
сиз-чи айш қилдингиз, нигоҳингиздан  
йилтираб сирғалди нафс маддалари.  
Улар ҳақ йўлига тушганда йиғлаб  
беш кунлик умрнинг ишқидан кечиб,  
сиз аёл қўйнига кирдингиз сармаст,  
фосиду қонюқи танангиз ечиб.  
Ҳақиқат кунжида ётганда қақраб,  
девона руҳидан жудо ошиқлар,  
парилар қорнида қонингиз қизиб,  
сиз «дунё» дедингиз, аё фосиқлар!..  
Сочлари ўралиб саксовулларга  
сахрода ётганда бир ит, бир. Мажнун,  
мурдор танангизни уйғотмоқ учун  
қошингизда қотди минг битта хотун...  
Тикилдим, дунёнинг сўқир кўзлари  
менинг нигоҳимга тўқинмадилар,  
тикилдим, қотиллар қонга қон ичди,  
тавба қилмадилар, ўкинмадилар.  
Термулдим, даҳрнинг кўр кўзларидан

бир нур таралмади, бир шикаста нур,  
термулдим, термулдим, баногоҳ билдим  
ки, дунё кўр эмас, менинг ўзим кўр!  
Думалаб келдилар қонга беланиб,  
сочлари тўзғиган кесик қаллалар,  
тушларимга кирди вовайло қилиб,  
гоҳо шармандалар, гоҳо бандалар.  
Ҳазотнинг муборак онлари етди,  
шаҳидлар жонида бошланди исён,  
тоғларга оҳиста бургутлар инди,  
Улуғтоғ устида гўё Темурхон...  
Нур инди шамширлар тиғига кўкдан —  
қонларга бахш этди руҳилло сафо,  
шеър айтди Яссавий қаландарлари,  
дуога кафт очди Авлиё Ато.  
Кўзларда ярақлар илоҳий дуо —  
Ҳақиқат офтобин шаъшаалари,  
милтирай бошлади жаҳолатгоҳлар,  
қони қоқ қақраган қалбларнинг қаъри...  
Юз йиллик чуруган гавдалар аро  
илвириқ жонларга қарамас ҳеч ким,  
машомлар боғида чаҳчаҳлайди бўй —  
шаҳидлар қонидан таралган насим.  
Азалий ўнгиган таналар ичра  
ажалга интизор жонлар титрайди,  
жувонмард йигитлар руҳи юксалар,  
имонсиз кимсанинг куни битмайди.  
Тулпорлар туёғи чақнаган тунда  
ҳар йигит жонига боғловлик ришта —  
йиғлама, ғазотнинг пок сингиллари,  
сочларинг ерларга солма, фаришта.  
Йиғлама, ғазотнинг ҳалол туллари,  
эримиз қайда деб оҳ чекма зинҳор.  
Қабрлар оралаб, мозорлар кечиб,  
танасин истама, руҳи томон бор!..  
Боравер, ғазотнинг ҳалол беваси —  
оёғинг остида ётган жисммас!  
Оёғинг остида ётган бу жўмард  
Ҳақиқат даргоҳи сари учмиш, бас...  
Ҳасрато. Осафо. Дардо. Дариғо.  
Енгларда пичоқлар ярақлаб ўчди.  
Не бир мард йигитнинг руҳи танадан  
ювуқсиз ва ҳаром кўйида кўчди.  
Ё раббий, тоғларнинг қорлари куйсин,  
булоқлар чарақлаб оқсинлар куйи!  
Кушхона пойида яшаган итдек  
Бобуринг бу олам ҳаққидан тўйди...  
...Тун кечар. Юлдузлар хира ва совуқ.  
Аёзли тонгларнинг тақаддус боди,  
бир ёнда гуноҳлар, бир ёнда армон,  
бир ёнда Ватаннинг азоси, ёди...  
Ловуллар ой аро фалак доғлари,  
сирғалар булутлар узра бир тобут.  
Пойида дарёлар ётмишдир ўлиб,  
устида ярақлар қўрғошин совут.  
Қамишзор чайқалар лашкаргоҳ қаби,  
қонига беланиб куйлайди азал.  
Кўз ёшлар сизилиб оққан жисмидан,  
тикилар сипоҳлар ёзмиши — ажал...  
Тулпорлар томоғин йиртиб кишнайди,  
уларнинг ортидан тойчоқлар келар.  
Лашкарлар жон берар фалакка боқиб,  
қалқондан оққан қон ой юзин белар...  
Фалакда юлдузлар камайган сайин,  
заминда кўпайиб боради гўрлар.  
Далалар бағрида тулпорин кучиб,  
тупроққа айланиб борар ёвқурлар.

Оқибат авлиё каби тўлин ой,  
тун бўйи ёқади уларнинг шамин.  
Қон юқи қизғалдоқ бўлиб гуллайди,  
лашкарлар жисмига тўймаган замин.  
Кафанлик келтирар оппоқ тумандан  
далалар бағрига фаришта субҳлар,  
Ул шамнинг шуъласи инган дилларда  
шамширлар тиғидек улғаяр руҳлар...

## Мирзо Бобурнинг қазо ва қадар ҳақида ўйлаганлари

Сахролар сув бўлар, чашмалар туман,  
чирмалар куёшнинг ўтлиғ камари.  
Оқибат юз бурар авлоди башар  
охират моликин боргоҳи сари.  
Оқ кафан барини юзига суртган  
зоҳидлар қошида турар орифлар,  
кўзлари ўйилган шоҳлар ортидан  
оҳиста рахт тортар аҳли соиблар...  
Анжирзор боғлардан таралар анбар,  
товуслар бағрида ҳазрати Ҳавво,  
нақадар бокира жуфти ҳалолсан,  
о, покруҳ сабия, сочлари савдо.  
Ошиқлар унутар тарсу ҳаросда  
энг олий хилқатнинг жодуларини,  
бир оққуш қаноти билан яширар  
судрасиз сийнанинг олуларини.  
Ғаззолий айтгандек: «Эй аҳли башар,  
шу қадар пастсанки, ҳатто итмассан..»  
Иймон ғуробига тириклай кириг  
ғуру ойинингиз куйиб битмасдан.  
Иблис муридлари кезарлар беҳуш,  
лаънат муҳри аён қаншарларида.  
Пориллар минг битта малоик қони  
тутунсиз оловнинг ханжарларида.  
Иқтидо қилганлар муфлису дунга  
бўғзидан қон янглиғ пуркар тавбасин.  
(Оҳ, Аёл, тарикча гуноҳинг бўлса,  
ҳарам оҳулари сени асрасин!..)  
Осийлар тентирар ҳиссиз, садосиз,  
борлиқ узра ҳоким молихулиё.  
Кўрдилу кардиллар қулоғин ёрар  
Борбад юлдузидан янграган хунё.  
Шукрки, сен борсан, ё рўзи маҳшар,  
шукрки, сен борсан, эй улуғ азоб.  
Ташна замин узра майи нур кўяр  
Фиръавн жомидек лаболаб моҳтоб.  
Ё раббий, минг қатла ўзингга шукр,  
зиёда кўрмассан бунда ҳеч кимни,  
Жисмим адо бўлар, жоним жон узар,  
жаҳим оловлари чирмар жисмимни.  
Кимса кўнгил учун сўрмас ақалли  
шоҳаншоҳ Бобурнинг суворийларин,  
аммо бани башар оёғин ўпар  
ҳазрати Исонинг ҳаворийларин.  
Кумуш абр ичра нури илоҳий  
етмиш минг йилдирким сизларни излар,  
битта Ғўрўғлини яратмоқ учун  
минг бор ҳайзо бўлган муслима қизлар...  
Нақшинкор узанги ичра оёғинг  
ердан айро эди, ўлимдан ғофил,  
Оҳ, Бобур, гуноҳинг бошингдан ошди,  
оҳ, Бобур, тиловат қилгил, тавба қил!..  
Мен нима истадим? Шавкатми? Бахтми?

Қўлимда тиғ, кўксим саҳросида Қайс.  
 Ичганим кўнгиллар ичра илонлар  
 шоҳқосага солган заққум эди, бас!..  
 Эътимод қилмадим иблис мақоми —  
 салтанат фитнасин шотирларига,  
 ҳар лаҳза юз бурдим, худованд ҳаққи,  
 эътизол оламин мункирларига.  
 Ровийлар очдилар синоат лавҳин,  
 дедилар: «Эй Мирзо, ёзмишинг қаро!..  
 Иброҳим Луддининг ёй ўқи янглиғ  
 жануб боди қолди сўнгагим аро.  
 Ҳиндуқушга боқдим, онам чехрасин  
 хотирамга солди кумуш жиғалар,  
 ботин само рақсин этдилар адо  
 бомдодларда уйғок, ҳур болиғалар.  
 Ё борхудо, туман жаҳонгирдан сўнг,  
 Қуръон, қалам, қилич тутган фонийман.  
 Ё борхудо, Темур наслидан сўнгги  
 бодиялар кечган Андижонийман...  
 Мудом таъқиб қилди сўлу соғимдан  
 боболарим руҳи зору интизор.  
 Тушларимга кирди туёқлари туғ,  
 рутубатли бухор ичра бир тулпор.  
 Булут саночини йиртиб оҳиста  
 дарвиш косасига тўкилганда ой,  
 мен ҳарамни эмас, ёрни соғиндим,  
 хонақоҳга бошла, эй буюк гадой!..  
 Сўйлагил недур ишқ, недур бандалик,  
 сўйла қиёмат не ва недур қазо?  
 Хазон мавсумида хунрез боғларда  
 нечун муҳаббатдан қолди бир асо?!

## Мирзо Бобурнинг муроқабаси

Қисмат кундасига толе талашиб  
 саждагоҳ бошимни тиккан қурбонман.  
 Кўнгил ҳовузига отилган тошдан  
 даҳр лабларига сочилган қонман.  
 Қазо ўрларига унсиз йиқилар  
 тўрт азал унсурнинг азал қалъаси,  
 қароғим тубида жизиллаб куяр —  
 ярадор оҳунинг кўҳна яраси...  
 ...Эй ёр, осмонингнинг йиртиғи менман,  
 очсам жигарларим оқар хунолуд.  
 Эй ёр, лаҳаддан-да чуқурроқ ерман,  
 тутсанг фақат тубсиз жомда бода тут...  
 Эй ёр, чўққи узра ўлган бургутман,  
 лошимдан-да қўрқар ўлаксаҳўрлар.  
 Энди Бобур эмас, тошдек сукутман,  
 ё Арҳамарроҳим, қаёқда гўрлар?..  
 Эй ёр, қарсиллаган тошлар овози —  
 дараларга ботган барс панжалари.  
 Эй ёр, чил-чил кўнгил сазоси озми,  
 яна қай бир алам исканжалари?..  
 Эй ёр, фаришта, ёр даҳр саҳнасида  
 менга насиб қилди мушкул мўминлик,  
 аммо нечоғ оғир бир жоң ичинда  
 бир бор туғилмоқлик, минг бор ўлмоқлик...  
 Эй ёр, дилхаста ёр, олам уйида,  
 мудом меҳмон кутдим, душмон кузатдим,  
 сўл қўлимда қилич тутдим ва лекин,  
 ўнг қўлимда зинҳор шароб узатдим.  
 Эй ёр, шикаста ёр, бу хонақоҳда  
 «тақаддум баҳси»<sup>1</sup> да чарх урмадим маст,

<sup>1</sup> Навоий ибораси.

қисмат қалам тутди икки илкимга  
одам юлқиб олди уни қасдма-қасд.  
Эй ёр, гуландом ёр, бу дайри дунда  
тубан кетган сайин кетдилар бадар,  
одам фарзандларин еган ул чоҳнинг  
қирғоғига чўкдим мункир, мукаддар.  
Эй ёр, ҳурлиқо ёр, бу қаро ерда  
тупроқ оғушидир аслида висол,  
қолган оғушларнинг бари эртанги  
замин дийдорига тўқилган тимсол...  
Эй ёр, меҳрибон ёр, ҳамма ўтқувчи,  
ҳамма бесарамжон, ҳамма нофаржом,  
ажал хато қилиб минг йил яшасин  
ерга кирмас экан, одам жисми хом...  
Эй ёр, вафодор ёр, мени маъзур тут,  
нима дедим кўнгил ройишидир ул,  
мени яна не-не куйга солурсан,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Бирда мусҳаф, бирда захру заққумда  
қилич сопин қаттиқ ёғжимлаган қўл,  
аммо танҳо сенинг амрингдир вожиб,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Менинг сувратимга дил боғлама, дўст,  
замиримда зиндон ичрадурман — қул,  
ковак бўғзида бир мор ташлаган пўст —  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Мен-да ёри зорман, мен-да хору зор,  
мен-да Мажнун, мен-да бир беасар гўл,  
силсилалар қатор, салсабил қатор,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Қисматингни аён айладинг охир,  
мендан қолажак қул, сендан қолар қул,  
эй менинг бағримга кўнган мусофир,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Ким йиғлади — осмон, ким йиғлади — қон,  
ким йиқилди тепиб ўтди ёвуз гўл,  
қайга кетар бўлдинг, хайр, шодравон,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Маснад ғорларида, ҳарамларида  
дунё неъматига тўйдинг, ҳазир бўл,  
бир зум тирик ётгил. замин тагида  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Хобларимга кирар магар бир тилсим,  
ердан фалак қадар гул тўшалган йўл.  
Бу йўл бошида ким? Охирида ким?  
Эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Қирқ бир ҳужра ичра қирқ битта ҳавас,  
дарвозадан чиқдинг бешарм, беғусул,  
соҳилга етдинг сен, дарёга эмас,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Сенинг манзилинг кўп, мен-да отликман,  
гоҳ раҳмону расул, гоҳ айшу усул,  
сен ҳам ошиқ эдинг, мен ҳам ошиқман,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Оёғим етганча кетарман дедим,  
томоғимни ёрди навҳаи булбул,  
сен бир гадо эдинг, мен подшоҳ эдим,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Юзимизда на нур, на ойнинг доғи,  
бир афсона эди, афсун эди ул,  
забонингни сўраб кетди ширмоҳи,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Оёқ ости бўлар оқибат ҳар туғ,  
шоҳу шоир бўлиб анлаганим шул,  
оёғингдан чалиб кетди боди сурх,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!

...Армон шохқосасин қоллади моғор,  
юзларимда ажин — занжир, тушунгил,  
шабларингда шингил юлдуз — узумзор,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Неча кесилган бош тутдинг бу кўлда,  
ўзинг бошингни-да кесгилу сўнгил,  
бир оёғинг гўрда, бири сунбулда,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Бизгача бу қисса минг бор ўқилди,  
сариф авроғини тағин очди ул,  
суягим қарсиллаб ойга туқинди,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Анда орим қолди, анда қолди жон,  
туз, оҳ, Заҳириддин, Муҳаммадий бўл!  
Ичиб бўлдим, ичгил, илкимдаги қон,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Қазо камонидан тўрт ён отилдим,  
мен санчилган ерга етмас ҳеч бир қўл,  
сени дарёи ҳақ ичра ботирдим,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Мустаманд дарвишнинг ўтлуғ оҳлари  
шаҳр аро кўпди ғавғою ғул-ғул,  
Ҳазрат Нақшабандий сукутгоҳлари, —  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Сарбон эдим, неча карвондан қолдим,  
Маккага қай ён йўл, сенга қай ён йўл?  
Ҳазрати Одамдан қолган ёдгорим —  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!  
Тан хокдони ичра минг асрор қорган,  
жаҳаннам ичра ул мужгонлари ҳўл —  
чумоли измида Каъбага борган,  
эй кўнгил, эй кўнгил, эй телба кўнгил!..  
...Афсус, сенга томон етмайди қўлим,  
аромизда йўллар, кўприклар барбод.  
Мурувват қил, парча-парча, эй кўнглим,  
манзил-маконингга қайтгил, хайрбод!..  
Мен бу саҳроларга келгунча етиб,  
вужудимни бердим чарх шамолига.  
Нечун томоғимга келдинг қон кечиб,  
нигоҳинг тушдими ҳақ жамолига?..  
...Фарёд янглиғ узун эди бу тунлар,  
оғриқ каби оғир эди кечалар.  
Худоё, не кунлар, не қаро кунлар  
мўъмин-мусулмонлар бошидан кечар.  
Ғоят кескир эди томоғимда жон,  
Ҳақиқат саҳроси бир лаҳза эди,  
лабим ортидаги бу қадим жаҳон  
суягимни еди, сабримни еди...  
...Бу толе шўр эди, яламоқ учун  
сенинг тилинг етмас, менинг насибам.  
Дарвоза қошига келтирдим букун,  
Ҳақиқат кўйига қолди бир қадам.  
Қара, осмонимиз ич кўйлагида  
юлдуз зардўзлари қадаган ўт бор,  
сен билмайсан, дўстим, кўйлақ тагида  
Ўн саккиз минг олам ва Парвардигор...  
Ўн саккиз минг олам ва Парвардигор,  
замин тобутлари ёздилар япроқ.  
Ҳурлар қанотидан оқди ҳил-ҳил қор,  
ялпиз бўйи билан келди ал-мийсоқ.  
Одам жисмин хилват-хилватларида  
акс-садо берди илоҳий саслар,  
абас эди ҳатто замин қаърида  
бу кун урчиб ётган аҳли нокаслар.  
Ер косаси ичра қуртлар шаробин  
майитларга берди бир телба соқий,  
менинг кўзларимнинг аччиқ зардоби

лабларимга оқди, кўксимга оқди.  
 Кўрдим, юрагимга мунглуғ тушлари  
 аста сингиб кирди авлиёларнинг...  
 Биби Фотиманинг мўъмин қушлари,  
 нечун сўйламасдан лол қолдиларинг?  
 Дарвиш абрларнинг кулоҳларидан  
 оқаётир оппоқ қор каби оят,  
 имон хоки билан тикланган Ватан,  
 бизни ташлаб кетма охир-оқибат!  
 Дилларда тиш унди, гиёҳлар сўниб,  
 райҳону ясминлар хор ўлди — хазон,  
 сенинг оёғингга келдим юкиниб,  
 имон хоки билан тикланган макон.  
 Бизга паноҳ бўлгин, кун етиб бир кун,  
 насиб қилса, ё раб, рўзи қиёмат,  
 имон хоки мавжуд шул Ватан учун  
 пайғамбари барҳақ қилгай шафоат...  
 Томоғимга келган жони шириним,  
 маконингга қайтгил ки, соҳиб йўқдир,  
 мен ҳам дунё кезиб бир итдек билдим,  
 сенга бу оламда бир толиб йўқдир...  
 Ун саккиз минг олам ва Парвардигор!..

## Мирзо Бобурнинг Ватан ҳақида ўйлари

Чека билурсанми, дўсти бевафо,  
 бу дунёда недур ранжу хасталик?  
 Ҳазрати Румийга қилдим иктидо,  
 дедим, бошим уриб келдим — бандалик...  
 Гўё еру кўкдан ёғилди журум,  
 ҳеч ким биров учун тутмади хасни.  
 Лаболаб бир коса тубида кўрдим,  
 оппоқ соқолига йиқилган касни...  
 Иблис мақомини қаттиқ тутдилар,  
 шарофат кутдилар ғардан, ўғридан,  
 кўрдим, фалажларни босиб ўтдилар,  
 кўрдим, ўликларни сурдилар гўрдан...  
 Ватан — хотираси жизғанақ тана,  
 Ватан — тили кесиб ташланган оқин.  
 Ватан — гўрлар узра авахтаҳона,  
 Ватан — аждоди ҳақ, авлоди хоин.  
 Ватан — тишланган нон, ташланган ушоқ,  
 Ватан — муаззинлар сўйилган масжид,  
 Ватан — Баҳоваддин қошида булоқ,  
 Ватан — Нажмиддиндан кейин ўлган ит...  
 Ватан — қилич тилган манглайда чуқур,  
 Ватан — дарвишларнинг бўм-бўш кашкули,  
 Ватан — Ватан истаб чиқиб кетган гўр,  
 Ватан — қизи — жувон, занчалиш — ўғли...  
 Ватан — камарини туширган номард,  
 Ватан — хоинлари еб ётган даюс,  
 Ватан — уч асрлик жароҳат ва дард,  
 Ватан — косасидан оқиб тушган кўз.  
 Ватан — ўтганларин унутган беқадр,  
 Ватан — тириклари хотинбоз, фосиқ,  
 Ватан — ҳаром кетган майхора кампир,  
 Ватан — ёри — хоин, дўсти — мунофиқ.  
 Ватан — чордеворлар бошидаги хор,  
 Ватан — соқоллари тош қотган тўзон,  
 Ватан — кулбаси тор, хилхонаси тор,  
 Ватан — биялари ўлган биёбон.  
 Ватан — кўзларига оқ тушган гўдак,  
 Ватан — маҳбаслардан иборат маҳбас,  
 Ватан — минг бир шоҳга ёлғиз югурдак,

Ватан — юз шохгага бир тутамлик хас,  
 Мен қаёнга боқдим, нигоҳим қувиб,  
 бир мурод топмадим, бир ёд топмадим,  
 кимдир вужудимни ташлади чувиб,  
 юрагим йиртилди, юзин ёлмадим.  
 Айтдим, эй бекафан, атрофинга боқ,  
 вужуд зиндонбони ул кеч узилди.  
 Жисмим хирмонида янчилган бошок,  
 одам хато кетди, олам бузилди.  
 Сен ҳам жайрон янглиғ кетдинг камайиб,  
 сийна — сийна эмас, кўнгиллар қабри.  
 Одамзод ҳар сафар ложарам, майиб,  
 бир одим ташлайди таназзул сари.  
 Тутлар пўстлоғини илондек ташлар,  
 унга гулхан қалар бир дардманд бола...  
 Улуғлар ненидир ҳамон талашар,  
 ҳаммом — ўша ҳаммом, ўша тоғора...  
 Ич, дедим, косасин тутдим юракка,  
 заққум эмас, шароб ич, эй девона!  
 Бир нафасда ўзим бўшатдим тикка,  
 лабларимга ботди иссиқ паймона.  
 Юрак беҳуд эди, гўё зиндондан  
 ҳозир ёруғликка чиққан бир ҳофиз.  
 Бармоқлари тордан қўрқар чунонам,  
 бир сўз сўзламоққа ҳайиқар оғиз.  
 Дарё тубидаги тош мисоли тил  
 жисмим сўзишлари уни элтмади,  
 сен нима истадинг, эй гурусна дил,  
 менинг битта жоним наҳот етмади?  
 Бежон чайқаларди ҳамон чашми тар,  
 олий гўзалликни чайнади ғайри.  
 Қазо эди унинг ўзи муқаррар,  
 қазо банди эди қаро сочлари.  
 Эй ит, дедим, қара, нимани единг?  
 Ахир, сен единг-ку фаришталарни.  
 (Худойим, бу итни сен нега бердинг,  
 ҳаром қилди буткул биҳиштиларни?...)  
 Эй ит, дедим, қара бу гул баргига  
 оёғингни артдинг, думингни артдинг,  
 сўнгра отдинг ҳаром жисминг тагига  
 ҳам ўзингдек ҳаромийлар яратдинг.  
 Эй ит, дедим, қара сабуҳий юздан  
 сидирдинг пардаи нангу номусни,  
 каламушлар қолди пари Билқисдан,  
 хонавайрон қилиб элу улусни...  
 Нажосат қоплади диллар бўйини,  
 парилар юлқади муфлислар чиркин.  
 Сабр қил, эй кўнгил, бу ит ўйини  
 адо бўлгай яна тўрт кундан кейин...

### Мирзо Бобурнинг фано ва бақо ҳақида ўйлаганлари


Толе тожу тахтни ғуссага қорди,  
 лаънат тавқин олтин бўйнига осиб.  
 Гура-гура келди тулпорлар боди,  
 тузлуғ манглайларнинг синиғин босиб.  
 Ғорда қолган сўнғак каби авлиё —  
 Фаридуддин Аттор, пойингда ўлай,  
 замин қозонларин тўнкарди — қаро,  
 авом ризқи тўзди ўчоқда кулдай.  
 Авом — хўра... яна ўчоғин ёқди...  
 Жамшид жоми билан ўлди... Бу — Қубод...  
 Аттор кулоҳини тизига қоқди,  
 деди: «Териб олинг, дунё ана — бод!...»



Тоғлар оёғида ётар. Хор. Жулдур.  
 Моҳтоб чўққиларга осилди — тумор...  
 Фалак ҳимматлидир, тўрваси мўлдир,  
 тупроқ тағида ҳам ҳикмат бешумор.  
 Борлиқ бу дунёга пок ҳидлар тўшар,  
 ой ҳам лаболаб бир шоҳкосада сут.  
 Соҳилларда кўзёш қилар оққушлар,  
 амвож тобутини элтиб борар руд.  
 Абр қоқар шиғ-шиғ юлдузлар тутин,  
 тоғу тошни еган айиқлар пастдир.  
 Дунё, ҳаром қилма мавжудот сутин,  
 шоҳкосага тумшуқ суққанинг басдир.  
 Азал тўймадик биз ҳирсу нафс, жондан,  
 ҳавойи жон бердик бу ғар ўйинда.  
 Шоҳлар шоқоллардек ўтган ўрмондан  
 қолди қузғунларнинг кетига кунда...  
 Баҳор бу оламнинг тотлиғ маммаси,  
 бирдек улуш берар шоҳу авомга.  
 Тоғлар ғижимлаган дарё танаси  
 ўзан оғушини тўлдирди қонга.  
 Ич, эй Бобур, бу қон шаҳид қонидир,  
 шу қадар қутлуғдир, шу қадар зилол.  
 Ич-у, ортингдаги итга ҳам қолдир,  
 қолдир чумолига, чибинга ҳалол.  
 Деди Фаридуддин Аттор: «Эй банда,  
 жоҳ истасанг паст бўлгинки, пастлик жоҳдир!..»  
 Деди Фаридуддин Аттор: «Эй банда,  
 оламда ҳақ якка-ёлғиз Оллоҳдир!..»  
 Қайсар тоғнинг чўқмор қуллаларида  
 тошлар юзин ёрган шамоллар қолар,  
 покиза боғларнинг ҳуллаларида  
 намоз ўқиётган аёллар қолар.  
 Осий замин узра собир ва сержак  
 такбир айтаётган мард эрлар қолар,  
 қирқ бир қиз сочидек ёллари гажак  
 ерни чакиб учган тулпорлар қолар.  
 Мустабид каслару мустаманд юзлар  
 бари коса тупроқ ғардида қолар,  
 чангу ғубор бўлар туёқлар, излар,  
 дардмандлар дармоннинг дардида қолар.  
 Ҳар нечук марқаддан ўтиб ой, йиллар  
 кимдир оқлик боғлиб кетган тут қолар,  
 салқит салтанатлар, қанжиқ саройлар  
 ўрнида сўнгаги заҳил ит қолар.  
 Ой юзу сарв қад, шакар лаблардан  
 чучук ҳилвираган латталар қолар,  
 бармоғи қилични эгган алплардан  
 таёққа юк бўлган хасталар қолар.  
 Жонсўзу жаҳонсўз шеърү шоирдан  
 унут авроқ ичра мубҳам сўз қолар,  
 юз йил ичилмаган аччиқ чоғирдан  
 меъдалар тубида заққум туз қолар.  
 Кўксини моҳтобга отган хур қиздан  
 қовжираган этда кўҳна бўз қолар,  
 саксон йил оламини еган тўнғиздан  
 чаноқ ичра чўккан чуқур кўз қолар.  
 Нафаси тоғларни босган ҳофиздан  
 аччиқ ичакларда совуқ ел қолар,  
 дунёни шоҳида тутган ҳўкиздан  
 ерга айро тушган букир бел қолар.  
 Огоҳ бўл, ҳеч нарса қолмас оламда,  
 огоҳ бўл, ҳеч нарса қолмас, эй инсон,  
 огоҳ бўл, ҳеч нарса қолмас оламда,  
 огоҳ бўл, қолгайдир биргина иймон.  
 Не кўрдинг, кўзингга ишонма, ёлғон,  
 не кўрдинг, дилингга ишонгил, ҳақдир.  
 Не тутдинг, қўлингга ишонма, ёлғон.


не тутдинг, дилингга ишонгил, ҳақдир.  
Қийраган шамоллар билгилки оҳдир,  
бир оҳким, танангни тарк этган нафас.  
Оҳ дегил, оҳ дегил, оҳки Оллоҳдир,  
ҳар тўлғоқ, ҳар нидо, ҳар садо, ҳар сас.  
Не билдинг, ақлингга ишонма, ёлғон,  
не билдинг, дилингга ишонгил, ҳақдир.  
Не қилдинг, завқингга ишонма, ёлғон,  
не қилдинг, дилингга ишонгил, ҳақдир.  
Билганлар оламдан басо ўтмишлар,  
ўтгандир набийлар, валийуллоҳлар  
ва умр шомида яқо тутмишлар  
чалаавлиёлар, чаламуллолар.  
Не олдинг, ўзингга ишонма, ёлғон,  
не олдинг, илқингга ишонгил, ҳақдир.  
Не дединг, тилингга ишонма, ёлғон,  
не дединг, дилингга ишонгил, ҳақдир.  
Юз йилда тўрт карра дунё қурганлар,  
жамоат тузганлар, қирғин қилганлар,  
бурнидан нарини базўр кўрганлар,  
юз йилда тўрт карра жаҳон бузганлар,  
беҳуда лоф-газоф, ҳарза урганлар,  
юз йилда тўрт карра жаҳон бузганлар,  
мўъминлар жонига бўлганлар зомин,  
тариқдек сочилиб, кулдек тўзганлар,  
Ҳақиқат илқига топшириб жонин...  
Сен-чи иймон келтир, Муҳаммад Бобур,  
Амир Темур каби аввало Ҳаққа.  
Сен-чи иймон келтир Муҳаммад Бобур,  
Темурларни берган ҳазрати Ҳалққа...  
...Товонингни тира замин дарзига,  
чакмонингни солгил дарёлар уза,  
баттар Ҳақ де ноҳақ каслар қасдига,  
қиличу қалқондан кутма мўъжиза.  
Чўк туш бир зум қисмат наҳри бўйида,  
сувга боқ, сен, ахир, шоҳ эмас, гадой.  
Қонсиз чўққиларнинг қонли қўлида  
тиши синган олтин чўқмор эди — ой...





Аёл эрки ва замон юки  
Миркомилбой қандай шахс эди!  
Уч ҳукумат қолипига сиғмаган бой

# Қирғин



Мунаввар қори  
Муножот  
Қирғинни ким қилган-у, жадига қолган  
ким эди?



Маълука Мирзаева

# Аёл эркак ва замон тоққа

ёки озодлик фожиаси ҳақида мулоҳазалар

Аёл ишласинми-ишласинми? Тенг ҳуқуқликдан нима топди? Меҳнат, меҳнат ва яна меҳнатними ё бахтни? Унинг ҳар куни ишлагани, моддий бойлик яратгани жамиятга фойдалими ё фарзанд тарбиялаб, Ватанга, миллатга муносиб ўғил-қизлар етиштиргани? Ажойиб миллий қадриятларимиз туриб, биз аёллар, бунчалар ўткинчи янгиликларга ўч эканмиз? Очил дедилар, очилдик. Илму урфон ол дедилар, олдик. Корхонага бор дедилар, бордик. Эркакларнинг ўрнини эгалла дедилар, эгалладик. Кейин эса, сочни қирқиб, бошқа қавмнинг урф-одатларидан ҳам қайтмадик. Кўнглимизнинг кўчалари кўпайди. Мана энди етмиш йил ўтиб, қарасаки... кеча янгилик кўринган, маданият тимсоли деб тан олинган, замон билан ҳамқадамлик, ҳатто қаҳрамонлик намунаси деб тарғиб этилган нарсалар туссиз, рангсиз, пуч бўлиб чиқиб турибди. Биз нимадир — энг муҳим нарсани йўқотгандаймиз. Айтиқса, сиз пенсия ёшига етиб, умрингизнинг қаймоғини қаёқдаги пуч, сароб нарсаларга баҳшида қилиб юборганингизни англаб қолсангиз... жуда оғир туйиларкан.

Мен эллик ёшдаман. Шу умримнинг йигирма саккиз йили — энг гуллаган чоғларим фирт меҳнат билан ўтди. Бу ёқда рўзғор, бу ёқда ишхона, қачон меҳнатдан бош кўтариб эркинроқ бир нафас олганимни, орзу-ҳавас қилганимни билмайман. Мана энди, пенсияга чиқиб уйда ўтириш имконияти очилганда ҳам ишхонадан кўнгили уза олмайман. Худди бир нарсдан айрилиб қолаётгандай, жамиятдан узилиб, берксиз одамга айланаётгандай сезаман. Шунчалар меҳнатга кишанлаб ташланган, эркни унутган эканмизми? Ахир бизга эрк, озодлик берган эдилар шекилли? Наҳот ҳаммаси сохтаю сароб бўлиб чиқса? Чинданам уйда қанчадан-қанча юмушларимиз бўла туриб ҳам биз аёллар ҳамон уйда қолишга кўника олмаймиз?

Ҳатто ўзим ҳам мана бир неча ойдирки, ана кетаман, мана кетаман дейман-у, аммо ишдан кўнгили уза олмайман. Боя айтганимдай, ўзимни ҳаётдан узилиб, жамиятга кераксиз бўлиб қолаётгандай туяман. Нега шундай? Нега шундай деб сўраганим сари ич-ичимдан бир жавоб отилиб чиқиб кела бошлайди: Бугун ишдан кетсанг, эртага сен кимсан? Нўлсан. Йўқсан! Сен билан ким ҳам ҳисоблашар эди. Бировнинг иши сенга тушмас экан... Ҳа-а, мана гап қаерда! Тузумнинг мана шундай ёзилмаган қонуни турганда ҳаммамиз ҳеч киммиз-да. Эрк ҳақидаги гапни ким қўйибди!

Хуллас, юз қирқ сўм нафақа тайинланди ҳам. СССР Журналистлар уюшмасининг, СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси эдим. Вилоят Ленин комсомоли мукофоти лауреати эдим. Фахрланардим бир вақтлар. Энди Иттифоқи ҳам йўқ, комсомоли ҳам йўқ. Ҳаммасининг сариқ қақалик қиммати қолмади. Айтгани ҳам одам уялади. Мана нимани деб яшаган эканмиз, нимага интилган эканмиз. Қўлимизга оддий хўрозқанд бериб қўйганларини энди англаб турибмиз. Яхшиям, ёниб-куйиб ёзганларим — шеърӣй китобларим бор экан, ўшалар бир маънавий бойлик бўлиб қоляпти. Шундангина таскин топаман. Лекин иш деб, югур-югур, чоп-чоп билан оиламга, бола-чақамга, ўзимга

тузукроқ вақт ажрата олмаганимни, қариндош-уруғларимга оқибат<sup>1</sup> кўрсата олмаганимни ўйласам — юрагим орқамга тортиб кетади. Ахир бизни бу жамият роботга, темир хотинга айлантириб қўйган экан-у, билмай юраверибмиз-да.

Яқинда ҳаммасим Алишер Ибодинов билан ўртамизда шундай гап очилиб қолди:

— Эҳ, опа-я, мазза қилиб уйда ўтирмайсизми, — деди у кулиб.

— Яна беш йилгача ихтиёр ўзимда экан, — дея аввал ўзимни оқлай бошладим. Сўнг ростига кўчдим, — тўғри, Алишер, сиз ҳақсиз онанинг уйдаги, оиладаги ўрнини, болаларига меҳрини ҳеч нарса босолмайди. Буни тушунамиз, лекин жамиятда шунга шароит бўлмаса, нима қиласан? Ахир, хотин-қизлар жамиятда зўр куч деб етмиш йилдан бери бекорга қўлоғимизга қўйиб келишдимми? Мана, меваси! Ҳатто ўзим ҳам уйга қайта олмай ўтирибман. Биз иқтисодий жиҳатдан ҳам, шууримиз билан ҳам ишга боғлаб ташланганмиз. Бизни тўрт девор ортидан олиб чиқишгани билан тўкис бахт бериша олгани йўқ. Кўнглимизда қанча армонлар...

Сухбатдошим мени тушуниб, қистади:

— Опа, ёзинг, шуларни ёзинг! Аёлларга берилган «озодлик» фожиасини ёзинг, — деди.

Шу сабаб бўлиб қўлимга қалам олдим. Ахир тилимиз, динимиз — иймонимиз қайтарилиб, қадриятларимизни тиклаш учун қайғураётган пайтимизда, онанинг жамиятдаги рўлини иш билан эмас, шу жамиятга қандай тўкис, комил, миллатпарвар фарзандлар тарбиялаб бергани билан ўлчайдиган вақт ёгани ҳақида баралла гапирганимиз маъқул эмасми? Мен ўзим, беш фарзандим мен билган боғ-роғлар тароватидан бебаҳра, мен билган ўзбекона турмуш файзу фароғатидан бенасиб, мен билган аллаю алёрларга тўймай, кўп қаватли уйларда қоғоз гулдай вояга етаётганидан баъзан эзилиблар кетаман. «Улар келгусида ким бўларкин, невараларим-чи, биз қаёққа қараб боряпмиз?» — деб ўйлаб, кечалари уйқум қочиб кетади. Бизнинг хатоларимиз такрорланмаслиги, бизнинг армонларимиз яна ва яна юз бермаслиги учун ҳам бугунги ёш оналарнинг имкони борича оилада кўпроқ бўлишлари, гўдаклари бағрини тўлдириб, оналик меҳри-муҳаббатини бериб вояга етказишлари учун бутун шароитларни муҳайё қилиб қўйиш лозим эмасми? Аммо қайноналар, ота-оналар, эрлар қандай фикрда? Келинимми, ишлай қолсин. Боласими, боғча бор. Озгина пул топсаям оилага мадад дейдиганлар қанча! Худо олсин, озгина шамоллаб келаман ишда, дейдиган келинлар қанча! Бизнинг уйга, оилага бўлган меҳримиздан кўра, кўчага бўлган меҳримиз зўрроқ. Лекин бунинг фожиасини кеч, жуда кеч тушунамиз.

Аслида болаларини гулдай қилиб ўтирган, турмуш ўртоғини гулдай очилиб қарши олган аёлга нима етсин! Унинг рўзғори, маънавий тўқлиги ишдан ҳориб-толиб, ҳеч нарсага улгурмай, бир қўлида бола, бир қўлида қозон билан куни ўтаётган аёл ҳаётидан минг бора устун, қут-баракали бўлса ажаб эмас.

Жамият, шароит биз аёлларни не қўйларга солмаётир. Пул топиш учун бу бошимизни не тошларга урмаётирмиз. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтишимиз билан рўзғор ташвишлари елкасида бўлган аёл не кўйга тушмаётганикин? Ахир, пул топиш, рўзгорни бутлаб қўйиш ҳамма замонларда ҳам эркак кишининг зиммасида эмасмиди? Бизнинг давримизга келиб нега бу юмуш аёлларнинг елкасига юкланиб қолди? Нега энди уйда ўтир, боланга қара дейдиган эркак бугунги кунда ноёб бўлиб қолди!

Аёл пул топиш учун баъзан ҳар қўй, ҳар кўчага тушаётгани ҳам балки шундандир. Илгари уят, номус саналган нарсалар кўриб-кўрмаганга, билиб-билмаганга олиниши яхшиликка олиб борармикан?

Бугун мен ўзим ҳам вояга етаётган ўғил-қизларимга халқимизнинг табарруқ урф-одатларини мингдан бирини ҳам сингдира олдим, деб айта олмайман. Келиним, қизимга, ўз ўғлимга ўз тилим ва урфимни англатишга қўрбим етмай, ҳайронман. Ажабо, бунга ким айбдор, аёлми, эрми ёки юқорида биз тилга олган жамиятга тааллуқли сабабларми? Уйлаб кўрадиган, қолаверса, қадриятларга қайтадиган пайтлар етди. Аёл учун уйда хоҳлаганча иш топилади. Идорада бошлиқнинг кўзига қараб, соат милларига термулгандан кўра, на идоранинг, на уй ишини эдлай олмай, икки олам овораси бўлгандан кўра, бундан воз кечган маъқул. Менинг ёшларимизга, уйда тандирда нон ёпишни ўрганайлик, деган гапим ҳар гал истеҳзоли табассум бўлиб қайтади. Биз тузук-қуруқ ўзбекона рўзгор тутишни ҳам, меҳмон кутишни ҳам билмаймиз. Миллий расмда кийинишга-ку кўпларимиз яқин-яқинларгача ор қилардик. Билмадим, ё мен қариб, ўз миллий турмуш тарзимизга қайтишни истаб қолганман, ё юриш-туришимиз, рўзгор тутишимиз, муомала, одоб-ахлоқимиздаги бегона нарсалардан тўйганман. Иккисидан бири.

Мени жуда кўп саволлар қийнайди. Нега европача кийинишга, юриш-туришга ружу қилиб кетдик? Шусиз маданиятсиз бўлиб қоламизми? Ахир ибод, андишаси, шарқона тақаллуми, муомаласини унутган одамни ҳам маданиятли деб атаб бўлмаса керак? Ўз урф-одатларимизни менсимаслик, бошқа қавмлар маданиятига, ахлоқига кўр-кўрона эргашиб кетиш оқибатида ҳаётимизга жиноятчилик, фоҳишабозлик, ўғрилиқ бемалол илдиз ота бошламадимми? Биз фарзандларимиз тарбиясига бефарқ бўлиб бораётганимиз етмагандек, умуман зиммамиздаги бу ишга вақт топа олмаётирмиз. Ваҳоланки,

дунёнинг ривожланиб бораётган мамлакатларида ёш авлод тарбиясига ҳамма шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бир мисол. Япониялик ёш она боласи саккиз ёшга тўлгунча уйда қолиб, бола тарбияси билан шуғулланади. Япония маданияти ва иқтисоди тараққий этиб, бу мамлакат ҳар жиҳатдан дунёга машҳур бўлиб бораётганида бу тадбирнинг нечоғлик аҳамияти борлигини таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати йўқдир.

Бизнинг жаҳиятимизда-чи? Аёлларимизни бахтиёр она, зукко олима, машҳур пахтакор, илғор ишчи, вафодор ёр, оқила раҳбар деб атаб келдиг-у, лекин ҳақиқатнинг кўзига тик қарамадик. Биз Инқилобдан илгари ожиза ва заифа саналганмиз, дея ўтмишга тош отишни билдик. Лекин нимани йўқотганимиз ҳақида оғиз очиб ўтирмадик. Ваҳоланки, аёллар «бахтиёрликка» баъзан меҳр-оқибатни, баъзан иффатни бой бериш ҳисобига эришдилар. Олима, шифокор, космонавт, механизатор... қўйинг-чи, унинг қўли, ақли етмаган пучмоқ йўқ, деб барча-барча юмушлар нозиккина елкамизга юклаб қўйилди.

**Не битиклар битдим саркаш қаламда,  
Замон юкин тортдим аёл елкамда,  
Лекин дунё иши доим бир кам-да,  
Бир кун замон юки ўлдирар мени, —**

дея бугун аёл армонини қоғозга тўксам минг бор ҳақлиман.

Эркаклар билан тенг ҳуқуқликни олган хотин-қизлар бора-бора улардан ўзиб ҳам кетдилар. Халқ ноиблигига сайлаш керакми — сайладилар. Раҳбарликка кўтариш керакми — кўтардилар. Ҳатто олий ҳокимият органларида ҳам биттамыз фахрли бўлиб ўтиришимиз — одат тусига кирди. Лекин булар хўжа кўрсин учун бўлаётганини билмасмидик. Жуда яхши билиб-кўриб турардик. Шу ўринда, олтиариқлик машҳур механизатор, аллақандай Паша Ангелина номидаги мукофотни олган Раънохон Каримованинг эридан ажраб, оналик бахтини қўлдан берганини эслаб ҳали-ҳали ачинаман. Бир гал уч кун шу аёл билан суҳбат қуриб, мақтовли очерк ёзишим керак бўлиб қолди. Аммо у ўша кунлари ниҳоятда тушкун ҳолда экан. Оиласидан ажралишган, колхоз раҳбарлари эса рўйхуш бермай, пачоқ тракторга ўтқазиб қўйишган. Бунинг устига ёмғир тинимсиз қуйиб, машинага ажратилган пайкал лой бўлиб ётарди. У куни билан қора мойга беланиб, боласини хунибийрон қилиб, трактор тутатар, теримга ҳозирлик кўрарди. Барибир очеркни ёздим. Аммо очеркка тушкун руҳ синган эканми, «Саодат» журналига ёқмади. Бошқа бирон ерда ҳам чиқмади. Энди ўйлайман, ўшанда ҳаммамиз бир хил силлиқ кўшиқ тўқийвермай, дардларимизни айтишни ўрганганимизда ҳам кўп нарсани йўқотмаган бўлармидик.

Йилига 260 талаб аёл ўзига ўт қўйди, деб бонг урдик. Лекин унинг сабабларини чуқурроқ излаб кўрмадик. Ахир аёл ҳам инсон, унинг бардоши темирдан эмас, у сунчиқларидан айрилганда, қай йўл биландир муносабатини билдиради, исён кўтаради. Мозийга назар ташлаб кўрайлик. У, ўрни келса, эр либосини кийиб жангга отланган, икки қўшин ўртасига чиқиб рўмолини ташлаб, низоларга чек қўйган. Нодира, Увайсий бўлиб исёнкор ғазаллар бятган. Аёл «бахтиёрлик» ваъда қилинган инқилоб йилларида ҳатто сочини қирқиб, қизил дуррача танғиб, янги ҳаёт учун ўлимга тик борган. Тўғри, замон уларни рағбатлантириб, шон-шухратларга буркади. Лекин бахт ва толе шаклланмади. Шунинг учун ҳам аёл бош кўтариб, жунбушга кела бошлади. Минбарларда уни англагандай бўлиб, аёл меҳнати, аёл заҳматини енгиллаштиришга қаратилган гап-сўзлар яна бўла бошлади-ю, бироқ маъмурий идоралар ҳамон сукут сақлаб туришибди. Аёл ишлайдиган бўлса, мана биз эркакчасига иш тугиб, уларга анча-мунча имконият, озгина имтиёз яратиб бериш қўлимиздан келади, дегувчи мард қайда дейсиз! Ҳамон юқорининг имосини кутиб, юқоридагиларга таъзим-тавозе қилиб юрадиган раҳбарларимиздан хафа бўлиб кетамиз. Алпомишлар, Гўрўғлиларни тўғиб бер, келинжон дея келинларга ёлворамиз-у, лекин юрак ютиб, ҳой келинжон, сенинг иффатинг, оналигинг, инсонлигингни ҳимоя қилувчи биздай оғаларинг бор дейишга-да журъат эта олмаймиз.

Соат миллари ҳамон югуради. Аёл ҳам бир қўлида бола, уйдан ишга югуради, ишдан уйга. Бошлиқнинг кўзига, эрининг кўзига, қайнота-қайнонасининг кўзига, замон, тузум кўзига қарай олмай жовдирайди. Мен эса пенсия ёшига етсам ҳам ишдан кўнглимни уза олмай, қандайдир кўринмас ипларга боғланиб, омонат иш столига жовдирайман. Шеърларим чала қолади, сатрларим исёнкор оҳанг касб этади:

**Аллага зор кетар болалик уйим,  
Авжига етарми авжларда куйим.  
Кўнглимдай ўтарми маърака-тўйим,  
Бир кун армон куйи ўлдирар мени.**

Бугунги кунда тил эркинлиги ва яна қанчадан-қанча эркинликларга, мустақилликка эришган кунларимизда аёл эркинлиги ҳақида қайғуриш ҳам жуда-жуда муҳимдир. Лекин бу қайғу юрт оқсоқолларининг хаёл кўчасидан ҳам ўтмайди. Аёл ҳамон далада,

корхонада, эрлар билан теппа-тенг кун бўйи тик туриб ишлайди, унга уйда ҳам, уйқуда ҳам тиним йўқ. Бунинг устига бозор тақчиллиги уни ҳар куни бир саранг этаётир. Мен ҳам шу юмушлардан ортиб зўрға шеърлар битаман:

**Кўҳи Қофни ямлар яъжуж-маъжужлар,  
Пиёз пўсти янглиғ юпқаяр дамлар.  
Ғафлатдан уйғотинг мени, одамлар,  
Йўқса, фурсат тиғи ўлдирад мени.**


Ахир мен ҳам бир қаламқаш, бир ижодкор сифатида маошсиз, қалам ҳаққи билан тирикчилик қилишим мумкин эди-ку. Бутун кунни идорада ўтказмай, бола тарбияси, ижодга, оилага, ёру дўстлар, қариндош-уруғлар билан дийдор кўришишга вақт топишим, меҳр-оқибат, йўқлаш сингари олтиндан қиммат удум ва урфларимизни боғлаб турувчи ришталарни узиб юбормаслигим мумкин эди-ку. Бунинг ўрнига ишга, идорага, кўр-кўрона шон-шуҳратга ипсиз боғланаман:

**Тақдир дўлларида қотган қояман,  
Яхшилардан ибрат олган дояман,  
Ўзимдан шикаста дилга сояман,  
Ипсиз боғламоқчи бўласиз бизни.**

**Истайсизки, тутдай тўкилиб ўтсак,  
Сизнинг соянгизга бўкилиб ўтсак,  
Доим дил чоклари сўкилиб ўтсак,  
Ипсиз боғламоқчи бўласиз бизни.**

**Нодон бошгинамда шуҳрат ҳаваси,  
Кўнглимда раҳмонми, шайтон васваси!!  
Омонат дунёдан ўтар ҳаммаси,  
Ипсиз боғламоқчи бўласиз бизни.**

Дўстлар, мазкур фикрлар менинг ҳам она, ҳам буви, ҳам шоира сифатидаги шахсий мулоҳазаларимдир. Ундан қандай хулоса чиқариш Сизнинг ихтиёрингизда.





# Боблар кўчи Боблар кўчи ўзи Боблар кўчи ўзи?

Тарихчи нигоҳида

Андижонда аср бошида яшаб ўтган Миркомилбой ҳақида халқ орасида ҳалигача кўпдан-кўп ривоятларни эшитиш мумкин. Бугина эмас. Туркистоннинг савдо-сотиқ муносабатлари, пахтачилик-деҳқончилик масалалари, фирма ва банклар фаолиятига доир кўпдан-кўп архив ҳужжатлари, тарихий асарларда ҳам унинг номи тез-тез учрайди. Советлар даврида ёзилган асарларнинг деярли ҳаммасида Миркомил Мирмўминбоев мана бундай таърифланади: «...ва Миркомил Мирмўминбоев каби пихини ёрган капиталист бойлар меҳнаткаш оммани аёвсиз эзиб, эксплуатация сиртмоғида маҳкам ушлаб турар эдилар...» Нахотки, барча ўзбек бойлари шундай аёвсиз бўлиб, олижаноблик, ватанпарварлик, меҳр-шафқат сингари инсоний туйғулардан маҳрум эдилар?

Мен хизмат юзасидан бойларга тегишли архив ҳужжатларини ўрганар эканман, кўз олдимда бизга таърифлашгандан тамомила бошқа дунё одамлари намоён бўлиб борар эди.

Тўғри, улар ишбилармон бўлганлар, пулни пулга уриштира олганлар, катта мол-дунё топганлар. Шу билан бирга... келинг, яхшиси менга учраган ҳужжатларни диққатингизга ҳавола қилиб қўяқолай. Узингиз ҳукм чиқаринг.

## ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТНОМА

Миркомил Мирмўминбой ҳожи — 1860 йили Қўқон хонлигининг Андижон шаҳрида бой савдогар оиласида дунёга келган. Меҳнат фаолиятини ўспиринлик йилларидан бошлаган. XIX асрнинг 80-йилларида ер-сув ва катта пахта майдонларига эга бўлиб, йирик шахсий бойлик тўплашга муваффақ бўлган. Архив ҳужжатларига қараганда XX аср бошларида унинг шахсий бойлиги 13—15 млн. сўмни ташкил этган. Асосий савдо муомалаларини чет эллардаги йирик «Ака-ука Шлосберг», «Кноп», «Ака-ука Степпун». Москва ҳисоб банки, Рус-Хитой банки, Рус-Осиё банки ва бошқа савдо-сотиқ фирмалари ва банклари билан олиб борган.

1915 йил октябрида бўҳтон билан қамалган ва сургун қилинган. Лекин 1916 йилнинг бошларида рус армиясини қуроллантириш учун 500 минг сўм бериш шarti билан сургундан озод қилиниб, Андижонга қайтган. 1917 йил бошларида «Шўрон Исломия» жамиятининг Андижондаги энг фаол иштирокчиси, деб тўқилган бўҳтонга асосланиб муваққат ҳукуматнинг Туркистондаги важиллари томонидан қамоққа олинган. 1918 йили отиб ташланган.

Очиғи, жумҳуриятимиз архивларида сақланаётган ва Миркомил Мирмўминбоев фаолиятига дахлдор бўлган ҳужжатларнинг кўпи йўқолган. Лекин сақланиб қолганлари ҳам шундай қимматлики, уларни ўқиган сари бу кишининг янги-янги қирралари очилиб бораверади. Мана, бир ҳужжат. Унга асосан 1899 йил бошларида андижонлик савдогар Мирмўминбой ҳожи Мирнодирбой Ҳожиев ўлими олдидан ўз уйига Андижон шаҳри Олойлиқ қисмининг қозиси, меросхўрлари ва қўни-қўшниларидан бир неча кишини



чақириб, Макка ва Мадинада иккита ғарибхона қурилиши учун 30 минг сўм ажратганини васият қилади. Бу ҳақда маълумот олган Россия Диний эътиқод департаменти ўзга динлар бошқармаси бундай ионалар сиёсий жиҳатдан зарарли эканлигини, рус фуқароси ҳисобланган мусулмонларни ислом дини ва мусулмон мутассиблиги ўчоғи бўлган юртлар билан алоқа боғлашлари давлат хавфсизлиги нуқтаи-назаридан мумкин эмаслигини айтиб, бу илтимосни рад этадилар.<sup>1</sup>

Бошқа бир ҳужжатда 1901 йили Мирмўминбойнинг ўғли Миркомил Андижон уезди бошлиғига ўз ҳисобидан қурмоқчи бўлган янги мадраса ҳамда эски мадрасани қайтадан тиклаш лойиҳаларини топшириб, шу ишларни бошлашга рухсат берилишини сўрайди. Шу масала юзасидан сўровчи Фарғона вилояти бошқармасига қуйидаги жавоблар жўнатилган:

### ЖАНОБИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲАРБИЙ ГУБЕРНАТОРИГА

«...Андижон шаҳрининг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмида Миркомил Мўминбоев қуришни мўлжаллаётган мадраса лойиҳаси масаласида Сиз жаноби олийларига шуни маълум қиламанки, кўрсатилган лойиҳа ўқув юртлари бошқармаси томонидан кўриб чиқишга лойиқ эмас. Бундан ташқари тилга олинган бино лойиҳасида рус ўқувчилари учун синфхоналар мўлжалланганлиги маълум эмас».

Туркистон ўқув юртлари Бош инспектори  
Ф. Керенский  
1901 йил 30 май<sup>2</sup>

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИГА

«...Миркомил Мирмўминбоев Андижон шаҳрида қурмоқчи бўлган мадраса масаласида тўхталиб, Фарғона вилоят бошқармасидан мавжуд мадрасаларни кенгайтириш ва янгиларини қуришга иложи борича рухсат этмаслигини ва фақатгина эски мадрасаларни таъмирлашга рухсат беришликни сўрайман.

Охириги пайтларда баъзи бир шаҳарларда (Андижон, Қўқон ва Уратепада) мусулмонларнинг баъзи бир мачит ва мадрасаларига ўқувчиларнинг мисли кўрилмаган даражадаги катта оқими кела бошлади. Бу давлат манфаатларига зид ҳолдир. Масалан, шундай мадрасаларнинг бирида мулла-ваччалар сони 160 кишидан бирданига 600 кишигача кўпайган. Андижон шаҳрида шундоқ ҳам мусулмон мактаблари керагидан ортиқроқдир».

Туркистон ўлкаси II туман Халқ билим юртлари  
инспектори (имзо аниқ эмас) 1901 йил 19 июнь<sup>3</sup>

Ўз илтимосига рад жавоби олган Миркомил Мирмўминбоев Туркистон ўлка бошқармасига хайрия масалалари билан яна бир неча маротаба мурожаат этади. Бу вақт ичида Туркистон генерал-губернаторлиги бошқаруви маҳкамасида кўп ўзгаришлар юз беради. 1913 йилнинг бошларида Миркомил Мирмўминбоев Андижон уезди бошлиғи Бржезицкий билан бўлган бир учрашувда Андижон шаҳрида хайрия сифатида баъзи иншоотлар қурмоқчи эканлигини айтади<sup>4</sup>. Уезд бошлиғи унинг бу ниятини маъқуллайди.

Шу йил 10 декабрда Андижон хўжалик бошқармаси мажлиси бўлиб ўтади. Унда бошқарма раиси полковник Бржезицкий, шаҳар депутатлари Куровский, Ординец, Мирали Умарбоев, Андижон шаҳри архитектори штабс-капитан Транин, халқ билим юртлари инспектори Кудрявцев ва шаҳар врачлари Кашурниковлар қатнашадилар. Бу мажлисда ниҳояти бир масала — андижонлик 2-гильдия савдогари, Мирмўминбоевнинг уезд бошлиғи номига ёзган аризаси кўриб чиқилади. Аризанинг қисқача мазмунини эътиборингизга ҳавола этамиз:

«Ўз она шаҳрим Андижоннинг маданий ривожланиши ва батамом тартибсиз аҳволда бўлган Гултепа<sup>5</sup> майдонига маданий кўриниш бериш, майдон ҳам шаҳар кўрки бўлсин, ҳам аҳоли фойдалана олсин деб, мен Миркомил Мирмўминбоев ўз ҳисобимдан Андижон шаҳрига тортиқ сифатида қуйидаги иншоотларни қуришни ўз зиммамга оламан:

1. Турли миллат вакиллари — эркак ва аёлларга мўлжалланган, қирқ ўринли намунали шифохона. Унда қуйидаги бўлимлар мавжуд бўлади: а) жарроҳлик; б) туғруқхона; в) ич касалликлари; г) секцион камералар ва ўликлар сақлаш учун ертўла; д) дезинфекцион камера ҳамда шифохона бошлиқлари, ходимлари ва турли хизматчилар учун махсус бино; е) шифохона биносини марказий иситиш бўлими ҳамда сувларни биологик тозалаш хизмати.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Марказий Давлат ҳужжатгоҳи, ф. и. 19, 1—ёзув, 14476-иш, 7-бет.

<sup>2</sup> Уша ерда, ф. и. 127, 1—ёзув, 129-иш, 3-бет.

<sup>3</sup> УзМДХ, ф. и. 127, 1—ёзув, 129-иш, 9 бет.

<sup>4</sup> Уша ерда ф. и. 1 — ёзув, 27849-иш, 28-бет.

<sup>5</sup> Асли Култепа деб аталади.

2. 30 ўқувчига мўлжалланган, интернати бўлган, мадраса ўқувчиларини рус тилига ўргатиш бўлимига ҳамда зал ва ёрдамчи биноларга эга рус-тузем мактаби.

3. 100 та ўқувчига мўлжалланган мадраса ва хочақоҳи бўлган чамунали мактабхона.

4. Европача нухсадаги, ертула ва қоровулхона, учта ҳожатхонаси бўлган учта дўклар тизими. Мана шу дўклардан келадиган фойда юқорида кўрсатилган муассасаларни таъминлаш ва таъмирлаш ишлари учун ишлатилади.

5. Маҳаллий халқ ва европаликлар учун алоҳида бўлимларга эга ҳаммом.

6. Шу бинолар атрофида йўлқалар очиб, хиёбонлар барпо этиш, майдон марказида манзарали боғ барпо этиш.

Кўрсатилган иншоотларни барини мен, Миркомил Мирмўминбоев, менинг назоратимда тузилган ва тегишли ҳоқимият томонидан тасдиқланган лойиҳа ва смета асосида уч йил давомида қуриб битказишни ўз зиммамга оламан... шу билан бирга юқорида кўрсатилган барча бинолар, иншоот ва жиҳозларни қуриш учун ўз шахсий маблағимдан 500 минг сўм ажратаман».<sup>1</sup>

Аризада бундан ташқари М. Мирмўминбоев ўзи тикламоқчи бўлган иншоотларнинг қаерда қурилишини, майдон ўлчами, қурилиш ишларига жалб этиладиган одамлар сонини, уларга бериладиган маош миқдорини аниқ кўрсатган. Дўклардан тушадиган фойда шифохона ва рус-тузем мактабини таъминлашга етмаса уч йил давомида ўз ҳисобидан маблағ билан таъминлашни зиммасига олган. Ушбу иншоотлардан даромад келадиغان бўлса, уни шаҳар фондига топширажагини билдирган. Мусулмонлар нозохонаси ва мадрасани ўла-ўлгунча ўз ҳисобидан маблағ ажратиб таъминлаб туришни, ўлганидан кейин эса, махсус васиятнома асосида маблағ қолдиражагини баён этган.

Ариза М. Мирмўминбоев томонидан 1913 йил 18 сентябрда Андижон уезди бошлиғи полковник Бржезицкийга топширилган. Аммо унинг биринчи нухсасидаги таклифлар уезд бошлиғига маъқул тушмагани сабабли у М. Мирмўминбоевга аризани қайта кўриб чиқишни ва бир қатор ўзгаришлар киритишни талаб қилган. М. Мирмўминбоев шифохона ва ҳаммомдан фақат маҳаллий аҳоли фойдаланишини мўлжаллаган, ўқувчилар рус тилини ўрганишини эътиборга олмаган, дўклар ва ҳаммомдан тушадиган даромаднинг бир қисмини шаҳар бошқармаси ихтиёрига ўтказиб, қолган қисмини ўз ихтиёри буйича шифохона ва мадраса харажатларига ишлатишни кўрсатган, ҳамма корхоналар унинг номи билан аталиши, уларни бошқариш учун махсус комиссия тузилиб, бошқариш ишларида шахсан ўзи қатнашини мўлжаллаган эди. Кейинчалик у мана шуларнинг ҳаммасидан воз кечиб, Бржезицкий талабларини тўлиқ қабул қилишга мажбур бўлади. Чунки Туркистондаги рус маъмурияти бунақа ишларга осонликча рухсат бермаслигини у яхши тушунар ва Бржезицкийнинг ҳар қандай шартларига кўниб бўлса-да, ишни жилдиришга умид тутар эди.

Шаҳар хўжалик бошқармасида ўтган мажлис ниҳоятда қизғин бўлганини мажлис қатнашчиларининг баъзи фикрларидан ҳам яққол кўриш мумкин. Яхшиси шу фикрлардан кўчирма келтира қолайлик.

Шаҳар депутати Ординец: «М. Мўминбоевнинг ушбу таклифини мен шаҳар учун фойдасиз ва қўйидаги мулдохазаларга кўра номасъул, деб ҳисоблайман. Ўз маблағидан 500 минг сўм иона ажратувчи киши фақатгина Гултепа майдони ва унинг атрофидаги ерларни бу иншоотлар қурилиши учун талаб қилиб, шаҳарни бир қадар мураккаб мажбуриятлар билан боғламаган тақдирда у қилаётган иона менинг кўз ўнгимда олиҳиммат совға бўларди. Жаноби Мўминбоев Андижон шаҳрига меҳрибонлик қилиб тикламоқчи бўлган иншоотларини ўзига тегишли ерларда қуришни таклиф қилганида эди, мен уни чуқур миннатдорчилик билан қабул қилар эдим.

...Жаноби Мўминбоев инъомини қабул қилган шаҳар ўзини доимий у билан, унинг ўлимидан кейин эса, унинг авлодлари билан бир қанча мураккаб мажбуриятлар, яъни молиявий, маънавий, иқтисодий мажбуриятлар билан боғлаб қўйиб, шубҳасиз унинг қарашлари, хоҳиш ва иродасига тобеъ бўлиб қолади.

...Миркомил Мирмўминбоев бир қанча муассасаларнинг чекланмаган эрк-ихтиёри бутунлай ўз қўлида бўлган хўжайинга айланади. Бу иншоотлар ҳужжатларда шаҳарга тегишли ҳисобланса ҳам, аслида М. Мўминбоев номи билан юритиладиган бўлади. Бу ерда у умрининг охиригача мутавалли ва мактаб нозирини, шифохона кўмитаси аъзоси бўлиб қолиб, шифохонага ходимлар тайинлаш, мадрасага ўқитувчилар танлаш, оддий хизматчиларни ёллаш унинг қўлига ўтади. Натижада Андижон шаҳрининг иккита хўжайини пайдо бўлиб, шаҳар хўжалик бошқармасидан ташқари яна Миркомил Мўминбоев<sup>2</sup> ҳам хўжайинга айланади...»

Шаҳар депутати Куровский: «Ўзи яшаётган муҳитдан ажраб кетолмаган Миркомил учун умрининг охирида худо йўлига қандайдир хайрли ишни амалга ошириш — ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Миркомил ана шу режасини амалга ошириш учун масжид қуришга шаҳардаги энг яхши жойни танлабди. Миркомил анчадан бери масжид

<sup>1</sup> УзМДХ. ф. и. 19, 1—ёзув, 27849-иш, 36-бет.

<sup>2</sup> Ҳужжатда шундай битилган.

қуришни, у фақатгина Гултепа майдонида қурилиши кераклигини мўлжаллаб юрибди. У бундан 4 йил аввал ҳам Гелтепа майдонида масжид қуриш таклифи билан мурожаат қилган, лекин ўша пайтдаги шаҳар бошқармаси раиси полковник Краснослободской томонидан рад жавобини олган эди. Ўз таклифларига рад жавоби олавериб, кўзи пишган Миркомил энди пухта мўлжал билан ҳаракат қилишга ўтибди. Шаҳардаги энг яхши майдонни қўлга киритишга ҳаракат қиляпти. Албатта, энди ўз ниятини амалга ошириш унга анча қимматга тушади, лекин бунга унинг пули етади. Фақат Миркомил ўз олдига қўйган мақсадга эришиш учун қанчалик мисли кўрилмаган қатъийлик ва усталик билан ҳаракат қилаётганидан ҳайрон қолиш мумкин».

Куровский асосан Ординец мулоҳазаларини маъқуллаб, Гултепа майдонига тегиш керак эмас ва Миркомил лойиҳаларидаги иншоотлар қурилган тақдирда майдонда савдо-сотик тўхтаб, шаҳар бюджетига пул тушмай қолади, деган фикр билдиради. У, айниқса, шифохона қурилишига қарши чиқиб, шаҳар марказида шифохона қуриш гигиена жиҳатдан хавфли, қолаверса, Андижон шаҳри аҳолиси учун мавжуд 30 касалга мўлжалланган шифохонанинг ўзи етарли, деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Аммо шаҳар хўжалик бошқармаси раиси Бржезицкий шаҳар депутатлари Ординец ва Куровский фикрларига қўшилмайди: «Миркомил ўз режасини амалга ошириш учун Гултепа майдонининг жанубий қисмини сўраган. Бу қисм қанчалик антисанитария ҳолатида эканлиги ҳаммамизга маълум, — дейди у. — М. Мўминбоев ўзи таклиф қилаётган иншоотлар айнан шу майдонда қурилса мақсадга мувофиқ деб тасдиқляпти. Шаҳарга кўрк бағишловчи ҳамда аҳоли эҳтиёжларига жавоб берувчи иншоотлар доимо шаҳар марказларида қурилиб келинган. Агарда ҳашаматли жамоат бинолари аҳоли яшовчи уйлар билан бир қаторда қуриладиган бўлса, уларнинг ҳашамати унчалик кўзга ташланмай қолиб, бинони фақатгина олд тарафдан кўриш мумкин. Агарда бундай бинолар майдонда қурилиб, бошқа ҳашаматли бинолар билан ёнма-ён жойлашса, одамларда кучли таассурот қолдириши мумкин.

...Фақатгина иона учун ажратилаётган пул миқдорининг ўзи ҳам таклиф қилинаётган иншоотларнинг қанчалик ҳашаматли бўлиши ва бу бинолар қурилгандан сўнг шаҳарга кўрк бўлишидан далолат бера олади. Шунинг учун қурилишга қандайдир тор кўчани эмас, балки бу бинолар савлат тўкиби туриши мумкин бўлган майдонни ажратиш керак. Менинг фикримча, бундай ер фақатгина Гултепа майдони бўла олади»<sup>2</sup>.

Уезд бошлиғи шу билан бирга Гултепа майдонида беда, сомон, похол, қамиш, ўтин, турли ёғоч ва бошқа тез аланга олиши мумкин бўлган нарсалар сотилишини, майдон бундай хашаклар билан тўлиб кетганлигини, Туркистоннинг Андижондан бўлак ҳеч бир шаҳар марказида бундай сомон бозори йўқлиги, уни аллақачон шаҳарнинг от бозори яқинига кўчириш пайти келганлигини айтади. У М. Мўминбоев шифокорлик кўмитаси аъзоси, мактабнинг фахрий васийси ва мадраса мутаваллиси бўлгани билан шаҳарнинг тўлақонли хўжайини бўлиб қолмайди, бу мақсаддаги одам шаҳар ишларида фақат маслаҳат овозига эга бўлади, деб таъкидлайди. У яна мажлис қатнашчиларига бир неча кун аввал Округ ҳарбий санитар инспектори Д. И. Ребчевский билан учрашганини маълум қилиб, инспектор: «Миркомил ўз таклифини қайтариб олмасдан уни қабул қилишга шошилишлар» деганини айтади.

Нихоят, масала битта тарафдор (Бржезицкий), учта қарши (шаҳар депутатлари — Ординец ва Куровский ҳамда шаҳар врач Кашурниковлар), иккита бетараф (Мирали Умарбоев ва шаҳар архитектори Травин) овоз билан кўриб чиқиш учун Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ихтиёрига жўнатилади.

Миркомилбой режасининг кейинги тақдири ҳақида биз ҳозирча архив ҳужжатлари топа олганимизча йўқ. Лекин вилоят ҳарбий губернатори ҳам унинг таклифига рад жавоби берганига шубҳа йўқ. Бу фикримизни Урта Осиё темир йўли жандарм-полиция бошқармаси Марғилон бўлими бошлигининг 1914 йил 25 апрель куни Туркистон тумани махфий ишлар бўлимига юборган хати исбот қила олади. Бу хатда жумладан шундай дейилган: «Андижонлик сарт, миллионер «Мир Калиш» мусулмон шифокорлар хизмат кўрсатадиган, фақатгина мусулмон беморларга мўлжалланган махсус шифохона қуришни мўлжаллаб, 50 минг сўм хайрия қилди. Лекин доктор Белогужев унинг бу орзусини чиппакка чиқарди... «Мир Калиш»нинг шериклари Белогужевни йўқ қилиш учун ҳаракат қилишлари эҳтимолдан узоқ эмас»<sup>3</sup>.

Қўлимиздаги архив ҳужжатларини таҳлил этиб, воқеа қуйидагича кечган, деб тахмин қилишимиз мумкин. Миркомилбой айтганини қиладиган одам бўлган. Шунинг учун ҳам Андижондаги Гултепа майдонида қурмоқчи бўлган иншоотларига руҳсат берилмагани унга қаттиқ таъсир қилган. Энди у ўз режасини Марғилон шаҳрида амалга оширмоқчи бўлган ва «Мир Калиш» номи билан пинҳона иш бошлаган. Шу мақсадда у ўзига маслаҳатчи қилиб, темир йўл бошқармаси шифокори Белогужевни ёллади. Лекин Бе-

<sup>1</sup> Уша ерда, 51-бет.

<sup>2</sup> Уша ерда, 65-бет.

<sup>3</sup> УзМДХ, ф. и. 461, 1-ёзув, 2263-иш, 63-бет.

логужев эса Урта Осие темир йўли жандарм-полиция бошқармаси Марғилон бўлимига Миркомил Мўминбоев шаҳар бошлиқлари рухсатсиз иш бошлапти, қураётган касалхонаси фақатгина мусулмонларга мўлжалланган, деб қақиб қўяди.

Юқоридаги хатга Туркистон тумани махфий полиция бўлими ўз навбатида қуйидагича хулоса чиқаради: «1914 йил 29 апрель... «Мир Калиш» Миркомил Мирмўминбоев бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. У жуда ақлли, айёр, уддабурон киши, эътиқоди бўйича панисломчи ва русларга қарши жуда ёмон муносабатда, Андижон шаҳри тижоратчилар партияси бошлиғи. Ушбу партия аъзоларининг ҳаммаси унга моддий тарафдан боғланган...»<sup>1</sup>

Миркомилбойнинг яна бир орзуси Андижон шаҳрида трамвай юргизиш эди. У бу масалада давлат билан шартнома тузишга кўп ҳаракат қилди. Айрим ҳужжатларда у ўз ёрдамчиларидан бири Абдул Махсумни 1913 йилда чет элга — трамвай бозорига, трамвай нархи ҳамда из қуриш учун керакли нарсаларнинг баҳосини билиб келгани юборгани айтилади.<sup>2</sup>

1915 йил охирилари, тўғрироғи ноябрь ойига келиб, Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларида «Миркомилбой қамалганмиш» деган гап тарқайди. Бировлар Миркомилбой Туркияга бориб, Анвар пошо билан учрашганмиш, Россия билан уруш ҳолатида бўлган Туркия армияси учун катта миқдорда пул берган эмиш, мана шундан хабар топган Россия ҳукумати уни қамоққа олган эмиш десалар, бошқалар Миркомилбой тижоратдаги ноҳалол ишлари учун қамалганмиш, дердилар.

Миркомилбой қамалишининг ҳақиқий сабабларини эса архив ҳужжатларида яққол кўриш мумкин. Мана, Андижон уезди бошлиғи ёрдамчиси бу ҳақда нима деб ёзади: «1915 йил 10 январь. Мен ким, Андижон уезди бошлиғининг ёрдамчиси подполковник Полюдов, уезд бошлиғи топшириғига биноан унинг гувоҳлигида қуйидаги протоколни ёздим: бугун соат 12.00 да уезд бошқармаси таржимонлари Сулаймон Келганбоев ва Юсуфжон Чаришев менга маҳаллий тилда ёзилган имзосиз хат тутқазишди. Хатни таржима қилиб, унинг маъноси қуйидагича эканини билдик: «Мен, шу хатни иддао қилгучи, беҳосдан Миркомилбой заводига кириб, унинг иш столи устидаги хатга кўзим тушди. Хатни ўқиб чиқиб, ёмон ният билан ёзилганини билдим. Бир бойнинг ёмон мақсади туфайли бутун камбағал мусулмон аҳли жафо тортишининг олдини олиш мақсадида хатни билдирмасдан ўғирлаб, Сиз жаноби олийларига келтириб беришни лозим топдим. Миркомилбой мендан ўч олиши ва ўлимга ҳукм қилинишини билиб, ўз номимни айтмадим. Шу ишни тезроқ текшириб кўриш мақсадга мувофиқ бўларди».<sup>3</sup>

Ариза қаламда ёзилган. Хат эса сиёҳда ёзилиб, унинг мазмунини қуйидагича: «Салом, Ҳазрати олийлари Султон Рашидхонга, зоти олийлари генерал Анвар пошога, меросхўр Иззатдин Афандига, генерал Сендерсга жабр-зулм кўраётган рус фуқароларидан (?) ва Андижонда истиқомат қилувчи Миркомилбой Мирмўминбоевдан дуои салом. Сиз зоти олийлари билан учрашишга муяссар бўлганимда имконият бўлса, бизнинг шаҳарларимизни бир айланиб кетсангиз, деб таклиф киритган эдим, афсус мени қайтиб кетишим билан уруш бошланиб қолди. Биз Худодан хотиржамлик ва қудрат тилаб яшаямиз. Биз тарафга ёриб киришнинг иложи борми? Руслар бизни жуда хўрлаптилар. Мени бир ўзим 100 минг сўмга яқин пул тўладим. Улардан қутулиб бўлмаяпти. Сиз юборган хат ва суратларни олдим. Шахсан ўзим руслардан кўрқмайман, лекин бошқа мусулмонлар руслардан жуда кўрқишади. Сизга Афғонистон орқали 200 минг сўм юбордим. Пулни олгандан сўнг менинг илтимосимни Султон ҳазрати олийларига етказсангиз. Почта хат олмаётганлиги учун ушбу хатни Абдул Ҳакимдан бериб юборяпман. Рўзномаларда босмаслигингизни сўрайман. Ўз имзоимни қўйиб: Миркомил Мирмўминбоев».

«...Шу хатдаги М. Мўминбоев имзоси Андижон уезди бошлиғига 1913 йили ёзган аризадаги имзоси билан солиштириб кўрилганда, иккаласи ўртасида жуда узоқ ўхшашлик борлиги аниқланди. Шунда уезд бошлиғи М. Мўминбоевни бошқармага чақириб, ариза ва хат текстини беркитиб, фақатгина имзоларни кўрсатди ва қайси имзо уники эканлигини айтишни буюрди. М. Мўминбоев 1913 йилда ёзилган аризадаги имзони тан олди...

...Ўтган йили 21 июнь куни у Андижондан йўлга чиқиб, июлнинг биринчи ярмида Москва, Киев ва Одесса орқали Константинополга келган, у ерда 4 кун туриб, шаҳарни томоша қилганидан сўнг кўзини даволатиш учун Карлсбадга жўнайди, лекин Булғорияга келганида у ердаги Россия консулидан уруш бошланганлигини эшитади. Шундан сўнг Руминия орқали уйига қайтишга мажбур бўлиб, август ойининг биринчи ярмида Андижонга қайтиб келади...

...1913 йил ёз ойида ҳам у чет элда бир ярим ойча бўлган, лекин Туркияга борма-

<sup>1</sup> УзМДХ, ф. и. 451, 1-ёзув, 2263-иш, 64-бет.

<sup>2</sup> Уша ерда, 58(6).

<sup>3</sup> Уша еда, И—19, 4-ёзув, 178-иш, 4-бет.

ган. Хатда кўрсатилган, унинг ваколатли кишиси бўлган Абдул Ҳаким ўз вазифасини яхши бажармаганлиги учун икки ой олдин ишдан четлаштирилган.

Юқоридаги кўрсатмаларни М. Мўминбоев хотиржамлик билан ўзини тутган ҳолда баён қилди. Подполковник Полюдов».

Ушбу ҳужжатда кўрсатилган воқеаларнинг тўғри-нотўғрилигини текшириш учун анчагина вақт керак бўлиб, ўнлаб кишилар сўроқ қилинади, юзлаб варақ қоғозлар тўлдирилади, турли кўрсатмалар бир-бири билан солиштириб кўрилади, лекин гувоҳлик берган кишиларнинг ҳеч бири М. Мирмўминбоев жиноятчи эканлигини исбот қилишга етарли маълумот ва далил келтира олмайдилар. Бунинг натижасида хатда ёзилган воқеалар уюштирилган бўхтон бўлиб чиқади.

Лекин бу орада Миркомилбой устидан маълумот тушади:

«МАҲФИЙ. 1915 йил 23 сентябрь. Андижон шаҳри 2-қисм полиция пристави. Андижон уезди бошлиғига. РАПОРТ.

Жаноби олийларига шуни маълум қиламанки, бугун Туркистон тумани махфий полиция ротмистри Соттири билан биргаликда, унинг талаби бўйича М. Мўминбоев уйини тинтувдан ўтказдик. Бунда унинг болохонасидаги босиб қўйилган беда устида гектограф (хатдан нусха туширувчи мослама), унга керакли сиёҳ солинган идиш, 2 дона оқ бирикмали капсула, бикфорд сими бўлаги ва маҳаллий халқни Туркия фойдасига иона қилишга чақирувчи 10 варақ мурожаатнома топилди. Қайд этилган ҳамма буюмлар ротмистр Соттири томонидан мусодара этилиб, М. Мўминбоев тергов ишига қўшиб қўйилди».<sup>1</sup>

М. Мўминбоев уйдан бу мурожаатнома ва бошқа буюмлар топилган пайтда у ҳибсга олинган бўлиб, ишдан жиноят белгилари топилмагани, яъни имзосиз хатда кўрсатилган воқеалар тасдиқланмагани сабабли тез кунда ҳибсдан озод қилишга мажбур эдилар. Буни сезиб аввалгидан ҳам жиддийроқ бўхтон уюштиришга эришадилар. Энди Туркия султони номига ёзилган мурожаатнома ва бошқа буюмлар фақатгина унинг уйдан эмас, балки Андижон шаҳрида кўзга кўринган яна икки кишининг уйдан топилади.

Мурожаатномада маҳаллий халқ вакилларига қақриқ ҳам бўлиб, улар Туркия фойдасига хайрия тўплаш ва агар бунга қудратлари етмаса Россия ва бошқа давлатлар билан урушаётган турк аскарлари сафидан ўрин олишга даъват этардилар.

Мана шу ниҳоятда чалкаш ишни оқилона ҳал қилишда қанчалик ажабланарли бўлмасин, ўша кезлари Андижон уезди бошлиғи бўлиб турган полковник Бржезицкий катта хизмат этган. У М. Мўминбоев иши билан шахсан қизиқиб, маълумотларни қайтадан текширган ва сохта гувоҳлар билан суҳбатлашган. Синчков уезд бошлиғи чалкаш ипларнинг боши М. Мўминбоевнинг собиқ иш бошловчиси А. А. Тимофеевга бориб тақалаётганини аниқлайди. Сўнг Тимофеев шахси билан жиддий қизиқиб, у ҳақда етарли маълумот тўплайди ва Фарғона вилоят ҳарбий губернаторига юборади. Мана ўша маълумот: «А. А. Тимофеев асли орсклик мешчан. Шаҳар билим юрти курсини битирган. Лекин ўзбек тилида бенуқсон сўзлашади. 1909 йили маҳаллий бой М. Мўминбоев хизматига ёлланган. Тез орада М. Мўминбоевнинг ишончини қозониб, ҳурматига сазовор бўлади. Миркомил унга катта миқдордаги пулларни ишончи топширар, муҳим ишларда у билан маслаҳатлашар, ўзини Искандар деб қақирар эди. Тимофеев Миркомилдан йилига 1200 сўм маош олса ҳам харажатлари бундан кўпроқ бўларди. 1911 йил баҳорида М. Мўминбоев уйда прокурор назорати томонидан тинтув ўтказилганидан сўнг уларнинг ораларида низо бошланади. Тахминларга қараганда Миркомил тинтув бўлишидан хабар топиб, ўзини сиёсий жиҳатдан хавфлилиги ҳақидаги ҳужжатларни топиб беришни таклиф қилади. Тинтув пайтида топилмаган турк султонига мурожаатнома ҳамда Миркомилнинг курол-яроғи қаерга яширилганини у кўрсатиб беришга ваъда қилади. Андижон уездининг собиқ бошлиғи подполковник Иванов Тимофеевнинг яширинча берган хабарларига асосланиб, маҳаллий полиция аъзоларига М. Мўминбоев хонадониди, шу ҳовли ёнидаги мадрасада ва унга тегишли карвонсаройда бир неча маротаба тинтув ўтказишни буюради. Лекин бу тинтувлардан кейин ҳам Тимофеев берган маълумотлар рост бўлиб чиқмайди. Тимофеев эса тинчмайди. Миркомилни кимдир аввалроқ тинтувдан оғоҳлантириб қўйяпти, деб ёзади. Яна бошқа кўрсатмалар беради, аммо улар ҳам ёлғон бўлиб чиқади. Мана шулардан Тимофеев Миркомилдан қасос олиш учун бу ишларни қилган бўлиши керак, деган хулоса келиб чиқади.

Тинтув натижалари ҳақида подполковник Ивановга ҳисобот берилар, бу ишни унинг шахсан ўзи олиб борарди. Лекин у тинтув натижалари ҳақидаги маълумотларни қаерга юборгани бизга маълум эмас.

...Миркомил Тимофеевнинг қақимчилик қилаётганини билса ҳам уни ишдан ҳайдамасди. Лекин 1911 йил июль ойида Тимофеев маст бўлиб келиб, унинг идорасида тўполон кўтаради. Ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб ташлаганидан кейин Миркомил полицияга хабар бериб, протокол тузади ва уни уезд бошлиғи эътиборига ҳавола этади. Бу иш ҳам кейинчалик нима билан тузагани маълум эмас.

<sup>1</sup> Ўша ерда, 43-бет.

1911 йилдан ҳозирга қадар Тимофеев уни қайтадан ишга олишни илтимос қилиб, бир неча марта Миркомилга мурожаат қилади, лекин Миркомил унинг исмини ҳам эшитишни хоҳламайди. Шу йили апрель ёки май ойларида у яна ишга олишни сўраб келганда Миркомил уни ўз ҳовлисида ҳайдаб чиқаради. Бунга жавобан Тимофеев катта шов-шувга сабаб бўладиган жанжал чиқаришини очикчасига айтиб кетади.

Миркомил қамоққа олинганидан сўнг Андижон полиция мансабдорларининг бирига қуйидаги хабарни беради: «...махфий полиция бўлими Миркомилни қамоққа олгани билан тинтувни керагидегидек амалга оширмади, бунинг натижасида у мурожаатнома, гектограф ва бошқа фош қилувчи маълумотларни беркитиш учун Миркомилга шароит яратиб берилди».

Шу йили сентябрь ойининг биринчи ярмида Тимофеев Андижон шаҳри 1-қисми пристави Золотовга махфий равишда Миркомил ишига тааллуқли ҳужжатларни топшида қийналмаслиги учун у Миркомил қўлида ишловчи кишиларни ёллаганини айтади. Худди шу маълумотларнинг ҳаммасини Тимофеев махфий полиция бўлими ходимларига ҳам айтган шекилли 21 сентябрь куни улар М. Мўминбоев уйда тинтув ўтказиб, болохонадаги қуритилган беда орасидан гектограф, сиёҳ, мурожаатнома ва ҳоказолар топишган. Юқоридаги буюмлар сақланган жойнинг шароитидан келиб чиқиб, улар бу пайтда Тошкент қамоқхонасида бўлган М. Мўминбоев болохонасига қасддан ташлаб қўйилган, деб беҳато хулоса қилсак бўлади. Тимофеев ҳам кўпчилик олдида «Миркомил энди қамоқдан чиқиб кета олмайди», деб валдираган.

Тимофеевнинг ўзи 1911 йилдан бошлаб турли фиқс-фасод ва арзномалар ёзиш билан шуғулланади. Унинг махсус ёзув машинкаси бор.

...Тимофеев жуда дуруст яшайди, лекин қайси маблағлари ҳисобига бундай яшаши маълум эмас. У Туркистон тумани махфий полиция бўлимининг яширин ходими ҳисобланади... Ўз сиёсий қарашларидан социал-демократлар партиясига тааллуқлидир».<sup>1</sup>

Гувоҳлар берган кўрсатмалар, юзлаштириш вақтида тузилган ҳужжатларни ўрганганимиз сари М. Мирмўминбоев, М. Умарбоев ва Д. Сўфиев уларидан топилган турк султониغا ёзилган мурожаатномалар сохталиги тобора аён бўла борди. Миркомилни қамоққа ушлаб туриш учун жиддий далиллари бўлмаса-да, Туркистон ўлка маъмурияти уни қамаш ва сургун қилиш учун М. Умарбоев уйдан топилган ва М. Мирмўминбоев ҳамда Мирфозил Мирмўминбоев номига берилган иккита сохта векселли қамаш учун ашёвий далил сифатида қабул қиладилар. Шу тариқа Миркомилбой қамоққа ушлаб қолинади.

Мўминбоевни судхўрликда айбламоқчи эканликларини сезиб қолган Андижон уезди бошлиғи Туркистон тумани махфий полициясига қуйидаги мазмунда хат юборади: «М. Мирмўминбоевни ўзининг Андижондаги хизматим давомида (1912 йилдан бошлаб) кузатиш натижасида қуйидаги хулосага келдик: Миркомилнинг бойлиги кўпчиликка уйку бермайди. Уни руслар ва маҳаллий халқ орасида жуда кўп душмани бор. Табиатан хасис бўлгани учун у ўз қарздорларига шафқатсиз муносабатда бўлган, бунинг натижасида катта бойлик орттиришга эришган. Рақобатчиларни қонун йўли билан инқирозга учратган. Кўпчилик Миркомилни судхўр деб айюҳаннос солиши мумкин. Лекин шу пайтгача ҳеч ким унинг судхўрлигини судда исбот қила олмаган. Менинг ихтиёримда Миркомилнинг судхўрлиги ҳақида ҳеч қандай расмий ҳужжат йўқ».<sup>2</sup>

Дарҳақиқат М. Мирмўминбоев XIX аср бошларида Туркистондаги энг йирик бойлардан бири ҳисобланган. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун уезд бошлиғига берилган М. Мирмўминбоев капитали ҳақидаги ҳужжатга назар ташлаш кифоя: (маълумот 1913 йилда ёзилган, лекин тўлиқ эмас).

М. Мўминбоевга тегишли мол-дунё:

|     |  |               |
|-----|--|---------------|
| 1.  | 5 та завод _____ нархи   | 380 000 сўм   |
| 2.  | Сарой-раста а) Андижонда 2 та _____ «-»                                | 300 000 сўм   |
|     | б) Қўқонда 1 та _____ «-»  | 200 000 сўм   |
| 3.  | Дўконлар: Андижон бозорида 300 та _____ «-»                            | 1 000 000 сўм |
| 4.  | Уйлар: а) Андижонда — катта бозор ёнида 6 та                           | 150 000 сўм   |
|     | б) шаҳарнинг рус қисмида 1 та  | 100 000 сўм   |
|     | в) Скобелев шаҳри рус қисмида 1 та                                     | 10 000 сўм    |
| 5.  | Ҳаммомлар: Андижонда 2 та  | 65 000 сўм    |
| 6.  | Ҳар бири 50 таноб ердан иборат узумзор ва мевали дарахтга эга 4 та боғ | 100 000 сўм   |
| 7.  | Шаҳар яқинидаги 150 таноб ер _____                                     | 200 000 сўм   |
| 8.  | Уездлардаги 4 550 таноб ер _____                                       | 1 925 000 сўм |
| 9.  | Турли шахсларга берилган бай пули _____                                | 4 000 000 сўм |
| 10. | Гаров, кафолат, турли корхоналар акциялари ва нақд пуллар _____        | 2 000 000 сўм |
|     | Ҳаммаси бўлиб 10 000 000 сўм   |               |

<sup>1</sup> Уша ерда, 75-бет.

<sup>2</sup> Уша ерда, 97-бет.

Бу ерда фақат ер, завод ва бошқа нарсаларнинг қиммати ҳисобга олинган. Бошқа маълумотларга қараганда М. Мирмўминбоевнинг капитали 1914 йилда 17 млн. сўмга яқин бўлган. Агарда Россия молия министри Виттенинг 1897 йилдаги пул реформасидан сўнг Россия пулининг дунё бозорида валюта ҳисобида юрганини эътиборга оладиган бўлсак, М. Мирмўминбоев қанчалик катта капиталга эга эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Шу билан бирга унинг Москва, Петербург ва кўплаб чет эл давлатларига тез-тез бориб туришини, Туркистонда чет элдан энгил автомашина харид қилган биринчи одамлигини, рус маъмуриятидагиларнинг унча-мунчасини писанд қилмаслигини ҳисобга олсак, унинг душманлари оз эмаслиги ҳам аён бўлади.

Миркомил Мирмўминбоев тақдири билан шахсан қизиққан Туркистон генерал-губернатори 1915 йил 2 ноябрь кuni уни қамаш мақсадга мувофиқ ёки йўқлиги ҳақида маслаҳат сўраб, Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига шошилиниқ телеграмма юборди. Энди шу телеграммага биноан Фарғона губернатори ёзган жавобга эътибор берайлик: «МАХФИЙ. Телеграммани кеч соат 10.00да олдим. Шу заҳотиёқ жавоб ёзаяпман. Миркомил, шубҳасиз ўта зарарли судхўр. Аммо судья ва гувоҳларни пора бериб сотиб олганлиги ҳақида ҳеч қандай далиллар йўқ. Бунинг ишга унчалик аҳамияти йўқ, бинобарин қўлимиздаги оддий вексел битишувлари зарарни очиш учун етарлидир. Унинг Фарғонага қайтиб бормагани маъқул, чунки унга қўйилган мудҳиш айбларнинг ҳеч қандай натижасиз тугаши Миркомилда катта мардлик-уйғотиб, бу ердаги рус ҳокимияти обрўсини туширишга сабаб бўлади. Гиппиус. 1915 йил 3 ноябрь».<sup>1</sup>

Туркистон генерал-губернатори ўз телеграммасига жавоб олган куннинг эртасигаёқ М. Мирмўминбоевнинг қамоққа олиниши тўғрисида расмий буйруқ беради. «Буйруқ. 1915 йил 4 ноябрь. Тошкент шаҳри. Мен Туркистон генерал-губернатори Миркомилбой Мирмўминбоев давлат жинойтчили эканлиги ҳақидаги маълумотни олишим билан Давлат мудрофааси ҳақидаги Низомнинг 21-моддасига биноан юқорида номи зикр этилган Миркомил Мирмўминбоевни ҳибсга олиб, Тошкент вилоят қамоқхонасига жойлаш ҳақида буйруқ бердим. Ушбу буйруқ маҳбусга эълон қилинсин, нусхалари Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори, Тошкент округ судининг прокурорига ва М. Мирмўминбоев ётган қамоқхона маъмуриятига етказилсин. Туркистон генерал-губернатори, Инфантериядаги генерал Мартсон».<sup>2</sup>

Андижондагина эмас, бутун Туркистон ўлкасида катта обрўга эга бўлган Миркомилнинг бўҳтонга асосланиб қамалишидан хавотирга тушган Фарғона вилояти ҳарбий губернатори энди вазиятдан чиқиш йўллариини излай бошлайди ва Туркистон генерал-губернаторига бир нечта мактуб йўллади. Шу мактубларнинг бирида М. Мирмўминбоевни сургундан озод қилиш ҳақида ҳам гап боради. «Миркомил Мўминбоевнинг қамоққа олиниши, шубҳасиз, хатоликдир. Миркомил оддий фуқаро бўлганида бу хатони уни қамоқдан чиқариб юбориб, осонликча тўғрилаш мумкин эди. Лекин Миркомил ўзининг бойлиги ва бутун Фарғонада машҳурлиги туфайли алоҳида ўринда туради. Уни озод қилиб Андижонга қайтариш учун дурустроқ баҳона топилмаса, у пора бериб қутулиб чиққан деган гап тарқалиши табиий. Тугун қаттиқ боғланиб қолди, энди уни ечиш жуда мушкул. Бошқарув ишларида рўй берадиган ҳар қандай катта хатонинг оқибати шундай бўлади.

Бу хатолик бутун шароитнинг мантиғидан, ҳатто маълум даражада Туркистон ўлкасига аввал ўлкада хизмат қилмаган кишиларни тайинлаш тартибидан келиб чиққан, деб кўрсатиш мумкин. Гиппиус».<sup>3</sup>

Мана шу ёзишмалар давом этаётган пайтларда Миркомилга қарши фитна уюштирганликлари учун айбланган бир гуруҳ кишилар — андижонлик Турсунбой мулла Абдувалиев ва Мулла Эргаш Хўжа Бой Муҳаммад Иброҳим Ҳожиев, Эскимарғилонлик Мулла Абдураззоқ Муҳаммад Содиковлар 3 йилга, Александр Андреевич Тимофеев эса, Туркистон ўлкасидан бутунлай бадарға қилинишлари ҳақида буйруқ чиқади.<sup>4</sup>

Миркомилбой 3 ой деганда 1916 йил 10 февраль кuni қамоқдан озод қилиниб, Тошкентга қайтиб келади. Бу ерда дўсти Орифхўжа бой уйида яшайди ва шу йили 10 май кuni Андижонга қайтиб кетади. Андижон 2-қисми полиция приставининг Андижон уезди бошлиғига хабар беришича, Миркомилбой қайтиб келиши билан унинг уйини таниш-билиш одамлар босиб кетган.

<sup>1</sup> Уша ерда ф. И—19, ёзув-4, 178-иш, 41-бет.

<sup>2</sup> Уша ерда, 42-бет.

<sup>3</sup> Уша ерда, 132-бет (орқаси).

<sup>4</sup> Уша ерда, 128-бет.

Орадан кўп ўтмай Россияда февраль буржуа революцияси амалга ошди. Унинг шамоли Туркистонга ҳам етиб келиб, Туркистон генерал-губернаторлиги ўрнига Вақтли ҳукумати Туркистон комиссариатини ташкил этди. Шуниси қизиқки, янги ҳукумат вакиллари ҳам М. Мўминбоевни судхўрликда айблай бошлади. Бундан фойдаланган унинг шахсий душманлари эса яна уйдирма ва бўҳтонлар уюштириб. Вақтли ҳукуматга арз қилишга тушдилар. Оқибат шу билан тугадики, янги сайланган Скобелев округ судининг прокурори М. Мирмўминбоев устидан жиноий иш кўзгади.

1917 йил 17 май куни эса Тошкентда солдат ва ишчи депутатлари Туркистон ўлка совети мажлиси бўлиб, унда Андижон шаҳри ижтимоий ташкилотлар вакили Бризгайлов юқорида тушган аризалар асосида маъруза сўзлайди. У ўз маърузасида М. Мирмўминбоевга қуйидаги айбларни қўяди: «1. М. Мўминбоев турли йўллар билан Андижондаги «Шўрои Исомия» ташкилотига фақат ўз ихтиёрига бўйсунадиган реакцион орган ташкил этган; 2. Бу орган комиссарлар постига Андижондаги бошқа ташкилотлар билан келишмаган ҳолда фақат ўз ихтиёрида бўлган ёки умумий ишонччи оқламайдиган кишиларни танлаш билан шуғулланган; 3. Мана шу орган ёрдами ва қарори билан бир неча қозиларни ишдан олиб улар ўрнига ўзига тегишли одамларни қўйган; 4. Ўз айғоқчилари орқали халқни маълум кишиларга қарши қилиб қўйган. Яқинлашиб келаётган қирғин фақат бошқа ижтимоий ташкилотлар аралашуви натижасида тўхтатилган; 5. Унга қарши бир неча жиноий иш кўзга тилган ва ҳоказо ва ҳоказо».

Ниҳоят, М. Мирмўминбоевни қамоққа олиш зарур деб, у Туркистон Кўмитаси ихтиёрига топширилади. Масала ҳал бўлгунга қадар Мирмўминбоевга Тошкентда, ўзи танлаган ердаги уйда ҳибсда туриш буюрилади. Андижон солдат ва ишчи депутатлари Совети эса, юқорида кўрсатилган айблар асосида М. Мирмўминбоевни Туркистон ўлкасидан бадарга қилиш ҳақида қарор қабул қилади.<sup>1</sup>

Ушбу хабар тарқалиши билан андижонлик 113 элликбоши ва 33 имом бир тарафдан, аҳоли иккинчи тарафдан Туркистон Муваққат ҳукумати вакилларига арзнома билан мурожаат этадилар. Бу хатда Андижонда бўлиб ўтган тартибсизликларнинг асосий сабабчиси 2-матлубот жамиятининг аъзоси А. Темирбеков эканлиги, у аҳолига ун беришни тўхтатиб қўйгани туфайли камбағаллар ғазабга миниб, тартибсизлик бошлангани, бунда М. Мирмўминбоевнинг ҳеч қандай иштироқи йўқлиги, бинобарин, унинг сургун қилиниши ҳукумат ва мусулмонлар орасида қаттиқ тўқнашувларга сабаб бўлиши очик-ойдин айтилади.<sup>2</sup>

Ушбу арзномалар ҳамда сентябрь бошларида бўлиб ўтган Андижон мусулмонлари уезд-шаҳар ижтимоий ташкилотлари съезди чиқарган ҳукм натижасида М. Мирмўминбоев Андижонга қайтиб келади. Лекин Миркомилбойнинг бу омади ҳам узоқ чўзилмайди.

1917 йилнинг октябрида Октябрь инқилоби ғалаба қозонгач, унга ўхшаган бойлар чинакамига таъқибга учрадилар. Бойларнинг ер, сув, заводлари ва мол-мулклари тортиб олина бошланди. Чиқиб кетиш қийин бўлган чоҳга тушиб қолган Миркомилбой большевиклар ҳокимиятини тан олмайди. Лекин баъзи бир асарларда ёзилганидек, уларга қарши очик курашга ҳам ўтмайди. Янги ҳокимият даврида ҳам унга қарши бўҳтон ва имзосиз хатлар тушиши давом этаверади. Ва охири яна ҳибсга олинади.

1918 йил 22 февраль куни большевиклар эгалик қилаётган Скобелев округ судида унинг «иши» кўрилиши керак эди. Лекин уни судга олиб келмайдилар. Бу пайтда у отиб ташланган эди.

М. Мирмўминбоев ўлими ҳақида бир неча тахминлар мавжуд. Архив ҳужжатларида у «ёвуз ниятли кишилар томонидан ўлдирилди» ёки «тўсатдан ўлди» деган маълумотларни учратиш мумкин.<sup>3</sup> Атоқли адибимиз К. Яшин ўзининг «Еднома» номли эсдаликларида Миркомилбойни революцион трибунал отишга ҳукм қилди, деб ёзади. Албатта уни большевиклар отиб ташлаганига шубҳа йўқ, лекин трибунал ҳукмини биз ҳозиргача топа олмадик.

Миркомил Мирмўминбоев ўлиmidан кейин унинг мол-мулки, бойликлари, ер-сувлари мусодара қилинди. Мусодара ишларини амалга ошириш учун Андижон шаҳар солдат, ишчи ва мусулмонлар депутатлари Совети қошида «Миркомил комиссияси» деб номланган комиссия тузилди. Шу ўринда савол туғилади. Хўш, нима учун Миркомилбойни учала ҳокимиятдан бирортаси ҳам ёқтирмади? Муваққат ҳукумат ўз номи билан омонат эди, дейлик. Большевиклар эса бойларсиз давлат қуришмоқчи эди. Капитализм сари илғор қадамлар қўйиб ривожланган, ҳар қандай ишбилармонлиқни қўллаб-қўлтиқлаётган чор ҳукумати-чи? Нега уни ёқтирмади? Ахир М. Мирмўминбоев 1916 йилгача Андижон бойларини тўплаб, ўзбек йигитларини мардикорликка бермаслик тўғрисида мажлис уюштиргунича, Фарғона ҳарбий губернатори ҳузурига бориб, йигитларни мардикорликка олмаслик ҳақида талаб қўйгунча рус ҳокимиятига ҳеч қан-

<sup>1</sup> Уша ерда, ф. И—1613, 1-ёзув, 2-иш, 24-бет.

<sup>2</sup> Фарғона область Давлат архиви. (ГАФО) ф. 121, 1-ёзув, 23-иш, 14-бет.

<sup>3</sup> Уша ерда ф. Р. 350, 1-ёзув, 5898-иш, 229-бет.



дай ёмонлик қилмаган эди-ку. Уйлашимизча, 1898 йилдаги Андижон қўзғолони ҳанузгача чор ҳукумати вакилларининг эсидан чиқмаган, улар Андижон уездини жанжал чиқиши хавфи бўлган уездлардан ҳисоблашар, қолаверса баъзи чор амалдорлари М. Мирмўминбоевни ўша қўзғолонни моддий жиҳатдан таъминлашга ҳисса қўшган деб ўйлар эдилар. Шу боисдан ҳам Миркомилбой бир кунмас-бир кун маҳаллий халқни рус ҳокимиятига қарши кўтариши мумкин, деб шубҳаланишар, унинг халқ орасидаги обрўси ошиб кетишига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўришар, Гултепа майдонидаги қурилишга рухсат беришмагани ҳам шундан эди чамаси.

Мен архив ҳужжатларини ўрганиб, тарихий ҳақиқатни озми-кўпми англагач, шу хулосага келдимки, М. Мирмўминбоев ўзига хос шахс бўлган. Унинг ўзига хослиги шундаки, саводи чала бўла туриб ҳам, Москва пахта кўмитасининг филиали — Кўзон биржа кўмитасига аъзоликка кирмай ҳам манман деган рус ва чет эл савдо ҳамда пахта фирмалари билан рақобатлашиб, уларнинг кўпини синдира олган. Ривожланиб бораётган, яъни ўзининг энг юқори нуқтаси — империализмга қадам қўйган капиталистик давлатлар намояндаларини феодализмдан энди уйғонаётган бир халқ вакили қонун йўли билан мағлубиятга учратиши одамни лол қолдиради. Халқимиз ичида қандай уддабуррон кишилар бўлганини кўрсатади.

Шундай бўлса ҳам биз Миркомил ва унга ўхшаган бадавлат авлодларимизни коммунистлар дўмбирасига ўйнаб, 73 йил ёмонлаб келдик. Қани айтинг-чи, хўш, ўша миллионер Потеляхову — Вадяевлар, Каменский ва Андреевлар, «Искандару» «Беш-Бошлар», «Кноп», «Шлосберг» ва «Крафт»лар Туркистон халқларининг қонини сўриб, миллионлаб пуд пахтаю мевасини, пахта мойи ва қоракўлини, ипак, қазилма бойлик ва ҳоказоларни сувтекинга олиб чиқиб кетиб, ўрнига нима бердилар? Нима учун биз Саидазим, Миркомил, Аҳмадбек ҳожи, Орифхўжа ва уларга ўхшаган уч-тўртта бойни топиб олиб, кимлигини суриштирмай-нетмай гўрига ғишт қалаб келдик. Ва бундай ишбилармонларни сўкиб нимага эришдик? Жиллакурса тарихимизни варақлаб кўрайлик, ажодларимиз ким бўлганлигини биламиз. Ахир савдогарлар элда энг ҳурматли кишилар бўлган-ку. Энди Миркомилбойга ўхшаган ота-боболаримиз ўз баҳосини оладиган, ғуруримизга айланадиган вақт келмадими?!

**Акмал Акром ўғли**  
тарих фанлари номзоди

**Р. С. Боболари ҳақидаги баъзи ҳужжатлар билан бизни бажонидил таништирганликлари учун Миркомил Мирмўминбоев набиралари Мирмансур Мирмақсуд ўғлига чин дилдан ташаккур билдираман ва у кишининг чигал тақдирини ойдинлаштириш учун олиб бораётган ишларида муваффақиятлар тилайман.**

**Муаллиф**



# Ўзбекистон Республикасида Ўн кунлик муддатда Миркомилдан 50 тадан 100 тагача вагон ундириш чорасини топинг Нуқта

Ёзувчи нигоҳида

**«Андижон Икони топилган заҳоти етказилсин Искандар Войлошниковга  
Ўн кунлик муддатда Миркомилдан 50 тадан 100 тагача вагон ундириш чорасини  
топинг Нуқта**

**Зигель»**

Мазкур телеграмма остида 1915 йилнинг 15-май санаси қайд) этилган. Бу ўринда биз учун телеграммани йўловчи ёки юборилувчи одамнинг шахси эмас, юзтагача вагон пахта кимдан ундирилиши сўралгани муҳим. Октябрь инқилобидан бурун шунча вагон пахтани ким, қандай одам юбориши мумкин эди? Табиий, бой-бадавлат, катта қудрат эгаси бўлган, дасти узун зотларгина шундай ишга қодир. Демак, Миркомил... бой бўлиб чиқади.

Ҳозир давлат тўнтариши деб аталаётган Октябрь инқилоби биринчи навбатда бойларни йўқотишга «хизмат» қилди. Қулоқларни тугатиш, жамоа хўжалигини ташкил этиш кезларида тўртта жўжа боқиб қўйган хонадон эгалари ҳам ҳирсдек тўқ бойга, халқ душманига чиқарилди, ундай тоифа одамлар шафқатсиз қириб ташланди.

Миллионлаб халқларни рўшноликка олиб чиқиш даъвоси билан бундай тадбирларни белгилаган шўро ҳукумати ўз ниятига етди... 74 йил деганда бўлари бўлди — илик узилиб пичоқ суякка бориб қадалди!

Эндиликда ҳеч кимга сир эмас: ҳозир озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигининг, турли зарур буюмлар қаҳатга учраганининг, жамият ва халқ корига ярайдиган билимдонлар камлиги ва тадбиркорлар етишмаётганининг туб сабаблари шўро ҳукуматининг ўша дастлабки тадбирларига бориб тақалмоқда.

Бугунги кунга келиб моддий йўқотишлардан ҳам даҳшатлироқ — маънавий йўқотишларга ҳам йўл қўйганимиз энди бутун фожиаи билан аёнлашмоқда. Чиндан ҳам яқин ўтмишда одамлар қалбига бой, ишбилармон кишиларга нисбатан нафрат уруғи сочиб келинди. «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган шиор остида яшаган жамиятимиз фуқароларига бир холис нигоҳ ташласак, нафақат синф ва табақалар орасида, ҳатто турли касб эгалари ўртасида чоҳ қазиб чуқурлаштирилгани кўринади: йўловчилар ҳайдовчиларни кўрарга кўзи йўқ. Ҳайдовчилар автомобиль ҳаракати назоратчиларини отарга ўқ тополмайди. Харидор учун савдо ходими ўғри-каззоб. Савдо ходими зиёлини, шифокор — беморни, бемор шифокорни кўрарга кўзи йўқ!.. Чор Русияси даврдан мерос қолган, шўро давлати тинимсиз ривожлантириб келган бу манфур сиёсатнинг бирдан-бир мақсади ўзи шу эди, барчани бир-бирига гиж-гижлаш, бу халқнинг бошини қовуштирмаслик эди.

Эндиликда мустақил давлат сифатида оёққа турмоқни, эмин-эркин яшамоқни орзу қилаётган эканмиз, биринчи галда синфлар, табақалар, касб-кор эгалари орасидаги бу жарлик, бу хандақ ва бу ўпирилишларни йўқотмоғимиз, бир-бировимизга аввалбош инсон сифатида қарашга, бир-бировимизнинг қадримизга етишга одатланмоғимиз керак.

Табиий, ҳеч қандай одат, кўникма тўсатдан осмондан тушмайди. 70—100 йил мо-

байнида одатга айланган, ҳужайраларимиз, онгимизга қадар сингиб улгурган тушунчалардан қутулмоқни истар эканмиз, ундан қандай халос бўлиш йўлларини изламоғимиз лозим.

Бунинг учун кеча бой-бадавлатлиги учунгина қувилган, қирилган, бадарға этилган ота-боболаримизнинг номаи аъмолини, ҳаёт йўлини, турмушни, меҳнатни, савдо-сотияқни ташкил этиш йўсинларини ўрганиш, оммалаштириш, уларга бугунги кун нуқтаи назаридан баҳо бериш лозим бўлади шекилли.

...Миркомил Мирмўминбоев номининг ўзиёқ шунча мулоҳазаларга сабаб бўлгани бежиз эмас. Биринчидан — Миркомил ўтган асрнинг охири ва бу асрнинг бошларида яшаган Туркистондаги энг катта давлатмандлардан бири. Ўз даврида чекланмаган қудратга эга, эл-юрт орасида нуфузли, таъсири зўр шахс эди. Нафақат оддий одамлар, нафақат катта-кичик бойлар, ҳатто маҳаллий ва мустамлакачи Оқ пошшо ҳукумати ҳар дам-ҳар қадамда Миркомил билан ҳисоблашган. Энг мартабали амалдорлар ҳам бирор тadbир бошладдан бурун Миркомилнинг раъйига қараганлар. Русиянинг турли ўлкаларидаги ва ҳатто хориждаги катта савдогарлар ҳам Миркомил билан ўйлашиб савдо муомалалари ўрнатишган. Юқорида келтирилган телеграммда кўрилганидек олис ўлка савдогарлари бойга тўғридан-тўғри мурожаат этмаганлар, балки пахта ё бошқа нарса сўраб унинг иш юритувчисига ёхуд ҳозирги тил билан айтсак брокер-воситачиларига мурожаат қилганлар.

Андижондаги биринчи пахта тозалаш заводини қурдирган одам ҳам шу Миркомилбой. Русия, Осиё мамлакатлари, ҳатто Оврупо диёрларига бориб тижорат ва ҳоказо муносабатлар ўрнатган, хорижий автомобил харид қилиб Андижонга келтирган ҳам шу Миркомил. Комил Яшин ўзининг «Еднома» хотираномасида Миркомилбойнинг номи кўп тилга олади. «Андижонни ётқизиб-турғизадиган Миркомилбой ҳаммининг оғзида эди, — деб ёзади адиб. — Ўттиз миллионга қурби етадиган тўртта завод, етти юз десятинадан ортиқ ер-сув эгаси бўлиб, шаҳардаги чор амалдорларига маҳаллий бойлар югурдаклари қаторида юришарди. Миркомил улардан каттароқлар билан гаплашар, майдаларни сариқ чақага ҳам олмасди». («Еш гвардия» нашриёти, 1989, 30-бет).

Отаҳон адибимиз мулоҳазаларида Миркомилбойга нисбатан қандайдир салбий оҳанг сезилади. Мен «кўрганни эшитган энгибди» қабилида иш тутмоқчи ё бўлмаса кекса адибимиз билан баҳслашмоқчи эмасман. Аммо жамият, давр, бойлик ва камбағаллик ҳодисасини холис таҳлил қиладиган бўлсак — яқин ўтмишимиздаги воқеаларни бугунги кун нуқтаи назаридан мушоҳада қилишга уринсак бирмунча ўзгача хулосаларга келиш мумкин.

18 миллион ёки 30 миллионга қурби етадиган Миркомил Мирмўминбоев осмондан тушиб қолмагандир. У қандай қилиб бундай давлатга эга бўлди, қандай қилиб ўзи туғилиб ўсган шаҳарда, вилоятдагина эмас, ҳатто олис Русиядаги, хориждаги бой-бадавлат одамлар назарига тушди? Бу ўз-ўзидан бўлдимиди?

Ҳозирда Тошкентнинг Самарқанд дарбоза мавзесида истиқомат қиладиган Миркомилбойнинг невараси Мирмансур ака Мирмақсуд ўғли шундай ҳикоя қиладилар:

— Катта бобомиз раҳматли Мирмўминбой ҳожи Мирнодирбой ҳожи ўғли анча бадавлат одам бўлганлар. Бузрукворимиз ўн беш нафар фарзанд кўриб, вояга етказиб, 1899 йили боқий дунёга рихлат қилганлар. Раҳматли Миркомилбой бобомиз эса, катта бобомиздан қолган тўққиз ўғилнинг иккинчиси бўлганлар.

Ушбу нарсани эсда сақлайлик: тўққиз ўғилнинг бири!

Мирмансур аканинг ҳикоя қилишларича, Оллоҳ таоло Мирмўминбой ҳожининг кўнглига қазои ҳақ онлари тобора яқинлашаётганини сола бошлагач, ота вафотидан икки ой бурун барча оила аъзоларини атрофига чақириб, рози-ризалик тилайди, васият қилади, панд-насиҳатлар айтади. Табиий, бунда мерос тақсимотидек нозик масала ҳам тилга олинади. Шунда бой ота барча меросини ўн беш фарзандга, хусусан, тўққиз ўғил ўртасида шариат аҳкомлари талабларидан келиб чиқиб тенг тақсимлайди, барча фарзандларининг теппа-тенг кўнглини олгач, бир ният билан 30 минг сўм ажратганини, унинг ҳисобига Макка ва Мадина шаҳарларида бир мусофирхона бунёд этилишини васият қилади. (Маъқур васият ва унинг тақдири хусусида махсус мақола ёзишга тўғри келгани боис бу ўринда у ҳақда тўхталмаймиз).

Демак, бировларнинг ҳасми сифатида қизлар ҳақида гапирмасак-да, тўққиз ўғил меҳрибон отанинг тadbиркорлиги орқасидан тенг шароитга эга бўладилар. Отадан қолган давлатни кўпайтириш, дастмоя қилиб бойиш ёхуд ҳавога совриш ҳар ўғилнинг ўзига, унинг тadbиркорлиги, ишчанлигига боғлиқ эди. Худди шундай бўлиб чиқди ҳам.

Тўнғич ўғил Мирсолиҳ ҳарчанд уринмасин, сина-сина ўзини ўнглолмади. Қолган беш ўғил ҳам отадан қолган меросни еб-совуриб биттирдилар. Мирфозил билан Мирғози ота изидан бориб бирмунча ўзларини ўнглаб олдилар. Лекин тadbиркорлик борасида ёлғиз Миркомилгина отадан ўзди, у иккинчи гильдия мавқеидаги ниҳоятда нуфузли савдогар даражасига кўтарилди.

Кўринадики, тadbиркорлик ҳаммага ҳам насиб этавермас экан. Бу истеъдод тўққиз ўғилдан биттасида намоён бўлгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Ҳўш, Худо ато

этган шу истеъдод орқали бой-бадавлат бўлган Миркомилнинг гуноҳи нима эди? Тадбиркорлигимми? Ёхуд у ҳам бирни икки қилолмай ўтиб кетгани маъқулмиди?

Назаримда, бойлар ҳақида сўз юритганда кўпинча масаланинг шу жиҳатларини унутамиз шекилли.

Шўро ҳукумати даврида-чи? Рост гап шуки, ҳеч кимга бой бўлиш имконияти берилмади, ночор яшасанг — яхши одамсан, ўзингни ўнгласанг — жиноятчисан! Бундай сиёсатнинг аянчли оқибатларини ҳозир бошдан кечириб турибмиз.

Лекин Октябрь инқилобидан бурун бой бўлиш имконияти сиёсий жиҳатдан ман этилмаган эди. «Камбағаллик барча айбларнинг онаси» деган эди Б. Шоу. Ночорликка кўникиш гуноҳ эканлиги ҳақида ҳадис ҳам бор. Демак, бой яшашга интилмаслик, аксинча ночорликка мутелик, ночорликка қаноат қилиш гуноҳ ҳисобланган.

Назаримда, ҳар қандай даврда ҳам Худо тадбиркор қилиб яратган одамлар ва яратганинг бу неъматидан унумли фойдаланганлар бўлган, бўлаверади ҳам. Миркомил Мирмўминбоев шундай тоифа кишилардан эди. Миркомилбойнинг тадбиркорлиги асосан экин майдонларида, биринчи навбатда пахта етиштириладиган майдонларида кўринади. Бироқ унинг қулоч ёйиши учун бу майдонлар ҳам торлик қилган. У бу ҳақиқатни англаган, англабгина қолмай ҳали саноат марказлари бўлмаган, ишчи табақалари етишиб чиқмаган Андижонда пахта тозалаш заводи қуриш заруратини биринчи бўлиб тушуниб етган. Сўнг 1907 йили ўз даврининг энг замонавий жиҳозлари билан таъминланган ўз пахта тозалаш заводини ишга туширади. Демак, айтиш мумкинки, Миркомил Мирмўминбой ҳожи ўғли Андижонда, эҳтимол, Туркистонда йирик саноатни ривожлантириш борасида тамал тошини қўйган зотлардан бири ҳисобланмоғи керак!

Минглаб таноб экин майдонлари, заводлари бўлган одам савдо ишларини кенг миқёсларга кўтармоғи жуда табиий эди. Миркомилбой шундай қилди. Архив ҳужжатларини кўздан кечирарканмиз, Миркомилбой тижорат муомаласи олиб борган одамлар орасида ака-ука Крафтлар, Кох, Шульц, ака-ука Степунлар, ака-ука Шлосберглар, Кноп, «Мейеркорт» фирмаларининг номлари бот-бот учрайдики, бу Миркомилбойнинг кичкина савдогар бўлганидан далолат беради. Бундан ташқари, у Хитой, Туркия, Русия, Олмония савдо аҳллари билан алоқалар боғлаган. «У Карлсбед, Париж, Лондон, Берлин ва Москвада кўп вақтини ўтказди, — деб ёзилган ҳужжатлардан бирида. — Барча (Русия ва Осиёдаги) банкларидаги пули 270 минг сўмни ташкил этади, қолган бойлиги завод ва ердан иборат».

Шу ўринда табиий савол туғилади: Миркомилбой қора халқ вакилларига, чунончи ўз тасарруфидаги корхона ишчи-хизматчиларига қандай муносабатда бўлган? У ҳам ҳозирга қадар тасаввуримизга сингиб кетган Мирзакаримбой, Солиҳбой, Тангибойвачча образлари сингари эдими ёхуд бошқачами?

Яна К. Яшиннинг хотираномасига мурожаат қиламиз:

«Бойга қарашли заводларда аҳвол «эски ҳаммом, эски тослигича» қолганлиги, зулм кундан-кунга авжга чиқаётганлиги борасида ҳам турлича гаплар юрарди. Андижонда Миркомилбойдан жабр кўрмаган одам қолмагани ҳисоби. Бойнинг давлати беҳисоб бўлса ҳам ўзи ўлгудай зикналиги, мол-дунё орттириш йўлида ҳеч нимадан қайтмаслиги, қаёқдаги усуллардан фойдаланиши ҳақида ҳам турли-туман миш-мишлар юрарди,» — деб ёзади у.

Бойнинг зикналигига келсак, ростдан у шундаймиди? Биз ўтмишдаги бойлар ҳақида сўз юритганда доим бир нарсани назардан соқит қиламиз. Аксари бойлар, хусусан тагли-тугли, ота-бобоси ўзига тўқ ўтган авлод фарзандлари, шак-шубҳасиз, Ислом дини таълимотидан баҳра олган одамлар бўлган. Узини мусулмон санаган ҳар қандай мулк эгаси ушр, садақа сингари ислом аҳкомларини яхши билган ва унга риоя қилган. Бундан ташқари, етим-есирнинг ҳақиға хиёнат қилмасликнинг, қаровсиз, кимсасиз ночорлар аҳволдан бохабар бўлишнинг, хайр-садақанинг аҳамиятини яхши тушунган. Хайр-садақа ҳар кимнинг ўз кўнгил майли, масалан, бировни садақа қилмасликда айблаш қийин. Лекин закот — фарз, унга риоя қилмаслик — мусулмонликка ёт. Ночор одамнинг кўнглини олиш — улкан савоб. Киши ушр, закот талабларини бажарганининг ўзиёқ унинг зикна эмаслигидан далолат беради.

Бойнинг оддий одамларга муносабати хусусида бир нарса дейиш қийин. Эҳтимол, тадқиқот, ўрганиш ишлари чуқурлашгани, хотиралар йиғила боргани сайин бу борада ҳам ойдинлик киритилар, лекин Миркомилбойнинг Андижон шаҳрининг марказига касалхона, мадраса, масжид, болалар интернати тоифасидаги мактаб, савдо растаси қуриш истаги бўлгани ҳақида, бу ҳақда маҳаллий ҳокимиятга сон-саноқсиз илтимослари рад этилгани баён этилган бир қучоқ ҳужжатлар мавжудки, уларни синчиклаб ўқиган одам Миркомилбойнинг К. Яшин ёзганидек зулмкор, қаттиққўл ва зикна эканига беихтиёр шубҳа қилмай иложи йўқ. Бу ўринда хотиранома бой-бадавлат одамлар ашаддий халқ душмани деб қараладиган даврда битилганини ҳам ҳисобга олмоқ керак шекилли.

Қўлимиздаги мавжуд ҳужжатлар ва фаразлардан келиб чиқсак, Миркомилбойнинг оддий меҳнаткашларга, қора халққа муносабатига доир шубҳаларимизни бирмунча ойдинлаштириш мумкин.

Бунинг учун бир нозик ҳодисага эътиборни қаратаман.

Маълумки, Миркомил чор Русияси ҳукмронлиги давридаги, Муваққат ҳукумат даврида ҳам, ниҳоят Октябрь инқилобидан кейин қарор топган ҳукумат аъёнларига ҳам ёқмади. Ҳеч бир ҳукумат унингдек дасти узун бойнинг ўз ишларини гуллаб-яшнатиб юришини истамади. Нега шундай бўлди? Бир-бирдан тамомила фарқли учала ҳукуматнинг раъйига ўтиришмаган, уларнинг қолипига сиғмаган Миркомилнинг гуноҳи нимада эди?

Мавжуд ҳужжатлардан шу нарса яққол кўзга ташланадики, Миркомилбой оёққа турганидан бошлаб, қанот ёзиб гуркираб то умрининг адоғига қадар маҳаллий ва мустамлака ҳукумат томонидан муттасил таъқиб остига олинган. Унинг ҳар бир қадами қарийб назорат остида бўлган: бирор тижорат шартномалари тузиладими, банкка пул кўядими, ер сотиб оладими, қарз берадими, саёҳатга чиқадими, уй-жой қуришга киришадими — барча-барчаси турли йўллар билан тегишли маҳкамага етказиб турилган. Нафақат Андижон вилоятидаги, балки Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли ҳокимият ҳам Миркомилбойнинг халқ орасидаги нуфузи ортиб бораётганидан доимо ташвишда бўлган.

Ҳатто Миркомилбой хайрия тариқасида мўлжаллаган биноларни қуриш учун руҳсат беришдан чўчидилар.

«Миркомил Мирмўминбоевнинг таклифи қабул қилингудек бўлса, собиқ Гултепа майдонида ўзига хос вақф, Андижонда М. Мирмўминбоев номидаги давлат ичра давлат пайдо бўлади, — дейди шаҳар ноиби Г. Ординец. — Рус давлатчилиги нуқтаи назардан нечоғли йўл қўйса бўладиган бу ишнинг зарурлиги ҳақида бир нарса деёлмайман-у, лекин шаҳарда бундай ўзгариш қилиш мутлақо мумкин эмас».

Миркомилбой мазкур қурилиш учун ажратган ярим миллион сўм пул Андижон шаҳрининг икки йиллик сармоясига тенг эди.

Савол туғилди: шундай ниятдаги одамни босқинчилар тўхтовсиз шубҳа остига олса, ўзимиз уни «ўлгудай зикна»ликда айбласак адолатдан бўладими?!

Халқ орасида шундай ривоятнамо гап юради: эмишки, мустамлака ҳукумат раҳбарлари Октябрь инқилобидан кейин Ленинга: «3200 кило тиллоси бўлган М. Мирмўминбоевга қандай муносабатда бўлмоқ керак?» деган сўровларига Масковдан «Шунча тилла йиғишга қурби етган одам ўз орасидан халқни эргаштириб кетиши ҳеч гап эмас», деган жавоб олганмишлар. Сўнг...

Ҳозирча буни тасдиқловчи ҳужжат йўқ, лекин айнан шундай жавоб-кўрсатма келмаган тақдирда ҳам мустамлакачилар қатъиян шундай фикрда бўлганликларига шубҳа йўқ. Ҳокимият олиб бораётган сиёсат қандайлигидан қатъи назар у мустамлакачи бўлар экан, ҳеч бир мустабид ҳукумат маҳаллий кишиларнинг ўсиб-унишини, халқ эътиборига тушишини истамайди ва мудом бунга йўл қўймайди.

Миркомил Мирмўминбоев ана шундай зотлардан эди — қисмат унинг йўлига Русия босқинчиларидек даҳшатли ва ваҳший тўсиқни кўндаланг қўйди, 1918 йили у 58 ёшида отиб ташланди!

...Биз Ватанимиз тарихига, халқимиз ўтмишига доир воқеа-ҳодисаларни ҳозирги кун нуқтаи назаридан қайта баҳолаш зарурати туғилган даврда яшамоқдамиз. Номлари, қилган ишлари фақат қора бўёқ билан чапланган бой-бадавлат ўтмишдошларимиз ҳаётини, босиб ўтган йўлини қайта ўрганиш, уларни холис назардан кечириш бугунги кунимиз манфаати жиҳатидан ҳам ниҳоятда зарур. Миркомил Мирмўминбоев ана шундай аҳамиятга молик йирик тарихий шахслардан биридир. (Масалан, М. Мирмўминбоевнинг 1898 йилги Дукчи эшон исёнига муносабатини ўрганишнинг ўзиёқ талай муҳим маълумотлар бериши мумкин). Бу кишига доир архив ҳужжатлари юқорида зикр этганимиз Мирмансур ака Мирмақсуд ўғли Миркомилонинг саъй-ҳаракатлари билан ҳозир ўрганишга киришилди. Адиб Ёқуббек Яқвалхўжа романларида Миркомилбойнинг энг аччиқ тақдирини холис қаламга олинди. Булар хайрли ишларнинг бошланиши, холос. Эҳтимол, разил тузум ҳокимият тепасига келган дастлабки йиллардаёқ шахид кетган Миркомил Мирмўминбоевнинг шахси-камоли ҳақида, савдогарчилик тадбиркорликлари ҳақида, бойнинг хорижий банкларда сақлаш учун қўйган катта бойликлари ҳақида маълумот билувчилар бордир, шояд ана шундай маълумотлар йиғилса, жамланса, зеро, бой-бадавлат боболаримиздан қолган ҳам маънавий, ҳам моддий бойликларнинг изи чикса деймиз.



Оразий

# Насибали Ғали эрур

Эски(дан) машхур Хувайдони(нг) бир ғазали ашулачилар оғзида макбул бўлиб юрғон экан. Мухаммаси бўлмоғини рижо қилдилар. Ҳар кимни оғзидан эшитғоним учун бир оз ислоҳ билан мухаммас қилинғон. Албатта, девонида бўлса керак. Биздаги саҳв-хато ислоҳлар қасддан эмас, афулғон.

Насибам ғам эрур, ёрим эшитмас оху зоримни,  
Нечук тоқат қилурман, кўймади сабру қароримни,  
Фидо қилмоқчидурман мақдамиға йуку боримни,  
Хазон этдим зимистони ғамингда гулузоримни,  
Келиб, дилбар, тамошо қил, хазон бўлғон баҳоримни.

Юрарман дарбадар ҳар ёна ўз ҳолим билолмасдан,  
Нетарман, бу аламларға ўзум тadbир этолмасдан,  
Гиёҳлар баҳраланмас шабнаму меҳрим ичолмасдан,  
Қурурму боғ таъбим, ғунча қолди гул очолмасдан,  
Карам, жон су бериб сабз айла боғу лоззоримни.

\*

\*

Алихон Мулла Охунд ўғли Оразий (1869—1942) Шаҳрихон шаҳрининг Қошғар маҳалласида кўлол оиласида туғилган. Дадаси — Мулла Охунд шоиртабиат киши бўлган. Онаси — Халча Отун мазлумаларнинг машрабхонлик, навойихонлик давралари гули саналган.

Дастлаб, эски мактабда, сўнг, мадрасада сабоқ олган. Мактабдорлик қилган.

Муқимий, Фурқат, Хўжажон қози Рожий, Исҳоқхон Ибрат Тўрақўрғоний, Фаҳриддин Қосим-хожи ўғли Фаҳри Розий, Мулла Ҳошим Солиҳ ўғли Ҳайратий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Собир Абдулла, Чустий, Комил Алиев, Тўхтасин Жалолов, Хошимжон Раззоқовлар билан дўст, шогирд ва устоз бўлган. Шаҳрихон адабий муҳитини яратишда ҳиссаси катта. У қатли ом ва қатағон жабрдийдаси. Тўнғич ўғли — Абдукарим машхур муаллим эди. Кичиги — Абдуманнон Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевлар билан ҳамсабоқликда Москвадаги Свердлов номли Коммунистик умумтолибия (университет)ни битирган. Чинобод туман ижроия кўмитаси раиси бўлиб ишлаган. Ҳар икки ўғли ҳам миллат пешволари «думи» сифатида айбланган. Отилган. «Сиёсий жиноятчилар отаси» — Оразий таъқиб этилган. Асарларини ёйиш кўп марта тақиқланган. Илк тўплами 1959 йилда, «Ўзбек классиклари кутубхонаси» тизимида, бор-йўғи 15 минг нусхада чоп этилган. Ҳозир уни топиш амри маҳол. Андижонлик матбуотчи Карим Йўлдошга Оразий ўз қўли билан битган 10 та шеърий дафтарни мерос сифатида қолдирган экан. Унинг ўғли Олимжон Йўлдош дафтарларни бизга топширди. Оразийнинг кенжа ўғли Абдурайимжон, шогирди Мўмин Жалилий (Қаландар)нинг ўғли Аҳмаджон, муаллим Аслиддин Солибоевлар шоир бисотини тўплашда кўмаклашдилар. 80 дан ортиқ янги асарлари топилди. Девон тузилди. Аммо, уни нашр эттириш муаммо бўлиб турибди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Оразий шахсий кутубхонасидан минглаб нодир китоблар, қоп-қоп қўлёзмалар терговчилар томонидан олиб кетилди. Ҳозирча бедарак. Улар Давлат хавфсизлик кўмитаси омборхоналарининг қайсидир бурчакларида чанг босиб ётган бўлиши мумкин. Бу бисот топилса, адабиётимиз хазинаси янада тўлишган бўлурмиди!!

Акрамжон ВАҲҲОБИЙ,  
Андижон вилоят ўлкашунослик мозийгоҳи  
Шаҳрихон мавзеи мудири, мужаллис.

Фалакдан роҳат излаб, ҳеч ғамсиз олмадим бир ком,  
Нетай, бу толейи шум бўлмади ман хастага бир дом,  
Қилай дерман анингга арзи аҳволимни бир инъом,  
На кундуз лаззатин кўрдум, на тунларда ётуб ором,  
Кечирдим ҳажр ўтида куйдуруб лайлунаҳоримни.

Фалакдан шиква қилмай тинчликдан хайрбод этдим,  
Тополмай чора асло дард узра дардим баён этдим,  
Фиғонлар бирла ҳўб дўстумға ғам, душманни шод этдим,  
Ёқамни чок этиб йиғлаб, бориб кўйиға дод этдим,  
Кўрунг, бераҳм эшитмайдур, манинг фарёду зоримни.

Ғаму ҳижрон хароб этди, нетарман боқмаин, дилдор,  
Фироқ ўтида қон йиғлаб, тонг отқунча бўлуб бедор,  
Ниҳон тутмоқ иложин тобмадим эмди қолай бемор,  
Чиқарға жон яқинлашди, ўлай дерман кўруб дийдор,  
Оё, боду сабо ай(т)ғил бориб бераҳм ёримни.

Ҳақорат бирла боқманг дард элини феъл-ҳуйиға,  
Қараб инсоф этинг маъшуқаларни ранги-рўйиға,  
Қачон келгай жаҳонни гард-дарди фикри-ўйиға,  
Ман ўлсам, эй азизлар, дафн этинглар ёр кўйиға,  
Ки, ҳар ёна ўтар бўлса босуб ўтсун мозоримни.

Йўқ ўлди тухми анқодек, манго ғамхор дунёда,  
Юрарман тобакай йиғлаб, бу янглиғ хор дунёда,  
На қилсун Оразий, бир кўрмади дилдор дунёда,  
Ўларман, ўлмаган ҳеч кимса қолмас дор дунёда,  
Ҳувайдо, қолмагай армон, кўруб ўлсам нигоримни.

\* \* \*

1929 инчи йили 10 инчи апрелида Олимжон Қобулф — матбуот ходими — ҳазилкаш Шаҳрихон — Сталин райўнига Комил Алийуф бирлан борганда, мани ҳукуматларимиз бирдан танқид ашъоримни оғир олиб, қалам ушламасун, хат ёзмасун, деб манъ қилғон; шунинг маҳали кўнглум кўтармоқ бўлиб, 5 хат бир банд мухаммасни ёзғон экон. Абдувоҳид Мироббоши, Иброҳимжон Маҳзумлар 5 банд қилиб беринг, дегани учун жавоб тариқасида ёзғонларим.

Сўлушғон Оразийнинг заҳда қолған танбурин тори,  
Фиғонин авжи афлокка чиқармас бўлса сетори,  
Касод ўлди деманг, янглиш эрур гавҳарни(нг) бозори,  
Чиқар, кўрқманг, матойи аслининг бир кун харидори,  
Азиз ўлмас эди гул, кўлға то санчилмаса хори.

Анинг-чун шоду хуррамман — вужудим бор учун солим,  
Агарчи лаззат олмиш бўлса ҳам уйқудан иқболим,  
Билурман, ёр эса олам, мушавваш ўлмагай ҳолим,  
Муқаррар боиси осойиш ўлсам жамъ этган молим,  
На деб ҳам шиква қилғайман, фалак ранж ўлса рафтори.

Қулоқ ҳам солмас ўлдим суди йўқ ҳар турли «хо-хо»ға,  
Ҳушим ҳам йўқ, сиёқим ҳам — маош излаб муросоға,  
Насибим йўқ азалдин ҳам риёлик зухд-тақвоға,  
Заҳира йиғмоқ одат қилмадим имрўз-фардоға,  
Муяссар бўлмаган-чун, не бўлғай эртанинг кори?

Яшар ҳар бора кўрдук ҳурлик илан қарғаю кузғун,  
Қафасда банд ўлур тўтийи хушхон, булбули маҳзун,  
Манинг ҳаддим надур ҳар рангда жавлон айласа гардун,  
Ўқуб тарихи оламни ўзумни айлагум мамнун  
Ва лекин яхши билдим, йўқ экан ҳасратни(нг) даркори.

Билурмиз эътиборин-шоҳ экан оламда мазлумкуш,  
Қушим-қуш, Лайла (к) ҳам қуш, Қарчиғай ҳам, Синчалак ҳам қуш,  
Мишиқи чора топмас ҳарчи Сичқон бўлса зийрак, хуш,  
Хатардан холи бўлмас Оразий гар бўлмаса хомуш,  
Таманноланмагай ҳар ким деса гавҳарча ошқори.

Утган асрда дадам 22 ёшда вабот бўлғони, ҳар хил ғам-аламлару васият сабабли  
27 инчи январь 1928 инчи йилда ёзилғон.

Тушундим, эй фалак, ҳеч сўзламасман дард-доғингдан,  
Дебон таскин можаро қилмоқ ўлғон иштиёкингдан,  
Шикоят хўб эмас билдим, яқин бирла узоғингдан,  
Хабар тофмоққа ман қодир эмас бошу оёғингдан.  
Суярман ҳар қачон ҳам телбани бедард саёғингдан.

Жаҳонга кимки келди санга тош отмоқ шиор айлар,  
Вафосиз, беҳаёсан деб хусумат ошқор айлар,  
Манга йўқ илтифотинг ҳеч равиш деб оху зор айлар,  
Назар ўз феъл-атвориға солмай, сандин ор айлар,  
Ажойиб ҳам демассан ҳеч қутулмоқ йўқму жоғингдан.

Шикоят қилғучи билмасму сандин ихтиёринг йўқ,  
Қачон роҳат кўрарсан, лаҳза бир ерда қароринг йўқ,  
Ҳақиқат дафтаринда, сен ҳам экон биз каби маҳлуқ,  
Санинг бошингдаги мажбурликлар биздана ортуқ,  
Санга ҳамдард ўлуб кун айланур дойим қароғингдан.

Қани Зухро қолуб йўқ бўлса эрди нахс юлдузлар,  
Ярашгон хол ўлуб Миррих, Чўлфонингга йўқ сўзлар,  
Қотодур ваҳмидан, боқмоққа ожиздур ямон кўзлар,  
Жаҳон саҳни ёруғ юлдузларингдан бўлса наврўзлар,  
Ҳамиша сайр айлар саббаи сайёра боғингдан.

Жаҳонға нур сочмоғда чиқиб қўйнингдин ою кун,  
Бу янглиғ луфт омининг барча оламини қилур мамнун,  
Сани сиррингни билмоқликда лоф урғон киши Мажнун,  
Анинг-чун шукр такрори биландур Оразий маҳзун,  
Агар жиндек араз айлар эрур девона доғингдан.







Сирожиддин Аъзам

# Мунаввар қори

Эссе

Чўқ мунаввар этди олами Мунаввар қоримиз,  
Кўрдимиз равшанлигини феълимиз, атворимиз.  
Ибрат олинг, ёшлар, деб тўқди кўздин ёшлар,  
Нутқида таҳрир этиб, бизларни йўқ-у боримиз.  
Чин кўнгилдан эшитдук чин инчунин айтган сўзин  
Шунча бидъатларни билдук, вой, биз иқроримиз.

Тавалло

Эл учун куйиб-ёнган, маърифат чироғини ёққан кишиларнинг номи ҳеч қачон унут бўлмайди. Бундай инсонларни сиёсатбозлар қанчалик қораламасинлар, ўзлари эл, тарих, замон олдида тасқара бўлиб қолаверадилар. Зеро фидойи кишиларни эл ҳаммаша қатъ тўрида асраб-авайлайди. Халқимизнинг ана шундай унутилмас сиймоларидан бири — адиб ва педагог, маърифатпарвар Мунаввар қори Абдурашидхоновдир.

Мунаввар қори — исми жисмига монанд, маънавияти саҳиясига хос инсон, асризмнинг биринчи чорагидаги халқимиз учун фалокатли йилларда «Мен сандаман, сен мендасан» ҳикматига мувофиқ элимиз, миллатимиз қалбига маърифат ва озодлик, эрк ва ҳурлик нурини сочиб, ҳаётнинг серташвиш йўлларини мунаввар қилишга интилган аллома эди. Афсуски, у зўравонлик ва зулмга асосланган тузумнинг қурбони бўлди. Шу сабабли унинг номи етмиш йил мобайнида фақат қораланди. У амалга оширган улкан ва улғу ишлар ҳақида лом-мим дейилмади. Хайрият, тазор коммунистлар фирқаси маркази тугатилди. Одамларни, зиёлиларни, айниқса, олим ва адибларни каттақон ялмоғиз мошинанинг парраги ва мурватига айлантирган дев чалажон бўлди. Шу боис, бу буюк инсон ҳақида бир-икки оғиз илиқ сўзлар матбуотда кўрина бошлади.

Хўш, Мунаввар қори Абдурашидхонов ким эди? Нима учун унга шунчалик қаттиқ ҳужум уюштирдилар? Нега уни жисман йўқ қилдилар-ку, лекин маънавий йўқ қила олмадилар?

Абдурашидхон Сотиболдихон Олим ўғли Мунаввар қори 1878 йилда Тошкент шаҳрининг марказий даҳаси — Шайх Хованд Таҳурнинг Дархон маҳалласида мударрис Абдурашидхон ва Хосият отин оиласида дунёга келди. Мунаввар қори оиладаги учинчи фарзанд эди. Акалари Аъзамхон (1872—1919 й.) ва Муслимхонлар (1875—1954 й.) ҳам ўқимишли, зиёли кишилар бўлиб, бирлари мактабдор домла, иккинчилари руҳоний эди. Шунини ҳам таъкидламоқчимизки, унинг боболаридан бирининг номи Абдулмажидхон бўлган. Шу боис, айрим манбаларда уни «Мунаввар қори Абдулмажидхон ўғли» деб ҳам ёзишади.

Мунаввар қори отасидан етти ёшида етим қолади. Даствлабки таълимни онаси Хосият отиндан олади, хат-саводи чиққач, ўша даврдаги йирик мактабдорлардан бири — Усмон домлада ўқийди, сўнг Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида таҳсил олади.



Бироқ, ўша даврда Ўрта Осиёда илм маркази Бухоро эди. Шунинг учун у 1898 йилда Бухорога бориб, мадрасалардан бирида таҳсил кўра бошлайди. Аммо кўп ўтмай моддий қийинчилик туфайли Тошкентга қайтиб келиб, Дархон масжидида имомлик қилади.

Туркистон, Озарбойжон, Татаристон, Қрим туб халқларининг маънавий йўлбошчиси бўлган Исмоил Ғаспрининг ўқиш ва ўқитиш, мадраса ва мактаб ислоҳотига оид фикрлари, у нашр этган «Таржимон» жаридаси мусулмон ёшлари орасида янгича бир ижтимоий қараш уйғотди. Бу қараш 1900 йилдан бошлаб жиддий ижтимоий ҳаракатга айланди. Зиёлилар орасида табақаланиш содир бўлди. Тараққийпарвар кишиларни «жадид», қолоқ фикрлиларни «қадим» деб аташ расм бўлди. Ана шу ҳаракат туркистонлик, хусусан, тошкентлик зиёлилар орасида ҳам қувват

ола бошлайди. Мунаввар қори ҳам тараққийпарварлар сафига қўшилиб, тез орада унинг йўлбошчиларидан бирига айланади. Бунда Боғчасаройда нашр этилган «Таржимон», Татаристонда чоп этилган «Вақт», «Юлдуз» жаридалари, турли йўллар билан Туркистонга тарқаладиган «Сироти мустақим» («Тўғри йўл», Истамбулда чоп этилган) мажалласи, мисрлик ватанпарвар ва инқилобчи Муҳаммад Абдуҳнинг (1849—1905 й.) ислом мамлакатларига ёйилган инқилобий ва ислохотчилик ғоялари муҳим аҳамият касб этади. У айниқса Исмоил Ғаспрининг «усули савтия» мактабига, чор ҳукумати мустамлака ўлкалардаги аҳолини қандай маънавий-маданий узлатда сақлагани ва ундан қутулиш чоралари ҳақидаги фикрларига ҳавас ва ихлос билан қарайди. Чунки бу даврда, биринчидан, эски араб ва форс мактаби услубида фаолият кўрсатувчи ибтидоий мактаблару мадрасаларнинг ўқув-педагогика ишлари анча эскириб қолган эди. Иккинчидан, чор ҳукумати Туркистон ўлкасида маорифни ривожлантирмаслик учун астойдил ҳаракат бошлаган эди. Ўлка аҳолисини руслаштириш сиёсати биринчи ўринда турарди. Мустамлакачилар бу мақсадларини амалга ошириш йўлида турли найрангларни ўйлаб топардилар. Масалан, Тошкент ўқитувчилар семинариясида (директори машҳур миссионер Н. П. Остроумов) ўзбек, қозоқ-қирғиз халқларини маърифатдан маҳрум қилиш ниятида турли йиғинлар ўтказиб туриларди. Шундай йиғинлардан бирида тарих-жўғрофия ўқитувчиси М. А. Миропиев «Рус мусулмон-ажнабийлари маорифининг асосида қандай Асосий Ақидалар бўлиши керак»лиги<sup>1</sup> хусусида мазкур семинариянинг йиллик мажлисида (1882 йил 30 август) нутқ сўзлаб, Болтиқбўйи халқларига рус тилининг давлат тили сифатида жорий қилиниши ҳақида гапира туриб қуйидагича фикр билдирган: «Шундай қилиб, бу тилни руслар билан мусулмонлар орасида истеъмолга киритишдаги бизнинг истагимиз сўнгиларга уларнинг ҳуқуқини чеклаш ва халқини камситиш бўлиб туюлмоқда... Шундай қилиб, қўл остимиздаги бизнинг мусулмонларнинг таълими асосида уларни руслаштириш бош ва асосий ақида бўлиши лозим... ва шундай қилиб, мусулмонларнинг таълими асосидаги бизнинг иккинчи асосий ақида исломни писанд қилмаслик ва уни қабул қилишдан бош тортиш; қисқаси, умуман бизнинг ажнабий-мусулмонларни диний жиҳатдан менсимасликдан иборатдир». М. А. Миропиев рус миссионерлари мусулмонларни тамоман руслаштиришни талаб қилаётганини таъкидлаган эди. Унинг сўзига қараганда, ўлкадаги аслзода рус педагоглари мусулмонларнинг ақлий жиҳатдан руслаштирилишини мақсад қилиб олган эдилар.

Бу уриниш, кайфият, сиёсат фақат рус педагоглари орасидэгина эмас, балки ўша пайтда Туркистонда яшаган оврўпаликларнинг аксарият қисми ўртасида ҳукмрон эди. Пировард мақсади миллатни йўқ қилишдан иборат бўлган бу маънавий тажовузни, айниқса ўзбек зиёлилари ҳар қадамда сезиб юришган, ҳис этишган. Бундан ташқари мустамлакачилар Туркистонга оч назар билан қараб, унинг бойликларини шафқатсиз ташийтганликлари, миллий озодлик ҳаракатларини қонга ботираётганликлари фақат оддий меҳнаткашларнинг эмас, балки бойлар ва зиёлиларнинг ҳам кўзини очиб, ҳаётга басират<sup>2</sup> билан қарашга ўргатди. Халқни бу балолардан фақат мактаб таълим-тарбиясидаги кескин ислохот қутқара олар эди. Шу боис, Мунаввар қори рус-тузем мактабларига қарши ўз янги мактабларини очишга аҳд қилади. У халқ орасидаги буюмпла-

<sup>1</sup> 1. «Туркестанский сборник», 361-том, Айнан олинди.

<sup>2</sup> 2. Узоқни кўра олиш.

раст, савдони тараққий эттирмай, ҳунармандчиликни ривожлантириш тўғрисида жиддий қайғурмай, судхўрлик орқали бойган кишиларнинг лоқайдлиги, муросасозлиги оқибатида юзага келган миллий парокандаликни тағ-томири билан қўпори ташлаш учун маорифни мутлақо янгидан ташкил этиш зарурлигини англаган ҳолда девкор ишга бел боғлади.

Шундай қилиб, Мунаввар қори 1901—1904 йилларда қримлик дўсти Расим Кишод ёрдамида Тошкентда «усули савтия» мактабини очди. У мактабни аввал ўз ҳовлисида, кейин бошқа жойларда очишга ҳаракат қилади. Бу ишда унга тоғасининг ўғиллари Ҳасанхўжа ва Эшонхўжа Хоний яқиндан ёрдам беришади. Бу ҳақда ёзувчи Мўминжон Муҳаммаджонов автобиографик китоби — «Турмуш уринишлари»да қуйидагича ҳикоя қилади: «...Шайх Хованд Тахур даҳалик Мирдадахўжабойнинг меҳмонхонасида мактаб очиб, бир-икки йилдан бери Абдусами қори деган бир киши билан бола ўқитиб турмоқда бўлғонин айтдилар. ...Болаларнинг ўқишларини синф-синфларида юриб кўриб чиқдим. Ҳозирда тўрт синф бошланғич (ибтидоий) мактаб бўлиб, яхшигина тартиблик: парта, қора тахталар, ер юзи бўлақларининг (қитъаларининг) қисқача ҳам бутун ҳариталари бор экан.

...Бу янги тартиблик мактабларнинг бу Тошкент шаҳрида жорий бўлиб кетишига биринчи сабаб Мунаввар қори бўлиб, барчасининг проғромини шул тузуб берган» (245-бет).

Мунаввар қори «қадимчилар» томонидан «куфр уяси» деб аталган янги мактабга маърифат ўчоғи, янги маънавият, маданият маскани, чор мустамлакачилари зулми остида миллий ғурури, кадр-қиммати ерга урилган, таланган, юрагига қўрқув-даҳшат солинган халқини миллий мустақиллик учун курашга ҳозирлайдиган тарғиботхона сифатида қаради. У мактабни ислоҳот қилмай туриб, одамларнинг онгида ўзгариш ясаб бўлмастлигини яхши тушуниб етган эди.

«Наука и просвещение» мажалласининг маълумотига қараганда, Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг «Намуна» мактабида бир неча юз бола ўқиган. Бу мактабда тайёргарлиги анчагина жиддий бўлган истеъдодли ёшлар ўқитувчилик қилишган. Уларнинг қўлида таълим олган ёшлар орасидан кейинроқ Ҳамза, Қаюм Рамазон, Ойбек, Маннон Уйғур каби истеъдодли адиб ва санъаткорлар етишиб чиқишди.

Улуғ педагог олиб бораётган ишлар зolim чор ҳукумати вакиллари анча безовта қилиб қўйган эди. Бу ҳақда «Турмуш уринишлари»да қуйидаги маълумотни ўқиш мумкин: «Олмаота (Верний)да ўрус муаллимларининг катта йиғини бўлди, шул йиғинда «Татарлар, қозоқлар билан бирга сарт болалари ўқитилмасун! Уқумишли татарларга Туркистон ўлкасида туриш учун йўл қўйилмаслиқ керак! Чунки улар сарт, қозоқларга билим тарқатиб, кўзларини ва фикрларини очадирлар. Сўнгра бизга емак учун Туркистонда нон қолмайди. 2-янги тартиб билан ўқитувчи муаллимлар, проғромлари, ўқитадурғон китоблари кимларнинг асарлари эканлигини «инспектор»ларга ёзиб кўрсатмагунча бола йиғиб ўқита олмайдулар», деб қарор бердилар». Шу боис чор амалдорлари мактабларнинг дастурлари билан мунтазам танишиб борганлар ва имтиҳонларда иштирок этганлар. «Ҳукуматнинг ўрус ва мусулмон маъмуриларидан (амалдорлар) ҳам имтиҳон кўриш баҳонаси билан келиб-кешиб турмоқда эдилар», — деб ёзади Мўминжон Муҳаммаджонов. Бунга сабаб мусулмон, ўзбек ёшлари орасида тараққиётга йўл қўймаслиқ эди. ВКП(б) Урта Осиё бюросининг аъзоси Г. Сафаровнинг ёзишича: «Бошқа ишлар билан бир қаторда чор ҳукумати бу ерда (аҳолини) руслаштириш билан шуғулланди. Қорағуруҳчи (черносотенец) «миссионерлар» Остроумов ва губернатор Ликошинлар «нонасоний»ларни православ маъзабига тортишди ва уларни русча ўйлашга ҳамда ҳис қилишга ўргатардилар», дегани ҳам тасдиқлайди.

Чор ҳукуматининг ўлкадаги вакиллари бу билан чекланиб қолмаган. 1908 йили ўлка бош губернаторининг девони қошида «Туркистон ўлкаси ичкари ва ташқарисини текшириш (разведка) қилиш масалалари» бўйича махсус комиссия ташкил этилади. Мазкур комиссия ўзининг биринчи протоколида «Рус мусулмонлари орасидаги норозилик (1905 йилдан кейин) тинчигани йўқ ва ҳали қандай шакл олиши номаълум», деган хулосага келади. Шу боис тараққийпарвар кишилар орасига хуфялар қўйилади. Улар барча воқеа ва гап-сўзларни оқизмай-томизмай хатга тушириб, маҳфий полицияга етказиб турганлар.

Аммо бу қарши хатти-ҳаракатлар Мунаввар қорини мақсадидан қайтара олмади. У «Турон»жамияти аъзолари ва маҳаллий бойлар эътиборини маориф ишига торта олди. Яхшиси, шу тўданинг аъзоси, кекса санъаткор Абдурахмон Акбаров хотирасига кўз ташлайлик. У қуйидагича ёзади: «Тўдадаги жадидларнинг бош раҳбари бўлган Мунаввар қори бир куни тўданинг мажлисига келиб: «Зиёли ёшлардан бир нечтасини Германияга юбориб ўқитиш керак», деб узоқ нутқ сўзлади. Шундан кейин тўданинг раҳбарларидан 7—8 киши Орифхўжабойнинг янги шаҳардаги ҳовлисида шу ҳақда биринчи марта мажлис ўтказдилар. Аммо «Тошкент боёнларининг кўпчилиги бўлиши

маслаҳатроқ бўлади»<sup>1</sup> деб иккинчи каттароқ йиғин мажлисини Шайх Хованд Таҳурлик Каттахўжа Хўжаевнинг уйда ўтказишга қарор қилдилар.

... 1916 йил охирлари эди. Орадан чамаси 15 кунлар кейин Каттахўжа Хўжаевнинг уйда иккинчи марта катта йиғин бўлди. Бу мажлисга Тошкентнинг энг машҳур боёнлари йиғилдилар. Жумладан, Орифхўжа бой, Саидкаримбой, Комилжонбой чойфуруш, Асил оқсоқол, Боқижонбой ва бошқалар.

Бу ерга тўпланганларнинг сони 50—60 га етарди. Буни ташкил қилишда кўпроқ ташаббус кўрсатган Мунаввар қори билан Илҳом самоварчи ва Муродхўжа Солихўжа ўғиллари эди. Ҳамма йиғилиб бўлгандан кейин мажлис очилиб, биринчи бўлиб Мунаввар қори сўзга чиқди. Мунаввар қори: «Ўзбек зиёли болаларининг Германияга юбориб ўқитишга жуда муҳтожмиз, болалар ўқуб, илм таҳсил олиб келсалар, миллатига катта хизмат қила оладилар», деган сўзлар билан узоқ нутқ сўзлади. Унинг кетидан Мунаввар қорининг сўзини қувватлаб Самиг қори чиқиб сўзлади, охирда саволлар тушди: ким, неча кишини юборамиз, деб. Самиг қори «борадирган кишиларнинг рўйхати бор», деб домла Муродхўжа Солихўжа ўғлидан рўйхатни ўқиб беришни сўради... Германияга ўқиб келиш учун борувчилар шулар экан: 1. Шайх Хованд Таҳур даҳасидан Абдулвахоб Муродий, яна бир киши хотирамда йўқ. Бешёғоч даҳасидан ҳам икки киши: 1-си Чақар маҳаллалик Муҳаммаджонов, 2-си Яланқари маҳаллалик Аъзам соатсоз ўғли, жами 4 киши экан.

Мунаввар қори яна ўрнидан туриб: «Жамоат, мана бу ёш, ўсмир болаларимизнинг Германияга бориб ўқиб келишлари фақат сиз боёнларимизнинг ёрдами остида вужудга чиқади»,— дейиши билан ўтирган бойлардан бири Мунаввар қорининг қўлига анчагина пул берди... Пул тўпلامي, саналиб бўлгандан кейин Мунаввар қори ўрнидан туриб: «Миллатимизнинг келажақдаги бахту саодати учун шундай катта ҳимматларингизга кўпчилик томондан раҳматлар айтаман», деб ташаккур билдирди».

Хотирадан кўриниб турибдики, золимлар қандай ҳунар кўрсатмасинлар, Мунаввар қори маҳаллий бойларнинг бошини қовуштириб, маърифатга хизмат қилдира олди. Шунинг учун ҳам у бир неча бор ҳибсга олиниб, сўнг қўйиб юборилган. Аммо буюк инсон бунга парво қилмай қурашаверган.

\* \* \*

Мунаввар қори педагогик фаолият билан кифояланмай, илмий-педагогик ва бадиий асарлар ҳам ёзган. У Туркистон ўлкасида биринчилар қаторида «Адиби аввал», «Адиби соний», «Ер юзи» («Жўғрофия»), «Ҳавойижи диния» китобларини (1907 йилда) нашр эттирган. 1914 йилда Салим Исмоил Улвийнинг Қуръон қироати бўйича сабоқ берувчи «Тажвидини ўзбекчага таржима қилиб, Оренбургда нашр эттирган. «Садойи Туркистон» жаридасида босилган Камий, Хислат, Сўфизода, Ҳамза каби шоирларнинг шеърларини тўплаб «Сабзозор» номи билан чоп эттиргани маълум.

Улуғ мутафаккир бу ишлар билан ҳам чекланмади. Ўзига ўхшаш очиқ фикрли ёшлар — Убайдулла Хўжаев, Абдулла Авлоний, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Карим Норбеков ва бошқалар билан ҳамкорликда 1909 йилда тошкентлик бир бойнинг раислигида «Жамияти хайрия» ташкил этади. Бироқ, бу жамият иқтисодий жиҳатдан бир неча ағниёларнинг иона ва ёрдамига суянгани учун эркин иш олиб бора олмайди. Лекин раис ўринбосари бўлган Мунаввар қори тиниб-тинчимаслиги орқали жамият тараққий-парвар ёшлар қўлига ўтади. Бу ҳақда у «Тошкентда мусулмон жамияти» мақоласида қуйидагича ёзади: «Ёшларнинг совуққонлик ва сабрликлари бу сана яхши натижалар берди. Бойларнинг ўзлари иттифоқ бўлиб, ўз ораларидан фақат бир кишини раис ва бир машварат аъзоси вериб, бошқа аъзоларнинг барчасин ёшлардан сайлатдилар...»

Бу иттифоқнинг натижаси ўлса керак, Тошкент жамияти бу йил бутунлай бошқа тусга кирди. Уйқудан уйғониб, кўзларин уқалаб, атрофга назар сола бошлади. Қонунидан зикр этилган моддалардан бирин-бирин фойдаланмакка шуруъ қилди, бошлаб бир неча йилдан бери қарор берилубда очилмай ётган «Дорул ожизин»ни расман очиб, бир неча мискин ва ожизларни тарбияга олди. Бир неча мактаб ва мадрасаларга юз сўм ва икки юз сўмлаб ионалар берди. Бир неча бева ва бечораларга ойлик ионалар бермоқда ва олтмиш қадар фақир ва қашшоқ болаларни турли мактабларда ўқитиб, тарбия қилиб турмакдир.

Жамиятнинг янги аъзолари (яъни ёшлар — С. А.)... пул топмакка ҳам янги йўللар излади, бошлаб «Грамофон общество»си-ла сўйлашиб, ҳар бир пластинкадан ўн тийин олмоқ шарти-ла бир неча ҳофизларни ва ўз тарбиясидаги мактаб шогирдларини(нг) товушини сотди, бундан фақат шу йил ичиндагина лоақал икки минг сўм кирса керакдир».

Мунаввар қори ва сафдошлари жамият орқали қашшоқ ва касалманд кишилар, ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш билан чекланмайди. Россия ва Туркиядаги олий ўқув юртларига талабалар юбориш билан ҳам шуғулланди. Тахминимизча ва айрим маълум-

<sup>1</sup> Айнан олинди.

мотларга қараганда, шу жамиятнинг ёрдами билан Мирмуҳсин Шермуҳамедов Уфадаги «Олия» мадрасасида ўқиди.

Олдинга ўтиб шуни қўшимча қилиш мумкинки, буюк инсон бу савоб ишини Октябр тунтаришидан кейин ҳам давом эттирди. 1921 йилда Туркистон Халқ маорифи комиссари лавозимида (қисқа муддат) ишлаб турган пайтида Тошкентда «Кўмак» уюшмасини тузиб, Германияда тахсил олаётган ўқувчиларга ва Москвадаги Санъат институтида таълим олган Маннон Уйғурга моддий ёрдам уюштирди.

Чор ҳукумати маҳаллий ёшлар орасидаги ижтимоий ҳаракатни ҳар йўл билан синдириш ва мағлуб этишга интиларди. Бундан мақсад, бир жиҳатдан маҳаллий аҳолини миллий зарарли бидъатлар кафанига ўлдирмай ўраш бўлса, иккинчидан, мустақиллик йўлини тўсиш эди. Шу боис «Чор ҳукуматининг полисиялари, охраний отделениялари бундай маданий ишларда ерлик халққа очиқ йўл бермади, бир томондан очилса, иккинчи томондан ёпа берди», деб хотирлаганди кейинроқ Мунаввар қори. Бироқ толмас курашич ўз ниятидан сира қайтмади.

Мунаввар қори Абдурашидхонов миллий матбуот тамал тошини қўйган журналистлардан биридир. У 1906 йил сентябрда «Хуршид» («Кўёш») жаридасини нашр этиб, ўзи муҳаррирлик қилади. Бу жаридида ўзбек халқининг кўзини очишга, фикрий уйғонишга, ўз ҳақ-ҳуқуқини танишига хизмат қилгани учун оқ пошшо малайлари томонидан тезда ёпиб қўйилди. Кейинроқ у «Нажот» (1917 й.), «Кенгаш» (1917 й.), «Хуррият» (1917 й.), «Осиё», «Сурат», «Ҳақиқат», «Турон»да бош муҳаррир, «Садойи Туркистон»да (1914—1915 й) бўлим муҳаррири бўлиб ишлади.

Мунаввар қори матбуотга элли ғафлат уйқусидан уйғотувчи буюк куч, маданият ва маърифатга чорловчи қудратли восита, ҳақиқат кўзгуси деб қаради. Юрагида йиғилиб қолган армонларини, тақлифларини оммага ёйишда матбуотдан фойдаланди.

Ёшларнинг халқ орасидаги ижтимоий силжишларга сабаб бўлган ишларни бажариб, обрў топаётганларидан фахрланган Мунаввар қори «Тошкентда мусулмон жамияти» мақоласида шундай деб ёзади: «Тошкент жамиятининг исмини унутган ёки ҳеч бир жамият деган сўзини эшитмаган Тошкент мусулмонларининг етти яшаридан етмиш яшаригача жамиятнинг вужудидан хабардор бўлди, рус, ҳудудий ва арманлар фойдаланиб юрган ўринлардан фойдаланмак мусулмонларга ҳам мумкин эканлиги очиқ билинди, бу эса Тошкент мусулмонларининг ҳийли руҳларин кўтарилмоғига ва жамиятга муҳаббат ила қарамоқларига сабаб ўлди».

Эл мураббийси ҳамфикрлари билан жамият ишларига халқ меҳрини уйғотгач, унинг тараққиётига ҳалақит берган нуқталарни, зарарли урф-одатларни рўйи-рост очиб ташлади. У Туркистон аҳлининг асирлик ва залилликка учраш ташхисини аниқ қўйиб, жамиятнинг ҳар бир қатламининг сажиясини очади. «... Бу замондан юз йилдан зиёдроқ муқаддам замондан бошлаб оҳиста-оҳиста миллат деворларининг ҳар тарафига раҳна пайдо бўлди. Мунга сабаб уламо ва умароларимизни(нг) ўз нафслари риоясида ҳаракат қилмоқлари бўлди,— деб ёзади Мунаввар қори 1906 йилда босилган «Никоҳ тўғрисида» мақоласида.— Подшоҳ ва хонларимиз бўлса, миллатга қилган хизматлари танҳо хотин олмоқ ва кучук уруштирмоқ ва беғайрат ва беҳаққоният диндор кишиларни бадарға қилмоқ ва тутиб ўлдирмоқ бўлди. Миллат нима ва шарият нима билмадилар. (Биз чиздик — С. А.) Шунинг учун миллат деворини(нг) раҳналари тобора зиёда бўлди».

Адиб инқироз сабабларини тадқиқ қилар экан, ўзи мансуб бўлган дин аҳллари фаолиятини ҳам кескин қоралайди. Хусусан, у имомлар ҳақида: «Имомларимизни(нг) вазифалари қавмларига ваъз ва насиҳат бирла аҳком шариятни билдириб, ғайри машруъ ишлардан қайтармоқ бўлган ҳолда ўз вазифаларини адо қилмоққа тўй ва маърака ахтармоқдан қўллари бўшамас. Агар қавмларини олдига тушиб, тўй ва маъракага юрмасалар, ўшал кун имоматдан маъзул бўлура эмишлар. Чунки авомуннос эътиқолида имомлик қавми олдига тушиб тўй ва маърака ахтармоқдан иборатдир ва аёни қавмга ҳушомад қилиб, гирдин экмақдан киноятдир»,— деб ёзади.

Буюк мураббий миллатнинг инқирозга учраш сабабларидан бирини «бўзахўрлик, қиморбозлик, баччабозлик... ларга ўхшаш амаллар»ни «... бизларни ота-боболаримиз расмларидир, деб истеъмол қил»ганларида кўради. Чор ҳукумати бу инқирозни баттароқ чуқурлаштиришга интилиб, масжид ва мадраса, қозихона ва қози сайлаш ишларига, вақфларга ўзларича аралашиб, хўжайинлик қилиб, қозиларни «народний судья» атаб, ишни ўз қўйларига солишганини ёниб сўзлайди.

Эл мураббийси бу билан сира тиниб-тинчимайди, ўша даврдаги барча жариди ва мажаллаларда фаол иштирок этади. Айниқса, «Садойи Туркистон» жаридасига турли мавзуларда бош мақолалар ёзади. Бу мақолалари асосан мактаб ва жамиятлар фаолиятига бағишланган эди. У мактабларни такомиллаштириш, имтиҳонлар ўтказиш ҳақида ёзар экан, «... Бутун дунёдаги маданий миллатларнинг қайғу ва ҳасратларина иштирок этмаган ва бу шодлик масарратларидан баҳра олмаган бир қавм ва бир миллат вор эса, ул ҳам Туркистон туркларидирмиз»,— дейди.

Мунаввар қори бошланғич ва ўрта мактаблар фаолиятдан қониқмаслигини очиқ айтиш билан бирга мадраса ва муддаррисларнинг ҳам заиф эканини ошкор қилади:

«Мадрасаларга имтиҳон жорий бўлса, кўп шоғирларнинг ва бир неча мударрисларнинг мадрасадан чиқармоқлари лозим келур».

Ҳар бир халқнинг миллат сифатида шаклланишининг биринчи белгиси мазку халқнинг ўзлигини таниши ва ўзини ҳимоя қилиш туйғусининг уйғониши, миллий қадриятларини сақлаш ва тараққий этдириш, бу йўлда турли-туман жамият ва уюшмаларнинг вужудга келтирилишидир. Буни у қуйидагича шарҳлайди: «Маданий миллатларнинг бутун тараққиёти диния ва эҳтиёжот майллари учун энг ишончли суянчиқ ва муттақо эттеҳоз<sup>1</sup> ўлинмиш ва уларда маданият нарвонининг биринчи босқичи мактаб, иккинчис жамият экан». («Жамият қандай очилур», «Садойи Туркистон» № 22.26.6 1914 й.)

Мунаввар қори ҳар икки босқичга ҳам жиддий аҳамият берди. Шу икки таянч билан миллат болаларининг кўзини очди, хоризмга қарши кураш олиб борди. Мактабига юборилган Остроумов каби «попечител»лардан сира тап тортмади.

У 1914—1915 йилларда дўстлари Убайдулла Хўжаев, Абдулла Авлоний, Тўлага Хўжамёров (Тавалло), Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Музаффарзода, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Шокиржон Раҳимий, Нўшравон Ёвушевлар билан бирга «Садойи Туркистон» жаридасини нашр этиб, ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий жиҳатдан юксак чўққига олиб чиқди. Мазкур жариданинг маданиятимиз тарихидаги ўрни ва роли ҳалқ тўла очиб берилганича йўқ. Масалан, атоқли ёзувчи ва шоир бўлиб етишган Абдулҳамид Чўлпон ҳам ана шу жаридада ижодкор сифатида бўй кўрсатиб, вояга етди, элнинг севимли адабига айланди. Шу жарида таъсири остида Хуршид (Шамсиддин Шарафиддинов), Лутфулла Олимий, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Мискин, Мўминжон Муҳаммаджонов, Ҳамза, Холид Саид, Фузаил Жонбоев (миллати қозоқ) каби адиб ва журналистлар камолга етдики, бунда Мунаввар қори Абдурашидхонунинг хизматлари бекиёсдир.

Мунаввар қори 1913 йилдан иш бошлаган «Турон» труппасининг ташкилотчилари дан биридир. У дўстлари Абдулла Авлоний, Илҳомжон Иноғомов, Комилбек Норбеков, Тўлаган Хўжамёров (Тавалло), Муҳаммад Пошшахўжаев, Убайдулла Хўжаев, Тошпўла Норбўтабеков ва бошқалар билан бирга труппанинг барча ишларида қатнашди.

1913 йил июнь-июль ойларида «Турон» труппаси ўзининг норасмий спектаклини кўрсатди. Труппанинг ташкилий ва тарғибот ишлариغا Мунаввар қори фаол аралашади. Хусусан, труппанинг дастлабки спектакли ҳақида қуйидагича маълумот беради: «... шаҳар боғининг ёзлик театрусидан бир мартаба спектакл қўйиб, олти юз сўмга яқин фойда қилди, бунинг устига ушбу августнинг 8-куни рамазон муносабати-ла Шайх Хован, Тахур боғида биринчи мартаба «Томоша кечаси» ясади, ушбу томоша кечасининг даромад ва буромади ушбу тариқа бўлди: сотилган билетлардан 1387 сўм 54 тийин...» Мунаввар қори ва дўстларининг шу тариқа «...ҳеч кимнинг шикоят ва ҳақоратига қуло солмай қилган сазй ва ҳаракатлари...» жамиятга ҳам, халққа ҳам «... маънавий жиҳатда кўп фойдалар келтирди».

Ана шу маънавий ва маданий-сиёсий, адабий-бадий фойда туфайли ёш тараққий парварлар, жумладан, буюк инсон Мунаввар қори «Мусулмон драма санъати ҳаваскорлари жамияти — «Турон»ни чор ҳукуматига расмий тан олдиришга эришдилар. Ҳукумат труппа устави билан танишиб чиққач, руҳсат беришга мажбур бўлди. «Турон» труппаси ва жамиятнинг мақсади уставка қуйидаги тартибда баён қилинган:

а) Халқ орасида жиддий ва саҳна ишига ҳамда хайрияга муҳаббат уйғотиш;

б) Халқ учун спектакль қўйиб, соғлом томоша кўрсатиш;

в) Туркистон ўлкаси ҳудудида яшовчи муҳтож мусулмонларга моддий ёрдам бериб, маънавий ва моддий жиҳатини яхшилаш».

Ана шу эзгу мақсадлар олдинга қўйилгани учун ҳам адиб театр санъатига муҳаббат билан қаради ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини тўғри баҳолай олди.

1914 йил 27 февралда Тошкентдаги Коллизей театри биносида, таниқли татар режиссёри, ўзбек спектакллари саҳналаштирган санъаткор Зоки Боязидский — Валеваевнинг сўзи билан айтганда, «миллий драматургия, миллий тил, миллий артистлар билан тайёрланган» ўзбек миллий театрининг биринчи мавсуми расмий очилди. Спектакль биринчи пардасини очиш Мунаввар қори Абдурашидхоновга топширилган эди. У мазкур тантанали маросимда шундай деган эди: «Туркистон тилида ҳануз бир театр ўйналмағонлиғи барчангизга маълумдир. Шулар сабабли баъзи кишиларимиз театрга эҳтимолки ўйинбозлик ёки масхарабозлик кўзлари ила боқурлар. Ҳолбуки, театрининг асл маъноси «Ибратхона» ёки «Улуғлар мактаби» деган сўздир. Театр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса ўзининг ҳусн ва қабиҳини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур». (Биз чиздик — С. А.) «Театр саҳнаси чиқиби, юзига ун суртиб, бир масхарабоз шаклига кирган зотлар гўёки табиби ҳозир мисолидадир», деб у артист ва режиссёрлар фаолиятига юксак баҳо беради.

Ёшлиқдан ислон дини қонун ва кўрсатмалари билан озиқланган, ундан руҳланган кишининг театр санъатига бундай катта баҳо бериши улкан воқеа эди. Зеро ўша йил

<sup>1</sup> Муттақо — таянч, эттеҳоз — қабул

ларда театр санъатига йўл очгани учун халқимизнинг севимли фарзанди Маҳмудхўжа Беҳбудий домла Васлий ва бошқалар томонидан қаттиқ танқид қилинган. Мунаввар қори, аксинча Беҳбудийни қўллаб-қувватлади, унинг саҳна асари Тошкентдаги театрда кўрсатилишида жонбозлик кўрсатди. Бу — унинг дунёқараши ниҳоятда кенглигидан, билимдонлигидан далолатдир. У ўзбек томошабинларига: «Биз бу зотларга (яъни артистларга) ва театрларга қандай кўз ила боқмоғимиз керак?» — деган савол билан мувожаат қилади ва ўзи шундай жавоб беради: «Муни ўрганмак учун биз ўзимиздан бошқа мутараққий миллатларга боқайлик: мисола, устимизга ҳоким бўлиб турган русларга, туркларга, немисларга, франсузларга, яҳудийларга ва бошқаларга. Кўп узоқ кетмайлик, энг яқин қўшниларимиз бўлгон тоторларга ва Қофқоз мусулмонлариға». Мунаввар қори, сўзсиз, ўзишу халқларнинг турмушига чуқур назар ташлагандан, улар ҳаётида театр санъати қандай ўрин тутшини ҳар томонлама ўргангандан кейин шундай фикрни айтган.

Агар ўтган асрнинг охири ва асримизнинг бошларида Шекспир, Шиллер, Гюго асарлари турк, озарбойжон тилларига таржима қилинганини, Л. Толстой, А. Островский ва Н. Гоголнинг айрим асарлари татарчага таржима этилганини, Мунаввар қори эса форс, араб, рус, турк тилларини билганлигини ҳисобга олсак, у бу улуғ адиблар асарларини ўқиганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бундан ташқари у таниқли турк адиблари Абдулҳақ Ҳомид, Тавфиқ Фикрат, озарбойжон ёзувчилари Мирза Фатхали Охундов, Н. Наримонов, Ж. Маматқулизода, Н. Вазировларнинг ижодини, татар файласуфлари Ризоиддин Фахриддинов, Мусо Жаруллоҳ Бегиев, Аёз Исҳокий, Зиёиддин Камолий асарлари ва ижтимоий-диний қарашларини яхши билган. Шу боис у ўзбек томошабинларига Охундов ҳаётини ибрат қилиб кўрсатади. Охундов туфайли катта ишлар амалга оширилганини таъкидлар экан, миллий театрни ташкил этган «Нажот» жамиятининг санъат «... миллатнинг номуси ва обрўсини ҳифз қилур» деган хулосасига қўшилади.

Шунинг учун миллат обрўсини юксалтиришни, ривожлантиришни ўзининг умр мақсади деб билди. У ўлкасининг қоқоқлиги сабабини ахтараркан: «Бизим Туркистон мамлақати туфроғ, сув ва ҳаво жиҳатидан энг бой мамлакатлардин бўла туриб, на учун ўзимиз бундан фойдалана олмаймиз?» деб нола қилади. «Мана, кет-бакет етган бундай саволларга жавоб бермак учун нодонлиқ ва оламдан хабарсизлиқ, демакдин бошқа чора йўқдир. Бу нодонлиқ ва дунёдан хабарсизлиқ балосидан қутулмак учун аввал орамизда ҳукм сурган бузук одатларнинг бузуклигини билмак ва ўрганмак керакдир», дейди у.

У театр санъатига «бузук одатларнинг бузуклигини билмак» ва тузатмак муассасаси, юқорида айтилганидек, «Табиби ҳозик» деб қаради ва бу йўлда катта ишларни амалга оширди. Ана шундай ишлардан бири маҳаллий руҳонийларнинг театр саҳнасига қаршилигини синдириш бўлди. Адиб халқ бағридаги жаҳолатни юлиб олиб ташлади, эл юрагида янги санъат тури бўлган Оврўпа типидида театрға муҳаббат уйғота олди. Бу фикримизга «Турон» труппасининг 1914 йилдан то 1919 йилгача фаолияти ёрқин далилдир.

Мунаввар қори театр санъати хусусиятларини, драматургия талабларини чуқур билган олимдир. Шу боис Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийдек шоиру адибга устозлик қила олди. Буни Ҳамзанинг ўзи «Қайдлар»ида: «9. Пирлардан: муҳтарам устози олий муаллим Мунаввар қори Абдулмажидхон ўғли. ... мулоқотимиз 1908 йил, 11 декабрда» деб тан олади. Ана шу учрашувдан кейин у доимо пири билан учрашиб турган ва хат ёзиб, маслаҳат ва ёрдам сўраган. Буни Ҳамзанинг қуйидаги хатлари ва Мунаввар қорининг жавоблари ҳам тасдиқлайди. Масалан, Ҳамза 1915 йил октябрь — ноябрь ойларида қуйидаги мазмундаги хат йўллади:

«Ҳурматли Қори афандия!

Ушбу юбордиғим китобларни тезда адреси заказной бандерол ила юбормоғинғизни рижо қилурман. Мумкин қадар қўлёзмалиги пўчта маъмурларина маълум ўлмий-дирғон тарзда ўрамоқ лозим.

Қанча харажат бўлса, мен берурман. Адрес: Стар. Маргелан, чайний базар, г-ну. А. Х. Зайнуллин. Ҳамза Ҳақимзода махсус.

Ҳисоблар нима бўлди? Тамом бўлиши учун қачон йиғин қиламиз? Шунини ҳам ёзиб юборинг!

Ҳамза Ниёзий»

Мактубдан сезилиб турибдики, Ҳамза ўз пиридан асарларини бостириш масаласида ёрдам сўрапти. Жавобларни ҳам тез олишни истаяпти. Хўш, гап қайси асар хусусида боряпти? Нима учун қўлёзмалиги сир тутилмоқда? Бунга Мунаввар қорининг қуйидаги жавоби ойдинлик киритади.

«Биродари азизим Ҳамза афанди! Китобларингиз бундан бир неча ой муқаддам баним қўлимга тегмиш эса-да, тамоман кўриб чиқиб, бир фикр баён этмакка фурсат топа олмадиғимдан тўла мактубларингизга жавоб ёза олмагон эдим.

Ҳозирда тамом кўриб чиқдим. Шеърларингиз ила «Ферузахоним»ингиз боси-



лурлик. Фақат фикр ислоҳга муҳтож. Хусусан, «Ферузахоним»нинг мавзуи бик яхши, фақат ичиндаги «малъун», «бедин» каби адабдан хориж сўзларни чиқарилса, эшон ила бойни(нг) бедин ва малъунлигини сўз ила эмас, қилиқлари ила кўрсатилса [Биз чиздик — С. А.] ҳамда «Чойи кўлида, сўзи бўғзида қолғон Норбобо ўрнидан турди-да, дўконга кетди» каби жумлаларни «Норбобонинг чойи кўлида, сўзи бўғзида қолди-да, ўрнидан туриб, дўконга кетди» равишда ёзилса, очик ва сучукроқ бўлур эди ҳамда Мансур ила Ферузанинг ёзишқон мактублари бироз қисқароқ бўлур, суҳбатлари бироз узайтирилса, муассир чиқарди. Шеърингиз-да, яхши, фақат «Марҳобо» каби баъзи шеърлар чиқарилур, ўрнига кичикроқ шеърлар аралаштирилса, яна яхшироқ бўлур эди. «Турдикул» ила «Йкки мактуб» китобингиз менимча, мақбул кўрилмади. Агарда ислоҳ қилиб юборсангиз шеър ила «Ферузахоним»ни «Туркистон кутубхонаси» нашр қилиб кўради...

Муҳибингиз Мунаввар қори. 1915 йил, 4—5 ноябрь

Ҳамза бу жавобга қониқмай, қуйидаги мактубни юборади.

«Ассалому алайкўм! Маънавий қори отамиз ҳазратларина!

Жанобингиза бундан муқаддамги мактубда ёзмиш эдим: ... агарда ўз тарафиндан «Туркистон кутубхонаси» нашр қилмоқ ва сўнгра саҳная кўюлмоғи жамият тарафиндан мақбул кўрилиб, бир вақтда мавқуф қолдирилғон бўлса, айна мақсуд ўлмоқ узра, рисоаларни бутун қолдируб, ани хусусинда вақтлорик, шитоб дегил мактуб ила қонез этмаклари мутаманнодир.

Ҳамза Ниёзий (санаси йўк — С. А.)

Мунаввар қори бу мактубга шундай жавоб беради:

«Ҳурматли Ҳамза афанди!

... «Ферузахоним» ила бошқа китобларингизни эса эртага пўчтадан иншооллоқ юборурман. Агарда «Ферузахоним» ман айтқонча, яъни:

1. Эшон ва бойларнинг малъун ва аблаҳликларини очикдан-очик «малъун», «Жоҳил», «хонин», «палид», «нобакор» каби сўзлар ила эмас, қилғон ишларининг ёмонлиғи ила кўрсатилса;

2. Мансур ва Ферузанинг мактублари бироз қисқартирилса, чунки бундай ёширин мактуб қисқа ва маъноли бўлур.

3. Бир-бирлари ила кўришқондағи ҳоллари бироз узоқроқ тасвир қилинса; чунки романга руҳ киритадирғон ва ўқувчиларни қизиқсиндурадурғон ўринлари шул васл ҳоллари бўлур;



4. Аввал тавсиялар зикр қилинуб, сўнгра сифатлар зикр қилинса, яъни, «ҳар бир назир қилинмиш қизларни йигирма бир ёшига киргизуб, сўнгра никоҳина олувга одатланган нобакор Тоҳир эшон» каби жумлаларни «Ул Тоҳир эшон ҳар бир назир қилинмиш қизни йигирма бир ёшигача умрини ўтқариб, сўнгра никоҳига олишга одатланган эди» каби қисқароқ жумлаларга таҳрир қилинса...

Ислоҳ қилиб юборсангиз аввалги шарт ила буни ҳам бостируб нашр этмак ниятидман...

Боқий ихват дўстингиз, Мунаввар қори.  
1916 йил, 1 январь».

Яна бир мактуб.

«...Ферузахоним»ни ҳозирда юбормай турунгиз, чунки эҳтимол яқин фурсатда ман ўзим хизматингизга бориб қолсам. Шунда кўришиб қарор берурмиз. Ҳозирда ҳар ерда қоғоз қаҳатчилиги ҳукм сурмоқдадир. Биноаналайх ҳануз майдонга чиққонларини эса алхусус-алалхусус мактубларда жорий бўлгон китобларни бостирмак мумкин эмас. Шу сабабли, гар қиммат тушса ҳам бостурмакдамиз.

«Миллий ашулалар»ингиз оз ва кичкина бўлгон сабабли бостирулди...

Дўстингиз Мунаввар қори  
17 январь 1916 йил».

Мунаввар қори ва Ҳамзанинг ушбу ёзишмалари уларнинг ниҳоятда дўст ва қадрдон бўлганликларини тасдиқловчи ҳужжатдир. Шу билан бирга бу яна куйидаги фикрларни майдонга олиб чиқади: Биринчидан, Мунаввар қори Ҳамзанинг тан олган пири, маънавий отаси; иккинчидан, Мунаввар қори «Туркистон кутубхонаси» нашрининг муассисларидан биридир; учинчидан, Ҳамза ўз асарларини бу нашриётда чоп эттирган ва қўл-ёзмаларини фақат «маънавий отасига»гина ишонган; тўртинчидан, Ҳамза қўлёзмалари чор ҳукумати томонидан доимо таъқибда бўлган, буни адибнинг: «мумкин қадар қўлёзмалиги пўча маъмурларина маълум ўлмайдиргон тарзда ўрамоқ лозим» сўзи тасдиқлайди; бешинчидан, Ҳамза ўз мактубларини 1915 йил апрель-май ва 1915 йил декабрь — 1916 йил апрель ойларида ёзган кўринади. Буни Мунаввар қори мактублари остидаги саналар тасдиқлайди. Олтинчидан, Ҳамза ўзининг пьесаси ва яна бир асари хусусида фикр юритмоқда. Унинг «саҳнага қўюлмоғи жамият тарафиндан мақбул кўрилиб, бир вақтга мавқуф қолдирилган бўлса...» ва «рисолаларни бутун қолдириб» сўзлари бундай дейишга асос беради.

Мунаввар қорининг жавоблари ана шуларга ойдинлик киритади. Мактубдан маълум бўладикки, асосан, гап Ҳамзанинг «Ферузахоним». «Миллий ашулалар», «Турдиқул», «Икки мактуб» номли асарлари («китобингиз» сўзига эътибор беринг) ҳақида боряпти. Бироқ мактубда сўнгра икки асарнинг жанри ҳақида ҳеч гап йўқ. Аммо «Ферузахоним» айрим тадқиқотчилар айтганидай, «Заҳарли ҳаёт» драмасининг биринчи нусхаси бўлмай, насрий асардир. (Тадқиқотчиларни «эшон», Мансур, Феруза образларининг «Заҳарли ҳаёт» персонажларига ҳамоҳанглиги ва «маълун» каби сўзларнинг ишлатилиши чалғитган кўринади.) Мунаввар қори унинг жанрини аниқ кўрсатиб, ёзади: «...чунки романга (биз чиздик) руҳ киритадургон ва ўқувчини қизиқсиндирадургон ўринлар шул...» Демак, «Ферузахоним» Ҳамзанинг тақдир номаълум романидир. (Буни излаб топиш ва янада аниқлик киритиш ҳамзашуносларга ҳавола.)

Мактублардан яққол сезиляптики, Мунаввар қори тўғри талабларни қўйган ва ҳамиша шогирдининг ижодига хайрихоҳ бўлган. Бундан ташқари унинг яхши услубчи эканлиги ҳам кўзга ташланапти.

Буюк инсон Мунаввар қори Ҳамза сингари қаламкашларга моддий ва маънавий ёрдам бериш билан чекланмади. У халқимизни истибодод чангалидан қутқариш учун астойдил киришди.

Маълумки, золим Николай II нинг 1916 йил 25 июнда «Фронд орқасидаги хизматлар учун Туркистон, Сибирь ва Кавказ инонародецларидан 19 дан 31 ёшгача эр кишилардан» мардикорликка олиш ҳақидаги 1526-рақамли фармони эълон қилинади. Бу ноқонуний фармонни ўлка қонини сўриб ётган губернаторлик ўбирлари бошбошдоқлик билан амалга оширадилар. Оқибатда Туркистоннинг кўпгина вилоят ва шаҳарларида аҳоли ўртасида норозилик туғилиб, талайгина жойларда расмий исёнга айланади. Исёнлар шафқатсиз равишда бостирилади. Ана шу паллада тошкентлик тараққийпарвар кишилар сукут сақламай, аҳолига ёрдам бериш пайига тушадилар. Ушбу ҳаракат натижасида «Туркистон мардикорликка олиш кўмитаси» ташкил этилади. Мунаввар қори шу кўмита раисининг ўринбосари этиб сайланади. Адиб Остроумов, Илминский, Наливкин каби миссионерларнинг алдовига учиб, бу мудҳиш воқеага мадҳия ёзган шерикларига ён бермайди. Уларнинг изидан бормайди. У чор ҳукумати олиб бораётган бу сиёсатнинг нотўғрилигини халққа тушунтирди ва бу масалада Петербург вакил юборишини ташкил этиш ишларида фаол қатнашди. Чунки «...Туркистоннинг золим маъмурлари маълум 1916 йил июль фожиасини қўлда ясаб майдонга чиқардилар». Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли бу фармонни «...Туркистон мусулмонларини ҳукуматга қарши оёқландуруб қирмак ва ерларини қочоқларга бўлуб бермак учун махсус

чиқарилган интибоҳнома», деб қабул қилган эди (қаранг: «Нажот» жаридаси, 1917 йил, 26 март. «Мақбул қурбонлар»)

Еттисув, Жиззах, Тошкент қирғинларининг шоҳиди бўлган адиб, қоранамат ювса оқармаганидек, чор маъмурлари ҳам адолат ва инсофга келмаслигини, фақат ҳуррият катта, эзгу ўзгаришларни қилиши мумкинлигини идрок этади...

...Улуғ мутафаккир мактаб очиб, жарида чиқариш, жамият ташкил этиш сингари ишлар билан чекланмай, сиёсий фаолиятини кучайтириб борди. Унинг 1916 йил воқеаларидаги фаолияти бунга далилдир. Шуни афсус билан таъкидлаш зарурки, мардикорликка олиш воқеаларини ўрганган Ҳ. Т. Турсунов Мунаввар қори Абдурашидхоннинг фаолиятини чуқур ўрганмай, вульгар социологизм нуқтаи назаридан ёндошган. Мазкур масалани ёритиш учун ўтказилган сўхбат сохта материаллар асосига қурилганлиги кишини таажжубга солади.

Мардикорликка олиш воқеасининг салбий томонлари билан бирга ижобий қирраларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бу даҳшатли адолатсизлик гарчи кўпгина қон тўкишларга сабаб бўлган бўлса-да, Туркистон халқларини уйқудан уйғотди, кўзини очди. Ўз ҳақ-ҳуққини ҳимоя қилишга отлантирди. «Тала ва бошқаларга ҳам талашга йўл бер» — ана шундай эди Русия мутлақ ҳокимлиги мустамлака сиёсатининг асл маъноси» (Г. Сафаров. «Туркистонда мустамлака инқилоби»). Шу ақида асосида умргузаронлик қилаётган яримпошшо ва унинг қонхўр малайлари қиёфасини ўзбек, тожик, қирғиз, қozoқ, туркман халқлари вакиллари ўз кўзлари билан кўрдилар. Улар ўзларининг маданиятларини бошқа мустамлака халқлари (масалан, фин, латиш халқлари) маданияти билан солиштириш имкониятига эга бўлдилар. Чин маданият ва халқпарварлик, миллатпарварлик нималигини ўз кўзлари билан кўриб, ақллари билан ҳис этдилар. Бу эса уларни шартли кетиб, парти қолган чор мустамлакачиларига қарши фаол курашга чорлади. Қирғиз ва ўзбекларнинг қирғин қилиниши Туркистон халқларини янги тарихий-сиёсий йўл танлашга мажбур этди. Натижада ўлкада турли сиёсий тўғарақлар, жамиятлар пайдо бўлди. Бунга мисол тариқасида Андижон ва Қўқонда «Ғайрат», Тошкентда «Уламо», «Шўройи исломия», Самарқандда «Иттифоқ» жамиятлари, Бухорода «Еш бухороликлар», Хоразмда «Еш хиваликлар» партиялари тузилганлигини айтиб ўтиш мумкин. Булар орасида ўзининг тор манфаати учун халқни чалғитиб, большевиклар билан тил топишиб, кейинчалик ўз хиёнатининг қурбони бўлган жамият — «Уламо» жамиятидир.

Мунаввар қори Абдурашидхон 1917 йил май ойида тараққийпарвар мусулмон ёшлари ва руҳонийлар иштирокида ўтган қурултойда «Шўройи исломия» жамияти раисининг муовини этиб сайланди. Шу билан бирга шаҳар думасига ўтказилган сайловда ҳам эътибор қозониб, думага гласний (аъзо)ликка ўтади. Бу — Мунаввар қорининг обрўси халқ орасида тинмай ортаётганидан далолат эди. Шу давр воқеаларининг шоҳиди бўлган кишиларнинг фикрига ва матбуот материалларига қараганда, илғор фикрли ўзбек зиёлилари ва ёшлари Мунаввар қори атрофига тўпланганлар. Сабаби, Мунаввар қори уларга ҳурриятнинг йўлини кўрсатди: «Ҳуррият берилмас, олинур. Ҳеч нарса ила олуб бўлмай, фақат қон ва қурбон илагина олуб бўлур», — дейди у «Мақбул қурбонлар» мақоласида. Ва бу фикрни куйидагича шарҳлайди: «...ҳазрат Одамдан шул вақтгача ҳеч бир давлат ва мамлакатда ҳурриятнинг берилгани, қон ва қурбонсиз берилгани тарихларда кўрилмайду. Балки ҳар замон ва ерда ҳуррият берилмаган, олинган, ҳам кўп қурбонлар баробаринигина олинган».

Шунинг учун ҳам у ҳуррият учун курашдан бир дам тўхтамади. 1917 йил февраль — октябрь оралиғида «уламо»чиларга қарши курашди. Туркистон мухтор жумҳурияти барпо этилиши учун ҳаракат қилди, асосий кучини маорифга, тарғибот ишларига қаратди. «Шўройи исломия» жамияти вакилларини ҳурриятни қўлга киритишга чақирди ва унинг аъзоларини вилоят ва қишлоқларга юбориш билан шуғулланди. Бироқ у ҳам кўпгина сафдошлари, жумладан, Низомиддин Хўжаев, Муҳаммад Пошшахўжаев, Эшонхўжа Хоний, Абдулла Авлоний, Маннон Уйғурга ўхшаб октябрь тўнтаришидан кейин большевикларнинг чиройли шиорларига учиб, фирқа сафига кирди. Хуллас, «жадидлар Октябр» инқилобини кучоқ очиб қарши олдилар». Бу фикрни Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг «Известия» (1920 йил, 18 апрель) рўзномасининг «Эски Тошкентдаги митинглар» сарлавҳали хабари ҳам тасдиқлайди. Хабарда шундай дейилади: «3 апрель, яъни анъанавий халқ сайили куни Бешёғоч даҳасига қарашли Ҳожа Аламбардор мазорида митинг ўтказилди.

...Ўрт. Мунаввар қори «зулм» ва «озодлик» сўзларининг моҳиятини тушунтирди. Барча нотиклар меҳнаткашларни партияга ўтишга чақирдилар, чунки, фақат угина озодлик бериши мумкин...»

Афсуски, большевиклар қўпчиликка манзур бўлган шиорлар ва декретлар орқали жаҳонга жар солиб ваъда қилган озодлик, тенглик, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи амалда ўз ифодасини топмади. Туркистон мухтор ҳукуматининг ҳақиқий хўжайинлари Ф. Колесов, Тоболин, Вотинцев, Финкельштейн, Качуринер, Осипов, Успенский экани аҳолига тез орада маълум бўлди. Бу ҳукуматнинг таркибида биронта ўзбек йўқ эди. Бунинг устига маҳаллий аҳолидан юқори мансабларга сайламаслик фикри ўлка советларининг III қурултойида махсус қабул қилинган декларацияда

(1917 йил 19 ноябрь) таъкидланди. Шу боис ўлка советларининг фавқулудда V қурултоида Авлоний, Мунаввар қори бошлиқ бир гуруҳ зиялилар: «Сиз бизларга ишонасизми, йўқми? Инонсангиз бирга ишлаймиз, инонмасангиз биз четдангина фақат бир ёрдамчи бўлиб қолайлик» деб қатъий норозилик (ультиматум) билдирдилар. Ана шундан кейин, аниқроғи П. Кобозев (фавқулудда комиссар) келганидан кейин маҳаллий халқ вакиллари ҳукумат ишларига жалб қилинди.

Ф. Колесов ҳукумати, Тоболин бошлиқ эски партиячиларнинг нотўғри миллий сиёсати оқибатида Кўқонда 1917 йил 13 декабрда биринчи ўзбек жумҳурияти — Туркистон мухтор жумҳурияти тузилди. Аммо тоболинчилар, колесовчилар бу ҳукуматни тор-мор этиб, тинч аҳолини қонга ботирдилар. Бундан ташқари большевиклар томонидан 1918 йил декабрь ойида ўтказилган реквизиция (тинтув) бошбошдоқликка айланиб кетиб, аҳоли ўртасида норозилик туғдирди. Тошкент халқи, хусусан, Мунаввар қори бу ишларга қатъий норозилик билдирди. Тошкентда митинг ўтказилди. Шайх Хованд Таҳурда бўлиб ўтган бу митингда «большевикларнинг яғмо ва торожларини ва уларга баъзи мусулмон рабоблар қўшилмоқда бўлғонларини» сўзладилар. Митингни шаҳарнинг улғу кишиларидан бири — Абдувоҳид домла билан Мунаввар қори бошқардилар.

Ҳуқуқчи Т. Норбўтабеков 1920 йил сентябрь ойида Боқуда ўтказилган Шарқ халқлари I қурултоида сўзлаб, реквизиция ниҳоятда масъулиятсиз, беписандлик билан ўтказилгани, туб аҳолига нисбатан номуносиб муомала қилингани ҳақида бутун дунёдан келган вакилларга ахборот берди. Шу қурултоида Фарғона делегатлари сафида Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳам иштирок этган ва сафдошларига ҳамфикр, ҳамдам бўлган.

Ўзбек халқини маърифатли қилишга интилган буюк мураббий 1918 йил май ойида Тошкент шаҳрида «Турк ўчоғи» илмий-маданий жамиятини тузади. Ушбу жамият «Туркистон туркларини миллий туғ остига тўплаб, аларга миллий руҳ, миллий ғоя ва миллий тарбия бермоқ, миллий урф-одатимизга мувофиқ суратда илм ва маърифатларимизни, тижорат, зироат ва санъатимизни ривожлантириб, чин бир турк маданияти вужудга келтирмак ва шу тариқа миллатимизнинг руҳий ва ғоясмоний қувватини орттириш мақсадида»<sup>1</sup> ташкил этилади. Мунаввар қори ана шу ғоя асосида иш олиб боради. Бироқ бу иш билан чекланмайди. Тошкентда дорилфунун очиш учун ҳам саъй-ҳаракат бошлайди.

Маълумки, 1918 йил бошида Тошкентда оврўпалик аҳоли учун халқ университети ташкил этилади. Бу ишда сўл эсер, Туркистон халқ маориф комиссари К. Успенский жонбозлик кўрсатади. Ана шунга жавобан татар ва ўзбеклар ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб, халқ дорилфунуни очадилар. Ўлка Советларининг IV қурултоида (1918 йил, январь) жаноб Успенский: «Уртоқ мусулмонлар! Шунинг билингизки, биз сизларнинг катта оғангизмиз. Сиз кичиксиз ва тушунарлики, бизга бўйсунингиз керак», деб шовинистлик маҳоратини намойиш қилганди. Аммо бу жаноб миллий дорилфунун учун жон куйдирмади. Бунга жавобан шу йилнинг 13 майида Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, Викула Морозовнинг собиқ дўкони биносида мусулмон аҳоли учун ҳам «халқ дорилфунуни» очилади. Бу билан кифояланмаган Мунаввар қори 1918 йил 31 майда собиқ семинария биносида дорилфунуннинг ўзбеклар учун махсус ўқитувчилар тайёрловчи бўлими — «Дорулмуаллимини» очади. Унга Фитрат, Абдурахмон Исмоилзода, Камол Шамс, Ҳайдар Шавқий каби адиб ва педагоглари ишга таклиф қилади. Ўзи мудирлик лавозимини бажаради. У бўлимнинг очилиш маросимида нутқ сўзлаб, қуйидаги фикрни билдиради: «...асримизда эса инсонларни милал соира<sup>2</sup> тарафидан доим бир назар таҳқир ила кўрунган Туркистон миллатини қутилатурғон ва қутилатурғонларни тайёрлайдиган ёлғиз муаллимлар бўлғонидан, муаллимларнинг Туркистондаги жаҳолатни йиқиб, миллатни бир разолатдан, бу сафолатдан қутқармоқларини таманнила ва бу кунда ҳукуматларни бир-бирлари ила бўлган мўжда-ларни, муҳорабалари ҳам бир миллатни бошқа миллатга душманлигидан эмас, балки жаҳл бирла илм ғавғоси... яшасин илм ва маърифат!»

Мунаввар қори инсоннинг маърифатли бўлиб, кўзи очилмагунча виждони уйғонмаслигини, виждон уйғонмаса на ўзининг, на халқининг эркини муҳофаза қилаолишини, бу — имонсизлик эканини мутафаккирона нозиклик билан ўз асарларида турли шаклларда ифода этди. «Сўнгги икки йил ичинда, — дейди у, — Туркистон халқининг бошина келган фалокатлар ҳар бири ёлғиз нодонлик ва маорифсизлик орқасиндагина бўлғонлиги ҳар кимга маълумдир. Қўлажақда бундай фалокатлардан қутулмоқ ва Туркистон халқи тилаган равишда идора қилмоқ ва душманлардан сақламоқ ёлғиз санойиш ва маориф воситаси илагина мумкиндир» («Ўқитувчи тайёрловчи курслар очилиши ҳақидаги баёнот»дан).

Ҳа, бу Мунаввар қорининг имон-этиқодидан, виждонидан отилган сўзлар эди. Зеро, тошкентлик жадидлар — тараққийпарварлар миллатни иллатдан, асоратдан маъ-

<sup>1</sup> «Турк сўзи» рўзномаси, 1918 йил, май.

<sup>2</sup> Ўзга миллат.

рифратгина қўтқаза олиши ҳақидаги хулосага Туркистон халқи бошидан ўтказган исёнларнинг фожиаи якунини кўриб, келдилар. Чунки хат-саводсиз замонавий пулемёту замбаракларни, темир йўлу телеграфни, замонавий талабдаги мунтазам қўшинни бошқариб бўлмади-да. Бундан ташқари ҲУРРИЯТ фақат булар эмас. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, банк, сиёсий ва амалий иқтисод, элчилик ва бошқа кўпгина соҳаларга олий маълумотли мутахассислар керак эди. Тараққийпарварлар ана шунга интилишган. Бусиз инқилоб ҳам, истиқлол ҳам қўлга кирмаслиги барчага аён бўлиб қолганди ўша даврда.

Бироқ Мунаввар қори ва унинг сафдошлари йўлида оқпошшонинг махфий полициясидан тортиб, замбарагича ғов бўлиб турарди. Афсуски, Октябрь тўнтаришидан кейин оқпошо ўрнига «қизил пошо» — коммунистлар келишиб, халқимиз маданиятини ривожлантиришга тўсқинчилик қилдилар. Бунга Тошкентда рус тилида бир неча жариди ва мажалла чиққани ҳолда ўзбек тилида биргина жариди нашр этилгани, ўзбек театри биносиз, маблағсиз кун кўрган бир пайтда рус, украин, яҳудий театрларининг «мой ичида қайнагани» далилдир. Жадидлар бу аҳволга қарши норозилик билдирдилар. Ҳукумат бунга жавобан Мунаввар қори ва унинг кўпгина дўстлари, сафдошларини тазйиққа олди. Ҳатто эски шаҳар Ижрония Қўмитасида Мунаввар қори фаолияти махсус кўриб чиқилди. У партия аъзолigidан воз кечди ва шу мажлисда фирқага нима сабабдан аъзо бўлгани хусусида гапириб шундай деди: «Мен ўзимни ўзбек халқим учун фойдали деб ҳисоблаганим учун коммунистик партияга кирдим, агар менинг халқим фойдаси учун қайси бир партияга кириш лозим бўлса, мен ўшанга ўтавераман.»

Тазйиқлар, қамоқлар буюк инсонни сира чўчита олмади. У танлаган йўлдан бораверди. 1922 йилда Туркистон маориф нозирини, кейин эски шаҳар маориф бўлими нозирини (инспекторини) бўлиб ишлади, ўша йили 23—25 мартда ўтган II-Умумтуркистон маориф ходимлари қурултойида иштирок этиб, мактаб бўлимига аъзоликка сайланди. Кейинчалик Навоий номидаги техникумда ва турли мактабларда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Дўстлари ва шогирди Қаюм Рамазон ва Шорасул Зуннун билан ҳамкорликда уч бўлимдан иборат «Ўзбекча тил сабоқлари» китобини (1925 йил) нашр эттирди.

Октябрь тўнтаришининг дастлабки қадамлариданоқ миллий зиёлиларга ишонч йўқлиги учун ҳар нафасда уларни каллаклаш ният қилинган эди. Шу боис буюк ватанпарварнинг фаолияти «Хом гўшт еб, одам қонини» ичадиган Бокий сингари ГПУчиларга, айниқса марказдан келган «ишбоши»ларга ёқмади. 1923 йил 5 майда Ш. Элиава, С. Оржоникидзе ўзбек зиёлиларини тўплаб, орангизда миллатчилар бор экан, деб уларни тутиб беришни сўрайди... Кўп ўтмай Мунаввар қори қамалади. Аммо бўҳтон иш бермайди, у тез озод қилинади.

Шуни очик айтиш керакки, 1917—1924 йилларда Туркистон мухтор жумҳуриятини мустамлакачилар эгаллаб олган эди. Т. Рискулов, Н. Хўжаев, С. Қосимхўжаев каби иқтидорли кишилар турли йўллар билан ишдан четлаштирилган эдилар. Далилларга мурожаат қилайлик. Туркистонга жуда катта ҳуқуқлар ва махсус фармон билан юборилган М. Фрунзе Тошкентга келиб, аҳвол билан танишгач, 1920 йил 14 апрелда Ленинга қуйидаги мазмунда хат йўллаган эди: «Сиз биласизки, Туркистоннинг ўз заминидан униб чиққан асосий гуруҳлар иккита. Бири — маҳаллий «пролетариат»нинг вакиллари бўлиб, «мустамлакачилик» рангига обдан бўялган, бошқаси — ўзини кўпмиллатли Туркистон мусулмонларининг умумий фикрини акс эттирувчилар, деб кўрсатувчи мусулмон майда буржуазиясининг бир тўпидир. Бу ерда барча ва ҳамма ана шу гуруҳларнинг кураши атрофида айланади. «Мустамлакачилар» (гарчи улар буни ҳар йўл билан инкор қилишга интилсалар-да, уларни шу ном билан атайман) асосан темирйўлчилардан иборат, улар ўзларини ўлгаган пролетариат диктатурасини тарқатувчилар деб ҳисоблайдилар ва давлатни бошқариш ролига даъвогарлик қиладилар». Ана шундан сўнг Тошкент темирйўлчилари, ишчилар, большевиклар ҳақида «буюк давлатчилар» («великодержавники») деган ибора пайдо бўлган эди.

Ленин Фрунзенинг хати билан танишгач, Коминтерннинг 1920 йил июль-августда бўлиб ўтган II конгрессида бунга ўз муносабатини билдирган эди.

Ленин «РКП(б)нинг Туркистондаги вазифалари»да шундай кўрсатма берган:

«1. РКП Марказий Қўмитаси РКПнинг Туркистондаги асосий вазифаси Россия самодержавиясининг эллик йилдан ортиқ давом этган империалистик сиёсати натижасида оврўпалик келгинди аҳоли билан туб халқлар ўртасида вужудга келган кескин муносабатларни тугатишди, деб ҳисоблайди. Бу муносабатлар мустамлакачилик психологияси билан ғоят заҳарланган рус ишчиларининг жуда кичик гуруҳи қўлида бўлган Совет ҳокимиятининг 2,5 йили мобайнида яхши томонга ўзгариши у ёқда турсин, балки ўзига хос «коммунистик» ҳаракатлар туфайли янада кўпроқ кескинлашиб кетди, қўлликка туширилган туб аҳоли бу ҳаракатларни эски чор ҳокимияти агентлари ҳаракатларининг давоми деб билади, улар аслида шундай ҳаракатлардир.

2. Шу кўрсатиб ўтилган муносабатларни тугатиш мақсадида дарҳол қуйидаги тадбирларни кўриш зарур:

б) Собиқ полиция, жандармерия ва охрисканинг барча амалдорлари, Туркистонда фойдаланиш сиёсий жиҳатдан мақбул бўлмаган чор амалдорлари, чайқовчилар, йирик

Россия корхоналарининг собиқ бошқарувчилари, партияга, Совет органларига, Қизил Армияга ва шу қабиларга суқилиб кириб олганларнинг ҳаммаси Туркистондан Россия концентрацион лагерларига жўнатилсин.

в) Партия кучлари қайта тақсимланиб, Туркистоннинг мустакамлакачилик ва буюк рус миллатчилиги билан заҳарланган барча коммунистлари Марказий Қўмита ихтиёрига юборилсин ва аини замонда марказдан Туркистонда ишлаш учун бир неча юз коммунист сафарбар қилинсин.

г) Йўллар халқ комиссарлигига Ўрта Осиё темир йўлининг, Тошкент мастерскойларининг ва Тошкент темир йўлининг бир неча юз ишчисининг иш жойини ўзгартириш ва уларнинг ўрнига бошқа одам қўйиш вазифаси топширилсин.

д) Бу қарор ғоят қатъийлик билан амалга оширилсин, уни амалга оширувчи органларга қилинаётган барча қаршилиқлар бартараф этилсин, бу қарорнинг ҳақиқатда амалга оширилишига бирон-бир тўсиқлик қилувчи шахсларга нисбатан сургун қилиш тартиби кенг қўлланилсин».

Ленин ана шу буйруқ билан бирга ўлка фирқа ва совет ташкилотлари ходимларига «коммунизм қўриш эмас, балки феодализмни ағдариш умумий вазифа қилиб қўйилсин», деган топшириқни ҳам берган эди. Бироқ буларнинг ҳеч бири амалга ошмади.

Уша давр воқеалари шоҳиди, Туркистондаги ўзгаришларнинг амалий ижрочиларидан бири ва большевикча сиёсатнинг тадқиқчиси «Қизил Шарқ» поездининг сиёсий комиссари Г. Сафаров вазиятни таҳлил қилиб, 1920 йилдаёқ деган эди: «Ўртоқлар, тўғриси айтганда, ҳозиргача Туркистонда шўролар ҳукумати қурилмаган. Ҳукумат тепасига рус мустамлакачилари билан эски ҳукумат чиновник-тўралари, бойлар миниб олиб, ўз мақсадларига ишлаб, 95 фоиз ерли халқнинг манфаатига ишламаганлар.

...Бизнинг коммунистик партиямиз рус мустамлакачилари ва бошқа шунинг қабилар учун хизмат қиладими ёки камбағаллар учунми?

Биз Туркистон мухториятли бир ўлка деб ўйлаган эдик... Туркистон ҳуқуқинда ҳеч бир мухторият йўқ. Туркистон халқи дод-фарёдини асло марказ ҳукуматга эшиттира олмаган» («Иштирокиюн». 12.7.1920 й.).

Октябрь тўнтаришидан кейин пайдо бўлган большевиклар ҳукумати ўз қаддини анча тиклаб, заминини мустаҳкамлаб олган 1927 йилда ҳам бу кайфият бор эди. Акмал Икромов: «Бизда айрим партия аъзолари, агар бизда илгари капиталистик мустамлака бўлган бўлса, ҳозир бу ерда социалистик мустамлака, дейдилар», деган эди «Мафкуравий фронтнинг практикаси ва вазифалари» маърузаси хусусидаги якунловчи нутқида (1927 йил 20 март).

Мунаввар қори мана шундай оғир даврда яшади, ишлади. У мустамлакачилар ва уларнинг ҳайбаракаллачилари таъна ва таъйиқига жавобан маданият ходимлари қурултойида шундай деган эди: «Жадидлар Октябрь инқилобига ёмон қарағон бўлсалар эди, 20—21 йилларгача шўро идораларида ишлаб келмас эдилар...»

Унинг бу самимий сўзлари «хунвайбин»ларга таъсир қилмади. Улар арзимас баҳона топиб Мунаввар қорини чалпийверадиладар, таъқиб этадилар. Ҳатто бу ҳаракат ошқора тус олиб, матбуотга кўчади. Масалан, «Биров» имзоли бир шахс «Қизил байроқ» рўзномасида имло масаласини баҳона қилиб, Мунаввар қори ўз асарларини сотиш учун янги имлога қарши чиқяпти, деб тўхмат қилади. адиб буни эътиборсиз қолдирмади: «Бир вақтларда остроумовчилар, иккинчи вақтларда уламолар ҳужум этдилар. Мен онларнинг ҳужумларига қарамасдан, ҳамон ўз маслагимда давом этдим. Бу кун «Бировлар ҳужум этар экан, ул ҳам мани ишдан ва маслагимдан тўхтата олмайди», деб ёзди («Қизил Байроқ», 1-февраль, 1922 й.).

Мунаввар қори бу орада қисқа муддат Москвада ҳам бўлади, аммо у ернинг шароитига кўника олмайди, қайтиб келади. На сургун, на қамоқ, на фирқа аъзоларининг таҳқирлари буюк инсоннинг иродасини бука олмади. Охирида уни биринчи котибнинг ўзи таъқиб қила бошлади. Пичоқнинг сопи нодон халқнинг ўзидан чиқарилади. Акмал Икромов 1927 йил 20 мартдаги нутқида ва 1927 йил 4—5 октябрда Самарқандда бўлиб ўтган маданият ходимлари қурултойида Мунаввар қорини эскилик тарафдори сифатида кескин танқид қилади. Унинг аёллар ва мактаб хусусидаги фикрлари билан келишмайди. Кези келганда шуни очиқ айтиш керакки, ўша пайтларда А. Икромов Чўлпонга ҳам, Мунаввар қорига, Вадуд Маҳмудга ҳам ноҳақ ҳужум қилган эди. Унинг бу ҳужумларини бурғунги кунда давлат арбобининг одилона фикри эмас, балки мияси утопик фалсафа — марксизм билан заҳарланган сиёсатчининг ғаразғўйлиги сифатида баҳолаш мумкин. Масалан, А. Икромов 20 мартдаги маърузасида зиёлиларнинг синфийлиги ҳақида фикр юритиб, шундай деган эди: «Ўртоқлар, бу ерда мен шуни айтишим керакки, Ўзбекистондаги (социалистик) инқилобнинг характерли кўриниши шундаки, бизда (сиёсий) муҳожирлар йўқ, агар бизда муҳожирлик бўлганда, албатта унинг сафида Мунаввар қори ҳам бўларди, у бундан беш йил муқаддам Маориф нозирлигида барчани йўлга соларди», деб унинг чет элга чиқиб кетишига ишора қилган эди. Икромов сўзида давом этиб, «Биз ҳозир зиёлиларнинг бу қисмини мафкура раҳбарликларидан сиқиб чиқариб, йўқотишимиз лозим», дейди. (Ўзбекистон КН МК қошидаги партия тарихи институтининг архиви ф. 58, оп. 3., д. 42., А. Икромов.)

Миллат мураббийси Мунаввар қори шўролар олиб бораётган ишларни кузатар экан, уларнинг халқ номидан сафсата сотиб, шiorбозлик қилиб, аслида эл-юрт учун ҳеч қандай фойда келтирмаётганликларини кескин қоралади. У «Нашри маориф» уюшмасининг аҳамияти» ҳақида ёзар экан, Октябрь давлат тўнтаришидан аввал маориф ва матбуот соҳасида фаолият кўрсатган кишилар «устал», яъни амал учун эмас, балки миллат фойдаси учун ишлаганликларини таъкидлади. «Буларнинг хизматлари, — дейди Мунаввар қори, — ҳаракати ўз халқи ва миллатларнинг маданий даражасига, аҳвол руҳиясига мувофиқ бир суратда бўлгонлиги учун, табиий, афкор омма, халқ ва миллат буларга ёрдам берар ва орқаларидан эргашар эди». У жаҳидлар — тараққийпарварлар амалга оширган ишларни бирма-бир санаб ўтгач: «Мана бу юқорида саналган ва бу кунда тарих саҳифаларига топширилган миллий-маданий хизмат ва ҳаракатларнинг ҳеч бири ҳукумат усталларида эмас, ёлғиз жамоат усталларида ишланган ишлардир», — деган эди.

\* \* \*

Мунаввар қори Абдурашидхонов ўзбек адиблари орасида халқимизнинг қолоқлиги сабабларини адабиёт ёрдамида биринчи бўлиб инкишоф этган сиймодир. У ўз мақола ва ҳикояларида халқимизнинг бидъатга ботганлиги, уламоларнинг тор масалалар билан ўралашиб қолгани («тўй ва маърака хурофоти», «соч ва соқол низолари», «узун ва қисқа кийим жанжаллари», «мактабда жўғрофия ва табиёт ўқитиш-ўқитмаслик ихтилофлари) ва унинг қабатини мутафаккирона кўрсатиб берган эди. Зеро, адиб кўтарган масалалар бугун ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотгани йўқ.

Мунаввар қори инсонларни олий фазилатларга чорлади. Унинг шеър ва ҳикоялари шундай дейишга асос беради. У ўз бадиий ижодини қайси йиллардан бошлагани номаълум. Аммо унинг 1907 йилда босилган ўқиш китобига қараганда, дастлабки асарларини шу йилларда ёзган деб таҳмин қилиш мумкин.

Адибнинг биринчи ҳикояси «Садойи Туркистон» рўзномасида «Кичкина фельетон» рукнида чоп этилган бўлиб, «Бизда ҳамият» деб аталади. У негадир «Муҳаррам» тахаллусини қўйган. Афсуски, адибнинг болаларга бағишланган учта ҳикоя, олти та шеърдан бошқаси сақланмаган. Сабаби, ГПУ жаллодлари 1929 йил кеч кузда (ноябрь ойида) уни ҳибсга олишганда, барча қўлёзма ва босма асарларини, хатларини ёқиб юборишган. Шу боис унинг бадиий мероси бизгача етиб келмаган.

«Бизда ҳамият» ҳикоясининг қаҳрамонлари зиёлилардир. Уларнинг исмлари тўлиқ қўйилмай, ҳарфлар билан белгиланган, холос. Ҳикоянинг бош қаҳрамони муаллифнинг ўзи. Йўлда суҳбатлашиб турган зиёлилар олдидан кўзи ожиз, етим бола чиқиб қолиб, улардан садақа сўрайди. Улардан бири аччиқ тил билан ишлаш, ўқиш кераклигини уқтиради. Бола ожиз ва мажолсиз эканини айтади. Шунда, бояғи зиёлилардан бири ўзининг жоҳиллигини фош этиб, жаҳл билан: «Оврўпаликлар кўр, қулоқсиз қар ва ҳоказо ўқимоғи мумкин бўлмаган инсонларга махсус этиб мактаблар очганлар ва у мактаблардан кўр, қарлардан ўқиб чиққан инсонларнинг ҳад ва ҳисоби йўқ, сан ҳам шундоқ мактабда ўқи», дейди. Ҳикоя қаҳрамони зиёлининг нодонлигини гўзал фош қилади: «Сиз бу сўзларингизни қайси ерда сўзлаурсиз? Берлиндами, ё Лондондами, ўзингизни зан этарсиз... аклингиз қаерда?» Ўз қилимишидан мулзам бўлган зиёлининг чеҳраси буришади. Дўстларидан аразлайди. Адиб қаҳрамони тилидан гапириб, ҳақиқий зиёли қандай бўлиши кераклиги ҳақида шундай дейди: «Зиёли миллат, Ватан нима эканини билур ва зиёли миллат учун жонини, молини фидо этар ва миллатнинг тараққийси учун доимо ҳаракат этар. Вақти келганда миллат учун ўзини ҳалокат картасига ташламоққа муҳайё бўлур». ...«Миллат, ватан, маданият... шунга ўхшаш сўзларни билмак билан зиёли бўлмайдир».

Адибнинг «Туғишганлик севгиси» ҳикояси укасини бўрилар ҳужумидан сақлаб қолиб, ўзини қурбон қилган Ойхон исмли қишлоқ қизи ҳақида бўлса, «Дев печак»да эса бугунги ишни эртага қўймаслик, оталар касбини эъзозлаш тўғрисида гап кетади. Адиб ҳар бир асарида болаларни ростғўй, саводли бўлишга, ҳур ҳаётни қадрига етишга ўргатади. Шу жиҳатдан қараганда, «Қулликка қандай тушди?» ҳикояси эътиборга молик.

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, педагогик фаолиятига оид далил ва ҳужжатлар баёни ана шундан иборат. Энди унинг қисмати ва фалсафий қарашларига оид бир мулоҳазамизни ҳам айтиб ўтайлик.

Фазилатмаоб кўп марта таъқибга учради, қамалди. Сўнгги бор уни 1929 йилнинг ноябрида ҳибсга олишди.

Ҳозир Қўйлиқда Зулайҳо буви Қаюмова деган 87 ёшли саводхон кампир яшайди. Бу кампирнинг отаси Абдуқаюмхон Октябрь тўнтаришигача Петербургда ўқиб, ирригатор-муҳандис касбини эгаллаган. Йигирманчи йилларда Тошкент вилоятининг ариқ оқсоқоли (бош ирригатори) вазифасида ишлаб, вилоятда суғориш ишларини ривожлантириш борасида анча ишлар қилган. Бу киши Мунаввар қори билан дўстона муносабатда бўлган.

Зулайҳо буви Мунаввар қорининг 1929 йилда қамоққа олиниш сабабларини яхши эслайди. У бу ҳодисани шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўлими билан боғлиқ эканлиги-

ни таъкидлайди. Кампирнинг фикрича, Ҳамза ўлимидан кейин Ўрта Осиёда, худди Иттифоқда Киров ўлимидан кейин юз берганидек, ҳодиса юз берган экан. Яъни жуда кўплаб кишилар қамоққа олинган. Кампирнинг айтишича, шоир Ҳамза Шоҳимардонда тошбўрон қилиб эмас, пичоқлаб ўлдирилган экан. Коммунист маъмурлар эса бу ҳодисадан руҳонийлар ва уламоларни, халқ орасида обрў-эътибори бўлган жаҳидларни ҳибсга олишда фойдаланиш мақсадида, Ҳамза диндорлар томонидан тошбўрон қилиб ўлдирилди, деб овоза тарқатишган. Шу баҳона бутун Ўрта Осиёдаги жами кўзга кўринган руҳонийлар ва уламолар, жаҳидлар ҳибсга олинган. Жумладан, Тошкент шаҳрининг ўзидан 41 нафар уламо ва жаҳид, шулар қаторида Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳам ҳибсга олинган.

— Ўша кезлари менинг отамни ҳам тўхматчилар қаматишди, — деб эслайди Зулайҳо буви. — Унга суд ҳукми билан ўн йил берилди. Отам бошқа кўплаб маҳбуслар қатори Сибирга жўнатиладиган кунни бир танишимиз орқали билдик ва ўша кунни эрталаб ҳозирги Олой бозори яқинидаги шаҳар қамоқхонаси дарвозаси (не ажабки, қамоқхона Москва номи билан аталган — С. А.) олдига бориб турдик. Бир маҳал қамоқхона дарвозаси очилиб, маҳбусларни саф-саф қилиб олиб чиқишди-да, вокзал томон ҳайдаб кетишди. Улар орасида отам ҳам, Мунаввар қори ҳам бор эди. Биз отамнинг ортидан пиёда шаҳар юк-товар станциясигача бордик. Ҳозирги Инқилоб ҳибсонидан ўтганда отам бораётган саф Мунаввар қори бораётган саф билан тенглашди. Шунда мен қори ақанинг ранг-рўйига разм солдим. Унинг юзидаги илгарига тиниқлик, таравотдан асар ҳам қолмагани, сўлиб, ориқлаб кетгани.

Отам қори акага бош силкиб, унсиз саломлашдилар. У киши ҳам худди шу йўсинда алик олдилар. Бир маҳал Мунаввар қори:

— Абдуқаюмхон, сизнинг гуноҳингиз нима экан? — дедилар.

— Тўхмат балосига учрадим, қори ака, тўхмат балосига!.. — дедилар отам маҳбусларни қўриқлаб бораётган НКВД ходимларига олазарак қараб.

Тошкент юк-товар станциясида бир узун юк поездеи турарди. Унинг қизил вагонлари салла ўраган, қари-қартанг маҳбуслар билан тўла эди. Суриштирсак, бу маҳбуслар Ҳамза ўлими баҳонасида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида, Тожикистон ва Туркманистонда ҳибсга олинган уламо ва руҳонийлар экан. Тошкентлик маҳбусларни ҳам шу поездга жойлаштиришди.

— Отам Сибирнинг атрофни кечаю кундуз ним қоронғилик қоплаб, тинмай ёмғир шивалаб уриб турадиган олис бир жойида тўрт йил бўлгач, ўз ишларининг судда қайта кўрилишига муваффақ бўлдилар ва оқландилар, — деб эслайди Зулайҳо буви. — Аммо соғлиқларидан айрилган эканлар. Қодирия ГЭСи қурилишида бироз вақт ишлагач, 1934 йилда оламдан ўтдилар. Мунаввар қорини эса ортиқ кўрмадим.

Мунаввар қори Абдурашидхонов 53 йил умр кўрди. Бу умрнинг ўттиз йили ҳақиқий курашда ўтди. Буни мардона кураш дейиш мумкин. Зеро, у татар шоири Абдулла Тўқайнинг қуйидаги сатрларини такрорлашни яхши кўрар эди:

Жумла фикрим кеча-кундуз сизга оид, миллатим,

Сен саломат, мен фароғат, иллатингдур иллатим...

Унинг қисмати шу сатрлар бағрига сингиб кетган. Абадияти-чи?!

Мунаввар қори ҳамон тирик, орамизда яшамоқда, биз билан ҳамнафас, Фазилатма-об эртанги кунимизнинг сўқмоғини нурафшон ёритиб турибди. Шу билан бирга ўзига «миллатчи», «исломпараст», «туркпараст» деб айб қўйган жоҳилларга қарата «илми ҳол» билан миллатчиликни — шовинизм, исломпарастликни — диний таҳқирлаш, туркпарастликни — славянпарастлик ва озод ҳаёт учун интилиш вужудга келтиради, деб айтмоқда.


Аслида Мунаввар қори миллатчи ҳам, исломпараст ҳам, туркпараст ҳам эмасди. «Оврўпа ва Омриқо халқлари ҳавода учар, денгиз остида сузар, дунёнинг энг нариги бурчаклари билан воситасиз хабарлашар бир ҳолга, бир маданиятга етишдилар», деганида халқимизни каллаварам бўлиб қолмасликка, умумжаҳон маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлишга ундаган эди. Ҳа, бу буюк инсоннинг ниятлари холис эди. У ўз халқининг ҳур, миллат сифатида шаклланган, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан баркамол бўлишини орзу қилган ва шу йўлда курашган эди. Уни мана шунинг учун ҳам қурбон қилишди.

Халқимизнинг Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ғоzi Юнус, Убайдулла Хўжаев каби улуғ фарзандларининг фожиаги тақдири ҳақида ўйлар эканман, рус файласуфи Лев Шестовнинг (1866—1938 й.) қуйидаги сўзлари хотирамга келади: «Агар Лениннинг тарафдорлари Гегелдан ўзлаштираган ўша тарихни кўришни чуқурроқ мушоҳада қилганларида, улар тақдирнинг ўйинчоғи эканликларини тушунишган бўлишармиди — бундай ўйинчоқлар фақат бошга битган балодир<sup>1</sup>. Эндиликда бу бало даф бўлаётгани рост бўлсин!



Ҳожи  
Эмин  
Усмон

# Ҳоҷи Эмин Усмон





Ҳар кишики дарди бўлса, йиғласун ёр олдида  
Машраб

Ҳаво мавжларида бир нидо янграр: ҲАЁТ!  
Ҳаво бўшлиқларидан бир видо келар: УЛИМ!

«Биз ҳаёт неъматидан аввал ўлим неъматини яратдик», деган ҳужжатул аввал ва охир шуурларда худди жимжит ҳонадаги соат зангидек акс садо беради. Дунёни моддий борлиқдангина иборат деб билувчи кимсаларнинг аъзойи бадани музлаб, юраги увишади: ўлим муқаррар! Инсон дунёга келиб улгурмасидан, яшаб улгурмасидан, ҳаёт лаззатларига, умуман ўзи билган ва билмаган, етган ва етмаган, ҳис этган ва туймаган нарсаларга тўйиб улгурмасидан ўлимга мустаҳиқ! Нега?! Нега бу тотли ҳаёт, бу ширин ҳузур-ҳаловатлар, бу соҳир дунё боқий эмас? Нега МУҲАББАТнинг тақобили НАФРАТ? Нега ЯХШИЛИК билан ЁМОНЛИК то абад қилич ялонғочлаб жанг қилади? Нега инсон вужудида РАҲМОН билан ШАЙТОН мақом тутмиш? Нега қилинган яхшилиқнинг ажри Аллоҳдан кутилади-ю, шу яхшилиқдан баҳра олган банда қўнига тош солиб, қарам эгасининг бошини ёрмоқ қасдида юради?

Кошки инсоннинг ақли ноқиси бу азалий саволларга жавоб топа билса. Бу чигал жумбоқларнинг ечимига инсон иқтидори ожиз. Ва лекин у тилсимлар калитини топмоқ, сим-симлар қопқасини очмоқ учун буюрилган.

Дунё инсон ақл-заковати такомил этмоғи, руҳи покланмоғи, ахлоқи мукаммаллашмоғи учун атай тилсим қилиб яратилган. Ҳаётнинг имтиҳонлиги ҳам шунда.

Ҳаётда ҳар неки заволга мустаҳиқ — ибтидоси бор. Ибтидо эса янги тонгдан бир дарак, ҳар қандай тонгнинг ҳузурбахш насимлари ўлик танларга роҳат бахш этажак.

Учоқнинг кунгираддор ойнасидан кўм-кўк ҳаво бўшлиқларига тикилганимча адоқсиз ўйларга ғарқ бўламан. Пастда дала ўртасидаги хирмонга ёйилган пахта уюмларидек паға-паға булутлар муаллақ. Бошим узра зангори бўшлиқ: тикилган сари кўзларинг тиниқлашиб, ич-ичдан ҳузур туясан. Бироқ ҳаловатинг узоқ чўзилмай маҳв бўлади. Беихтиёр: «Осмон оҳлар уради, унинг фарёд чекмоғи жоиз, (сабаби) осмоннинг ҳар тўрт энлик жойида бир фаришта Аллоҳга сажда қилиб туради. Худо ҳаққи, мен билганларимдан хабардор бўлсанглар, оз кулиб, кўп йиғлар эдинглар», деган ҳадиси муборак ёдимга тушиб, ён-веримга кўз ташлайман. Йўловчиларнинг кўпчилиги юмшоқ курсига ястанганча мизғийди, баъзи бировлар қулоғига радио узатгич (наушник) тутганча куй тинглашади; биттаси кўзларини юмганча бармоқлари билан курси тутқичини чертиб ўтиришидан маза қилаётгани шундоққина билиниб турибди. Осмоннинг оҳлар ураётгани ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Учоқ эса еру осмон ўртасида ҳаракатсиз қотиб тургандек гувлайди, олдинда чарақлаб турган қуёш, бош узра етиб бўлмас осмон, пастда эса тубсиз бўшлиқ. Бундай ҳолатда инсоннинг туйғулари дудмал, фикрлари қўнимсиз, руҳи пароканда бўлади; на қанотли қушга айланиб ўзингни кўкка отолмайсан, на инсонга ўхшаб киндик қонинг томган заминга қадам босолмайсан. Муаллақ ҳолатнинг ҳис-туйғуси ҳам қарахт, нимтатир... Шу боис бундай ҳолатдаги кимса кўкнинг ҳар тўрт энлик жойида бир муаккил Худога илтижо қилиб турганини, қават-қават осмон оҳлар ураётганини ҳис этмайди. Самонинг оҳларини эшитмоқ учун ҳушёр, уйғоқ бўлмоқ керак. Биз эса нафақат осмоннинг оҳлар ураётганидан, ҳатто ўзимиз яшаётган замини замондан беҳабар ўтгямиз, бамисоли юмшоқ курсига ясланиб мизғийётган йўловчилардек қай ҳолат, қай вазиятдалигимиздан хабаримиз йўқ. Ҳақ гапни айтмоқ ҳамон душвор, бордию удаллаб айтганимда биров уни ё қади, ёки йўқ.

Учоқ ҳамон осмону замин ўртасида ҳаво қатламларини ёриб илгарилайди. Кунгираддор ойнадан зангори кўкдан бўлак ҳеч нарса кўринмайди. Мана шу кўк гумбазининг ҳар тўрт энлик жойида бир муаккил яратганга сажда қилиб турганини ўйлаб юрагим увишади. Нурдан яралган фаришталар қай гуноҳлари учун бунчалар зору тавалло қилишаркин, деган шаккок бир ўй тинчлик бермайди. Биз бандалар ҳар қадамда бир гумроҳлик қилиб, оғзимизни сўзга жуфтлаган заҳоти бир қалбни инжитиб, одамларни ҳақ йўлдан чалғитиб, бемалол айшимизни суриб юрибмиз.

Зангори бўшлиқлар аро ўксик кўнглимга таскин бергудек ҳеч нарса кўринмайди, лекин расулуллоҳ айтганларидек, ҳар тўрт энлик жойда бир фаришта Аллоҳга сажда қилиб турибди. Мен ҳам ўшаларнинг сафида бўлишни, яратгандан одамларнинг гуноҳларини кечиршини, муз қотган қалбларга меҳр-муҳаббат улашини, ҳаёт йўлимизни имон-эътиқод нури билан мунаввар этишини тилагим келади. Барча яхшии ёмон учун дуоғўйлик қилиш насиб этса кошки эди.

Мани аввора бўлгонга фироқ ўти даво эрмиш.  
МАШРАБ

Лабимдан учган сўзларим ҳавода мумдек эрийди.  
Олган нафасим ўт бўлиб томирларимда жимирлайди.

Хисларим — ариқда оқаётган сув, инон-ихтиёри менда эмас.

Нигоҳим ҳовур уфуриб турган лаҳча чўғ — қуёшдан ўзга ҳеч нарсани кўрмайди.

Шуурим қарахт — бамисоли еру осмон улкан тандир, мен унинг ичида буралиб буралиб ёнаётган олов селобига тушиб қолгандекман.

Учоқ Жидда шаҳрига қўниб зинага оёқ босганимда юзимга гуп этиб тандирнинг ҳовури урилгандек бўлди. Бирдан ҳаво етмай қолгандек энтикиб кетдим. Учоқлар кўналғаси худди кундузгидек чароғон, қиз боланинг нозик бармоғидек бетон симёғочлар нақ кўкка санчилгудек осмону фалакка бўй чўзган, шода-шода чироқлар сарғишга мойил нур сочади; бамисоли фиरोқ ўти... Бу ерда чироқ ҳаддан зиёда кўп, айланмай йўллар бўйлаб саф чеккан симёғочлар, бинолар пештоқидаги ёниб-ўчиб турган нушодалари ложувард ёғду сочади, худди Алоуддиннинг сеҳрли шамчироғи ёрдамида тилсимлар мамлакатига бориб қолгандек ҳис этади одам ўзини.

Божхона ходимлари ҳужжатларимизни ҳаддан ташқари синчковлик билан узо текширишди. То Робитаи оламин муслимин (Жаҳон мусулмонлар уюшмаси)нинг вакил келмагунча даъватноманглар йўқ экан, деган баҳона билан бекорга ушлаб туришди. Ниҳоят расмиятчилик тугаб, юкларимизни текшириш бошланди. Дипломат паспорти бор уч кишининг жомадонлари очилиб, нарсалар наридани-бери кўздан кечирилди. Оддий фуқаролик паспорти бор икки кишининг нарсаларига ҳатто қараб ҳам қўйишмади. «Вой, нодонлар-эй, дипломат одамнинг ҳам нарсасини титадими ҳеч замонда? Бошлиғи йўқ эканми буларнинг, бир гаплашиб қўйсак», — деди Шукрулло ранжиб. «Э, шунга ҳам хафа бўласизми, — деди Одил Ёқуб кулиб. — Швет дипломатининг чантасидан нималар борлигини кўргиси келиб титса титибди-да». «Биз гадоларда нимаям бўларди, иккита қўйлак билан битта иштон-да, — Шукрулло ҳамон жаҳлдан тушмага эди. — Бизнинг нарсаларимизни титди, лекин манавиларникига қараб ҳам қўймади-ку!» «Жамол, бир инглизчалаб юборинг, шу гуноҳлари учун атаган нарсалари бўлса очилган чанталарга солиб қўйишин», Одил Ёқубовнинг кайфияти чоғиди ёки чарчоқни ёзиб бизни чалғитиш учун шундай қилдими, ҳарқалай кулишиб бу гапларни дарров унутдим.

Расмиятчилик тугаб ташқарига чиқсак, икки ватандошимиз кутиб турган экан сайёраларга ўтириб, чироқларнинг ложувард нурига чўмган айланма йўллар билан юриб кетдик. Йўллар қафтдек текис, ғилдираклар бирон нарсага тўқ этиб урилмас. Ўйдим-чуқур, пасту баланд кўчаларда ичак-чавоғи ағдарилгудек бўлиб юришга ўрганган биздек йўловчилар учун бу йўлларда сайр этиш худди беланчақда роҳатланишдек гап эди. Шаҳарга ҳаддан ташқари кенг ва кундузгидек чароғон йўлдан кириб борилаётган экан. Кўчаларда шапалоқ баргли лўз билан хурмо дарахтлари кўзга ташланади. Замонавий услубда қурилган ойнаванд иморатларнинг бири иккинчисига ўхшамас, етанқислигиданми ёки бошқа бирон сабабданми, ишқилиб, кўкка бўй чўзган кўп қаватли бинолар деярли бир-бирига тақаб, зич қилиб қурилган. Жиддада икки-уч қаватли иморатлар кам, борлари ҳам муҳташам бинолар панасида қолиб кетган. Қатновни осонлаштириш учун бетон устунларга қўндирилган осма кўприклар, сайёра (машина)лар қийналмай бемалол юрадиган айланма йўллар сероб. Вақт ярим кечадан ошган бўлишига қарамай, қатнов кўп, дўконлар очик, одамлар ўз тирикчилиги билан машғул. Назаримда, бошдан-оёқ ойнадан қурилган кўп қаватли меҳмонхона олдига келиб тўхташимиз билан эшик очилиб, икки хизматчи чиқиб келди-да, юкларимизни ичкарига киритиб қўйишди. «Мен алоҳида хонада ётаман. Ёнимда биров хуррак отса, ҳатто у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилса ҳам ўхлаёлмайман», деди Шукрулло ҳужжатларимизни расмийлаштирилаётганда. Бизни кутиб олган ватандошларимиздан бири меҳмонхона хизматчиси билан гаплашган, бунинг иложи йўқлигини, жойлар бир ҳафта илгари олиб қўйилганини, меҳмонхонада фақат шу бугун ётишимизни, эртага азонлаб Маккага жўнаб кетишимизни айтиб уэрхонлик қилди.

Меҳмонхона саронжом-сарашта, ўрин-кўрпалар ётишга ийманадиган даражада оҳорли, уй ичи салқин, икки қават сарғимтир пардалардан ёруғ тушмас, ҳаловатни бузадиган тиқ этган сас эшитилмас эди. Уринга кирдим-у, лекин ухполмадим: ота-бобаларим орзу қила-қила етолмаган, ҳар бир мусулмонни қомилнинг энг муқаддас орзусини айланган Аллоҳнинг улуғ ибодатгоҳи Маккаи мукаррама остонасига етиб келдим. Билолий саодат биз қалам аҳлининг пири муршиди ҳазрат Навоийдек улуғ зоти муборакки ҳам насиб этмаган. Биз ҳар жиҳатдан ноқис ва гумроҳ бандалар шундай табарруқ заминга қадам босишга, Макка тупроғини тавоф айлалаб, Каъбани зиёрат қилишга, унинг остонасида: «Кўюб ишқинг билан ўлмак бу ошиққа раво эрмиш», дея Худога изҳор қилди этишга ҳаққимиз борми? Умуман бу табарруқ диёрга келаётган ҳар бир инсон ўзини чинакам имон-этиқодли, Аллоҳнинг буйруқларини, расулulloҳнинг суннатларини бекаму кўст адо этган покдомон одам ҳисоблай оладими? Ёинки Маккага покланиш учун, руҳан тозариб, онадан қайта туғилгандек бўлиб кетиш учун, бу илоҳий даргоҳда қалбига сингган имон нури, инсонийлик тафтини одамларга улашиш учун келадиларми? Умуман инсон руҳан ва жисман покланмоғи учун албатта Маккага келиши, Каъбани зиёрат этиши, Арофат водийсига бориб Аллоҳга зору тавалло қилиши, Муздалифад ярим тунгача намоз ўқиб, Минода мусофир бўлиб туриши шартми? Яратганнинг ҳукми билан муҳокама қилиш мумкин эмас албатта, лекин инсон фарз амалларини қаерда, қа

тарз бажо келтиришининг, билган ва ўрганган илмларини бировларга қандай ўргатишининг, қандай усул ва воситалар орқали одамларга яхшилик қилишининг Аллоҳ учун мутлақо аҳамияти йўқ-ку. Каъба зиёрати, Мино ва Арофат водийсидаги ибодатлар қалбан ва жисман покиза инсонларнинг яна бир баҳя юксалиши, парвардигорнинг ҳусну таважжуҳига янада яқинлашиб, унинг раҳматиға кўпроқ муваффақ бўлишидир. Мана шундай улуғ мартабани кўзлаб ҳаётини маърифатга, яхшиликка, ҳурриятга фидо этган одамлар жисман Маккаи мукаррамага етолмасалар-да, руҳан эртаю кеч Каъбанинг эшигига бош уриб, яратгандан мағфират сўраш билан машғулдирлар. Юсуф Хос Ҳожибни, ҳазрат Навоийни, «Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ на керак? Иброҳимдан қолган ул эски дўконни на қилай?» дея ҳақнинг ишқидан ўзга нарсани тан олмаган жаҳонгашта Машрабни ҳаж ибодатига бормаганлари учун айбсита оламизми? Шоҳ Машраб Аллоҳнинг ишқисиз ҳамда ваҳдат майидан тотмай Маккага бормоқ на керак, деб турганда биз ўзимизни мусулмони комил ҳисоблай оламизми? Илгарилари Макка сафари ғоят машаққатли бўлган, биз эса тариқча заҳмат чекмай, ёнимиздан бир тайин сарфламай Жидда шаҳриға етиб келдик, бу ёғи юз қақирим. Маккага келиш шунчалар осон экан-ку, нега шўро ҳукумати сунъий тўсиқлар ўйлаб топиб, ишни шунчалар мураккаблаштириб юборган. Ахир ўзини мусулмон ҳисоблаган ҳар бир кимса хоҳ умра, хоҳ ҳаж бўлсин, истаган пайтда Каъбани зиёрат қилиб, руҳан покланиб кетса, нимаси ёмон? Айни вақтда юрт кўради, одам танийди, ярим-яланғоч яшаётган бола-чақасига тузукроқ кийим-кечак, анвойи ейимлик-ичимликлар олиб боради, киндик қони тўкилган ватанидан айро тушиб яшаётган ватандошларимиз билан мулоқотда бўлади, юртга уларнинг эҳтиросли саломларини, юрак кўри билан битилган соғинч тўла мактубларини элтади, одамларни ғойибона учраштиради, Арабистондаги илму урфон, фан-техника янгилекларини бизга етказиши, инсоний қадр-қиммат ҳақидаги ибратли воқеаларни сўзлаб беришади ва бизнинг дунёдан бутунлай узилган одамларимизда ҳайрат ва ҳавас уйғотишади-ку. Бу нарсани олқишлаш ўрниға бизда одамларни четга чиқармасликнинг янгидан-янги усулларини ўйлаб топишмоқда; илгари (ўттиз беш сўм турадиган хорижий паспорт минг сўм бўлганини айтиб ўтирмайман) хорижга борувчиларнинг ҳужжатларини ички ишлар бўлими, ташқи ишлар вазирлиги, давлат хавфсизлик кўмитаси текширгани етмагандек, энди бу иш билан президент маҳкамаси ҳам шуғуллана бошлади. Оқибатда хориждан даъватнома олган зиёлиларнинг ўндан бириға ҳам рухсат тегмаяпти. Бу нима, ўз одамларига ишонмасликми ёки дунё кўриб зиёлиларнинг кўзи очилиб қолишидан кўрқишми?! Ахир дунёдан узилган кимса нодон ва гумроҳ бўлиши, ўндан на жамиятга, на ўзига наф тегмаслиги муқаррар-ку.

Бир тутам тун завол топиб, тонг отди. Ювиниб-тараниб, нонушта тайёрлигини кўраётганимизда кечаги ватандошларимиз Аҳмадали Туркистоний билан Абдуллажон Андижоний кириб келишди. Абдуллажон Андижоний ҳар биримизга биттадан эҳром (иккита катта сочиқ) билан шиппак ола келибди. Аслида биз учоқда ният қилиб эҳром боғлашимиз керак эди. «Уламолардан сўраб кўрамиз, агар лозим бўлса, миқодга бориб, умра нияти билан йўлга тушамиз», деди Абдуллажон Андижоний ва эҳромни қандай боғлаш кераклигини тушунтирди. (Миқод — умра ва ҳаж ниятида Маккага кириш учун ният қилиб эҳром боғланадиган жой.) Биз эҳром боғлаб, умра ибодатини адо этиш учун ният қилиб икки ракаат намоз ўқидик. Миқодга боришнинг ҳожати йўқ, сизлар умранинг шартларидан беҳабар бўлганингиз учун истисноси бор, дейишди. Истиқболимизга чиққанларнинг орасида Мўминжон Туркистоний деган ғоят маданиятли, шарқ адабиётининг уста билимдони бор экан.

— Менга нималар олиб келдингиз? Адабиёт газетаси ёки «Шарқ юлдузи» бордир? — болаларча бир шошқалоқлик ва умидворлик билан сўради у.

— Бор. «Шарқ юлдузи» билан «Ёшлик»нинг бу йилги беш сонини олиб келганман. Фақат бу нарсаларни Раҳматуллоҳ Туркистоний сўраганлар. Ваъдаға биноан топширай, сиз у кишидан олиб ўқирсиз.

Мўминжон ақанинг пешонаси тиришди, кўзойнагини олиб менга ғалати қараш қилди.

— Раҳматуллоҳ билимдон одам, лекин у кишининг ҳаддан ташқари иши кўп, китоб, журнал ўқиб ўтиришда вақти йўқ. Майли, ваъда қилган бўлсангиз ўз қўлиға беринг. Мен албатта у кишидан олиб ўқийман, — Мўминжон ака бирдан олдинга энгашиб паст овозда сўради. — Ёшлардан кимлар бор? Чинакам истеъдодлар чиқяптими? Дунёға кўз-кўз қилсак арзийдиган шоир, ёзувчиларимиз борми?

— Бор, жуда кўп истеъдодли ёшлар етишиб чиқяпти. Бултур ўнға яқин шоир ва ёзувчининг китобини Урумчиға олиб бордим. Ҳаммасининг асарлари уйғур тилида босилляпти. Арабистонда сиздек одам борлигини билганимда албатта бир қучоқ китоб ола келардим.

— Юртидан олисида яшаган одам ўз халқининг ютуғини кўрса, кўкси тоғдек кўтарилади. Мен Эркин Воҳиднинг ғазалларини ёд биламан, Муҳаммад Солиҳнинг номини кўп эшитдим-у, лекин ҳалигача биронта шеърини ўқимадим. Шулар қатори кимлар бор?

— Жуда кўп улар. Бирининг номини айтсам, иккинчисининг кўнглиға келади.

— Ундай бўлса, ўша шоир, ёзувчиларнинг китобларига қарзсиз. Мусулмончиликда қарздорлик масъулиятини биласиз-а?

У кишининг гапни тасдиқлаб бош ирғадим. Ислом тарихидан маълумки, расулulloхнинг ҳузурларига бир одам келиб нарса сўраган. «Ҳозир қўлимда ҳеч вақо йўқ, — деганлар сарвари олам надомат чекиб. — Лекин мен сендан қарздорман, қўлимга бирон нарса тушиши билан қарзимни узаман».

— Сиз билан яна кўп кўришамиз-у, шундай бўлса-да, бир гапни тайинлаб қўймоқчиман, — деди Мўминжон ака ёшига номуносиб эҳтирос, жўшқинлик билан. — Юртдаги қаламқашларимизга айтиб қўйинг, Навоийни кўп ўқишин. Навоийни ўқимай қўйганинлар сабабли тилни бузаяписизлар, ўзингларча ҳеч қандай маъно англатмайдиган сўзлар ясаяписизлар.

— Йўғ-э...

— Йўқ эмас, хўп деяверинг, — Мўминжон ака кўрсатгич бармоғи билан ҳавони чўрт кесди. — Тилимизда марҳам деган сўз бор, билар-билмас ўзингларча уни малҳамга айлантириб олдинглар.

— Дори маъносида малҳамни айтяписизми?

— Худди шун! — Мўминжон ака кўрсатгич бармоғини бўшлиққа нуқиди. — Мана, Навойдан беҳабарлигингизни ўзингиз исботлаб турибсиз.

**Аён айласун реши дарду ғамин,  
Еқай дод бермак билан марҳамин. —**

дейди Навоий. Сизлар нуқул малҳам деб ёзасизлар. Тилимизни бузиб худонинг олдида гуноҳкор бўлишдан қўрқмайсизларми?

— Битта сўзга шунча ваҳимами? — дея гапни ҳазилга бурмоқчи бўлдим. Бироқ менинг майнавозчилик қилишимдан Мўминжон ака баттар бўғилди.

— Битта сўзми? Биттагина сўз бўлса кошки эди! Тавба?!.. Битта сўз эмиш-а! — Мўминжон ака худди мен билан ёқалашадиган вожоҳатда кўзлари чақчайиб, юзи бўртиб, қизариб кетди. — Биттагина сўз бўлса кошки эди, тилимизнинг ярмини ўрисчаштириб расво қилдинглар-ку. Тушлик овқат ёки ғизо демайсизлар, осонгина обед, сизлар учун яқшанба йўқ, отдих бор. Навоий суюб қўллаган марғуб деган сўзни мақбулга айлантириб юбординглар.

**Ердин келмиш менга бир турфа мактуб, эй кўнгил —  
Ки, эрур ҳар сатри бол, лафзи марғуб, эй кўнгил.**

Марғул деган чиройли сўзни умуман ишлатмай қўйдинглар. Уйғурлар фақат куйга нисбат бериб қўллашади. Қаранг, Навоий қандай чиройли лутф қилади:

**Ул оқшомким, юзига лубати чин  
Ешиб марғула ёйди зулфи мушкин.**

Гўзалми? Ғоят гўзал! Сиз қаламқашларнинг Навоийни ўқимай қўйганинги касрига халқ кофир билан кофур сўзининг фарқига бормайдиган бўлиб қолган. Кофур ҳаддан ташқари оқ, хушбўй нарсалигини сиз ҳам билмайсиз. Тўғрими? Агар ўрисчилаб камфора десам дарров тушунасиз. Навоийда бодаи кофургун, яъни оқ рангли май деган ибора бор. Сизлар бавосил деб ишлатадиган сўз аслида бавосир. Узимизча бурут деган сўз турганда форсийча мўйилабни, ёғлиқ ўрнига форсийча рўмол (рўйи мол)ни ишлата-сизлар. Қўлёғлиқ деса ҳеч ким тушунмайди, дастрўмол ҳаммага тушунарли. Бунақа мисолни истаганча келтириш мумкин. Сиз тағин биттагина сўз дейсиз. Ана энди ўзингиз инсофан ўйлаб кўринг, биттагина сўз эканми?

Олис Арабистонда тилимизнинг бунчалик жонкуяри бордир деб сира ўйламаган эдим. Мусофирчиликда юриб адабиётимизни синчковлик билан кузатаётган маърифатли одамларимиз борлигидан теримга сиғмай қувондим. Айни вақтда ўтмиш адабиётимизни чиндан ҳам яхши билмаслигимдан хижолат чекдим. Орадан бир неча соат ўтгач, бу хижолатимга вужудимни зир қақшатадиган ўкинч ҳам қўшилишини ҳали билмасдим. Инсон ҳамиша тақдиринг қандай ўйинлари борлигидан беҳабар ўзича режалар тузиб яшайверади, пешонаси деворга тақ этиб урилганда надоматлар чекади-ю, бефойда.

Макка сафаримиз бир неча соатга кечиктирилганини, ҳозир Жиддада яшовчи яқиндагина дам олишга (пенсияга) чиққан собиқ вазир меҳмонга таклиф қилганини айтишди. Мезбон Арабистонда катта обрў-эътиборга молик уламои киромлардан бири бўлиб, бизнинг қаламқашлигимизни эшитгач, дастурхон устида суҳбатлашмоқчи, юртимизнинг аҳволи, биздаги илм-маърифат тараққиёти ҳақида маълумотлар олмоқчи бўлибди. Жидданинг сокин кўчаларидан биридаги бир қаватли оппоқ бинонинг темир панжарали дарвозасидан кириб борганимизда ўрта бўйли, соч-соқолининг қораси қолмаган, истараси иссиқ мезбон қучоқ очиб кутиб олди, худди эски қадрдонлардек кифтларимизни силаб, юзини юзимизга соганча: «Аҳлан ва саҳлан» деб кўришди, сўнг худди подшоларнинг тахтини эслатувчи оромкурсилар қўйилган меҳмонхонага бошлаб кирди. Меҳмонхонада йигирма чоғли одам бор экан, ҳаммалари бизни қаршилаб оёққа қалқди, тил билмаганимиз учун гап-сўзсиз кўришдик. Хона тўридаги оромкурчиларга

чўқдигу худди тилдан қолган соқовлардек нима дейишимизни, нима қилишимизни билмай ноқулай бир аҳволда ўтиравардик. Мезбонлар эса бир-бирлари билан араб, инглиз, ҳатто урду тилларида эркин суҳбатлашишар, биз — «дунёнинг энг ҳур ва энг гуллаб-яшнаган мамлакатидан келган бахтиёр» одамлар ўрис тилини халқаро муомала тили деган коммунистик тарғиботга ишониб янглишганимиздан афсусланиб ўтирардик. Албатта, инглиз тилидан яхшигина хабардор Жамол Камол бундан мустасно эди. У дарров мезбонлардан бири билан суҳбатга киришиб кетди.

Бироздан кейин қўшни хонага таклиф этилдик. Хона ўртасига анвойи мевалар, хуштаъм шарбатлар, оғизда эриб кетадиган ширинликлар билан ясатилган узун стол қўйилган, тўрда эса ёқимли иси иштаҳани қитиқловчи ўнларча ғизо бизга мунтазир эди. Бу ернинг таомилида ҳар бир киши ўзи бориб истаган овқатидан тахсимчага солиб келар, хоҳлаган мевасидан ер, кўнгли тортган шарбатидан ичар экан. Бундай русумга одатланмаганим учун қисиниб-қимтиниб ундан-бундан тотинган бўлдимۇ қўлимни артдим. Тўғриси, кумуш қошиқларни, биллур идишларни, тилла ҳалли финжонларни ишлатишга унча қовушолмадим. Бу ерда олинг, олинг деган такаллуф, мана бунинг таъмини тотиб кўринг, деган илтифот бўлмас, меҳмонни хуш кўрдик, икки қўлини бўш қўйдик, деган таомилга қаттиқ амал қилинар экан.

Ёнимдаги бўш жойга паст бўйли, чўққи соқолли, ҳаракатлари чаққон одам келиб ўтирди. Хизматчиларга топшириқ бериб юрган мезбон у кишига узоқдан лутф қилди: «Марҳабо, устоз Раҳматуллоҳ, марҳабо!» Мен кўпдан бери хат ёзишиб юрган ғойибона танишим, Робитан оламин муслиминнинг масъул ходими Раҳматуллоҳ Туркистоний шу киши эканини англаб, ўзимни танитдим. У киши: «Хуш келибсиз», деди-ю, индамай овқатини еяверди. Очиғи, Раҳматуллоҳ Туркистоний учрашувимиздан терисига сиғмай қувонади, худди эски қадрдонлардек дарров опоқ-чапоқ бўлиб кетамиз, деб ўйлаганим учун бундай муомаладан эсанкираб қолдим. Қўлимни артиб, емакхонадан чиқдим. Жойимга келиб ўтиришим билан биллур финжонда хуштаъм чой келтиришди, аммо Шири Ланканинг хушбўй чойини ичгим келмади. Бирдан кайфиятим бузилиб, юрагим ғашланди. Тил билмаганим етмагандек қора тортиб келган одамимнинг муомаласи бундай бўлса, жуда ҳам етимсираб қолар эканман-да, деган ўй миямни чуқилаб ўтди. Йўлга чиқишдан олдин ҳамроҳларимдан бири: «Биз-ку бултур Туркияга борганда гаплашиб, ишни пишириб келган эдик, сизни Маккага ким қақиртириши мумкин?» деб сураганда: «Худо! Менинг яратган эгамдан бошқа ишонганим ҳам, суянциғим ҳам йўқ», деган эдим. Ушанда катта кетворганим учун энди афсуслана бошладим. Аслида-ку, гапим тўғри, лекин ҳозир дунёнинг ишлари Аллоҳга таваккул қилишдан кўра таниш-билишга, муросан мадорга қурилган. Бундай шароитда менинг гапим болаларча сод-далиқдан бўлак нарса эмас.

Зиёфатдан кейин Маккаи мукаррамага равона бўлдик. Ойнадек текис йўлда ўн кишилик сайёра учиб кетаётганга ўхшайди. Йўлнинг икки четида худди қўлда ясаб қўйилгандек яйдоқ тоғлар, осмондан учиб тушган самовий жисмларни эслатувчи харсанглар кўзларга ташланади, тоғларнинг тоши ҳам, харсанглар ҳам офтоб тифида куйиб, ўртаниб кетгандек қопқора. То уфқча туташиб кетган саҳронинг қуми ҳам сарғиш эмас, қорага мойил, тўқ жигарранг, тупроқ ҳам на сағиз, на бўз—қорамтир. Парвардигори олам бу қақроқ заминга ўз пайғамбарларини йўллаб, куннинг тифида куйдириб, қақроқ даштда, тоғларда уринтириб чинакам синовдан ўтказгани бежиз эмас шекилли. Одамларга йўлбошчи бўладиган зоти муборақларнинг ўзлари аввало мана шу қийинчиликларга бардош бермоғи лозим эди. Уларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг имтиҳонидан ўтдилар. Улардан инсониятга тўғри йўл, яхши ибрат, битмас-туганмас ҳикматлар мерос қолди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг адашиб-улоққан одамларга Худонинг ўғитларини етказаман деб чеккан заҳматлари адосиз. Бу қорайган тошлар менга расулуллоҳнинг ҳасратлари бўлиб туюлади, шамолда тўзғиб юрган қумлар сарвари оламнинг тизгингиз ўйлари, сиз билан бизнинг, бутун инсониятнинг истиқболини ўйлаб чеккан изтироблари... Биз у зоти муборақнинг мана шу саросар ўйлари қўюнидан ўтиб Маккаи мукаррамага шошамиз. Бу заминда расулуллоҳнинг излари бор, ҳар қадамда у кишининг тафтини ҳис этиш мумкин.

Сайёра Маккага яқинлашган сари мени бир ўй исканжага ола бошлади: бу улуғ ибодатгоҳга, муттақий зотлар руҳан покланадиган масканга киришга ҳаққим бормикан? Бир пайтлари одамлар туялар қарвони билан жазирама иссиқда симобдек эриб, очликдан силласи қуриб, ташналиқдан адоий тамом бўлиб, минг хил заҳмату кулфат чекиб келишган бу ерларга. Умрида бир марта ҳаж қилиш учун умр бўйи емай-ичмай йиққан бойлигини сарфлашган. Мен йўл азобини тортмай, ёнимдан бир тийин сарфламай Робитанинг таклифи билан худди янги фатҳ этилган шаҳарга кирган ғолиб аскардек бемалол келяпман. Менинг умра ниятида, имкони бўлса ҳажга қолиб қиладиган ибодатларим қабул бўлармикан? Умуман, Маккадек муқаддас шаҳарга кириш мендек гуноҳкор, оми бандага равомикан? Аллоҳнинг фарз намозини ўқишу рўзасини тутушдан бошқа амаллардан ожизман: бировга ёлчитиб яхшилик қилганимни эслолмайман, бошига мусибат тушган яқинимнинг кўнига ярамаганман, на ўз ҳисобимдан ариқ қазиб, бўз очган, на кўприк солиб одамларнинг мушкулини осон қилган, на илм ўргатиб бирон

оми одамнинг дилини мунаввар этмаган бўлсам. Салкам элик йиллик умримда сенг фалон яхшиликни қилганман, фалон пайтда қарз берганман, ёки ундай китобни ўқиганман, бунча билимим бор, сенга ҳам анча-мунча нарсаларни ўргатганман, дея минна қилган зотларни, мен ўз соҳамда фалон янгиликларни яратганман, деган такаббур кимсаларни кўп кўрдим. Афсуски, мен ҳарчанд истасам-да, такаббурлик қилишг арзигулик шону шавкатим йўқ: на адабиётда қадрим, на ҳаётда ўрним бор. Шайх Баҳо виддин Нақшбандий таъбири билан айтганда, бировларга садоқат билан хизмат қилувчи итнинг оёқ изи бўлишни ўзига шиор этган мендек бир ҳақиру фақирга шундай улу тупроқни кўзга тўтиё этмоқлик равомикин?

Посбонлар турган ерга яқинлашиб қолганимизда араб ва инглиз тилларида «Маккага номусулмонлар ва ғайридинлар киритилмайди», деган улкан лавҳага кўзим тушиб дию юрагим шув этиб кетди. «Эй парвардигор, шарманда қилма!» дея хаёлан Ҳаққ ёлбордим. Ҳужжатларимиз билан танишаётган соқчи: «Советданми?» деб сўради. «Ҳа Советдан. Ғарбий туркистонлик меҳмонлар», дея жавоб берди Раҳматуллоҳ Туркистоний. Соқчи ойнадан мўраларкан: «Бухорийлар экан-да», деди кулимсираб. «Ҳа, бухорийлар, туркистонликлар», дея изоҳ берди йўлбошловчимиз.

Худди нинанинг учуда ўтиргандек жонсарақлик билан кутган текширувдан ҳафса лам пир бўлди. Мусулмонлар саждагоҳига одамлар бор-йўғи бир парча қоғозга қаратиб киритилар экан. Мен эсам Тошкентдан йўлга чиққанимдан буён Макканинг остонасиг етганимда бу ёққа киришга муносиб эмасан, деб қайтариб юборишса ҳолим нимани кечадим, дея ич-этимни еб келаётган эдим. Хавотирим беҳуда бўлиб чиқди. Менин дилимда нималар борлиги, эътиқодим нечоғли мустақамлиги, ибодат қилиш-қилмаслигим ҳеч кимни қизиқтирмас, бор-йўғи ҳужжатдаги исм-шарифим мусулмончаг ўхшаса бас экан. Ўқлоғидек ҳарфлар билан ёзилган таҳдидли эълон, шунчаки расмия учун амалга ошириладиган бу текшир-текширлар менга ҳўжакўрсин учун қилинадиган беҳуда ҳатти-ҳаракат бўлиб туюлди. Аслида бу сарҳадда одамларнинг чин мусулмон ёки қалбини шайтонга топширганини, имон келтириш, Аллоҳга ҳамду сано, расулуллоҳга дуруд айтишни билиш-билмаслигини, фарз, вожиб, суннат амаллари нималардан иборатлиги сўралиши керак эмасми? Сайёра ўрнидан жилди. Хаёлимда бир-биридан зид саволлар ғўжғон ўйнаса-да, тилимда расулуллоҳдан мерос қолган дуони аста шивирлай бошладим: — Лаббайкаллоҳумма лаббайк, ла шарика лака лаббайк, инналҳамд ваннеъмат лака вал мулк, ла шарика лак» (Эй Аллоҳ, мен сенинг итоатингдаман, сенинг итоатингдаман, сенинг шеригинг йўқ, сенинг итоатингдаман. Барча ҳамду санс жамъи мавжудотларни бошқариш ва неъмат (бериш) сенга хос. Сенинг шеригинг йўқ, Аслида ҳожилар ёки умра қилувчилар бу дуони баланд овозда ўқишлари керак, бирок биз Маккага умра нияти билан келаётган одам уни овоз чиқариб ўқиш керакми, йўқми билмаганимиз учун ўзимча такрорлайвердим. Дуони ҳар сафар ўқиганимда негадир ич-ичимдан хўрсиниқ отилиб чиқар ва беихтиёр кўзларимга ёш қуюлар, назаримд Маккага кирган заҳотим кутилмаган мўъжиза юз берадигандек, фавқуллода бўлудиса фикрларимни, дунё ва охират ҳақидаги ўйларимни, аллоақибат ҳаётимни остин устин қилиб юборадигандек туюлар, мен учун сим-симдан ҳам тилсим бу диёрда бутунлай бошқа одамга айланиб қайтадиганга ўхшардим.

Лаббайкаллоҳумма лаббайк!.. Офтоб тигида чақнаб ётган қоп-қора харсанглар Аллоҳнинг мўъжизаларини кўриб ҳуши учган дунёнинг ҳайратлари! Ҳайрат — вақтин маълум сонияда ҳаракатдан тўхтаган ҳиссиёт. Агар тузуқроқ эътибор берилса, инсо қалбида тошга айланган туйғулар уюми қалашиб ётибди. Бироқ биз шундай тезоб в асабий жамиятда яшаймизки, ўзлгимиз ҳақида ўйлаб кўришга, ботиний оламга кўқирини ташлашга имконимиз йўқ.

Ла шарика лака лаббайк!.. Илгари Макканинг ҳурмати учун одамлар Миқоддан яъни эҳром боғлаш чегараси қилиб белгиланган манзилдан пою пиёда келишган экан. Ота-боболаримиз шундай ҳикоя қилишган. Биз эса совутгич муздек ҳаво уфуриб турган япон сайёрасида бемалол дунёвий гапларни гаплашиб кетяпмиз: Макка қачон қурилган, аҳолисининг сони қанча, қандай завод, фабрикалар бор, нималар ишлаб чиқарилади, одамларнинг турмуш савияси... Гуё бу ерга Аллоҳ таоло билан юзма-юз келиб унга изҳори дил қилиш учун эмас, бу оламнинг битмаган ишларини битириб, кўнглими тусанган тартиб-қондаларни ўрнатиб кетадиганга ўхшаймиз. Дунё бизнинг изимизд эмаслиги, аксинча биз бу оламнинг кўзга кўринмас ушоқ бир зарраси эканимиз ва ш ҳолда инон-ихтиёримиз яратганнинг қўлида эканини хаёлимизга келтирмай Арабистоннинг аҳолиси нималар ишлаб чиқариши, қандай тирикчилик кечиршининг ташвишини қиламиз. Бандам деб яратган парвардигор ҳаёт кечирши учун уларга ҳам биро машғул топиб бергандир. Биз қай йўсин гуноҳларимизни ювиш, Аллоҳнинг мағфирати тига эришиш учун қандай ибодатлар қилиш ғамини ейишимиз керак эмасми? Аҳи Маккага келиш бизларга қайта насиб этадимми, йўқми, Худо билади. Бу муқадда масканинг ҳурматини бажо келтириб пою пиёда йўл босиш, умримизда бир март насиб этган умра қилиш имконининг нечоғли улуғ саодат эканини хаёлимизга келтирмай биримиз олиб, биримиз қўйиб гап берамиз: «Ўзбекистонда, умуман Совет Иттифоқида ёзувчиларнинг қадр-қиммати жуда баланд, ҳамма ижтимоий масалаларни қа

ламкашлар кўтариб умумхалқ муҳокамасига ташлайди, ҳукумат жамоатчиликнинг фикрига биноан талай-талай қарорларни ўзгартиряпти, пахтачиликда заҳарли дориларни ишлатмасликни ҳам биз қаламкашлар кўтариб чиқдик, Орол денгизини қўтқариш масаласини ҳам биринчи бўлиб биз айтдик, болалар ўлими жиҳатидан дунёда биринчи ўриндалигимизни ҳам биз фош этдик, биз ёзувчилар халқнинг дардини айтадиган чинакам жасур кишиларга айланганимиз, биз ундай... биз бундай...

Тўғри, ҳозир жамиятдаги виждони пўпанак босиб улгурмаган кучлардан бири қалам аҳли. Бироқ, куюнчак одамларнинг фикри билан мутлақо ҳисоблашмайдиган жамиятнинг ишларига аралашувимиз нимани ўзгартирди? Биз дод солаверганимиздан кейин пахтачиликда битта заҳарли дори ўрнига бошқасини қўллай бошлашди. Сабзавотга умуман минерал ўғит солинмасин, деган фармойиш берилди, надоматлар бўлсинки, деҳқонлар ҳар хил йўллар билан ўғирлаб-тўғирлаб минерал ўғит топишяпти. Агар бундай ўғит солинмаса, ҳосил битмайди, ер банги бўлиб қолган, ҳосил битмаса, давлат белгилаб қўйган топшириқ бажарилмайди, кўрсатмадаги ҳосилни топширмаса жамоа ҳўжалигидан қарзга ботиб, бола-чақаси кесак ғажийди.

Қалам аҳли кўксини чок этиб дунёга жар солаётганидан буён неча йил ўтди, лекин ҳалигача Орол денгизига бир томчи сув томгани йўқ. Қорақалпоғистон аҳолиси ҳали ҳам тоза ичимлик суви билан таъминланган эмас. Одамларнинг руҳи тушқун, эртанги кунига ишонч йўқ, ҳамма худди учинчи жаҳон урушини кутаётгандек таҳликада яшайди. Шоҳ Машраб айтмоқчи:

**Дили тиги ситамдин пора бўлган халқни кўрдум,  
Тани дарду аламдин ёра бўлган халқни кўрдум.  
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдум,  
Муҳаббат даштида овора бўлган халқни кўрдум  
Жунун тўғён этибдур ҳар бириси беҳабар танҳо.**

Бундай вазиятда биз ўз нуфузимизнинг юксаклиги ҳақида лоф ургандан кўра, Аллоҳ таолога астойдил сизиниб халқимизга рўшнолик тилаш ҳақида ўйламоғимиз лозим эмасми? «Иннал ҳамда ваннеъмата вал мулк»ни бир лаҳза ҳам тилимиздан қўймай мулк эгасининг ўзидан эл-юртимизга неъматлар ато этишини сўрамоғимиз керак. Зеро, бу ерга келишдан мақсадимиз ҳам шу-ку, ахир. Бизлар: «Биҳишт ичра қадам қўймам, йўқ эрса ваъдаи васлинг, Ки сенсиз менга бу жаннат мисоли нори сўзондур», дея оладиган девонаи Машраб эмасмиз. Худди ланғиллаган тандирдек жизғанаги чиққан чўлу биёбонда сочилган қумлар: «Ки сенсиз найлайин ушбу жаҳонни», дея дунёнинг «Кетига бир шатталаб ўтган» ҳаққўй шоирнинг тутқич бермас хаёлларига ўхшаб туюлади. Бизнинг фикри-ёдимиз эса дунёвий маишат, кундалик ташвишлар билан банд.

То Маккага етгунча бир туп тиккайган дарахт учрамади. Уфққа тутшиб кетган ҳудудсиз саҳро, ҳар жой, ҳар жойда шакли бузуқ улкан маҳлуқларни эслатувчи қоялар, яйдоқ тоғлар учрайди. Тепадан қуёш олов пуркайди, қизиб кетган ҳаво ҳозир лов этиб аланга олиб кетадигандек туюлади, ер иссиққа чидолмай ҳансираб нафас олаётгандек бўлади, на йўл четларида чўнкайган юмронқозиқ, на пастлаб йўлни кесиб ўтишга улгуролмай сайёра ойнасига тарсиллаб уриладиган чумчуқлар кўзга ташланади. Биз томонлардагидек қип-қизил гуллаган юлғун чакалакзорлари, қуюқ бутазорга айланган саксовуллар кўзга чалинмайди. Онда-сонда оч яшил тусли саҳро гиёҳлари, янтоқлар, худди тоғу тошларга мос қорамтир тусли иланг-биланг буралиб ўсган буталар учрашини ҳисобга олмаганда одамнинг нигоҳи қувонгудек бирон бир кўм-кўк ранг йўқ. Ажабки, парвардигори олам энг гўзал, энг хушманзара маскан — жаннатул маводан қувилган Одам Ато билан Момо Ҳавони олган нафаси олов бўлиб аъзойи баданни куйдирадиган, юрса билқиллаган тупроқ эмас, қақир тошлар товонларини тиладиган, сувсизликдан тузукроқ дов-дарахт кўкармайдиган жойга тушурган. Бу дунёнинг имтиҳонлиги ана ўшандан — биринчи Одам ҳаётнинг шафқатсиз синовларига дуч келишидан бошланган экан. Шундан буён имтиҳону синов давом этади, шундан буён Одам боласи Ер юзидаги биринчи ибодатгоҳ — Одам Ато барпо этган, Нуҳ тўфонда емирилиб, Иброҳим халилulloҳ билан ўғиллари Исмоил алайҳиссалом тиклаган, Муҳаммад алайҳиссалом қайта курган Каъбага интилади. На йўлнинг олислиги, на куннинг иссиғи, на сувнинг танқислиги, на мусофирчиликнинг азоблари писанд эмас. Дунёнинг бу машаққатларини ҳамма ихтиёрий қабул қилади, Каъбага етган ҳожи, етмаган шаҳид!..

Бир-бирига мингашиб кетган яланғоч тоғлар силсиласи ортидан дастлабки кўп қаватли иморатлар кўринди. Сайёра яқинлашгани сайин шаҳар юксалиб, ғаройиб бир салобат, улуғворлик касб этди. Беихтиёр юрагим орзиқиб кетди. Муҳаммад алайҳиссаломдек улуғ бир инсон дунёга келиб, инсониятга ислом деб аталувчи ҳидоят нурини тарқатган, бу йўлда жуда кўп жабр-ситамлар чексалар-да ниятларидан қайтмай давлатларини давом эттираверган шаҳар. Унинг зиёратига етмоқлик ота-боболаримизнинг ушалмас армонига айланган, бизнинг тасаввуримизда ҳар қадамда бир мўъжиза содир бўладиган афсонавий бир диёр. Тилим «Лаббайккаллаҳумма»ни такрорласа-да, хаёлимда болаларча содда бир фикр чарх уради: шаҳарга киришим билан қутилмаган

мўъжиза юз беради, сайёрадан тушим билан сирли бир оламга дуч келаман ва ҳашпаш дегунча бутунлай бошқа одамга айланаман. Албатта, шундай бўлади. Ҳамма нарса Аллоҳнинг илкида: истаса чикка қилади, истаса пукка.

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 126-оятда Маккани мўътабар шаҳарга айлантиражагини шундай таъкидлайди: «Ушанда Иброҳим: «Парвардигорим! Бу ерни (яъни Маккани) омонлик масканига айлантиргин. (Шаҳар) аҳолисининг Аллоҳга ва оҳират кунига имон келтирганларига турли-туман мева-чеваларни ризқ қилиб бергин», деди. Аллоҳ: «Мен имонсиз одамга ҳам бир оз (яъни бу дунёда) ризқ бераман, кейин охирадта уни дўзага ҳайдайман», деди.

Макка асосан тоғу тош устида барпо бўлган кўпқаватли муҳташам бинолар, ораста кўчаларнинг икки четида сон-саноксиз дўконлар, ошхоналар, устахоналар саф чеккан гавжум шаҳар экан. Шаҳар қурилишида шарқона ўзига хослик ярқ этиб кўзга ташланмайди, жаҳон меъморчилигида кенг қўлланилаётган бетон, фишт ва ойнадан тикланган осмон ўпар бинолар. Фақат алоҳида диққатга сазовор жиҳати шуки, бир бино иккинчисига ўхшамайди, шакли ҳам, безаклари ҳам, нили ҳам ўзига хос, бетакрор. Кун забтига олганга қарамай кўчаларни тўлдириб юрган одамларнинг либоси бир хил — то тўпикқача тушадиган узун оқ кўйлак билан, оқ иштон. Ҳамманинг бошида қора чамбарак билан бостириб қўйилган оқ ёки читтак гулли қизил рўмол, оёғида шиппак, қайси бири амалдор, қайсиниси оддий фуқаро, билиш маҳол. Ҳамма тақдир қилган лавозимда ишлаб, ризқини топиб юрибди. Биздагидек амалига ёки бойлигига бино қўйиб ўзига зеб бериш, димоф-фироф йўқ. Ҳамма ўзининг кундалик юмуши билан машғул: биров кўча-кўйни супиряпти, биров савдо-сотик билан банд, биров ўқишга ошиққан, биров эҳром боғлаб дуо ўқиб юрибди, ҳеч ким бир-бирини тергамайди. Бу шаҳарда биздагидек ғайритабиий ҳол — кўча-кўйда ағанаб ётган маст-аласт, кўзи бежо киссовур, пичоқ ёки тўппонча кўтарган йўлтўсар, пайт пойлаб турадиган машина ўғрилари, дўконлар олдида саф чеккан узундан-узун нават йўқлиги, йўл талашиб, нарса талашиб бақириб-чақиришлар, сўкишу қарғишлар эшитилмаслиги учун ҳаммаёқ осуда, одамларнинг гап-сўзи, хатти-ҳаракатида асабийлик сезилмайди. Кўчалар тор бўлишига қарамай серқатнов, «Тойота», «Ниссан», «Мерседес», «Форд», «Линкольн» сайёралари, Олмонияда чиқадиган «Мерседес» автобуслари турнақатор ўтиб туришади, лекин ҳар қанча тиқилинч бўлмасин, кўчаларда қулоқни қоматга келтирадиган бибилашлар, ҳайдовчиларнинг бўғилиб сўкинишлари, кескин тўхтаганидан ғилдиракларнинг чийиллашлари эшитилмайди. Ваҳоланки, Арабистонда чекланган ҳаракат тезлиги соатига бир юз ўн чақирим. Биронта сайёранинг орқасидан бурқсиган тутун чиқмайди, шу боис ҳавода кўнглини беҳузур қилиб, бошни оғритадиган қўланса ҳид йўқ. Бу юртнинг инсофли одамлари биздагидек бензинга саларка қўшиб сотиш мумкинлигини билишмайди. Бировнинг ҳақиға хиёнат қилиб гуноҳдор бўлишдан қўрққан инсонлар у қадар ночор яшашмаса керак. Биздагилар гуноҳдан эмас, оч қолишдан қўрқишади. Ҳаромхўрликнинг энг бирламчи манбаи — имонсизлик. Имонсиз кимса ҳеч нарсадан тап тортмайди, ўз манфаатини кўзлаб бемалол бировнинг ризқиға чанг солаверади.

Макканинг қоқ ўртасида, нафақат бу шаҳар, балки ер кўрасининг киндигига жойлашган биринчи ибодатгоҳ Каъба билан Масжиди ҳаром ўзининг кўкка бўй чўзган пурвиқор миноралари, салобати ақл-ҳушни ўғирлайдиган маҳобатли йигирма беш дарвозаси, нозик дид билан нақшлар ўйилган мармар кошнлар, бир-бири билан ранг талашгучи сарғиш, қизғиш, оқиш, оч жигарранг мармар устунлар, мовий гумбазлар қуёш селига чўмиб, офтоб тиғида ял-ял ёнади. Етмиш беш минг мурабба (квадрат) метр саҳни эгаллаб турган икки қаватли ибодатгоҳ улдуворлиги билан ҳар қандай одамни ҳайрону лол этади. Бу табаррук жойнинг Масжиди ҳаром (ҳарам эмас) деб аталиши бежиз эмас. Аллоҳ таоло масжид ичида қон тўкишни, бировнинг ҳақиға хиёнат қилишни, дилозорликни, ёлғон гапиришни, риёни ҳаром қилган. Агар-бир бирига қасдлашган ашаддий душманлар ҳам таъқибдан қочиб Масжидга кириб олса, ҳар қандай хавфу ҳатардан амин бўлади. То тақомига қайтиб чиқмагунча унинг жониға қасд қилиш ҳаром қилинган. Масжиди ҳаромнинг ҳудудида бирон гиёҳни юлиш, паррандаларни овлаш, ҳатто пашшани ўлдириш ҳам тақиқланган. Бу ерга кирган одамлар ибодат учун жой талашиб бир-бирини туртиши, қаттиқ-қурум гапириши, Каъбани тавоф этаётганида бировга озор етказиб қўйиши мумкин эмас. Акс ҳолда қилган ибодати қабул бўлмайди, устига устак гуноҳга ботади.

Аллоҳ таоло ҳижратнинг бешинчи йили мусулмонларга ҳажни фарз қилди. Жисман ва моддий жиҳатдан қодир одамлар йилда бир марта йиғилиб, бир-бирлари билан дийдорлашиши, исломий ишларни муҳокама этиши ҳамда бу йўлда яратгандан мадад сўраб ибодат қилиши сурат Каъба атрофиға жаъм бўлишлари шундан буён қатъий ўдумга айланди. Гарчанд сирдан қараганда Каъба зиёратига келиш расмиятчиликка ўхшаб кўринса-да, аслида Мирзо Абдул Қодир Бедил айтмоғичи, ҳар бир комил инсон:

**Ғариблар кўлбасидин бошлағум Каъба тавофини,**

**Ва ўз жунун дилимни ҳам зиёратлар қилурман мен, —**

дея олиши керак. Ўз дилини тафтиш эта билмайдиган, муҳтож қўшнисига ёрдам



қўлини чўза олмайдиган, умуман бировлар учун қайғурмайдиган инсоннинг тоат-ибодати қанчалик раво бўлиши ёлғиз Худонинг ўзигагина аён.

Қуёшнинг заррин нурларига чўмиб турган бу масканга ўзини виждон чиғириғидан ўтказмай туриб, бу дунёнинг ҳою ҳавасларидан узилмай боришнинг ўзи гуноҳи азим. Ахир Машрабдек улғу зот бежиз:

Бу тани ҳокинию рўҳи равонни на қилай!  
Бўлмаса қошимда жонон (Аллоҳнинг ишқи)  
бу жаҳонни на қилай!  
Ерсиз (Худонинг ёдсиз) ҳам бодасиз (вахдат майсиз)  
Маккага бормоқ на керак!  
Иброҳимдан қолган ул эски дўконни на қилай! —

демаган-ку.

Сайёра Масжиди ҳаромнинг «Ас-салом» дарвозаси олдига келиб тўхтади. Нафасни қайтарувчи ҳовур уфуриб турган асфальтга қадам қўйдиму мўъжиза юз беришини кутиб тонг қотдим. Кўм-кўк осмон ўз жойида турибди, кўкда муаллақ қотиб қолган қуёш ўша-ўша олов селини пуркайди, кўп қаватли уйлар тамкинлик билан қуёш тиғига кифтини тутган, оёғим остидаги замин чаппа айланиб кетгани йўқ, оқ либосдаги одамлар кундалик юмушлари билан машғул, эҳром боғлаганлар масжид сари оқади, мен ҳам уларга қўшилиб мрамар зиналарга қадам қўйдим. Ана шунда вужудим ларзага тушди: шу пайтгача ҳар бир ташлаган қадамим мени алдам-қалдам, риё кўчаларига элтди, қирқ беш йиллик умрим сохта измга қурилган жоҳиллар юртининг ёлғон ва хатодан иборат биёбонларида адашиб-улоқиб ўтди. Маърифат деб ўрганганим дунёни ўз дидига мослаштиришга уринганларнинг қолиғига солинган ёлғон гаплар, ҳурлик дея қуйлаганим қуллик, илм дея мақтаганим сохталик бўлиб чиқди. Бундан кейин босадиган қадамимни ҳақиқат йўлига буриб юборгайсан, яратган эгам, лоақал қолган умримда дунёга очиқ кўз билан боқиб, рост билан ёлғонни англаб, ҳурлик билан қулликни фарқ этиб яшай. Лоақал бундан буён эл-улусга сен бизга раво кўрган саодат йўлларида биронтасини кўрсатишга эришай. Гумроҳлар қаторида залолат ботқоғига ботганимча қолиб кетавермай. Эй, қодир эгам, аввало мен гуноҳкор банданми, қолаверса ҳеш-ақраболаримни, ёр-дўстларимни ўзинг ёрлақайсан!

Масжиди ҳаром икки қаватли бўлиб, сон-саноксиз кошинкор устунларга тикланган. Ҳар тўрт устунни битта гумбаз туташтириб туради, устунларнинг эгилган ёйларига сарғиш, жигарранг, қизғиш мрамар билан ишлов берилган. Ҳар бир гумбаз ўртасида ўнларча чироқ қўйилган ҳашаматли қандил осилиб тушган, устунларнинг тўрт томонига биттадан ел пуркагич ўрнатилган. Кечаю кундуз чириллаб айланиб турадиган хорижий елпуркагичларга боқиб беихтиёр кўнглимдан: «Бу нарсалар бизда бўлса, ўғирлаб кетишса керак», деган ўй ўтди. Ҳозир биз ўзи қурган социализмдан юз ўгирган, шу пайтгача байроқ қилиб сиғинган ғояларига туپирган, лекин ҳали тўғри йўлни тополмаган мамлакатда яшаймиз. Бу мамлакатда ўғрилиқ-тирикчилик манбаи, ғарлик, беҳаёлик, порахўрлик—қобиллик нишонаси, ароққашлик—удум, фақат ўз манфаатини кўзлаш — уддабурролик. Бугун разолат шу даражага етдики, одамлар пора бермаса болаларини олий ўқув юртлари у ёқда турсин, ҳатто боғчага ҳам жойлаштиришолмайди. Пул қистирмаса бирон шифокор ўлаётган беморга қайрилиб ҳам қарамайди, одамлар ишга жойлашолмайди, таниш топиб икки баробар ҳақ тўламаган кимса очдан ўлади, болачақаси яланғоч қолади. Пайғамбар алайҳиссалом ҳижратнинг тўққизинчи йилида башорат қилиб: «Аллоҳнинг номи билан қасам ичаманки, Ислом дини кенг қанот ёйиши туфайли шундай аминлик бўладики, Ҳиродан ёлғиз йўлга чиққан аёл киши бемалол Байтуллоҳни зиёрат қилиб, бежавотир қайтиб кетади», деганлар. У кишининг башоратлари нечоғли тўғрилиғига Арабистон заминига қадам қўйган заҳоти амин бўлдики. Бу юртда ўғрилиқ деган тушунчанинг ўзи йўқ экан. Мабодо йилда бир-икки ўғрилиқ содир бўлса, шаръий ҳукм асосида жазоланар, жинояти оғир бўлса албатта қўли кесилар ва у кимса одамларнинг тавқи-лаънатига учрар экан. Маълумотларга қараганда ондасонда учраб қоладиган қўли эгрилар асосан чет эллардан келиб ишлайдиган хизматчилардан чиқар экан. Расулуллоҳнинг башоратлари юз чандон тўғри чиқди. Бугун имон-эътиқод тантана қилган мамлакат ҳалоллик туфайли гуллаб-яшнамоқда, салкам бир асрдан буён Худога тош отиб, имондан юз ўгирган советлар иттифоқи эса ҳамма жиҳатдан таназзулга юз тутиб, ҳалокат жари ёқасига келиб турибди.

Ислимий ўймакор нақшлар билан зеб берилган пештоқларга ҳайрону лол тикилганча маҳобатли устунлар оралаб бораман. Унгу сўлимда эҳром боғлаган, узун оқ кўйлак кийган, ўзининг одатдаги либосларини ечмаган эркаклару қора чодра ёпиниб, юзини нафис тўр парда билан яширган, фақат кўзи ва оғзига ниқоб тутган ёки чехрасини очиб юрган аёлларнинг кўпчилиги мук тушганча ибодат билан машғул. Одамларнинг бир қисми Қуръон ўқиб ўтиришибди, устунларга суяниб узала тушиб ухлаётганлар ундан кўп. Йўлларнинг икки четига зам-зам суви тўлдирилган қизил идишлар териб қўйилган. Фақат бир марта ишлатиладиган оппоқ пластмасса коса (станан)лар ҳар куни янгилаб турилар экан.

Сон-саноқсиз зиналар оппоқ мармар ётқизилган катта саҳнга олиб чиқади. Май доннинг қоқ ўртасида улуғ саждагоҳ — Каъба салобат билан қад ростлаб турибди. «Би Каъбани одамлар (ҳожилар ва умра қилувчилар) жаъм бўладиган жойга, омонли масканига айлантирдик. Мақоми Иброҳимни (кишиларга) саждагоҳ қилинлар (дедик). Иброҳим билан Исмоилга уйимни (яъни Каъбани) тавоф этгувчилар, эътикофда ўтиргувчилар, руку ва сажда қилгувчилар учун пок сақлашни буюрдик», дейди Парвардигори олам Бақара сурасининг 125-оятда.

Назаримда ер курраси ўз ўқи атрофида айланишдан тўхтади, вақт тош қотди, эри симобга айланган вужудим йўқлиб қаърига сингиб кетди, мен масжиднинг нилий гумбазларига, салобатли устунларига, мағрур минораларига айландим. Ҳаво бўшлиқларида чирқиллаб қанот қоқаётган қушлар ҳам — мен, кўк пештоқида акс садо бериб жан раанглаётган талбия ҳам Аллоҳга ҳамду сано долари ҳам — мен, Худонинг зикрини дилига жо этган одам ҳам — мен. Шу лаҳзадан эътиборан мен бутун оламга айланган олам эса менинг вужудимга жо бўлди. Кўзларим қароғи нурга тўлди. Мен ҳеч ким кўрмайдиган ризвон чаманзорларини кўриб қувонаман. Осмоннинг қаватларини, ернинг қатламларини бутун вужудим билан ҳис этаман. Ҳаво насимларида юракни орзиқтирувчи ёқимли оҳанглар, нафасни қайтарувчи иссиқда томирдаги қонни гуптирувчи қудрат бор, юлдузларнинг жимирлашида инсонни юксакликка чорловчи хитоблар яширин, расулулоҳни олқишлаган дов-дарахт, тоғу тошларнинг сас-садолари менга ҳам баралла эшитилиб турибди. Оламдаги жамики мавжудот билан бир тану бир жон бўлиб кетдим. Олдимда ястаниб ётган сутдек оппоқ мармар майдондан ўтиб Каъбанинг остонасига етаман, Ҳожарул Асвадни ўпгач, унинг олтин дарвозасига бош қўйиб, неча йиллардан буён юрагим қатида йиғилиб ётган гапларимни тўкиб соламан.

**Ҳар кишки дарди бўлса, йиғласун ёр олдида,  
Қолмасун армон юракда, этсун изҳор олдида.**

Йўқ, мен «ошиқи зор олдида айтиб-айтиб йиғламайман». Узим жонли сўзга айланами, Каъбанинг қора тошларига сингиб кетаман ва руҳим абадий масканим — Арса сари учади.

Масжиди Ҳаром остонасидан то Каъбагача бўлган масофа инсоннинг ҳаёт йўли. Уни қандай босиб ўтиш ихтиёри ҳар кимнинг ўзиди.

Беғам, бепарво одим ташлаган киши умрини ғафлатда ўтказган ғофил банди.

Шошиб, ҳовлиқиб кетаётган одам — на ўзини, на яратганни танимай, дунёнинг гўзалликларидан баҳра олмай ёниб ўчадиган чақмоқ.

Ҳар нарсага анқайиб, ўнгу терисига аланглаб юрган кимса дунёга нимага келганини англаб етмаган гумроҳ банди.

Бўлар-бўлмасга ҳиринглаб, сўзамоллик қилиб бораётган одам қалбини занг босган нодон.

Чуқур ўйга ботганча дунёнинг аввали ва охири ҳақида фикр юритаётган, ҳар лаҳзада Аллоҳнинг зикрини қилиб, одамларнинг ғами билан яшаётган одамгина Каъбани тавоф этишга муносиб зот.

Товоним ерни ҳис этмайди, кўзларим дуо ўқиб, Каъба атрофида чаппар уриб айланаётган одамлар дарёсини кўрмайди, қулоқларим самовий сас-садолардан бўла ҳеч нарса эшитмайди. Осмоннинг ҳар тўрт энлик жойида саждада турган муанкиллар эса тинмай нидо қиладилар: «Аллоҳ сен улуғ ва қодир зотсан, бизни йўқдан бор қилган ўзингсан, охират кунда юзимиз қора бўлмаслиги учун ҳидоятингни дариг тутмагин, мағфиратингдан бенасиб этмагин!» Хаёлимда не машаққатларда ўрганган дуоларим Худого илтижоларим қуондек царх уради-ю, лекин тилим калимага келмайди. Исмим нима, миллатим қайси, маконим қайда, касб-корим не — ёдимдан чиқади. Зеро, бунмасканда уларнинг мутлақо аҳамияти йўқ. Алоҳнинг ҳузурда танҳо ўзингсан. На уруғ аймоғинг, на қўлловчинг, на хизматчинг бор. Яратгану сен! Шоҳ Машраб айтмоқчи: дардинг бўлса айтиб-айтиб йиғлагайсан, йўқса, Каъбанинг зиёрати шунчаки сайр-томоша, бир мулла танишини айтмоқчи, ҳаждан мурод — тижорат бўлиб қолади.

Кўзларим қароғини хира парда босади. Киприklarга инган сузиқ томчига айланами Каъбанинг остонасига томишга рози бўлади киши. Чак этиб ерга тушсангу абадий фароғатга эришсанг. Афсуски, бунинг иложи йўқ, қисматда нелар борлигини фақат яратганнинг ўзигина билади, холос. Мен эсам симобдек қалқиган вужудимни судраб олдинг интиламан. Манзилим абадиятдек олис, мақсадим ушалмас армон — кўзлар сўқир оёқлар шол. Инсоннинг имконларини шунча чеклаб яратганмасан, эгам?!

Одамлар оқими мени ўз домига олади. Дунёнинг турли минтақаларидан келган оқсарик, қора танли, лекин бир хил либосдаги — эҳром боғлаган одамлар билан биргавари тавофи қудум — Каъбага бўлган ҳурмат ва эҳтиромни изҳор этиш учун унинг атрофида етти марта айланишни бошладим. Таомилга биноан Каъбани оҳиста югуриб уч марта айланишим, тавофнинг қолган тўрт шартини бемалол юриб адо этишим лозим. Мен югуриб кетяпманми, учиб кетяпманми, билмайман. Одамларни туртиб юбормаслик бехосдан бирон кимсага озор етказиб қўймаслик учун елкаларимни қисиб, имкон борича кичрайиб олганман. Бу даргоҳда тасодифан бировга озор етказиб қўйиш ҳам

гуноҳи азим. Йўқ, бу ҳукм жаҳолат қонуниятини эмас, аксинча одамларни хушмуомалалikka, бир-бирини аяб, меҳр кўрсатишга ундаш.

Тавофни Ҳажарул Асвад — қора тошдан бошлайман. Тилимда Аллоҳнинг зикри: «Субҳаналлоҳ вал ҳамду лиллаҳ вала илаҳа иллалоҳу валлоҳу акбар». Турли тил, турлича ҳарфларда чиқарилган китобларни тутган одамлар дуоларни тинмай такрорлашади, ёшу қари, эркагу аёлнинг фикри ёди фақат Аллоҳнинг зикри билан банд. Каъбани бир марта айланиб чиққач, Ҳажарул Асвадни ўпиб кўзларимга суртиш учун интилдим. Жаннатдан чиққан бу муқаддас тош жойлаштирилган бурчакка етиш Тошкентдан Мақкага келишдан машаққатлироқ эди. Ўзлигини бутунлай унутган одамлар жон-жаҳдлари билан шу томонга интилишар, соқчининг ҳай-ҳайлашига, инсофга чиқиришига қулоқ солмай бир-бирини босиб янчгудек бўлиб бостириб келишарди. Ҳажарул Асвадга етганлари эса бир марта бўса олиш билан кифояланмай тандирнинг оғзидек ковакка маҳкам ёпишиб олишар, орқада навбат кутиб турган мингларча одам борлигини унутиб, худого илтижолар қилишар, кўзёшларини тиёлмай пиқ-пиқ йиғлашарди. Қанча ур-сурдан кейин Ҳажарул Асваддан бўса олиш менга ҳам насиб этди.

Жаннатдан чиққан бу тош аслида оппоқ бўлиб, Ҳажарул Асвад деб аталар ва ўзидан шаффоф нур таратиб турар экан. Бироқ одамларнинг имон-эътиқоди сусайиб, ҳар хил бутларга, ҳатто ўзларига ўхшаш одамларга чўқина бошлагач, унинг нури сўниб, ранги қорайиб кетган ва шундан Ҳажарул Асвад — қора тош деб аталадиган бўлган. Ишқилиб, бизга ўхшаш дилидан имони кўтарилган, ҳалол билан ҳаромни фарқ этмайдиган мамлакатдан келган кимсаларнинг касри уриб, бу тош бутунлай йитиб кетмаса бўлгани.

Каъба атрофида оҳиста югурар эканман, мана шундай саодатга эриштиргани учун Аллоҳга қайта-қайта шукрона айтардим: «Е, парвардигор, қилган ибодатларимни болачақаларим, ота-онам, қариндош-уруғ ва ёр-биродарларим учун қабул этгайсан. Кўнглимиздаги яхши ниятларимизни рўёбга чиқаргайсан. Болаларимизга инсофу тавфиқ бергайсан. Уларни эл-юртнинг бир кунига ярайдиган комил инсонлар қилиб вояга етказгайсан. Ҳақ йўлдан адаштирмагайсан!»

Тавофи қудумни ниҳоясига етказаятганимда шундоққина Каъбанинг тиллакори эшиги олдида турган икки ёш эътиборимни жалб этди. Ёшгина келинчак эрининг бўйиндан маҳкам кучоқлаганча юм-юм йиғлар, ҳали тузукроқ соқол-мўйлови чиқмаган йигит нима қиларини билмай ҳадеб хотинининг бошини силарди. Улар дарёдек тошиб келаётган одамларнинг йўлида туришар, лекин сон-саноксиз одамларнинг юришига ҳалал беришаётгани, ғаш келган айрим бесабрлар туртиб ўтишаётгани, худонинг ибодатгоҳида, қолаверса, шунча одамнинг кўз ўнгида кўчоқлашиб туришгани исломий ахлоқ нуқтаи назаридан айб саналиши уларнинг ҳаёлига ҳам келмас, имонли кимса учун энг бахтиёр нага етишгандан шодлигини ичига сиғдирилмай кўз ёши тўкишар, бамисоли шох Машрабнинг:

**Ҳар кишики дарди бўлса, йиғласун ёр олдида,  
Қолмасун армон юракда, этсун изҳор олдида, —**

деган ўғитига амал қилишарди. Мен ҳам ибодатни унутиб уларга тикилиб қолдим. Назаримда ҳозир дунёда бу икки ёшдан бахтиёр одам йўқ, улар моддий оламдан узилиб, юксак самовий кенгликларда парвоз этишар, ўзларини бутунлай илоҳий туйғулар илкига топширган эдилар.

Қодир эгам, ҳаммани мана шундай хушбахтликка етказгайсан!

Тавофи қудум ниҳоясига етгач, мақоми Иброҳимда икки ракаат шукрона намози ўқидим. Саждага бош қўярканман, руҳимда бир ёрқинлик тўйдим, яна кўнглим тотли ҳисларга лиммо-лим тўлиб, кўзларим қароғида ризвон чечаклари жилва кўрсатди, яна қулоқларим остида ёқимли оҳанглар янгради, ўзимни юксак-юксакда парвоз этиб юргандек ҳис этдим. Шу пайтгача ўқиган намозларим, қилган ибодатларим йўққа чиқиб, ҳақ йўлим эндигина бошлангандек, ҳар гал саждага бош қўйганимда пешонамга мусулмонлик муҳри босилаётгандек туюларди. Каъбага юзланиб намоз ўқирканман инсоният ибтидосидан бошланиб, абадиятга тутшиб кетадиган тарих кўз олдимдан бир-бир ўтди. Иброҳим халилуллоҳ Тангри таолонинг буйруғига биноан умр йўлдоши билан ёлғиз ўғли Исмоилни қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўл-биёбонга ташлаб келади. Бу нарсада биз инсонларнинг тасаввурига сиғмайдиган шўфқатсизлик бор, бироқ Парвардигор одамзотнинг келажагини ўйлаб, нималарни режалаштириб қўйганини қайдан биламиз. Такдирга тан берган Биби Ҳожар ҳовур уфуриб турган чўлда ўғлини офтобдан пана қилиб ўтирди, қорни очса, олиб келган егулигидан тотинди, чанқаганда бир-икки хўплам сув ичди, аммо уч-тўрт кундан кейин озиқ-овқати ҳам, суви ҳам тугади, очликдан тинкаси қуриб, ташналикдан лаблари торс-торс ёрилиб, чўзилиб қолди, айниқса тинмай чирқираётган боласининг зорига чидаёлмай азобланарди. Гўдакни тўйдириш учун кўкрагига сут келмас, оғзига томизишга бир қатра сув йўқ эди. Онаизор боласининг жонини сақлаб қолиш учун гўдакни қумга ётқизиб ўзи у ёқдан бу ёққа зир югурганча нажот излай бошлади. Сафо тоғидаги ҳар бир тошнинг қавагига қўл тикиб кўрди, бироқ на егулик, на қатра сув топилди. Ҳориб-чарчаб боласи ётган

ерга қайтганда олисдаги Марва тоғи томонда ойнадек тиниқ кўл кўринди. Биби Ҳожа жонҳолатда ўша томонга югурди, қора терга тушиб етиб келганда алданганини, бирерда ҳам жонига оро киргудек ҳеч вақо йўқлигини англади. Оёқлари чалишиб, зўр базўр изига қайтди. Чақир тошлар орасидаги қумлоқ ерда ётган бола очлик ва ташналикдан бўғилиб йиғларди. Ҳориб чарчаган она уни қўлига олиб улгурмай узоқдан яна кўм кўк сув кўринди. Биби Ҳожар ҳар қанча чарчаган бўлишига қарамай ўша томонга чопди лекин яна умиди пучга чиқди. У йиғламоқдан бери бўлиб изига қайтди. Бола ҳамо бўғилиб йиғлар, она унинг жонига оро киришдан ожиз эди. Биби Ҳожар ҳали нафасинг ростлаб улгурмай Марва тоғининг бутунлай бошқа томонида зилол сув кўринди. Он зўр-базўр ўрнидан туриб яна саросар йўлга тушди, очликдан, сувсизликдан адоё тамом бўлган аёл боласининг жонига оро кириш учун елдек учар, унинг ожиз, рамақи жон вужудида шунча куч-қувват борлигига ишониш маҳол эди. Учинчи марта ҳам алданганини билган аёл боласининг ҳолидан тезроқ хабар олиш учун яна орқасига чопди. У етиб келганда гўдакнинг йиғлашга ҳам ҳоли қолмаган, овози хириллаб, ғиппа бўғилган, чиллакдек оёқларини мажолсиз типирчилатиб ер тепинарди. Сўнгги нафасини олаётган боласини бағрига босишга ҳам ҳоли қолмаган она юрак-бағри эзилиб унинг тепасига энгашди. Шу пайт кутилмаган мўъжиза юз берди. Чақалоқнинг типирчилаётган оёқлари остидан биқирлаб сув чиқа бошлади. Нималар бўлаётганини ҳамон идро этолмаётган Биби Ҳожар бўшашиб ўтириб қолди, пешонасини муздек тер босди. Аммо бу ҳолат узоққа чўзилмади, она ҳовучини сувга тўлдириб, гўдакка тутди. Бола қонсилабларини мажолсиз қимирлатиб тамшанди. Она титроқ қўлларидаги сувни тўки юбормасликка уринарди. Ташналиги қонган гўдак ярқ этиб кўзини очди. Енгил тортган она уни бағрига босганча алла айта бошлади. Алланинг дастлабки сўзлари билан баробар кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Бу кимсасиз даштда очдан ўлдирмагани йиртқич ҳайвонларга ем қилмагани учун Аллоҳга шукрона ёшлари эди.

Булоқнинг суви борган сари кўпайиб, шарқираб оқа бошлади. Сувни кўриб бу ерда қушлар учиб келишди. Шомга қатнайдиған карвонлар қушлар учиб юрган жойда сув бўлишини билгани учун шу томонга йўл олишди ва булоқ бошида қапа тикиб ўтирган она-болани кўришди. Журҳум қавмининг одамлари бирин-бирин келиб шу ерда ўтроқлаша бошлашди. Кейинчалик бутун оламнинг зиёратгоҳига айланадиган жой мана шундай зайл барпо бўлди. Аллоҳ таоло Иброҳим халилulloҳга умр йўлдош билан боласини чўл-биёбонга элтиб ташлашни буюрганда келажакда бу ерни қутлуғ масканга айлантиришни ирода қилган эди. Ҳижратнинг бешинчи йилидан бошлаб то ҳозиргача ҳаж ва умра ибодатига келган миллионлаб мусулмонлар шу булоқдан сув ичишади, юртларини олиб кетишади. Расулulloҳ зам-зам суви ҳақида: «Зам-зам очларга овқат, касалларга шифо» деганлар. Зам-зам умрига завол йўқ. У абадият сарчашмаси.

Мен ҳам зиёратчиларга қўшилиб Сафо ва Марва орасида саъй қилдим, зора абадият руҳи эм бўлса деган илинжда обизамзамдан тўйиб-тўйиб ичдим.

Меҳмонхонага келиб дам олдим. Эрталаб худди ер остидан чиқиб келаётган қудратли азон овозидан уйғониб кетдим. Вақт тонгги уч ярим экан. Дарров Масжиди Ҳаромга йўл олдим. Масжид ичида одам кам, бомдод намозига ҳали бир соат бор, асосий намозхонлар тўрт яримда айтиладиган иккинчи азонгача етиб келишар экан. Иккинчи рақат нафл намозини ўқигач, худди кечаги тартибда Каъбани етти марта тавоф қилдим: ўтиб кетган аждодларим, бу даргоҳга етолмаган ота-оналарим, қариндош-уруғларим, ёр-биродарларим учун яратганга илтижолар қилдим, айниқса болаларимга инсоф тавфиқ тиладим, уларнинг имонини бутун, иқболини баланд қилишини сўрадим. Каъба атрофида айланаётган пайтимда ҳаётимда юз берган яхши-ёмон воқеаларни менга меҳр-оқибат кўрсатган дўстларим билан бирга ҳар қадамда номимга қора чапики ишларимга ҳалал берган бадният кимсаларни, эзилиб-эзилиб меҳнат қилса-да рўшнолик кўрмаётган халқимни, Советлар ҳукумати берган «ҳурлик ва тенглик шарофати» билан эркакларнинг юмушини қилиб эркакшода бўлиб кетган опа-сингилларимизни, на Худодан, на қонундан ҳайиқмай қўйган безори ёшлар борган сари кўпаяётганини илм-маърифатимиз бир ёқлама бўлиб саёзлашиб кетганини ўйлаб эзилдим. Ҳажару Асвадни такрор-такрор ўпаяётганимда, Каъбанинг тиллакори эшигига бош ураётганимда, мақоми Иброҳимда намоз ўқиётганимда эл-юртимга рўшнолик, саодат тиладим. Ҳожилар худонинг меҳмони, ҳожиларнинг дуоси қирқ кунгача ижобат бўлади, деган гаплар бор. Чин юракдан тиланган бу тилаклар ҳам ижобат бўлса ажаб эмас.

**Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,  
Агар бир дилни бузар ўлсанг юзар Каъба бузилмасми**

Машра

Тонгги бешда келиб ётганим учун нонуштага ухлаб қолибман. Апил-тапил ювиниб ошхонага тушдим. Хушмуомала йиғитлар бизни Масжиди Ҳаромнинг «Ас-салом» дарвозаси кўриниб турадиган столга ўтқазишди. Дастурхонда турли ноз-неъматлар: аччиқ чой, қахва, сут, пўртухол шарбати, совуқ сув муҳайё эди.

— Мана ярим ҳожи бўлдик. Энди бу ерда қиладиган ишимиз қолмади,— дедим Шукрулло.— Бу ёғи томоша — шаҳар кезамиз, меҳмонга борамиз. Жамол, сен бугун

ноқ консул билан боғланиб, Москвага қўнғироқ қил. Тошкентга билет олиб қўйишин. Фақат менга кечаси учадиган самолётга билет олмасин, мен кундузи учаман. Меҳмонхонадаги жойни ҳам менга бир кишилигини олиб қўйишин.

У кишининг кечаси учмайман, деб инжиқлик қилиши ғалати туюлиб, гурра кулиб юбордик. Шукруллонинг рангги-қути ўчди-ю, бирдан менга захрини соча кетди:

— Нега куласан? А?! Нега куласан? Мен сени анча тузук бола деб юрсам, ғирт аҳмоҳ экансан-ку. Мен отанг тенгги одамман. Етмишга кирганимда сенларга кулги бўлиб қолдимми? Биласанми мен... Агар истасам...— у қўлидаги қошиқни жаҳл билан столга ташлади.— Биз мана... Рамз акаларинг билан Ғафур Ғуломлар ўтирган дастурхонга яқин келишга ботинмай ўчоқ бошида қўл қовуштириб турардик. Ҳов Эмчиев, югур деса, ғирр этиб дўконга бориб ароқ оғуриб келардик. Сен бўлсанг... куласан!.. Ким бўлсан шунчалик?

Ҳамма жим бўлиб қолди. Ҳеч кимдан чурқ этган садо чиқмас, худди астойдил нонушта қилаётгандек ҳамма нимадир тотинар, чой ҳўплар, бу ўнғайсиз ҳолатдан қандай чиқишни билмай гаран эди. Миямга қон тепди. Шайтон бу юзсиз одамнинг ёқасидан олиб, дўппосла дер, аммо Раҳмон бунга йўл қўймасди. Лоп этиб Иброҳим Адҳамнинг қисмати ёдимга тушди-ю, ўзимни босдим. Подшолик тахтидан воз кечиб, қаландарликни ихтиёр этган Иброҳим Адҳамни йўлда учратган одамлар кечагина унинг илтифотидан баҳраманд бўлиб ялтоқланиб юришганини унутиб, устидан кулишган, ҳайиқмай ҳақоратлашган. Уларнинг дилозорлигидан қаттиқ ранжиган Иброҳим Адҳам: «Эй, парвардигор, бу одамларнинг қилмишлари учун жазо беришингни биламан. Лекин улар сенинг раҳматингни унутган гумроҳ бандалар. Бу кимсалар қилган гуноҳларни мен қилган деб ҳисоблагину уларга бериладиган жазони менга бер», дея Ҳаққа ёлборган. Иброҳим Адҳамнинг олдида мен кимман, ранжиганимни ошкор этишга ҳам арзимайдиган ҳақиру фақирман.

Ҳамма — Одил Ёқуб ҳам, Рамз Бобожон ҳам, Жамол Камол ҳам қозонлик профессор Яҳё Абдулло ҳам менинг нима дейишимни, бу дилихиралик қандай можарога сабаб бўлишини кутиб туришарди.

— Биз Каъба зиёратидан чиқиб ҳали нафасимизни ростлаб улгурганимиз йўқ. Бу даргоҳда одам туғул пашмага ҳам озор бериб бўлмайди. Мен сизнинг устингиздан кулганим йўқ, агар кулгимизни шунга йўйган бўлсангиз айб менда. Орқа-олдини суриштирмай қилган ҳақоратларингизни ҳам мендан ўтган гуноҳ ҳисоблаб афу этинг.

Мен шундай дедиму шартта туриб ташқарига чиқиб кетдим. Олов селига чўмган кўча гавжум, дунёвий юмушлари билан машғул одамлар у ёқдан бу ёққа зир қатнар, ибодатни кўзлаб келганлар эса Масжиди Ҳаром сари ошиқишарди. Мен эсам Иброҳим Адҳамнинг мақомига етишни орзу қилиб, Масжиднинг муҳташам минораларига маҳзун тикилиб турардим. Ундай даражага етиш маҳол, биздек ноқис бандаларга йўл бўлсин.

**Ҳамнафаслардин жудо айлаб мусибат шаҳрида,  
Ошноларни менга ноошно қилди бу дард.  
Қайғулук бошимга юз минг ғамни орттуриб,  
Мисли Адҳамдек жаҳондин мосиво қилди бу дард.**

— Зиёратлар қабул бўлсин,— деди сайёрадан тушиб келган Раҳматуллоҳ Туркистоний.

— Муродингиз ҳосил бўлсин,— дедим ҳозиржавоблик билан. У киши билан бафуржа гаплашишни, суҳбат асносида бир-биримизни яхшироқ тушуниб, яқинлашиб кетишни истардим. Бироқ мезбон бунга имкон бермай яна расмиятчилик билан гап қотди.

— Ҳамроҳларингизни чақиринг. Бизни кутишяпти,— деди у соатига кўз ташлаб.

Бутун дунё Ислому уюшмаси — Робитаи оламин Маккадан чиқаверишдаги тоғ ёнбағрига жойлашган, худди парвезга шайланиб турган оққушни эслатувчи муҳташам қаср экан. Бино атрофида, бу ёққа келаверишдаги кўчаларда дов-дарахт кўп, майда очилган напармон гуллар кўзни қувнатади, темир қувурларга ўрнатилган кичкинагина фавворалар ям-яшил майсаларни тинимсиз ювади. Ҳар қадамда осудалик ва оройиш, биз одатланмаган мавзунлик сезилади. Ерга ёғ тушса ялагудек. Одамнинг акси кўринадиган оппоқ мрамр зиналарга қадам босишга ийманади киши. Яқин келганимизда эшик очилиб, жилмайиб турган хизматчи тавозе билан ичкарига таклиф этди.

Беихтиёр Москвадаги Ўзбекистон ваколатхонасининг меҳмонхонасидаги муомала ёдимга тушди. Меҳмонхона эшигидан ҳали кириб улгурмасимиздан ҳаддан ташқари қўпол, серзарда хитоб эшитилди:

— Қаёққа? Қаёққа? Кимсизлар? Индамай юқларингизни кўтариб кираверасизларми? Қани, чиқинглар ташқарига! Чиқинглар деяпман!

Рўпарамизда ҳирсдек семиз, важоҳати хунук ўрис хотин бобиллаб турарди. Одил Ёқуб гуноҳқор одамдек Совет Иттифоқи халқ депутати эканини, бизларга бир ҳафта бурун жой буюриб қўйилганини айтди.

— Қани, хужжатингизни кўрсатинг!— бўш келмади хизматчи аёл.— Ҳозир сизга ўхшаган депутатдан кўпи борми.

Одил Еқуб ноилж депутатлик нишонини кўрсатишга мажбур бўлди. Хизматчи аёл шундагина сал ҳовридан тушиб ҳужатларимизни талаб қилди, бурни устига кўзойнагина қўндириб ҳар бир ҳарфни синчиклаб ўқиганча узоқ мук тушиб ўтирди ва ниҳоят столга бир нечта қалитни тарақлатиб ташлади. Ювинишга иссиқ суви, ейишга кўнгил тортар овқати йўқ меҳмонхонада нашаванд, ароқхўр одамларнинг орасида икки кунни бир амаллаб ўтказдик.

Бу ерда эса сайёрадан тушиб улгурмасингиздан юкларингизни хизматчилар ичкарига олиб киришади, кўлингизга қалит тутқазिशаркан, қайси қаватга чиқишингизни тушунтириб, лифтга кузатиб қўйишади. Бирон идорага кирсангиз азият чекиб қолмаслингиз учун хизматчилар эшикни очиб туришади. «Биз ер куррасидан ташқаридаги инсоний маданият ва тараққиётдан маҳрум бирон минтақада яшамасмикинмиз?» деган йў ичимни сидириб ўтди.

Робитаи оламин бош котибининг муовини доктор Муҳаммад Носир Абудий ҳузурда қизгин сўхбат қурдик. Бизни эъозлаб қақиртиришгани учун ҳар ким ўз миннатдорчилигини, кўнглига тугиб келган гапларини изҳор этди. Мен Ўзбекистонда Исломи дини тарғиботи йўлида олиб борилаётган айрим ишларни санаб, Қуръони карим таржимаси «Шарқ юлдузи» журналида асосан адибларнинг ташаббуси билан чиқаётганини, ҳадисларни нашр этишда ҳам қалам аҳли яқиндан кўмаклашаётганини, ўзим эса Муҳаммад алайҳиссаломнинг таржимаи ҳоллари ҳамда Исломи тарихини акс эттирувчи «Нурул яқин» номли асарни таржима қилганимни айтиб ўтдим. Пировардида кўнглимга тугиб қўйган асосий мурдаоимни ўртага ташладим.

— Менга Маккадек улўғ жойга яна келиш насиб этадим, йўқми, билмайман. Ҳозирги имкониятдан фойдаланиб икки нарсани илтимос қилмоқчиман. Биринчиси, Робитаи оламин фарзандларимизни хорихдаги олий ўқув юрларида ўқитиб, халқ хўжалиги ва фан-техника соҳасида малакали мутахассислар етиштиришга ёрдам берса. Иккинчиси, шахсий илтимос, агар имкони бўлса, ҳажга қолишимга рухсат берсанглар. Шундан шу ёққа келиб ҳаж қилмай кетсам бир умр армонда ўтаман.

— Марҳабо, марҳабо!— деди доктор Муҳаммад Носир қувонч билан.— Истананглар, ҳамманглар қолишинглар мумкин. Барча шарт-шароитни муҳайё қиламиз, кундалик сарф-харажатларингга лойиқ пул ҳам берамиз. Баҳонада ҳожи бўлиб кетасиз. Кутилмаган илтифот бизни доводиратиб қўйди. Ҳамма бир-бирига қараганча нима дейишни билмай ўйлашиб қолди. Ниҳоят ҳамма учун Шукрулло ҳукм чиқарди:

— Йўқ, биз қолмаймиз. Юртда зарур ишларимиз кўп. Эмин қолса ўзи билади, лекин бу масалани ҳам ўйлашиб, маслаҳатлашиб кўрамиз. Келаётганимизда бундай гап бўлмаган. Делегациядан бир одам ажраб қолса бўладими, йўқми, билмаймиз.

Юрагим шиғ этиб кетди: оббо, масаланинг расмий томонларини ўйламаган эканман-ку.

— Э, бу парламентнинг муҳокамасига қўйиладиган масаламиди, қолса қолаверсин,— деди Одил Еқуб саҳройи одамларга хос кенглик билан.— Масалан, мен қололмайман, бир ёқда хизмат, бир ёқда бола-чақа ташвиши — ихтиёр ўзимда эмас, Эмин «Бир жилвасига икки жаҳондин ўтақолдим», деб юрган Машрабдек эркин қуш. Мусофир юртда яна бир ой туришга тоқати етса, барака топсин. Биз учун ҳам ибодат қилиб, Аллоҳдан гуноҳларимизни сўраб, ҳожи бўлиб борсин.

Робитаи оламиннинг идорасидан худди қанот чиқариб учгудек бўлиб чиқдим. Назаримда бутун коинот бўлакча тус олгандек, қуёшнинг куйдиргувчи нури ҳам ёқимли бўлиб қолгандек туюлар, гиёҳ кўкармайдиган қорамтир тоғлар кўзимга жозибали кўринар, учраган одамларнинг юзидан нур ёғилаётганга ўхшарди. Оёғим остидаги ер парга айланган, ҳаво бамисоли қаймоқ — симирган саринг маза қиласан. Қўлларим қанотга айланган — қулочимни ёзсам бас, юксак самоларга парвоз этаман. Осмоннинг ҳар тўрт энлик жойида Худога илтижо қилиб турган муваққилларни кўраман. Мен ҳам уларнинг бирига айланаман-у, бироқ илтижо қилмайман. Мен муродига етган, энг катта орзуси ушалган бахтиёр инсонман. Мен фақат Аллоҳга шукрона айтаман. Мени шунчалик улўғ мартабага эриштиргани учун шох Машрабнинг тилидан нидолар қиламан:

Чароғон бўлди дунё ё магар келди менинг ёрим,—

[Аллоҳдан бир хушxabар келди маъносида]

Биёбон бўлди боғу бўстони хуррам ободо.

Ҳаётда шундай лаҳзалар бўладики, умр бўйи инсон мана шу сония учун яшайди, унинг чеккан заҳматлари ҳам, эришган ютуқлари ҳам, тортган жабру жафолари-ю, тотган қувончлари ҳам унинг олдида ҳечдир. Бундай асно яна такрорланадими, йўқми, билмайман, лекин бир нарса аёнки, мен Тангри ато этган бахтиёрлик лаззатини тотиб кўрдим, мусулмон учун Каъбанинг остонасига бош уришдан, Арофат водийсида яратганга илтижолар қилишдан, Минода шайтон тимсолига тош отиб қалб билан вужудни шайтоний васваслардан фориг этишдан ортиқ бахт борми?

— Раҳмат, устоз (арабларда профессорни устоз деб аташаркан, айни вақтда бу ибора мавлоно маъносида ҳам ишлатилар экан),— дедим ҳаяжонимни босолмай.

Раҳматуллоҳ Туркистоний хокисорлик билан кулимсираб қўя қолди. Мен бу камтар одам тимсолида расулуллоҳнинг суннати бўлмиш анча-мунча фазилатларни кўрдим. Пайғамбар алайҳиссалом ҳечқачон баланд овозда қаҳ-қаҳ отиб кулган эмаслар. Лозим бўлганда табассум қилиб, бошқа пайтда чуқур ўйга ботиб юрар эдилар. Келганимиздан буён кузатаман: Раҳматуллоҳ Туркистонийнинг яйраб кулганини кўрмадим, мудом дунёвий муаммолар устида бош қотираётган одамдек ўй сургани сурган. Мен эсам шодлигимни ичимга сиғдиролмай ўзимни еттинчи қават осмонда юргандек ҳис этяпман. Умар Ҳайём таъбири билан айтганда, лойимни қорган ўзи, берган феълени ҳам ўзи билади.

Сайёрага чиқаётганимда бир шафқатсиз ҳақиқат ёдимга тушиб, худди дами чиққан коптоқдек бўшашиб қолдим. Бегона бир юртда роппа-роса бир ойга қоляпман, тирикчилик нима бўлади? Енимда атиги эллик доллар бор, бу ернинг пулига айлантирилса бир юз саксон риёл бўлади. Кунига ўн риёлдан харжланса, ўн саккиз кунга етади. Орада Мадинага боришим, ҳаж кунлари қурбонлик учун пул тўлашим керак. Қурбонликнинг-ку йўли осон: менга ўхшаган ибн сабиллар ҳаж вақтида уч кун, уйига қайтгач етти кун рўза тутиб берса бўлади. Лекин минг тежаб-тергаганим билан барибир, майда-чуйда чиқимлар чиқиб туради. Ҳажга қолишни орзу қилганда масаланинг бу томонини ўйламаган эканман.

Макка ёзувчилар уюшмасидаги учрашувлар, зиёфат ҳам унча татимади. Фикри ёдим бу ўнғайсиз аҳволдан қандай чиқиб кетиш билан банд бўлиб қолди. Фикримни ҳамроҳларимдан бирига айтиб, имкони бўлса озроқ пул ташлаб кетишини ўттиндим. «Пулим йўқ эмас, бор, лекин биласизми, олис йўл, ҳар хил вазият бўлиши мумкин, менку сизга берарман, бироқ ўзимга керак бўлиб қолса, қайдан топаман? Масаланинг ана шундай нозик томонлари бор-да», дея мутафаккирона донолик билан илтимосимни рад этди. «Ахир сизлар кўпчиликсизлар, бунинг устига уч кундан кейин қайтиб кетяпсизлар...» «Йўқ, сиз масаланинг бошқа жиҳатларини ҳисобга олмаяпсиз, масалан дейлик, мен пулимни йўқотиб қўйдим ёки бирон киссовур шилиб кетди. У ҳолда мен кимга сарғаяман? Манави одамлардан бир тийин чиқади деб ўйлайсизми? Йўқ, жомтама бўлманг. Буларингиз бировга бир тийин бермайди. Қолишга-қолдингиз, бу ёғига бир амал-лайсиз. Биз у ёқда дуойи жонингизни қилиб...» Иккинчи ҳамроҳим саҳроий одамларга хос жайдариллик билан тўғрисиини айтиб қўя қолди: «Ёнимда ўзингиз билган эллик доллардан бошқа пул йўқ. Унга бола-чақага майда-чуйда оламан. Қўлимга қараб турадиган бир кўра невара бор. Совет пули десангиз озроқ беришим мумкин. Бу ерда ишлатмасангиз ҳам Москвага борганда керак бўлиб қолар». У бор пулининг ярмини қўлимга тутқазди. Гарчанд бунга заррача эҳтиёж бўлмаса-да, райини қайтармаслик учун олдим.

Одам боласи бесабор бўлади, ўзича кароматгўйлик қилиб эртанги кунининг ғамини еяверади, тақдирда ёзилганига қаноат қилмайди. Мен ҳам бир ой ичида нималар бўлишини билмаган ҳолда ўз ёғимга қовурилар, қадримни ерга уриб, ҳар кимга сарғаярдим. Ваҳоланки, парвардигорнинг менга аталган қанчадан-қанча неъматлари, кўрсатадиган илтифотлари бор экан...

Уша кун ичкерун Сафхон Жалолхон тўра ўғли Марғилонийнинг уйига меҳмонга бордик. «У киши ҳузурингизга келиб зиёрат қилолмагани, ўзлари уйига таклиф этолмагани учун узр айтди. Яқинда операциядан чиққани учун ҳали қувватга кириб кетолмаган», дея изоҳ берди Раҳматуллоҳ Туркистоний. Тайинланган вақтда тўқ кўк ойнадан қурилган иккита ўн қаватли бино олдига келиб тўхтадик. Эшик олдида жаҳоннинг олий сифатли сайёралари саф чекиб турар, узун оқ кўйлак кийган йигитлар — хонадон соҳибининг ўғиллари қўлларини кўксига қўйганча тавозе билан кутиб олишди. Лифтда бинонинг тўққизинчи қаватига кўтарилдик. Уй эгалари бинонинг фақат тўққизинчи қаватида яшашар, қолган қаватидаги яхши жиҳозланган хоналар ижарага берилар экан. Мезбон баланд бўйли, чўққи соқол нуруний одам экан. У ҳар биримиз билан қучоқлашиб кўришди. Мени бағрига боса туриб соф қашқар шевасида: «Хуш-келибдилар. Аҳволлари яхшими? Бола-чақа, ал-жут тешликму? Ҳажга қолганлари муборак бўлсун!» деди. Олис Арабистонда уйғурча калом эшитаман деб ўйламаганим учун ғоят таъсирланиб кетдим. Уйғур диёрининг нафаси уфуриб турган отахонни қайта-қайта бағримга босдим. Макка, Мадина, Жидда, Тоиф, Риёзда яшовчи жуда кўп ўзбеклар йигирманчи, ўттизинчи йилларда Қашқар, Ғулжага ўтиб кетишган, Шарқий Туркистонда ҳам мустабид Хитой босқинчиларининг зулми авж олгач, Афғонистон, Покистонга бош олиб кетишган, кейинчалик Арабистонга келиб ўтроқлашиб қолишган экан. Шу боис улар ўзбек ва уйғур тилларида сўзлашар, ҳар икки тилдаги китобларни бемалол ўқий олишар экан.

Утиришимиз зиёфатдан бошланди. Сўнг чой ичиб суҳбатлашиб ўтириладиган хонага ўтдик. Камбағалнинг ҳовлисидек келадиган катта хона лиқ тўла, даврамизда узоқ йиллик сарсон-саргардонликдан кейин Арабистонда кўним топиб, хотиржам турмушга, обрў-эйтиборга эришган мўйсифидлар, шу заминда туғилиб вояга етган давлат арбоблари, олимлар, шоирлар, ҳарбий саркардалар, дўхтирлар, завод эгалари, катта мулкдорлар бор эди. Уларнинг деярли ҳаммаси мана шундай шароитга эга, уч-тўрт қаватли мрамар қасрларда яшашар, ўртча маоши тўрт-беш минг долларни таш-

кил этар, кўпларининг Туркияда, Америкада, Олмонияда уй-жойлари бор, фақат юртга бемалол бориб-келиш имкони йўқлигидан азият чекишар экан. «Болаларимиз тилини унутиб қўйишпти. Миллатни сақлаб турадиган нарсаси — тил билан урф-одат. Тилини унутган одамнинг миллати ҳам, ватани ҳам бўлмайди. Шунинг учун тезроқ йўл очинглар. Болаларимизни юртга боғлайлик», деди бўсағада тиззалаб ўтирган Сафхон тўра. «Бу масала парламентда муҳокама қилинапти. 1993 йилдан чегаралар очилмоқчи, — деди Одил Ёқуб Совет ҳукуматининг ниятидан юртдошларимизни огоҳ этиб. — Биз етмиш йилдан бери темир қўрғоннинг ичига кириб олиб, дунёдан бутунлай узилиб қолган, ҳатто бировлар билан қандай муомала қилишни ҳам билмайдиган аҳволда эканмиз. Одамларни чет элга чиқишга тайёрлаш учун шунақа муддат белгиланди», «Билишимизча, сизларда замонавий заводларга, янги техникаларга эҳтиёж катта экан. Агар йўллар очилса, бундай нарсалар билан юртни ўзимиз таъминлар эдик». Бу — юртдошларнинг муштарак орзуси экан. Даврамизга университет домлаларидан бири, узун соқол қўйган йигит келиб қўшилдию суҳбат бутунлай бошқача тус олди. У бизни журъатсизликда, қулликка кўникиб қолганликда, курашчанлик ҳисларимиз йўқолганликда айблади. «Нега истиқлол учун қон тўкмайсизлар, нега қурбонлар бермайсизлар? Хуррият ўз-ўзидан келиб қолади, деб ўйлайсизларми?» дея таъна қилди у. Мен унга пахта далаларида заҳар-заққум ютуб, Орол денгизи бўйларида ичишга тоза сув тополмай қирилаётган одамлар камми? Бугун халқимизнинг ейдиган озиқ-овқатидан тортиб, ичадиган сувигача, оладиган ҳавосигача фикр-ғиж заҳар. Қовун-тарвуз еб соғлиғидан айрилаётганлар, сабзавотдан аллергия дардига учраётганлар ҳад-ҳисобсиз. Сизга яна қанақа қурбон керак, дегим келди. Бироқ даврада мендан кўра гапга чечанроқ сўз усталари бор эди: Ўзбекистондаги ижтимоий тафаккурнинг нечоғли ўсгани, халқ ўзини, ўз қадриятини таниб етаётгани, янги қурилган партиялар бунга мисол бўла олишини, ҳукумат тепасидаги айрим гуруҳлар Фарғона фожиасини келтириб чиқаришганини, Ушда қирғин уюштиришганини, одамлар ноҳақ тўкилган бу қонлардан тўғри хулоса чиқариб, сафларини жипслаштираётгани, туркий халқлар ўртасидаги яқдиллик кун сайин мустаҳкамланаётгани, яқин келажакда буюк Туркистоннинг қадимий шуҳрати тикланажаги башорат қилинди.

Ҳаммани оғзига қаратиб сўзамоллик қилаётган одамнинг сувдан ҳолва ясаётганига ажабландим. Унинг айтганлари қисман тўғри бўлса-да, кўп гаплари ҳақиқатдан йироқ хом хаёл эди.

«Нега Ўзбекистон Туркия билан яқин бўлишга интилмаяпти? Қозоғистон, Озарбайжон, Туркменистон Туркия билан аллақачон ҳамкорликни бошлаб юборишди. Ўзбекистон ҳалиям Москванинг оғзини пойлаб ўтирибдими?» дея луқма ташлади бояги қурбон талаб қилган олим. Бу саволнинг аллақачон чўнтақдан тушиб қолган жавоби тайёр: «Биз узоқни кўзлаб, пухта иш қиламиз». «Нега бу йил Туркиядан келган бир учоқ мутахассисларни Тошкентга киритмадинглар? — асабий олим кутилмаган саволлари билан ҳаммани эсанкиратиб қўйди. — Ёрдам беришни истаган одамни кўкрагидан итариш қайси таомилда бор?» «Ҳукумат меҳмонларнинг кўкрагидан итарган бўлса, мана биз эркчилар, бирликчилар Самарқандга-бориб кутдик», деди даврани қизитиб ўтирган ҳамроҳимиз. «Ҳўш, нимага келишдинглар? Сизларнинг гаплашганинглардан халққа бирон наф бўлдимми?» олим борган сари қизишиб, сўзларни чертиб-чертиб гапира бошлади. «Бизнинг гаплашганимиздан қандай наф бўлиши мумкин. Ҳукумат аъзоси бўлмасак. Фақат одамгарчилик юзасидан...» «Ҳукумат халқни очликдан сириб, сизлар гап сотиб одамларни лақиллатиб юрган экансизлар-да?»

Олимнинг таънаси фақатгина бизга эмас, мезбонларга ҳам оғир ботди. Давра совиб, суҳбатдан файз кетди. Унғайсизликдан қутулишнинг бирдан бир чораси тарқалиш эди, лекин кутилмаганда Мўминжон Туркистоний суҳбат мавзуини ўзгартириб юборди.

— Бугунги ижтимоий ўзгаришлар адабиётда қандай акс этяпти? Аҳли қаламнинг бу воқеаларга муносабати қандай? Шоирларимиз ҳалиям ўлдим, куйдимни ёзиб юришибдими ёки адабиётимиз фикрий теранлик касб этдимми? Шу пайтгача ўқиб, билиб юрган нарсалардан унчалик кўнглимиз тўлаётгани йўқ. Ёзувчиларнинг раиси сифатида сизнинг фикрингизни билишни истардик.

Одил Ёқуб ҳали ҳам бояги асабий мунозара таъсирида эканми, анчагача тараддудланиб турди. Сўнг паст овозда салмоқ билан гап бошлади.

— Сизлар юртдан чиқиб кетгандан кейин кўп тўполонлар бўлди, энг яхши адибларимиз, олимларимиз, давлат арбобларимиз жувонмарг қилинди. Абдулла Қодирийдек, Чўлпондек, Фитратдек буюк сиймоларимиз миллатчи деган сиёсий айблов билан отилди. Бир парча тошни тиклаб қўйиб, шу ер Абдулла Қодирийнинг рамзий мозори деб хотирасини ёдлаймиз. Уша улуғ одамларимиз қатағон йилларида ҳам адабиётнинг асосий ақидасига — ҳаётни тўғри акс эттиришга, халқнинг дардини ростгўйлик билан баралла айтишга амал қилишгани учун ҳаётларидан жудо бўлишган. Бугун адибларимиз мамлакатимизда юз бераётган чинакам демократик ўзгаришлардан руҳланиб қалам тербратишмоқда. Шунинг учун ҳам бизда қаламкашнинг обрўси катта. Халқ ёзувчининг гапига қаттиқ ишонади. Бизда ёзувчи ўз халқининг виждони деган ибора бор. Халқ



берган бу баҳо адабиётимизга бўлган муносабатни кўрсатиб турибди. Бизда халқ ўзи севган энг яхши адибларини тақдирлаб «Халқ ёзувчиси» деган унвонлар берилади. Бугун ҳузурингизда мана шундай юксак унвонга сазовор бўлган қаламкашлардан уч киши ўтирибди, манави истеъдодли укаларимиз эса...

— Бу унвонни сизларга халқ берадимми ёки садоқатли хизматларингиз эвазига коммунистлар ҳукуматидан олганмисизлар?

Асабий олимнинг илмоқли саволи эндигина жонлана бошлаган суҳбатнинг яна белига тепди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Муз солинган пўртухол шарбати олиб кирилди-ю, савол жавобсиз қолди. Хонадон соҳиби хайрлаша туриб: «Ичимизда дардимиз кўп, тўкиб солайлик десак сизларнинг аҳволингиз беш кўлдек аён — ҳур бўлиб ҳур эмассизлар, қул бўлиб қул эмассизлар. Юртга бориб, юракнинг чигилини ёзиб келайлик десак чегарани очиб юбормаяпсизлар. Бу ердаги гапларни кўнгилга олманглар, куйганимиздан гапирамиз-да», деди.

Бу одамлар бизнинг аслида кимлигимизни, нималар ёзиб, кимларга хизмат қилганимизни, имон-этиқодимиз ҳам қанчалик эканини билишар, фақат меҳмон сифатида иззат-икром қилишарди холос.

Манзилимизга етиб келгач, ҳамроҳларим меҳмонхонага, мен эсам Масжиди Ҳаромга равона бўлдим. Каъбани тавоф этгач, бир четга чиқиб ўтирдим. Каъба атрофида айланаётган одамлар оқимига тикилганча ўйга чўмдим. Зиддиятларга, фожиаларга, кутилмаган қийинчиликларга тўла ҳаётим, адабиёт майдонидаги уринишларим, ён-веримдаги одамлардан жуда кам оқибат кўриб, хиёнатга, мунофиқликка жуда кўп дуч келганим, исломий тарбия олиб ўсаётган болаларимнинг ҳаётдаги дастлабки қадамида-ноқ тўғаноқларга дуч келаётгани, умуман, бу дунёнинг ақлим бовар қилмайдиган сир-синоатлари ҳақида адоқсиз ўй сурдим. Бомдод намозига айтилган азон ҳушимни ўзимга келтирди. Эзилган бир аҳволда саждага бош қўйдим: ҳақ йўлдан адаштирамагaysан, парвардигор!

**Ишқи йўқ бедардларни куйдуройин дермусан!**  
**Машраб**

Эртасига Тоиф шаҳридаги бир тўйга таклиф этилдик.

— Бир ҳамшаҳримиз ўғил уйлантиряпти. Келин томон ҳам ўзимизнинг туркистонликлардан. Тўйга юртдошларнинг кўпи келади, баҳонада улар билан дийдорлашиб оласизлар,— деди Раҳматуллоҳ Туркистоний.

Арабистоннинг шимол томонида жойлашган бу шаҳарга икки томондан — чўлни кесиб ўтган текис йўлдан ҳамда тоғ оралаб ўтган паст-баланд йўлдан бориш мумкин экан. Биз чўлдан кетдик. Қушдек учган сайёра бир соатга қолмасдан тарам-тарам баргларидан хушбўй ҳид уфуриб турган мурч ва шапалоқ баргли лимон дарахтларига бурканган ораста ва файзли шаҳарга етказиб қўйди. Андижонда туғилиб, Қашқарда вояга етган, қирқ йилдан бери Тоифда яшовчи шоир Комил Абдуллоҳнинг уйига кириб бордик. Тошқин тахаллуси билан дилбар ғазаллар ёзувчи бу одам бизни поюпатак бўлиб кутиб олди, отаси тирилик келгандек ҳар биримизга алоҳида илтифотлар кўрсатди, мени қайта-қайта бағрига босаркан, гоҳ уйғурчалаб, гоҳ ўзбекчалаб: «Ўзлари менга икки ватанимнинг нафасини олиб келдилар. Қадамларига ҳасанот! Хуш кўрдик, хуш кўрдик», дерди. Бу одамнинг болаларча беғуборлиги мени ром этди. «Ҳа, Раҳматуллоҳ, афандим, кўзингиз ойдин, — дея Раҳматуллоҳ Туркистонийга мурожаат қилди Тошқин. — Юртдошлар келиб хурсанд бўлиб юрибсизми? Ишқилиб, оқибати хайрли бўлсин».

Арабистондаги бир одат дарров эътиборимни тортди: уйда ўтирганлар эшикдан кириб келган ҳар бир одамнинг ҳурмати учун оёққа қалқийвермас, ҳар бир келувчи учун юзга фотиҳа тортилмас, умуман, дуо қилиш русуми йўқ экан. Эшикдан кирган одам ёши, амалидан қатъий назар бўш жойга ўтирар, ҳеч кимнинг эътиборини жалб этмай суҳбатга қўшилиб кетаверар, биздагидек ёши улуғ ёки амали катта бўлса, ҳамма-ни безовта қилиб, тўрга чиқарилмас экан.

Бир куни расулуллоҳ саҳобаларнинг ҳузурига чиққанларида ҳурматлари учун улар гурра ўрнидан кўзғалишган. Пайғамбар алайҳиссалом ранжиб: «Ажам (арабдан бошқа халқлар)лар бир-бирини улуғлаб ўринларидан кўзғолгандек сакраб турманглар. Мен ҳам бир бандаман, еб-ичишда, ётиб туришда сизлардан фарқим йўқ», деганлар. Биздаги амалдорлар ўзларини худонинг пайғамбаридан юқорироқ тутишади, одамлар ҳам шунга кўникиб кетишган. Худди амали катта ёки ёши улуғ одам албатта тўрда ўтириши керак, деган қонда бордек ҳамма истаса истамаса шу тартибга риоя қилади. Ҳатто расулуллоҳнинг нечоғли камтар, кичик феъл инсонлигини яхши биладиган домла-имомларимиз ҳам доим тўрни мўлжаллаб туришади. Гўё одамнинг яхшиси тўрда, умдайроғи пойгакда ўтирадигандек... Ваҳоланки, расулуллоҳ: «Ўз қадрини билган одам ҳалок бўлмайди», деганлар. Ўз қадрини билиш эса ҳеч вақт уйнинг тўрини эгаллашдан бошланмайди.

Қатта меҳмонхонага одам сиғмай қолди. Ҳали дастурхон ёзиб улгурилмай бир

одам ҳовлиқиб кириб келди-да, хорижга кетаётганини, бизни уйга таклиф этолмаслигини айтиб узр сўради.

— Мана кўриб турибсизлар. Бизга юртдан бошқа ҳамма жойга йўл очик. Истаган пайтда хоҳлаган мамлакатга кетаверамиз. Менинг Америкада ҳам, Туркияда ҳам уй-жойим бор. Йилнинг истаган фаслини ўша томонларда ўтказаман, — деди Аҳмадали Туркистоний.

— Сизлар кўриб турган фаровон турмушга етишганимизга кўп бўлгани йўқ. Унгина кўп қийинликларни бошдан кечирдик, — дея суҳбатни давом эттирди Мўминжон ака. — Навоий: «Шамъки ўз ёғи билан қоврулу, Чарх анга фонус киби эврулу», деганларидек биз ҳам замон ичра ташвиш тортдик, гоҳ биз замонга мослашдик, гоҳ замон бизга юзланди, лекин ҳеч қачон юртимизнинг шаънига доғ туширмадик, миллатимизнинг юзини ерга қаратмадик. Фақат шоир Тошқин айтгандек:

**Жаҳонда ҳеч ким мазлум биздек бўлмасин, ё раб,  
Тўғилган юртидин маҳрум биздек бўлмасин, ё раб, —**

деб яшадик.

— Юртда биз ҳам ҳолва еб, шарбат ичиб, маза қилганимиз йўқ, — дея гапни илиб кетди Шукрулло. — Мана менинг ўзим халқимнинг бахтини куйлаб шеърлар ёзганим учун йигирма беш йилга кесилганман. Қамоқда тортмаган азобларим қолмади, бу ёқда бола-чақам хор-зор. Хотинимга тухматлар қилишган. Лекин мен уларнинг найранглирига учмадим, азобларига мардона чидадим. Мана адолат бор экан, оқландим яна сафга қайтдим. Қанчадан қанча шеърлар, «Жавоҳирлар сандиғи» деган китоб ёздим. Қамоқда кўрган-кечирганларимни «Кафансиз кўмилганлар» деган китобимда баён этдим. Сталин ҳукмронлик қилган йиллари не-не талантили одамларимиз йўқ бўлиб кетди. Мана энди замон бошқа, ҳаммаёқ дориламон. Дўстим Рамз Бобожон халқ шоири, СССР Давлат мукофоти совриндори, Одил Ёқубов ҳам халқ ёзувчиси, Совет Иттифоқининг парламенти аъзоси, мен ҳам халқ шоириман, президентнинг маслаҳатчисиман, Ўзбекистондаги ҳар қандай демократик ҳаракат борки ҳаммасига аралашаман.

— Ундай бўлса нега ягона Туркистон давлатини яратиш учун курашмаяпсизлар? — дея луқма ташлади паҳлавон келбатли, хушмўйлов доктор Ҳоди.

Суҳбат бошқа томонга бурилиб, сиёсий тус олди, Жамол Камол Ўзбекистондаги демократик ҳаракатлар, туркий халқларнинг яқдилликка интилиши, Туркия билан алоқалар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Фақат бу гаплар мени андак ўйлантириб қўйди. Сабаби, туркий халқларнинг бир жону бир тан бўлиб кетишига ҳали бироз вақт бор. Агар бизлар кимлигимизни англаб, муштарак фикрга келганимизда Фарғонада ўзбек билан турк бир-бирини бугизламас, уйларига ўт қўймас, Ушда қирғиз билан ўзбек бир-бирини ўққа тутмас, кўча-кўйда чавоқлаб кетмас эди. Жилла курс, ўша кунларда бу хунрезликка бутун Туркистон халқи норозилик билдириб оёққа қалққан бўларди. Миллий муносабатлар кескинлиги ҳали ҳам бартараф этилган эмас. Биз фикран, қалбан ҳали у даражага ўсиб етганимиз йўқ. Тарихнинг қисқа бир бўлагида ўзининг давлат тузумига эришган Туркистон халқлари қайтадан бир ном остига бирлашишни истайдими, йўқми, номаълум. Масаланинг ижтимоий жиҳатларини пухта ўрганмай туриб хулоса чиқаришга шовилмаслик керак. Қолаверса, бу юртдан олисдаги тўкин дастурхон тепасида ўтириб ҳал этадиган гап эмас. Менинг туркий халқларнинг бирлигига монёълигим йўқ, лекин бир халқни иккинчи халққа яқинлаштиришдек хайрли иш худди пода ҳайдаш усулида адо этилишига қаршиман. Туркий халқлар азал-азалдан уруғ-уруғ, қабила-қабила бўлиб яшаган, ўз хони, ўз ери, ўз урф-одати бўлган. «Девону луғатит турк» билан танишиб чиққан одам бунга ишонч ҳосил қилади. Туркий уруғларнинг тарихига бир назар ташланса ўзаро ер таллашиб, қиз таллашиб, мол таллашиб кесилган бошлар, оққан дарё-дарё қонлар ҳақидаги маълумотлардан эхонаси чиқиб кетади кишининг. Неча минг йилдан буён ён-веридаги давлатларнинг қутқуларига учавериб бугунги чорағиз аҳволга тушиб қолган Туркистон халқлари аввало тарихий сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб олмоғи, ўзлигини таниб етмоғи лозим. Шундан кейингина орзуларимизга эрк берсак ярашади. Ҳали ўзлигини англаб етмаган одамлар тўдаси — оломон. Оломон халқ эмас. Иңсон ўзлигини англаши учун аввало яратган тангрисини таниши, қалбини имон нури билан, миясини илм зиёси билан мунаввар этмоғи лозим. Фикран ва қалбан покланган кимсагина тафаккур этишга қодир. Тафаккур мутлақ ҳақиқат — инсон ўзидек бандага қул бўлиш учун эмас, фақат Аллоҳга сиғиниб, ҳур яшаш учун яратилганини англашга имкон беради. Фикран ва руҳан Аллоҳга қул бўлиш инсонни ҳар қандай измнинг кишанларини парчалаб ташлашга ундайди. Бугунги Туркистон халқлари мана шундай маънавий камолотга эришганми?

Хонадон соҳиби қизгин баҳс-мунозарарга сабаб бўлган бу гапларга аралашмай кириб-чиқиб юрар, маданиятли одамларга хос камсуқумлик билан пойгада тиззалаб ўтиради, ора-чора меҳмонларни тансиқ овқату анвойи мевалардан тотинишга ундар, ним табассум зуҳр этган ўйчан юз-кўзида хавотирга мойил дардчил бир ифода ҳам йўқ эмасди. У кишига боқиб халқимизнинг доно ҳикматини яна бир карра эсладим: Пул-сиротгача табассум, ундан у ёғи — қаҳқаҳа!

Имкон топиб секингина мезбоннинг ёнига сурилдим. Иккаламиз тезгина тил топишиб, дарров адабиёт, бугунги ўзбек ва уйғур шеърляти, ўзбек шоири Эркин Воҳиднинг латиф ғазаллари, уйғур шоири Абдураҳим Уткирнинг исёнкор шеърлари, адабиётга янги руҳ бахш этган ўзбек Муҳаммад Солиҳ билан уйғур Аҳмаджон Усмон, Қурбон Барот ҳақида гаплашдик. Мен бу қулай имкониятдан фойдаланиб Тошқиндан биронта шеър ўқиб беришни ўтиндим. У кишининг юзи янада ўйчан тус олди. Кўзойнагини узун оқ кўйлагининг этагига обдон ишқалаб артгач, тамаки тутатди, ҳали ажин тушмаган пешонасини тириштириб нималарнидир хотирлади, тамаки тутунини қўли билан елпиб мендан нари ҳайдаркан:

— Юртни соғиниб ёзган бир нарсам бор, шуни ўқиб берай. Мусофирчиликда нимаки ёзган бўлсам ҳаммаси юрт ҳақида. Андижонда туғилиб Қашқарда вояга етганман. Икки акам Андижонда, бошқа жигарларим Қашқарда яшашади, волидам ўша ерга дафн этилган. Иккала Туркистон мен учун бирдек азизу муқаррам, — деди. Сўнг паст, шикаст овозда шеър ўқий бошлади:

Сенга эй севгили тупроғимиз жонлар фидо бўлсин,  
Кимиким жон фидо этмас сенга юзи қаро бўлсин.  
Надомат чекмасун кўйинингда авлодинг, ҳаётинда,  
Сени тарк айлаганларнинг иши оҳу наво бўлсин.  
Оналиғ ҳурматингни тутмаган бепок нодонлар,  
Куйиб ҳажр ўтида руҳи азобга мубтало бўлсин.  
Жудодик ихтиёр ҳеч этмасун васлингда юрганлар,  
Жудо бўлгунча сендин яхшидур жондин жудо бўлсун.  
Сотиб виждонни сенга хиёнат айласа ҳар ким,  
Кўни тундин қоронғу, ҳар дами мотамсаро бўлсун.  
Ҳалол эт сарф этиб эмгак ватаннинг ҳақини, Тошқин,  
Ёзиб ашъорлар сен элга, эл сендин ризо бўлсун.

Андижоннинг гавжум чойхоналарида кўк чой ичиб, аския айтишгаётган бағри бутун одамлар, Қашқарнинг нафасни қайтарадиган тор, диққинафас ҳовлиларида чархи кәжрафторнинг на боши, на охири йўқ адоқсиз ўйларига ботиб ўтирган кишилар олис Арабистондаги бир фарзанди юрак-бағри эзилиб уларга интилаётганини билишармикин? Бахт фақат тўкин-сочин, фаровон ҳаётдан иборат деб ўйловчи кимсалар, омад фақат дасти узунликда деб ҳисобловчи калтабинлар ҳеч нарсадан ками йўқ ватандошларимизнинг Туркистон деса юраги тўкилиб тушишини хаёлларига келтира олишармикин? Бунинг учун киши юртга жонини фидо этмаса, юзи қора бўлажagini англаб етмоғи лозим. Шундагина тарки ватан этганларнинг иши оҳу наволигини тушуниб етади. Эҳтимол, ватан тушунчаси ҳам нисбийдир. Замоннинг зайли билан юртдан бош олиб кетган ватандошларимиз ер қурраси бўйлаб тариқдек сочилиб кетишган. Уларнинг ҳаммаси борган ерида қадр-қиммат топиб, илдиз отишган, ўша олис юртларда ўзларига яраша нуфузлари бор. Шу пайтгача биз уларни фақат қоралаб келдик, тарки ватан этганларнинг ҳаммаси қаерлардадир хор-зор бўлиб, тентираб юришибди, дея тарғиб этдик. Ваҳоланки, биргина Арабистонда салкам ярим миллион туркистонлик истиқомат қиладди. Ҳаммасининг муҳташам уй-жойи, заводлари, катта-катта мулклари, хусусий дўконлари, шифохоналари бор, улар орасидан ўнлаб фан докт. орлари, давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар, диний уламолар етишиб чиққан. Бу одамлар билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Биз эса етмиш йилдан бери бир-биримизнинг юзига қора чаплаш билан, фисқу фуқур билан оворамиз. Коммунистик зулмга асосланган давлат ҳар қандай истеъдодни жувонмарг қиладиган усулларни ўйлаб топди. Энг истеъдодли шоирларимиз мужиб ташланган суякдек битта мукофот учун мустабидларни нажоткорлар деб мадҳ этишди, юқорининг кўрсатмасига биноан минг йиллик урф-одатларимизга туфуришди, олимларимиз эса кўзларини лўқ қилганча тарихимизни қайта ёзишди, етмиш йил мобайнида вояга етган шифокор қорин оғриғи билан боднинг фарқига бормаиди, адабиёт муаллими Навоийнинг битта ғазалини ўқувчиларга тўғри шарҳлаб беролмаиди, «Девону луғатит турк»ни варақлаб кўрмаган зиёлилар қанчадан-қанча, тужжор фақат юлғичликни кўзлайди, адлия ходими адолат тантанасини эмас, фақат ўз ҳамёнини қаппайтириш ҳақида бош қотиради, амалдор зоти борки порахўр. Шуми бизнинг ўз юртимизда яшаб ватанпарвар бўлганимизу тарки ватан этганларнинг юртдан юз ўгиргани? Бу одамларни туғилиб ўсган гўшасидан кетишга ким мажбур қилган? Ватанпарварлик ҳақида лоф урган чарм курткали калтадумлар эмасми? Бу кимсаларнинг мақсади ҳар қандай зиёли, идрокли, ишбилармон одамни йўқотиб, чин маънодаги ялангоёқлар — йўқсуллар жамиятини барпо этиш эди; орзулари ушалди — бугун юртимиз ҳар ҳаётдан хароб, одамлар ҳам моддий, ҳам руҳий абгор аҳволга тушдилар. Энди биз ўша туғилиб ўсган маконларидан қувиб чиқарилган кишиларга қўл чўзиб ёрдам сўраяпмиз, мурувват кўрсатишларини ўтиняпмиз. Тезроқ дунёга юзланадиган, жаҳон маданияти, дунё тараққиётидан улгу оладиган пайтимиз келди. Ҳазрат Навоий айтганларидек:

Ўз вужудинга тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсен ўзунгдин истагил, —

дейдиган пайтимиз келди. Ким эдигу кимга айланганимизни ўйлаб кўрадиган вақт етди. Кимлигини англаб етган инсон яратган парвардигорини танийди. Ҳақни таниган одам ҳурлигини, ҳеч ким уни қул қилишга ҳаққи йўқлигини уқади, қадр-қимматини гумроҳларча оёқ ости қилган, мутелик билан ҳар қандай зулмга бош эгаверадиган кимса Худога ҳам норово.

— Агар имкон берилса, Тошкентда, Андижонда кичкинагина шифохона очиш ниятим бор, — деди Комилжон ака хаёлимни бўлиб. — Одамларнинг тишини даволаб бўлса-да юртимнинг бир корига ярасам.

Тарихда юртнинг мушкулини осон қилиш, одамлар хизматида камарбаста бўлиш ниятида риёзат чекканлар кўп. Улуғ Маҳмуд Қошғарий эл-юртини маърифатли қилиш учун неча йиллаб Бағдод мадрасаларининг тупроғини ялаган. Мулла боламнинг дийдо-рига қачон тўяркинман, дея унинг йўлларига зору нолон тикилган онаизорнинг жўзлари ситилиб, садқа жони йўлчивиндек сарғайиб узилган. Жуда кўп азобу уқубат, жудолигу мусибат эвазига ҳазрати муллам номига эришган Маҳмуд Қошғарий элининг номини то абад улуғлаб кетди. Шоир Тошқин эса қўлидан келадиган кичкинагина бир юмуш орқали бўлса-да халқнинг хизматига камарбаста бўлмоқчи. Туғилиб ўсган маконидан ҳай-даб чиқарилган бу одам ватанпарварлик туйғуларини қандай сақлаб қолди экан?

**Кечмадим ҳам кесмадим умиди васлингдин сенинг,  
Гарчи бизларга бу кун оғушинг этдинг тор сен, —**

дея ҳақли равишда таъна қилади шоир. Етмиш йиллик тарих мобайнида озмунча хатолар, жиноятлар, фожиалар юз бермадимиз? Жувонмарг қилинган тақдирлар, бевақт сўлган умрлар, юлдуз кўрмай завола топган орзулар учун ким ҳисоб беради? Тарихнинг хатоларини тузатадиган саодатли кун ҳам келармикин?

— Мадинаи мунавварага борадиган пайтингизда телефон уланг. Ўзим бирга бориб, айлантриб келаман, — деди Комилжон ака бизларни кузата туриб. — Сухба-тингизга тўймай қолдим.

Аслида бу гапни мен айтишим керак эди. Узини болаларча бир оққўнгиллик билан хокисор тутувчи бу одам менга бирданига худди шикаст кўнглимга марҳамдек эм бўлди. Шу боис хайрлашувимиз ҳам оғир кечди. Мен у кишининг елкасидан қучиб, Комилжон ака эса қўлимдан тутганча бир-биримизга боқиб маънос жилмайишар, айт-моққа сўз, тўкиб солмоққа изҳори дил топилмас, зеро бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Икков-лон шу аснода ҳаёлан Андижоннинг истироҳатгоҳларида, Қашқардаги кўктераклар қуюқ соя ташлаган тошлоқ йўлларида кезар, гоҳ юртига сиймаган Бобурнинг изларини, гоҳ Ўполдаги буюк аллома Маҳмуд Қошғарийнинг, Қашқардаги Юсуф Хос Ҳожибнинг мақбарасини тавоф этардик, жисмимиз Тоифдаю руҳимиз олис-олисларда кезиб юрар, юракларни ўртагувчи андуҳли армонларга таскин-тасалли изларди.

**Жаҳонда ҳеч ким мазлум биздек бўлмасун, ё раб,  
Туғилган юртидин маҳрум биздек бўлмасун, ё раб.  
Жаҳолат оташила ёндуруб амвол — амлокин,  
Рақиблар қонига матъун биздек бўлмасун, ё раб.**

Тоиф шаҳрининг осуда кўчаларидаги сайр-томошалар ҳам, яна бир неча хона-дондаги қуюқ зиёфатлар ҳам менга татимади. Кўз олдимдан Тошқиннинг ўйчан чехраси нари кетмас, қулоқларим остида унинг исёнкор, дардли сатрлари акс садо бериб жан-ранглари:

**Жаҳонда ҳеч ким мазлум биздек бўлмасун, ё раб.**

Шоирнинг бу сатрларини асло ношукрчиликка йўймаслик керак. Очуннинг сир-синаотга тўла сўқмоқларида сарсон-саргардон кеза-кеза араб заминиде илдиз отиб, қадр-қиммат топган инсон тақдирдан нолиши дуруст эмас, қолаверса, бутун одамзод кечаю кундуз илтижолар айлаб Маккадек қутлуғ шаҳар ва Каъбадек ибодатгоҳ зиёра-тига истаган пайтида мушарраф бўлиши улуғ саодат. Бироқ бу Исломий бурч ҳеч қачон оддий инсоний туйғу — киндик қони томган тупроқни суюш ҳиссини рад этмайди. Туғилиб ўсган заминни севмоқ ҳам имоннинг шартларидан бири. Ҳуббул ватани минал имон, яъни ватанини севмоқ имондандур, дея марҳамат, қилганлар сарвари олам. Де-мак, яратганининг энг муқаддас ибодатгоҳи — Каъбада туриб ҳам туғилиб ўсган масканини севиб, унга интилиш айб эмас, аксинча бу имоннинг нишонаси.

Шом намозини Шарқия маҳалласидаги чўғдек гиламлар тўшалган масжидда ўқи-дик. Бизни кузатиб юришган ҳамроҳларимиз тўйга бориш учун уй-уйларига тарқаб кетишди. Бирон ватандошимиз тўй қилса, туркистонликлар бола-чақаси билан ёпири-либ келишар, тантана баҳона бир-бирлари билан дийдорлашиб олишар экан. Афсуски, бу тўйда қатнашиш бизга насиб этмади. Тўсатдан оқсоқолларимизнинг феъли айнаб, кетамизга тушиб қолишди. Раҳматуллоҳ Туркистонийнинг хижолатомуз гап тушунти-ришлари ҳам кор қилмади.

— Ватандошларимиз сизларни зиёрат қилиш учун атай тўйга келишади. Уларнинг сизларга айтадиган гаплари, берадиган омонатлари бор. Индамай кетиб қолсақ ҳурмат-сизлик бўлмайдами? — Раҳматуллоҳ Туркистоний азбаройи ранжиганидан йиғламоқдан

бери бўлиб гапирар, лекин ҳамроҳларим ўз қарорларида устивор эдилар: Нима, тўй кўрмабмизми, кетамиз, тамом-вассалом. Эртага Мадинага боришимиз керак, дам олмасак бўлмайдими.

Неча кундан бери зиёратимизга бориб, изимизни кўзига суртгудек бўлиб юрган одамларга хайр-маъзурни насия қилиб жўнаб қолдик. Сайёра шаҳардан чиқиб тоғ йўлига бурилди. Худди бизнинг йўлга чиқишимизни пойлаб тургандек бирдан қоронғу тушди. Унгу сўлимизда сон-саноксиз чироқлар шодаси ёнди. Иланг-биланг буралиб кетган йўлнинг икки томонидаги қуюқ дарахтлар орасига жойлашган шинам меҳмонхоналар, ораста ошхонаю истироҳатгоҳлар дам олувчилар кам бўлишига қарамай неон чироқларнинг сутдек нурига чўмилиб турар, худди эртақлардаги тилсим қасрларга ўхшаб кўринарди. Осмонда юлдузлар чарақлайди. Тоиф тоғларида сон-саноксиз чироқлар, сайёра чироғи ёритган йўлда эса қатор ораларини ажратиб турган нурқайтаргичлар ялт-юлт қилиб кўзини қамаштиради. Беихтиёр Ўзбекистондаги тунда қабристондек қоп-қоронғу зулмат қўйнига чўмиб турадиган қишлоғу кентларимиз кўз олдимга келди. Бизда ҳатто электр қуввати ҳам тансиқ. Бу афсонавий боғларда эса истаган одам дам олиб, қушларнинг ҳузурбахш хонишларидан лаззатланиши мумкин. Ким эртароқ буюртма бериб, ҳақини тўласа бас. Истироҳатгоҳларнинг кўпи хусусий. Бизда-чи? Энг хушманзара жойлар аввало амалдорларга хизмат қилади. Сўлим масканларга меҳнатдан қўли қавармаган раҳбарлар ва уларнинг бола-чақаси дам оладиган жойлар, шифохоналар қурилади. Меҳнаткаш эса овқатнинг сарқитини еб, умрида бирон марта на тоғ ёнбағридаги ўрмонда, на денгиз бўйида дам олмай ўтиб кетади. Чириб бораётган капитализм оламида, буюк хаёлпараст Маркс ёзғириб афюн деб атаган дин одамларнинг онгини захарлаган Арабистонда инсоннинг меҳнат қилиши учун ҳам, бу меҳнатнинг ҳузурини кўриши учун ҳам барча шароит муҳайё. Гуллай-гуллай хазон бўлган социализмда эса меҳнаткашга фақат заҳмат чекиш, амалдорга эса фақат роҳат қилиш имтиёзи берилган.

Сайёра чироғининг ёруғида ялт-юлт товланаётган нур қайтаргичлар хаёлни чалғитади. Бизнинг қайси кўчамиздаги қатор ораларига тўрттагина нур қайтаргич ўрнатилган? Бизда темир, шиша анқонинг уруғими? Нега бизнинг йўлларимизда юрган одамнинг ичи тўкилиб, худди пўла бўлган қовунга ўхшаб қолади? Нега чириб бораётган капитализмнинг тоғ оралаб ўтган йўллари ҳам кафтдек теп-текису бизнинг коммунизмга элтувчи йўлларимизда кундузи ҳам чироқ ёқиб юрмасанг ё чуқурга тушиб, ё бирон дўппайган нарсага қоқилиб майиб бўласан? Биз бунчалик дидсизликни, ўз меҳнатимиздан ҳам лаззатланмайдиган даражадаги тўқим табиатлиликни қайдан ўрганганмиз? Ота-боболаримиз каззоб ўтмаган-ку? Ҳамма нарсага фақатгина бугун бетига қора чапланаётган коммунистик мафкура айбдорми?

Бир пайтлари «Минг бир кеча»ни варақлаб одамларнинг меҳр-оқибати, бой-бадавлатлиги, эл-юрт учун фийсабилиллоҳ холис хизматлари, мамлакатнинг ободлиги, санъатнинг мислсиз тараққиёти ҳақидаги ривоятлардан эсим оғиб қолган эди. Бугун араб тупроғида ўша китобда тасвирланган мўъжизаларга ҳар қадамда дуч келяпман, одамларнинг имон-этиқодда собитлиги, ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, меҳр-оқибати ва алал-оқибат юртнинг гуллаб-яшнаганини кўриб ўзимни худди эртақлар оламига кириб қолгандек сезяпман. Ҳар қандай юксалиш ва тараққиётнинг асоси эътиқод билан ишонч қонанига яна бир қарра амин бўлдим. Емонлик, бировнинг ҳақиқа хийнат, ялончилик, зиногарлик, хунзрезлик каби иллатлардан инсонни фақат имон қайтаради. Имонли одамни ўғрилиқ қилганинг учун қонуннинг фалон бандига биноан жазоланасан, деб кўрқитишнинг ҳожати йўқ. Худонинг ёди, беш маҳал ибодат чоғидаги яратган билан мулоқотнинг ўзиёқ уни ҳар қандай бадбин ўйлардан қайтаради. Расулulloҳ бежиз: «Намоз инсонни катта-кичик гуноҳлардан қайтаради», демаганлар.

Сайёра чироқлар ёғдусига чўмган оппоқ бинолар, мевали боғлар, болаларнинг ўйин майдончалари ёнидан сузиб ўтяпти. Мен нафақат бири иккинчисига ўхшамайдиган биноларга, ҳатто ҳар бир бута ҳар бир гиёҳга бўлакча меҳр, кўполроқ қилиб айтганда суқ билан тикиламан. Бу масканларнинг фараҳбахш осудалигини, фақат чўл-биёбондангина иборат деб таърифланган мамлакатнинг гарддан холи озодалигини, сиёсий қурашлар, тинимсиз бақириқ-чақириқлардан толиққан асабларга ҳузур бағишлайдиган сокинлигини юрагим қатига жо этиб олиб кетгим ва бир умр тасаввуримдаги мана шу хаёли осуда масканларда яшагим келади. Бироқ ҳадемай Тоиф тоғларидаги қоронғу кеча, бирон япроғига гард кўнмаган боғлар, бу боғларга сеҳрли шукуҳ бахш этиб ял-ял ёнган сон-саноксиз чироқлар, кафтдек текис йўллар ортда қолар, учқур сайёра мени ширин хаёллар оғушидан юлқиб олиб чиқар ва тотли ўйларим пардек тўзиб кетар эди.

Меҳмонхонага етиб келганимизда соат тунги икки бўлган эди. Мезбон биз билан хайрлашиб улгурмай ҳамроҳларим янги инжиқлик ўйлаб топишди.

— Бизга эрталаб еттига сайёра юборсангиз. Мадинага пешингача етиб олайлик. Иссиқда йўл эролламайми, — деди Шукрулло.

Раҳматуллоҳ Туркистонийнинг ҳорғин чехрасидан қон қочиб, кўзлари қисилди, чўққи соқолли ияги титраб кетди, жаҳл устида қаттиқ-қуруқ гап айтиб юбормаса эди,

деган хавотирда нафасимни ичимга ютиб турдим. Йўқ, чинакам маданиятли одам ҳеч қачон бундай беодобликка йўл қўймас экан.

— Ҳозир вақт ярим кечадан ошди. Шу пайтда телефон қилиб бировларни безовта қилиб бўлмайди, — деди у гуноҳкорона оҳангда. — Сизларни Мадинага олиб борадиган сайёра соат иккида келади. Кун иссиқ бўлгани билан сайёранинг ичида кондиншейн бор, Робитанинг хуттубусини йўлда ҳеч ким тўхтатмайди.

— Бизнинг Мадинада қиладиган ишларимиз кўп, қўлимизда ватандошларимизнинг хатлари бор, уларни эгаларига тарқатишимиз керак. Пешинда йўлга чиқиб, кечқурун етиб борсак, ишларимиз битмай қолади, шаҳарни ҳам тузукроқ кўролмаймиз, — дея гапга аралашди Рамз Бобожон.

Раҳматуллоҳ Туркистоний бир нафас ўйга чўмиб турди-да, эшитилар-эшитилмас: «Субҳаноллоҳ!» деб қўйди ва имкони борича босиқлик билан жавоб қайтарди:

— Хўп, мен ҳозироқ уйга бориб сизларга бирон сайёра топишга уринаман. Еттида эмасу ҳарҳолда соат тўққизга етиб келади. Яхши етиб турунглар. Хайр.

У кескин бурилиб жўнаб кетди. Бу одам Маккадан анчагина олисда туришини, то уйига етиб боргунча бамдодга азон айтилишини, кун билан юзлаб қақирим йўл босиб, ярим тунда бировларга қўнғироқ қилиб ялиниб-ёлбориш халқаро ташкилотнинг масъул ходими учун ўнғайсиз иш эканини ўйлаб эзилдим.

Ҳамроҳларим меҳмонхонага, мен бамдод намозига туролмаслигим мумкинлигидан хавотирланиб Масжиди Ҳаромга кириб кетдим. Бамдод намозини ўқигач, масжидда ётиб одам олдим. Меҳмонхонага қайтганимда аллақачон ювиниб-тараниб улгурган ҳамроҳларим Мадинага азонлаб кетиш фикридан воз кечишган экан.

— Вой, вой, вой, ёмон ўсал бўлдик, — дея кутиб олди Жамол Камол. — Кечаси учлардан ошганда Раҳматуллоҳ Туркистоний қўнғироқ қилиб, умрага келган одам Масжиди Ҳаромда лоақал бир марта жумъа намозини ўқимаса ибодати қабул қилинмайди, дедилар. Тамом, биз жумъага қоламиз, дедим. Эрталаб оқсоқолларга ҳамма гапни айтиб вазиятни тушунтирдим. Жумъани ўқиб, йўлга чиқишга рози бўлишди.

— Яхши бўлибди, кеча мен гапга аралашмишга истиҳола қилган эдим.

— Умранинг шунақа шартлари борлигини бизга олдинроқ айтиб қўймаган экансиз-да, оқсоқол, — дея ўпкалади Жамол Камол.

— Мендан қайси ибодат қандай ато этилишини ҳеч ким сўрагани ҳам йўқ-ку, барака топгур.

— Ҳа, бу гапингиз ҳам тўғри.

Нонушта қилиб чиқишимиз билан Раҳматуллоҳ Туркистоний етиб келди. Уйқу-сизликдан кўзлари қизариб, қовоқлари салқинган бўлишига қарамай, одатдагидек ҳаракатлари чақсон.

— Биз поёнаси сажда кўрмаган гумроҳ бандалар умранинг шартларидан беҳабар бўлганимиз учун эрталабки салқинда Мадинага етиб ола қолайлик, деб ўйлаган эдик. Эминжон ҳам камтарликни ҳаддидан ошириб бизга олдинроқ шипшитиб қўймабди. Билмасдан қилинган гуноҳни Худо кечирар экан, сиз ҳам бизни маъзур тутинг. Сизларнинг режаларингизни бузмай жумъани ўқигандан кейин йўлга чиқа қолайлик, — деди ҳамманинг номидан Одил Ёқуб.

Раҳматуллоҳ Туркистонийнинг чеҳраси ёришди. Жумъага етиб келажагини айтиб, тезгина изига қайтди. Жумъа қандай ўқилгани, намознинг бирламчи шартлари ҳам бузилгани ҳақида тўхталиб ўтирмайман. Муҳими бу эмас: муҳими — истасак, истамасак, билсак, билмасак, исломий ҳукмларга итоат этиш, қўлдан келганча Аллоҳнинг зикрини қилиб, ибодатларни бажо келтириш. Кимнинг эътиқоди қанчалигу тақвоси қай даражадалиги ҳар кимнинг виждонига ҳавола.

Ҳамроҳларим билан эртасига Жидда шаҳрида учрашдик. Бу ердаги сув тозалаш иншоатини томоша қилдик. Қизил денгиз бўйига жойлашган улкан корхона кўндаланги икки ярим метр келадиган саккизта қувур орқали тинимсиз сув тортар, махсус қозонларга келиб тушадиган шўр сув қайнатилиб буғга айлантирилар ва махсус совутгичлар орқали ўтказилиб чучитилар экан. Бу ишларнинг ҳаммаси компьютер орқали бошқарилар, ёш-ёш араб йигитлари худди докторлардек ораста кийиниб юришарди. Битта шу иншоатнинг ўзи кунига юз миллион галлон сувни тозалаб Жидда, Макка ҳамда Тоиф шаҳарларини, улар атрофларидаги қишлоқларни таъминлар экан. Бу иншоат аини вақтда қаҳрабо — электр станцияси ҳам экан.

Чексиз қумликлар орасида поёнсиз денгиз сокин чайқалиб турар, баҳри муҳитдан аъзойи баданни яйратадиган, одамнинг кайфиятини кўтариб, руҳини тетиклаштирадиган, тирикчилик ташвишида нуқул қорин ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолган мияни равшанлаштириб, фикрни тиниқлаштирадиган насим эсарди. Табиатдаги кенглик инсон феъл-атворига ҳам ўтиши табиий. Феъли кенг одам эса майда-чуйда турмуш ташвишларига ўралашиб қолмайди, қиладиган иши ҳам феълига яраша катта бўлади. Бизда эса аксинча, кундан кунга ҳосилдор ерларимиз камайиб, кенгликларимиз йўқолиб боряпти, дарёларимизнинг суви тортилиб, денгизимиз қурияпти, уларни асраш ўрнига нуқул ўз майлимизча ҳар бир вилоят, ҳар бир туманда кўллар, сув омборлари барпо этилди, ҳамма сувни жаъмлаб, қуриётган Оролни асраш ўрнига майда кўлчаларни кўпайтириб,

дунёнинг ишларини ўз феълимизга мослаштиришга уриняпмиз. Бунинг оқибати вой бўлиши муқаррар. Арабистонда эса ер сероб, сув мўл, озик-овқат, мева-чева ошиб-тошиб ётибди, одамларнинг дастурхонидан йил ўн икки ой дунёнинг тансиқ мевалари, шарбатлари, қовун-тарвуз, ананас узилмас экан. Бу ҳам одамларнинг феълига яраша мукофот бўлса керак. Бизнинг қисматимиз ҳам феълимизга яраша — ҳамма нарсага зормиз, ҳамма нарсага муҳтожмиз. Муттасил қашшоқлик дийдани тошга айлантиради, дийдаси қаттиқ кимса эса разил бўлади, бундай одам учун муқаддас нарса йўқ.

Сув тозалаш иншоатидан чиқаётганимизда Шукрулло қувончини ичига сифдиrol-май хитоб қилди:

— Мана бу зўр иш бўлди! Ҳақиқий мўъжизани бугун кўрдик. Офарин, офарин! Шу кунгача ҳадеб масжиду отел, отелу масжидга қатнаб зериккан эдик. Дунёда мана бунақа зўр ишлар ҳам бор экан-ку.

Жамол Камол унга қўшимча қилди:

— Ҳақиқатан мўъжиза экан, ишқилиб халқига буюрсин. Бизга ўхшаб ҳамма нарсасини бировларга қўшқўллаб тутқазиб, ўзи кафангадо бўлиб ўтирмасин.

Сайёрага чиқишдан олдин денгизга яна бир карра суқланиб тикилдим. Бир-бирини қувлаб келаётган тўлқинлар, эпкинлар жимирлаётган мавжлар гоҳ тўқ жигарранг, гоҳ қизғиш бўлиб кўринар, худди сув сатҳига аҳён-аҳёнда бирор қизғиш ранг бериб турганга ўхшарди. Бу биз ўрганган ота-боболаримизнинг қони билан бўялган ол байроққа дахлдор қизиллик эмас, қалбларни шукуҳга тўлдирувчи нурафшонликка дохил ёрқин ранг эди.

Ҳар киши юз ғам била даҳр ичра сарсондир букун  
Машраб

Масжиди Ҳаромнинг нилий пештоқларида, кўкўпар минораларнинг қуббаларида имомнинг салобатли овози акс садо бериб жаранглайди:

Иҳдинас сиротал мустақийм. Сиротал лазийна анъамта алайҳим ғойрил мағзуби алайҳим валаззолийн. (Бизларни тўғри йўлга бошлагин. Ғазабга дучор бўлганларнинг, адашганларнинг йўлига эмас, ўзинг неъмат берганларнинг йўлига (бошлагин.)

Оппоқ мрамар ётқизилган очиқ саҳнда намоз ўқирканман, хаёлан Худога илтижолар қиламан: «Яратган эгам, тўғри йўлдан адаштирамагин!

Инсонни дунёвий ҳою ҳаваслар, нафс васвасаси тўғри йўлдан адаштиради. Аллоҳ таоло ҳеч қачон бандасини таркидунёчиликка ундамайди. Исломда таркидунёчилик куфрона неъмат саналади. Бироқ, худди осмонга устун бўладигандек ҳаётга керагидан ортиқча меҳр қўйиш ҳам дуруст эмас. Одам боласи бу дунёнинг ўткинчилигини, ҳаёт неъматидан аввал ўлим неъматини яратилганини унутмаслиги лозим. Хусусан ибодат пайтида бу нарса ёдда туриши керак. Расулulloҳ бежиз: «Ибодат қилаётганингизда ҳозир жоним чиқиб кетади деб, бирор ҳунар билан шуғулланаётганингизда абдий яшайман деб қилинг», демаганлар.

Намоздан кейин Раҳматуллоҳ Туркистоний қўлимдан тутиб, мени Каъбанинг тилла қопланган эшиги рўпарасига олиб келди. Қуръон оятлари битилган залварли эшик. Унинг ичкарасида нималар борлиги бизга сир.

— Мана шу оятларни бизнинг ватандошимиз, қашқарлик олим ёзган, — деди Раҳматуллоҳ Туркистоний ифтихор билан. — Арабистонда тенглик ва чинакам илм эгасининг кадр-қиммати қай даражада эканини шундан ҳам билса бўлади. Каъба эшигига оят ёзадиган бирон араб олими ёки ҳаттоти топилмасмиди? Топиларди. Гап кимнинг қаерлик эканида эмас, илмида. Исломда иккита миллат — мусулмон ва кофир миллати бор деганда шу нарса назарда тутилади.

Ранго-ранг товланувчи мрамар устунлар оралаб ўтар эканмиз, Туркистон элидан борган олимларга араб заманида бунчалар катта илтифот кўрсатилишининг сабаблари ҳақида ўйладим.

— Бизга бўлган эҳтиром Имом Бухорий туфайли, — деди Раҳматуллоҳ Туркистоний худди фикримни уққандек. — Этибор берган бўлсангиз Туркистон дийеридан келганларни араблар Туркистоний ёки Исмоил Бухорийга нисбат бериб, бухорийлар деб аташади. Бухорийлар Ислом динини оммалаштиришда, ҳадис илмини ривожлантиришда беқиёс хизматлар қилишган. Тўрт буюк муҳаддиснинг учтаси туркистонлик.

Бир кунни икки киши баҳслашиб қолишибди. Бири араб, иккинчиси туркистонлик экан. «Сизлар Арабистонга келиб одам бўлдинглар, на зотининг на насабининг тайини йўқ халқ эдинглар. Биз туфайли рўшнолик кўрдинглар», дея маломат қилибди араб. «Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсанг мен билан юр, — дебди туркистонлик. Икковлон олдин миршабхонага киришибди. Арабистондаги миршабхоналарда махсус қора тахта бўлиб, ўғрилиқ, судхўрлик, қотиллик қилиб қўлга тушганларнинг исм-шарифи, қайси мамлакатданлиги ёзиб қўйилади. Баҳслашганлар Макка шаҳридаги ҳамма миршабхоналарга кириб чиқишибди. Қора тахталарда биронта туркистонлиқнинг исм-шарифи учрамабди. Шундан кейин икковлон Масжиди Ҳаромга кириб Каъбанинг тилла қопланган эшигига рўбару бўлишибди. «Мана бу эшикдаги оятларни ким ёзган? Туркистонликми?» деб сўрабди туркистонлик, араб бош ирғаб тасдиқлагач, шаҳардаги энг

катта кутубхонага олиб борибди. Ислом тарихида мотта обрў-этибор қозонган туркистонлик муҳаддис — Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг китобларини кўрсатиб: «Булар кимлар? деб сўрабди. Араб гап-сўзсиз бош эгиб қуллуқ қилибди. Айтмоқчиманки, ҳали туркистонликдан ўғри, каззоб чиққан эмас. Шунинг учун обрў-иймиз баланд.

Қалбимда ажиб ифтихор ҳиссини туяман. Масжиди Ҳаромда ибодат қилишга, Каъбани зиёрат этишга, Макка кўчаларида бемалол кезиб юришга ўзимни тўла ҳақли ҳисоблайман. Исломда миллат айирмаси бўлмаса-да, лекин менинг туркистонлигим бошқалардан қадримни баланд қилиб туради. Биргина имом Бухорийдек буюк зотнинг номи бутун турк улуснинг шарафини шунчалар юксалтиришга кифоя қилибди. Бугун-чи, бугун Туркистон диёри жаҳон маданиятига, Ислом тараққиётига салмоқли ҳисса қўшадиган қандай алломаи киромларни етиштирди? Биз Имом Бухорий, Имом Термизий сингари зотларга муносиб ворис бўла олдикми? Берунию Форобий, Маҳмуд Қошғарию Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий Машрабдек буюк даҳоларнинг ўғитларига амал қилдикми? Ким эдигу кимга айландик? Ислом дини одамларни бирликка, ҳамкорликка чақиради. Афсуски, бугун Туркистон даёридаги парокандаликлар, гуруҳбозликлар, мазҳабфурушликлар аввало муслмончилик даъвосини қилаётганлардан чиқпти. Бугунги маънавий таназулнинг манбаларидан бири мана шу.

— Шарқий Туркистонга боргансиз-а? — дея тўсатдан сўраб қолди Раҳматуллоҳ Туркистоний.

— Ҳа, бултур бориб, то Қашқаргача айланиб келдим. Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Омоннисоҳон, Фурқат қабрларини зиёрат қилдим.

— Ёзувчи одамсиз, одамларнинг аҳвол руҳиясига зеҳн солгандирсиз, албатта, — Раҳматуллоҳ Туркистоний тўхтаб бир нафас Каъба атрофида айланаётган одамларга ўйчан тикилди, сўнг ажабтовур хаста овозда гапида давом этди. — Этибор берган бўлсангиз одамларимизнинг руҳи сўник, ҳеч нарсага ишонмай қўйишган, эртанги кундан умидлари йўқ, руҳан майиб. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Зулм-истибодда албатта. Хитой салкам икки юз йилдан бери отавериб, чопавериб одамларимизни соясидан ҳам кўрқадиган қилиб қўйган.

— Йўқ, тарбиямизнинг бузуқлигида, — Раҳматуллоҳ Туркистоний мулоҳим табиатига зид ҳолда кескин эътироз билдирди. — Биз болаларни бир қаричлигидан мутеъликка, фикрламасликка, ўз гапини айтмасликка мажбур қиламиз. Алишер Навоий тўрт яшарлигидаёқ отасининг дўстлари бўлмиш шоирлар, олиму фозилларнинг суҳбатига иштирок этар, уларнинг илму урфон, адабиёт ва санъат ҳақидаги фикрларини қуйма қулоқ бўлиб тингларди, деймизу ўз болаларимизни катталар ўтирган ерга яқин йўлатмаймиз. Катталарнинг гапига аралашма, одобсизлик бўлади, деб қойиймиз. Ҳамма нарсани тақиқлайвериб, чеклайвериб болани мушдайдлигиданоқ руҳан майиб, журъатсиз қиламиз. Бундай тарбия кўрган бола ҳеч қачон ўз фикрига эга бўлмайди, қувончи ёки норозилигини ботиниб бировга айтолмайди, яъни раддия билдиришдан чўчийди, алҳосил доим бировнинг амрини кутиб турадиган, бировнинг ақли билан иш қиладиган қулга айланади. Бир неча юз йилдан бери мана шундай ярамас тарбия усулимиз билан руҳан абгор, фикран заиф, ақлан ноқис қулларни вояга етказаялмиз. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло ҳар бир инсонни ҳур қилиб яратган. Аллоҳнинг ҳур бандаларини қулга, руҳан майиб кимсаларга айлантириш гуноҳи азим. Қайси халқ мазлум, бировнинг қўл остида хор-зор бўлса, аввало ўзидан ўпкаласин. Аллоҳ уларни қул қилиб эмас, ҳур қилиб яратган, ҳар бир халқ ўз феъл-атвори, нияти ва тарбияси туфайли эркидан айрилади. Биз болаларимизни катталарнинг гапига аралашидан қайтариш ўрнига фикрини қай тарз баён этишни, одоб билан муомала қилишни ўргатайлик.

Қутилмаган бу фикрга қандай муносабат билдиришни билмай қолдим. Мен шу пайтгача қуллик фақат ўзгаларнинг зулми туфайли бўйнига илинадиган сиртмоқ, ундан қутулиш учун фақат шу сиртмоқни узиш, ўзни курашлар ўтига уриш керак деб ҳисоблардим. Ажабки, қулликнинг мен билмаган бошқача кўринишлари ҳам бор экан. Чиндан ҳам фикран, руҳан ўзини даҳлсиз, озод ҳис этмаган одам ҳеч қачон жисман ҳур бўлолмайди. Руҳан ҳур инсон эса ҳар қандай тақиқ ва таъқибларга сўз бермай истиқлолга интилади, бундай одамни қул қилиб бўлмайди. Афсуски, биз ўз тарбиямиз билан қулваччаларни вояга етказаятганимизни хаёлимизга ҳам келтирмаган эканмиз.

— Саудия Арабистонига кўпинча Индонезиядан хизматчилар олиб келинади. Маълум йилга шартнома тузилгач, Индонезия ҳукуматининг вакиллари: ўғил-қизларимизга ҳар қандай юмушни буюрсанглар бўйин товламай бажаришади, агар уларнинг хизматидан кўнглинглар тўлмаса койишинглар, маошини камайтиришинглар мумкин, фақат синҳор-базинҳор бошини силай кўрманглар, деб тайинлашар экан. Агар биров бошини силаса, индонезиялик ўзини ҳақоратланган ҳисоблаб, қаттиқ норозилик билдирар экан. Мантиқан ўйлаб кўрилса, фақат ғариб, бечора одамга мурувват кўрсатиб боши силанади, тўғрими, Амин афанди.

— Бизда бу нарса бутунлай бошқача тушунилади-ку.

— Гап қандай тушунишда эмас, моҳиятда, — деди Раҳматуллоҳ Туркистоний мунозарага ўрин қодирмайдиган оҳангда. — Ким бўлишдан қатъий назар бировнинг боши-



ни силаган одам узини кудратли, мурувватли ҳисоблайди, тўғрими? Мурувват Аллоҳга хос. Бир банда иккинчисига фақат ёрдам бериши, қўлидан келса, озгина кўмаклашиши мумкин, холос.

Бу фикр-болалар тарбияси ҳақидаги мулоҳазадан кўра ғаройиброқ, қизиқроқ эди, айни вақтда бири иккинчисини мантиқан тўлдирарди. Ўз фикрини айтишга журъат етмай ўсган бола вояга етгач, бировнинг қўллаб-қувватлашига, тўғривоғи бошини силашга эҳтиёж сезади. Оқибатда шундай мўъте авлод, ҳатто халқ вояга етади. Масалан, етмиш йилдан бери ўрисларни барча мазлум элларнинг халоскори, пуштипаноҳи деб ҳисоблаб келган жуда кўп оз сонли халқлар бу фикр мантиққа зидлигини эндигина англаб етдилар. Бир миллат агар ўз тили урф-одатлари, ор-номусини йўқотмаган бўлса, ҳеч қачон бошқа бир миллатнинг этагидан тутиб, унинг садақасига кўз тикиб яшамаслиги керак. Афсуски, ҳали ўзлигини тўла англаб етмаган, ор-номуси топталаверганидан иззат нафси ўлиб кетган халқлар йўқ эмас. Улар ҳамиша биров бошини силашини кутиб, буни ўзларига оғаларча меҳрибонлик билиб яшашмоқда. Неча минг йиллик узоқ тарих мобайнида жанговор хунларнинг фаҳри, энг ботир, энг жасоратли сарбозлари ҳисобланиб келган уйғурлар икки асрдан буён босқинчиларнинг барча хўрлиги зўрликларига қўйдек ювошлик билан кўниб, қуллик қисматига рози бўлиб яшашяпти. Уларнинг итоаткорлиги туфайли ҳатто дунё харитасидан бу қадим диёرنинг номи ҳам ўчириб ташланди. Энди ҳеч ким бу юртни Уйғуристон ёки Шарқий Туркистон деб эмас, балки босқинчилар қўйган ном билан Шинжонг — янги забт этилган ер деб атайди. Бу юртда ҳамон марксизм, ленинизм, сингари фақат ҳукмрон миллатнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган ғайриинсоний таълимотлар устивор. Бу таълимотларга қарши чиқиш — жиноят, ҳар қандай жиноят эса қонун билан жазоланади. Қўйдек ювошлик билан қисматига рози бўлиб юрган кимсаларга мурувват кўрсатилиб, боши силанади. Бу ҳолдан норози бўлиб дод деб юборгиси, қадимий жасоратини, дунёни ҳайратга солган доврўғини йўқотиб қўйган халқни боши силанса, иззат-нафси ҳақоратланадиган индонезиялик қилиб яратсанг бўлмасмиди, парвардигор, деб юборгиси келади кишининг.

Икки йил муқаддам Урумчида борганимда бир зиёли одам: «Тақсир, ўзлари ҳам диндор, ҳам ёзувчи эканлар, холисаниллоҳ айтсинларчи, худо биз уйғурларни унутиб қўйдими? Эсимизни танигандан бери кўрганимиз хўрлик, зулм. Худони танимайдиган, ҳатто ўзи ясаган ҳайкалга ҳам чўқинмайдиган қизил коммунистларга қул қилиб қўйди. Бизнинг ҳам тақдиримиз ўзгарадими ёки то қиёматгача хитойларнинг зулмидан қутулолмаймизми?» деб қолди. Мен унинг эзилиб айтган гапига эътироз билдирдим: «Худо сизларни эмас, сизлар худони унутиб қўйгансизлар. Мусулмончилик даъвосини қиласизлару масжидлар ҳувуллаб ётибди, эркак зотининг ҳаммаси қовоқхоналарда ароқдан бош кўтармаса, хотин-халаж ярим яланғоч ҳолда кўчадан бери келмаса, мулалар ислом деб нукул бидъату жаҳолатни тарғиби этишса, масжидларда одамларни имондан қайтарадиган руҳсиз, мантисиз ваъзлар айтилса, намоз ўқиган, рўзи тутган одам давлат жиноятчиси деб аталса, ҳеч ким ўз қисмати ҳақида тузукроқ ўйлаб, бирлашиш, бош кўтариш ҳақида ўйламаса, яна худони айбдор қиласизми? Аллоҳ таолонинг сиз ўз феълингизни ўзгартирмагунча мен сизнинг қисматингизни ўзгартирмайман, деган ваъдаси бор. Биз аввало Қуръонни маҳкам тутаёлик, худо кўрсатган тўғри йўлдан юрайлик, агар шунда ҳам қисматимиз ўзгармаса, кейин худодан ўпкалайлик. Исломи дини миллати ва ирқидан қатъий назар одамларни бирликка чақиради. Сизлар бирлашиб асосий ёвга қарши курашиш ўрнига ҳали ҳам маҳаллийчилик билан оворасизлар. Қани энди инсофан айтинг-чи, худо сизларни унутиб қўйган бўладими ёки сизлар худодан юз ўгирган ҳисобланасизларми?»

Менга кинояли савол берган одам бошини қуйи солинтирганча чурқ этмади. Дунёда ночорлик ва аламдийдалиқдан шундай боши эгилган кимсалар кўп. Афсуски, улар кимдир бошини силашини, бирон қўл мурувват кўрсатишини кутади. Бундай инсонларга қаддинги ростла, бирон каззоб бошингни силаб, сени ўз маслағига мойил қилиб олмасин, дегиси келади кишининг.

Раҳматуллоҳ Туркистоний билан Макка кўчаларида узоқ сайр этиб юрдик. Шаҳар кўчалари тор, бунинг устига барча биноларнинг биринчи қавати дўкон, ошхона, устахона бўлгани учун йўловчилар бемалол юриши маҳол, устига-устак ҳаж мавсуми бошлангани учун дунёнинг турли чеккаларидан ҳад-ҳисобсиз одам оқиб кела бошлаган, ҳамма қаёққадири ошиқади, нимадир харид қилади, ҳавоси салқин юртлардан келганлар иссиққа чидалмай дуч келган сув дўкони олдида уймалашади. Кўпдан бери ғойибона танишиб, бир-биримизга интилиб яшаётган икки ҳамроҳ на одамларнинг ғала-ғовурига, на сайёраларнинг шовқин-суронига парво қилмай оҳиста суҳбатлашиб борардик. Йўлимизга ёғду тўшаллади, қулоқларимиз остида Аллоҳнинг зикри тинимсиз жаранглайди, руҳимизда ажиб бир ушнудлик, бири-иккинчисига халал бериб оқиб келаётган фикрларимизни айтиб улгуролмаймиз, кўпинча сукутга чўмиб одимлаймиз, назаримда бундай аснода бир-биримизни яхшироқ англаётганга ўхшаймиз.

— Бугунги Туркистон дунё тараққиётидан анча орқада қолди. Хусусан илм-маърифат соҳасида оқсаёпислар. Эндиги вазифа ёш авлодни дунё маданиятига маърифатидан огоҳ қилиб вояга етказиш.

— Менингча биз биринчи навбатда ўзлигимизни таниб етмоғимиз даркор. Кейин бошқаларга эргашсак бўлади.

— Бу бири иккинчисини тўлдирадиган нарса. Масалан, Советлар Иттифоқи билан Чинда кўпдан бери одамларни манқуртлаштириш сиёсати юргизилмоқда. Утмишини унутган, тарихини билмайдиган, айни вақтда бугунги дунё маданиятидан бебаҳра одамлар тарбияланмоқда. Бундай кимсалар қориндан бошқа нарса ҳақида ўйламайди. Мен Шарқий Туркистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам бўлганман, афсуски, хур фикрли одамни оз учратдим. Одамлар бир-биридан ҳадиксираб туришади.

— Хур фикр юритиш учун инсоннинг ўзи хур бўлмоғи керак-ку. Лекин бизнинг юртларда марксизм-ленинизм ниқоби остида хуррият бутунлай поймол этилган. Фарбий Туркистонда озодлик чечаклари эндигина ниш ура бошлади, лекин Шарқий Туркистон ҳали ҳам қуллик ботқоғига ботиб ётибди.

— Хуррият осмондан тушмайди, уни қўлга киритиш керак. хурриятга етиш учун бу йўлда курашадиган одамларни вояга етказиш лозим. Менингча ишни мактаблардан бошлаш, кимлигини англаб етган чинакам маърифатли ёшларни тарбиялаш керак. Акс ҳолда яна ҳамма уриниш беҳуда кетади. Исломдан, дунёвий илмлардан, тарихдан хабардор, бир неча тилини пухта биладиган авлод вояга етиши зарур. Шундагина бизнинг асрий орзуимиз ушалади.

Кўҳна Хўтанда туғилиб Маккада вояга етган замонамизнинг закий олимларидан бири Раҳматуллоҳ Туркистоний ўз диёрида чинакам хуррият тантана қилиши учун куйинар эди. Расулulloҳ бировга яхшилик қилишни ўйлаган одамга шун янги учун битта савоб, агар уни рўёбга қирова, етмишта савоб берилади, деганлар.

**Бир одам донодан сўрабди: «Нима учун ҳамма пайгамбарлар яҳудий билан арабдан чиққану турклардан бирон набий дунёга келмаган!» «Нега чиқмас экан, Одам Ато биздан-ку», дея жавоб берибди доно.**

Жиддадаги пластик завод эгасининг исм-шарифи расмий ҳужжатларда Муҳаммад Амин Тожибой, норасмий Қодир ҳожи. У киши Комил Абдуллоҳнинг Қашқарда бирга катта бўлган эски кадрдони бўлгани учун уйда бор-йўқлигини суриштирмасданоқ бостириб боравердик. Хизматкор аёл муддаоимизни эшитгач, бизни рўпарадаги меҳмонхонага бошлади ва ҳаял ўтмай дароз гавдали, озғинлиги ва хиёл букчайиб юриши билан Дон Кихотни эслатувчи (фақат соқол — бурути йўқ) олтмиш ёшлар чамасидаги одам кириб келди. Бир пиёладан чой ичилгач, у киши бизни заводига олиб борди. Бу заводда асосан полиэтилен дастурхон, қоп ҳамда халталар чиқарилар экан. Ҳар хил ширкатларнинг номи, манзили ёзилган турли рангдаги бу нарсаларнинг сифати ҳақида гапириши ортиқча. Ҳамма иш автоматлаштирилган, ишчилар фақат дастгоҳларнинг ишлашини назорат қилишар, тайёр маҳсулотларни тахлаб, жўнатишга ҳозирлашар экан холос.

— Ишчиларингиз қанча маош олишади? — дея қизисиндим.

— Энг паст маош минг риёл, икки-уч минг оладиганлари ҳам бор, — деди Қодир ҳожи. — Инженерларнинг маоши ўн мингдан ошиқ. Сизларда аҳвол қандай?

— Бизда камдан-кам одам минг сўм маош олади. Даромад озу буромад кўп. Нарх-навода ҳам фарқ катта экан, кўп нарсалар бизда қимматроқ, бунинг устига танқисроқ, одамларнинг топиш-тутиши сизларникидан бир неча ҳисса камроқ.

— Ажиб! — дея луқма ташлади Комил Абдуллоҳ. — Битта оила бир кишининг топгани билан фаровон яшолмайдими?

— Йўқ, битта одамнинг қўлига қараган оила очдан ўлади, — дедим ҳақиқатни хас-пўшлаб ўтирмай. — Бизда ишчининг маоши тўрт юз-беш юз сўмдан ошмайди, ўқитувчи, докторлар ундан ҳам камроқ олишади, деҳқоннинг топиш-тутишини айтсам, умуман ишонмайсизлар. Лекин бозорда бир кило гўшт ўттиз сўм, памилдори билан пизнинг нархи беш сўм, қуртлаган олма ўн сўмга чиқиб кетди.

— Деҳқонларга бирон имтиёз бериладими?

— Ҳа, эрта тонгдан шом қоронғусигача тинимсиз меҳнат қилиш имконияти берилди. Топгани кунига бир маҳал қозон қайнатишга зўрға етади.

— Ажиб! — деди Комил Абдуллоҳ баттар ҳайрати ошиб.

— Қодир ҳожим, сиз савоб талаб одам экансиз, агар Тошкентда шунга ўхшаш бирон завод курсангиз савобнинг тагида қолиб кетардингиз, — дедим.

— Мен тужжор эмас, саноатчман. Агар куймаслигимга кафиллик берсангиз қурганим бўлсин.

— Мен ҳукуматнинг номидан кафолат бера олмайман, албатта. Лекин Туркистон учун сарфлаган ҳар бир тийинингиз бекор кетмайди. Яхшилик қил, дарёга сол, балиқ билур, балиқ билмаса ҳолоқ билур, деган нақл бор-ку. Худога таваккул қилиб иш бошлайверайлик, бирон нажот йўли топилиб қолар.

Қодир ҳожи ёш боладек қиқирлаб кулди, Комил Абдуллоҳни аста нуқиб:

— Меҳмонингиз анчагина қув чиқиб қолди-ку, — деди.

— Хўп, деяверинг, Қодир ҳожи, таваккулчининг ишини Худонинг ўзи ўнглайди, — деди Комил Абдуллоҳ менинг фикримни қувватлаб. — Агар сармоянгиз етмаса, уч-тўрт киши бирлашиб ширкат тузинлар. Эмин ҳожи Тошкентга қайтгач, хайрия вақфи

кўрмоқчи. Иккаланглар шартнома тузиб иш бошлайверасизлар. Ўзбекистон ҳукумати билан бўладиган ҳамма муомалани бу киши ўз зиммасига олади.

Қодир ҳожи пешонасини тириштирганча ўйланиб қолди. Бирдан соатига кўз ташлади-да: «Пешин вақти бўлиб қолибди», дея бизни заводнинг ёнбошидаги палос тўшалган очиқ майдонга бошлади. Шапалоқ баргли лўз даракларининг соясида намоз ўқиган, Қизил денгиз соҳилига йўл олдик. Шундоққина денгиз соҳилидаги шинам ошоҳнада тамадди қилиб, ҳаддан ташқари хушбўй чой ичдик. Мен мезбонимизнинг оғзини пойлаб, илтифотли бирон гап айтишини бетоқатлик билан кутардим. У киши эса нуқул суҳбатимизга алоқаси йўқ нарсалар ҳақида гапирарди.

— Бекор ўтиргунча омад ҳақида бир ривоят айтиб берайми? — деб қолди тўсатдан мезбонимиз. Мен у кишидан бутунлай бошқача гап кутаётганим учун энсам қотиб индамадим. Комил Абдуллоҳ эса: «Қани, қани», дея қизиқиш билдирди. Қодир ҳожи хизматчи келтириб қўйган чилимни қулдиради тортгач, гап бошлади. — Кунларнинг бирида Омад билан Давлат учрашиб қолишибди. Омад баланд бир тепаликка чиқиб, ясланиб ётган экан. Унинг такаббурлик билан юқорига чиқиб олганига ғаш келган Давлат: «Ҳой беодоб, пастга тушиб менга салом бер», дебди. Омад пинагини бузмай: «Нега мен сенга салом беришим керак экан?» деб сўрабди. «Чунки мен инсонни бахтли қиламан. Кимки мени қўлга киритса, ҳамма орзусига етиб, беармон яшайди», дебди Давлат. «Бекорларни айтибсан, агар инсонга мен ёр бўлмасам сен қўлга киритгани бекор. Одам боласига аввало омад керак. Давлатга ҳам, шон-шўҳратга ҳам фақат мен тугайли эришадим», дебди Омад.

Баҳс узоқ давом этибди-ю, лекин барибир бир тўхтамага келишолмабди, алҳосил, ҳар иккалови ҳам ўзининг ҳақлигини исботлаш учун бирга йўлга тушишибди. Бир яйловга келишса, бошини қотирмоч босган бир тоз пода боқиб юрганмиш. «Менга ўз кучимни синаб кўришга изн бер. Мана шу тоз орқали нималарга қодирлигимни кўрсатаман», дебди Омад. Давлат розилик берар-бермас қаттиқ шамол чиқиб, ўтлаб юрган моллар турли томонга тирақраб кетибди. Тоз уларнинг қай бирини қайтаришни билмай боши оққан томонга қараб йўлга тушибди. Кўз очирмас шамолда юра-юра муҳташам бир бинонинг олдида чиқиб қолибди. Довдираганича бориб жонҳолатда дарвозани тақиллата бошлабди. Дарвозабон унинг кимлигини, бу ерга нима мақсадда келганини сўриштирибди. Тоз бошига тушган ташвишни айтиб, бирон ёрдам беришини ўтинибди. Бу жой подшоҳнинг ёлғи оромгоҳи экан. Шамол чиқишидан бир кун бурун подшоҳ бу ерга истироҳатга келган экан. Дарвозабон подшоҳга тознинг арзини етказибди. Унга раҳми келган подшоҳ: «Бир шўрпешона бечора экан, менинг сояи-давлатимда беш-ўн кун юратурсин. Қайғуси унутилиб, сал дарди арғандан кейин кетар», дебди. Шу кундан эътиборан тоз подшоҳнинг сўлим боғида яйраб юраверибди. Биров унга иш буюрмас, ҳукмдорнинг илтифоти тугайли егани олдида, емагани кетида экан.

Подшоҳнинг қароргоҳида уста найчи бўлиб, у ҳар куни субҳда ёқимли куйлар чалиб, ҳукмдорни бондод намозиға уйғотар экан. Унга ҳаваси келган тоз астойдил қунт қилиб най чалишни ўрганибди ва қисқа муддатда устозини йўлда қўядиган моҳир санъаткорга айланибди. Унинг таърифини эшитган подшоҳ ҳузурига чорлабди. Тоз бор маҳоратини ишга солиб шу қадар эҳтиросли куйлар чалибдики, ҳукмдор ўзини Арши Аълода юргандек ҳис этибди ва шу кундан эътиборан уни ўзига хос найчи қилиб олибди. Подшоҳнинг найчиси бошини қатирмоч босган кал бўлиши мумкин эмас, шу боис табибларни чақиртириб, тозни даволашни буюрибди. Бу имконсиз ишга қандай чора топишни билмай боши қотган табиблар таваккалига иш тутишибди. Ажабки, қандай дори беришса, эм бўлур, ҳатто балчиқ суриб қўйишса ҳам кундан кунга эти ўзгариб, тознинг бошидан тук чиқа бошлабди ва роппа роса қирқ кунда жингалак соч йигитга айланибди.

«Кўрдингми? — дебди Омад. — Яқинда у подшоҳга куёв бўлиб, тахтга чиқади». «Бўлмаган гапни гапирма. Шу тозни куёв қилиб подшоҳ эсини ебдими?» дебди Давлат. «Озгина сабр қилсанг айтганим келишини кўрасан», дебди Омад кулиб. Табиблар тозни ҳаммомга тушириб, шохона либослар кийдириб подшоҳнинг ҳузурига олиб киришибди. Тахтга яқин келганда тоз тўсатдан подшоҳнинг юзига тарсаки тортиб юборибди. Подшоҳнинг бошидаги тож учиб кетибди. Дарғазаб бўлган ҳукмдор дарров жаллод чақиртирибди. «Бир қошиқ қонимдан кечинг, тақсири олам, — дебди тоз ерда ётган тожга ишора қилиб. — Тожингизда заҳарли чаён думини гажак қилиб турган экан. Агар уни ўлдириш учун қўл узатсам, нотўғри тушуниб албатта қўлимни кестирар эдингиз, икки ўртада сизни чаён қақиб ўлдирадди. Мен гуноҳкор қулингиз сизнинг ҳаётингизни сақлаб қолиш учун шундай одобсизлик қилишга мажбур бўлдим», дебди тоз.

Олиб қарашса, тожда заҳарга тўлган чаён думини гажак қилиб турганмиш. Қувончи ичига сиғмаган подшоҳ тозни ўзига куёв қилиб, тож-тахтини топширибди. «Ана, кўрдингми, — дебди Омад. — Инсонга ҳамма нарсадан кўра мен зарууроқман. Омад ёр бўлса инсон барча орзусига етади». Давлат унга тан бериб, қуллуқ қилибди.

— Бундан чиқадиган хулоса...

— Қандай хулоса чиқиши ёш болага ҳам аён-ку, Комил ҳожим, — деди Қодир ҳожи. — Эр кишига ҳам, ҳар бир халққа ҳам омад кулиб боқмаса, дунёга келгани

бекор экан. Биз уйғурларнинг толеимиз пастигли, пешонамиз шўрлигини ўйлаб хўрлигим келади. Баъзан, Худоим муртад бўлиб кетган одамларга ҳам, Аллоҳнинг бирлигига шак келтириб, мусулмонларга жуда кўп озору кулфатлар етказётганларга ҳам нусрат беради-ю, биз уйғурларни, умуман туркистонликларни мунча хор-зор этмаса, деган шаккок хаёлларга бораман. Биздан омад бутунлай юз ўгириб, юртимиздан этак силкиб чиқиб кетдими, дейман. Африкадаги ҳали отини ёзишни билмайдиган ярим ёввойи қабилалар ҳам ҳур бўлиб, ўз давлатини қўрди. Дунё маданиятининг олтин бешиги бўлган туркистон халқлари ҳамон мазлум, айниқса уйғурларнинг дунёда бор-ўқлигини биров билмайди. Қўлингдан омад кетса, шундай бўларкан. Шу тобда бизга тааллуқли яна бир ривоят ёдимга тушиб кетди. Айтиб берай, а?

Бир ўрмонда ваҳшати жамъики тирик жонни зир титратадиган шер яшаркан. У ҳайвонларнинг подшоши бўлса ҳам, сичқондан кўрқар экан. Бу балои-қазодан қандай қутулиш мумкинлиги ҳақида ён-веридагиларга маънафат солибди. Вазирлардан бири қўшни ўрмонда сичқоннинг кушандаси бўлмиш мушук деган махлук борлигини, агар у олиб келинса, шаҳоншоҳ хотиржам яшаши мумкинлигини айтибди. Подшоҳнинг амри вожиб, сичқон деган балои-қазонинг кушандаси мушук ўша кунинёқ ўрдага келтирилибди. Шоҳона имтиёзлар берилган мушук тахтининг ёнидаги пар болишда талтайиб ётар, қиладиган иши сичқон қавакдан бошини чиқариб мўралаганда таҳдид солиб, қўрқитиб қўйиш экан. Шер хотиржам, сарой аёнларининг оғзи қулоғида, мушук эса кутилмаганда эришган имтиёзлардан ўзида йўқ шод. Кўп ўтмай мушук болалабди, она мушук уларни боқиш ташвишини қилмас, ҳамма нарса муҳайё экан. Бироқ тез орада фожеа юз берибди. Бояғи мушук болаларидан бири билмасдан шернинг юрагига гўлғула солиб турадиган сичқонни тутиб, еб қўйибди. Шу кундан эътиборан мушук подшоҳ саройидан қувилибди.

Бу ривоят менга қаттиқ таъсир қилди: таҳдид солиб турувчи мушук ҳайдалгани билан тахтда ҳайбатли шер ўтирибди. Мустабид коммунистлар Шарқий Туркистон халқини сичқондан ҳам ёмон аҳволга солиб қўйган. Гоҳ уларни олғир мушук — совет давлатининг қурол-яроғи билан қўрқитади, гоҳ ўзи таҳдид солади.

— Эсингларда бўлса, бир пайтлари Фаластин, Урдун ҳукуматининг вакиллари уйғурларга босқинчиларнинг зулмидан жабру жафо чекаётганинларни, ўз мустақилликларингга эришишинлар учун курашда ёрдам беришини сўраб Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ариза ёзинглар, биз ўртада воситачилик қилиб, аризанларни кун тартибига қўйдирамиз, зора шу баҳонада мушкуллар осон бўлса, дейишди. Лекин ўшанда халқнинг дардини айтиб майдонга чиқадиган биронта мард топилмади. Маълумки, етмиш йилдан бери дунёнинг ярмига Москва коммунистлари ҳукмини ўтказиб келар эди. Энди Чиндан бошқа ҳамма давлатларда коммунистик истибдод тугатилди. Сичқон ўлиб, мушукка эҳтиёж қолмади. Энди кўкракка урадиган қаҳрамонлар кўпайиб кетди. Афсуски, улардан биронтаси ўз халқи ва давлатига ваколатлик қилолмайди. Ўртада туриб, сенинги йиғинни йиғлашиб бераман, дейдиган марду майдоннинг ўзи йўқ. Ёлғиз умид Аллоҳдан.

— Халқда Аллоҳ таоло бандасига яратиш мендан, яралиш ўзингдан, деган нақл бор. Ҳар бир халқ ўз эрки учун курашмаса, қурбон бермаса, Худо унинг учун милтиқ отишиб берадиган ёлланма аскарми?

— Уйғурларни курашмаган деб айблаб бўладими, Комилжон ака? — дея эътироз билдирдим. — Юз эллик йиллик тарихимизга бир назар ташланса, уйғурлар истибдодга қарши жуда кўп бош кўтаришган, лекин ҳаммиша бирлик йўқлиги панд берган. Россияда Совет ҳукумати қурилгач, Сталин бошчилигидаги коммунистлар халқаро жандармлик вазифасини ўтаб, халқимизни қўллик асоратида сақлашга хизмат қилишган. Уйғурлар ҳар гал бош кўтарганида ё Хитой коммунистлари, гоҳ Совет айғоқчилари томонидан ёлланган мунофиқ муллалар Қуръонни ўртага қўйиб халқни курашдан қайтарган. Худо одамларни итоатга, бирликка даъват этган, дея ўз халқининг бошини сиртмоққа тутиб берган.

— Кимёни толиби билган киши жондин кечар, Ҳеч ганжи кўрмадим оламда бўлғай морсиэ, — дея шоҳ Машрабдан ўқиди Қодир ҳожи.

— Бизнинг чинакам ганждан иборат юртимизни босиб ётган илон эмас, аждарҳо, тақсир, — дедим. — Фақат қурбон бериш билангина мурод ҳосил бўлса қошки эди.

— Бизда бирлик йўқ, тадбир билан иш қилишни билмаймиз, — деди Қодир ҳожи афсус-надомат билан. — Халқимиз ҳалигача жаҳолатда сақланяпти, дин деб тутгани бидъат, маърифат деб ўрганаётгани аллақачон миеси чиққан марксизм-ленинизм.

— Уйғурларнинг ёғи ҳам маймун ёғидек куйик ярасига даво бўлса керак-да, — деди Қодир ҳожи кулиб. Бизнинг савол назари билан қараб турганимизни кўргач, янги ривоятни бошлади. — Бир ўрмонда кўп йиллардан бери маймунлар яшашаркан. Бу ернинг иқлими мўътадил, суви ширин, мева-чеваси лаззатли экан. Кунларнинг бирида шу ўрмонга яқин жойдаги подшоҳнинг сеvimли бароқ мушуги борлиги, лекин сарой ошпази мушукни ёмон кўриши ҳақидаги хабар етиб келибди. «Тезроқ бу ердан бош олиб кетайлик. Подшоҳнинг мушуги билан ошпази бир-бирини ёмон кўрса, икки ўртада бизнинг шўримиз қуриб қолади», дейишибди кекса маймунлар. «Сарой ошпази билан

подшоҳнинг мушуги бир-бирини ёмон кўрса, нега энди бизнинг шўримиз қурир экан. Ақлга тўғри келмайдиган ваҳимани ўйлаб шундоқ ватанимизни ташлаб кетамизми?» дейишибди ёш, тажрибасиз маймунлар. Икки авлод тил топишолмагач, бир гуруҳ қари маймунлар бежавотир ер излаб йўлга тушибдилар.

Кунларнинг бирида сарой ошпази қовурилган гўштни лаганга сузаётса, сурбет мушук каттагина бир луқмани тишлаб қочибди. Ошпаз кўлидаги кафтгир билан унинг бошига қарс этказиб туширибди. Калтак еб ўрганмаган мушук қаёққа қочибни билмай ўзини ўчоққа урибди. Аъзойи-баданига ўт туташган, жон аччиғида томга отилибди. Неча йиллардан бери қуриб, қовжираб ётган ёғочлар аланга олиб, сарой бир зумда ўт ичида қолибди. Қочган қочиб қутулибди, қочолмаган кабобга айланибди. Бет-қўли куйиб, илвираб қолган подшоҳ дарров табибларни чақиртириб дардига даво истабди. Куйганнинг энг яхши марҳами маймуннинг ёғи, дейишибди табиблар. Подшоҳ шу заҳоти уста мерганларни ўрмонга жўнатибди. Бир неча юз мерган маймунларга қирон келтиришибди.

— Демак мустабидларнинг дардига бизнинг ёғимиз даво бўлар экан-да.

— Мана шу жожеий қисматимизни ўйлаганда одамлар ўртасида низо уруғини сочиб, Худонинг ҳақ дини бўлмиш Исломга ҳам, мусулмонларга ҳам беадад зарар етказганларга, лойдан ясалган ҳайкалларга чўқинадиган мушрикларга нусрат бераётган парвардигор нега мусулмончиликни маҳкам тутиб, ҳалол яшаётган уйғурларнинг толеини бунчалик паст қилиб қўйган, деган шаккок хаёлларга борасан киши, — деди Комил Абдуллоҳ куюниб. — Лекин бу чигал жумбоқлар ҳақида хулоса чиқаришга шошмаслик керак. Тақдиримизда нималар борлигини яратганнинг ўзи билади.

Эртасига Маккага қайтаётганимда Муҳаммад Амин Тожибой қўлимга муҳрланган иккита хат тутқазди: бири менинг номимга берилган ваколатнома, иккинчиси Ўзбекистонда пластмасса идиш ҳамда полиэтилен қоп чиқарувчи завод қурмоқчилиги ҳамда бу корхонанинг барча сарф-харажатини ўз устига олажаги ҳақида ҳужжат эди.

...Сени дунёга келтурди амал қил деб.  
Машраб

Мадинанинг йўли олис, худди абадиятдек узундан узоқ. Абадиятга етмоқлик душвор, Мадинага етгунча юрак минг бора ҳаприқиб, инсон минг куйга тушади. Чексиз қумликлар, қорамтир тошлардан иборат пасткам тоғлар оралаб ўтган йўл сон-саноксиз чироқлар нуридан кундузгидек чароғон. Сайёра соатига юз қирқ километр тезликда елади.

Бу йўлларда туғилган хаёллар мозийга етаклайди. Мозийда эса мусулмонларнинг, нафақат мусулмон, балки бани башарнинг саодатли онлари кўп. Қум барханлари оралаб ўтган бу қадим йўллардан илгари туялар карвони қатнаган, туяларнинг бўйнидаги мис кўнғироқлар тирикликдан, умидворликдан хабар бериб ҳазин жаранглаган. Мана шу йўллардан Худонинг элчиси Муҳаммад алайҳиссалом туғилган шаҳрига сигмай, қариндош-уруғи, ҳамшаҳарларининг зулмидан қочиб, Мадинани паноҳ тортиб ўтганлар. Содиқ дўсти Абу Бакр Сиддиқ ҳамроҳлигида куёшнинг ёндирувчи нуридан, юз-кўзга игнадек санчилувчи қумлардан ўзларини пана қилганча жонларини сақлаб қолиш учун Маккадан яширинча йўлга чиққанлар. Пайғамбар алайҳиссаломнинг жонлари фақат ўзлари учун эмас, инсоният учун омон қолиши керак эди.

Расулуллоҳ Мадинага келиб даставвал Қубода масжид қурдирдилар. Маккада эмас, Мадинада илк дафъа жумъа намози ўқилди ва расулуллоҳ хутбада одамларни меҳр-шафқатга ундаб: «Яхши амалларни қилинглар, инъом ва эҳсон беринглар. Бир куни мол-дунёларингиздан айрилиб Худонинг даргоҳига борасизлар. Яратган эгам: «Таржимон ва воситачига ҳожатсиз пайғамбар юбормаганмидим, мол-дунё бермаганмидим, қилган яхши амалларинг қани, келтирган имонинг, берган эҳсонларинг қани?» деб сўрайди. Ушанда қилган яхши амалларингиздан бошқа жонингизга оро кирадиган нарса бўлмайди. Ён-верингизга боқиб дўзахдан бошқа нарсани кўрмайсиз. Бунинг учун қўлдан келганча яхши амалларни қилиб, дўзах азобидан қутулишга урининглар, яримта хурмочалик нарсани бўлса-да, садақа қилинглар. Ҳеч нарсаги йўқ кишилар лоақал яхши гапириб ғариб, мискинларнинг кўнглини олсин, Парвардигори олам битта яхшиликни бир неча баробар қилиб қайтаради», дедилар. Беихтиёр биз расулуллоҳнинг бу ўғитларига амал қила олаймизми деган савол вужудимизни зирқиратиб ўтади. Бировларга яхшилик қилмасак ҳам лоақал ёмонликлардан, ғийбатлардан, фисқу фужурлардан ўзимизни тия олаймизми? Расулуллоҳга уммат бўлмоқлик учун ҳар жиҳатдан у кишига эргашмоқ лозим.

Расулуллоҳ Мадинада қурдирган иккинчи масжидлари кейинчалик Масжиди Набавия, яъни пайғамбар масжиди деб юритилади. Масжиднинг ўрни икки етим болага тегишли жой эди. Болалар текинга ҳадя қиламиз дейишганига қарамай пайғамбар алайҳиссалом ернинг ҳақини бериб ишга киришдилар. Бугун болаларнинг ризқига кўз олайтираётганлар, етимларнинг ҳақига чанг солаётганлар, ҳатто ўз фарзандлари таҳсил оладиган мактабларни таъмирлаб беришни истамайдиган хўжалик раҳбарлари расулуллоҳдан ибрат олиш ҳақида андак ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Ислол дини дунёга келиб ўн беш йил ўтгач, муслмонларнинг қибласи ўзгарди. Илгари улар Байтуллоқаддасга (Қуддус шаҳридаги Масжиди Ақсога) қараб ибодат қилардилар. Қунларнинг бирида аини намоз ўқилаётган пайтда муслмонларнинг қибласи Каъбага ўзгартирилгани ҳақида Аллоҳдан ваҳий келди. Рукуда турган пайғамбар алайҳиссалом кескин бурилиб Макка томонга ўгирилдилар. Имони мустаҳкам муслмонлар у кишига эргашиди, бироқ айрим имони заиф кимсалар масжиддан чиқиб кетишди, Аллоҳнинг арзимаган битта синовидан ўтолмай муртадага айланишди.

Рўза тутиш, закот бериш каби исломнинг асосий аҳкомлари ҳам Мадинада фарз бўлди. Муслмонлар учун энг катта синов — Бадир ва Уҳуд ғазотларида расулulloҳ энг яқин кишилардан, содиқ сафдошларидан айрилдилар, лекин алаоқибат Аллоҳ таоло муслмонларга нусрат берди. Бу хусусда Оли Имрон сурасининг 152-оятиси: «Аллоҳ мўминларга марҳамат қилгувчидир», дейилади. Уҳуд ғазотидан кейин, яъни хижратнинг учинчи йили ароқ билан қимор ҳаром қилинди. Моид сурасининг 90—91-оятларида парвардигори олам: «Эй мўминлар, ароқ ичиш, қимор ўйнаш, бутларга (чўқиниш), фол ўқлари (билан фол очиш) жуда ярамас одат, шайтоннинг иши. Наҳот топиш учун улардан сақланиллар. Шайтон ароқ, қимор орқали орангизда адоват, душманлик туғдиришга, Аллоҳнинг зикридан қайтаришга уринади. Бу ишлардан қайтмайсизларми?» дейилади. Биздаги муслмонлик даъвосини қилиб юрган одамларнинг аксарияти ҳали Худо ҳаром қилган нарсалардан тийилиб, шайтоннинг йўлидан қайтгани йўқ.

Шу йили аёллар юзини ёпиб юриши ҳақидаги оят нозил бўлди: «Пайғамбарнинг аёлларидан бирон нарса сўраган пайтингизда парда орқасида туриб гапиринглар, бу ҳар иккала томоннинг кўнглини пок сақлайди», дейилади Аҳзоб сурасининг 53-оятисида. Бу амр фақатгина расулulloҳнинг аёлларига тааллуқли бўлмай, бошқа аёлларнинг ҳам ҳаёли, ифбатли бўлишига даъватдир. Билакузук, бўйнига осиладиган маржон, тиллақош, зебигардон, зирак намойиш этилмайдиган (бу нарсалар тақилган аъзолари ҳам албатта) зийнатлар сирасига киритилди. Кўкракни ёпиш, оёқни яшириш жорий этилди. Нур сурасининг 31-оятиси: «Мўминларга айтгинки, (номаҳрамларга) тикилиб қарашмасин, авратларини (уят жойларини) ёпишсин, ташқи зийнатлардан бошқа тақинчоқларини намойиш этишмасин, ёқаларига ёпинчиқларини ёпишсин», дейилади. Исломининг аввалида Мадина мунаварада нозил бўлган бу оятнинг ҳукмини бизнинг минтақалардаги одамлар ҳали ҳам англаб етишгани йўқ. Бизда худди жоҳилият давридагидек аёллар кўкракларини очиб, бошяланг юришади, лозим кийиш — маданиятсизлик нишониси, бировнинг хотини билан рақсга тушиш — фазилат, зино — гуноҳ эмас, муҳаббат эркинлиги, ароқ-шароб ичиш — кўнглининг чигилини ёзиш воситаси.

Мадинага вақт ярим кечадан ошганда етиб келдик. Масжиди Набавиянинг кўкка бўй чўзган бениҳоя муҳташам ва юксак минораларига чироқлар шундай омилкорлик билан ўрнатилган экани, худди миноралар ич-ичидан товланиб, шаффоф нур таратаётганга ўхшарди. Шаҳар кундузгидек чароғон, кўчалар гавжум, меҳмонхоналар, ошхоналар, дўконлар олдига эҳром боғлаган, узун оқ либос кийган одамлар тирбанд. Мен тўғри масжиди Набавияга бориб, расулulloҳни зиёрат қилмоқчи бўлган эдим, ҳамроҳим Комил Абдуллоҳ масжид хуфтон намозидан кейин ёпиб қўйилишини айтиб йўлдан қайтарди. Бизни кутиб олиши лозим бўлган кишини дараклаш ниятида Комил Абдуллоҳнинг танишлариникига кўнғироқ қилмоқчи бўлдик. Йўлимизда учраган тилла дўконига кириб муддаоимизни айтдик. Сотувчи йигитлардан бири дарров курси қўйиб ўтиришга таклиф этди-да, қаёққадир ғойиб бўлди. Иккинчиси айтилган рақамни тера бошлади. Бу орада курси қўйиб берган йигит иккита қоғоз идишда чой келтирди. Вақт ярим кечадан ошганда Комил Абдуллоҳнинг танишларини топишга уринишимизни бирон натижаси чиқмади. Сотувчи йигитлар бугунча уларникида тунашга астойдил қистади. Уларнинг самимиятига миннатдорчилик билдириб меҳмонхона қидириб кетдик. Ҳаж мавсумида меҳмонхоналардан жой топиш амри маҳол экан. Мадинанинг тор кўчаларидан кетаётганимизда рўпарамиздан чиққан занжини оғир йигит икки қаватли бинонинг остки қаватидаги шинамгина хонага бошлади. Совутгич ўрнатилган сокин ҳужрада роҳатланиб дам олдик. Бамдод намозидан кейин пайғамбар алайҳиссаломнинг зиёратларига ошдик. Расулulloҳ: «Кимки қабримни зиёрат қилса, унга менинг шафоатим вожиб бўлади», ҳамда: «Кимки мени ўлганимдан кейин зиёрат қилса, у гўё мени тирикликимда зиёрат қилгандек бўлади», дея уқтирганлар. Биз зиёратнинг таомилига биноан расулulloҳнинг минбарлари билан қабрлари ўртасида икки ракаат намоз ўқидик. Бу жой хусусида пайғамбар алайҳиссалом: «Қабрим билан минбарим ўртасида жаннат боғларидан бири жойлашган, минбарим эса жаннат ҳовзининг устидадир», дея марҳамат қилганлар. Одам кўплагидан расулulloҳнинг қабрлари тепасида узоқ туриб, рисоладагидек салом беришнинг имкони бўлмади. Ҳарқалай ул зоти муборакка чин юракдан саломлар йўлладик. Зотан ҳар бир муслмон расулulloҳнинг: «Кимки менга салом йўлласа, Аллоҳ унинг саломини менинг руҳимга етказди ва мен унга жавоб қайтараман», деган ваъдаларига ишонмоғи лозим. Расулulloҳнинг ёнларида ётган улўф саҳобалар ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, ҳазрати Умарга ҳам салом бергач, аста масжиддан чиқдик. Кўнгилда шодликдан кўра андуҳга мойил бир ҳис ҳукмрон, энг яқин кишининг дийдоридан бенасиб бўлгандек юм-юм йиғлагиси келади кишининг, Расулulloҳ

лоҳни энг яқин кишимиз ҳатто ота-онамиздан кўра яхши кўриш ҳам имоннинг белгисидир. Мен у зоти муборакни қанчалик севишимни айтолмайман, у кишини тушларимда кўриб бахтиёр бўлмаганман, уйимда мавлид ўқитмаганман, фақат ҳар гал пайғамбар алайҳиссалом ҳақидаги китобларни арақлаганимда, фарзандларимга ҳадисларни шарҳлаб берганимда: «Бу ҳам мавлуд», дея ўзимга тасалли берганман. Бир танишим омонатга хиёнат қилганда, қаламкаш биродарим каззоблик йўлини тутганда, юқори лавозимда ишлайдиганлар ўз манфаатини кўзлаб халқни лақиллатганда, тўридан гўри яқин мўйсафидлар ҳали ҳам ҳақ йўлни тополмай невараси тенги болалар билан улфатчилик қилиб юрганини кўрганимда шох Машрабдек дунёга этак силтагим келади ва беихтиёр расулуллоҳнинг муслмон кечиримли бўлади, деган муборак ўғитлари ёдимга тушиб, ўзимни босаман. Агар ҳақ йўлни топган ҳар бир киши дунёдан юз ўгириб кетаверса, бу оламда адашиб-улоқиб юрганларни ким тўғри йўлга бошлайди, Худонинг каломини, пайғамбарнинг суннатини уларга ким етказади? Дин йўлини маҳкам тутган одам тақводор эмас, балки яхши-ёмонга аралашиб, уларга ибрат кўрсатган, ҳам тили, ҳам қўли билан бировларга наф етказган киши комил муслмон. Расулуллоҳга ваҳий келганда ер юзиде у кишидан бошқа бирон муслмон йўқ эди: Расулуллоҳ Исломи таълимотини яхшига ҳам, ёмонга ҳам бирдек тарғиб этдилар. Биров у кишининг гапига қулоқ солса, биров ҳақоратлади, ҳатто жонларига қасд қилишди, то умрларининг охиригача ҳаётлари мана шундай зиддиятлар кураши аро кетди. Лекин пайғамбар алайҳиссалом ҳеч қачон ҳаётдан нолиб, дунёдан этак силтаб кетганлари, одамлардан ранжиб тавқи лаънат ўқиганлари йўқ. Макка фатҳ этилган куни пайғамбар алайҳиссалом шаҳарга кирганларида жарчи орқали ўз уйига, масжидга, Абу Суфённинг ҳовлисига кириб олган киши омон қолади, деб эълон қилдилар. Инсоният тарихида бирон фотиҳ бундай олийжаноблик кўрсатган эмас. Муҳаммад алайҳиссалом Масжиди Ҳаромда намоз ўқиб бўлгач, йиғилганлардан: «Эй қурайш халқи, мени ҳозир нима қилади, деб ўйлаясизлар», деб сўрадилар. Расулуллоҳга йигирма йил озор берган, туғилиб ўсган шаҳридан ҳайдаб чиқарган, энг яқин сафдошларини ўлдирган қурайш мушриклари: «Сен мард қариндошимизнинг ўғлисан. Мард қариндошимиз бизга яхшилик қилади, деб ўйлаямиз», дейишди. Расулуллоҳ: «Бўпти, сизлар ўйлаганча бўла қолсин. Боринглар, ҳаммангиз озодсизлар!» деб муруват кўрсатганлар.

Мадинанинг хурмолари соя ташлаган кўчаларида ярим кечагача сайр этдим. Деяри ҳар бир кўчага кириб, ҳар бир бинони узоқ томоша қилдим, турли ирқ, турлича либосдаги одамларни кузатдим. «Инсонларнинг ҳаммаси тароқнинг тишидек баробардур», деган ҳадиси шарифнинг ҳақлиги яна бир қарра амин бўлдим. Бу ердаги ҳар бир бинодан, ҳар қарич тупроқдан, Масжиди Набавиядан расулуллоҳнинг нафаси келиб туради. Ерга қаттиқроқ оёқ босишга ботинмайсан. Бу шаҳарнинг тупроғи ҳам, довдарахти ҳам, одамлари ҳам табаррук, сарвари олам мушрикларнинг зуғумига учраганларида ясрибликлар жонларига оро кирган, ислом учун кўксини қалқон қилишган. Шу боис расулуллоҳ: «Киши суйган одами билан бирга (бўлади)», деганлар.

— Бултур юртга бориб Самарқанд, Наманганин кезганимда бир нарсага амин бўлдимки, одамлар тўғри йўлни кўрсатадиган олимга муҳтож экан. Қуръону ҳадисдан гапирсангиз жон қулоғи билан тинглашади. Сизларда яхши одамлар бор-у, лекин аҳиллик йўқ экан. Узингларча Исломда йўқ ҳар хил йўллари топиб олибсизлар, — деди мадиналик мударрис Абдуқодир ҳожи.

«Кейин пайдо қилиниб диний деб айтилган ҳар қандай нарса бидъатдир, ҳар қандай бидъат залолатдир, ҳар қандай залолат эса дўзахдир», деганлар сарвари олам. Биздаги сиёсий, диний гуруҳбозликларни кўриб бошқа бир ҳадис ҳам ёдга тушади: «Бир миллатнинг ишлари ноаҳил кишилар қўлига тушиб қолса ёки топширилса, шу миллатнинг қиёмат соатини кутаверинг», дея эйтирб чекканлар сарвари олам. Тилида илми борларнинг вазифаси гуруҳбозлик эмас, одамларни маърифатли қилишдир. Зеро, бу улўф вазифа бизларга мадинаи Мунавваранинг муздек тупроғида ётган пайғамбар алайҳиссаломдан мерос қолган. У зоти муборак: «Инсонда тўрт ноёб хусусият бор, бироқ уларни тўрт нарса барбод этади, яъни ақл, дин, ҳаё, амали солиҳ. Жаҳл ақлнинг, ҳасад диннинг, риё ҳаёнинг, манманлик амали солиҳнинг заволи», деганлар. Худо берган тўрт ажойиб хусусиятни беҳуда барбод қилишдан эҳтиёт бўлиш керак. Акс ҳолда жаҳолат ғолиб келади. Жаҳолат эса, разолатнинг дояси.

Мадинанинг кўчаларида уч кеча-кундуз кездим, яхши одамлар билан тонготар суҳбатлар қурдим, расулуллоҳнинг ҳадисларини такрор-такрор ёд этдим. У киши бошлаб берган дин туфайли қалбларимиз нурафшон бўлганига шукроналар айтдим. Мадинада сайр этган киши руҳида ажиб бир сокинлик, қалбида беадад фароғат туяди. Мен элимга мана шундай фароғатлар насиб этишини тилайман.

Мен нола қилай шому сахар дод эшигинда  
Машраб

Замину замон муаллақ, руҳим судралиб юрвучи жисмимни тарк этган, Макканинг юлдузсиз осмони қайгадир, юксак-юксакка ўрлаб, бутунлай ўзга бир оламнинг дарвозалари ланг очилган, оёқ остидаги тошлоқ ер ҳам қайгадир йитгану майин пар

пайдо бўлган. Дўконлар пештоқидаги чироқлар ёритгич эмас, кулиб турган кўзлар, онда-сонда учровчи дарахтлар ҳайрат белгилари, жўмрақларидан шариллаб тушаётган сувлар заминнинг тошиб кетган ҳислари... Мен момиққа айланган ер узра юриб эмас, учиб кетялман. Ҳар бир ташлаган қадамим мени тўппа-тўғри абадият сари элтади. Абадият — саодат маскани. Бу масканда энг эзгу орзулар ушалади, унда Ҳақнинг васлига етиш имкони бор. Эгнимдаги оқ кўйлагим нурнинг заррин толаларидан тўқилган, мен ўзим айтган сўзларни бемалол ушлаб кўришим, тизгинсиз ўйларимнинг салмоғини билишим, тушларимнинг таъбирини ёнғоқдек чақишим, ким яхшию ким ёмонлигини бир қарашдаёқ бемалол ажратишим мумкин. Назаримда бу дунёда ёмон йўқ, қаззоб йўқ. Ҳаммининг юзидан нур ёғилади, ҳамма бирон эзгуликнинг кўйида елиб-югуриб юрибди: ҳеч ким бу дунёнинг ташвишлари билангина ўралашиб қолмаган, аксинча ҳаммининг фикри ёди охират билан банд, одамлар икки дунёсини обод этиш, бир-бирига яхшилик қилиш учун шошиладилар. Мен эсам Каъба сари кетялман, тўғрироғи қанот чиқариб учялман. Оёқларим ерга тегмайди, бошим эса кўқда — еру осмон ўртасида сузиб юрибман. Назаримда дунёга келиб нимаики ният қилган бўлсам, барига етдим: ҳаж орзусида эдим, орзуим ушалди, Маккаи мукаррамадек табаррук шаҳарда талбия айтиб юрибман. Бугун эса умуман тасаввурга сифмайдиган, киши орзу қилишга ҳам ботинмайдиган бахтга эришиб турибман. Бамдод намозидан кейин мен учун Каъбанинг эшиги очилади, бир неча миллион ҳожидан вақил бўлиб остона ҳатлаб, ичкарига кираман ва Худонинг уйида намоз ўқиб, яратганга зору таваллолар қиламан, кейин... у ёғини тасаввур этиш маҳол.

Ҳозиргина Раҳматуллоҳ Туркистоний Каъбанинг ичига кириб намоз ўқиш имтиёзи бериладиган нишонни олиб келди. Ҳар йили ёлғон арафа куни Каъбанинг деворлари ювилиб, устидаги ёпинчиғи алмаштирилар, шу муносабат билан подшоҳ ва унинг хонадони, Макканинг ҳоқими, мусулмон давлатларининг элчилари Каъбага кириб намоз ўқир эканлар. Ҳожилардан ўн чоғли кишига ҳам шундай имтиёз берилар экан. Мен Туркистон тарихида бирон зотнинг бундай улўф саодатга эришганини эшитмаганим учун дабудурустан нима қиларимни билмай довдираб қолдим. Шундай ҳам тоза энгли-бошимни ювиб, дазмолладим, баданим оқ ем бўлиб кетгунча чўмилдим. Хос одамларга бериладиган нишонни кўкрагимга тақиб кўчага чиққанимда тунги соат иккилар чамаси эди. Макканинг худди кундузгидек серқатнов, гавжум кўчаларида ёш боладек ўнгу сўлимга қарамай югураман, худди тезроқ етиб бормасам Масжиди Ҳаромда жой етмай қоладигандек туюлади, кўзларим севинчдан ёнади, оғзимнинг танобини йиғиштириб ололмайман, талбиянинг ўрнига кўшиқ айтиб юборгим келади.

**Мени аввора бўлғонга фироқ ўти даво эрмиш,  
Кўйиб ишқинг билан ўлмак бу оушиққа раво эрмиш.**

Тунги салқин чўккан кўчаларда елиб кетаялман-у, лекин ҳеч ким менинг аҳволимни ҳис этмайди, ҳамма ўзининг одатий машғулоту билан андармон. Мен эсам ичимга сифмаётган ҳаяжонимни айтгим келади: бир неча соатдан кейин Каъбатуллоҳнинг олтин ҳал билан оятлар чекилган эшиги очилиб, ичкарига кираман. Эҳтимол у ердан қайтиб чиқмасман, шодлиқдан юрагим ёрилиб кетар... Одамлар эса менинг аҳволимдан беҳабар ўз юмушлари билан машғул.

Инсон дунёни ўз сезими орқали ҳис этади, одамларнинг феъл-атворини ўз қарашларидан келиб чиқиб баҳолайди, бамисоли у билгани учунгина олам мавжуд. Менинг ҳозирги ҳолатим ҳам шундай эди. Бу йўллардан бир пайтлари расулulloҳ юрганларини, у зоти муборак одамизодни саодатга бошлаганлари учун униб ўсган масканларидан қувилганларини, Имом Бухорий, Имом Термизийдек зотлар пайғамбар алайҳиссаломнинг жавоҳирларини тўплаш қасдида йиллаб азият чекишганини хаёлимга келтирмас, худди шу аснода бошим узра тўнқариғлик осмоннинг ҳар тўрт энлик жойида бир фаришта яратганга сажда қилиб турганини ўйламас эдим. Ҳозир дунёда фақат мен — Туркистондан келган бахтиёр инсон бор эдим, олам кўкрак қафасимни ёриб юборгудек бўлаётган тошқин ҳисларимга йўғрилган эди.

Масжиди Ҳаромга биринчи азон айтилаётганда етиб келдим. Зич ўсган қамишдек одамлар сафини ёриб, Каъбага яқинроқ бориб олдим. Мен ҳамон ҳаяжонимни босиб ололмас, ўзимни худди қанот чиқариб, кўкка учиб кетадигандек ҳис этардим. Таҳҳиятил масжид намозини ўқий туриб пешонамни муздек мармарга қўйганимда вужудим алангаи оташ бўлиб ёнаётганини ҳис этдим. Байтуллоҳнинг остонасида аҳволим шу бўлса, ичкарига кирганда не кўйга тушар эканман? Ҳаётимдаги энг катта имтиҳон, энг бахтли кун шу бўлса керак.

Бамдод намозидан кейин Масжиди Ҳаромга бир неча юз аскар кириб келди. Улар Каъбанинг атрофини иккита ҳалқа қилиб ўраб олдилар. Каъбага чиқиладиган зина ўрнатилиб, поёндозлар тўшалди. Мақоми Иброҳим билан Байтуллоҳнинг ўнг томонида катта-катта гиламлар солинди, Каъбанинг олтин қоплиниб, оятлар чекилган эшиги очилиб, ичкарида чироқ ёқилди. Аскар болалар Байтуллоҳнинг устига ёпилган қора ипак мато — қисвани юқорига кўтариб, олишга шайлаб қўйишди. Бирдан одамлар иккига бўлиниб, қўша-қўша тўппонча, учи эгри ханжар, елкаси оша ўқлар шодасини таққан



ясовуллар қуршовидаги подшоҳ хонадонининг вакиллари, ҳоқимлар ва уларнинг орқасидан элчилар кириб келишди. Улар ўзларига қизиқиш ва ҳайрат билан қараётган одамларга эътибор бермай Каъбанинг атрофида айлана бошладилар. Мен ҳам уларга қўшилиб тавофи кудумни адо этдим. Каъба атрофини ҳар айланганимда Ҳожарул Асваддан тўйиб-тўйиб бўсалар олдим. Ниҳоят ичкарига кириш навбати етди. Поёндоз тўшалган зинадан кўтарилиб, қаҳрабо нуридан чароғон хонага қадам қўйдим. Дастлаб кўзим тушгани ва эслаб қолганим рўпарадаги деворга зарб этилган оят бўлди. Бир чеккада турган ҳарбий ўнг томонга ишора қилди. Каъбага кирган киши тўрт деворга қараб икки ракаатдан намоз ўқиши, истиғфор айтиши ва Аллоҳдан кўнглидаги ҳамма яхши ниятларини рўёбга чиқаришини тилаши керак. Мен ҳам биринчи деворга юзланиб икки ракаат намоз ўқишга чоғландиму бирдан ўпкам тўлиб, кўз қорачиғларимни эриган тўйғуларимнинг иссиқ пардаси қоплаб олди. Шуурим қарахтлашиб, бу ерга ибодатга кирганимни унутдим, калимага келмай гўлдираётган тилим фақатгина: «...яратган эгам, ҳақ йўлдан адаштирамайсан, ҳақ йўлдан адаштирамайсан!» деган сўзларни такрорлар, кўзларим ҳеч нарсага кўрмас, қулоқларим том битган эди. Мана шундай аҳволда икки ракаат намоз ўқидиму таомилга биноан деворга юзимни босиб Худога илтижолар қилдим: «Мен гуноҳкор бандангни ўзинг мағфират қилгайсан, ота-боболаримни, ҳеш-ақраболаримни, бола-чақамни, ёр-биродарларимни ўзинг ёрлақагайсан, юртимизга ҳуррият, халқимизга саодат ато этгайсан. Бизларни ўзинг рози бўладиган йўлга бошлагайсан. Тўғри йўлингдан адаштирамайсан!»

Иккинчи, учинчи ва ниҳоят тўртинчи деворга юзланиб ҳам ибодат қиларканман, Туркистон заминида исломий саодат тантана қилишини, халқимиз бахтиёр бўлишини тилаганимга улуғ Каъбанинг тошларига томган қайноқ ёшларим гувоҳ. Каъбатуллоҳда чин юракдан сўралган илтижолар ижобат бўлар экан. Шояд, менинг эл-юрт учун қилган дуоларим мусялжоб бўлса.

Меҳмонхонага келсам, Раҳматуллоҳ Туркистоний кутиб турган экан. Иккаламиз гап-сўзсиз бир-биримизнинг кучоғига отилдик ва шу зайил юзимизни юзимизга босганча узоқ турдик. У киши мени Каъбага кириб чиққан табаррук одам сифатида зиёрат қилди, мен эсам бир умр узиб бўлмас қарзим учун шу тариқа миннатдорчилик билдирдим.

Кечқурун Комил Абдуллоҳ етиб келди. У қаттиқ ҳаяжонда бўлгани учунми, юзи бўртиб кетган; кўзлари ёниб турарди.

— Қани, ҳожим, бир бағримга босиб олай, — деди у кўриша туриб. — Мен салкам эллик йилдан бери Маккада яшаб кўп ҳожиларни кўрганман. Лекин Каъбанинг ичига кириб ибодат қилган одамни биринчи учратишим. Кетаётганингизда эгингиздаги кўйлагингизни ташлаб кетасиз. Жойнамоз қилиб, намоз ўқиб юраман.

— Бу кўйлагини ўзингиз ҳадя қилгансиз-ку, ҳадяни ҳам қайтариб оладими? — дедим ҳазиллашиб.

— Бунақа табаррук нарсани қайтариб олса бўлаверади, — деди Комил Абдуллоҳ. — Астойдил Худо деган одам экансиз. Сизга ҳавасим келяпти. Худо хоҳласа бундан кейин ишларингиз ҳаминша ўнгидан келаверади.

— Иншооллоҳ, айтганингиз келсин.

**Тамоми хону менимдин кечибор бир сени дерман,  
Ўзингдин ўзга билмайдур, ўзинг билғил фидолиғни.  
Машраб**

Мино паст-баланд тоғлар қуршовидаги кичкинагина шаҳарча. Бу жойга ҳаж кунлари уч миллионга яқин ҳожии йиғилишига ишонгиси келмайди кишининг. Минодаги меҳмонхоналар, масжидлар, кўприклар ости одамга тўлиб кетади, йўлларнинг икки чети, ялангликлар, тоғ ёнбағирларига минглаб чодирлар тикилади, бундан ташқари тор кўчаларининг икки четига одамлар ўзларича чойшаб тутиб, бошпана қуриб олишади. Булар асосан яқин атрофдаги мамлакатлардан келган, жой пули тўлашга қурби етмайдиганлар. Уларнинг орасида қари-қартанглар, ҳомиладор келинчаклар, ёш болалар кўп. Бу одамлар кундузи нафасни қайтарадиган эллик даража иссиқда жизғанаги чиқиб, тунлари очиқ ҳавода кунишиб ётишади, озиғи қуруқ нон билан совуқ сув. Ўзингнинг алоҳида имтиёзларга эга бўлиб, махсус меҳмонхонанинг салқин хонасида ётиб, тайёр автобуста сайр этиб, кунига уч маҳал бериладиган лаззатли таомларни еяётганингдан хижолат чекасан. Лекин бир ўй кўнгилга тасалли беради: бу одамлар кўчада ётиб, қуруқ нон еб, совуқ сув ичишса ҳам, ҳажга ҳар йили кела олишади. Бизда эса бундай имкон йўқ.

Қуръони қаримдаги Ҳаж сурасининг 26—27-оятларида: «Вақтини келиб, Иброҳимга Байтуллоҳнинг ўрнини кўрсатиб бердик, (унга айтдикки) «Менга ҳеч нарса ни шерик келтирмагин, тавоф этгувчиларга, қиёмда тургувчиларга, руку ва сажда қилгувчиларга менинг уйимни поклаб бергин. Одамлар орасида уларни ҳажга чорлаб хитоб қилгин, улар пиёда ва ориқ туяларни миниб келишади, ориқ туялар олис йўлларни босиб ўтишади», дейилган. Ҳар йили бутун дунёдаги мусулмонлар Иброҳим алайҳиссаломнинг мана шу хитобига жавобан Маккага жам бўлиб Каъбани тавоф этадилар, Арофат водийсида эрталабдан то кун ботгунча Худога илтижо қилиб ўтирадилар, кун ботгач, Муздалифага келиб шом билан хуфтон намозини қаср қилиб ўқийдилар ва

ярим кечадан кейин Минога қайтадилар. Эртасига шайтонга тош отиб бўлингач, қурбонлик бошланади.

Ҳаж ибодатдан ташқари мусулмонларни жамлаб, биродарлаштирадиган улуғ маросимдир. Мен Минода Суриядан келган профессор Юсуф Салоҳиддин, пекинлик ношир Аҳмад Босар, урумчилик адиб Аҳад Турди, қашқарлик шоир Мирзохид Каримий, мўғулистонлик олим Қодир Сайрон, истамбуллик профессор Муҳаммад Сарой, Жиддада чиқадиган «Муслимун» газетасининг бош муҳаррири Абдуқодир Тош билан яқиндан танишиб, дўстлашдим. Хусусан, суданлик доктор Юсуф билан қадрдон бўлиб кетдик. У менинг тилимни, мен эса на арабча, на инглизча лисонни билардим, иккала миз имо-ишора ва айрим умумий сўзлар ёрдамида гаплашар, бир-биримизнинг мақсадимизни гоҳ тушуниб, гоҳ тушунмай мириқиб кулишар, айрим китоб ва журналларни алмашар эдик. Доктор Юсуф менинг араб ва инглиз тилларни билмаслигимдан ажабланар, имо-ишоралар воситасида сизларда хорижий тиллар ўқитилмайдими, деб сўрарди. Мен чет тилларни ўқитиш бизда ёмон аҳволдалигини, хусусан, қишлоқ жойларида бу масалага мутлақо эътибор берилмаслигини айтганимда у бошини чангаллаганича афсус-надомат чекар, бизнинг нодонлигимиздан ёқа ушларди ва тўсатдан соф араб тилида расулulloҳ тил билган одамларни қанчалик қадрлаганларини, агар ҳарба биров тасодифан икки тилни биладиган одамни ўлдириб қўйса, ўттиз икки туя жарима солинганини сўзларди. Мен ҳам ўз навбатида агар расулulloҳнинг бу талабидан келиб чиқсак, Туркистон аҳли қиёматгача фақат жарима тўлашдан боши чикмаслигини айтдим. У баттар ачиниб, пешонасига шапатилади ва болаларча куйинчаклик билан: «Жаҳолат! Жаҳолат!» дея хитоб қилди. Лисон одамларни боғловчи кўприк дея имо-ишора қилди у алифдек қоматиға мос узун қўлларини мен томон чўзиб ҳамда Қуръондан: «Эй инсонлар, биз сизларни бир ота ва бир онадан яратиб, турли миллат ва қабиалар қилиб қўйдик, токи сизлар бир-бирингиз билан яқиндан танишгайсизлар», деган оятни ўқиди.

Кўпинча бизнинг суҳбатимизга истамбуллик профессор Муҳаммад Сарой қўшилар, турк тарихининг билимдони бўлмиш бу кишини ўзбекларнинг шарқий Туркистондаги мазлум уйғурларга муносабати кўпроқ қизиқтирарди. Мен ўз кўрган-билганларимни айтиб бердим, Муҳаммад Сарой айтганларимга қаноат қилмади: «Биз турк улусида бирлик йўқ, токи бирликка келмас эканмиз, ҳеч қачон ҳурриятга эришмаяжакмиз, — дея куюнар эди. — Туркия билан Қозоғистон президентлари учрашганда, Назарбоев: «Туркияда қанча қозоқ яшайди?» деб сўрабди. «Туркияда қирқ етти миллион қозоқ турки яшайди», дебди Туркия президенти ва ўз навбатида Қозоғистонда қанча турк яшаши билан қизиқибди. Назарбоев унинг закийлигига қойил қолиб кулиб юборибди. Ислоҳ дини миялатни инкор этмайди. Бизни аввало имон бирлаштириши, ундан кейин миллий мустақиллик, ўзлигимизни таниш, истиқлол йўлидаги кураш жипслаштириши керак. Худога шукур, Урта Осиёда уйғониш бошланди. Биз Ўзбекистонга кўз тикиб турибмиз. Азалдан маърифат маркази бўлган бу юрт яна турк улусининг бошини бошига қовуштириб, қадимий шуҳратимизни тиклашга етакчилик қилади, деб ўйлайман».

Мен у кишининг гапларини қувватлаган ҳолда таънали бир савол бердим: «Муҳаммад афандим, уйғурлар билан ўзбеклар мустақилликка эришиши учун Туркия нималар қилди? Шарқий Туркистон билан Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарини очдимиз? Бизнинг фарзандларимизни ўқитиб, маърифатли қилиб бериш учун хитой билан ўрис ҳукумати-нинг олдига талабнома қўйдими? Бемаълol борди-келди қилишимиз учун ҳаво йўллари очдимиз ёки бизнинг тутқин юртимизда шифохоналар, маърифат масканлари, саноат корхоналари қурдимиз? Ҳур яшаётган Усмонли турклар ўз туркий биродарларининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кун тартибига бирон марта масала киритдимиз? Биз Туркиянинг бирон соҳада гўллаб-қувватлаганини, амалий ёрдам берганини эслолмаймиз». Муҳаммад Сарой гапларимга раддия билдиришга уринди-ю, бироқ мен унинг изоҳларига қаноат қилмадим.

Бизнинг суҳбатларимизга фақат Хитой халқ республикасидан келган адиблар аралашмас, бу ерда айтган гаплари эртагаёқ Хитой ҳокимларининг қулоғига етиб қолишидан қўрқар эди. «Жиҳод лозим, жиҳод! — дерди уларнинг бечораҳоллигидан қони қайнаб кетган доктор Юсуф. — Аллоҳга таваккул қилиб, жиҳодга бирлашиш, курашиш керак. Аллоҳ кимки менга таваккул қилса, унга нусрат бераман, деган. Нимадан қўрқасизлар, истиқлол йўлида ўлсанглар шаҳидсизлар, зафар қучсанглар ғозийсизлар. Ҳар икки ҳолда ҳам Аллоҳнинг раҳматидан бенаиб қолмайсизлар. Қўрқмай жиҳод қилинглар!»

Чин арафа кунни ҳожилар бамдод намозидан кейин Арофат водийсига йўл олишди. Талаб водийсига отланган автобус, енгил ва юк сайёраларнинг сон-саногини йўқ, пою пиёдалар ундан кўп, бамисоли чумолилар уяси бузилгану ҳамма бир томонга оққан. Бир неча миллион кишилиқ юриш ҳеч қандай бақирик-чақириксиз, ур-сурсиз осуда кечар, ҳамма биргина мақсад — Арофат водийсига тезроқ етиб, Аллоҳ таолога тавба-тазаррулар қилишни, Раҳмат тоғида яратганга илтижолар айтишни истар, ҳамманинг фикри-зиқри фақат ибодат, тили эса парвардигорни улуғловчи талбия билан банд эди. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб кетаётган одамларнинг баланд овозда айтаётган талбиялари кўк

тоқига ўрлаб акс садо берар, қалбларни ҳаяжонга соладиган ажиб бир шукуҳ, кўтаринки руҳ бахш этар эди. «Лаббайкаллаҳумма лаббайк, ла шарика лака лаббайк. Иннал ҳамда ваннеъмата лака вал мулк, ла шарика лак».

Арофат гир айланаси тоғлар билан қуршалган водий бўлиб, ҳаж ниятидагилар қирадиган ҳудуди белгилаб, қатъий чегаралаб қўйилган экан. Кимки, шу ҳудуддан ташқарида қолса, ибодати инобатга олинмас экан. Сўнги йилларда яйдоқ даштдан иборат водийга бизнинг ватандошларимиздан бир киши қувур орқали сув келтириб, бир неча юз минг туп дарахт эктирибди. Мен ҳар қанча суриштирмай, бу олийҳиммат кишининг кимлигини билолмадим. Ҳамма бирдек туркестоний... бухорийлардан дер эди ҳолос. Бу ҳол пайғамбар алайҳиссаломнинг: «Унг қўлингиз билан берган эҳсонни чап қўлингиз билмасин», деган ҳадисларини ёдимга солди.

Биз ўзимиз учун ажратилган чодирга жойлашгач, шундай табаррук жойларга етганимизнинг шукронасига икки ракаат намоз ўқидик. Ҳали кун исиб кетмасидан (бу ерларда иссиқ эллик даражага нисбатан олинади) Раҳмат тоғига кўтарилдик. Пастдакки-на тоғ тепаси кенг майдон экан. Ривоят қиладиларки, Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннатдан чиқарилганларида дастлаб келиб тушган жойлари мана шу ер экан. Арофат тоғида ҳожилар қўлларини кўкка чўзганча Аллоҳга илтижолар қилмоғи, гуноҳларини авф этилишини сўраб ёлбормоғи, ота-боболари, қариндош-уруғи, бола-чақаси учун Аллоҳдан раҳмат сўрамоғи, ҳаммага инсофу тавфиқ тиламоғи лозим. Аллоҳ таолонинг чин юракдан сўраган бандамни ноумид қилмайман деган ваъдаси бор.

Пайғамбар алайҳиссалом зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни Арофат тоғига чиқиб, Ислому динининг асосий арконларини баён этувчи видолашув нутқларини сўзлаганлар: «...Эй одамлар, то раббингизнинг даргоҳига етиб боргунча бир-бирингизнинг жонига, молига хиёнат қилиш худди мана шу ойнинг, мана шу куннинг, мана шу жойнинг ҳурмати-ни бажо келтирмаслик каби ҳаромдир. Сизларга шуни етказаманки, эй Аллоҳ, ўзинг гувоҳ бўлгин, қўлида бировларнинг омонати бор кишилар бу нарсаларни ўз эгаларига қайтаришсин, жоҳилият даврида ҳукм сурган судхўрлик бекор этилади, мен ишни аввало амаким Аббос ибн Мутталибнинг судхўрлигини бекор қилишдан бошлайман. Жоҳилият давридаги қон-қарз (қасос) ҳам бекор қилинади, аввало Омир ибн Робиа ибн Ҳориснинг қон-қарзини йўққа чиқараман. Жоҳилият давридаги одалардан Каъба билан Оби Замзамни бошқаришдан бошқа ишларнинг ҳаммаси бекор қилинади. Қасддан одам ўлдирган қотил (албатта) ўлдирилади. У бировни калтак ёки тош билан уриб ўлдирса, қасд қилган ҳисобланиб, товонига юзта туя тўлатилади, бундан ортиқ ҳақ ундириш жоҳилият давридаги кишиларга хос. Эй одамлар! Шайтон заминингизда Худо бўлишдан умидини узди, лекин у майда-чуйда ҳисоблайдиган ишларингизда сизларни ўзига бўйсундиришга уринади... Эй одамлар! Зиммангизда амал қилишингиз лозим бўлган аёлларингизнинг ҳақи бор, аёлларнинг зиммасида ҳам улар риоя этадиган сизларнинг ҳақингиз бор. Сизларнинг ҳақингиз шуки, аёлларингиз иффат жойига бегона одамларни яқин йўлатмаслиги, сизлар ёқтирмайдиган кимсаларни берухсат уйга киритмаслиги ва фоҳишабозлик қилмаслиги лозим. Мабодо шундай қилишса, Аллоҳ уларни қаттиқ тутишингизга, остона ҳатлатиб чиқармаслигингизга, бир тўшакда ётмаслигингизга, астароқ уришингизга ижозат беради. Бордию улар тийилиб, ҳукмингизга итоат этишса, яхшилиқча ош-нон, кийим-кечак билан таъминланганлар, амрингиздаги аёлларнинг ихтиёри ўзларида эмас. Уларни Аллоҳнинг омонати қилиб олгансизлар, уларни никоҳ орқали ўзингларга ҳалол этдинглар. Аёлларга Аллоҳдан қўрқиб муносабатда бўлинглар, аёлларга яхши муомала қилиш ҳақидаги васиятларни қабул этинглар. Сизларга таблиғ қилдимми? (Аллоҳнинг ҳукмини етказдимми) Эй Аллоҳ, гувоҳ бўлгин! Эй одамлар! Мўъминлар бир-бирига қариндош, қариндошнинг ўз ихтиёри билан бермаган моли ҳеч кимга ҳалол эмас. Сизларга таблиғ қилдимми? Эй Аллоҳ, гувоҳ бўлгин! Мендан кейин муртадга айланиб, бир-бирингизни қирадиган кофир бўлманглар. Сизларга мен Аллоҳнинг китоби бўлган Қуръонни ўқиб эшиттирдим. Қуръонни маҳкам тутсанглар адашмайсизлар. Таблиғ қилдимми? Эй Аллоҳ, гувоҳ бўлгин! Эй одамлар, сизларнинг роббингиз бир, отангиз бир, ҳаммангиз бир отадан тарқагансиз. Одам Ато тупроқдан яратилган. Кимки энг муттақий (Аллоҳнинг буйруқларига амал қилиб, қайтарган ишларидан ўзини тийган одам) бўлса, у Аллоҳнинг назарида энг ҳурматли одамдир. Араб билан арабдан бошқа одамнинг қайси бири тақводор бўлса, ўшаниси афзал. Таблиғ қилдимми? Аллоҳ гувоҳ бўлгин! Гапларимни эшитиб турганлар бу ерга келолмаганларга етказишсин. Эй одамлар, Аллоҳ ҳар бир ворисга мерос насибасини белгиланган. Меросни фақат биргина ворисга васият қилиш дуруст эмас, мероснинг учдан биридан кўп қисмини васият қилиш ҳам яхши эмас. Бола эркакка мансуб, асло зиногарники эмас. Кимки ўз падаридан бошқа бировни ота деб, хўжасидан бошқа бировни хўжа деб даъво қилса, Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча кишиларнинг лаънатига учрайди. Унинг берган нарсаси ва гувоҳлиги қабул этилмайди. Сизларга омонлик ва Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!»

Расулulloҳ ҳаж маносикларини адо этиб, Минога йўл олганларида уч қайта такбир айтганлар ҳамда: «Биз раббимизнинг даргоҳига қайтгувчилармиз, тавба қилгувчилармиз, саждага эгилгувчилармиз, ҳамд айтгувчилармиз», деганлар.

Баъзи шаккоқ кимсаларда ҳажга фақат сўраш, тиланиш учунгина бориладими, деган савол туғилиши мумкинми. Ҳа, чиндан ҳам ҳажга ёлғиз Аллоҳга ёлбориб ҳақ йўлдан адаштирмаслигини, дилини имон нури билан мунаввар этишини, эл-юртига саодат ато этишини сўраш ҳамда истиғфор айтиш учун борилади. Шу баҳонада киши руҳан покланади.

Худди шахмат катакларидек бўлақларга бўлинган Арофат водийсини замонавий учоқлар бемалол кўнса бўладиган кенг йўллар кесиб ўтган. Ҳаж кунлари бу йўллар ҳам, тоғ-тош ҳам, иморату масжидлар ҳам одамларга тўлиб кетади. Мен бу ерда кекса отасини опичлаб юрган бир йигитни кўриб ғоят мутаассир бўлдим. Беихтиёр халқ орасидаги машҳур ривоят ёдимга тушди. Эмишки, бир йигит онасини опичлаб етти марта ҳажга олиб борибди ва юртнинг энг доно ҳукамосидан мен онамнинг розилигига эришдимми, деб сўраган экан, олим, йўқ, атиги онанг кечаси уйқусини бузиб бир марта эмизганининг ҳақини адо этдинг, холос, деб жавоб берган экан. Мен кўрган бахтиёр йигитга-ку Арофат водийсида отасини опичлаб юриш насиб этибди, лекин биздек ота дийдорига тўймаган, онасининг хизматини қилиб, кўнглини олиб улгурмаганлар тоғдек армонимизнинг залваридан эзилишдан ўзга чорамиз йўқ. Иссиққа зўрға бардош бераётган қари-қартанглар, ҳажнинг маъносига өтиб-өтмай ўйнаб юрган болакайлар, ҳаётнинг лаззатини эндигина тотган келин-кечаклар, ўспирин йигитлар менга бўлақча авлиёсифат одамлар бўлиб кўринишди. Шоҳ Машраб айтмоқчи: «Мунда ўртанган кўнгил охир етар мақсудига». Тўғри, бизнинг юртларимиздан ҳам заҳмат чекиб, жуда катта пуллар сарфлаб борганлар кўп, лекин надоматлар бўлсинки, уларнинг орасида Арофатга келмаганлар, Каъбани атиги бир марта тавоф этиб, дўконма-дўкон изғиб юрганлар йўқ эмас. Ҳаж кунлари бутун Маккага овоза бўлган шармандали ҳодиса юз берди. Бу мўътабар шаҳарда яшовчи бир одам юртдошларимиз келиб қолишибди, деб уларга совға улашмоқчи бўлибди. Оқкўнгил одам юк сайёрасига гилам босиб, ўзбекистонликлар тушган меҳмонхонага келтирибди. Ташқарида юрган уч-тўрт кишига биттадан гилам улашибди. Текинга гилам олган кўзи оч одамлар оғзининг танобини йиғиштиролмай ичкарига киришибди. «Гиламни қаерда сотишаётган экан?» деб сўрашибди қолганлар. «Сотишмаяпти, паства бир юртдошимиз текинга улашяпти», деган жавобни эшитган ҳажмюрт оёғини қўлга олиб ташқарига отилишибди. Юк сайёраси ёнида турган саховатли ҳамюртимизни босиб-янчиб ўзларини сайёрага уришибди, олғирроқлари икки-учтадан, бўш-баёвлари биттадан гиламлик бўлиб қолишибди. Ҳайдовчи йигит эса чалажон хўжайинини уларнинг оёқлари остидан зўрға тортиб олибди.

Кўзи ҳам, қорни ҳам очу бу кимсалар Арофат водийсида Аллоҳга нима деб зору тавалло қилишади, балки зору вовайло этишмас, балки яна бирон оқкўнгил ҳамюртимизнинг садақа беришини тилашар. Ҳаётнинг бу қадар мураккаблигидан, оламдаги сир-синоатнинг бу қадар кўплигидан, муомилаю муносабатларнинг бу қадар чигаллигидан, яшашнинг бу қадар қийинлигидан ҳайрону лол қоласан. Покланиш йўли бунчалар машаққатли бўлмаса, Арофат водийсида мен чин маънода ҳаж қилган, Аллоҳнинг фарзларини сидқидилдан адо этган одамлардан бирини — отасини опичлаб юрган бахтиёр йигитни кўрдим. Унинг реза-реза тер босган юзи, уйқусизлик ва чарчоқдан ҳолсизланган вужуди, тер ва чангдан кирлашган эҳроми, лекин тийрак боқувчи кўзлари ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Ушандан буён шу йигитни эсларанимда илоё унинг ҳажни қабул бўлсин, деб дуо қиламан.

Кун ботгандан кейин Муздалифа водийсига йўл олдик. Ҳаж таомили бўйича бу ерда ҳожилар шом билан хуфтон намозини қаср қилиб ўқийдилар ва вақт ярим кечадан ошгунча дам оладилар. Бу ерда дам оладиган махсус жойлар, чодирлар йўқ. Муздалифани Одам Ато билан Момо Ҳаво илк бор бир-бирининг васлига етишган жой, дея тавсиф қилишади. Арофатда куни билан ибодат қилган ҳожилар бу ерда бироз ҳордиқ чиқарадилар, тамадди қилиб, бир-бирлари билан суҳбатлашадилар. Вақт ярим кечадан ошгач, руҳан покланган ҳожилар Минога йўл оладилар. Пешин намозидан кейин шайтоннинг тимсолига тош отилади. Ривоят қилинишича, Иброҳим халилуллоҳ Аллоҳнинг амри билан ўғли Исмоил алайҳиссаломни қурбонликка сўйиш учун олиб кетаётганларида шайтон ёш йигитчанинг йўлини тўсиб, юрагига ғулғула солишга, отанинг иродасига қарши чиқишга ундаган, шунда Исмоил алайҳиссалом ердан тош олиб шайтонга отган эканлар. Шайтон тимсолига тош отиш ўшандан буён мусулмонларга удум бўлиб қолган.

Шайтон тимсолига еттита тошни отиб бўлингач, ҳожилар сочларини олдирадидилар ёки қисқартирадидилар ва қурбонлик тадориқига тушадилар. Ҳар бир ҳожи ўзи қўй сўйиши шарт эмас. Бу қўйларнинг гўшти аввало ҳожиларнинг ўзларига пишириб берилар, органи дунёдаги яшаш шароити оғир мусулмон давлатларига жўнатиладилар экан. Урта Осие республикалари ҳар жиҳатдан «тўкис, турмуши бадастиз» бўлгани учун бундай илтифотдан бенасиб. Сабаби, биз ялонғоч подшога ўхшаймиз, шармисорликдан кутулиш учун ёрдам сўраш ўрнига ўз аҳволимиздан фахрланиб юраверамиз.

Уч кун мобайнида кечки пайт Маккага бориб Каъбани зиёрат қилдик. Бу кунларда Масжиди Ҳаромга кириш амримаҳол. Одам кўплигидан лоақал бемалол намоз ўқишга жой топилмайди, Каъба атрофида юриш имконсиз, куннинг иссиғи, баданлардан чиқаётган ҳовур ва тер ҳидидан кўнгил беҳузур бўлади, лекин барибир одамлар оқими

кечаю кундуз камаймайди. Ҳамманинг фикри-ёди ҳам, тили ҳам фақат Аллоҳнинг зикри, шу кунларга етказгани учун шукрона айтиш билан банд.

Ҳайитнинг учинчи куни пешиндан кейин Раҳматуллоҳ Туркистоний «Сиз бугун кетадиган бўлиб қолдингиз. Истамбулга учадиган тайёрага билет олинди. Кечаси ўн иккида Жиддага сайёра кетади. Кечгача Маккага бориб, тавофи видео қилиб келинг», деб қолди. Кун айна забтига олган пайтда йўловчи сайёра излаб кўчага чиқдим. Юк сайёралари, ўн кишилик таксиларнинг яқинига йўлаб бўлмади, автобусларнинг тепасигача одам чиқиб олган. Мен ҳам эшиги очиқ бир автобусга тармашдим ва не машаққатлар билан Маккага етиб олдим.

Масжиди Ҳаромнинг ичи тандирдек қизиқ кетган. Тинимсиз ўқиётган дуолардан худди арининг уясидек ғувлайди: «Субҳоналлоҳ вал ҳамду лиллоҳ вала илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар...». Тавофи видеога келганлар шу қадар кўпки, Каъба атрофидаги очиқ саҳнга нина ташланса ерга тушмайди. Мен ҳам мана шу издиҳомга ўзимни урдим, аммо Каъба атрофини бир марта айланишга зўрға бардошим етди; куннинг иссиғи, баданлардан кўтарилаётган ҳовур, тер ҳидидан кўнглим беҳузур бўлиб, сафдан чиқиб кетдим. Устунлар орасидан жой топиб, узоқ ўтирдим, оби замзам ичиб сал ўзимга келгач, яна чаппар уриб айланаётганлар қаторидан жой олдим. Худди биринчи келган кунимдагидек товоним ерни ҳис этмай қўйди, қулоқларим юксак осмондан келаётган сас-садолардан бўлак ҳеч нарсани эшитмайди. Осмоннинг ҳар тўрт энлик жойида ўтирган муақкиллар тинмай нидо қиладилар: «Аллоҳ сен улуғ ва қодир зотсан, бизни йўқдан бор қилган ўзингсан, охираат кунида бизни юзимиз қора бўлмаслиги учун ҳидоятингни дариф тутмагин, мағфиратингдан бенасиб этмагин!» Бу кўкдаги фаришталарнинг эмас, менинг илтижоларим. Вужудим симобдек эриб, киприкларимга шаффоф томчилар сизиб чиқади. Бутун борлигим мана шу томчиларга жо бўлгандек, Каъба остонасига чак этиб томса, абадий фароғатга эришадигандек туюлади. Абадий фароғатга етмоқ душвор: кимга насиб этади-ю, кимга йўқ — Аллоҳнинг ўзигагина аён.

Каъбанинг ёнига бориш, яқиндагина ўзим кириб чиққан эшикнинг остонасига бош уриб, Аллоҳдан бу ерга яна келиш насиб этишини тилашнинг имкони бўлмади. Намоз устида ҳамма тилакларимни айтиб, яратганга илтижолар қилдим. Бу муқаддас даргоҳга яна келишдан умидвор бўлиб, Масжиди Ҳаромдан чиқдим. Минога етиб келганимда ҳожилар кечки овқатга кириб кетишган экан. Шоша-пиша шомни ўқидиму сафар тадорикини кўриш учун хонамга йўл олдим. Ҳамхонам доктор Юсуф Салоҳиддин нарсаларимни йиғиштиришга кўмаклашди. Бир-биримизнинг тураржойимизни ёзиб олдик. «Амин, сен амин одамсан», дея лутф қилди у. Мен ҳам ўз навбатида: «Сенинг юзинг асвад бўлса ҳам қалбинг Юсуф алайҳиссаломникидек асъад (яъни оқ)», дедим. Доктор Юсуф мириқиб кулди ва мени бағрига босар экан, пичирлаб дуолар қилди: «Аллоҳ сени ҳамиша ўз паноҳида асрасин!..» Мен ҳам эзгу тилаklar тиладим. «Сен бировга раво кўрганни у сенга раво кўрмаса, бундай суҳбатдошликда хосият йўқ», деганлар расулulloҳ. Мино дуолар ижобат бўладиган жой. Шояд бизнинг дуоларимиз қабул бўлса.

«Сизларнинг хушахлоқ, камтар, дўстлаштирувчи ва дўстликка интиланганлар қиёмат куни менга энг ардоқли ва энг яқин бўладиганинглардир», дея марҳамат қилганлар расулulloҳ. Минода мана шу фазилатларга эга одамларни кўп учратдим ва қиёмат куни пайғамбар алайҳиссаломга ардоқли бўладиган бу кишиларга ҳавасим келди. Маккада, Мадинада, Жиддада, Тоифда танишиб билишган одамларнинг ҳаммаси менга шундай азизу мукаррам зотлар бўлиб туюлишди. Минодан кетар эканман, расулulloҳнинг дуоларини тилимдан қўймай такрорладим: «Эй Аллоҳ, сендан тилагим шуки, раҳматинг билан қалбимни ҳидоят қилгайсан: ишларимни пароканда этмагайсан, тарқоқ ишларимни жамлагайсан, умид боғлаган ишларимни рўёбга чиқаргайсан, амалимни пок қилгайсан, мени барча ёмонликлардан асрагайсан. Эй Аллоҳ, осон ўлимни, шаҳидларча қазони, бахтиёр ҳаётни, душманлар устидан ғалаба қозонишни тилайман».

Жиддадан кўтаришган учоқ шиддат билан юксакка ўрлади. Яна сафар аввалидагидек сархуш ҳолатга тушдим. Бир ойлик сафарим, Каъбадаги, Мино ва Арофатдаги ибодатларим асносида дунёнинг аввали ва охирини англаб етгандек бўлдим. Лекин мана энди оёғим тупроқдан узилиб, еру осмон ўртасида муаллақ қолганимда дунёга келиб ҳеч нарсани уқмаганим аён бўлди.

Ҳаво мавжларида бир нидо янграр: **ҲАЕТ!**

Ҳаво бўшлиқларидан бир видео келар: **УЛИМ!**

Бошим узра зангори осмон, пастда эса тубсиз бўшлиқ, қулоқларим остида: «Осмон оҳлар уради, унинг фарёд чекмоғи жоиз, сабаби осмоннинг ҳар тўрт энлик жойида бир фаришта Аллоҳга сажда қилиб туради. Худо ҳаққи, мен билганларимдан хабардор бўлсанглар оз кулиб, кўп йиғлар эдинглар», деган ҳадиси муборак янграйди. Ҳар тўрт энлик жойда бир муақкил сажда қилиб турган осмонга тикилганимча аста пичирлайман: «Яратган эгам, ҳақ йўлдан адаштирмагайсан!»

Макка — Тошкент  
июнь — октябрь 1991 йил



## Ўзбекистон Республикаси

# Қўрғоқда қишлоқ қишлоқ-у, жўрғоқда қишлоқ қишлоқ эди?

«Бир миллатни йўқ қилиш учун унинг тарихини йўқ қилмоқ керак», деган экан буюк саркарда Искандар Зулқарнайн. Бу гапни у айнан Туркистон халқларига, хусусан бизнинг миллатимизга нисбатан айтган; демоқчи эмасмиз. Лекин шуниси аниқки, буни бутун Туркистонни мустамлакага айлантирган чор Россияси ўзининг асосий шиори қилиб олган эди. Октябрь тўнтаришининг меваси бўлмиш Шўролар ҳокимияти эса бу аънанани изчиллик билан давом эттирди. Оқибатда биз ўз тарихимиздан мосуво бир «миллат» бўлиб қолдик.

Шу сабабдан ҳам ҳозирги кунда ўтмиш ҳақиқатни билишга, айниқса «босмачилар» деб ном олган мужоҳидлар ва фуқаролар уруши даври тарихига қизиқиш ҳар қачонгидан ортди.

Гарчи тарихчиларимиз ўзларининг сўнги хулосаларини билдиришга улгурмаган эканлар, хизматимиз асосида йўл-йўлакай учраб қолган архив ҳужжатлари асосида баъзи фикрларни айтиб ўтишга жазм этдик.

Босмачиликнинг кучайишига, асосан инқилоб «ўлканинг мустақиллигини таъминлайди», деган халқ умидларининг пучга чиқа бошлагани сабаб бўлди. Устига-устак Фарғона аҳли дашиноқлар томонидан ваҳшиёна қириб ташландилар, «уездларнинг аҳолиси доимий равишда армиядаги тартиб-интизомсиз қизил аскарлар томонидан зўрандилар, ўлдирилдилар ва таландилар»<sup>1</sup>.

Қуйидаги ҳужжатда Шўролар ҳокимиятининг туб аҳолига нисбатан қандай сиёсат юргизганию ўша босмачи деб аталаётган Мадаминбеку Эргаш қўрбошилар қандай сиёсат олиб борганликлари яққол кўринади.

«Андижон депутатлар кенгаши Андижон уезди ҳудудида ҳаракат қилаётган қароқчи тўдалари бошлиқларининг хатларини бизга юборди, — деб бошланади Скобелев вилоят депутатлари кенгаши томонидан 1918 йил 19 декабрда Тошкент шаҳар Халқ Комиссарлари кенгаши номига юборилган телеграммада. — Андижонлик товаришлар! (у пайтларда коммунистларга «ўртоқ» деб эмас, балки «товарищ» деб мурожаат қилинар эди — И. И.) Биз сизларга шуни маълум қиламизки, Сизлар Қўғай қишлоғига келгансизлар ва тинч аҳолининг уйларига ўт қўйгансизлар. Бекор бу ишни қилдингизлар, агар бундай иш яна бирор марта қайтарилса, у ҳолда Сизларнинг станцияларингиз, заводу уйларингизга ҳам худди шундай ўт қўямиз. Агар сизлар урушишни хоҳласангиз биз билан урушингиз, халқ билан эмас. Биз барча тинч аҳолини хоҳ у ўрис бўлсин, хоҳ у яҳудий, хоҳ у арман бўлсин, хоҳ у сарт — барчаси баробар, деб ҳисоблаймиз. Кун бўйи пешона терини тўкиб ишлайдиган камбағал одамларга бундай зарарлар келтириш инсофдан эмас. Урушиш керак бўлса, сизлар билан мана биз урушамиз, тинч халқ эса сизлар билан ҳам, бизлар билан ҳам урушмайди. Агар сизлар халққа қарши урушни давом эттиравсангиз, у ҳолда 3 кун ичида Тошкентдан то бу ергача бирорта ҳам

<sup>1</sup> Ўзбекистон Марказий Давлат ҳужжатгоҳи, ф-р. 25, 1-ёзув, 300-иш, 55-б.

бутун нарсангиз қолмайди. Имзоловчилар: Мадаминбек, Эргаш қўрбоши, Холхўжа, Эшмат бойвачча, Маҳкамхўжа, Фаёз махсум».<sup>1</sup>

«Босмачи»лардаги бундай олижаноб ниятлар халқнинг «босмачилик»ка хайрихоҳлигини ошириди ва унинг сафларини тўлдирди борди.

Босмачиликнинг кучайиб кетишида яна бир омил бор, бу — озиқ-овқат тақсимоти-дир. «Мутлақ ҳарбийлардан иборат бўлган озиқ-овқат бўлинмалари орқали ўтказила бошланган озиқ-овқат тақсимоти яна салбий натижалар бера бошлади. Чунки бу бўлинмалар (зарурият туфайли) қаерда имконият топилса, ўша ерда озиқ-овқат эгаларига бир грамм ҳам қолдирмай тортиб олардилар»<sup>2</sup>. Баъзилар бундай ҳолатга фақат жойлардаги озиқ-овқат тайёрловчи бўлинмаларнинг ўзбошимчалигини сабаб қилиб кўрсатишга уринадилар. Лекин бу фикрға кўп ҳам қўшилиб бўлмайди. «Балиқ бошидан сасийди», деганларидек унда марказнинг ҳиссаси бениҳоя. Маълумки, 1921 йилги очарчилик юзлаб, минглаб одамларнинг ёстиғини қурутган. Тақчиллик Туркистонни ҳам қамраб олганига қарамай, марказдан салмоқли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришни талаб этувчи буйруқлар келаверган. Лениннинг Орол балиқчиларига Волгабўйи губернияларидаги оч қолганлар учун балиқ етказиб беришларини сўраб қилган мурожаатини бир эсга олинг. Кўп адолатли доҳиймиз очиқ мурожаатидан ташқари махфий буйруқлар ҳам юборган экан. Мана улардан бири:

«1921 йил 18 июлда бўлган Озиқ-овқат Халқ Комиссариати ҳайъати мажлисининг маълумотномаси (протоколи)дан.

Тингланди... 3. Уртоқ Малютиннинг марказий губерниялардаги очарчилик тўғрисидаги маърузаси. Уртоқ Малютин ўз маърузасида 10 кунлик муддат ичида 250 минг пуд озиқ-овқат (марказга) юборилсин деган ЛЕНИНнинг жанговар буйруғини ўқиб эшиттирди». Албатта, бу буйруқдан руҳланган Туркистон ҳукумати раҳбарияти «ким ошди» қабилда иш кўрадилар. «Уртоқ Малютин Халқ Комиссарлари Кенгаши Оренбургга 20 вагон дон бериш тўғрисида ҳамда Туркистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Ижроия Бюроси оч қолган губерниялар учун 20 вагон дон, 2 вагон гуруч, Орол денгизидан иложи борича кўпроқ балиқ ва қуруқ мевалар (шунингдек, 10 вагон Самарқанд ва 6 вагон Полторацк гарнизонлари учун) юбориш тўғрисида қарор қабул қилганликларига ишора қилди».

Қарор қилинди:

«Халқ Комиссарлари кенгаши ва Компартия Марказий Комитети Ижроия Бюросининг (юқоридаги) жанговар вазифалари ўртоқ ЛЕНИНнинг жанговар топшириғига кўшиб юборилсин ва бу топшириқ қуйидагича тасдиқлансин:

Еттисув вилоятига 70 вагон;

Сирдарё вилоятига 50 вагон;

Самарқанд вилоятига 30 вагон;

Вилоятларга бу талабни бажаришлари тўғрисида жанговар топшириқ берилсин ва уқдирилсинки, буларнинг ҳаммаси биз режа бўйича талаб қилаётган топшириқлардан ташқари бажарилиши керак. «Крайрыба» (ўлка балиқ тайёрлаш қўмитаси)га 6 вагон балиқ тайёрлаб, Оренбургга жўнатиши тўғрисида топшириқ берилсин».

Туркистон раҳбариятининг фатвосини олган жойлардаги «лаббайчи»лар Ленин буйруғини дўндириш учун яна қилич яланғочлаб қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй кезишади.

Маълумотноманинг давомини ўқиймиз: «Вилоятларга, барча бошқармаларга телеграммалар берилсин. Жанговар чоралар кўрилсин. (Бутун) озиқ-овқат fronti бўйича берилган бу буйруқда энг паст кўрсаткич олинган бўлиб, у аниқ ҳисоблангандир ва уни 100 фоиз бажаришни ҳар бир озиқ-овқат ходими ва ҳар бир озиқ-овқат ташкилоти бу ишни ўзининг умумий бурчи, деб ҳисоблаган ҳолда қандай қилиб бўлмасин адо этишлари шарт!

Қизил тахтага фақатгина ўзининг асосий топшириғини 200 фоиздан ошириб бажарган вилоятларгина ёзиб қўйилади».<sup>3</sup>

Бизнингча, қизил тахтага осиламан, деган ташкилотлар, вилоятлар кам бўлмаган.

Доҳийнинг буйруғию Туркистон раҳбариятининг сахийлиги оқибатида у ёқларда қанчалаб одам ўлмай қолгани аниқдир, лекин ўлкада неча кишининг нобуд бўлгани аниқ эмас.

«Ўтган инқилобий давр мобайнида нафақат қишлоқ, балки шаҳарлардаги мусулмон аҳолиси ҳам ҳукумат иқтисодий ташкилотларидан ҳеч қанақасига озиқ-овқат олгани йўқ. Аксинча бозорларни, ҳатто новвойхона ва ошхоналарни бекитиш тўғрисида аллақачон буйруқ берилган. Бу шаҳар шароитида пролетариатни ўлимга маҳкум қилиш билан баробардир; уларнинг озиқ-овқат берилишини ёки бозорларни очиб қўйилишини талаб қилган номалари тўғридан-тўғри рад этиларди. (Масалан) Наманган вилояти раҳбарлари «қурбон» ҳайити муносабати билан бир неча кун бозорни очиб қўйишларига рухсат

<sup>1</sup> УзМДХ, ф-р. 25, 1-ёзув, 79-иш, 19—20-бет.

<sup>2</sup> УзМДХ, ф-р. 25, 1-ёзув, 300-иш, 55-бет.

<sup>3</sup> УзМДХ, ф-р. 31, 1-ёзув, 268-иш, 117-бет.

бергани учун Наманган инқилобий қўмитасига ҳайфсан эълон қилди. Шаҳарлар ва шаҳарлар яқинидаги қишлоқлар озиқ-овқат (уларда бор ёки йўқлигидан қатъи назар) солиғи тўлашларига мажбур этилди ва ҳозир ҳам мажбур этилмоқда. Босмачилар эса бу ҳаракатга зид иш тутмоқдалар, улар нодон халқ оммаси кўзига халоскор бўлиб кўринмоқдалар. Мажбурий меҳнат қонуни, бозорларнинг бекитиб қўйилиши халқни бутунлай совет ҳокимиятидан узоқлаштириб юборди ва босмачилар сафи янада ўса борди».<sup>1</sup>

«Босмачилик шунчалик кенгайиб кетдики, бугун бўлмаса эртага Фарғонада шўро ҳокимияти ағдариб ташланиши мумкин»<sup>2</sup>, деб ёзган эди босмачиларни йўқ қилиш учун тузилган Фавқулодда учлик раҳбарлари.

Ниҳоят, шўролар 1921—22-йиллардан бошлаб ўзининг сиёсий йўлини бирмунча ўзгартириб, ён бера бошлади. Булар — вақфнинг қайтарилиши, эски мактабларнинг очилишига қонуний рухсат этилиши, шариатнинг тикланиши ва ҳоказолар эди. Шўро раҳбарлари буларни ҳолис ният билан қилган, дейиш қийин. Чунки 1921 йилнинг август ойида Фарғона босмачилари расмий равишда Шўролар ҳокимияти билан музокара олиб боришни таклиф этиб, Туркистон Шўроларининг Х қурултойига шариатга йўл берилиши, мактаб, мадраса ва масжидларнинг қайта очилиши, қозилик судловларини, диний бошқармаларни ва вақфи тиклаш, бозорларни очиш, ҳунармандчилик ва деҳқончилик ҳўжаликларини изга солиш ва босмачилар бўлинмаларини Қизил Армия сафига қабул қилиш каби шартларини қўйиб мурожаат этган эди. Музокарада барча тинч аҳоли қатнашган, шу сабабли юқоридаги талаблар халқнинг ҳам талаби эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Лекин бу талабларнинг барчаси ҳукумат томонидан рад қилинганди.

Бир неча ой ўтмасданоқ, чамаси Туркистон Марказий Ижроия Комитети агар шу талабларни қондирсак халқни, шариат пешволарини, қолаверса кўпгина босмачиларни ўз томонимизга ағдариб олишимиз мумкин, деган фикрга келади ва «сиёсий ён бериш»лар қилади. Аслида, бу босмачилар талабларининг иложсиз бажарилиши эди. Соддадил омма, аксари дин пешволари ва айрим босмачилар «сиёсий ён бериш»ларни ўз талабларининг қондирилиши, деб тушундилар ва Шўроларга яна хайрихоҳлик билан қарай бошладилар.

Ҳийлага асосланган бу сиёсатнинг натижаси шу бўлдики, Шўролар томонига ўтган деярли барча босмачилар умумий авф тўғрисида декрет бўлишига қарамай, отиб ташландилар, эски мактаблар, мадрасалар тез орада бекитилди, масжидлар ёпиб қўйилди ва бузиб ташланди, вақф қайтадан тортиб олинди, ҳатто «кечагина босмачиларга қарши курашда фаол қатнашган дин аҳллари ҳам чет эл разведкасининг айғоқчилари, деб эълон қилиндилар ва қаттиқ қатағонга учрадилар»<sup>3</sup>.

Шўролар ҳукумати «сиёсий ён бериш»лар ва бошқа кўрилган тадбирлардан сўнг озми-кўпми муваффақиятга эришади ва «қизил террор»ни барча вилоятларда кенг қўллаш бошлайди. Қуйидаги ҳужжатда бу нарса яққол кўринади.

«Мутлақо махфий

Самарқанд вилоятининг босмачиларни йўқ қилатурғон фавқулодда тройкаси

26 июнь 1922 йил. Самарқанд шаҳри.

Туркистон Марказий Ижроия Комитети пленумига

Марказ томонидан Самарқанд вилоятида уюштирилган Фавқулодда Тройка аввало босмачиларга қарши курашни, қолаверса вилоят теғрасида ҳаракат қилаётган барча партиявий, фуқаровий ва ҳарбий ташкилотларнинг фаолиятларини мувофиқлаштиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган ҳолда шу йил февраль ойининг охирида иш бошлади. Ўтган қисқа вақт ичида Фавқулодда Тройканинг қилган ишлари уларнинг қанчалик устунликка эга эканини ва бизнинг шу пайтгача босмачиларга қарши курашда қўллаган усулларимизнинг қанчалик етарсиз эканини кўришга имкон берди.

Курашнинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат:

1) Соф ташвиқот. 2) Оврўпалик ҳарбий кучларни қўллаш. 3) Кўнгилли милиция бўлинмаларини ташкил қилиш. 4) Сиёсий ён беришлар. 5) Ҳарбий кўрик (кучини кўз-кўзлаб халқнинг ва босмачиларнинг юрагига гўлғула солиш мақсадида — И. И.) ва ташвиқот билан бир вақтда ўтказиладиган террор.

Босмачилик ҳаракатининг пайдо бўлиш давридан бери қилиб келинаётган соф ташвиқот усули Шўро ҳокимиятига наф келтирмади. Чунки у тез орада ўзининг ҳаракатига сиёсий тус берган, ҳар томонлама халққа хизмат қилаётган босмачиларнинг аниқ ва ҳолис ишларига бардош бера олмаётган эди.

Босмачиларга қарши курашда Қизил Армия қўлланила бошлади. Лекин оврўпалик қизил аскарлар биринчи ҳарбий операцияларданоқ халқни талаш, унинг миллий ва диний ҳис-туйғуларини поймол қилиш билан шуғулландилар. Бу, албатта, ҳеч

<sup>1</sup> УзМДХ. ф-р. 25, 1-ёзув, 300-иш, 55-бет орқаси.

<sup>2</sup> УзМДХ. ф-р. 17, 1-ёзув, 45-иш, 128-бет.

<sup>3</sup> «Комсомолец Таджикистана» газетаси, 1989 й., 9 июнь



қандай фойда бермади, аксинча оловга ёғ қуйган билан баробар бўлди, босмачилар сафини тўлдиришга кўмак берди, холос.

Бу икки усулдан ҳафсаласи пир бўлган Фавқулудда Тройка Марказнинг кўрсатмалари ва шароит тақозоси билан кўнгилли милиция бўлинмаларини тузишга киришди. Мазкур бўлинмаларнинг вазифаси босмачи тўдаларини йўқ қилиш, сўнгра жойларда Шўро ҳукуматини тиклаш эди. Уларга аъзолар айрим шахсларнинг ёки бутун бир қишлоқларнинг кафолати асосида қабул қилинарди. Кийим-кечак, от-улов, озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаш аҳолининг бу чорани қўллаб-қувватлаган қисми зиммасига тушди. Уларни қуроллантиришни эса ҳукумат ўз гарданига олди. Лекин бу чора қутилган самарани бермаганлигига жуда кўп сабаблар борки, қуйида уларни тушунтириб беришга ҳаракат қиламиз.

Аввало, асосий айб кўнгилли милициянинг ўз вақтида ташкил қилинмаганлигида. Бунда айбнинг бир қисми марказ зиммасига тушади, чунки марказ бизни бир ойдан ошиқроқ вақт қурол билан таъминлай олмади, сўнг ҳам бор-йўғи «Гри» ва «Винтерле» типидаги 700 дона милтиқ билан таъминлади, холос. Бу қуролларни олиш вақтига қадар босмачи тўдалари шунчалик кўпайиб кетдики, эндиликда ўқув машғуллари ўтказаяётганда кўнгилли милицияни қўриқлаш учун доимий Қизил Армия қисмларидан фойдаланишга мажбур бўлдик, чунки босмачилар милиция қисмларини босиб олишлари, уларнинг от-уловларини яқинда марказдан олган қурол-аслаҳаларига олиб қўйишлари мумкин эди.

Бўлинмаларни ўқитиш зурурияти ва ўқув жараёни тугагандан сўнг уларни қисмларга тақсимлаб, қишлоқларга қўйиб чиқилса ўша заҳотиёқ катта босмачи тўдалари томонидан қуролсизлантиришлари турган гаплиги сабабли Фавқулудда Тройка кўнгилли бўлинмаларни шаҳарларга тўплади, лекин бу кўнгилли милиция бўлинмаларини тузишда ўз маблағларини берган ва уни ўзларининг ҳимоячилари бўлади, деб умид қилган кишиларнинг (аҳолининг бир қисми) хоҳишига бутунлай энд эди.

Шундай йўллар билан ташкил қилинган кўнгилли милиция бўлинмалари босмачилик ҳаракатига қарши турадиган куч бўлолмади, ҳозиргача улар жуда кучсиз, баъзан эса бутунлай ишончсиз, деб топилмоқда.

Сиёсий ён беришга келсак, у жуда кеч берилди. Агар марказ Фарғонада босқинчиликнинг ривожланиб бораётган вақтида ва бу ҳаракат бошқа вилоятларга ҳам тарқалишини олдиндан кўра билганда, ва ўша вақтдаёқ бутун Туркистонга сиёсий (сиёсий ён бериш дастлаб фақат Фарғонага берилган эди. — И. И.) ён берилганда эди, босмачилик ҳаракатининг илдизига болта урилган бўлар эди. Ҳозирги сиёсий ён беришни босмачилар (ташвиқоти таъсиридаги халқ) ҳукуматнинг халқ билан яқинлашиш мақсадида эмас, балки ўз мавқенин йўқотаётган ҳукуматнинг кучсизлигидан, деб билмоқда.

Анвар пошо ўз айғоқчилари ёрдамида халқнинг Совет ҳукуматига бўлган хайрихоҳлигини бутунлай йўқотмоқда. Чунки уларнинг халққа бераётган ваъдалари Шўро ҳукумати бераётган ваъдалардан бир неча баробар ошиб тушади. Яна шунини айтиш керакки, Шўро ҳукумати халққа берган бугунги ваъдасини хатоликка йўл қўйибмиз, деган бахона билан эртаси куниеқ, унинг асосий қисмини ёки ҳаммасини, бутунлай бекор қилади.

Ҳозирги кунда сиёсий ён бериш босмачиларга қарши кураш усули эмас, аксинча бунинг натижалари ниҳоятда ачинарли бўлиши мумкин.

Ўз кучлари билан босмачиларни йўқ қилиш умиди пучга чиққандан сўнг тақдир тақозоси билан Фавқулудда Тройка вилоят бўйича бир неча марта ҳарбий экспедициялар уюштирди; бундан мақсад ҳаддидан ошиб кетган босмачиларнинг ўзларига ишончларини оз бўлса ҳам камайтириш, ҳарбий кучни намойиш қилиш, ҳукуматнинг обрўсини кўтариш, Шўро ҳукуматининг ёрдамидан умидларини узган аҳолини бирмунча тинчлантириш эди.

Хавфсизроқ жойларни эгаллаб олган Фавқулудда Тройка кўнгилли милиция бўлимлари ва ўша ерда мавжуд бўлган Қизил Армия қисмлари билан бирга қўшилиб, экспедицион бўлинмалар тузиб, босмачилар ҳукмронлик қилаётган жойларга ташлади.

Террор, босмачиларга қарши кенг ташвиқот ва жойларда Совет ҳокимиятини тиклаш каби ишлар экспедициянинг асосий вазифалари эди. Ачинарли зарурият сифатида биз қўллаётган террор қуйидагилардан иборатдир:

Жиззах уездида халқ орасида обрўси банд бир неча маъсул ходимлар, афтидан ўлкада ҳокимиятнинг мустаҳкамлигига шубҳа қилиб, иккинчи тарафдан эса, босмачиларнинг ваъдаларига учиб, улар томонига ўтиб кетган эдилар. Улар ўша уезддаги босмачилар тўдаларига бошлиқ бўлиб олиб, бор кучини ҳокимиятни унинг реал кучи бўлган кўнгилли милиция бўлимлари қўлидан олиб қўйишга қаратдилар ва 40 кишилик Зомин кўнгилли бўлинмасига ҳужум қилдилар. Обрўларидан фойдаланиб, бўлинмани деярли қаршиликсиз ўзларига оғдириб олдилар.

Фавқулудда Тройка бу каби маъсул ходимларнинг босмачилар томонига ўтиб кетиб, юқорида кўрсатилган каби оқибатлар келтириб чиқарилишига чек қўйиш мақсадида, қолаверса, маҳаллий аҳолининг қариндош-уруғчилик ҳиссиётлари жуда кучлигини эътиборга олиб, қуйидагиларни амалга оширишга қарор қилди: 1) Қочоқ масъул

ходимларнинг қариндош-уруғларини (аёллардан ташқари) ҳибсга олиш ва уларни то босмачилик тугаб битмагунча қамоқларда ушлаб туриш; 2) Қочоқларнинг мол-мулкларини ҳамда ҳибсга олинган қариндош-уруғларининг мол-мулкларини мусодара қилиб, сотиб юбориш ва сотувдан тушган пулларнинг бир қисмини қочоқ ўзи билан олиб кетган қурол-аслаҳанинг товонига тўлаш, қолган қисмини эса кўнгилли милицияга харжлаш.

Зомин бўлинмасининг босмачилар томонига ихтиёрий ўтиб кетиши ҳамда охириги вақтларда кўнгилли милициянинг бошқа бўлинмалари ҳам ўтиб кетаётганлиги Фавқулодда Тройкани қочоқларнинг кафолатчиларига нисбатан ҳам юқорида кўрсатилган чораларни қўллашига олиб келади, яъни 1) Кафолатчи ҳибсга олинади. 2) Уларнинг мол-мулклари ҳамда қочоқларнинг мол-мулклари мусодара қилиниб, очик савдода сотилади, тушган пул эса юқоридаги каби қурол ва кўнгилли милиция учун сарфланади. 3) Агар қочоққа бутун қишлоқ кафолат берган бўлса, унда кафолатчилар, яъни бутун қишлоқ ҳибсга олинмайди, балки ҳар бир хўжалик 120 миллиондан жарима тўлайди. (Шундай экан, қайси киши ёки қайси қишлоқ ўз ихтиёри билан бировга кафолат берди экан, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу милиция «ихтиёрий» эмас, балки «мажбурий» бўлган — И. И.)

Бизнинг кучсизлигимиздан фойдаланган босмачилар шунчалик ҳадларидан ошиб кетдиларки, ҳатто вилоят марказларига ҳам ҳужум қилишиб, бой яшайдиган кишиларни гаровга олиб кета бошладилар. Гаровга олинган кишилар белгиланган нарх тўлангандан кейингина қўйиб юборилар эди. Айтилган вақтда тўланмаса гаровга олинган кишини отиб ташлашар эди.

Бундай ҳаддидан ошишларни чеклаш ҳамда айнан тўдалар бошлиқларига ҳаққоний зарар етказиш мақсадида Фавқулодда Тройка уларнинг қариндош-уруғларига ҳам қочоқ маъсул ходимларнинг қариндошларига нисбатан қўлланилган чораларни қўллади.

Хуллас, террорга асосланган ва ҳукуматнинг қўлида реал куч мавжуд эканлигига гувоҳлик бераётган бундай экспедицияларнинг натижалари очик кўриниб турибди.

Мана, Самарқанд уездида энг катта ва энг яхши уюшган Баҳромнинг тўдаси тор-мор қилинди. Баҳромнинг ўзи эса Бухорога қочиб кетди. Бошқа тўдалар эса жимиб қолишди, бизнингча улар фурсат кутиб ётишибди. Каттаўрғон ва Хўжанд уездлари босмачилардан тозаланади, бутун-бутун тўдаларнинг шўролар тарафига ўтиши кузатилмоқда.

Жиззах уезди вақтинча хатарли бўлиб қолмоқда, буни шундай изоҳлаш мумкин: у ерга юборилган экспедиция яқиндагина иш бошлади, шунинг учун натижаларга яқин кунларда эришамиз.

Аҳоли бундай экспедицияларга ниҳоятда хайрихоҳлик билан қарамоқда, террорчилик ишларимизни қўллаб-қувватламоқда ва ўзлари босмачиларни тутиб бермоқда.

Босмачиларга қарши курашда биз қўллаётган усулларни қисқача баён этар эканмиз, бу усуллар вилоятда босмачилик ҳаракатини бутунлай йўқ қилади, деб айтишга журъат қила олмаймиз, албатта...

Шундай қилиб, қўлланилаётган экспедицияларни уюштирилган кураш чораси, деб ҳисоблаб бўлмайди, улар фақат босмачилик гуруҳлари кучини сусайтиришгагина ёрдам беради ва биз вилоятга катта кучларни жалб қилиб, шу усулни қўлласак, босмачиликни бутунлай тугатишимиз мумкин, деб тахмин қилишимизга имкон беради.

Вилоятда Шўро аппарати таг-тагидан дарз кетган ва у чуқурлашиб кетишини тўхтатмоқ учун қўйидаги таклифларни қўллаш зарур ва бу таклифларимизни тасдиқлаб беришингизни сўраймиз.

1) Бутун Самарқанд вилоятида, иложи борича кўпроқ Қизил Армия қисмларини жалб этиб, ҳеч бўлмаганда бутун-бутун қишлоқларни ёқиб юборишдай вазифадан тап тортмайдиган ҳарбий террор уюштирилиши керак...

2) Тўдалар бошлиқларининг ва қочоқ маъсул ходимларнинг қариндошларига ва ихтиёрий равишда босмачиларга таслим бўлган кўнгилли милиционерларнинг кафолатчиларига нисбатан Фавқулодда Тройка қўллаётган тадбирларга розилик берилиши керак.

3) Аҳолига ён бериш тўғрисида шошилиш равишда, реал ваъда берилиши керак, лекин бу шундай йўл билан бўлиши кераки, халқ бу ён бериш босмачилик ҳаракатининг натижаси ва ҳокимиятнинг кучсизлигидан деб эмас, балки ҳокимиятнинг халққа яқинлашиши мақсадида бўлаётганини тушунсин.

4) Фавқулодда Тройкага маҳаллий ҳаёт шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўз ихтиёри билан бутун вилоятда шўро аппаратини қайта қура оладиган диктаторлик ҳуқуқи берилиши керак.

5) Сиёсий давлат бошқармаси ва Туркфронтнинг алоҳида бўлими ўзларининг вилоят ва уезд ташкилотлари билан алоқасини фақат вилоятда бўлаётган барча ишларга марказ олдида ягона маъсул Фавқулодда Тройка орқали боғлашлари мажбурий қилиб қўйилиши лозим. Бунингсиз, тажрибалар кўрсатганидек, Фавқулодда Тройканинг иши иложсиз ва бефойда бўлиб қолаверади.

6) Бандитчилик билан кураш вазифаси шахсий таркиби мутлақо тажрибасиз Оврўпо ёшларидан ва Туркистон коммунистик ёшлар иттифоқи аъзоларидан ташкил топган

алоҳида бўлимга юклангани муносабати билан Фавқулодда Тройкага алоҳида бўлимни тарқатиб, унга маҳаллий аҳолидан чиққан хизматчиларни жалб этиш йўли билан қайта ташкил қилиш ҳуқуқи берилиши керак.

7) Босмачиларга қарши экспедиция операцияларини ўтказиш учун Фавқулодда Тройка етарли қарз билан сўзсиз таъминлаб турилиши керак.

Фавқулодда Тройка раиси  
Масъул котиб

Сергазиев  
Хрушов». <sup>1</sup>

Ана сизга битта фавқулодда учлигу бу учликнинг қирғинга асосланган тавсиялари! Ана шундан кейин ҳам бу қирғинчиларга қарши чиққанларни ўз миллий озодлиги учун курашган деб санамай бўладими?

Босмачилик ҳаракатига оид мақолаларда, асосан Туркистоннинг марказ қисмларидаги аҳвол ёритилмоқда. Бу, табиий албатта. Чунки фуқаролар урушининг энг шиддатли жанглари айнан шу ерларда кечган. Шундай табиий бир савол туғилиши мумкин. Хўш, Туркистоннинг чекка ўлкаларида аҳвол қандай эди? У ерларга ҳам шўроларнинг қўли етиб борганми? У ерда ҳам босмачилар ҳаракати бўлганми? Майда миллатларга нисбатан шўролар юритган сиёсат қандай эди?

Эттисув вилояти Бишкек уезди делегатларининг Туркистон Марказий Ижроия Комитети раиси Т. Рисқулов номига ёзган «Баённома»сида бу саволларга бирмунча жавоб олиш мумкин.

«Қирғиз (1924 йилгача қозоқлар қирғиз, қирғизлар эса қора қирғиз деб юритилган — И. И.) халқининг ҳозирги аҳволини тасвирлашдан олдин, биз делегатлар, 1916 йилдан бери давом этиб келаётган ўша тарихий воқеаларни баён қилишни лозим, деб топдик.

Эттисув вилояти қирғизлари, айниқса Бишкек — Тўқмоқ ва Пржевальский — Норин қирғизлари учун мудҳиш йўл ҳозирги вақтгача гуллаб-яшнаган воҳаларни одамсиз қум саҳросига айлантирди. Қирғизларнинг, улар пайдо бўлганларидан бери барпо қилган чорвачилиги деярли йўқ қилиб юборилди. Айтиш мумкинки, барчаси бўлиб 20 фоизга яқин чорва қолди, холос. Авваллари қирғиз деҳқони фойдаланиб келган барча суғориладиган ерлар ҳозир рус қулоқлари томонидан тортиб олинди ва эгалари ҳайдаб юборилди.

Бу ҳолат ҳозир ўзгаришсиз қолмоқда, бунинг сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Аввало чор ҳукуматининг қирғиз халқига нисбатан ўйламай қилган сиёсати (кўчириш сиёсати) бўлса, бошқа томондан қирғизларнинг маданий ривожланиши учун мактаблар очилишини тақиқлаб қўйиши бўлди. Устига-устак чоризмнинг мардикорликка олиш тўғрисидаги фармони қирғиз халқини Николай II ҳукуматига қарши исён кўтаришга мажбур қилди. Исён вақтида қирғизлар рус крестянлари (деҳқонлари)га ҳам ҳужум қилган эдилар. (Ахир Россиядан кўчириб келтирилган деҳқонлар қирғизларнинг унумдор ерларига жойлаштирилган эди-да. — И. И.) Исён бостирилгандан сўнг крестянлар, ҳатто исёнда бутунлай қатнашмаган қирғизларга ҳам (жуда) душманлик кўзи билан қарадилар. Улар генерал Курапаткиндан фузалор-аслаҳа олишлари биланоқ қирғизларни чигиртка қиргандай қира бошладилар. Чорва молларини ҳайдаб кетдилар, уйларга ўт қўйдилар, бутунлай гуноҳсиз болалар ва аёлларни ўлдирдилар.

Буюк рус инқилоби ғалаба қозонганда эса қирғиз халқи сал эркин нафас олгандай бўлди ва тинч ҳаётни, крестянлар томонидан зўравонлик ва қотилликлар тўхтатилишини умид қила бошлади. Афсуски, бу умидлар сароб бўлиб чиқди. Крестянлар қуюшқондан чиқиб (одамларни) баттароқ ўлдирдилар, мол-мулкларини таладилар, эгаларини эса ҳайдаб юбордилар, қулайроқ вазиётда эса милтиқларидан отиб ташлар эдилар, ҳатто болта билан чопиб ташлар, эркагу аёл, ҳатто болаларнинг мурдаларини ўтда куйдирардилар. Баъзи жойларда 3 ярим ойлик, 7 ойлик болаларни найза билан ўлдирганлар (бу ҳақдаги далил 1-участкадаги мировой судиянинг тортмасида ётибди).

Бу воқеалар муваққат ҳукумат пайтида бўлган эди. Қотиллик шунчалик кўп бўлган эдики, уларнинг барчасини ёзиб чиқишга қалам ожизлик қилади. Жиноятчиларнинг қотилликлари тўғрисидаги далиллар аллақачон йўқ бўлиб кетмоқда, қамоқдан озод қилиб юборилганлар эса ҳозир ҳам юқори лавозимларда ишламоқдалар. Шундай фактлар содир бўлганки, масалан, Пржевальский уездида чўлда кетаётган қуролланган крестянлар тўдасидан «қаерга кетяписизлар?» деб сўрашганда, «қирғиз овлашга» деб жавоб беришган.

Муваққат ҳукумат бошқарган февраль инқилобини шу тариқа баъзи уездларда қолган-қутган қирғизлар «инқилоблар тарихи»га кузатиб қўйишди.

Ниҳоят, биз қирғизлар февраль ойда, Бишкек уездида Шўролар ҳокимиятининг янги инқилобини кутиб олдик ва тинч, меъёрдаги ҳаёт томонга қараб бирозгина ўзгариш сезгандек бўлдик.

Шўролар ҳокимияти тепасида ўтмиши жиноятчиликда ўтган кимсалар ва қирғиз

<sup>1</sup> ЎзМДХ. ф-р 17, 1-ёзув, 45-иш, 150—155-бетлар.

урф-одатлари билан нотаниш бўлган кишилар (яъни, марказдан юборилган «инқилобчилар» — И. И.) ўтиришибди. Ҳамма ерда Шўролар ҳокимияти — бу камбағаллар, эзилган халқлар ҳокимияти, бу ҳокимият эзувчилар синфнинг душмани, барча зўравонлар, қулоқлар, бойлар, амалдорлар ва чайқовчиларнинг душмани, деб эшитдик. Ҳақиқатда эса аксинча, Шўролар олди-орқага қарамасдан зўравонлик билан шуғулландилар. Меҳнаткаш қирғиз оммаси устидан, ҳеч нарсани суриштириб ўтирмасдан зўравонлик ўрнатдилар. Шўро кенгаши аъзоларидан баъзилари қирғизларнинг 1916 йилги исёнини ва крестьянларни ўлдирганликларини ҳеч ҳам кечира олмасликларини очиқ айтдилар.

11 февралдан то 1918 йилнинг кузигача ҳар хил крестьянлар ва ҳокимиятда турган шахслар томонидан қирғизларнинг талайгина армияга яроқли ункур отлари тортиб олинди, ҳеч бир суриштирилмасдан жуда катта миқдорда ашёлар реквизиция (мол-мулкни, қийматини тўлаш шарти билан давлат ихтиёрига олиш) қилинди. Бундай шахсларга нисбатан барча шикоятлар ҳукуматнинг тепасида ўтирган шахслар томонидан эътиборсиз қолдирилаверди. Ҳар ой волост (бўлис)даги мансабларга сайловлар ўтказилди, лекин бу мансабларга ким кўп пора берса ўшалар сайланишар эди. Агар кимдаким бундай хоризм анъанасидаги сайловлардан норози бўлиб шикоят қилса, бундай кишилар қамалар ёки отиб ташланар эди.

...Анархия (бошбошоқлик)га, бўлган дейиш қийин албатта, чунки ҳокимият мавжуд эди, лекин у ўзи анархия зўравонликка ва бошқа жиноий ишларга раҳбарлик қилар эди.

Ерни, боғларни, чорвани, пулни ёки отни тортиб олиш оддийгина ҳол бўлиб қолган эди. Бу ашёларнинг эгаларига, гарчанд ғазабдан руҳан эзилган бўлсалар-да, «марҳамат, нима керак бўлса олинглар, фақат мени ўлдирманглар», деб ялинишдан ўзга чора йўқ эди.

Кўпчилик қирғизлар ёзда ўз юрт (ўтов)ларида яшамас эдилар, ҳозир ҳам яшамайдилар, чунки бирортаси келиб қолишдан кўрқишади, ёзда қирғизлар яшайдиган волостларда қуролланган қизил аскарлар ва крестьянлар жуда кўп бўлишади, гўё улар 1916 йилдаги исёнда келтирилган зарарлар учун товон олаётган эмишлар ёки исён пайтида исёнкор қирғизлар билан қочиб кетган барча қирғизларни ўлдираётган эмишлар.

...Яна бир-икки оғиз Оқсув исёни тўғрисида гапириб ўтмоқчимиз. Бу исёни Оқсув крестьянлари уюштирган эдилар, охир-оқибатда ҳамма бало дунганларнинг бошларига тушди. Улар шунчалик таландиларки, ҳозирги пайтда уларнинг кўпчилиги эти суягига ёпишиб кетган бахтиқаро ҳайвонларга ўхшайди. Улардан тортиб олинган ашёлар крестьян ва қизил аскарлар ўртасида бўлиб олинди, исёнкорларни жазолашга келганда эса дунганларни ҳеч сўзсиз отиб ташладилар. Икки юзтача дунган пулемётлардан отиб ташланди, ўлганларнинг кўпчилиги пролетариат синфи эди.

1920 йил»<sup>1</sup>.

Мана бу ҳужжатлар таранчи элати бошига тушган кулфатлар ҳақидадир:  
«Россия коммунистик фирқаси қизил мусулмон конференциясига юборилган Етти-сув вилояти вакилларининг Турккомиссияга ёзган

#### АРИЗАЛАРИ

Тошкент, 30 январь 1920 йил.

Туркистон жумҳурияти Еттисув вилоятида 150000 таранчи элати яшайди. Улар турк қабилаларидан бири бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланиб келганлар. Тарихий манбаларга қараганда, улар тахминан 250 йил илгари Хитой чегараларида яшаганлар ва Хитой амалдорлари томонидан азобланганлар. Таҳқирланиш ва қулликда яшаш ниҳоятда жонига теккан бу элат мустақиллик йўлида курашиб, XIX асрнинг II ярмида ўзларининг мустақил хонлигини туздилар. Лекин 1830 йили хитойликлар бу хонликни тор-мор келтирилганларидан сўнг таранчилар Еттисув вилоятига кўчиб ўтганлар. Ушанда рус ҳукумати ҳар бир оилага бир ярим, 2 танобдан яроқсиз ер берган эди. Инқилобдан олдин шу ерларда ва кўпроқ рус крестьянларининг ерларида батрак бўлиб кун кечирганлар.

1918 йил апрель ойида Верный шаҳри казаклар томонидан эгалланди. Улар таранчиларни аёвсиз таладилар, калтакладилар. Бу уезд Шўролар томонидан босиб олингандан сўнг Қизил Армия таранчиларни аёвсиз ўлдирдилар, уларнинг қишлоқларини талаб кета бошлашди. Натижада 14 000 таранчи ўлдирилди. Қолганлари эса ҳар томонга, кимдир тоғларга, кимдир Хитой ҳудудига қочиб кетди. Уларнинг кўпчилиги тоғларда очликдан ўлиб кетишди.

Рус крестьянлари эса уларнинг қишлоқларини эгаллаб, етиштирилган тайёргина ҳосилни йиғиштириб олдилар. Қочиб кетишга жисмонан кучлари етмаган қари-қартанлар холера (вабо) каби юқумли касалликларни тарқатиб, дайдиб юрардилар. Улар ҳеч нарсасиз оч қолиб кетган эдилар. Аёллар ва болалар бутунлай кийим-бошсиз қип-ялан-

<sup>1</sup> УзМДХ, ф-р. 17. 1-ёзув, 686-иш, 148—149-бетлар.

Ғоҷ чўлларда дайдиб юрар эдилар. Улар қандай машаққат чекканини ёзиш учун қалам ва қоғоз оқиздир. Буларнинг ҳаммаси марказий ҳукуматга маълум бўлиши керак.

Уларнинг кўпчилиги чегарадан ўтиб Хитойнинг Қашқар, Янсу, Турфан каби шаҳарларида, энг паст ишларда ишлаб юрибдилар. Бу ҳолат Хитой халқида Совет ҳокимиятига нисбатан жуда салбий фикр туғдирмоқда. Ҳукуматнинг бундай тактикаси (кураш усули) Шарқ сиёсатига мутлақо тўғри келмайди.

Гарчанд авф (декрет № 250) эълон қилинган бўлса-да, лекин натижаси йўқ, чунки қайтиб келган таранчилар яна рус крестьянлари томонидан таландилар. Ҳукумат ҳам уларга ҳеч қандай моддий ёрдам кўрсатмади. Ишчи кучларини жалб қилиш (мобилизация) тўғрисида фармон эълон қилинганда эса қуролланган крестьянлар уларни тўда-тўда қилиб ҳайдаб кетишди. Хуллас, гапни лўнда қилиб айтганда, бутун ёз бўйи улар рус крестьянлари учун ишлаб бердилар. Ҳатто крестьянлар эгаллаб олган таранчиларнинг собиқ ерларида ҳосил йиғиштирилмай қолиб кетди ҳам, лекин ерлар ўз эгаларига қайтарилмади.

Бу трагедия (фожа)нинг сабаблари қуйидагилар: отряд бошлиғи Мамонтов «таранчилар бутунлай қириб ташлансин», деб қишлоқ шўроларига буйруқ берган эди. Бу фактни таранчи вакиллари қурултойда исботлаб беришлари мумкин эди. (аммо...) бунга ҳатто МИК раиси ўртоқ Лимиров ҳам тасдиқлайди...

Қизил мусулмонлар III қурултойининг вакиллари. 5 имзо»<sup>1</sup>.

«Еттисув вилояти фуқаролар уруши пайтида Шўролар ҳокимиятининг душманлари теғрасида бўлган найманларнинг аҳволи тўғрисидаги

### БАЁННОМА

3 апрель, 1920 йил, Верний ш.

...Бошқа қирғизлар сингари найманлар ҳам шўролар ҳокимиятини хайрихоҳлик билан кутиб олдилар.

Қирғизларнинг мистик психологияси шундайки: улар бугун бўлмаса эртага, барибир ҳақиқат тантана қиладиган соат етиб келади, деб ишонадилар. Еттисувдаги апрель давлат тўнтаришини қирғизлар эксплуатация ва хўрликлардан озод қилувчи ўша ҳақиқат тантанаси (соат) деб тушунган эдилар. Давлат тўнтариши даврида қирғизлар ўз жойларида муқим қолдилар, албатта. Уюшмаган, маданиятсиз, эски маиший-сиёсий аҳволда қолиб кетган қирғизлар, албатта, пролетар инқилобининг талабларини тушуниб етмаганлар ва бўлаётган воқеликка фаол қатнашмай қолган эдилар. Лекин шуни айтиш керакки, қирғиз интеллигент (зиёли раҳбарияти давлат тўнтарилишидан кейинроқ шўро ишларига аралашиб кетишди, улар ишчи-деҳқон депутатлари кенгашларида қатнашдилар.

Минг афсуски, бир ой ўтар-ўтмас Еттисув ўлкасининг маиший аъналарини билмаслик оқибатида ҳамда ҳар хил фармация (қарашлар)га мансуб шовинист (миллатчи)лар ва авантюрист (таваккалига иш бошловчи кишилар) раҳбарлиги остида инқилобнинг эҳтирослари бошланди.

Эҳтирослардан бири — қадим-қадимдан оммани ўз кетидан эргаштириб келган қирғиз интеллигенциясини таъқиб қилиш бўлди. Натижада барча қирғиз интеллигенцияси қочиб қолишга мажбур бўлди.

Бошқа эҳтирос эса қирғиз хўжалигининг ҳар хил ташкилотлар ва ҳатто алоҳида қуролланган шахслар томонидан аёвсиз реквизиция қилиниши ва таланиши бўлди. Бунинг оқибати қирғизларнинг ўзлари томонидан барча ашёларни ерларга кўмишларига, сотиб йўқ қилинишига, тақсимланишига олиб келди.

Учинчи эҳтирос тинч қирғиз аҳолисини бесабаб қириш бўлди. Бунинг натижасида қирғизлар бутун большевиклардан юз ўғирдилар. Худди яқиндагина бўлган Муваққат ҳукумат даврида «қачон озодлик тугар экан-а», деганлари каби «қачон большевиклар тугар экан-а» дейдиган бўлишди.

Буларнинг ҳаммасини биз гапирмоқчи бўлган найманлар ҳам бошидан кечирдилар.

1918 йил июлда найманлардан турли бўлинмалар, ҳарбий қисмлар ва қуролланган шахслар томонидан 10 мингдан ортиқ отлар эгар-жабдуқлари билан бирга реквизиция қилинди. Яна Мамонтов ва Иванов бўлинмалари Сергиполга қилган юришларида (бўлинмаларнинг) йўлида учраган тинч қирғиз аҳолиси қириб ташланди. Шу йилнинг август ойида эса қирғиз аҳолиси Черкасский, Петропавловский, Антоновский, Покотильский ва бошқа рус қишлоқларининг крестьянлари томонидан калтакландилар ва 7 мингдан ошмироқ қирғиз пашшадай қириб ташланди. Шундай қилиб крестьян-большевиклар ўзларининг юқоридаги ҳаракатлари билан қирғиз аҳолисини ўзидан узоқлаштирди.


Шу вақтга келиб, яъни 1918 йилнинг август ойида Ленинский уездига биринчи казак бўлинмалари қириб келиб, амалда шимолий фронтни очиб берганларида, табиийки, қирғизлар уларни ўзларининг халоскорлари сифатида қарши олдилар»...<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Уша ерда. 151—152-бетлар.

<sup>2</sup> УзМДХ. ф-р. 17, 1-ёзув, 236-иш, 249—252-бетлар.

Бу ҳужжатлардан кўриниб турибдики, «хўроз ҳамма жойда бир хил қичқирган». Шундай экан, босмачилик ҳаракатининг кучайиши турган гап эди. Лекин қирғиз халқини, яъни ҳозирги қозоқ халқини босмачи деб аталмиш маломатдан қутқазиб қолган бир нарса мавжуд. У ҳам бўлса бу ўлкаларнинг 1918 йил ўрталаридаёқ оқ гвардиячилар томонида қолиб кетгани бўлди. Акс ҳолда босмачиликнинг, миллий озодлик ҳаракатининг пайдо бўлиши муқаррар эди. Фикримизнинг исботи шундаки, казакларнинг Етти-сув ўездларига кириб келиши биланоқ қирғиз кўнгиллиларидан иборат эскадрон тузилган эди.

1918 йилнинг охирига бориб эса Алаш полклари деб ном олган қирғиз полклари ўз ерларини шўролардан тозалаш мақсадида казаклар томонида туриб, 20 ой давом этган фуқаролар урушида иштирок этдилар. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, полклардаги қирғизларнинг барчаси кўнгилли эмас эди, чунки казаклар биринчи қирғиз кўнгилли эскадронининг жангларда кўрсатган маҳоратини кўриб, қирғизларни жалб этишни йўлга қўйган эдилар. Демак, босмачилик шўроларнинг нотўғри сиёсатига қарши куч сифатида туғилиб, юзага келган, деб бемалол ва баралла айтишимиз мумкин. Улар қизил қирғинга қарши турган мард боболаримиз эдилар.



Муҳтарам бош муҳаррир!

Сиз раҳбарлик қилаётган ойнома саҳифаларида Қуръони карим маъно таржимаси билан танишиб чиққанимиз учун сизларга билдирадиган миннатдорчилигимизнинг чеки йўқ! Сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз туфайли энг ноёб маънавий ёдгорлик хонадонларимизга кириб келди, файзу барака улашди. Албатта, бунда Алоуддин Мансурнинг хизматлари адо бўлмас таърифга эгадир. Илоҳо, мингга киринглар...

Ойноманинг бу йилги биринчи сониде Омина Тожибоеванинг «Баҳолардаги ошқо-ралик» деб аталган мақоласи берилди. Мақолани ўқиб, биз — бир гуруҳ тил-адабиёт ўқитувчилари, мамнун бўлдик. Муаллиф бу мақолада ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда долзарб масалаларни кўтарган. Ўқувчида дарсга меҳр уйғотиш, синфдан ташқари ўқишнинг моҳияти, қизиқтириш йўллари кидириб топиш баҳони ўқувчилар фикридан келиб чиқиб белгилашга оид янги фикрлар айни ҳозирги даврдаги мактаб ҳаётига жуда тааллуқлидир. Биз ўз мулоҳазаларимизни филология фанлари доктори А. Нурмановга билдирганимизда, у киши ҳам бизни маъқуллаб, мазкур муаллиф бундан икки йил муқаддам вилоят рўзномасида ҳам шундай йирик мақола билан чиқиб, давр талабига мос, янги фикрларни омма муҳокамасига ташлаганини таъкидладилар. Бизлар ҳам шундай фикрда эдик.

Бизнингча, мақола муаллифи ўзининг дадил фикр-мулоҳазалари, муҳим ва долзарб масалаларни ўртага ташлаб, янги тақлифлар киритганлиги билан ҳам жуда кўпчилик тил-адабиёт ўқитувчиларининг дилдаги гапларини топа олгани, янгиликпарварлиги билан ҳам ойноманинг йиллик мукофотига муносибдир. Бизлар Тожибоевни фоят ҳақиқатчи инсон, жонкуяр мураббий сифатида ҳам яхши биламиз. Хуллас, таниқли адиблар, журналистлар қатори, Тожибоева ҳам «Сурхон» мукофотига муносиб топилса, деган умиддамиз. Зеро, мақоланинг мазмун-моҳияти ҳам, муаллифнинг фидоийлиги ҳам шундай рағбатга муносибдир...

Андижон вилояти, Пахтабод  
туманининг бир гуруҳ ўқитувчилари (жами  
йигирмата имзо)



## ҲАЙРАТ ГУЛЛАРИДАН ТАРАЛМИШ ИФОР



**Пахлавон Содик**

*Тошкент Давлат Дорулфунуни  
журналистика куллийетининг толиби*

\* \* \*

Кўнгил кулбасида битта дарича,  
Мен зиё буржиги бандиман, қулман.  
Тийра манзилларда титраниб, ўчган  
Вужуд маҳраמידан мосуво тулман.

Бебақо шуурда ҳисси жовидон,  
Руҳий насимларда қалқидим, билдим.  
Билқис дийдорига илҳақ Сулаймон  
Меҳри жилвасидай балқидим, билдим.

Зикримда битта ҳамд — зикр этилмаган,  
Қисмат битигида солланган сано.  
Бир маъно — тубига ҳеч етилмаган  
Тўрт унсур мавжидан яралган маъно.

Ўзимдек ўзидан ўзгачадир дил,  
Ўзидек ушбу кун танҳоман, мен ҳам.  
Борлиғи сезгисиз қолган неча йил  
Дунёсига тобе дунёман, мен ҳам.

Ҳайрат гулларида таралмиш ифор,  
Димоғ сувратида рангин капалак.  
Бошимга эврилса чархи кажрафтор,  
Мени олиб ўтса тўққизта фалак —

Руҳимга битарми эдинг қасида,  
Маскан тутармидинг йўқлик кунжини.  
Утинчим: яралдинг илоҳ сасидан,  
Еритиб тургайсен кўнгил буржини!

Кўнгил кулбасида битта дарича...

\* \* \*

Баҳрга чўқтирдим бебаҳра дилни,  
Шамолга алишдим покиза гилни,  
Қироат айладим Мирзо Бедилни —  
Руҳият, насими на сийм, Насимий?

Ташна гул лаби май васлига қонди,  
Дудоғи қандидан шаккари томди,  
Яшил яроғига яширди жомни —  
Руҳият насими на сийм, Насимий?

Жодуга чулғанган кўзларида хоб,  
Киприк-пайкони айламиш ҳижоб,  
Бу не соз садоси — умид ё рубоб? —  
Руҳият насими на сийм, Насимий?

Зулфи камандига бандидир ҳилол,  
Ғунча даҳанида чашмаи зилол,  
Ёноғи лавҳига битилмиш савол:  
Руҳият насими на сийм, Насимий?..

\* \* \*

Нигоҳлар пойимда тўшалиб ётар,  
Ранглар тун бағрига кетар қоришиб.  
Сенинг пок кўксингда титраган ҳаё  
Беғубор ҳисларнинг тунги болиши.

Бағрингда «аллалар» — покиза хаёл,  
Ожиза туйғунинг бокира исми.  
Менинг кўксим аро ёйилиб кетар —  
Тунги чечакларнинг муаттар иси.

Руҳимда кезади бир ажиб мастлик —  
Эҳтирос жомидан симирган шароб.  
Мен энди ишқ деган азобга маҳкум,  
Мен энди севгидай бахтга мушарраф!..

Тунлар бармоқларим қидиришар жим,  
Чечаклар шўх гулган дудоқларингни.  
Энди тушларимда излаб чиқаман —  
Пойимга кўмилган нигоҳларингни...

Тиз чўқдим. Рухимда тоғлар тек қотди,  
Қорачиқ — тош каби ботди-ку, кўзга.  
Бу сўзни хоинмас, жўмардлар айтди:  
«Доимо бешафқат яшагин ўзга!»

Йўқотганим энди — биргина рўё,  
Топганим — ростлардан бутланган иймон.  
Мен покман... мен покман... ўзимча гўё  
Ва лекин титраб турибман ҳамон.

Итоат этмоққа шошмагин, юрак,  
Сабр қил, фотиҳа очмоққа сен, кўл.  
Яна минг бор тавба қилмоғим керак,  
Ҳали ювилмаган гуноҳларим мўл!..

Чортоқ

## Олим Усмонов



Тошкент Давлат Дорулфунуни  
тил-адабиёт қуллиётининг  
толиби.

Кавкаблар равзаси булутлар ёпмиш,  
Чақинлар бағрини чаёндай чакмиш,  
Сирқираб-сирқираб ёшлари оқмиш,  
Шокила-шокила мажнунтол.

Қани шамс авлоди — милён чечак,  
Қани боғ оралаган сулув келинчак?  
Кўзёшим ёмғирга қўшилар чак-чак,  
Шокила-шокила бу хаёл.

Нигоҳим мажнундай кезар самони,  
Гўёким гўянда, йўқдир забони,  
Булутлар ортида руҳи равони,  
Заволдир кокил-а, ох, завол!

Аждарҳо комида кавкаб чамани,  
Қадарнинг илгида кўнглим маҳзани,  
Ҳубобдек юрагим — сирлар маскани,  
Ёрил-а, ёрил-а, бер шамол!

### Зиндонда ётган Алпомишнинг ёри — Ойбарчинга хаёлий мактуби

Қалмоқ элда қолиб кетдим, қараб кўзинг толдима,  
Не жангларда қолиб эдим, қай кунларга қолдима,  
Ёв ёнголмай, мақр билан зиндонига солдима,  
Қаро шомим ёритгучи — Ойбарчиним, йиғлама,  
Баҳорларни бошлаб келар — кўгарчиним, йиғлама!

Ҳаним кулди чоҳ устида, кўкайимни куйдирди,  
Чорасизлик адо қилди, ўз жонимдан тўйдирди,  
Фақат сенинг хаёлгинанг яна мени сўйдирди,  
Қаро шомим ёритгучи — Ойбарчиним, йиғлама,  
Баҳорларни бошлаб келар — кўгарчиним, йиғлама!

Бу чархи каж кажлик этди, ёвнинг юзин ёруғ этди,  
Қизил гулдай ёноғингни чўнг савдолар сариғ этди,  
Қай гуноҳлар эвазига тангрим меҳрин дариғ этди,  
Қаро шомим ёритгучи — Ойбарчиним, йиғлама,  
Баҳорларни бошлаб келар — кўгарчиним, йиғлама!

Менинг сабрим мустаҳкамдир, берк тошларни ёргуси,  
Бидакларим метин мисол тошларни қўпоргуси,  
Кутгил, алпинг қолиб бўлиб Қўнғиротга боргуси,  
Қаро шомим ёритгучи — Ойбарчиним, йиғлама,  
Баҳорларни бошлаб келар — кўгарчиним, йиғлама!



Замҳарир ҳавога чиқдим яланғоч,  
Эй бако қопқаси, туйнугингни оч,  
Турбатим шамолда тўзғит, совур, соч,  
Мен қайтмоқ истайман ўзимга!

Бу дайри фанода ботдим қорага,  
Рухимни тилкалаб минг бир порага,  
Иблисни қоровул қўйдим орага,  
Мен етмоқ истайман ўзимга!

Қанчалик ювсам-да кетмас бу қора,  
Дам сайин кўпайиб борар тобора,  
Англадим, кетмоқлик энг сўнги чора,  
Оҳ, қачон кетгайман ўзимга?!

Шўрчи



Сайёра Ҳалимова

Тошкент Давлат Дорулфунуни  
журналистика куллитининг толибаси

Дунё, кучоғингга бош қўяр қалбим,  
Қалдирғоч тош қотган забоним чўқир.  
Бир ёниқ оламнинг ёнар юраги,  
Наҳот юрагимнинг кўзалари сўқир?!

Қадамлар синиқар йўллар бағрида,  
Майсалар чопқилаб сўрайди бардош.  
Қўлларин узатар замин қўлига,  
Тонгни кутиб сочи сарғайган куюш.

Ишончинг қўллари синар бегуноҳ,  
Умид гулларининг сўлғин юзлари.  
Лаблари қақраган замин тун ичар,  
Соғиндим мен сизни, тонг юлдузлари.

Бир гўзал уйғонар ойнанинг қафтида,  
Барчинлар уйғонсин, осмони момо.  
Кўксингда мунчоқнинг йўллари тизим,  
Алпомишлар тақиб кетганмиди ё?!

Ёниқ кечалардан сўрар бир остон,  
Бир ишонч, умиднинг ёниқ диллари.  
Мисралар, қалбимнинг қонини ичинг,  
Қонсин юрагимнинг қонмас тиллари.

Моҳим, моҳитобон умрим менинг,  
Тақдирнинг азалтош бағрида бутман.  
Мен ёлғиз ҳайратман, ҳайратман энди,  
Буюк муҳаббатга қошона юртман.

Бу йўллар тақдирга боғланган қарвон,  
Умр ҳам бир туш, бир буюк армон.  
Сен ўзинг омон, омон бўл, омон,  
Мен сенга, мен сенга сиғиниб қолдим,  
Моҳим, моҳитобон умрим менинг.

Бир буюк кадрнинг остонаси бут,  
Бир буюк кадрнинг остонаси юрт,  
Шу риё, кадрсиз рўёлар унут,  
Мен сенга, мен сенга сифиниб қолдим,  
Моҳим, моҳитобон умрим менинг.

Елғизлатиб қўйма қалбимни, қароғ,  
Елғизлатиб қўйма қалбимни, чароғ,  
Мен энди тақдиргун яроғман, яроғ,  
Мен сенга, мен сенга сифиниб қолдим.  
Моҳим, моҳитобон умрим менинг...

Чуст



## Беруний Султонзода

Тошкент Давлат Дорулфунуни  
журналистика кулмётининг толиби

\* \* \*

Совук ёмғир — қалтироқ бўса,  
Тонгги юлдуз ўпкалайди қув.  
Шамол — кўнғиз шимолий тўхфа  
Кўк япроққа ичиради сув.

Чин ҳасаддан тўфон уйилар,  
Чидамоқни рад этар фасл.  
Занг қоғозга дардларин тўкиб,  
Кетиб борар кушлар муттасил.

Совук ёмғир — қалтироқ бўса...

\* \* \*

Хаёлим бешикда тўлғаниб ётар,  
Қарғалар йиғлайди илтижо ила,  
Сичқоннинг қўллари қор териб қотар,  
Менга ёнғоқ келтир.

Тунга берилмаган сирлар мудрайди,  
Танимнинг вулқонли чўққиларида,  
Фурур хурлари бор руҳим судрайди,  
Менга тупроқ келтир.

Афтода кўчада қадамлар ўлик,  
Нур қўмсаб бораман қуёш ёнига,  
Дардимки, кечалар армонга тўлиқ,  
Менга кун оқ келтир.

\* \* \*

Бир сўғир кўрарим оғринди, дилдор,  
Ордона ҳамалим суйган дилозор,  
Менинг юрагим ёнади мухтор,  
Сотилгани — кўзимники...

Телба шамолларга тебранган хаёл,  
Далданинг лабидан топганда мажол,  
Баҳор келатуриб сўрмаса аҳвол,  
Топинганим — тўзимники...

Уп-узун сўқмоқнинг тошлари кул-ку,  
Сабрим кўзларида қайнаб қизил сув,  
Дилимнинг кўргани ягона сулув,  
Отилгани — ўзимники...

Боғот

## Зилола Хўжаниёзова

Ҳамид Олимжон номидаги Қарши  
Давлат дорилфунуни тарих-  
филология куллийётининг талабаси

\* \* \*

Мен дунёни кўрмоқ бўлдим бутунлигича,  
кўролмадим.  
чунки, дунё яримта олма, —  
уни еб, таъмини кўришган экан.  
Мен дунёни кўрмоқ бўлдим бутунлигича,  
кўролмадим,  
чунки, дунё иккига бўлинган олма —  
бирини гўштини бири ер экан.

\* \* \*

Қизиқ, аланга нима, кул нима?  
Назаримда, улар бир-бирига  
жудаям яқин.  
Фақат бирида жон бору  
тан йўқ, иккинчисида тан бору  
жон йўқ.  
Уларнинг бири — ибтидо,  
иккинчиси — интиҳо.  
Тўхта! Унда чўғ нима?  
Чўғми, у — табиатнинг кичик хатоси!

\* \* \*

Кутиш — оғир иш.  
Йўқмиди ҳеч ўзга бир ташвиш?!  
Матонат-ла кутиш қанчалар мушкул,  
сабр косалари синганда чил-чил!



\* \* \*

Дорбоз, тугат ўйинингни,  
Турган жойинг аросат.  
Ишонганинг бир таёқми,  
Арқонинг-да омонат!  
Заминга ҳам ишонмагил,  
Бўлолмас у қўналға,  
Осмон жуда олисдадир —  
Турган жойинг бўсаға.

Қарши

## Баҳриддин Абду Саид

Тошкент Давлат Дорулфунуни  
журналистика куллийётининг толиби

\* \* \*

Бу дунёда муҳаббат йўқ,  
Севгисиз яшайсан, дедилар,  
Ишондим.

Бу дунёда ғам-алам йўқ,  
Ташвишсиз яшайсан, дедилар,  
Қувондим.

Бу дунёда армон-да йўқ,  
Армонсиз яшайсан, дедилар,  
Ишондим.

Унутиб қўйишган экан,  
Бу дунёда...  
Ўткир нигоҳлар борлигини.



\* \* \*  
Бевафо одамлар, бевафо ёрлар...  
Дарахт япроқларин алдади, ҳар баҳор алдар.  
Кўклам авраб, кузда тонар ўз ваъдасидан.  
Бевафо дарахт...  
Дунёда вафоли нима бор ўзи?!

\* \* \*  
Тош шаҳарнинг дардлари оғир,      Рўҳим исён кўтармиш бунда,  
Тош шаҳарда қийин яшамок.      Бунда таним тошдан-да оғир.  
Тош шаҳардан кетаман охир,      Кентда қандай юраман энди,  
Кучоғингга ол мени, қишлоқ.      Қишлоқ, менга очақол бағир.

Кибор шаҳар билмайди яна,  
Билмас, ахир, дардларим оғир...  
Мен шаҳарга ўгай, бегона,  
Қишлоғимга кетаман... Охир!

Ғаллаорол



## Улуғбек Султон

Тошкент Давлат Дорулфунуни  
тил-адабиёт кулліётининг толиби

\* \* \*  
Энди ойдин туннинг нияти қутлуғ, —  
Кулча илон эзгу хаёл суради.  
Ойнинг ойдинлиги — оппоқ сутига  
Дунё туннинг қора бағрин ювади.  
Дунё фариштамас, лек тун пок хилқат,  
О, туннинг сурати, мукамал сурат!

Шуълалар титроғи — тунги эҳтирос,  
Чирилдоқ куйида яширин афсун.  
Сариқ ўргимчакдек кўкка чирмашган, —  
Ойга калтакесак тикилган мафтун.  
Дунё фариштамас, лек тун пок хилқат,  
О, туннинг сурати, мукамал сурат!

Кўршапалак — туннинг бадбахт қизи бу,  
Оқ кунларга сиғмай юм-юм йиғлаган.  
Нусха ҳам ололмай бу суратдан у —  
Соҳиби мўйқалам ичин тиглаган.  
Лек соҳиб умид-ла қалам суради,  
О, туннинг сурати, туннинг сурати!

Сўзгирдан таралар «Тунги кўшиқлар»,  
Тунги кўшиқлар бу — хорғин, сокин руҳ.  
Хаёл этиб тилла узук юлдузни,  
Дарахтлар — уятчан қизлар бир гуруҳ, —  
Юзга тун рўмолин ташлаб туради,  
О, туннинг сурати, туннинг сурати!

Етмиш томиридан дард оққан шоир,  
Самода йўқотган ақлин мунажжим.  
Ҳар куни ўчириб бундай суратни  
Қайтадан чизган ким бўлди, у ким?..  
Дунё фариштамас, лек тун пок хилқат,  
О, туннинг сурати, мукамал сурат!

## Жиддий ҳазил

Дейдиларки, икки ўрим соч —  
Икки бошли аждарҳо эмиш.  
Қизнинг олма ёноғини у  
Қўриқлармиш, бесафо эмиш.

Сен-чи гўзал, сочингни қирқдинг,  
Хаёлингга не ўйлар инди?  
Аждарҳони ўлдириб қўйдинг,  
Юзгинангни ким пойлар энди?..

Қўқон



Баҳодир Жўраев

Тошкент Давлат Дорулфунуни  
журналистика куллийетининг толиби

### Дунё

Туш кўради тунлари юрак,  
Қушчаларнинг қиқирларини.  
Бешигида тимдалар гўдак  
Йўрғагининг шитирларини.

Томчилайди севинчлар унут —  
Хотиранинг намчил шифтидан.  
Қалқиб тушар оппоқ бир тобут  
Бойчечакнинг ҳорғин кифтидан.

Кўзларимда майсалар унар,  
Шивирда эрка ёмғирнинг.  
Тушларида қўллари синар,  
Уз элини сотган ботирнинг.

\* \* \*

Юлдузларсиз бу кеча, ногоҳ  
Юлдузларни кўмсар юрагим.  
Остонамда титрайди гуноҳ,  
Деразамга осилар дардим.

Юлдузларсиз бу кеча, ногоҳ  
Кўзларимда муз қотар ёлғон.  
Кўкрагимда ингранади гоҳ,  
Йўрғақлари йиртилган армон.

\* \* \*

Кафтларимда дард изи,  
Югурар ҳижрон отлиқ,  
Оёғимга сапчийди.  
Майсадек унган оғрик.

Юлдузларни кўмсадим,  
Етармикан оҳ, қўлим!  
Кўзларингда бахт иси,  
Деразангни оч, гулим!

Ургут



Шарафиддин Али Яздий

# Зафарнома

«Зафарнома» асосий матнининг бошланиш қисми, икки бет чамаси, Оллоҳ тавси-фига ва Муҳаммад пайғамбар мақтовига бағишланган. Сўнгра муаллиф Амир Темурдек Соҳибқироннинг дунёга келиши ҳам Оллоҳнинг иродаси эканлигини таъкидлаб ўтади ва бундан кейинги сўз баёни қуйидагичадир:

Агар абадий тангрининг розилик ва марҳамати насими бирор давлатманднинг иқболи чамани сари эсар экан, оламни қамровчи баҳорининг таровати ҳасадчиларнинг совуқ нафасидан эсган хазон (ели) зараридан нуқсон топмагай ва сўлимагай. Оллоҳ тавфиқи ариғидан парвариш топган давлат ниҳоли кундалик ҳодисалар шамоли шидда-тидан зарар кўрмагай. Унинг интиҳосиз лутфи ила барпо этилган олий қаср макр ман-жаниқию<sup>1</sup> ҳийла бузғунчилиги билан яқсон бўлмагай.

Шеър:

Унинг улуғлаганини фалак камситмас,  
Унинг азиз қилганини жаҳон хор тутмас.

Бу ҳолатнинг тасдиқи ҳазрат Соҳибқирон (Амир Темур)нинг аҳволи суратидир-ким, (қуйида) унинг тафсилотига киришилади. Оллоҳ кўмак ва тавфиқ ила тўғри йўлга бошласин.

## СЎЗ НАЗМИ ВА СОҲИБҚИРОН МАҚТОВИДАН БИР ШИНГИЛ

Кўз қорасидай саодатли бир тун,  
Зулмати ҳам ёруғлик эрур бутун.

Унинг қадр туни ортиқ кундуздан,  
Ойи тўлишгану камаймас ундан.

Кавокиб барча бахтли, саодатҳол,  
Таъсири қутлуғ эдию хуррамфол.

Мен учун бир ажойиб бахт кулмиш,  
Қалбимнинг истаги бағримга кирмиш.

Каттаю кичикдан йиғин тузадим,  
Шират базмин истагандай безадим.

Унда фикр нуридан шам ёқдим гўё,  
Соқий хирад эдию, май — тоза маъно.

Базм созининг чолғувчиси Суруш,<sup>2</sup>  
Завқ нағмасин куйловчиси эс-хуш.

Шу тарзда ишрат айлаб бутун тун,

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Дил коми топгум жон роҳати-чун.

Саодат тонги ёришган ҳамон,  
Иноят насими эсди шул замон.

Зафар хўрози бошда нусрат тожи,  
Қанот қоқар эди ёзиб қулочин.

Давлат келишига қичқирганда соз,  
Дилим фикр қуши айлади парвоз.

Ундан сўнг тўти очибон лаб,  
Соҳибкирондан кетди қисса сўйлаб:

Ки ўша диндору оламгир подшоҳ,  
Бўлмиш қисқа вақтда жаҳон узра шоҳ.

Саодат бедовин эгарлаган он,  
Мардлик камарин боғлади жаҳон.

Чин сарҳадидин то узоқ Румгача,  
Мисру Шомдан тортиб Ҳинд еригача.

Эрону, Турону, еру сув бари,  
То бор эди ободонлик асари.

Ўзи у ерларга қадам ташлади.  
Жаҳонгирлик учун черик бошлади.

Қаергаки сипоҳи юзланарди,  
Аввал унинг оти оёқ қўярди.

Фатҳу зафар ила ортда лашкари,  
Ер юзин тўлдириб борарди бари.

Қай томон ўтди, қай жойга етди,  
Оллоҳ қўллови билан ғолиб қайтди.

Жаҳонни яратган худо мададкор,  
Олам подшоҳлари унга хизматкор.

Мағрур (саркардалар) бўйсуниб.унга,  
Осмониға сиғинар, у тангриға.

Фалак бандаю, офтобдир унга қул,  
Замон ҳам, жаҳон ҳам измида буткул.

Хаёлидан ўтказса бирор истак,  
Амалға ошар эди ўшал тилак.

Ишончи кучлию тўғри дини ҳам,  
Ҳақдан ўзгасидан сўрмади ёрдам.

Ишлатиб ўқувин, мардлик қувватин,  
Кўкларға кўтарди шону шавкатин.

Ўзгага муҳтожмас унинг тадбири,  
Хайрли ишлардир йўриғи бари.

Бирор иш қилмоққа киришса, фақат  
Давлат илҳомидан сўрар маслаҳат.

Қайси ишға лутф ила қилса нигоҳ,  
Йўл топмас ул ерга ҳеч қандай бало.

Гар қаҳри олови аланга олар,  
Бир шуъласидан бир юрт кул бўлар.

Ҳазаб бирла тоққа назар солган чоғ,  
Нур тушган муз каби эриб кетар тоғ.

Қаҳр ила боқса агар чарх сори,  
Тийра бўлар Қуёш ва Ой рухсори.

Қаҳридан ҳеч кимса чиқармади дам,  
Чиқарганлар бошин кўтармади ҳам...

Бахт уни ўтказгач шоҳлик тахтиға,  
Оламда қолмади шерик бахтиға.

Барча мамлакатлар шоҳлари шу чок,  
Даргоҳида тирик ё бўлмиш тупрок.

Ер юзи фармониға бўйин осган он,  
Муруввати билан кўмилди жаҳон.

Очди ганж оғзин, карамнинг илгин,  
Боғлаб фитна эшигин, зулм оёгин,

Кимгаки инъоми етмиш бирор кун,  
Насли эҳтиёжни кўрмади бугун.

Адолатли ҳукмдор даври бахтиёр,  
Оламда бузуқлик қолмади зинҳор.

Бутун ер юзида — узоғу яқин,  
Тугатди буткул фисқу фасод расмин.

Шаҳру хазинаю, тоғу биёбон  
Хиёнатни келтирмас хаёлға бу он.

Оламнинг зару моли ўшал замон,  
Дерсан, зумрад эди, ўғри-чи илон.

Даврида шунчалик омонлик бўлди,  
Банду калид расми бекор этилди.

Олам лавҳидан макр нақши кетди,  
«Ростий-рустий»<sup>3</sup> онтин унга муҳр этди.

Дер эдинг: бутун жаҳон ҳарам<sup>4</sup> бўлмиш,  
Зулму ситам удуми емирилмиш.

Адолати ёмғири ювган диёр,  
На хорли, на жафо кўрмади зинҳор.

Бидъат<sup>5</sup> ранги кетди дин ойнасидан,  
Исён хорин ўрди олам боғидан...

Қаерда бир комил аҳли илм кўрар,  
Тавозеъ айлабон аҳволин сўрар.

Эъозлар эди у аҳли дасторни<sup>6</sup>,  
Бошга кўтарарди муфтий,<sup>7</sup> диндорни.

Ҳар ишники у ихтиёр қиларди,  
Хилватнишинлардан<sup>8</sup> мадад тиларди...

Бирор бир жиддий иш чиққани ҳамон  
Келар-ниёз хилватсаройи<sup>9</sup> томон.

Таважжуҳ<sup>10</sup> этарди у пок тангрига,  
Ибодатга қўйиб манглайин ерға.

Муножот айлару истак билдирар,  
Тангридан нусрату улуглик сўрар.

Юрак оҳи, кўз ёш билан худодин  
Сўрар эди ўшал дам ўз муродин...

Каромат<sup>11</sup> байроғин қўндирган замон,  
Бошини саждадан кўтарди шу он.

Ҳазиначидан<sup>12</sup> талаб қилди мол-зар,  
Кўплигидан гардун ҳайратда қолар.

Ҳаддан зиёд бойлик этганди ато,  
Ул кишигаким, эди кўп бенаво.

Юрт ичра қолмади бир кимса асло.  
Кўнгил шодликдан, тил дуодан жудо.

Шундан сўнг мақсад сари қўйди қадам,  
Истагини ўринлатар тақдир ҳам.

Табъи майли бориси хайрот<sup>13</sup> эди,  
Равшан дилу ҳам комил аз-зот<sup>14</sup> эди.

Улуғ иморатлар қурдирди қанча,



Юксаклиги Кайвон<sup>15</sup> айвонигача.

Тузаттирди хароб хонақоҳларни,  
Жоме масжиду кўп иморатларни.

Шундай Соҳибқирон шухрати билсанг,  
Насаби ҳақида гар суриштарсанг:

Отадан-отага то Одам ато,  
Бори шоҳлик тахти узра кўймиш пой.

Ул ҳиммати дарё шоҳ камолоти  
Ҳар қанча ўйлагандан эрур ортик.

Улуғлиги узра мақтовдан қабо,  
Тору ҳам калтадур битганда гўё,

Тайёрлай мён шоҳона сарпо бунда,  
Шоҳлик хабарлари арқоку танда<sup>16</sup>.

Сўйлаб берай ҳокимлигидан аввал,  
Шоҳлик қуёши чиқмиш қай маҳал.

## ҲУМОЮН ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ТУҒИЛИШИ ҲАҚИДА СЎЗ

Билимдон подшоҳ (Оллоҳ)нинг қадим каломидан, унинг фахри улуғлансин ва неъматлари (оламни) тўкин-сочин этсин. Унда,— парвардигоринг, улар улғайганларидан ўзларининг (девор остидаги) хазиналарини чиқариб олишларини ирода қилди, бу парвардигорининг раҳмати,<sup>17</sup> дейилган, айтгучига шарафлар бўлсин. (Бу каломдан) маълум бўладики, мутлақ фэйз ато этувчининг лутфи,— ҳар бир нарсага (ўзига муносиб) шакл ато қилди, сўнгра йўлга бошлади,<sup>18</sup> (ояти) хазинасидан чин муҳаббат хилъатини ва хайрли ишларга мойилликни бирор саодатманднинг қутли давлати қоматининг безаги этса, унинг баракоти эзгуликлари туфайли (ўша кишининг) фахрли болалари ва неваралари юриш-туришида ҳамда (уларнинг) эътиборли ишларида арзигулик натижалар зоҳир бўлади. Ҳазрат рисолатпаноҳнинг<sup>19</sup>, энг яхши саловотлар ва олқишлар унга бўлсин,— кишининг яхшилиги еттинчи пуштигача етиб боради,— деб таъкидлагани бу сўзларнинг ростлиги учун ёрқин далил ва аниқ исботдир. Ана шу ишоратга хос ва ушбу башоратга мос ҳазрат Соҳибқирон отаси (амир Тароғай)нинг охири хайрли аҳволи эрур.

Амир Тароғайнинг саховатли мизожи,— оллоҳ уни ўз марҳамати ила сарфароз айласин,— аҳли солиҳу тақво билан иноқ ва дўст бўлишга яратилган ва умрининг анча қисми ул олий мартабали тоифанинг саодат нишонли мажлиси ва суҳбатига тўла мойил эди, бу ҳақда илгарироқ «Муқаддима»да айтиб ўтилди. Шак-шубҳасиз, шу даражада дўстлашиш ва улфат бўлиш бирор (улуғ) зотнинг яқинлигисиз ва ошнолигисиз юз бермайди. Чунки (ҳадисда айтилишича), руҳларнинг (Оллоҳ) қошидаги мажлисида (руҳлари) бир-бирлари билан таниш-улфат бўлган (инсонларнинг) ўзлари ҳам ерда) ўзаро улфат бўладилар. Мисра: (Бу эзгу хислатларни) у ўша ердан олиб келган, ўзича орттиргани йўқ. Шунинг учун, донг таратган ул бахтиёр (амир) садоқати ниятининг экинзориди, олий тангри дўстларининг дўстлиги баракатидан (яхши ниҳол, уни ўстирган Оллоҳнинг парвариши билан) кўкарди ва умид саҳросининг улкан кенглиги давлат ва иқбол хирмонию, каромат ва фазилатлар маҳсули билан тўлиб-тошиб кетди.

Шеър:

Бахти иқболдан дарак берганда,  
Бир номдор ўғил туғилди унда.

Қозон султонхон салтанати замонида подшоҳлик тонги Оллоҳ тақдир этган уфқдан ёриша бошлади ва шаҳаншоҳлик юлдузининг нурлари тангри иноятлари авжида порлаб кўринди. Етти юз ўттиз олтинчи йил йигирма бешинчи шаъбонда сешанба кечаси (1336 йил 8 апрель), яъни мўғуллар даврий йил (ҳисобининг бошланиши бўлган сичқон йили Кеш (шаҳри) атрофидаги (бир) дилкаш жойда, пок шаръий қондага мувофиқ ул динларвар нўённинг никоҳида бўлган покиза Тагина хотуннинг чодиридан ҳазрат Соҳибқироннинг вужуд офтоби бахтли чиқиш уфқидан кўринди ҳамда унинг оламни ёритгучи янги ойи саодат буржидан узлуксиз ёғду тарата бошлади.

Шеър:

Буюклик осмонида кўринди янги ҳилол,  
Тоза бўстон бағрида янги гул очди висол.  
Мағриб бутунлай юзига машриқни тўсиб олди,  
Чунки фалак ўшал ой парчасига назар солди.

Инсон суратида бир жон жаҳонга келди ва бахтли туғилишига жаҳонни нисор

айладилар. Оламга ягоналик либосида бир олам қўйди ва унинг оламидаги подшоҳлик байроғини қудрат авжига кўтариб тикдилар.

Шеър:

Улуғлиги осмонга етган чоғида битта фалак қўшилди,<sup>20</sup>  
Вужуди жаҳонга келганда жаҳонга яна бир жаҳон қўшилди.

Оллоҳнинг буйруғидан чиқмайдилар, нимаики буюрилса, ўшани бажарадилар<sup>21</sup>, — оятининг обидлари унинг зоти шарифи ёмон кўздан омон қолсин, деб «ва инна яко-дун»<sup>22</sup> тиловат қилиш билан машғул бўлдилар. Ибодатхоналарнинг дуоғўйлари (оят-да), — фаришталар ўз парвардигорига ҳамду сано айтади ва ундан ердагиларнинг гуноҳларидан ўтишни сўрайди<sup>23</sup>, — (дейилганига мувофиқ), олий улуғворлигининг асоси юксак камолот даражаларига кўтарилсин, — деб дуо қилишга киришдилар.

Маснавий:

Шон-шавкат боғида унмиш бемалол,  
Доим кўм-кўк бўлсин бу бахтли ниҳол.  
Унга ёр бўлиб бахту ҳам қатъият  
Юртларни забт этсин, доно, бадавлат.

Тожу тахти ила жаҳон яшнасин,  
Ев боши тож дарвозасига бўлсин.

Ул садоат юлдузининг балқшидан, саҳиҳ ҳадис унинг тўғрилигига ишорат қилган туш таъбири сирининг ёғдуси зоҳир бўлди, «Давлат арбоблари илҳомли бўладилар», — дейилганига кўра, Туманохон таъбир қилган Қожули баҳодир тушининг ҳақиқати, қайси-ким унинг қиссаси «Муқаддима»да келтирилган эди, исботланди. Таъбир тили билан айтганда, Қожули баҳодир пуштидан пайдо бўлувчи бир соҳибдавлатдан иборат саккизинчи юлдуз фатҳу зафар машриқидан кўтарила бошлади; унинг салтанати нурлари шарқу ғарбни мунаввар қилажак ва ундан кейин бола-чақалари (салтанати нурлари) ҳам, адлу инсоф йўлидаги қутлуғ ишлар туфайли, шу йўсинда ёруғ қолажак. Замона шоду хурсандчилик суруридан —

Маснавий:

У қандай бахтли тушки, таъбири сен бўлсанг,  
У қандай хуш оятки, тафсири сен бўлсанг, —

мазмунда унинг қутловига сўз қотди.

Етти иқлим салтанати осмонида тезроқ оламни ёритувчи бир офтоб бўлишни истаб, унинг бахтли пешонаси шуъласи офтобдек порларди. Бахтли толенинг белгиларига кўра, оламнинг паришонлик туни, тез орада, унинг давлати тонги ёришишдан худди ҳайит ва Наврўздан хуррамроқ бир кунга айлангусидир; бу субҳи содиқдек аниқ ва равшан (нарса). Ушбу сўзнинг мазмуни шундайки, салтанат қондаларини жорий этишда ва халифаликнинг<sup>24</sup> дастлабки таянчларини юксалтиришда ул ҳазратнинг<sup>25</sup> муборак вужуди охирзамон ҳазрат Соҳибқирони<sup>26</sup> давлатининг ҳамда унинг ўзаги мустаҳкам хонадон яратилиши асоси бўлганлиги учун толеда<sup>27</sup> бундай туғилиш ҳар томонлама саботлилик ва барқарорликка жуда муносиб тушади.

Оламнинг аҳвол ва авзойи ўзгариб туришига (қарши) чора йўқ. У (Оллоҳ), — осмондан ергача барча ишларни бошқариб туради<sup>28</sup>, деган (оятнинг) ажойиб ҳикмати (шундан иборатки, у) яратиш ва ижод корхонасида мавжудлик ва йўқлик дунёси<sup>29</sup> ҳодисалари кимхобининг гулини тўқиб, (унда Соҳибқироннинг) бахтиёр толеи (шундай) бир бурж бўлсинки, унинг барқарорлиги инқилобга<sup>30</sup> зид бўлмасин, деб таказо этди.

Ана шундай сифат билан порлаб турган Жадий буржидир<sup>31</sup>, чунки унсуриётда<sup>32</sup> саботлилик тупроққа, фалакиётда<sup>33</sup> эса, сайёралардан Зуҳалга<sup>34</sup> мансуб. Жадий инқилобга мойил буржлардан саналса-да, (бирок) унда Зуҳалнинг тупроқ уйи<sup>35</sup> мавжуд. Бу эса инқилоб ҳолатида ўта барқарорликни билдиради. Унинг давомийлиги ва барқарорлиги учун бундан кучлироқ далилни тасаввур қилиб бўлмайди. Зероки, тадқиқотчилар наздида муқаррардурким, ҳар қандай сифатнинг энг юксалиш пайти, унинг ўз зидди билан киришиб кета олишидадир. Чунки, — энг яхши исмлар (Оллоҳникидир<sup>36</sup>, — деган оят) тизими хусусида ўйлаб кўрилса, аён бўлади: у Аввал ва Охир, Зоҳир ва Ботин; у (тангри) ҳамма нарсани билгувчидир. Юқорида келтирилган ғаройиб ва латиф кириш сўздан маълум бўлдики, (модомки) борлиқ ҳодисаларининг толеи учун барқарорлик ва давомийлик талаб этилар экан, энг мувофиқи Жадий буржидир. Бу даввонинг тўғрилигини Қуръоннинг ҳақиқат<sup>37</sup> боғларидан нозил бўлган ҳарфлари (битилган) лавҳалари сирларининг гулларидан билса бўлади.

Қитъа:

Сабо насимидан тўладир олам,  
Керақдур мард буй билмоқ учун ҳам.  
Фикр олмоси ила гавҳар тешилди,  
Кўр не тарзда пардада сўз айтилди.

Шундай қилиб, Жадий буржининг бахтиёр толеи юз берди. Жадий уйи, қайсиким ҳаракатдаги юлдузлар<sup>38</sup> орасида баландроқда бўлган учта юқори (сайёра)<sup>39</sup> дан мутлак юксаклик<sup>40</sup> унга хос эрур, қиёслаб кўрганда ўнинчи бўлади<sup>41</sup>. Туғилиш пайтида айланувчи фалаклар орасида унинг ўрни энг юқори туради. Шунинг учун у буюклик ва иқбол ҳамда мансаб ва ишлар уйдир<sup>42</sup>. Буржлар ҳисобида, (эса у) ўн биринчи буржда<sup>43</sup> бўлади ва осойишталик ҳамда орзу умидлар уйи ҳисобланади. Токи ана шу толе эгасининг давлати юлдузи салтанат чўққиси узра кўтарилсин, қадри олийлиги ва ҳиммати буюкликлиги дунёдаги бошқа подшоҳлардан афзал ва улўғвор бўлсин, умид қалами билан тафаккур лавҳасига нақш этилган ҳар қандай мурод тасвири худди кўнгилдагидай бўлиб чиқсин.

Улўғворлик ва қудрат юлдузи бўлмиш энг катта ёритқич (қуёш) тўртинчи қозиқ<sup>44</sup> — мақом ва қарор уйида, ўзининг Уторуд<sup>45</sup> билан қўшилган шараф қўнимгоҳидадир<sup>46</sup>. Улар бамисоли икки офтобдай ҳамалнинг йигирма иккинчи офтобдай ҳамалнинг иккинчи даражасида туриб, фатху зафар байроғини тикади ва иқбол номасини саодат муҳри билан тасдиқлайди. Токи салтанат қуёши чиқиш чоғида ўзининг ҳақиқий ўрнида зоҳир бўлиб ўша жойни подшоҳлик тахтининг ўрни қилиб белгиласин. Шунда ул мамлакатни гуллаб-яшнатиш, обод этиш ва юксалтириш бобида оламнинг жамики ўлка ва шаҳарларидан юқори қўядилар.

Саодат манбаи ва бурж ҳомийси Муштарий<sup>47</sup>, қувват ва қудрат сайёраси бўлмиш Миррих<sup>48</sup> билан бирга, фарзанд уйи бўлмиш бешинчи толеда, қимматли совғалар (қилиш) марҳаматини қўллаб-қувватларди, токи саодатли ва шавкатли фарзандлар кўплигидан мангуликка туташ давлат асоси ҳислар оша боқий ва пойдор қолсин. Ушбу бахтиёр толеда ҳам улўғворлик ва қудрат хонаси бўлмиш ўнинчи уй ва ҳам авлодлар хонаси бўлмиш бешинчи уй соҳиби Саъди асғар<sup>49</sup> ўз шараф макони бўлмиш яқин дўстлар уйи учинчи толеда Хутнинг ўн олтинчи даражасида саодат созининг дилрабо пардаларини чертарди. У (Саъди асғар)нинг юқори ва қуйи нуқталаридаги учрашувининг воситачиси бўлган Ой, ўша буржнинг ўн тўртинчи даражасидан висол шуърасини унга туширарди; токи фарзандлар ва қариндошлар иноқлигидан салтанат ва подшоҳликнинг (равнақи) доврўғи камолот даражалари юксаклигига етсин ва то олам инқирозигача нуқс ва заволдан эмин қолсин.

Шеър:

Етти юлдуз ҳукмида бўлди пайдо,  
Унга тутқизгусидир калит дунё.

Хуллас, (туғилиш) сандиқчасининг қабул дояси уни саломатлик бешигига беллади ва тангри лутфининг энагаси авайлаб-асраб тотли сут билан парвариш қилди.

Маснавий:

Бахт дояси уни меҳр ила бағрига олди,  
Лутф кўкрагидан ширин сут оғзига солди.

Эмизикли даврни ўтаб эси кириб қолган ёшга етганда, унинг юриш-туриш боғларидан салтанат ва жаҳондорлик бўйи худди баҳор насими келтираётган райҳонлар атридек тараларди. Сўзи ва ишининг қатъийлигидан сарварлигу қудратлилик нури худди озор (ойи)<sup>50</sup> булутининг чақмоғи ўтидек чақнарди.

Ўйин бўлса-да иши унинг фақат,  
Лекин нияти эди тож ила тахт.

Буюрмоқликка эди у тетик рух,  
Ёнида болалар бир неча гуруҳ.

Бир бола сипоҳига эди амир,  
Бошқаси тайинланган эди вазир.

Чўп ва қамишдан бир одам ясарди,  
Ўзи ҳар томонга қараб чопарди.

Фаразда, у бажармади фармонни,  
Деб, бошда сўроққа тутарди уни.

Оз бўлса-да гуноҳи бўлгач аён,  
Бошини чопиб найзага илар шу он.

Кичиклар учун шул эрур, дер жазо,  
Катталар сўзидан чиқмасин асло.

Жиддийга ўхшарди ўйини унинг,  
Ўйинда банд бахтиёрлиги унинг.

Биз (мулкни) тақсимлаб бердик<sup>51</sup>, (деган оят) девонида,—ўзимиз хоҳлаган кишининг даражасини улўғлаймиз<sup>52</sup> —(ояти) инояти билан (тузилган) давлати фармонининг

ёрлиқчаси,—биз унга мулк ато қилдик<sup>53</sup>—деган жаҳонни безовчи туғро билан имзоланганлиги сабабли, улуғвор кўнгли шамолдай тез ва учқур бедовларни минишга, чавандозлик қилишга ҳамда жанг қурфл-яроғлари билан машқ қилишга жуда мойил эди. Ун ёшидан то ўсмирлик қиёмигача вақти ов қилиш ва жангу жадал расму қондасини ўрганиш билан ўтар эди.

Маснавий:

Туну кун иши базму ов тугал,  
Фикру хаёли эди жангу жадал.

Азиз вужуди Оллоҳнинг чексиз лутфининг ифодаси ва ёруғ қалбининг сирлари эзгу (ишлар) ва яхшилик исташ учун (йўналтирилган) эди. Дастлабки пайтларда, оламни қатъ этувчи баъзи қўл остидагилари ва тарафдорлари (томонидан) зоҳиран қаҳр ва сиёсат бобида нимаики қилинган бўлса, унинг жаҳонгирлиги заруратлари ва оламгирлиги эҳтиёжлари юзасидан бўлган.

Шеър:

Гар юртда тинчлик истасанг ўрнатмоқ,  
Қилични лозимдир беқарор қилмоқ...

(Бу ерда Шоҳруҳ ва Иброҳим Султон таърифига бағишланган қисқа матн бор.)

Бу машҳур таълифнинг хусусиятлари ҳақида сўз. Шу йўсинда ёки унга ўхшашроқ тарзда ёзилган (тарихлар) ичида унинг ўзига хос айрим афзалликлари борлиги баёни

Ҳазрат Соҳибқироннинг машҳур ва зафарли тарихи, унинг мусаввадаси қай тарзда тузилган бўлса, ўшандай бирор бир ўзгариш киритмасдан, қўшимча ва нуқсонлари билан оққа кўчирилади.

Қадимги ва кейинги (даврларда) назм ва насрда битилган ҳамда туркий ва форсий-да баён риштасига тизилган давлат ва иқбол арбобларию улуғворлик ва буюклик асҳобларининг тарихлари уч хил афзаллик билан ажралиб туради.

Бири кони фойда ва нафт кўп эканлиги. Бу (афзаллик), ушбу фан таснифлари боғиқ даги ва унинг ҳарбир (дарахти) шоҳидаги фикр бармоқлари ила териш мумкин бўлган фойдали мевадур, бу муфассал режалар ва нозик тадбирлар давомида тақдир ёзиқларини (бошдан) кечириб бориш натижасида юзага келган ғаройиб аҳвол ҳамда ажойиб ҳодисалар ва янгиликлардан огоҳ бўлмоқдир. Чунки унда қалблар лавҳаларининг ҳар қандай нақшлари тадбиркорлар ва донишмандлар учун тўғри акс кўрсатувчи бир ойнадурким, давлат ва фурсат насими эсган чоғда, олий матлабларга эришиш ва умр мартабаларини ошириб боришда, унда тўғри фикр чеҳрасини кўриш мумкин. Гоҳида қийин аҳвол ва хатарларнинг бахтсизлик шамоли ёндан эсиб, ҳаёт ҳодисалари бахтсизликларидан эҳтиёт бўлмоққа ундайди. Бироқ унда муваффақиятли тадбир аксини кўриш мумкин.

Байт:

Саодат аҳли раъйи аксидир бегумон,  
Ойнаким унда зафар кўринар аён.

Ҳазрат Соҳибқирон подшоҳлик саройини барпо эта бошлаган дастлабки пайтдан то жаҳондорлик ва олий салтанат қасри кунгураларини юксалтиргунга қадар барча муҳим ишларни ўзи бошқаргани учун, Эрону Турондан иборат ислом мамлакатлари ул Ҳазрат буйруғи бедовининг жавлонгоҳига айланган бўлишига қарамай, олий ҳиммати ҳеч қачон ҳукмдорлик доирасини кенгайтиришдану мамлакат ҳудудини кўламли қилишдан бирор тун ғафлатда қолиб мизгимаган ва (бирор) кун саросима бўлиб воз кечмаган. Лашкарни бошлаб бориш ва ўлкаларни забт этиш самани оти эгаридан подшоҳлик ва ҳукмдорлик тахтига сафар чоғида кўтарилди. Ер юзи салтанати билан ҳам сафар вақтида ҳақ давлатини қабул қилиб (видолашди) ва шоҳлик тахти Оллоҳнинг абадий раҳмати тобути билан алмашди. Унинг қабри Оллоҳнинг раҳмати ва жаннат нурлари билан тўлсин.

Шубҳасиз, қанчадан-қанча қизик воқеалар ул ғолиб жаҳонгир бошдан кечирган ва шунчалик кўп ғаройиб хотиротлар ва ажойиб кечинмалар бахтиёр Соҳибқироннинг жиддий маслаҳатлари ва аниқ кўрсатмалари асосида тузилганки, ҳашаматли султонлар ва улуғ моликларнинг осмон қудратли донгдорларидан бирортаси ҳақида унинг ўндан биричалик ҳикоя қилинмаган.

Мисра:

Агар (кимдир ўндан бирича) бор, деса, кўрсат дегил.

Бошқа бир афзаллик, воқеаларнинг тафсилотларини ойдинлаштириш ва унинг икки-чикирини очиб беришдир. Чунки ҳар бир воқеа баёни ва унинг қай тарзда юз берганини текшириш (ҳоллари), ушбу Зафар саҳифасида зиммага олингандай тўла-тўқис (тарзда) қадимги ва (ундан) кейинги (даврлар) подшоҳлари тарихчиларининг бирор нухсасида қайд этилмаган.

Шу билан бирга, туркий «Манзума»нинг муаллифи, ул ҳазрат (амир Темур) шахсан ўзи бош бўлган ғаройиб ишлардан баъзиларини, эҳтимол бундан сўнг одамлар ишон-масликлари ва ортиқча таърифу тавсифга йўйишлари мумкин, деб ёзиб қолдиришга йўл қўймади, деган. Шу сабабдан, дастлабки пайтларда ул ҳазрат ҳаётида содир бўлган кўпгина қизиқ воқеалар ва жанглр (бу ерда ҳам) айтилмай қолди. Кимки ушбу китобни аввалидан то охиригача ақл-идрок кўзи билан қараб чиқса ва унинг назираларию<sup>54</sup> услублари мазмунидан воқиф бўлса, (юқорида) таъкидлаб ўтилган иккита афзалликка бағишланиши ҳақиқат эканлигига ва асло қуруқ гап эмаслигига ишонч ҳосил қилади.

Маснавий:

Ақл тарозиси имтиҳон эзур,  
У танқид ва мактовнинг меъёридур.  
Ақл ўша сараловчи мезондин  
Аниқ билиб олар сўзининг кам-кўстин.

Учинчи афзаллик — садоқатлилик безаги ва қисса ҳамда хабарларнинг ростлигию ишончилигидир. Чунки энг улуғ саллали арбоблар — сайидлар, олимлар, фақиқлар, уйғур бахшилари ва форс адибларидан иборат фазилат ва билим эгалари ҳазрат Соҳибқиронга сафарда ҳам, кўнимда ҳам узлуксиз мулозимликда бўлган эканлар. Қатъий фармонга мувофиқ, улардан бир гуруҳи мунтазам (равишда) тақдир тақозоси билан ул Ҳазратнинг юриш-туриши ва гап-сўзларида, шунингдек, мулк, миллат ва аркони давлат аҳволида ниманики кечган бўлса, барчасини аниқлаб, тўла-тўқис ёзиб борардилар. Ҳар қандай воқеа, унга ўзгариш киритмай, оширмай, камайтирмай, яъни аслида қандай кечган бўлса ўшандай кўрсатиб берилсин: бирор кишининг олижаноблиги ва мардлиги ҳақида (сўйлаганда) ён босишга, хушомадгўйликка асло йўл қўйилмасин; айниқса ул ҳазрат (Темур)нинг шижоатли ва қатъиятли эканлигига тааллуқли бўлган нарсада ҳеч қандай муболаға қилинмасин, деб алоҳида таъкидлаб буюрилган эди. Боз устига, сўз усталари ва билимдон кишилар ул Ҳазрат (Темур)нинг ўз олий ишорати билан унга иборадан либос кийгизиб уни баён этиш ҳақидаги (юқорида такидланган) шартга амал қилган ҳолда назм ва насрда таълиф ипига тизардилар. (Ёзилганларни) олий мажлисда ҳазрат Соҳибқиронга бир неча марта ўқиб берардилар ва шундан кейингина унинг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил бўларди. Шу йўсинда туркий манзума ва форсий қисса, ҳар бири ул ҳазратнинг юриш-туришидаги энг йирик (воқеаларни) қамраган ҳолда назм ва наср қаламига олинган эди.

Ундан ташқари, олампаҳо даргоҳда ул ҳазратнинг тарихини тузмоққа мутасадди этиб тайинланганлар, уни текшириш ва ҳақиқатини аниқлаш борасида астойдил ҳаракат қилардилар. Сўз устаси бўлмиш фозиллар эса, ул зотнинг тарбият ва риоятида уни туркий назм ва форсий наср шаклда тартибга солиб, тўлдириб, қиёмига етказиб битган эдилар.

Ушбу китобда, унинг ёзилиши ҳамда Муқаддима ва мақолаларининг мазмунию тузилиши сабаби ҳақида бундан олдинги дебочада айтиб ўтилгани учун, энди навбат ушбу (биринчи) мақола баёнига етди.

Янгилаш қалами унинг қутлуғ фолга эга лақабларини шу ерда ёзиш бахтига муяссар бўлган Ҳазрат салтанатпаҳо (Иброҳим Султон), қайсиким илгаридан ҳурматли зоти шарифи ушбу китобни йиғиш ва тузиш ҳақида кўп айтиб юрарди. Уни кенгайтириш ва тўлдиришга уринди. Таъкидлаб ўтилган туркий манзума ва форсий наср нусхаларининг ҳаммаси барча мамлакатлардан сўратиб йиғиб келтирилган ва тахт қилиб қўйилган эди. Муборак эътиборини ушбу қутлуғ ишга қаратган чоғда, ўқиб берувчи, тушунувчи ва ёзиб борувчилардан иборат уч тоифа кишилар унинг шон-шухрат гилами чеккасида хушёрлик ва эҳтиёт юзасидан хизматга қўл қовуштириб турарди. Туркийдон бахшилар ва форсий забон сўз усталарининг ҳар бири ўз нусхаларидан бирини ўқиб берарди. Ҳар бир воқеани аниқлашда, унинг содир бўлганда ҳозир бўлган бир неча киши, унинг қай тарзда юз берганини ўз кўзлари билан кўрганларидек арз қилардилар. Нусхалар мазмуни ва воқифу хабардор кишилар айтганларини ўқиб олгач ва улардан икир-чикирларини қайтадан сўраб аниқлагач, ул Ҳазратнинг муборак хотири улардан ниманики тўғрилиги ва ростлигига жазм қилса, ўшани дурлар ёғдирувчи ва гаваҳар сочувчи тили билан баён этарди ва ёзувчилар ёзиб олардилар. Уни такрор ўқиб, текшириб ва аниқлаб чиқиларди ва бирор арзимас нарсада ноаниқлик ва шубҳа бўлса ёки нусхаларда (ёзилгани) билан ровийлар (айтгани) ўртасида бирор фарқ кузатилса, мамлакатнинг турли томонларига элчи ва мактуб жўнатиларди. Уша воқеа ҳақида аниқ биладиган, сўзларига кўпроқ ишониш мумкин бўлган кишилардан сўраб билиб олинарди. Шу йўсинда ҳар бир қиссани аниқлаб ҳумоюн мажлисда ёзиб олинарди ва бир неча марта қайта ўқиб тузатиларди.

Хуллас, бу китобнинг ёзилиши шундай бўлганки, (унда) маълумотларнинг тўпланиши, маълум бир тартиб жойлаштирилиши ва ҳар бир воқеанинг ўзига муносиб жойда баён этилиши мутлақо ул ҳазрат (Иброҳим Султон)нинг гўзал илтифоти эзгуликларидан ва файзли хотири натижаларидандир.

Ундан сўнг, фармонга мувофиқ қай тарзда ёзишга қарор қилинган бўлса, ўша

тартибда ёзишга киришилари ва олий мажлисда яна бир марта ўқиб эшиттирилари. Олдинги ёзилгани ва асл нусхани назардан ўтказиб, ўта синчковлик билан текшириб чиқилари. Шунда Ҳумоюн хотиринимани тузатишни маъқул кўрса, бажарилари. Нимаки олий мажлисда дастлабки мусаввадада<sup>55</sup> қаламга олинган бўлса, ҳаммаси ўша тартибда кўчириб олинсин ва қиссанинг асл мазмунида бирор ўзгариш юз бермасин, деб қатъий амр қилинган эди. Ул мусаввадада ҳар бир воқеа, унинг барча тафсилотлари, яъни сафарда отланиш ва қўниш вақтлари, манзиллар тайинлиги, мавзелар ва манзиллар орасидаги масофалар миқдорининг аниқлиги ҳақида айтилганлар тўла кўрсатилсин, деб топширилган эди. Баён қилишда, тарихга тааллуқли бўлган нарсаларни баён этишда (гап) чўзилиб кетмасин, деб, иборалар жимжимадорлигидан қочилди. (Нусха) кўчирувчилар безиллаб турадиган такрорлар бўлишига кўп йўл қўйилмади. Фақат шеърлардан (ташқари); бироқ унда ҳам такрор унчалик кўп эмас.

Оламнинг воқеа ва ҳодисалари бир-бири билан боғлиқ ва чирмашиб кетган бўлганлиги учун ҳазрат Соҳибқироннинг дастлабки аҳволини аниқлашда бир неча ҳикоят айтмоқ лозим бўлади. Бинобарин, аввал шунга киришилади. (Оллоҳ кўмагисиз муваффақият бўлмайди, мен унга таваккал қиламан ва унга бош эгаман.)

## ИЗОҲЛАР

1. Манжаниқ — ўрта асрларда кўрган деворларини қулатиш учун тош отадиган қурилма.
2. Суруш — зардуштийлик ривоятига кўра хуш хабар келтирувчи фаришта.
3. «Ростий-рустий» — «Куч — тўғрилиқда»; бу сўзлар Амир Темур муҳрига битилган эди.
4. Ҳарам — муқаддас жой, одатда Каъба уйи.
5. Бидъат (арабча «бидаъ») — янгилик киритмоқ — исломда Муҳаммад пайғамбар ҳадисларида кўрсатилмаган, қўшимча тадбиқ ёки таклиф этилган йўл-йўриқлар.
6. Аҳли дастор — айнан: «саллалилар», яъни мулалар, руҳонийлар.
7. Муфтий — фатво берувчи, яъни шариат қонунлари ва ҳуқуқ масалалари юзасидан ҳукм чиқарувчи мансабдор.
8. Хилватнишлар — тасаввуфга оид атама; якка ҳаёт тарзини касб этиб ҳақ зикри билан машғул бўлган суфийлар.
9. Ниёз хилватсаройи — хилват жойга кириб якка-ёлғиз Оллоҳга ёлбориш.
10. Таважжух қилмоқ — тасаввуфга оид атама; хайрихоҳлик билдирмоқ, ихлос қилмоқ.
11. Каромат — айнан; олдиндан билиш, башорат қилиш. Тасаввуфда шахснинг поклиниш йўлидаги ҳолати. Матнда Оллоҳ каромати назарда тутилган.
12. Хазиначи — парвардигор.
13. Ҳайрот эди — яхши ишлар қилмоқдан иборат эди.
14. Комил аз-зот — ҳар томонлама етук шахс.
15. Кайвонга тенг — жуда баланд; қадимда илми нужумда Кайвон деб Зуҳал (Сатурн) сайёрасини айтганлар ва унинг ўрни етти қават осмоннинг энг баланддагиси — еттинчисида деб белгиланган. Етти қават осмон — қадимги астрономияда мавжуд геоцентрик ақидага кўра, фалак худди урчиққа ўхшаб айланиб турган сферадан иборат бўлган ва файласуфлар уни эфир ҳам дейишган. Бу сфера марказида Ер жойлашган ва унинг атрофини еттита сфера (осмон) бамисоли пиёз қоқилари каби ўраб турган. Булар еттита сайёра (жумладан Қуёш ва Ой ҳам сайёра ҳисобланган) сфера (осмон) ларидан иборат бўлиб, қуйидаги тартибда жойлашган: Ой, Меркурий (Уторуд), Венера (Зухро), Қуёш, Марс (Миррих), Юпитер (Муштарий), Сатурн (Зуҳал). Саккизинчи сферадан кўзгалмас юлдузлар ўрин олган.
16. Арқоқу танда — арқоқ — матонинг ўриши билан кўндалангига кесишувчи иплари; танда — мато тўқиш учун узунасига тортилган ип.
17. Қуръони карим, 18-сура (Каҳф сураси), 72-оят. Унда иккита етим бола назарда тутилган.
18. Қуръони карим, 20-сура (Тоҳо сураси), 50-оят.
19. Рисолатпаноҳ — Муҳаммад пайғамбар.
20. Етти қават осмондан (15-изоҳга қаранг) юқорида саккизинчи сфера бўлиб, унда барча турғун юлдузлар жойлашган. Шарафиддин Али Яздий, ушбу байтда, Амир Темур улуғлиги осмон билан тенглашиб, еттита осмонга қўшимча яна битта фалак — осмон пайдо бўлди, деб таъкидламоқда.
21. Қуръони карим, 66-сура (тахрим сураси), 6-оят.
22. ...ва инна яқоду (Қуръони карим 68-сура (Қалам сураси), 51-оят. Бу оятнинг тўла мазмуни қуйидагича: «Қофирлар Қуръонни тинглаган чоғларида ёмон назарлари билан сени улоқтирмоқчи бўлди ва шубҳасиз сени бир телба дейишади».
23. Қуръони карим, 42-сура (Шўро сураси), 5-оят.
24. ...халифалик — подшоҳлик.
25. ...ул ҳазратнинг — Амир Темур.
26. Ҳазрат Соҳибқирон — Амир Темур.
27. Толе — гороскоп. Толе — арабча «толъе» — чиқиш. Юнонлар тушунчасида эклиптиканинг шарқий уфқ чизиги билан кесишиш нуқтаси. Эклиптика — осмон сферасида Қуёш йил бўйи кўринма ҳаракат қиладиган катта айлана.
28. Қуръони карим, 22-сура (Сажда сураси), 5-оят.
29. Мавжудлик ва йўқлик — кавн ва фасод.
30. Инқилоб — Қуёш туриши, юнонча «тропик»; яъни Қуёшнинг тропик чизигидан бурилиши.
31. Жадий буржи — ўн икки буржнинг ўнинчиси.
32. ...унсуриётда — яъни тўрт унсур (ер, сув, ҳаво, олов); 12 буржнинг ҳар учтаси бир унсурга

мансуб бўлиб, эклиптикада бир учбурчакда жойлашади, сифатлари бир-бирига яқин: ҳамал, асад, ақраб — оловга; савр, сунбула, жадий — тупроққа; жавзо, мезон, далв — ҳавога; саратон, ақраб, ҳут — сувга мансуб.

33. Фалакиёт — астрономия, астрология.

34. Зухал — Сатурн; мижози ўта совуқ ва қуруқ.

35. ...тупроқдан бўлган уйи — Зухал ўрни ердаги турли жойларда (ғорлар, чўл-биёбонлар, харобалар ва ҳ. к.) кўрсатилган.

36. Қуръони карим, 59-сура (Ҳашр сураси), 24-оят.

37. Ҳақиқат — тасаввуфда шахснинг Оллоҳ йўлида тақомиллашувининг уч босқич (шариат, тариқат, ҳақиқат)дан охиригиси.

38. Ҳаракатдаги юлдузлар — қадимги астрономлар ақидасида етти сайёра. Ундан юқорида саккизинчи сфера (осмон)да ҳаракатсиз юлдузлар жойлашган.

39. Юқори сайёралар — Сатурн, Юпитер, Марс. Қадимги астрономлар тушунчасида етти сайёранинг тўртинчиси Қуёш бўлган ва у сайёраларни юқори ҳамда қуйи қисмларга ажратувчи чегара ҳисобланган.

40. Мутлақ юксаклик — яъни, энг юқори сайёра, Сатурндир.

41. ...ўнинчида — яъни Жадий буржида; у эклиптика чизиғида жойлашган ўн икки бурждан энг юқоридагиси саналади.

42. ...уйидир — Қуёшнинг эклиптика бўйлаб 12 та буржда бўлиши; бу буржлар аини вақтда уйлар ҳам дейилади.

43. ...ўн биринчи бурж — Далв буржи; унда яхши хулқ, олижаноблик, адолатпарварлик, улғуворлик, алдамчилик каби ҳолатлар қайд этилган.

44. ...тўртинчи қозик — қозик — астрологияда асосий тўрт уй (бурж)нинг 1, 4, 7, 10 бошланиши, яъни эклиптикадаги ўрнининг уфқ ва осмон меридиани билан кесишишига айтилади. Тўртинчи уй уфқнинг остки қисмидир, яъни энг юқори нуқтага қарши томондадир.

45. Уторуд — Меркурий сайёраси.

46. ...шараф қўнимгоҳи — юқори нуқта, яъни бунда сайёралар энг юксак даражага кўтарилиб, худди тахт узра ўтирган подшоҳларни эслатади.

47. Муштарий — Сатурн сайёраси.

48. Миррих — Марс сайёраси; қадимги мунажжимлар ақидасида уруш ва зўравонлик ҳомийси.

49. Саъди асғар — кичик бахт юлдузи, Зухра (Венера) сайёраси.

50. Озор (озар) — эронликлар қуёш солномасидаги тўққизинчи ойнинг номи (Григорий солномасида 22 ноябрь — 22 декабрга тўғри келади).

51. Қуръони карим, 43-сура (Зухруф сураси), 32-оят.

52. Қуръони карим, 6-сура, (Анъон сураси), 83-оят.

53. Қуръони карим, 4-сура, (Нисо сураси), 54-оят.

54. Назира — махсус танлаб олинган услубда ёзилган шеър.

55. Мусаввада — дастлабки нусха; ишчи нусха; муаллиф дастхати.

Форс-тожик тилидан **Омонулла БУРИЕВ** таржимаси.  
Нашрга тайёрловчи **Асомиддин УРИНБОЕВ**.

Давоми келгуси сонда



## Темур Хўжа

Темур Хўжа — Олмонияда яшаётган миллатдошимиз. У 1947 йилда Туркиянинг Истанбул шаҳрида туғилган. Туркия, Покистон, Амриқода таҳсил олган. Дадаси Усмон Хўжа уни болалик чоғлариданоқ Навоий, Бобур, Чўлпон шеърляти билан таништириб ўстирган. Темур Хўжа юрагидаги ватан соғинчию ҳасратини ўз она тилида шеърлар ёзиш орқали юпатади. Ҳозирги кунда Мюнхен шаҳридаги «Озодлик» радиосида хизмат қилмоқда.

# Ошлардан бир садо

## Навоий руҳи оҳ тортгунча

Навоий кўз нурини тўкмиш,  
Қоронғи тунлар тонг отгунча.  
Юрт бағрини якқалам этмиш,  
Томирида томчи қон қолгунча.

«Элим!» деб, очмиш юрак кўзин,  
«Тилим!» деб, айтмиш юрак сўзин,  
«Юртим!» деб, ёқмиш юрак юзин,  
Азиз бошин ерга қўйгунча.

Бу зolim тақдир кимга керак?  
Шул улўғ зотни мендек, фалак,  
Чет эллик қилиб қўймиш, демак,  
Ҳирот Туркистонга қайтгунча.

Само нолам билан ўртансин,  
Ё шўр кўнглим ватанга етсин,  
Ё ватан ўзи туриб келсин,  
Навоий руҳи оҳ тортгунча.

14 июнь 1991  
Мюнхен

## Руҳим — ватаним...

Халқимда демак бор экан эзгу —  
Ору номус деган муқаддас туйғу,  
Бағримни эзса-да, муҳаббат қайғу,  
Чегарадан ўтолмаганим бўлсин...

Юртим, куярсан шарқона-шарқона,  
Мен чидолмасман, девона-девона,  
Усган бўлсам-да ғарбона-ғарбона,  
Кўкрагингдан тутолмаганим бўлсин...

Олиб кетолмасдан ғариб бошимни,  
Тупроғингда юмолмасдан кўзимни,  
Ёш боладек етим қолган руҳимни  
Остонангдан узолмаганим бўлсин...

Бир кун, албат, ўтиб кетар бу йиллар,  
Тинчир шамоллару тинчир ҳасратлар,  
Наҳотки, музлар юракда фарёдлар,  
Осмонингдан ўполмаганим бўлсин?!

9 ноябрь 1991  
Тошкент — Москва учқучида



## Олислардан бир садо

Она юртим, тонг чоғи  
Менга ўхшаш бир сабо  
Етказар тоғлар ошиб,  
Олислардан бир садо.

Қаро тунни тез қувиб,  
Оқ тонг билан келгайман.  
Кўкда кунни кўзғатиб,  
Кўзларингдан ўпгайман.

Бу садо илтижомас,  
Бу садо бир тебраниш.  
Бу садо интиҳомас,  
Бу садо бир уйғониш.

Сабо бўлиб сочингда,  
Ўзимга тахт қурайин.  
Садо бўлиб қалбингда,  
Элимга бахт сўрайин.

Март-апрель 1991  
Мюнхин

## Тут мени

Узоқ йўлдан келганман,  
Қўлларимдан тут мени.

Хўл бўлди киприкларинг,  
Шул кунимдан тут мени.

Тортган ҳасрат сен учун,  
Кўзларимдан тут мени.

Оқ қалбингдек кенг бу уй,  
Сўзларимдан тут мени.

Ташқарида қорбўрон,  
Юрагимдан тут мени.

Лекин сиғмас севинчим,  
Қанотимдан тут мени.

Яна қайтиб йўқотма,  
Осмонимдан тут мени.

Апрель 1986 — Июнь 1991  
Истанбул — Мюнхин

## Қайси кундасан, Туркистон?

Шоир, ҳофиз Дадахон Ҳасанга

Хоразм — қуёш ўлкаси,  
Бухоро — нур балдаси,  
Самарқанд — илм қуббаси,  
Фарғона — сўз чашмаси.

Сен қанча ўлкасан, Туркистон?  
Сен қанча юраксан, Туркистон?

Чимкент — қимиз ўчоғи,  
Олмати — куч ўртоғи,  
Бишкек — Манас байроғи,  
Гўктепа — эр ўтоғи.

Сен қандай ўлкасан, Туркистон?  
Сен қандай юраксан, Туркистон?

Душанба — жон бозори,  
Қашқар — ҳунар назари,  
Или — юртим баҳори,  
Ҳирот — халқим мадори.

Сен қайси ўлкасан, Туркистон?  
Сен қайси юраксан, Туркистон?

Оролда кўз ёшинг бор,  
Олатовда бошинг бор,  
Хўтанда ёй — қошинг бор,  
Қизилқумда тошинг бор.

Сен қандай чидайсан, Туркистон?  
Сен кимни кўзлайсан, Туркистон?

Уғлингни кўзғатган ким?  
Қизингни бўзлатган ким?  
Жайхунни қуритган ким?  
Семейни булғатган ким?  
Кўзингдаги ёшми, Туркистон?  
Бағрингдаги тошми, Туркистон?

Тарихингни эслаб ол,  
Тупроғингни кўзлаб ол,  
Ўз тилингни сўзлаб ол,  
Бойлигингни қўллаб ол,  
Айт, қайси кундасан, Туркистон?  
Айт, қандай кундасан, Туркистон?

Култегин<sup>1</sup> тошга ёзди,  
Яссавий руҳга ёзди,  
Фаробий ўйга ёзди,  
Навоий қалбга ёзди,  
Улуғбек кўкка ёзди,  
Темур бу ерга ёзди,  
Кўрсат жамолингни, Туркистон!  
Кўрсат камолингни, Туркистон!

18 март 1991  
Мюнхин

## Ватан тўртликлари...

1

Мен Ватанда эмасман,  
Ватан менинг ичимда,  
Балки тинчлик кўрмасман,  
Кўрсин Ватан кўксимда.

2

Ватан эрк деб куйганда,  
Тоғлар осмон ўпганда,  
Халқим сени кутганда,  
Темир бўлсанг чидаб кўр!

3


Биз девона руҳлардан,  
Бир бутун руҳ тузалгай.  
Яхлит бир бутун руҳдан,  
Яхлит Ватан яралгай.

4

Юртга боролмай қолсам,  
Дарахтлар сезармикан?  
Олисларда кўз юмсам,  
Ватан — «Ўғлим!..» дермикан?

1990—1991  
Мюнхин

<sup>1</sup> Култегин — Кўктурк давлатини биргаликда бошқарган Билган Қағаннинг ўкаси. Култегиннинг ўлими муносабати билан 732 йилда қадимий Ўрхун Турк ёзувидаги тош обида тикланди.



## Қаҳорли Ҷонли ёхлуд Задғодор Зад ДеЗадго хотинлидаб ҳақлида килед

Хотинининг макр-ҳийласидан жафо чеккан соддадил  
бараҳман ҳақидаги еттинчи ҳикоят<sup>1</sup>

Ровийлар ва «Веда»ларнинг<sup>2</sup> билимдонлари бу ажойиб ҳикояни нафосатли услуб саҳифаларида шундай баён қиладилар. Дейдиларки, аскарлар табақасининг улуғ қароргоҳи бўлган Банорас шаҳрида бир бараҳман йигит яшар эди. Унинг дил лавҳлари илмдан қуп-қурук, истеъдодининг шохобчалари бўм-бўш эди. Унинг ширинсухан ва тили ўткир хотини бор эди. Бу аёл айёрлик ва муғамбирлик санъатида ном чиқарган бўлиб, фириб мактабида иблисга-да дарс берар эди.

Алқисса, кунлардан бир куни бараҳманнинг хотини бир барно йигитни учратиб қолди. Унинг кўнгил қуши муҳаббат осмонида парвоз қила бошлади, йигит ишқи жисму жонини ёқди. Бошида эри бўлганлигидан, хуштори билан кўп қийналиб учрашар, муҳаббат гулшанининг нашъали гуллари бемалол уза олмас эди. Ниҳоят, бу хотин ифлос истаги йўлида эридан воз кечишга қарор қилиб, уни узоқ мамлакатларга сафарга жўнатиш режаларини туза бошлади.

Кунлардан бир куни нодон эр эҳтиросга тўлиб, шармисор хотинининг пинжиги кирмоқчи бўлди. Лекин хотини ёлғондакам аразлаб, эрига орқасини ўгириб олди. Шундай қилиб, бечора эр кўнгилсизлик ва дилсиёҳликка учради. Бараҳман хотинларнинг айёрлиги ва муғамбирлигидан бутунлай беҳабар эди. У хотинининг қилиғидан таажжубга тушиб, нимадан хафа бўлдинг, деб суриштира бошлади. Шу пайт маккорра хотин айёрлик билан жавоб қилди:

— Нега хафа бўлмайин? Нима учун таъзим хира бўлмасин? Бугун аслзода бир аёл шаҳримизнинг бообрў хотинлари ҳузурида аччиқ сўзлар билан роса адабимни берди. «Сен бошқалардан афзаллигингни даъво қилсан, ақлинг, зеҳнинг, зийраклигинг билан бошқалардан ажралиб туришини хоҳлайсан. Шундай экан, нима учун илми ва билими йўқ эрингни тарбия қилолмайсан? Дунёда сенинг эрингдек нодон бараҳман бормикан? Ҳарқалай, бизнинг шаҳримизда эрингдан анқовроқ одам йўқ!» Бу сўзлар кўкрагимга найзадек санчилди. Сен қанақа ҳаёт кечиряпсан? Бунақа эрим бўлганидан тул қолганим афзал. Шаҳримизнинг хотинлари мени мазаммат қилишяпти, дилимни яралашяпти, шармандалик оловида юз марталаб қовуришяпти.

Хотин ҳамма нарсани бўрттириб, бараҳманнинг нафсониятига тегадиган сўзларни айтиб юборди. Аммо у хотинининг ҳақиқий ниятига барибир тушунолмади. Уша кунийёқ йўлга ҳозирланиб, жонажон диёрини ташлаб, илм олиш ниятида ҳамма нарсадан кечиб, узоқ ўлкаларга қараб жўнади.

<sup>1</sup> Ведалар — қадимий ҳинд адабиёти ёдгорликларига мансуб асарлар. Тўрт тўпلامдан иборат. Назм ва насрда ёзилган маҳжя, дуо ва афсунларни ўз ичига олади. Бу тўпламлар «Ригведа», «самоведа», «Яжур-веда», «Атхарваведа» деб аталади.

<sup>2</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

Бараҳман бирор шаҳар ё қишлоқда донишманд киши яшар экан, деган гапни эшитган замони унинг ёнига шошилар ва керакли билимларни оларди. У барча фанлар ва билимларни ўзлаштирди. «Веда»нинг тўртта мажмуасини ёдлади, жуда кўп машҳур руҳонийлардан таълим олди, истеъдодини камолга етказди. Шундай қилиб, унинг шуҳрати бутун атрофга ёйилди. У уйига хурсанд бўлиб қайтди. Тун ярмидан ошган эди, хотини эрининг қайтиб келганига жудаям хурсанд бўлгандай, айёрлик билан кутиб олди. Эрининг оёқларидаги чанг-ғуборларни ювиб курсига ўтказди. Хотинининг хушторли эса, худди шу пайтда одатдагича зиёфат ва базм учун барча тайёргарликларни қилиб, учрашувнинг завқли дақиқларини кутиб ўтирар эди. Аммо маъшуканинг ўрнига уларнинг ўртасидаги воситачи аёл келиб, бараҳман қайтганлигини хабар қилди. Хуштор қаттиқ хафа бўлиб, маъшукасига шундай деб қўйишни тайинлади: «Айш-ишрат учун ҳамма нарса муҳайё, сен кўнглим уйини ҳусни-латофатинг нурлари билан чароғон қилишинг лозим».

Хотин воситачи аёлдан қуйидаги жавобни жўнатди: «Эрим бегона юртларда узоқ вақт бўлгандан кейин қайтиб келди, шу сабабли бу кеча сенинг ёнингга ҳечам боролмайман. Шунинг учун маъзур тут, чунки менинг айбим йўқ».

Хушторининг ниҳоятда таъби хира бўлиб, маъшукасига яна хабар йўллади:

«Сен билан учрашувга кўз тутиб, нодир таомлар ва шароблар ҳозирлаб қўйдим. Чанг сени кўмсаб нола қиляпти, май эса сенга интизор бўлиб кўзада жўш урляпти. Агарда севгингга содиқ бўлсанг, бечора ошиғинг кўнглини қади шамшодинг соясида мунаввар қил, унинг кўксига ёнган алангани роҳатбахш висолингнинг зилол сувлари билан ўчир. Акс ҳолда менга жуда қийин бўлади, ҳаётимнинг маъноси қолмайди. Ахир, ошиқ-маъшукларга бир-бирларини ноумид қилишлик ярашмайди:

**Кўнгли уйимдаги ёниб турган шам,  
Кел, сенсиз ёришар — на кулба, на базм.»**

Бараҳманнинг хотини хушторининг аҳволини сезиб, унинг дилига озор бергиси келмади. Шунинг учун унинг хурсандчилиги ва мамнуниятини дунёдаги ҳамма нарсадан аъло кўриб, розилигини билдириш мақсадида кафтини кўзига тутди ва унга шундай деб жавоб юборди: «Ғам ема ва қайғурма, нозик юзингни тирноқларинг билан тимдалаб, муҳаббатимизга раҳна солма. Мен қандай қилиб бўлмасин ёнингга бориб, бошингга наргисдек эгиламан».

Сўнг бараҳманнинг хотини ўйга ботди, кейин ҳийла-найранг бисотини очиб, эрига мурожаат қилди:

— Алҳамдулиллоҳ, бегона юртлардаги ғам-ғусса ва йўл машаққатларидан қутулиб, эсон-омон қайтиб келдинг. Менинг интизор кўзларим чеҳранг латофатидан яна ёришди, ҳижрон аламларининг алангасини дийдорлашувнинг зилол сувлари ўчирди. Тақдир ва насибамдан миннатдорман. Энди аниқ биламанки, сен барча илмларни мукамал ўрганиб олдинг. Қандай илмларга эга бўлганлигингни тушунтириб беришингни истайман. Шундай қилсанг, сенинг илмингга менда ҳеч қандай шубҳа қолмайди, бутунлай хотиржам бўламан.

Эр мағрур жавоб қилди:

— Эй менинг маҳбубам, меҳрибон ёрим! Ортиқ ғам чекма, мен «Веда»нинг тўртта жилдини ёддан биламан, билимим жиҳатидан машҳур уламоларга тенгман.

— Вой шўрим қурсин! — хитоб қилди хотин. — Сен ҳали «Веда»нинг бешинчи китобини ёд олмадингми?

— Эй хотин, — жавоб қилди бараҳман, — комил бараҳман руҳонийлари ва доно роҳибларнинг айтишича, «Веда» тўртта китобдан иборат. «Веда»нинг бешинчи китоби ҳақидаги гапни қаердан эшитдинг?

Хотини, қўлларини бир-бирига уриб, хитоб қилди:

— Мунчалик бахтим қаро бўлмаса менинг! Қисмат дафтариди толеим паст қилиб ёзилган экан, фалакнинг гардиши билан бебахт бўлиб яратилган эканман. Сен бегона юртларда саргардон бўлиб юрган пайтларингда кечаю-кундуз ғам-чекиб, ҳижрон аламида ёндим, фақат висол умиди билан яшадим. Бирдамас-бирда қайтиб келасан, мени ҳижрон аламларидан қутқарасан, деб орзу қилар эдим. Мана энди қайтиб келдинг-у, умидим ваҳима билан алмашиб, орзуларимнинг занжири узилди.

Бараҳман хотинининг ғалати сўзларига таажжубланиб, сўради:

— Нима сабабдан бунчалик маъюс ва ғамгин бўлиб қолдинг?

— Шаҳар ҳокими, — жавоб қилди хотини, — мушкул аҳволга тушиб қолибди. Унинг мушкулани фақат «Тиря-Веда»<sup>1</sup>ни билган одамгина осон қилиши мумкин экан. «Тиря-Веда» — бу «Веда»нинг бешинчи китоби. Бу масалани ҳал қилиш учун шаҳримиз бараҳманларини ҳоким саройига чақиртиришди, лекин улар буни уддалай олишмади. Шундан кейин уларни зиндонга ташлашди. Ҳоким уларга бир кеча муҳлат берди. Агар

<sup>1</sup> «Тиря-Веда» — ҳиндча «Хотинлар ҳақида Веда» дегани. Аслида бундай китоб йўқ. Бараҳманнинг хотини буни атай ўйлаб топади.

эртага ҳам ҳокимнинг мушкулини осон этишолмаса, қатл қилинадилар. Қайтиб келган-лигингни эртагаёқ ҳокимга етказишади ва сен ҳам ўша бечора бараҳманлар қаторига қўшилсан. Мен бўлсам, ҳижрон азоб-уқубатларида ёна-ёна бахтсиз бевага айланаман. Ахир ёшман, ҳали ўн гулимдан бир гулим ҳам очилгани йўқ.

Содда эр маккора хотинининг тузоғига илинди. Шу заҳотиёқ эрлик жасоратини кўлдан бой бериб, эс-ҳушини йўқотди. Айёр хотин дарров унинг юзига гулоб сепиб, деди:

— Бардам бўл, балодан омон сақлаш йўлини топдим. Бу, албатта, худонинг иноя-ти. Қайтиб келганлигингни ҳеч ким билмай туриб, шаҳардан чиқиб бегона юртга жўна. Мен бахти қарони яна ҳижрон азобига йўлиқтир. «Веда»нинг бешинчи китобини излаб топ! Балки, анги илмларга эга бўларсан, лаёқатингни камолга етказарсан, замонамиз-нинг барча донишмандларидан ўзиб кетарсан.

Хотинларнинг ҳийлагарлигидан беҳабар гўл эр жудаям чарчаганига қарамай, ўша кечасиёқ яна узоқ ўлкаларни кезиш учун жўнаб кетди. Бараҳманнинг шарманда хотини бўлса, шундай зўр ҳийла-найранг ўйлаб топганлигидан қувона-қувона хушторининг ёнига борди-да, у билан айш-ишратга берилди.

Нурафшон офтоб кўкка кўтарилганда бараҳман қандайдир бир шаҳарга келиб, ғамгин ҳолатда чашма лабига келиб ўтирди. Иттифоқо, шу пайт сув олиш учун беш аёл келиб қолди. Уларнинг нигоҳи, юзи қовжираган гуллар мисол буришган, маъюслиқдан бужмайган бараҳманга тушди ва сўрашди:

— Кимсан, қаерликсан? Нима сабабдан бунчалик ғамгинсан?

Бараҳман бор гапни уларга айтиб берди. «Тиря-Веда»ни яхши билганликларидан, аёлларнинг чеҳрасида табассум пайдо бўлди. Чунки улар гап нимадалигини фаҳмлаган эдилар. Бараҳманнинг бундай ишлардан беҳабарлигини сезиб, унга раҳмлари келиб, дейишди:

— Эй ақлу ҳушидан бегона, илм йўлидан озган бечора! «Тиря-Веда» — бу мавж урган денгиз, чексиз уммон. Бирорта донишманд уни ўз ақли-идроки билан ўлчаб чиқолмаган. Лекин бардам бўл, сенинг учун бу масалани биз ҳал қиламиз ва бу илм сирларини ўргатамиз.

Бараҳман бу сўзлардан чексиз қувониб аёлларга миннатдорчилик билдириб, деди:

— Худо менга марҳамат ва бахт ато қилди. Сизларнинг ёнингизга келиб, фалак-нинг жабр-зулмидан қутулдим.

Фирибгар аёллар ўзаро келишиб, ҳар бири бараҳманни навбат билан уйига олиб бориб, ақлу ҳушидан ажралган бу бахтиқарога таълим бермоқчи бўлишди. Токи у, «Тиря-Веда»нинг нозик тафсилотлари ва бу таълимотнинг бешта учрашув қисмини ўрганиб, не-га интилган бўлса, шунга эришсин.

## БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Уша куниеқ аёллардан бири аҳмоқ жаҳонгаштани уйига олиб бориб, эри ва қайно-насига опамнинг ўғли деб таништирди. Аёл бараҳманга алоҳида хона ажратиб, дастур-хон ёзди. Зиёфат тайёрлаб, ҳар хил таомлар ва ичимликлар олиб кирди.

Тун келинчаги юзига қора парда ташлаганида, хотин эрига баҳона қилиб, ундан рухсат сўраб, ҳайрат гирдобига ғарқ бўлган бараҳманнинг ёнига кирди. Бироз вақт хушомадгўйлик қилиб, бараҳманни авради. Кейин бирга ётишликни таклиф этди.

— Вақт ғаниматдир, — аврай бошлади хотин, — ахир, лаззатли умр ўткинчидир.

Бунақанги ишларда тажрибаси йўқ бараҳман хижолатдан терга ботиб, хитоб қилди:

— Эй, кўрнамак хотин! Ахир сен ҳали-замон мени жияним деб таништирган эдинг, энди эса бузуқлик қиляпсан. Худо ҳаққи, хиралик қилма, мен ҳеч қачон бунақанги жирканч ишларга юрмайман.

Бунга жавобан хотин деди:

— Сен бутунлай менинг ихтиёримдасан. Саркашлик қилма!

Сусткашлик етаклар ҳалокат сари,  
Чанқоқликда инсон сўлган сингари.

Аммо бараҳман ҳеч нарса тушунмас эди. Шунинг учун ҳам у, бу жирканч ишга журъат этолмади. У бараҳманлик мартабасини баҳона қила бошлади. Маккора хотин эса, ўзича ўйлади: «Бу аҳволда бу толеи паст тентак ҳеч қачон мақсадига эришолмай, ҳамма нарсадан бенасиб қолади».

У ўз бахтидан маҳрум бўлмаслиги учун нима қилиш керак?

Шу пайт хотин бараҳманнинг адабини бериш керак, деган қарорга келди ва кўзла-рини қисиб, ёлғондакам ғазаб билан бақирди:

— Эй нонкўр, инсофсиз! Бу қанақанги қабиҳлик ва ярамаслик! Мен сени ўғлим қатори деб билиб, меҳрибончилик кўрсатмаганмидим? Сени жияним деган эдим, жиян эса ўғил билан баробар! Сен номусимга тегмоқчи бўляпсан, зўравонлик билан пок номимга доғ туширмоқчисан! Иффатимга шайтоний синов ва иблисона ҳирс билан инсод келтирмоқчисан!

Шундан кейин, у кўни-кўшнилари чақира бошлади:

— Эй ҳамсоялар! Бечора аёлга ёрдам беринглар, мени манаву қўпол одамдан кутқаринглар!

Шу заҳоти ҳар томондан аёллар югуриб чиқишди. Ишнинг бунақанги чаппа кетишини кутмаган бараҳман кўрқувдан ҳушини йўқотди. Айёр хотин дарров ниқобини ўзгартириб, тушунтира кетди:

— Опа-сингилларим, бу йигит менинг жияним. Узоқ йиллар айрилиқдан кейин мени кўргани келган экан. Бундан бир соат муқадам ширгуруч қилиб беринг, деб илтимос қилди. Лекин бехос аҳволи ўзгариб, ўзини ўзи уриб, ҳушидан кетиб йиқилди. Билмадим, унга нима бўлдикин, ҳушига келтиришимга ёрдам беринглар.

Шундан кейин, хотин хўрсиниб, зор-зор йиғлади. Кўшнилар ҳар хил дори-дармонлар олиб чиқиб, унга таскин бера бошлашди.

Кўшнилар чиқиб кетишгандан кейин, бараҳман кўзини очиб, деди:

— Зиммамга оғир синов тушган экан! Жанжалдан зўра кутулиб қолдим.

Шайтон васвасасига учраган хотин деди:

— Эй, сўтак! Бало яқинлашганди-ю, худога шукр, ёнингдан ўтиб кетди! Энди дарров менинг истагимга бўйсун, гапимни қайтара кўрма. Бу сафар кутулиб кетолмайсан, ҳалок бўласан!

Бараҳманнинг хотинга бўйсунушдан бўлак иложи қолмади.

Ниҳоят, хотин бараҳманга деди:

— Эй лапашанг, сенга ибрат кўрсатдим. Эҳтиёт бўл, энди янглишма, дарров майлимга бўйсун:

**Маъжусий гар буюрса, май тўккил жойнамозга —  
Йўл азобин тушунар ким ҳам сайёҳдан бўлак.**

— Кўпинча, — давом этди хотин, — биринчи учрашувда кўп нарсалар жирканч туюлади, агарда яхшилаб қарасанг, ўша кўрган нарсанг мақтовга лойиқ бўлиб чиқади. Тақводорнинг йўлда учратган нарсаси, унинг фойдасига айланади.

Ибодатхонадан санам кўрингандек, офтоб машриқдан ўз жамолини кўрсатганда айёр хотин бараҳманга рухсат берди. Кейин, у кечани қандай ўтказганлигини дугоналарига ҳикоя қилиб бериш учун кўза кўтариб чашма ёнига жўнади.

## ИККИНЧИ УЧРАШУВ

Сўнг иккинчи хотин бараҳманга кўмак бермоқчи бўлиб, уни уйига олиб келди ва эрига деди:

— Бугун баққолнинг хотини аёллар орасида эрини роса мақтаб, «Эримнинг фази-латлари ҳаддан зиёд, унинг яхши хислатларини тасвирлаб ҳам, айтиб ҳам адо қилиб бўлмайди. Унинг қўлидан келмайдиган иши йўқ. Кўзини боғлаб сигир соққанда бирор томчи сут ерга тушмайди» деди. Мен ўзимни туютолмай, унга эътироз билдирдим: «Бу мақтовга арзигулик иш эмас. Менинг эрим бу ишни ниҳоятда ўрнига қўйиб қилиши мумкин». Лекин баққолнинг хотини сўзларимга ишонмади. Мен эса гапимда қаттиқ туриб олдим. Ниҳоят, биз у билан гаров боғлашдик. Гапимни устидан чиқиш учун гувоҳ тариқасида мана бу йигитни олиб келдим. Ишончим комилки, сен бу йигитнинг ҳузурда сигир соғиб, ўз қобилиятини исбот қиласан, токи мен шаҳар аёлларининг орасида шарманда бўлмай.

Ўзини нафсониятли деб билган эр хотинига таскин бера бошлади:

— Бу унчалик қийин иш эмас, сен ўзингни койитиб, нозик кўнглингни безовта қилма. Нима, мен ўша баққол, пиёзфурушдан камманми? Аёллар ўртасида хижолат бўлишинга йўл қўймайман!

Эрининг жавобини эшитгач, ҳийлагар хотин боди сабодан очилган ғунчадек яшнаб кетди. У дарров беақл эрининг кўзини боғлаб, қўлига идиш тутқазиб, сигирнинг оёқларини боғлаб, эрининг олдига олиб келди. Сўнг бараҳман билан ишратга берилди. Пича вақт ўтгач, ирғиб ўрнидан туриб эрининг қўлини ўпди, унинг кўзига боғланган рўмолини ечди ва мамнунлигини изҳор қилди. Эри бўлса хотинидан ҳам хурсандроқ эди, чунки шундай қийин ишни кўз юмиб бажарган эди. Маккора хотин бараҳманга деди:

— Эримнинг эпчиллигини кўрдингми?

Бу пайт эр табассум-ла мағрур турар, ўз шаънига айтилган ортиқча мақтовларга қулоқ соларди, бараҳмандан ўз маҳоратига қойил қолганлигини тасдиқлашни сўрарди. Эр хурсанд бўлганлигидан ўзини қаерга қўйишини билмасди. Шундан кейин хотин тақводор бараҳманга ухлайдиган жойни кўрсатиб, хайрлашиб чиқиб кетди.

Эртаси кўни, офтоб бараҳмани кўк ибодатхонасидан тилло зуннорини тақиб мўралаганда, бешала аёл чашма бўйида йиғилишди. Ҳалиги ёлғончи хотин эрини қандай алдаганини айтиб берди.

Охири келгуси сонда



Сулаймон Шодиев

### Иблис

Мен сенинг туғинга дахл қилмадим,  
Сен нечун ўт кўйдинг менинг Каъбамга?  
Нечун ғанимлигинг аввал билмадим,  
Таяндим, таяндим энди тавбамга!

Аждаҳо эмасдим, аммо не сабаб  
Қиймалаб ташладинг бўлак-бўлакка?  
Исёнчи эмасдим, бироқ сен авраб  
Кўринмас кишанни солдинг билакка.

Сенга борганим йўқ, сен ўзинг келдинг,  
«Мен-да ҳақир» дединг кўзда ёш билан.  
Кел, оға бўлайлик, дея эгилдинг,  
Қўйнинг тўла эди аммо тош билан.

Гоҳ бурним қонатдинг, гоҳо кўксимни,  
Ўтар-кетар, дедим қардошлик ҳаққи.  
Ўшанда очсайдим агар кўзимни  
Балки бу кўйларга тушмасдим, балки...

Яна эга чиқдинг эрким, еримга,  
Энди амрингдаман, не десанг — вожиб!  
Ўзни топширибман тамою сеҳрингга,  
Энди қутулмоқнинг борми иложи?...

Бир мўмин эдим-ку, не учун ахир  
Маломатга қолдим, қолдим таънага?  
Ахир қилмагандим туғинга дахл,  
Сен нечун ўт кўйдинг менинг Каъбамга?

Омон Ражаб

### Талош

Вожаб, мардум бугун — мансабталош,  
Ҳарф талош, сарҳад талош, мазҳаб талош!

Ғар десанг: «Бунда риёдан дарс ўтар», —  
Бўлғуси устоз талош, мактаб талош.

Водариг, кўплар бугун қул нафсига —  
Урганур биздан иту маркаб талош.

Ердаги бор нарса торож бўлди-ку,  
Эрта бўлғай кўкдаги кавкаб талош.

Ё худодан шундайин амр келдими?  
Ёки даврон беги дер мактаб: талош!

Эй Омон, ушбу усулдан қил ҳазар,  
Ҳақ талош, мардлик талош, матлаб талош!

**НАСР**

|   |     |
|---|-----|
| Кўчқор Норқобил. Дарё ортидаги йиғи. Қисса . . . . .                                  | 4   |
| Нормурод Норқобиллов. Хазина. Қисса . . . . .   | 41  |
| Ҳожи Эмин Усмон. Муножот. Эссе . . . . .  | 120 |
| Иноятуллоҳ Канбу. Баҳори дониш ёхуд вафодор ва бевафо хотинлар ҳақида қисса . . . . . | 187 |

**НАЗМ**

|  |     |
|--|-----|
| Жуманиёз Жабборов. Сен хаёлим мавжларинда . . . . .  | 36  |
| Фарида Бўтаева. Қуриган дарахтга йиғлайман . . . . . | 39  |
| Асқар Маҳкам. Таважжух. Достон . . . . .             | 71  |
| Талабалар дафтаридан . . . . .                       | 167 |
| Темур Хўжа. Олислардан бир садо . . . . .            | 184 |

**МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ**

|   |     |
|---|-----|
| Малика Мирзаева. Аёл эрки ва замон юки . . . . .                          | 84  |
| Акмал Икром. Ўғли. Миркомилбой қандай шахс эди . . . . .                  | 88  |
| Хуршид Дўстмуҳаммад. Уч ҳукумат қолипига сиғмагай бой . . . . .           | 98  |
| Оразий. Насибам ғам эрур . . . . .  | 102 |
| Сирожддин Аҳмад. Мунаввар қори . . . . .                                  | 105 |
| Исроилжон Исоқов. Қирғинни ким қилган-у, жадига қолган ким эди? . . . . . | 158 |
| Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома . . . . .                                 | 174 |

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»  
№ 5

Журнал писателей Узбекистана

Издательско-полиграфический концерн «Шарк» при управлении  
делами аппарата президента республики Узбекистан,  
Ташкент — 1992

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев

Навбатчи М. Мансур

Таҳририятга келган бир босма тобоқча материаллар муаллифларига қайтарилмади. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монелик, кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент — 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечпть» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 06.03.92 й. Босишга рухсат этилди 8.04.92 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub> Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 12. Шартли босма тобоғи 18,2. Шартли босма тобоғи 19,25. Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Тиражи 84083 нусха. Буюртма 325. Баҳоси 10 сўм.

Ўзбекистон республикаси президенти маҳкамасининг ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.